ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

65.01
Ш-78

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ш. ШОДМОНОВ, Р. АЛИМОВ, Т. ЖЎРАЕВ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Республика мувофиқлаштириш комиссияси тавсия этган

Академик С. С. ҒУЛОМОВ таҳрири остида

ТОШКЕНТ — «МОЛИЯ» — 2002

BUXORO YUQORI TEXNOLOGIYALAR MUHANDISLIK-TEXNIKA INSTITUTI
ARM
Ч 2640

33(075)
Ш-74

УДК. 330
ББК.65.01я73

Ш. Ш. Шодмонов, Р. Х. Алимов, Т. Т. Жураев. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, «Молия» нашриёти, 2002 йил. 416 б.

Иқтисодиёт назарияси буйича тайёрланган мазкур қўлланмани ёзишда кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва олий ўқув юртларида бакалаврлар тайёрлаш давлат андозасининг иккинчи босқичи талаблари ҳисобга олинган. Ҳар бир мавзу мазмунини ёритишда Республика Президенти И. Каримов асарларидан, Республика қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан кенг фойдаланилган.

Ўқув қўлланма бир-бири билан мантиқан боғланган тўрт қисмдан иборат бўлиб, уларда иқтисодиётнинг умумий асослари, бозор иқтисодиёти, макроиқтисодиёт ва жаҳон хўжалигига оид мавзулар ўрин олган. Айниқса, ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиётининг қонун-қоидаларига, молия, кредит, банк ва пул тизимининг ролига катта эътибор берилган.

Қўлланма барча йўналишдаги бакалаврлар учун мўлжалланган.

©Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Молия» нашриёти, 2002 й.

Ук 2635
Научная библиотека
ТИНХ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланди

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентимиз И. А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган ўзининг мустақил тараққиёт йўлига асосланган ҳолда бозор иқтисодиётига тўла ишонч билан ўтиб бормоқда. Президентимиз И. А. Каримов айтганларидек, «Сиёсий мустақиллик ривожланган, ўзаро мутаносиб, тўлақонли иқтисодиёт билан мустаҳкамланмас экан, у бор-йўғи қуруқ, баландпарвоз гаплар, сохта обрў орттириш воситасига айланиб қолаверади»[1]. Мустақилликнинг ўтган 11 йиллик даври давомида миллий хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, инқироз ҳолатидан чиқарилди ва унинг кўпгина соҳаларида барқарор ўсишга эришилди. Бозор механизмининг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари вужудга келтирилди, ҳозирги кунда эса иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни ҳар тарафлама эркинлаштириш амалга оширилмоқда. Энг муҳими шу давр ичида миллий истиқлол ғояси ва мафкураси шаклланиб, кишиларимиз онгига сингиб бормоқда.

Мамлакатимиз президенти И.А.Каримов айтганларидек - «Истиқлол мафкураси кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғоялар ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу интилишлари, хаётий идеалларини ўзида акс эттиради».[2]

Бу қўйилган дастлабки қадамларимиз натижасида шаклланиб келаётган миллий иқтисодимиз янги асрда биз яшамоқчи бўлган умумий уйимиз, яъни янгиланаётган ватанимизнинг ҳаётий асосини, унинг келгусидаги тараққиёт манбаини ташкил этади.

Бундай янгиланиш жараёнида биз учун илгари унча таниш бўлмаган қонун-қоидалар, тушунчалар, хўжалик юритиш механизмлари, усуллари, тамойиллари кириб келмоқда. Мулкдорлар, тадбиркорлар, тижоратчилар, акционерлар, банкирлар, биржа эгалари ва хо-

---

[1] *Каримов И.А.* Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш — тараққиёт гарови. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида 2001 йил 17 июлда сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 18 июл.

[2] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. Ўзбекистон, - 2001 й., 6 бет.

димлари, менежерлар, брокерлар ва бошқа бозор иқтисодиёти амалиётчиларидан иборат янги ижтимоий гуруҳ ва қатламлар шаклланмоқда.

Лекин Президентимиз И. А. Каримовнинг асарларидан, нутқлари ва турли йиғилишларда қилган маърузаларидан бизга шу нарса маълум бўлиб турибдики, эришилган ютуқлар билан бир қаторда бугунги кунда ўз ечимини топмаган муаммолар, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам мавжуд. Кўпгина корхоналарнинг зарар кўриб ишлаётганлиги, уларнинг молиявий аҳволи қийинлашиб, банкротга учраётганлиги, майда ва ўрта тадбиркорларнинг, мулкдорлар синфининг секин шаклланаётганлиги, қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш қийинчиликлари, товар, хизмат ҳамда капитал экспортининг секин ўсаётганлиги ва бошқалар шулар жумласиндандир.

Агар олдимизда «Миллий бойликнинг кўпайишини, Республиканинг мустақиллигини, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жўшқин ривожланиб борувчи иқтисодиётни барпо этиш»[1] каби буюк вазифа турганлигини, бундай иқтисодиёт И. Каримов айтганларидек, стратегик мақсадимиз бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишнинг асоси[2] эканлигини эътиборга олсак, иқтисодий муаммоларимиз нақадар кўплиги ва мураккаблиги янада аён бўлади.

Ана шу ва бошқа муҳим иқтисодий масалаларни тезроқ ҳал қилиш, уларнинг ечимини излаб топиш, миллий истиқлол мафкурасининг мазмунини ва хусусиятларини тушуниш кўп жиҳатдан кишиларнинг иқтисодиёт сирларини, айниқса, бозор ва бозор иқтисодиёти муносабатларининг мазмунини, уларнинг талаблари ва хусусиятларини, қонун-қоидаларини, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мақсади ва моҳиятини чуқурроқ билишларига боғлиқдир. Иқтисодиёт назарияси фани иқтисодиёт тушунчаларини, унинг қонун-қоидаларини, тежамли хўжалик юритиш сирларини, турли кишилар ва хўжаликларнинг бир-бирлари билан манфаатли иқтисодий алоқада бўлиб, унумли меҳнат қилиш йўлларини ва шаклларини ўргатади. Иқтисодиёт назарияси фани мамлакатимизда яшаётган ҳамма кишиларнинг даромадлари, уларнинг тур-

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 17-бет.

[2] *Каримов И.А.* Донишманд халқимизнинг мустаҳкам продасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил 8 июн.

муш даражаси фақат миллий иқтисодиёт тараққиётига боғлиқлигини, шу юртда меҳнат қилаётган кишиларнинг ижодий меҳнати билан вужудга келган миллий маҳсулотнинг кўпайиши, унинг тўғри тақсимланиши ва фойдаланилиши, миллий пул барқарорлиги билан боғлиқлигини ҳам ўргатади ҳамда миллий истиқлол мафкурасининг одамлар онгида шаклланишида, уларнинг интелектуал камолотга эришувида муҳим рол ўйнайди.

Лекин, ўзбек тилида ҳозирги даврдаги бозор иқтисодиётининг ички сир-асрорини, унинг ҳақиқий қиёфасини синчиклаб ўрганишга интилаётган ўқувчи ва талабаларимиз учун мўлжалланган иқтисодиётнинг муаммоли тугунларини ечишга ҳаракат қилаётган раҳбар ходимлар, иқтисодчи мутахассислар, бозор иқтисодиёти билан қизиқаётган кенг китобхонлар оммаси талабларига жавоб берадиган адабиётлар, қўлланмалар, айниқса, дарсликлар етарли эмас. Юртбошимиз айтганидек: «биринчи галда, тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши — жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривожи ҳақида махсус дарсликлар, қўлланмалар, оммабоп адабиётлар яратиш зарур»[1]. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари етишмаслиги бўйича олий ўқув юртлари ва коллежлардаги аҳволни, шунингдек, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳамда Президентимиз И. А. Каримовнинг «Фидокор» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида қўйилган муҳим вазифаларни ҳисобга олиб, биз иқтисодиёт назарияси фани бўйича ушбу ўқув қўлланмани тайёрлашга жазм қилдик.

Албатта, бу вазифанинг уддасидан чиқиш енгил иш эмас. Қўйилган вазифанинг мураккаблиги шундан иборатки, шу давргача дунёдаги ҳеч бир мамлакат иқтисодий жараёнларни бошқариш ва уйғунлаштиришнинг бир механизмидан бутунлай бошқасига бирданига ўтган эмас. Бу узоқ даврни талаб қиладиган жараён бўлиб, алоҳида ўтиш даврини тақазо этади. Унинг ҳамма учун бир хил, ўхшаш нусхалари ҳам йўқ.

Шундай экан, бозор иқтисодиётига ўтиш даврини ва умуман ҳозирги замон хўжалигини фақат Ғарбда мавжуд бўлган, лекин бизнинг иқтисодий ҳаётимиздан анча узоқ иқтисодий назариялар билан изоҳлаб бўлмайди. Шунингдек, бизнинг иқтисодий тафаккур тарихимизда узоқ вақт ҳукмрон бўлган, иқтисодий ҳодисаларни асосан синфий нуқтаи назардан ва синфий кураш жиҳатларидан

[1] *Каримов И.А.* Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил 8 июн.

олиб қараган, иқтисодий тараққиётнинг умуминсоний томонларини кейинги ўринга сурган ақида ва қоидаларига асосланиб ҳам бозор хўжалиги ва ҳозирги замон иқтисодидаги бир қатор ҳодисаларни изоҳлаб бўлмайди.

Шуни ҳисобга олиб, мазкур иқтисодиёт назарияси курсига бизга азалдан мерос бўлиб келган назарий қарашларни, Ғарбда ва Шарқда мавжуд бўлган ҳозирги замон назарияларининг биз учун зарур деб ҳисобланганларини, жаҳонга машҳур аллома, давлат арбоби бўлган ўтмишдаги ватандошларимиз фикрларини, ислом дунёсидаги баъзи асарларда баён этилган иқтисодий қоидаларни танқидий ўрганиб, синтез қилиш ва уларнинг мақбул магизларини олиб киритишга ҳаракат қилинди. Бунда, биринчи навбатда, умуминсоний қадриятлар асос қилиб олинди ва унга бирмунча устуворлик берилди.

Биз бозор иқтисодиётига кириб келаётганлигимизни, бу шароитда яшашимиз, фаолият кўрсатишимиз, иқтисодий муносабатда бўлишимизни ҳисобга олиб, бозор иқтисодиёти муаммоларини, унинг сабаб-оқибатларини, қонун-қоидаларини, тушунчаларини, уларнинг бизнинг шароитимизда қай даражада, қандай шаклда амал қилаётганлигини батафсилроқ ёритишга ҳаракат қилдик. Ушбу қўлланмада иқтисодий жараёнларнинг фақатгина юзаки, кўриниб турган томонларигагина эмас, балки уларнинг ички моҳияти, зиддиятлари ва боғланишларига, иқтисодий жараёнларнинг сабаб ва оқибатларига алоҳида эътибор берилди. Мазкур ўқув қўлланмада Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республикамиз иқтисодий тараққиётининг муаммолари, айниқса, Президентимиз китобларида, маъруза ва нутқларида, қабул қилинган қонун ва қарорларда баён этилган тамойиллар, хусусиятлар ҳам қамраб олинди ҳамда назарияни амалиётга яқинлаштириш мақсадида бозор иқтисодиётининг кўпгина умумий қонун-қоидалари бевосита Ўзбекистон ҳаёти мисолида ёритилди.

Асосий иқтисодий тушунчаларни соддароқ қилиб, оддий тилда, мисоллар, жадваллар, графиклар асосида тушунтиришга ҳаракат қилинди.

Ушбу ўқув қўлланма янги андоза талаблари бўйича тузилди ва Республика мувофиқлаштириш комиссияси тавсия этган дастур асосида ёзилди. Унда дастурдаги барча мавзулар қамраб олинган. Лекин, ҳажми чекланган бўлганлиги учун кўпгина материаллар иложи борича қисқартириб берилди. Шунинг учун қўлланмада камчилик ва мунозарали жиҳатлар ҳам бўлиши мумкин.

Қўлланмада ўқитишнинг янги технологик хусусиятлари ҳисобга олиниб, ҳар бир мавзудан кейин асосий таянч тушунчалар ва атамалар, такрорлаш ва мунозара учун саволлар берилди, китобнинг охирида эса асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати келтирилади.

Иқтисодиёт назарияси бўйича мазкур қўлланма асосан олий ўқув юртлари талабалари ва магистрлари учун мўлжалланган бўлиб, ундан ўрта махсус ўқув юртлари тингловчилари, лицей ўқувчилари, аспирантлар ва иқтисодиёт назарияси соҳасидаги билимларга қизиқувчи барча китобхонлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Муаллифлар курснинг тузилиши, мазмуни, муаммоларнинг баён қилиниши тартиби ва услуби бўйича билдирилган ҳар қандай таклиф-мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қиладилар ва кейинги ўқув қўлланма, дарсликлар тайёрлашда ҳисобга оладилар.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида ёзилди ва шу санага бағишланди.

I БЎЛИМ

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

I БОБ. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва билиш услуби

Мазкур боб инсоният жамияти тараққиётининг асоси булган иқтисодиёт тушунчасини, унинг олдида турган вазифаларни, узоқ давр давомида иқтисодий билимларнинг шаклланиши ва иқтисодиёт назарияси фанининг вужудга келишини қисқача тавсифлаш билан бошланади. Иқтисодиёт назарияси фанидаги асосий оқимлар ва назарияларнинг умумий баёни қисқача берилади. Бу ерда иқтисодиёт ва унинг бош масаласи, иқтисодиёт назарияси фанининг предмети, вазифалари ва бошқа иқтисодий фанлар ичида тутган ўрнини кўрсатиб бериш билан бирга иқтисодий қонунлар ва категориялар ҳамда уларнинг амал қилиш механизмини ёритиб беришга алоҳида ўрин берилади.

Бу боб иқтисодий жараёнларни илмий билиш усулларининг мазмунини очиб бериш билан якунланади.

1-§. Иқтисодиёт ва унинг бош масаласи

Иқтисодиёт назарияси фанини, унинг қонун-қоидаларини билиш учун, энг аввало, иқтисодиётнинг ўзи нима, унинг вазифаси нималардан иборат, деган саволга жавоб бериш лозимдир. Инсоният ҳаёти ва унинг тараққиёти жуда мураккаб, кўп қиррали ва гоят чигал муаммоларга бойдир. Бу муаммолар кишиларнинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, фан, маданият, сиёсат, мафкура, ахлоқ, давлатни бошқариш соҳаларидаги, шунингдек, оиладаги ва бошқа фаолият турларининг борган сари кўпайиб, ривожланиб ҳамда уларнинг ўзгариб бориши натижасида вужудга келади. Узоқ даврлар давомида инсоният фикрини банд қилиб кел-

ган айрим масалалар бугунги кунда одлий ҳақиқат ва осон билиш мумкин бўлган нарсага ўхшаб кўринади.

Масалан, бугун ҳаммага маълумки, кишилар яшашлари, сиёсат, санъат, адабиёт, фан, маърифат, маданият, таълим билан шуғулланишлари учун ҳаётий неъматларни истеъмол қилишлари, кийинишлари керак. Бунинг учун эса озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва турли хизматлардан иборат ҳаётий воситалар зарур. Ҳар бир киши ўзининг кундалик ҳаётида бир қанча, яъни ҳаётий эҳтиёжлари — кийим-кечак, озиқ-овқат, уй-рўзғор буюмларига эга бўлиш, билим олиш каби эҳтиёжлар учун зарур бўлган пул даромадларини қаердан, нима ҳисобига топиш керак деган муаммоларга дуч келади.

Шу муаммоларни ечиш ва ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида кишилар турли йўналишларда, соҳаларда фаолият кўрсатадилар. Демак, инсоннинг турли фаолиятлари ичида энг асосийси, уларнинг яшаши, камол топишини таъминлайдигани моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган **иқтисодий фаолиятдир**.

Истеъмол товарлари ва хизмат кўрсатиш соҳалари турли-туман бўлганлиги учун иқтисодий фаолият ҳам турличадир, уларнинг тури ва сони жуда кўпдир.

Чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, кишиларнинг яшаши, камол топиши учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қаратилган, бир-бири билан боғлиқликда амал қиладиган турли-туман фаолиятларни яхлит қилиб бирлаштирувчи иқтисодий тизим бир сўз билан, иқтисодиёт деб аталади.

Қадимда иқтисодий фаолиятнинг асосий шакли уй хўжалиги доирасида рўй берган. Шунинг учун иқтисодиёт деганда уй хўжалиги ва уни юритиш қонунлари тушинилган. Лекин, ҳозирги даврда иқтисодиёт фақат уй ёки индивидуал хўжаликдан иборат эмас, балки йирик хусусий хўжалик, жамоа, ҳиссадорлик жамиятлари, давлат хўжаликларидан, молия ва банк тизимларидан, хўжаликлараро, давлатлараро бирлашмалар, корпорациялар, концернлар, қўшма корхоналар, давлатлар ўртасидаги турли иқтисодий муносабатлардан иборат бўлиб, жуда мураккаб организм ҳисобланади.

Бунинг устига барча ресурсларимиз — пул маблағлари, табиий бойликлар, малакали ишчи кучлари, ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол товарлари ҳаммаси чекланган миқдордадир. Мана шу чекланган иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиб, аҳолининг тўхтовсиз ўсиб борувчи эҳтиёжларини қондириш мақсадига эри-

ишни, ресурслар ва маҳсулотларни тўғри тақсимлаш йўлларини топиш иқтисодиётнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Тарихий тараққиёт даражасига қараб, турли даврларда ва турли мамлакатларда иқтисодиёт турлича бўлиши мумкин.

Шу белги асосида иқтисодиётнинг қуйидаги турлари ажратилади:

1. Анъанавий иқтисодиёт.
2. Маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисоднёт.
3. Бозор иқтисодиёти.

Қамров даражасига қараб ҳам иқтисодиёт турлича бўлиши мумкин. Масалан, жаҳон иқтисодиёти, мамлакат иқтисодиёти, миллий иқтисодиёт, тармоқ иқтисодиёти, функционал иқтисодиёт, минтақа иқтисодиёти, корхона ёки фирма иқтисодиёти, оила иқтисодиёти.

Баъзан улар яхлитлаштириб, макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт деб аталади. Иқтисодиётнинг бу турлари, даражалари, шакллари қандай бўлишидан қатъи назар уларнинг **ҳаммаси бир мақсадга бўйсунган:** у ҳам бўлса, инсониятнинг яшаши, кўпайиши ва камол топиши учун шарт-шароит яратиб бериш, турли хил ҳаётий воситаларни яратиб, уларнинг эҳтиёжларини қондириб боришдан иборатдир. Шундай экан, **иқтисодиёт инсон ҳаётининг асосини, унинг пойдеворини** ташкил этиб, ўзи эса инсонсиз, унинг фаолиятисиз мавжуд бўлмайди ва мазмунга ҳам эга эмас. Инсоннинг иқтисодиётдаги жуда катта ва кенг ролини қисқача қилиб қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1. Инсон табиатнинг бир бўлаги, унинг ажралмас қисми сифатида ҳаракат қилади, табиат ашёларининг шаклини ўзгартириб, истеъмолга яроқли ҳолга келтиради, бошқача қилиб айтганда, инсон иқтисодиётнинг ҳаракатга келтирувчи кучи, ҳамма товар ва хизматларнинг истеъмолчиси, уларнинг ишлаб чиқарувчиси ва яратувчисидир.

2. Инсон ҳамма товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчиларга етказиб берувчи, бозор иқтисодиёти шароитида эса сотувчиси ролини бажаради. Бунда у ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги алоқанинг бажарувчиси сифатида намоён бўлади.

3. Инсон товар ва хизматларнинг сотиб олувчиси ва бинобарин, уларнинг истеъмолчиси ҳамдир.

4. Инсон иқтисодиётнинг ҳамма даражаларида унинг ташкилотчиси, бошқарувчиси бўлиб, унинг турли омиллари, бўлаклари, соҳалари ўртасидаги уйғунликни, алоқаларнинг бир-бирига мослигини таъминловчи сифатида ҳаракат қилади. Инсоннинг иқтисодиётдаги роли ҳаётининг турли даврларида ва босқичларида турлича на-

моён бўлади. У ёшлигида ва қариганида кўпроқ истеъмолчи бўлиб, яъни бошқалар яратган товарлар ва хизматлардан фойдаланувчи сифатида кўзга ташланса, ишлаб турган даврида ишлаб чиқарувчи, ташкилотчи, бошқарувчи сифатида иш кўради, ўзи учун, болаларга ҳамда қарияларга ҳаётий неъматларни яратади ва етказиб беради. Содда қилиб айтганда, инсон меҳнат қобилиятига эга бўлиб, ишлаб турган вақтида ёшликда олган қарзини узади, ўзини-ўзи таъминлайди, қариган чоғи учун замин тайёрлайди ва ёш авлодга қарз беради. Инсониятнинг иқтисодиётдаги роли унинг табиатдаги энг олий тирик мавжудот эканлиги билан, яъни онгли равишда маълум мақсадга қарата ижодий меҳнат қила олиш қобилияти билан белгиланади. Инсоннинг бошқа тирик мавжудодлардан фарқи ҳам унинг онгли ва ижодий меҳнат қила олишида, ўз фаолияти учун зарурий меҳнат қуролларини яратиш қобилиятига эгалигидадир.

Инсон томонидан яратилган товарлар ва хизматларнинг, ресурсларнинг ҳаракати бўйича иқтисодиёт турли фазалардан — ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларининг бирлигидан иборатдир. Буларнинг ичида энг асосийси ва бошлангичи **ишлаб чиқариш жараёнидир**. Чунки ҳамма товар ва хизматлар худди шу босқичда яратилади. Агар ишлаб чиқарилмаса, тақсимланадиган, айирбошланадиган ва ниҳоят, истеъмол қилинадиган нарсалар бўлмайди (ишлаб чиқариш нима ва қандай содир бўлиши ҳақида кейинги мавзуда сўз боради).

Иккинчи муҳим фаза эса тақсимот жараёнидир. Бу босқичда, энг аввало, ишлаб чиқариш воситалари, капитал ва ишчи кучи, товар ва хизматларнинг алоҳида турлари, ишлаб чиқарувчи тармоқлар, соҳалар, ҳудудлар ва ниҳоят, корхоналар ўртасида тақсимланади. Ундан ташқари, ишлаб чиқариш натижаси бўлган товар ва хизматлар, уларнинг пул ҳолидаги кўриниши бўлган даромадлар ҳам тақсимланади. Бунда ишлаб чиқариш қанчалик ривожланган бўлса, тақсимланадиган товар ва хизматлар ҳажми, бинобарин даромадлар ҳажми ҳам шунча катта бўлади ҳамда даромадлар кишиларнинг қилган меҳнатининг миқдори ва сифатига ёки қўшган капиталининг (пул, ишлаб чиқариш воситаларининг) миқдорига қараб улар ўртасида тақсимланади. Тақсимот қанча адолатли ва тўғри бўлса, ишлаб чиқаришнинг юксалишига шунча ижобий таъсир кўрсатади, уни рағбатлантиради.

Айирбошлаш жараёни — иқтисодиётнинг муҳим фазасидир. Меҳнат тақсимоти оқибатида айрим гуруҳ кишилар товар ва хизматларнинг маълум турларини ишлаб чиқаришга, етказиб беришга, айрим

гуруҳлари эса бошқа турдаги товарларни ишлаб чиқариш, етказиб бериш бўйича ихтисослашадилар. Ҳар бир товар турини ишлаб чиқарувчи ўз товарини сотиб, ўзига керакли бўлган бошқа товар ёки хизматларни сотиб олади. Натижада турли хил йўналишдаги ишлаб чиқарувчилар ёки хизмат кўрсатувчилар ўртасида иқтисодий алоқа — айирбошлаш, пул орқали олди-сотди жараёни содир бўлади.

Иқтисодиётнинг охирги фазаси истеъмол жараёнидир. Бу жараёнда товарлар ва хизматлар турли кишилар, гуруҳлар томонидан истеъмол қилиниб, уларнинг эҳтиёжлари қондирилади. Истеъмол икки турда бўлади: ишлаб чиқариш истеъмоли ва шахсий истеъмол. Ишлаб чиқариш истеъмолида ишлаб чиқариш воситалари (капитал) ва ишчи кучидан фойдаланилиб, унумли истеъмол қилинади. Шахсий истеъмол жараёнида эса истеъмол буюмлари пировард фойдаланилиб, улар йўқотилади ва ўрнига яна янгисини ишлаб чиқариш зарурияти пайдо бўлади.

Шундай қилиб, товар ва хизматлар, ресурслар ҳаракати доимо тўхтовсиз такрорланиб турадиган жараёндир. Бу жараённи 1-чизмада тушуниш осонроқ бўлади.

Иқтисодиётнинг доимий ва бош муаммоси эҳтиёжларнинг чексизлиги ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлигидир.

Бу муаммони тўғри тушуниш учун, энг аввало, эҳтиёж нималигини, унинг турларини билиш зарурдир.



1-*чизма*. Товарлар, хизматлар ва ресурсларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнларидаги ҳаракати.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, инсон яшамоғи учун энг аввало, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, уй-рўзғор буюмлари, транспорт ҳамда иситиш ва ёритиш воситалари зарурдир. Бундан ташқари, инсон камол топмоғи учун ўқиб, билим олиши, касб ўрганиши, малака эгаллаши ва даволаниши, дам олиши, томошалар кўриши, турли хизматлардан фойдаланиши лозим ва бошқа жуда кўп ҳаётий нарсаларга эҳтиёжманддир. **Инсоннинг яшаши ва камол топиши, умуман инсониятнинг ривожланиши учун керак бўлган ҳаётий воситаларга бўлган зарурияти иқтисодиёт назарияси фанида эҳтиёж деб аталади.**

Барча ҳаётий эҳтиёжлар (иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий, сиёсий) ичида ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар алоҳида ўрин тутади. Бу эҳтиёжлар кишиларнинг яшаши, меҳнат қилиши ва ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий неъматлардан ҳамда хизматлардан иборат бўлади. Шу жиҳатдан олганда ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар моддий ва маънавий эҳтиёжларни ўз ичига олади. Моддий эҳтиёжлар, бу аввало, кишиларнинг ўзларига фойдали бўлган неъматларни харид қилиш ва фойдаланишга бўлган хоҳишларидир. Булар истеъмол учун зарур бўлган кўплаб ҳаётий предметларни (озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой) ва зеб-зийнат буюмларини (тақинчоқ, атир-упа, енгил автомобил ва ҳ. к.) ўз ичига олади. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, бир неча йил олдин зеб-зийнат буюми, дабдаба бўлиб ҳисобланган нарса энди энг оддий ҳаётий зарур предметга айланиши мумкин. Хизматлар ҳам моддий неъматлар каби маълум эҳтиёжларни қондиради. Масалан, шахсий автомашинани ремонт қилдириш, соч олдириш, ҳуқуқшунос маслаҳатидан фойдаланиш каби хизматлар моддий товарлар билан бир қаторда кишиларнинг эҳтиёжларини қондиради.

Жамиятнинг моддий эҳтиёжлари корхоналар ва давлат муассасалари эҳтиёжларини ҳам ўз ичига олади. Корхоналарга ишлаб чиқариш мақсадларини амалга ошириш, яъни товарлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи керак. Давлат, жамоа ва хусусий корхоналар, мамлакат аҳолисининг умумий эҳтиёжларини акс эттириб, автомобил ва темир йўллари, мактаблар, касалхоналар қурилишига хизмат қилади.

Маънавий эҳтиёжлар моддий кўринишга эга бўлмаган кишиларнинг билим ва дам олиш, маданий савиясини ошириш, малака-маҳоратга эга бўлиш, ҳар хил хизматлардан баҳраманд бўлиш каби кўплаб эҳтиёжларни ўз ичига олади. Эҳтиёжлар якка тарзда ва бирга-ликда қондирилиши мумкин. Бу эса эҳтиёжнинг табиатига ва уни

қондирувчи обеъктлар хусусиятига боғлиқ. Шундай буюм ва хизмат турлари борки, улардан фақат биргаликда фойдаланиш мумкин. Масалан, таълим олиш бинолари, касалхоналардан, дам олиш жойларидан баҳраманд бўлиш, спорт ўйинлари ва кўнгил очар томошаларни биргаликда кўриш кабилар шулар жумласидандир.

Жамият эҳтиёжларининг ҳажми ва даражасига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Булар қуйидагилар:

а) Жамиятнинг иқтисодий тараққиёт даражаси. Иқтисодиёти ривожланишдан орқада қолган мамлакатларда эҳтиёжлар доираси тор бўлса, аксинча, иқтисодиёти гуркураб ривожланган мамлакатларда унинг доираси кенг ва хилма-хил бўлади.

б) Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий тузум. Агар жамиятдаги тузум бозор иқтисодиёти ёки капиталистик тартиблар асосида қурилган бўлса, ундаги ижтимоий гуруҳлар бойлар ва камбағаллар, мулкдор ва мулксизларга бўлиниб, уларга мансуб кишилар эҳтиёжлари ўртасида катта фарқ мавжуд бўлади. Юқори даромад олувчилар жуда сифатли, ноёб маҳсулотлар ва хизматларга эҳтиёж билдирса, камбағалларнинг эҳтиёжлари ўз ҳаётини сақлаш учун жуда зарур маҳсулотлар ва хизматлар билангина чекланади.

в) Табиий-географик шароитлар. Улар ҳам эҳтиёжларнинг миқдори ва турига таъсир қилувчи омиллардир. Нисбатан совуқ иқлим шароитида, иссиқ иқлим шароитига қараганда ҳаёт кечириш учун оқсил ва ёғга бой озиқ-овқат, иссиқ кийим-кечак, уй ва транспорт воситаларига кўпроқ эҳтиёж бўлади.

г) Тарихий-миллий анъаналар ва урф-одатлар ҳам эҳтиёжларга таъсир кўрсатади. Масалан, тарихан шаклланган миллий ва диний маросимлар, урф-одатлар, Наврўз байрами, рўза ва ҳайитлар ўзига хос эҳтиёжларни юзага келтиради.

д) Аҳоли сонининг ўсиши, унинг таркибидаги ўзгаришлар ҳам эҳтиёжларга таъсир этувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

е) Ниҳоят, халқаро, давлатлар, миллатлар ва минтақалар ўртасидаги алоқалар, айниқса, улар ўртасидаги маҳсулот ва ахборот айирбошлаш янги эҳтиёжларнинг кенг тарқалишига олиб келади.

Алоҳида кишиларнинг эҳтиёжлари уларнинг ёши, жинси, оилавий аҳволи, касби, меҳнатнинг табиати каби омилларга боғлиқ. Масалан, кекса кишилар ёшлардан фарқ қилиб, енгил ҳазм бўладиган овқатга, дори-дармонга, шовқин-суронсиз яшаш муҳитига кўпроқ эҳтиёж сезадилар. Кўп болали оилаларда болалар кийими, ўйинчоқларга эҳтиёж юқори бўлса, фарзандсиз оилаларда бундай эҳтиёжлар бўлмайди. Алоҳида кишилар эҳтиёжларига кучли таъсир

қилувчи омиллар шундан иборатки, мураккаб, оғир ва енгил меҳнат турлари билан шуғулланувчи кишилар эҳтиёжлари бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Ижтимоий-иқтисодий, шу жумладан, моддий эҳтиёжларни тўлиқ қондириш мумкин эмас. Жамиятда маълум бир даврда кўплаб қондирилмаган эҳтиёжлар бўлади. Вақт ўтиши билан янги буюмларнинг пайдо бўлиши, кенг рекламанинг таъсири ва савдонинг рағбатлантирилиши натижасида эҳтиёжлар ўзгаради ва кўпайиб боради. Шундай экан, жамиятнинг, яъни уни ташкил қилувчи шахслар, муассаса ва корхоналар эҳтиёжларининг чексизлиги, уларнинг тўхтовсиз янгиланиб ва ўсиб бориши табиийдир. Бу **эҳтиёжларнинг тўхтовсиз ўсиб бориши иқтисодий қонунда** ўз ифодасини топади. Бундай қонун нафақат эҳтиёжларнинг миқдоран ўсиб боришини, балки уларнинг таркибан янгиланиб туришини, эскиларининг ўрнига янгиларининг келишини билдиради. Эҳтиёжларнинг ўсиб бориш қонуни ишлаб чиқариш билан эҳтиёжлар ўртасидаги узвий, тўғридан-тўғри боғлиқликни акс эттиради. Ишлаб чиқариш эҳтиёжларни қондиришга қаратилади ва унинг ривожланиши янги эҳтиёжларни юзага келтиради. Ишлаб чиқариш байналминал тус олиши билан ишлаб чиқариш ва эҳтиёж ўртасидаги боғлиқлик халқаро миқёсда акс этади. Маълум бир мамлакатда пайдо бўлган эҳтиёж бошқаларига тарқалиб, халқаро хусусиятга эга бўлади. Масалан, компьютер бир мамлакатда пайдо бўлиб, унга эҳтиёж тез орада дунё бўйлаб тарқалди. Халқаро алоқалар ривожланиб борган сари эҳтиёжларнинг миллий хусусиятлари билан бир қаторда унинг миллатлараро, байналминал белгилари ривож топиб боради.

Эҳтиёжларнинг ўзи ҳам бир-бирини тақозо қилади. Бир эҳтиёж ўз орқасидан бошқа бир эҳтиёжни келтириб чиқаради. Масалан, компьютер техникасига эҳтиёжнинг пайдо бўлиши, ўз навбатида уни ишлатишни ўрганиш, унга хизмат кўрсатиш, дастур тузиш каби эҳтиёжларни келтириб чиқаради.

Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши бир текис, узлуксиз бўлмайди. Унинг ўсишига қарши таъсир қилувчи омиллар ҳам мавжуд бўлади. Ишлаб чиқариш ҳолати, жамиятдаги ҳукмрон муносабатлар, фавқулодда юз берадиган ҳолатлар (урушлар, иқтисодий тизим алмашиши) ва табиий офатлар: зилзила, сув тошқини, ёнғин кабилар эҳтиёжларнинг ўсиб боришига қарши таъсир кўрсатувчи омиллардир. Шундай қилиб, эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонуни мавжуд эҳтиёжларнинг миқдоран ўсиб боришида, мутлақо янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлишида, муайян эҳтиёжлар доирасида турли эҳтиёжлар нисбати-

нинг ўзгаришида ва бир эҳтиёжнинг бошқаси билан алмашинишида намоён бўлади. Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши, уни қондириш воситалари даражаси билан чегараланади. Чунки эҳтиёжлар чексиз ўзгаргани ҳолда уни таъминлаш учун керак бўладиган иқтисодий ресурслар чекланган бўлади. **Иқтисодий ресурслар деганда жамият, мамлакат, айрим корхона ва фирма, оила ихтиёрида тўпланган, айни вақтда мавжуд бўлган ҳамда товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, уларни истеъмолчига етказиб беришда ва истеъмол жараёнларида фойдаланиш мумкин бўлган иқтисодий имкониятлар, захиралар, манбалар тушунилади**. Табиий ресурслар (ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари), ишчи кучи ва моддий ресурслар (бинолар, дастгоҳлар, машиналар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, қурилмалар, сотишга тайёр товарлар, уларнинг заҳиралари, пул маблағлари ва бошқалар) ана шулар жумласидандир. Иқтисодий ресурсларнинг ишлаб чиқариш омилларидан фарқи шундаки, уларга ишлаб чиқаришда қатнашадиган ишчи кучи, табиий ресурслар ва ишлаб чиқариш воситаларидан ташқари ҳамма моддий ресурслар, товар ва пул ресурслари киради. Иқтисодий ресурслар чекланганлиги туфайли ҳамма одамлар хоҳлаган истеъмол буюмларини, транспорт воситаларини ва бошқа нарсаларни дарҳол харид қила олмайди ва хоҳлаганча истеъмол қилиш имконияти бўлмайди.. Ҳар бир киши, ҳатто энг кўзга кўринган давлат арбоби, саҳна ёки спорт юлдузи ҳам бу муаммога дуч келади. Ресурслар чекланганлиги фақатгина истеъмолни эмас, шу билан бирга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ҳам чеклаб қўяди. Бунинг натижасида ҳар бир корхона, мамлакат ўз имкониятларини ҳисобга олиб, товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳамма турини бирданига эмас, унинг шу давр учун энг керакли бўлган турларини танлаб кенгайтириш ва ривожлантиришга эътибор беради, ресурсларни биринчи навбатда уларга жалб қилади. Масалан, Ўзбекистон энди мустақилликка эришган дастлабки пайтда республикамизнинг энергия мустақиллигини таъминлаш учун нефт қазиб олиш ва газ конденсати ишлаб чиқаришга нисбатан қўпроқ маблағ ажратишга мажбур бўлди.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида давлат мавжуд пул ва валюта заҳираларини четдан истеъмол буюмларини сотиб олиб келишга эмас, уларни чеклаб, инвестиция товарларини, яъни янги техника ва технологияларни сотиб олишга қаратади. Бунда айрим соҳаларга эътибор ва маблағ сарфлаш кучайтирилган ҳолда бошқа соҳаларга ажратиладиган маблағларни объектив равишда нисбатан камайтиришга тўғри келади.

Шундай қилиб, ресурсларнинг чекланганлиги эҳтиёжни қондиришнинг муҳим йўли бўлган ишлаб чиқариш имкониятларини ҳам чеклаб қўяди. Бу имкониятлар даражаси доимо бир хил бўлиб турмайди, балки янги техникалар ва технологияларнинг яратилиши ҳамда ишга солиниши ишлаб чиқариш имкониятларини, унинг чегараларини кенгайтириш имконини беради. Янги техникалар ва технологиялар, бир томондан, меҳнат унумдорлигини, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, энергия, ёнилғи, меҳнат ва бошқа моддий ресурсларни тежаш имконини берса, иккинчи томондан, янги материал, хом ашё, энергия ва бошқа ресурслар манбаларини топиб, ҳаётга жалб этиш имконини беради: жумладан, ернинг чуқур қатламларидаги бойликларни топиш ва ишга тушириш, жаҳон океанининг узоқ ва чуқур жойларидаги ресурслардан фойдаланиш, қуёш энергиясидан фойдаланиш ва ҳ. к. Иқтисодий ресурслар, ишлаб чиқариш ва эҳтиёжларни қондириш даражаси ўртасидаги доимий ва мустаҳкам алоқадорликни қуйидагича ифодалаш мумкин:



2-*чизма*. Иқтисодий ресурслар ва эҳтиёжларнинг қондирилиши даражаси ўртасидаги боғлиқлик.

Чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш имкониятларини ва бинобарин эҳтиёжларни қондиришнинг даражасини ошириш зарурлиги иқтисодиёт олдига қуйидаги муаммоларни қўяди:

1. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг мақбул вариантларини (энг зарур ва тежамли турларини) танлаб олиш ва ресурсларни кўпроқ ишлаб чиқаришга жалб қилиш;

2. Мавжуд ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан тежаб-тергаб, самарали фойдаланиш;

3. Фан-техника ютуқларини ва янги технологияларни жорий қилиб, янги энергия, материал, хом ашё турлари, уларнинг манбаларини топиб, фойдаланишга жалб қилиш, ресурслар унумдорлигининг ошишига эришиш.

Бу муаммоларни ҳал қилиш зарурияти кишилардан чуқур иқтисодий билимларга эга бўлишни тақазо қилади.

TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI
ARM
У-02640

2-§. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши

Иқтисодий ҳаёт сирларини билиш ва шу йўлдаги фаолиятнинг асосий йўналишларини аниқлашга интилиш жуда қадим замонлардан мавжуд бўлиб, бу интилиш иқтисодий фаолиятни тартибга солиш, уни кишиларга керак бўлган томонга йўналтиришга ижобий таъсир этиш заруриятидан келиб чиққан.

Иқтисодиётга оид билимлар антик дунёнинг кўзга кўринган олимлари Ксенофонт, Платон, Аристотел асарларида, шунингдек, қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё олимларининг асарларида қараб чиқилган эди.

Биз узоққа бормасдан минг йиллар ошa бизга етиб келган Қуръони Каримни, Ҳадисларни, Қобусномани, боболаримиз Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек асарларини ўқир эканмиз уларда инсоннинг яшаши учун табиат эҳсонларини ўзлаштириш учун ижодий меҳнат қилиш кераклиги қайта-қайта уқтирилганлигига яна бир карра амин бўламиз.

Шуниси муҳимки, улар ҳеч бир инсон ўзи учун зарур бўлган истеъмол буюмларининг барчасини ўзи яратолмаслигини, шунинг учун бир-бири билан иқтисодий алоқада, муносабатда бўлишлари объектив зарурият эканлигини ҳам қайд қилганлар.

Бундан ташқари уларнинг асарларида доимо хўжаликларнинг барча турларида (уй, шаҳар, давлат) даромад билан ҳаражат мувозанатига катта эътибор бериш лозимлиги, пулнинг мазмуни ва унинг келиб чиқиш сабаблари ёритилган.

Лекин Аристотелдан бошлаб бутун дунёнинг, жумладан, Ўрта Осиёнинг кўпгина олимлари иқтисодиётни изчил ўрганиш асосида унинг кўпгина қонун-қоидаларини, тушунчаларини ёритиб берган бўлсалар ҳам, ҳали иқтисодиёт назарияси фан сифатида шаклланмаган эди.

Иқтисодиёт назарияси мустақил фан сифатида кўпгина мамлакатларда миллий бозор шаклланган ва жаҳон бозори вужудга келаётган даврларда "сиёсий иқтисод" номи билан шакллана бошлади.

Сиёсий иқтисод грекча сўздан олинган бўлиб "политико" — ижтимоий, "ойкос" — уй, уй хўжалиги, "номос" — қонун дегани. Яъни уй ёки ижтимоий хўжалик қонунлари маъносини беради. 1575-1621 йилларда яшаб, ижод қилган француз иқтисодчиси Антуан Монкретьен биринчи марта 1615 йилда "Сиёсий иқтисод трактати" номли кичик илмий асар ёзиб, бу фанни мамлакат миқёсида иқтисодиётни бошқариш фани сифатида асослади. Кейинчалик клас-

сик иқтисодчилар бу фикрни тасдиқлаб, сиёсий иқтисод кенг маънода моддий ҳаётий воситаларини ишлаб чиқариш ва айирбошлашни бошқарувчи қонунлар тўғрисидаги фандир деб ёзган эдилар.

Иқтисодиёт назарияси фани шаклланиши жараёнида бир қанча ғоявий оқимлар, мактаблар вужудга келган. Улар жамият бойлигининг манбаи нима, у қаерда ва қандай қилиб кўпаяди, деган саволларга жавоб топишга уринишган. Бундай иқтисодий оқимлардан дастлабкиси "меркантелизм", деб аталган. Бу оқим тарафдорлари одамларнинг, жамиятнинг бойлиги пулдан, олтиндан иборат бойлик савдода, асосан ташқи савдода-муомала жараёнида пайдо бўлади, кўпаяди, савдода банд бўлган меҳнат унумли меҳнат, бошқа меҳнатлар эса унумсиздир, деб тушунтириб келдилар. Кейинчалик айирбошлаш, яъни савдо жараёнида ҳеч қандай бойлик яратилмаслиги, қийматнинг кўпаймаслиги маълум бўлиб қолди. Фақат айирбошлашнинг эквалентлик тартиби, яъни тенг меҳнатга тенг бойлик мувозанати бузилган тақдирда бойлик бировлар фойдасига қайта тақсимланади, натижада кимдир бойиб, кимдир хонавайрон бўлиб боради.

Кейинги оқим "физиократлар" деб аталган. Улар меркантелистлардан фарқли ўлароқ, бойлик қишлоқ хўжалигида яратилади ва кўпаяди, деган ғояни олга сурдилар. Уларнинг вакили бўлган Ф.Кенэ томонидан машҳур жадвал ишлаб чиқилди. Кейинчалик иқтисод фанининг классик мактаби намоёндалари бўлмиш А.Смидт, У.Петти, Д.Рикардо каби атоқли иқтисодчи олимлар бойлик фақатгина қишлоқ хўжалигидагина эмас, балки шу билан бирга саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам яратилишини исботлаб бердилар ва ҳамма бойликнинг онаси — ер, отаси — меҳнат, деган қатъий илмий хулосага келдилар. Шуни айтиш керакки, А.Смитнинг "кўринмас қўл" тамойили ҳозирги кунда жуда кўп тилга олинмоқда. У ўзининг "Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот" (1776 й.) деган китобида инсонни фаоллаштирадиган асосий рағбат шахсий манфаатдир деб кўрсатади. Инсон ўз шахсий манфаатини амалга оширишга, яъни фойда олишга интилиб, меҳнат тақсимоти шароитида қандайдир товар ёки хизмат турини яратади, бошқаларга етказиб беради, ўз капиталини кўпайтиради ва шу интилишда ўзи билмаган ҳолда жамият тараққиётига ҳисса қўшади деб тушунтиради. У капитал, меҳнат, товар, ишчи кучи ва бошқа ресурсларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш тамойилини илгари суради.

Иқтисодиёт назарияси фанининг ривожланишида Сисмондининг ҳам муҳим ҳиссаси бордир. У капиталистик иқтисодий механизмни

танқид қилиб, сиёсий иқтисод инсон бахти йўлида ижтимоий механизмни такомиллаштиришга қаратилган фан бўлмоғи лозим деб кўрсатади. Капитализмнинг иқтисодий тузумини танқид қилиш билан бир қаторда ундан кўра прогрессив бўлган жамият қуриш ғояси Сен-Симон, Шарл Фурс, Роберт Оуэн каби социал утопистлар томонидан илгари сурилган эди. Улар хусусий мулкни қаттиқ танқид қилиб, уни тугатиш тарафдори эдилар. Улардан кейин марксизм деб номланган назарий йўналиш ўзларининг назариясида жамият тараққиётига табиий-тарихий жараён деб қараб, ижтимоий-иқтисодий формациялар, уларнинг иқтисодий тузуми, таркибий қисмлари, вужудга келиш, ривожланиш ва бошқаси билан алмашиш сабаблари тўғрисидаги таълимотни ҳамда қўшимча қиймат назариясини яратдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб "маржинализм" деб аталган оқим вужудга келиб шакллана бошлади. У инглизча сўздан олинган бўлиб, охирги, қўшилган деган маънони беради. Унинг асосчилари Австрия иқтисодий мактабининг намоёндалари (Карл Менгер, Фридрих фон Визер, Бем Баврек ва бошқалар) бўлиб, улар томонидан қўшилган товар нафлилигининг, қўшилган меҳнат ёки ресурс унумдорлигининг пасайиб бориш қонуни деган назариялар ишлаб чиқилди. Маржинализм назарияси аниқ олинган товарга бўлган талаб ва унинг баҳоси ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро таъсирини таҳлил қилишда кенг қўлланилди. Иқтисодиёт назариясининг янги йўналиши неоклассик, яъни янги классик деб ном олди. Бу назариянинг йирик намоёндаларидан бири А. Маршалл бўлиб, у иқтисодий жараённинг функционал боғланиши ва функционал нисбатларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди, бозор мувозанатини ва баҳосини аниқловчи омиллар талаб ва таклифдан иборат деб қаради. Бу назарий йўналишнинг намоёндаларидан бири Швейцария иқгисодчиси Л. Валрас бўлиб, у умумий иқтисодий мувозанат моделининг нусхасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди.

Австрия иқтисодий мактабининг намоёндаси Й. Шумпеттер 1912 йилда ёзган "Иқтисодий тараққиёт назарияси" деб аталган китобида иқтисодий тизимлар ўзгаришининг ички кучларини, уларнинг ички мазмунини ва туртки берувчи кучини кўрсатишга ҳаракат қилди ҳамда у иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий куч тадбиркорлик деган хулосага келди.

1936 йилда инглиз иқтисодчиси Жон Кейнс ўзининг "Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси" деган китобида макроиқтисодий кўрсаткичлар: миллий даромад, капитал харажатлар, истеъмол

ва жамғаришнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиб, инвестиция ва истеъмолнинг энг мақсадга мувофиқ тарзда ташкил топиши иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили деб кўрсатади. Кейнс таълимоти таъсирида иқтисодиётда макроиқтисодий таҳлил йўлга қўйилди. У давлатнинг иқтисодиётни бошқаришда фаол қатнашиши зарурлигини исботлади.

Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясининг муҳим йўналишларидан бири монетаризм деб аталади. Унинг асосчиларидан бири америкалик иқтисодчи Милтон Фридмен бўлиб, унинг тадқиқоти натижасида иқтисодиётни барқарор қилишда пул омили асосий рол ўйнайди, деган ғоя ётади.

Америкалик олим Василий Леонтьев эса "харажат - натижа" деб аталмиш иқтисодий андозанинг асосчисидир.

Ҳозирги пайтда маржинализм, монетаризм, кейнсчилик ва бошқа қатор йўналишдаги иқтисодий назариялар йиғиндиси "Экономикс" номли китобда мужассамлашган бўлиб, у АҚШ, Англия ва бошқа қатор мамлакатларда дарслик сифатида ўтилади. Рус тилига таржима қилиниб, бизга маълум бўлган П. Самуэльсон, Р. Макконелл ва Л. Брюларнинг китоблари унинг намуналаридир.

Ҳозирги пайтда бу йўналишдаги фан мамлакатимиз ва бошқа қатор МДҲ давлатларида "Иқтисодиёт назарияси" деб атала бошланди.

"Иқтисодиёт назарияси" фан сифатида шакллангунча босиб ўтган йўл ва унда вужудга келган ғоялар, оқимлар жуда мураккаб, кўпинча бир-бирига зид ва қарама-қаршидир. Шундай бўлса-да, улар бир-бирини тўлдиради, иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларнинг ички алоқаларини, қонунларини маълум даражада умумлаштириб ифодалайди, ҳамда яхлит фан сифатида ўрганилади.

3-§. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва вазифалари

Иқтисодиёт назарияси фани ижтимоий фан бўлиб, фалсафа, социология, психология, ҳуқуқ, сиёсатшунослик, тарих каби ижтимоий фанлар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир, улардан услубий ва илмий озуқа олади ва уларга ҳам манба бўлиб хизмат қилади. Лекин уларнинг ҳеч бири иқтисодиёт назарияси фанининг ўрнини босолмайди, бу фаннинг ўз предмети ва вазифаси бор.

Иқтисодиёт назарияси фанининг предметини аниқлашни турли назарий қарашларни ўрганиб, синтез қилишдан бошласак мақсадга мувофиқ бўлар деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети нима? Бу фан асосан нимани тадқиқ қилиб, одамларга нимани ўргатади, деган саволнинг ечими жуда мураккаб бўлиб, бу ҳақда ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам турли олимлар ҳар хил фикрлар билдириб келмоқдалар.

Масалан, Аристотел бу фанни уй хўжалигини бошқариш қонунлари тўғрисидаги фан деб қараган бўлса, меркантелистлар, физиократлар ва инглиз классик иқтисодий мактаби вакиллари унга бойлик тўғрисидаги, унинг манбалари ва кўпайтириш йўллари, бойликни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш тўғрисидаги фан деб қарадилар. Кейинги пайтда мазкур фанни халқ хўжалиги, ижтимоий хўжалик тўғрисидаги фан деб ҳам ҳисобламоқдалар. Айримлар иқтисодиёт назарияси фанини моддий ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни бошқариш қонунлари тўғрисидаги фан деб кўрсатадилар. А. Маршалл эса иқтисодиёт назарияси (сиёсий иқтисод) фанининг предмети инсоният, жамиятнинг меъёридаги ҳаётий фаолиятини тадқиқ қилишдан иборат деб ёзади.

Иқтисодиёт назарияси фани сиёсий иқтисод номи билан юритилган даврда қатор дарсликларда ва айрим асарларда унинг предмети моддий неъматларни ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида содир бўладиган муносабатларни ўрганишдан иборат деб кўрсатилган эди.

АҚШдан, бошқа баъзи бир мамлакатлардан кириб келган «Экономикс» дарсликларида (иқтисодиёт назарияси «Экономикс» деб юритилган дарсликларда) бу фаннинг предмети кишиларнинг моддий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш муаммоларини таҳлил қилиш, кишиларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатини ўрганишдан иборат деб кўрсатилган.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги даврда Россия Федерациясида чиқарилаётган турли иқтисодиёт назарияси дарсликларида бу фаннинг предмети бўйича бир-бирига яқин бўлган таърифлар берилмоқда.

Масалан, иқтисод фанлари докторлари, профессорлар Л. С. Тарасевич ва А.И. Добрининлар бошчилигида чиқарилган «Иқтисодиёт назарияси» дарслигида бу фан «Самарали хўжалик юритиш тизимининг таркибий эволюциясини, ҳақиқий бойликни ва жамиятнинг айрим аъзолари ва гуруҳларининг фаровонлиги, иқтисодий ўсишнинг омиллари ва қонуниятларини ўрганади»[1], деб кўрсатилган.

[1] Экономическая теория. (Учебник для ВУЗов). Санкт-Петербург, 1997, с.18.

Академиклар Г. П. Журавлева ва В. И. Видяпинлар бошчилигида чиқарилган «Умумий иқтисодиёт назарияси» номли дарсликда профессор А. И. Добрининнинг фикрига асосланган ҳолда: «Умумий иқтисодиёт назарияси ижтимоий фан бўлиб, у чекланган ресурслар шароитида эҳтиёжларни қондириш мақсадида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида кишилар ва гуруҳларнинг хулқ-атворини ўрганади»[1], дейилган.

Профессор В. Д. Камаев бошчилигидаги муаллифлар томонидан ёзилган «Иқтисодиёт назарияси асослари бўйича дарслик» деган китобда иқтисодиёт фанининг предмети — чекланган ресурслар дунёсида неъматларни ишлаб чиқаришдаги кишиларнинг хулқ-атвори ва уни бошқаришни ўрганишдан иборат деб таъкидланади.[2]

Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети тўғрисида билдирилган бу барча фикрлардан кўриниб турибдики, снёсий иқтисодга доир дарслик ва бошқа китобларда ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида содир бўладиган муносабатларни ўрганишга алоҳида эътибор берилган бўлса, «Экономикс»да ва Россияда бозор иқтисодиётига доир чиқарилган дарсликларнинг кўпчилигида асосан кишиларнинг ресурсларга, моддий ашё ва буюмларга бўлган муносабатини, хатти-ҳаракатини ўрганишга, чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланишларига алоҳида эъбор берилган.

Бизнинг фикримизча, иқтисодиёт назарияси фани масаланинг у томонини ҳам, бу томонини ҳам четда қолдирмаслиги, масалага бир томонлама ёндашувга йўл қўймаслиги лозим. Чунки ҳар қандай меҳнат, ҳар қандай ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, энг аввало, табиат ашёлари, моддий воситалар, пул маблағлари орқали амалга оширилади ва улардан фойдаланилади. Шунинг учун мавжуд ресурсларга, ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга, улардан унумли фойдаланишга бўлган муносабат, ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига таъсирида ўрганилиши лозим. Бошқа тарафдан, ҳеч қандай меҳнат ёки ишлаб чиқариш алоҳида олинган киши ёки гуруҳ томонидан, бошқалар билан алоқаларсиз, муносабатларсиз амалга оширилмайди. Улар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида бир-бирлари билан, албатта, ўзаро муносабатда бўла-

---

[1] Общая экономическая теория (Политэкономия). Учебник. «Промо-Медиа». М., 1995, с. 28.

[2] Учебник по основам экономической теории. Гуманитарный издательский центр «Владос». М.: 1997, с.8.

дилар ва шу муносабатга қараб ҳаракат қиладилар, ўз хулқ-атворларини, хатти-ҳаракатларини белгилайдилар. Демак, иқтисодиёт назарияси фани шу муносабатларнинг икки томонини қамраб олган бўлиши, уларни ўрганиши лозим. Бундан ташқари мазкур муносабатлар, хатти-ҳаракатлар ишлаб чиқариш жараёнининг ўзидагина эмас, балки такрор ишлаб чиқаришнинг барча фазаларида ишлаб чиқариш, айирбошлаш (сотиб олиш, сотиш), тақсимлаш ва фойдаланиш, яъни истеъмол қилиш жараёнларида ҳам содир бўлади. Иқтисодиёт назарияси фанининг предметини аниқлашда шу нарсани эсдан чиқармаслик керакки, иқтисодиётнинг кўпгина томонлари аниқ иқтисодий фанлар, яъни саноат иқтисодиёти, савдо иқтисодиёти, агроиқтисодиёт ва агробизнес, иқтисодий ахборот, микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, менежмент каби фанлар ўрганади.

Иқтисодиётнинг айрим томонлари эса молия, солиқ ва солиққа тортиш, кредит, пул муомаласи, банк иши, божхона иши, статистика, эконометрика, ташқи иқтисодий алоқалар, бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолияти таҳлили каби фанларда ўрганилади.

Иқтисодиёт назарияси бу фанлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади, улардан айрим аниқ томонларни олади ва ривожлантиради. Лекин иқтисодиёт назарияси фани аниқ иқтисодий фанларнинг назарий асоси, яъни пойдевори ҳисобланади, уларга услубий, назарий йўналиш беради. Уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган илмий тушунчаларни, қонун-қоидаларни, иқтисодиётнинг турли тармоқлари, соҳалари, томонлари ўртасидаги алоқадорликни ва ўзаро таъсирни ўрганади ва аниқлаб беради.

Мана шуларни ҳисобга олиб, **иқтисодиёт назарияси фанининг предмети — иқтисодий ресурслар чекланган шароитда жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини қондириш мақсадида моддий неъматларни (ва хизматларни) ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни, ижтимоий хўжаликни самарали юритиш қонун-қоидаларини ўрганишдан иборат, деб айтиш мумкин.**

Иқтисодиёт назарияси фани иқтисодий муносабатларнинг турли шарт-шароитларда, замон ва маконда шаклан ва мазмунан ўзгарувчанлигини, уларни ифода этувчи илмий тушунчалар, қонун-қоидаларнинг ҳам ўзгариб туришини, уларнинг доимо ҳаракатда, ривожланишда бўлишини ўрганади. Бундан ташқари, иқтисодиёт назарияси турли иқтисодий воқеа-ҳодисалар ва жараёнларнинг мазмуни ҳамда моҳиятини ўрганибгина қолмай, уларнинг ўзаро алоқадорлигини, бир-бирига таъсирини ҳам таҳлил қилади.

Иқтисодиёт назарияси ўрганиши лозим бўлган муҳим йўналишлардан бири чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиш, ижтимоий хўжаликни самарали юритиш ва бошқариш, миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг омиллари, қонуниятлари ва йўлларини ўрганиш ҳамда кўрсатиб беришдан иборатдир. Бу эса фаннинг предмети, унинг мақсади ва вазифаларида янада ойдинроқ кўринади.

Иқтисодиёт назарияси фанининг мақсади ва вазифасини икки томонлама, яъни ҳам амалий ва ҳам назарий томонларини тушунтириш мумкин.

Амалий иқтисодиётнинг асосий мақсади иқтисодий ўсишни таъминлаш ва шу асосда ўсиб борувчи эҳтиёжларни қондира билишдан иборат. Унинг вазифаси шу мақсаддан келиб чиқиб, чекланган турли хил ресурслардан самарали фойдаланиб, унинг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни таъминлаш, ҳар бир фаолият тури бўйича харажатлар миқдори билан эришилган самара, яъни товар ва хизматлар миқдорини таққослаш, ресурслардан унумлироқ фойдаланиш йўлларини топишдан иборатдир. «Заминимизда яшаётган одамларнинг муносиб ва эркин, фаравон ҳаётини таъминлаш, ҳар бир киши ҳуқуқ ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун барча зарур шароитларни яратиш — жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш пайтида олдимизга қўяётган ғоят муҳим вазифалардандир»[1]. Бундан ташқари, иқтисодиёт назарияси аҳолини иш билан таъминлаш, пулнинг қадрсизланиши олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўлларини кўрсатиб бериши лозим. Иқтисодиёт назарияси фани иқтисодий муносабатларни макроиқтисодиёт даражасида таҳлил қилиб, унинг соҳалари, кўрсаткичлари, омиллари ўртасидаги боғланишларни, иқтисодий ўсиш йўлларини, кўрсатади ҳамда давлатнинг ички ва ташқи иқтисодий сиёсатида илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиёт назариясининг мақсади эса, энг аввало, илмий билишдан иборатдир. Бу шундан келиб чиқадики, фан иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни кузатиш, улардаги шакл ва мазмун ўзгаришларини, ички боғланиш ва алоқаларни, зиддиятларни, қонун-қоидаларни, тушунчаларни билиб, биринчи навбатда, талабаларга, иқтисодчи мутахассисларга ва иқтисодиёт билан қизиқувчи бошқа ҳодимларга ўргатишдан иборатдир.

---

[1] *Каримов И.А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т. 5. Т.: «Ўзбекистон», 1997. 179-бет.

Иқтисодиёт назариясининг биз қайд қилган амалий ва назарий томонлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Амалий иқтисодиёт назарий билимга эга бўлишни, у билан қуролланиш заруриятини тақозо этади. Назарий билим эса олдиндан кўра билиш ва амалий ҳаракат йўлини тўғри белгилаш имконини беради.

Умуман олганда, иқтисодиёт назарияси фани иқтисодий жараёнлар, воқеа ва ҳодисалар сирини билишда илмий қўлланмадир.

«Пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос — бу миллий гоя, миллий мафкурадир»[1]. Шу ақидадан келиб чиқиб, иқтисодиёт назарияси фани «Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш»[2] вазифасини ҳам бажарадики, бу иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги стратегик мақсадлардан бири бўлиб ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «Жамиятда ҳаётга, ўзгаришларга бефарқ қарайдиган лоқайд кимсалар бўлмаслиги керак. Бу тараққиётимизни орқага суриб юборади. Инсон буюк, эзгу орзулар билан яшасин. Уни нафақат мамлакат, балки жаҳонда рўй бераётган ҳодисалар қизиқтирсин. Дунё қараши, онги чегараланиб, бир қолипда қолмасин. Миллий ғурур, истиқлол мафкураси ғоялари унга доим ҳамроҳ бўлсин»[3]. Бу мақсадга эришиш учун Иқтисодиёт назарияси фани Президентимиз И.А. Каримовнинг сўзлаган нутқ ва маърузаларида, асарларида кўрсатиб берилган бозор иқтисодиётига ўтиш даври тамойилларини, ўтишнинг ўзига хос йўлини, ўзининг иқтисодий қонунларини, йўл-йўриқларини, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган Қонун ва қарорлар асосида мамлакатимиз олдида турган иқтисодий муаммолар ва вазифаларнинг чуқур таҳлилини, уни ечиш йўлларини ёритмоғи, ўтиш даври иқтисодиётининг хусусиятлари, кўп укладли иқтисоднинг, турли шаклдаги мулкчиликнинг вужудга келиш йўллари, усулларини кўрсатиб бермоғи лозим.

---

[1] *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2000. 463-бет.

[2] *Каримов И.А.* «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т.: «Ўзбекистон», 1999. 187-бет.

[3] *Каримов И.А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т-5. Т.: «Ўзбекистон», 1997. 149-бет.

4-§. Иқтисодий қонунлар ва категориялар (илмий тушунчалар)

Иқтисодиёт назарияси фани иқтисодий муносабатларда амал қиладиган иқтисодий қонунларни ҳам ўрганади.

Бошқача қилиб айтганда, "Иқтисодиёт назарияси" фанининг асосий вазифаларидан бири иқтисодий қонунларни билиш ва унинг мазмунини, амал қилиш механизмини очиб бериш ҳисобланади. Ҳар қандай жамиятда иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар иқтисодий қонунлар билан бошқарилсада, лекин улар алоҳида олинган бир иқтисодий ҳодисада намоён бўлмайди, балки ҳодисалар ва жараёнларнинг ўзаро таъсирида кўринади, доимий такрорланиб турадиган ҳукмрон тамойиллар тарзида намоён бўлади.

Иқтисодий қонунлар иқтисодий ҳаётнинг турли томонлари, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги доимий, такрорланиб турадиган, барқарор сабаб-оқибат алоқаларини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди.

Иқтисодиёт назарияси фани томонидан очиб берилган иқтисодий қонунлар объектив амал қилаётган иқтисодий воқейликнинг умумлашган назарий ифодаси бўлиб, у объектив реалликни илмий билиш натижасидир, яъни унинг инсон онгидаги, инъикосидир. Иқтисодий қонунлар объектив хусусият эга бўлиб, уларнинг келиб чиқиши, амал қилиши, ривожланиши ва барҳам топиши алоҳида кишиларнинг онгига, уларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмас. Маълум тарихий даврларда, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига, мавжуд иқтисодий тизимнинг тавсифи ва шарт-шароитга мос келадиган иқтисодий қонунлар вужудга келади ҳамда амал қила бошлайди. Лекин иқтисодий қонунлар кишиларнинг иқтисодий фаолиятидан ташқарида, улардан ажралган ҳолда амал қилмайди, балки айнан уларнинг фаолияти, хатти-ҳаракатлари, иқтисодий хулқ-атвори туфайли таркиб топади ва улар орқали намоён бўлади. Шунинг учун инсонлар иқтисодий қонунларнинг хусусиятини билиб, уларнинг талабларини ҳисобга олиб, улардан фойдаланишлари лозим бўлади. Масалан, одамлар вақтни тежаш қонунини, ишлаб чиқариш ёки бозор мувозанати қонунлари талабларини билиб, шунга биноан фаолият қилса, иш вақти ва бошқа чекланган ресурслар сарфини тежаш билан бирга ўз фаолиятларини самарали олиб боришлари мумкин. Бу талабларга зид ҳар қандай қарор ва хатти-ҳаракатлар кишиларнинг хоҳиш-иродасидан қатъи назар муқаррар равишда хўжалик фаолиятида қийинчиликларга, ресурслар исрофгарчилигига олиб келади.

Иқтисодий қонунлар ҳам табиат қонунларга ўхшаб, уни билиб, ўз фаолиятида фойдаланилса, инсониятга катта фойда келтиради, агар унинг мавжудлигини танолмасдан, талабларини билмасдан ёки менсимасдан кўр-кўрона хатти-ҳаракат қилинса, бу — катта салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келади. Лекин иқтисодий қонунлар табиат қонунлари билан тамомила бир хил эмас. Уларнинг фарқи шундаки, табиат қонунлари доимийдир, иқтисодий қонунлар эса ижтимоий ҳаёт қонунлари бўлиб, тарихийдир ва ўзгарувчандир, чунки у кишиларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, кишилик жамияти мавжуд бўлганда вужудга келади ва амал қилади.

"Иқтисодиёт назарияси" фани иқтисодий қонунларни қуйидаги гуруҳларга туркумлайди:

1. Умумий иқтисодий қонунлар — кишилик жамияти ривожланишининг барча босқичларида амал қилади. Масалан, вақтни тежаш қонуни, эҳтиёжларнинг тез ўсиб бориш қонуни, такрор ишлаб чиқариш қонуни, ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар хусусияти ва ривожланиш даражаси мос келиши қонуни ва бошқалар;

2. Хусусий ёки даврий иқтисодий қонунлар — инсоният жамияти тараққиётининг маълум босқичларида амал қилади. Масалан, талаб қонуни, таклиф қонуни ва қиймат қонуни;

3. Махсус ўзига хос иқтисодий қонунлар — алоҳида олинган иқтисодий тизим шароитида амал қилади. Масалан, қўшимча қиймат қонуни.

Умумий иқтисодий қонунлар ижтимоий тараққиёт қонунлари сифатида, уларни белгиловчи бошқарувчи қонунлар сифатида намоён бўлади ва ҳар бир тарихий босқичда уларнинг роли ўзгариб боради. Умумий иқтисодий қонунларни билиш, яхлит ва кенг маънода иқтисодиёт назарияси фани предметини аниқлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Иқтисодий қонунлар билан бир қаторда иқтисодиёт назарияси фани иқтисодий жараёнларнинг алоҳида томонларини тавсифлайдиган иқтисодий категорияларни (илмий тушунчаларни) ҳам таърифлаб, уларнинг мазмунини очиб беради.

Иқтисодий категориялар — доимо такрорланиб турадиган, иқтисодий жараёнлар ва мақбул ҳодисаларнинг айрим томонларини ифода этувчи илмий-назарий тушунчадир.

Иқтисодий категориялар (илмий тушунчалар) кишилар томонидан ўйлаб топилмаган балки, мақбул иқтисодий ҳодисаларни ифода этадиган илмий тушунча бўлиб, илмий фикрлаш маҳсулидир. Масалан, бозор, капитал, ишчи кучи, иқтисодий мувозанат, мо-

лия, кредит ва бошқалар шулар жумласидандир. Иқтисодий қонунлар билан иқтисодий категорияларнинг фарқи шундаки, биринчиси иқтисодиётнинг турли бўғинлари, соҳалари, бўлаклари орасидаги боғлиқликни, уларнинг бири ўзгарса, албатта, иккинчиси ҳам ўзгариши мумкинлигини кўрсатади. Иқтисодий категория — илмий тушунчалар эса, иқтисодий ҳодисаларнинг бир томонини, унинг мазмунини ифода этади. Масалан, баҳо, талаб деган тушунчалар орқали биз энг аввало, бу тушунчаларнинг иқтисодий мазмунини тушуниб оламиз. Талаб қонуни орқали эса, талаб ҳажми билан баҳо ўртасидаги алоқадорлкни билиб оламиз.

Шунинг учун, ҳар бир иқтисодий қонун атрофида икки ёки бир нечта илмий тушунчалар бўлиши мумкинки, уларни билмасдан туриб, иқтисодий қонуннинг мазмунига тушуниш ва унинг табиатини билиш қийиндир. Масалан, биз юқорида айтганимиздек, талаб қонуни моҳиятини билиб олишимиз учун баҳо ва талаб тушунчалари мазмунини билишимиз зарур бўлса, қиймат қонунини тушуниш учун товар, пул, қиймат, баҳо, меҳнат, каби тушунчаларнинг мазмуни билан таниш бўлишимиз лозим.

Умуман олганда, иқтисодий қонунлар ва категориялар бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради. Улар биргаликда иқтисодий тараққиёт жараёнларини акс эттиради.

5-§. Иқтисодий жараёнларни илмий билишнинг услублари

Ҳақиқий фаннинг амалда вужудга келиши фақатгина тадқиқот предметининг шаклланиши билан эмас, шу билан бирга унинг билиш усулининг қарор топиши билан ҳам боғлиқдир. **Услубият — бу илмий билишнинг тамойиллари тизими, йўллари, қонун-қоидалари ва яниқ ҳадисларидир.** Бу объектив мақбулликни билиш диалектикаси, мантиқи ва назариясини ўз ичига олувчи бир бутун таълимотдир. Услубият умумилмий тавсифга эга, лекин ҳар бир фан ўзининг предметидан келиб чиқиб, ўзининг илмий билиш усулларига эга бўлади. Шунинг учун услубият умумилмий ва айни вақтда хусусий бўлади.

Диалектик усул қоидалари илмий билишнинг умумий усули бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиёт назариясида қўлланиладиган бу тамойиллар қуйидагилардир:

— Иқтисодиёт бир-бири билан алоқада, чамбарчас боғлиқликда, ягоналиятда, ўзаро таъсир қилиб турадиган турли бўғинлардан, бўлаклардан иборат яхлит бир жараёнки, у доимо ҳаракатда, ри-

вожланишда, мазмун ва шакл жиҳатдан ўзгариб турадиган ички ва ташқи ҳодисалар билан боғлиқликда бўлади.

— Иқтисодий жараённинг ҳар бир бўлагини алоҳида олиб, унинг ўзига хос хусусиятларини, келиб чиқиш ва йўқ бўлиш сабаблари, оқибатларини, ижобий ва салбий жиҳатларини, ички ва ташқи алоқадорлик, боғлиқлик томонларини замон ва маконда ўрганиш. Бу ерда шу нарсани ҳисобга олмоқ лозимки, бирон-бир иқтисодий ҳодиса ўзи бир жараённинг оқибати, натижаси бўлгани ҳолда, бошқа бир иқтисодий жараёнга сабаб ёки омил бўлиши мумкин. Масалан, машина, станок, асбоб-ускуналар бир ишлаб чиқариш жараёнининг оқибати, натижаси бўлгани ҳолда, иккинчи ишлаб чиқариш жараёнининг омили, сабаби бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар тақсимот ва истеъмол соҳаларида ўзгариш бўлишига, қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар эса саноатда ўзгариш бўлишига турткидир ва ҳ. к.

— Иқтисодий жараёнларни олдийдан мураккабгача, пастдан юқоригача ривожланишида деб қараш. Бу ерда сон жиҳатидан ўзгаришлар тўплана бориб, сифат жиҳатидан ўзгаришга олиб келишини ҳисобга олиш зарур.

— Ички қарама-қаршиликлар бирлигига ва уларнинг ўзаро курашига ривожланишнинг манбаи деб ёндашиш.

Иқтисодий фаолиятлар, ҳодиса ва жараёнлар табиий, моддий, шахсий, шунингдек, пул маблағлари каби омилларга таянган ҳолда кечади. Бу омиллар ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳамда зиддиятда бўлади ва бир-бирига таъсир кўрсатади, улар доимо сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ўзгариб туради, турли даврларда турлича ижтимоий шаклга эга бўлади, эски иқтисодий қонунлар, тушунчалар ўрнига янгилари пайдо бўлади. Ана шулар ҳисобга олинса, бу фан учун диалектика қоидаларини қўллашнинг қанчалик зарурлиги ва муҳимлиги дарҳол намоён бўлади.

Диалектик дунёқараш — бу қадимги юнон фалсафасидан бошлаб то ҳозиргача бутун кишилик жамияти маънавий тараққиёти тарихида инсон ақл-идроки эришган буюк ютуқдир. Диалектик услубнинг моҳияти ўрганилаётган жараённинг ички зиддиятлар туфайли ўз-ўзидан ҳаракатда бўлишини тушунтиришдан иборат ва бу нарса ҳар қандай фанга, жумладан, иқтисодиёт назарияси фанига ҳам тааллуқлидир.

Шу билан бирга, иқтисодиёт назарияси фанининг ўзига хос тадқиқот усуллари ҳам мавжудки, улардан энг муҳими илмий абстракциядир. Иқтисодий жараёнларнинг моҳияти ўзгаришини ўрга-

нишда микроскоплардан, кимёвий лабораториялардан фойдаланиб бўлмайди, бунда абстракция кучи ишга солинади.

Илмий абстракция усули — таҳлил пайтида ҳалал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали нарсалар, воқеа-ҳодисаларни фикрдан четлаштириб, ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятига эътиборни қаратишдир. Бу усул ёрдамида ўрганилаётган воқеа ва ҳодисанинг ички, кўзга кўринмайдиган моҳияти, унинг асл мазмуни билиб олинади.

Таҳлил ва синтез усули. Таҳлил — бу ўрганилаётган бир бутунни алоҳида қисмларга ажратиш ва уларни изчиллик билан таҳлил қилиш. Синтез — бу ўрганилган қисмлардан олинган хулоса ва натижаларни бир бутун яхлит жараён деб қараб, умумий хулоса чиқаришдир. Мураккаб иқтисодий тизимлар ана шу йўл билан ўрганилади, иқтисодий тизим бутунича тасвирлаб берилади.

Мантиқийлик ва тарихийликнинг бирлиги усули. Иқтисодиёт назариясида тарихийлик далили тарихий ривожланиш нуқтаи-назаридан тадқиқот олиб бориш зарурлигини тақозо қилади. Чунки иқтисодий жараёнлар тарихий жараён сифатида ривожланади. Мантиқийлик усулида жараёнлар фақатгина тарихий нуқтаи-назардан эмас, шу билан бирга асосий ички зарур қонуний боғланишлар бўйича ҳам таҳлил қилинади.

Фойдаланилаётган усуллар ичида **эксперимент** маълум ўрин эгаллайди, иқтисодий ўсишнинг кескин ўзгариши босқичларида, жумладан, иқтисодиётнинг инқироз ва беқарорлик босқичларида экспериментдан кенг фойдаланилади. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш пайтида эксперимент алоҳида ўринга эга. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун пухта тайёргарлик кўриш, яъни илмий тажриба, эксперимент ўтказиш ҳисоб-китоб воситасига асосланиш ва илмий йўналишларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Макроиқтисодий ва микроиқтисодий таҳлилни қўшиб олиб бориш. Микроиқтисодий таҳлилда иқтисодиётнинг бошланғич бўғини бўлмиш корхона ва фирмаларнинг ички иқтисодий жараёнлари, алоҳида иқтисодий субъектларнинг хатти-ҳаракати, хулқи тадқиқ қилинади. Бу таҳлилда алоҳида олинган товарларнинг харажатлари, капитал ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг, баҳо ташкил топишининг, иш ҳақи тўлашнинг, талаб ва таклиф таркиб топишининг шакл ва механизмларини ўрганиш марказий ўрин тутади.

Макроиқтисодий таҳлил макромутаносибликни таъминлаш асосида миллий иқтисодиётнинг тўлалигича фаолият қилиши тадқиқоти билан шуғулланади. Миллий маҳсулот, баҳонинг умумий даража-

си, инфляция, ишчи кучининг иш билан бандлиги масалалари бу таҳлил объекти бўлиб ҳисобланади. Микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт ўзаро боғланган ва бир-бири билан ўзаро таъсирда бўлади.

Иқтисодий жараёнларни миқдорий жиҳатдан таҳлил қилишда таққослаш, статистик, математик ва график усулларидан кенг фойдаланилади. Айниқса, ҳозирги даврда график усулни кенг ўзлаштириш ва қўллаш зарурдир. Графиклар назария моделларини ифодалашда воситачи бўлиб хизмат қилади. Аниқроқ қилиб айтганда, график усул ўзгарувчи миқдорлар ўртасидаги боғлиқликни кўргазмали қилиб тасвирлайди.

Бу усуллар ёрдамида иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларнинг мазмунини, улардаги ўзгаришларни, келиб чиқиш сабаб-оқибатларини билиш мумкин бўлади.

Асосий таянч тушунчалар

Иқтисодиёт — чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, инсонлар учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчига етказиб беришга қаратилган ва чамбарчас боғлиқликда амал қиладиган фаолиятлар бирлигини таъминловчи иқтисодий тизимдир.

Эҳтиёж — инсоннинг яшаши ва камол топиши учун керакли ҳаётий воситаларга бўлган зарурияти.

Иқтисодий ресурслар — маълум даврда маълум бир мамлакат ихтиёрида тўпланган ва мавжуд бўлган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, уларни истеъмолчиларга етказиб бериш ва истеъмол жараёнларида қўлланилиши мумкин бўлган воситалар, заҳиралар, имкониятлар ва манбалардир.

Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети — иқтисодий ресурслар чекланган шароитда жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳаётий неъматларни (ва хизматларни) ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва уларни истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар тизимини, ижтимоий хўжаликни самарали юритиш қонун-қоидаларини ўрганишдан иборатдир.

Иқтисодий қонунлар — иқтисодий ҳаётнинг турли томонларини, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги такрорланиб турадиган, барқарор сабаб-оқибат алоқаларини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди.

Иқтисодий категориялар — доимо такрорланиб турадиган иқтисодий жараёнлар ва реал ҳодисаларнинг айрим томонларини ифода этувчи илмий-назарий тушунчалардир.

Услубият — иқтисодий жараёнларни илмий билишнинг тамойиллари, йўллари, қонун-қоидалари, аниқ ҳалислари тизимидир.

Илмий абстракция — иқтисодий жараёнларни илмий билишда қўлланиладиган усуллардан бири бўлиб, таҳлил пайтида ҳалақит берувчи иккинчи даражали воқеа-ҳодисаларни эътибордан четлаштириб, асосий ўрганилаётган ҳодисанинг асл моҳиятига фикрни қаратишдир.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Иқтисодиёт тушунчаси ва унинг бош масаласи нима?
2. Эҳтиёж нима? Унинг қандай турларини биласиз?
3. Иқтисодий ресурс тушунчасига ва унинг турларига таъриф беринг.
4. Нима учун ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш инсоннинг турли хил фаолиятлари ичида энг асосийлари ҳисобланади?
5. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети нимадан иборат? У бошқа иқтисодий фанлар ичида қандай ўрин тутади?
6. Иқтисодиёт назариясини ўрганишда қандай усуллардан фойдаланилади?
7. Макроиқтисодий таҳлил билан микроиқтисодий таҳлил ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

II БОБ. Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари

Бу бобда бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш омиллари ва ишлаб чиқариш жараёнига тегишли муаммолар қараб чиқилади. Дастлаб ишлаб чиқаришнинг омиллари тавсифланади, ишлаб чиқаришнинг мақсади ва мазмуни очиб берилади, сўнгра унинг натижалари ва самарадорлиги билан боғлиқ масалалар баён берилади. Таҳлилда «ишлаб чиқариш имконияти» тушунчасига ҳам ўрин ажратилади. Бобнинг охирида кейинги қўшилган маҳсулот ва унинг камайиб бориши, кейинги қўшилган меҳнат ва капитал унумдорлигининг пасайиб бориши қонунининг мазмунига тегишли маржиналистик гоялар билан танишасиз.

1-§. Ишлаб чиқариш омиллари ва унинг таркиби

Моддий ва маънавий неъматларни яратиш, хизматлар кўрсатиш инсон ҳаёти, унинг яшаши ва камол топиши учун моддий асосдир. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз такрорланиши ва уни ривожлантириш ҳар доим энг муҳим иқтисодий қонуният ва объектив заруриятдир.

Ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқаришнинг амалга ошиши, энг аввало, унинг рўй бериши учун бу жараёнда қатнашадиган омиллар мавжуд бўлмоги лозим. Иқтисодиётнинг тизими ва шаклидан қатъи назар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳалари учун умумий бўлган учта омил: **ишчи кучи, меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари бўлиши шарт.**

Ишчи кучи деб, инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндисига айтилади. Ишчи кучи меҳнат қобилиятига эга бўлган кишилар учун хосдир. Лекин ишчи кучи инсоннинг ўзи ҳам ёки унинг меҳнати ҳам эмас, балки қобилиятидан иборатдир.

Меҳнат қуроллари деб, инсон унинг ёрдамида табиатга, меҳнат предметларига таъсир қиладиган воситаларга айтилади (машиналар, станоклар, трактордар, қурилмалар, ускуналар ва бошқалар). **Меҳ-**

лат предметлари эса бевосита меҳнат таъсир қиладиган, яъни маҳсулот тайёрланадиган нарсалардир (ер-сув, хомашё ва бошқа турли материаллар). Меҳнат предметлари табиатда тайёр ҳолда учраши мумкин ёки олдинги даврдаги меҳнат маҳсулоти, яъни хом ашё тарзида бўлиши мумкин. Меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари биргаликда ишлаб чиқариш воситалари деб юритилади. Бу эса меҳнат жараёнининг табиатидан келиб чиқади, шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш воситалари ҳамма ижтимоий-иқтисодий тизимлар, инсоният тараққиётининг ҳамма босқичлари учун хосдир.

Меҳнат воситаларини меҳнат предметларига таъсир этиш хусусиятига кўра бир нечта катта гуруҳларга бўлиш мумкин. **Биринчи гуруҳга** машиналар, механизмлар, станоклар, ускуналар, турли хил аслаҳалар ва бошқалардан иборат меҳнат қуролларини киритиш мумкин. Уларнинг ёрдамида ишчи табиат ашёлари ва кучларига бевосита таъсир қилади ва бу ашёларни ўзининг истеъмоли учун зарур бўлган шаклга келтиради.

Иккинчи гуруҳга материалларни сақлаш учун мўлжалланган меҳнат воситалари (цистерналар, турли хил бочкалар, қувурлар, омборлар ва бошқалар) киритилади.

Учинчи гуруҳга ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашмайдиган меҳнат воситалари киради. Лекин бу воситаларсиз ишлаб чиқариш жараёнининг амалга ошиши мумкин эмас ёки тўла ва самарали амалга ошмаслиги мумкин. Буларга бинолар, йўллар ва бошқалар мисол бўла олади.

Ҳозирги фан-техника тараққиёти даврида ишлаб чиқаришнинг ривожланишида меҳнат предметларининг аҳамияти ошиб бормоқда. Материалларнинг табиатда тайёр ҳолда учрамайдиган янги турлари яратилмоқда. Ишлаб чиқариш омиллари инсоният тараққиётининг ҳамма босқичлари учун умумий бўлса-да, бу омилларга турли адабиётларда турлича таъриф берилади ва уларни турлича тушунтирилади.

Жумладан, «Сиёсий иқтисод» дарсликларида ишлаб чиқаришнинг икки омили: моддий ва шахсий омиллари мавжудлиги тан олинади. Бунда меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари (ер-сув, ер ости бойликлари каби табиий бойликлар ҳам) ишлаб чиқариш воситалари дейилади ва ишлаб чиқаришнинг моддий омилини ташкил этади, ишчи кучи эса унинг шахсий омили деб юритилади. Ҳозирги бозор иқтисодига доир кўпчилик адабиётларда эса ишлаб чиқаришнинг тўрт омили: меҳнат, капитал, ер-сув, тадбиркорлик қобилияти тан олинади.

Бу ерда ишчи кучи билан меҳнат ўртасидаги фарқни англаб олиш жуда муҳимдир. Бизга маълумки, меҳнат турли омилларнинг ҳаракат жараёнидир. Ишчи кучи, юқорида айтганимиздек, инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилияти, унинг билим, малака даражаси билан биргаликда ишлаб чиқаришда қатнашишига тайёр турган омил бўлиб хизмат қилади, меҳнат эса ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучининг қўшилиши натижасида содир бўладиган ҳамда маълум самара олишга қаратилган фаолиятдир.

Шунинг учун биз меҳнат деган тушунчани эмас, **балки ишчи кучи деган тушунчани ишлаб чиқаришнинг омили деб биламиз** ва ишлаб чиқариш омиллари ишчи кучи, капитал, ер-сув ва тадбиркорлик қобилиятидан иборат деб таъкидлаймиз.

Ишчи кучи инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндиси бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти даврида инсон ҳам, меҳнат жараёни ҳам эмас, балки ишчи кучи сотилади, унинг бозори бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган **меҳнат бозори** тушунчаси ўрнига **ишчи кучи бозори**, **меҳнат ресурслари** ўрнига **ишчи кучи ресурслари** дейилса тўғри бўлар эди. Ишчи кучи асосий ишлаб чиқарувчи кучдир. Чунки у ҳамма моддий воситаларни ва пул маблағларини ҳаракатга келтиради, улардан унумли фойдаланади.

Капитал тушунчаси ҳам турли адабиётларда турлича талқин қилинади. Кўпчилик капитал тушунчасини тарихий тушунча деб қараб, унинг капитализмга хослигини исботлайди ва капитални ўз эгасига қўшимча қиймат келтирувчи қиймат, ўз-ўзидан кўпаювчи, ўсувчи қиймат деб ҳисоблайди. Ҳозирги даврдаги айрим Ғарб иқтисодчилари ҳам, масалан, Дж. Кларк, Л. Валрас, И. Фишерлар капиталга даромад, фойда ва фоиз келтирувчи қиймат деб қарайдилар.

Қатор Ғарб иқтисодчиларининг фикрини келтириб, и. ф. д. профессор В. Д.Камаев ўзининг раҳбарлигида чиққан дарсликда ҳам «Ҳақиқатдан ҳам капитал — ўзидан-ўзи кўпаювчи қиймат» деб ёзади. Лекин Америка ва Европа мамлакатларидан кириб келган «Экономикс» дарсликлари ва бошқа айрим адабиётларда капитални ҳамма ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қўлланиладиган моддий воситалардан, яъни ҳамма турдаги машиналар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, завод-фабрикалар, омборлар, транспорт воситалари ва бошқа шу кабилардан иборат деб кўрсатади, унга пул ва товарни киритмайди. Бундан кўриниб турибдики, айрим иқтисодчилар капиталистик иқтисодий тузумнинг ижтимоий моҳиятини очиш учун масалага бир томонлама қараб, ишлаб чиқариш омилла-

рининг қийматига эътиборни кучайтирган. Ғарбдаги касбдошларимизнинг айримлари ҳам капитални бир томонлама, яъни унинг қиймат тарафини эътиборга олган бўлса, бошқалари эса иқтисодий тушунчаларнинг тарихийлигини эътибордан четда қолдириб, унинг моддий объектини, нарса ва ҳодисаларнинг ашёвий томонини кўрсатадилар, шунинг учун улар капитални доимий, ўзгармас тушунча деб, ишлаб чиқариш воситаларини капитал деб атайдилар. Биз бу икки хил тушунчани бир танганинг икки томони, бир тушунчанинг, яъни капитал тушунчасининг икки томони: унинг бир томони моддий ва ашёвий кўриниши, иккинчи томони эса унинг қиймат кўриниши эканлигини эътиборга оламиз ва уни бозор иқтисодиёти шароитида капитал деб ишлатамиз. **Биз капитал деганда ўз эгаларига даромад келтирадиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳаларида ишлатиладиган ишлаб чиқариш воситаларини, сотишга тайёр турган товарларни, янги воситалар ва ишчи кучини сотиб олишга мўлжалланган пул маблағларини, уларнинг ашёвий томони ва қийматининг бирлигини тушунамиз.**

Бу ерда капитал турли шаклда: пул, ишлаб чиқариш воситалари, товар ва бошқа моддий воситалар шаклида бўлиши мумкин.

Ҳамма адабиётларда ерга деярли бир хил тушунча берилади, яъни ер-сув деганда тупроқ унумдорлиги, ўтлоқлар, яйловлар, сув, ҳаво, ўрмон, қазилма бойликлар, умуман табиий ресурслар тушунилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида катта эътибор бериладиган омиллардан бири тадбиркорлик қобилиятидир.

Тадбиркор деб, иқтисодий ресурслар: ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи ресурсларининг, табиий ресурсларнинг бир-бирига қўшилишини таъминлайдиган ташкилотчи, янгиликка интилувчи ташаббускор, иқтисодий ва бошқа хавфдан, жавобгарликдан қўрқмайдиган довюрак кишиларга айтилади, бу хислатлар эса **тадбиркорлик қобилияти** деб юритилади. Ҳозирги даврда айрим адабиётларда ахборот ва унинг воситаларини, экологияни ҳам алоҳида омил деб кўрсатадилар. Бизнинг фикримизча улар ер ва капиталда ўз ифодасини топади. Ишлаб чиқариш жараёнида биз юқорида санаб ўтган омилларнинг ҳаммаси қатнашади, улар бир-бирини тўлдиради, бир-бирига таъсир қилади. Улардан бири бўлмаса ишлаб чиқариш бўлмайди ёки самарасиз бўлади, кўзланган мақсадга эришилмайди. Икки ёки бир нечта ишлаб чиқариш омилларининг бир-бирига ўзаро таъсири натижасида вужудга келган маҳсулот (товар ёки хизмат) ҳажмининг ўзгариши **ишлаб чиқариш функцияси** дейи-

лади. Ишлаб чиқаришнинг омиллари доимо бир хил бўлиб турмайди, улар сифат ва миқдор жиҳатдан ўзгаришда, ривожланишда бўлади. Ишлаб чиқариш воситалари ривожланиб борган сари мураккаб машиналар, асбоб-ускуналар, станоклар вужудга келади. Шунингдек, ишчи кучи ҳам онги, малакаси ошган, янги машиналарни яратадиган, улардан унумли фойдаланадиган бўлиб боради.

Ишлаб чиқариш омиллари бир-бирига боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлади, бирининг ўзгариши иккинчисига таъсир қилади. Ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро таъсир усули технологияда ўз ифодасини топади. Кишилар буюмларнинг илгари маълум бўлмаган хусусиятларини англаб, товар ва хизматларнинг янги турларини тайёрлаш сирларини билиб оладилар, илғор технологияни қўллайдилар, янги материаллардан, энергия турларидан фойдаланадилар. Ишлаб чиқариш омилларининг ва технологиянинг ўзгариши ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг мазмуни ва шаклининг ўзгаришига, унинг такомиллашувига сабаб бўлади.

2-§. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни

Ишлаб чиқариш жараёни — бу кишиларнинг истеъмоли учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятидир. Моддий ва маънавий неъматлар яратиш, турли хизматлар кўрсатиш жараёни кишилар фаолиятининг асосий томонидир, чунки бу жараёнда кишилар ўртасида бўладиган муносабатлар бошқа ҳамма соҳаларда — айирбошлаш, тақсимот ва истеъмол соҳаларида рўй берадиган муносабатларнинг хусусиятларини ва йўналишини белгилаб беради.

Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш, биринчи навбатда, меҳнат жараёнидир ёки бошқача қилиб айтганда, табиатдаги бор нарсаларнинг кўринишини ўзининг истеъмоли учун мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида қилинган фаолиятдан иборатдир. Ана шу меҳнат жараёнида кишилар, энг аввало, табиат, унинг кучлари ва ашёлари ҳамда бир-бирлари билан ўзаро маълум муносабатда бўладилар. Ишлаб чиқариш жараёнида бўладиган бу муносабатларнинг тавсифини, шаклларини ва хусусиятларини ўрганиш ва уларни билган ҳолда ишлаб чиқаришни онгли ташкил этиш олий мақсадга, яъни чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланилган ҳолда кишиларнинг ўсиб борувчи эҳтиёжларини қондириш мақсадига эришишнинг бирдан-бир йўлидир. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг ички қонуниятлари, унинг ривожла-

ниш хусусиятлари кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан кўрсатиб берилган. Улар меҳнат, кишилар яшашининг умумий асосидир деб таърифлайдилар. Демак, меҳнат истеъмол қийматларини яратувчи ҳамда, фойдали меҳнат сифатида кишиларнинг яшаши учун ҳеч қандай ижтимоий шаклларга боғлиқ бўлмаган ҳолда абадий табиий заруриятдир, меҳнат бўлмаганда киши билан табиат ўртасида модда алмашинуви ҳам мумкин бўлмас эди.

Кишилар ўзларининг онгли мақсадга мувофиқ унумли меҳнати билан табиат моддаларининг шаклларини ўзгартирадилар ва истеъмоли учун зарур бўлган маҳсулотни вужудга келтирадилар. Меҳнат жараёнида кишилар билан табиат ўртасида моддалар алмашинуви асосида инсоннинг ўзи ҳам ҳар томонлама камол топиб боради, яъни кишилар ўзининг меҳнатга бўлган қобилиятини, билимини оширади ва уларни амалда қўллашни кенгайтиради.

Шундай қилиб, меҳнат жараёни истеъмол қийматларини вужудга келтириш учун мақсадга мувофиқ қилинадиган ҳаракатдир, табиат яратган нарсаларни киши истеъмоли учун ўзлаштириб олишдир, киши билан табиат ўртасидаги модда алмашувининг умумий шартидир, киши ҳаётининг абадий табиий шароитидир.

Ишлаб чиқариш жараёни инсоният тараққиётининг ҳамма босқичларига, ҳамма мамлакатларга, эл-юртларга ва халқларга хос бўлиб, умуминсоний категориядир (тушунчадир).

Шунинг учун бу жараён узоқ тарихга эга бўлиб, олдий тош ва ёғоч қуроллардан фойдаланиб, энг содда овчилик ва деҳқончилик қилишдан тортиб то ҳозирги замон мураккаб технологиясига асосланган роботсозлик, самолётсозлик, компьютер техникаларини, замонавий радио ва телевидение воситаларини ишлаб чиқаришгача бўлган йўлни босиб ўтди. Ҳозирги даврда мамлакатимиз ҳудудида бир неча юзлаб тармоқлар ва соҳаларда халқимизнинг истеъмоли ва ишлаб чиқаришнинг ўзи учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ва асбоб ускуналар ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқаришнинг энг йирик соҳалари саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, қурилиш, савдо, тайёрлов идоралари, моддий-техник таъминот, коммунал ва уй — жой хўжаликлари, турли хил хизмат кўрсатиш соҳалари ва бошқалардан иборат. Ҳар бир мамлакат ўз тараққиётининг шу даврдаги босқичи учун зарур ва қулай бўлган тармоқлар таркибини вужудга келтиришга ҳаракат қилади. Бунда ресурслар чекланганлиги ҳисобга олиниб ишлаб чиқаришни ўстириш ва халқнинг талабини қондириш учун ўта зарур бўлган, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга, чет эллар

билан бўладиган ҳамкорликни юксалтиришга имкон берадиган тармоқларга алоҳида эътибор берилади.

Турли мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги қарор топаётган ҳозирги ўтиш даврида аҳолига турли хизматлар кўрсатиш миқдори ҳам ўсмоқда. Ўзбекистон ЯИМда хизматларнинг улуши 2000 йилда 36,8 фоизни ташкил қилиб, унинг 8,1 фоизи транспорт ва алоқага, 9,5 фоизи савдо ва умумий овқатланишга, 19,2 фоизи бошқа хизматлар улушига тўғри келди. Бу эса Республикамиз ҳукуматининг кейинги йилларда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш учун олиб бораётган комплекс тадбирлари (индивидуал меҳнат фаолияти, кооперация, ижара пудрати, ер, мулк, тадбиркорлик, солиқлар тўғрисидаги қонунлар) натижасидир.

Хўжалик юритишнинг янги шакли ва усулларининг аҳолига хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, турли чиқиндиларни қайта ишлаш усулларининг иқтисодиётимизга кириб келишининг объектив сабаби меҳнаткашларни товар ва хизматлар билан таъминлаш соҳаларини ривожлантиришдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнат фаолиятининг муҳим томони бўлган **уй хўжалиги** имкониятларидан фойдаланиш (касаначилик, ҳунармандчилик, поливойлик, уй-боғча ва яслилари очиш, репетиторлик, қўшимча дарс ўтиш) — ички имкониятлардан фойдаланишнинг муносиб йўлларидан бири ҳисобланади, чунки бу усул қўшимча бинолар қурилишини талаб қилмайди ва маблағни тежашга имкон беради, шу билан бирга хизматлар турини ва миқдорини купайтиради.

Маълумки, бизда иш вақтининг анчагина қисми уй-рўзғор ишига тўғри келмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакат аҳолиси уй-рўзғор ишларига йилига сарфлаган вақт ижтимоий ишлаб чиқаришга сарфланган иш вақтига қараганда кўпроқ экан. Бунинг устига уй-рўзғор ишлари талайгина қувватни талаб қилади. Ушбу ва шунга ўхшаш бошқа мисоллар маиший хизматлар кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш, уй-рўзғор ишларини механизациялаш имконини берадиган машина ва асбоб-ускуналарни кўплаб ишлаб чиқаришни талаб этади. Эҳтиёжлар тури қанча кўп бўлса, шунга биноан ишлаб чиқаришнинг тармоқ ва соҳалари ҳам кенгайиб боради. Уларни ўрганиш осон бўлиши учун ишлаб чиқариш икки катта соҳага: моддий ва номоддий ишлаб чиқаришларга бўлинади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасида зарурий моддий неъматлар яратилади, номоддий соҳада эса турли хил маънавий неъматлар ярати-

лади ва хизматлар кўрсатилади. Бу икки соҳа бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланади ва бир-бирига таъсир кўрсатади.

Республика миллий иқтисодиётида товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ЯИМдаги мутлоқ миқдори ва нисбий улуши қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади.

1-жадвал

Республика ЯИМда товарлар ва хизматлар улуши (жорий бозор баҳоларида)*

Крсаткичлар	1999		2000	
	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%
Ялпи ички маҳсулот	2128,7	100,0	3194,5	100,0
Шу жумладан:				
• ишлаб чиқарилган товарлар қиймати	1070,5	50,2	1614,2	50,5
• кўрсатилган хизматлар қиймат	772,4	36,4	1173,9	36,8

***Манба:** Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2000 год. Тошкент, 2001, 8-бет.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаси ўз навбатида икки бўлинмадан — биринчи ва иккинчи бўлинмалардан иборат бўлади. Биринчи бўлинмада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларининг ишлаб чиқариш истеъмоли учун зарур бўлган воситалар — станок, машина, асбоб-ускуна, хом ашё ва турли материаллар ишлаб чиқарилади. Иккинчи бўлинмада эса халқ истеъмоли учун зарур бўлган истеъмол товарлари ишлаб чиқарилади.

Биринчи бўлинмада ишлаб чиқаришдан чиққан товарлар шу йилнинг ўзида иккинчи бўлимда ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаб чиқариш воситаси сифатида ишлатилиши мумкин, иккинчи бўлинмада яратилган товарлар ва номоддий соҳа хизматлари ўз навбатида биринчи бўлинма учун зарурдир. Шунинг учун улар ўртасида доимо иқтисодий алоқалар ва муносабатлар содир бўлиб туради.

Аммо шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш жараёни жамият тараққиётининг ҳамма босқичлари учун хос бўлган умумий

ҳодиса бўлса-да, кишилар, соҳалар, корхоналар ўртасида маълум шаклдаги ўзаро муносабатсиз амалга ошиши мумкин эмас. Шунинг учун ишлаб чиқариш жараёни ҳамиша маълум бир ижтимоий шаклда, яъни шу даврда амал қилаётган ишлаб чиқариш муносабатларига мос ҳолда олиб борилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай ишлаб чиқариш, бир томондан истеъмол қиймати яратишдир, иккинчи томондан, моддий воситалар ва меҳнатнинг сарфланиши, янги қийматнинг яратилиши, бошқача қилиб айтганда, қийматнинг ўсиш жараёнидир.

Ҳар қандай маҳсулот, шу жумладан, бозор шароитидаги ёки унга ўтиш давридаги меҳнат маҳсули ҳам икки хил хусусиятга эга: **истеъмол қийматига,** яъни маълум бир **нафлиликка ва қийматга** эга бўлиб, жонли ва буюмлашган меҳнат сарфининг маълум миқдорини ўзида мужассамлаштиради. Бу товарнинг ўзаро боғлиқ ва ҳамиша бир-бирини тақазо қиладиган икки томонидир (бу ҳақда кейинги бобда батафсилроқ тўхталамиз). Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш жараёнига ҳамиша унинг пировард мақсади билан биргаликда қаралади. Ишлаб чиқаришнинг мақсади чекланган ресурслардан унумли фойдаланиб, кишилар эҳтиёжини қондириш экан, унинг самараси товар ва хизматларнинг натурал ва қиймат жиҳатдан ўсишида кўринади. Шу нуқтаи назардан олганда ишлаб чиқариш жараёни ҳамиша нафлиликни, яъни истеъмол қийматини яратиш, кўпайтириш ва қийматларнинг ўсиш жараёни ҳисобланади. Унинг асосий мақсади эса истеъмол қийматни, яъни нафли товарни яратишдан иборат бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг чекланган ресурсларидан фойдаланган ҳолда кишилар эҳтиёжини қондиришга қаратилиши ва шунга зарур бўлган сифат ва миқдорда истеъмол қиймати яратишни бош мақсад қилиб қўйиши унинг ижтимоий йўналишини ифода этади. Лекин бу умумий ижтимоий йўналиш аниқ кишиларнинг, тадбиркорларнинг манфаати билан боғлангандагина амалга ошади. Бозор иқтисодиёти шароитида ёки унга ўтиш даврида ҳар бир мулк эгаси ёки тадбиркор маълум миқдорда фойда олишни, сарфланган воситаларга, пул маблағларга нисбатан кўпроқ қийматга эга бўлишни мақсад қилиб қўяди. Шунинг учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни бир томондан, истеъмол қийматларини яратиш жараёни бўлса, иккинчи томондан қийматнинг ўсиш жараёни бўлиб ҳисобланади. Масалан, тадбиркор ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ҳар бир тоннаси 1000 сўмдан 100 тонна, ҳаммаси бўлиб 100 минг сўмлик пахта толаси сотиб олди дейлик. У шу пахта толасидан ип йигиради,

қўлланилган асосий воситалар амортизацияси, энергия ва бошқа харажатлар 20 минг сўмни, иш ҳақи 30 мингни ташкил этса, 30 минг сўмлик фойда оладиган бўлса, ҳаммаси бўлиб яратилган маҳсулотнинг қиймати 180 минг сўмни, қўшилган қиймат 80 минг сўмни ташкил этган бўлади.

Агар биз 80 минг сўмлик қўшилган қийматдан 20 минг сўмини амортизация, энергия ва бошқалардан иборат моддий харажатлар, яъни олдиндан яратилган қийматлар деб қарасак, 60 минг сўмлик қиймат, яъни 30 минг сўмлик иш ҳақи ва 30 минг сўмлик фойда шу ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил қилинган янги қиймат ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш жараёни икки томонлама таҳлил қилиб ўрганилганда уни тўғри тушуниш мумкин бўлади. Бу ерда шуни ҳисобга олиш лозимки, олдинги ишлаб чиқариш жараёнидан чиққан ишлаб чиқариш воситалари қиймати кўпаймаган ҳолда ўзи қанча бўлса, шу миқдорда аниқ меҳнат билан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматига ўтказилади. Бу ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган айрим табиий кучлар қийматга эга эмас, шунинг учун улар истеъмол қийматини ҳосил қилишда омил сифатида қатнашса ҳам, лекин қийматнинг ташкил топишида қатнашмайди. Ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонлама табиати унинг натижаларининг ҳам икки томони борлигини кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонини қуйидаги чизмада ифода этиши мумкин:



3-*чизма*. Ишлаб чиқариш жараёнининг икки томони.

3-§. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари

Ҳар бир корхона ёки ишлаб чиқариш бўғинида турли омилларнинг биргаликда ишлатилиши натижасида маҳсулот, яъни товар ва хизматлар вужудга келади. Лекин бундай корхоналар сони жуда кўпдир. Масалан, 2001 йил бошида Ўзбекистонда рўйхатга олинган хўжаликлар сони 203,3 минга эди. Юзаки қараганда ҳар бир корхонадаги индивидуал ишлаб чиқариш бир-биридан ажралган ҳолда мустақилга ўхшаб кўринади. Аммо хилма-хил товарлар ва ресурсларнинг узлуксиз оқимида индивидуал маблағларнинг ҳаракатлари бир-бири билан қўшилиб, ўралиб-чатишиб кетади. Чунки баъзи олинган индивидуал ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти ва айрим маблағлар, маҳсулотларнинг ҳаракати ўзаро боғлангандир. Шу сабабли, индивидуал меҳнатларнинг ҳаракати қўшилиб кетиши, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, жами яратилган товар ва хизматларнинг ҳаракатини билдиради. Демак, **ижтимоий ишлаб чиқариш ўзаро боғланган ва алоқада бўлган барча индивидуал ишлаб чиқаришларнинг йиғиндисидир.** Ҳар бир индивидуал ишлаб чиқариш, унинг сармояси ва ресурслари эса ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ажралмас бир бўлагидир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш, яъни турли омилларнинг ҳаракати натижасида жуда кўп турдаги товарлар ва хизматлар массасидан иборат бўлган **миллий маҳсулот** вужудга келади.

Республикамизда олдинги даврда мамлакат бўйича ишлаб чиқаришда вужудга келтирилган маҳсулотлар йиғиндиси ялпи ижтимоий маҳсулот деб аталган. Ялпи ижтимоий маҳсулот кўрсаткичида йил мобайнида яратилган моддий неъматлар йиғиндиси ҳисобга олинган, унда хизмат кўрсатиш соҳаларида вужудга келтирилган маънавий неъматлар ва хизматлар қиймати акс этмаган. Лекин бир ишлаб чиқариш соҳасидан чиққан хом ашё, материаллар, ёнилғи ва энергияларнинг қиймати бошқа соҳаларда ишлатилиб, бир неча бор такрор-такрор ҳисобга олиниб, маҳсулотнинг ҳажми сунъий равишда ошириб кўрсатилган, истеъмолга бориб тушадиган тайёр маҳсулот эса ундан бир неча баробар кам бўлган.

Мана шу такрор ҳисоблашларга барҳам бериш учун ҳозир миллий ҳисоб тизимига ўтилиб, энди мамлакатда вужудга келтирилган маҳсулотлар, яъни товарлар ва хизматлар йиғиндиси **ялпи миллий маҳсулот** деб атала бошланди. **Ялпи миллий маҳсулот — бу маълум вақт давомида, масалан, бир йилда яратилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб етадиган барча тайёр маҳсулот ва кўрсатилган**

хизматларнинг бозор баҳосидаги қиймати. Миллий маҳсулот моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари йиллик фаолиятининг умумий самараси бўлиб ҳисобланади. Ички миллий маҳсулот ҳам худди шу мазмунда тушунилади.

Ялпи миллий маҳсулот билан ички миллий маҳсулотнинг фарқи шундаки, ялпи миллий маҳсулотга мамлакат ичидаги ва турли мамлакатлардаги бизнинг корхоналарда ва қўшма корхоналарда вужудга келтирилган (мамлакатимиз ҳиссасига тўғри келадиган) маҳсулотлар киради.

Бошқа мамлакатлар ёки фуқаролар томонидан бизнинг мамлакатимиз ҳудудида қурилган корхоналар маҳсулоти, қўшма корхоналардаги маҳсулотда уларнинг ҳиссаси ҳисобга олинмайди. Ички миллий маҳсулотда эса мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган ҳамма маҳсулот ва хизматлар (бошқа мамлакатлар корхоналари, қўшма корхоналарда яратилган ҳамма товар ва хизматлар қўшилиб) ҳисобга олинади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ички миллий маҳсулот кўрсаткичи ҳисобга олинмоқда. Шунинг учун биз бундан кейин ички миллий маҳсулот тўғрисида гап юритамиз.

Жами ижтимоий маҳсулот билан ялпи ёки ички миллий маҳсулот ўртасидаги фарқни аниқ тушуниш учун қуйидаги 2-жадвал маълумотларидан фойдаланамиз.

Бундан кўриниб турибдики, жами ижтимоий маҳсулот 1515 бирликни ташкил этади, ички миллий маҳсулот эса 585 бирликни ташкил этади.

Лекин бу ерда шуни айтиш лозимки, мамлакат миқёсида такрор ҳисобга йўл қўймаслик учун ялпи ва ички миллий маҳсулотни ҳисоблашда сотиб олинган хом ашё, ёнилғи ва материаллар қиймати ҳисобга олинмайди, фақат қўшилган қиймат ҳисобга олинади, уларнинг йиғиндиси эса ялпи ёки ички миллий маҳсулот ҳажмини кўрсатади. Аммо ҳар бир корхона ва тармоқ учун сотилган товар маҳсулоти ички миллий маҳсулотдан эмас, балки жами яратилган ижтимоий маҳсулотдан иборатдир. Масалан, бизнинг мисолимизда пахтани қайта ишлаш корхонаси ишлаб чиқарган ва сотган маҳсулот 285 бирликни, ички миллий маҳсулот ҳисобига кирадиган қўшилган қиймат эса 145 бирликни ташкил этади. Сотилган маҳсулотнинг (285) 140 бирлиги хом ашё, ёнилғи ва материалларни сотиб олиш учун ишлатилади. Шунинг учун биз бу мавзуда корхоналар ва тармоқлар яратган йиллик миллий маҳсулот ҳақида гапирганда кўпроқ жами ижтимоий маҳсулотни назарда тутамиз.

Ялпи ва ички миллий маҳсулотлар ҳақида эса ушбу китобнинг кейинги бўлимида батафсил тушунтирилади.

2-жадвал

Ишлаб чиқарилган миллий маҳсулотнинг тузилиши

(рақамлар ихтиёрий олинган)

Иқтисодий тармоқлар	Хомашё ёнилғи материаллар	Қўшилган қиймат				Ялпи миллий маҳсулот	Жами ижтимоий маҳсулот
		Амортизация	Иш ҳақи	Тўланган солиқлар ва тўловлар	Фойда		
	Истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати (С)		Зарурий маҳсулот (V)	Қўшимча маҳсулот (М)			
Пахта ишлаб чиқариш	40	30	30	20	20	100	140
Пахтани қайта ишлаш	140	40	50	25	30	145	285
Тўқимачилик	285	50	60	30	40	180	465
Тикувчилик	465	45	50	35	30	160	625
Жами	930	165	190	110	120	585	1515
	с=1095		v =190	m=230		585	1515

Миллий маҳсулот турли корхоналарда ва тармоқларда яратилсада, улар умумлаштирилиб, асосан икки таркибда, яъни натурал буюмлашган ҳолда ва қиймат таркибида ҳисобга олинади. Уларнинг ўзгариши жамиятнинг иқтисодий ривожланиш динамикасини акс эттиради. Моддий буюмларнинг ишлатилиши, ишлаб чиқариш ёки шахсий истеъмол воситаси бўлиб хизмат қилишга мувофиқ миллий маҳсулот ўзининг натурал буюмлашган шакли бўйича икки қисмдан: ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарларидан ташкил топади. Кейингиси ўз навбатида истеъмол буюмларидан ва аҳолига кўрсатилган турли хизматлардан иборат бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнини давом эттириш учун, биринчидан, истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларини фақат қиймат ҳолидагина эмас, балки уни моддий буюм шаклида ҳам қайта тиклаш зарур. Бунинг учун, албатта, ички миллий маҳсулот таркибида маълум миқдорда ишлаб чиқариш воситалари натурал шаклда мавжуд бўлиши керак. Иккинчидан, ишчи кучининг қайта тикланиши мақсадида мулк эгалари ва тадбиркорларнинг шахсий истеъмоли учун миллий маҳсулот таркибида зарур истеъмол буюмлари мавжуд бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам миллий маҳсулот икки хил товар маҳсулот сифатида мавжуд бўлади, бу эса ўз навбатида, икки йирик бўлинмалар ўртасида товар айирбошлаш имконини беради.

Ички миллий маҳсулот фақатгина натурал жиҳатдан эмас, балки қиймат жиҳатдан ҳам ҳисобга олинади ва унинг қиймат таркиби таҳлил қилинади.

Миллий маҳсулот қиймат жиҳатдан уч қисмдан иборат бўлади, яъни:

1. Ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг, яъни улар қийматининг маҳсулотга ўтган қисми (С).

2. Янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг бир қисми, яъни ишчиларга тегишли қисми зарурий маҳсулотнинг қиймати (У).

3. Янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг мулкдорлар, тадбиркорлар ва жамият учун ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулот қиймати (М) дан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, олдинги ишлаб чиқариш жараёнларида яратилган ва ушбу жараёнда истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг қийматидан ҳамда шу ишлаб чиқариш жараёнида яратилган янги қиймат, яъни соф миллий маҳсулотдан иборатдир (ММ=МС+СММ). Чунки миллий маҳсулотнинг бир қисмидан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг ўрнини қоплаш учун фойдаланилади. Ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этиши ва ривожланиши учун ис-

теъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари ҳар қандай асбоб-ускуналар, хом ашё, ёқилғи ва бошқа ёрдамчи материаллар ўрнини тўлдириб туриши талаб қилинади. Бунинг учун миллий маҳсулотнинг бир қисмидан фойдаланилади.

Демак, соф миллий маҳсулот бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган менежерлар, ишчилар, деҳқонлар ва муҳандислар, техник ходимларнинг янгидан сарф қилинган меҳнати билан яратилган зарурий маҳсулотдан ва қўшимча маҳсулотдан иборатдир.

Зарурий маҳсулот деб ишчи ва хизматчилар иш вақтининг бир қисми бўлган зарурий иш вақтида яратилган ишчи кучини нормал ҳолатда сақлаш ва қайта тиклаш учун зарур бўлган маҳсулотга айтилади.

Зарурий маҳсулот соф миллий маҳсулотнинг муҳим қисми бўлиб, бевосита ишчи ва хизматчиларга тегишлидир. Соф маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ортиқча қисми, яъни қўшимча иш вақтида яратилган қисми **қўшимча маҳсулот** дейилади. Бу қўшимча маҳсулот тадбиркорларга ва мулкдорларга ҳамда давлатга тегишлидир.

Зарурий ва қўшимча маҳсулот жамият тараққиётининг деярли ҳамма босқичларига хосдир. Лекин улар ўртасидаги нисбат турли даврларда турлича бўлади. Ибтидоий жамоа тузумининг дастлабки даврида жамоадош ҳамма кишиларнинг вақти фақат зарурий маҳсулотни, яъни яшаш учун энг зарур маҳсулотни топиб ейиш билан банд бўлган. Кейинчалик, бу тузумнинг охирларига келиб, қисман меҳнат унумдорлиги ошиб, зарурий маҳсулотдан ортиқча, яъни қўшимча маҳсулот пайдо бўлган ва унинг айрим кишилар томонидан ўзлаштирилиши натижасида **хусусий мулк** пайдо бўлган.

Кишилик жамияти тараққиётининг қулдорлик, феодализм ва капитализм деб аталмиш босқичларида қўшимча маҳсулотнинг мавжудлиги ҳақида ҳеч ким мунозара қилмайдилар.

Собиқ социалистик жамиятда кўпгина иқтисодчилар қўшимча маҳсулот фақат хусусий мулкчилик даврига хос деб тушуниб, ижтимоий мулк мавжуд бўлган даврда у бўлмайди деб келдилар. Лекин улар корхоналар олаётган фойда маҳсулотнинг қайси қисми эканлигини, давлат бошқаруви, мудофаа, таълим, фан-маданият учун маблағлар қаердан олинишини тушунтириб бера олмас эдилар. 1965 йиллардан кейингина зарурий ва қўшимча маҳсулот иқтисодий адабиётларда тушунтирила бошланди. Ҳозир, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳам бу тушунчани рад қилувчи кишилар топилади.

Лекин бундай иқтисодчиларга мулкдорлар ва тадбиркорлар олаётган фойда, фоиз, дивиденд даромадлари, давлат солиқлари, ер

рентаси каби пул кўринишидаги даромадларнинг туб манбаи нима, улар миллий маҳсулотни қайси қисмининг тақсимотдаги ҳаракат кўриниши, деб сўрасангиз жавоб бера олмайдилар. Фойда ва бошқа турли кўринишдаги даромадлар манбаини билмаслик, нима учун товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар зарар кўради-ю, уни сотувчилар фойда кўради деган саволларга ҳам жавоб беришда ожизликка олиб келади. Улар иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг туб моҳиятига тушунмаганлар, балки унинг юзаки томонларини ўрганиш билангина чекланиб қолганлар.

Қўшимча маҳсулотни рад қилиш ўрнига унинг мазмунини, ҳаракат шаклларини пухта ўрганиб, янада кўпайтириш ва тақсимланишини такомиллаштириш йўлларини қидиришга куч сарфлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳар бир корхонада, тармоқда қўшимча маҳсулотни кўпайтириш асосан уч йўл билан — ишловчилар сонини кўпайтириш, иш кунини узайтириш ва иш куни чегараси ўзгармаган ҳолда зарурий иш вақтини камайтириш эвазига қўшимча иш вақтини кўпайтириш йўли билан амалга оширилади.

Иш кунини узайтириш йўли билан олинган қўшимча маҳсулот абсолют қўшимча маҳсулот деб, иш куни ўзгармаганда зарурий иш вақтини камайтириб, қўшимча иш вақтини кўпайтириш эвазига олинган қўшимча маҳсулот эса нисбий қўшимча маҳсулот деб аталади.

Йил давомида олинган қўшимча маҳсулотлар йиғиндиси қўшимча маҳсулот массаси, унинг зарурий маҳсулотга нисбати эса (фоизда ифодаланиши) қўшимча маҳсулот нормаси деб юритилади.

Агар қўшимча маҳсулот нормасини m', массасини m, зарурий маҳсулотни v билан белгиласак, ***қўшимча маҳсулот нормаси*** $m' = m/v \cdot 100\%$ кўринишдаги формула билан аниқланади. Қўшимча маҳсулот бозор иқтисодиёти ва унга ўтиш шароитида қўшимча қиймат шаклида намоён бўлади. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган қўшимча қиймат сотилиш жараёнида фойдага айланади. Фойдадан давлат солиқ сифатида, ссуда капитал эгалари эса фоиз сифатида, ер эгалари рента сифатида ўз улушларини оладилар.

Фойданинг қолган қисми эса талбиркорларнинг соф фойдаси бўлиб, унинг ҳисобидан ўзларининг истеъмолини қондиради, инвестицияни, турли ижтимоий йўналишдаги ишларни амалга оширадилар. Кўриниб турибдики, қўшимча маҳсулотни кўпайтириш ҳеч кимга зарар бермайди, аксинча жамият аъзоларининг ҳаммаси учун манфаатлидир.

Маълумки, қўшимча маҳсулот билан зарурий маҳсулот ўртасида ҳар доим зиддият ва алоқадорлик бўлади. Уларнинг ҳар иккаласида ҳам бутун халқ хўжалигини ривожлантириш ва жамият аъзоларининг фаровонлигини ошириш мақсадлари йўлида фойдаланилади.

Лекин уларнинг соф миллий маҳсулотдаги ҳиссаси турли омиллар таъсирида, масалан, техника тараққиётининг ривожланиши, ижтимоий ишлаб чиқариш таркибининг ўзгариши, меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида ўзгариб туради. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши натижасида зарурий маҳсулотнинг абсолют миқдори ўсган ҳолда соф миллий маҳсулотдаги ҳиссаси камайиб, қўшимча маҳсулотнинг ҳиссаси ошиб боради.

Ҳозирги даврдаги бозор иқтисодиётига доир адабиётларда ишлаб чиқариш омиллари билан унинг самаралари ўртасидаги боғлиқликни **ишлаб чиқариш функцияси** деб аташади. Масалан, ишлаб чиқариш омиллари ер (Е), капитал (К) ва ишчи кучи (И)дан иборат деб фараз қилсак, олинган маҳсулотни (М) деб олсак, ишлаб чиқариш функцияси М=Ф (Е. К. И) кўринишдан иборат бўлади.

Бу формула ишлаб чиқаришга жалб қилинган омилларнинг, яъни сарфларнинг бирлиги эвазига олинган маҳсулотни билдиради ва эътиборни кам ресурс сарфлаб, кўпроқ маҳсулот олиш имкониятини қидиришга қаратади. Ундан ташқари, бу кўрсаткич ҳар бир маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга ва кўпайтиришга мўлжалланган маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқаришга қанча ресурс сарфи талаб қилинишини аниқлаш имконини беради.

Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган турли хил омиллар сарфини бирданига ёки уларнинг айрим турларини кўпайтириш йўли билан маҳсулот ҳажмини кўпайтириш мумкин. Лекин бошқа омиллар ва шароитлар тенг бўлгани ҳолда, айрим омиллар сарфини ошириш йўли билан маҳсулотни чексиз кўпайтириб бўлмайди. Масалан, фирма ёки корхонада ишлаб чиқариш бинолари, машина, дастгоҳ ва бошқа асбоб-ускуналар сони ва сифати ўзгармаган ҳолда, ишчилар сонини ва хом ашёни кўпайтириш йўли билан маҳсулотни маълум миқдорда ошириш мумкин. Бунда бино ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш даражаси оширилади, яъни улар тўхтовсиз ишлатилади, илгари бир сменада ишлаётган бўлса, энди икки ёки уч сменада ишлатишга эришилади. Аммо маълум даражага боргандан кейин қўшимча жалб қилинган ишчи кучи ёки хом ашёлар самараси камаяди. Иккинчидан, ишлаб турган ишчилар сони ўзгармаган ҳолда уларни янги техника ва технологиялар билан қуроллантириш, яъни ҳар бир ишчига тўғри келадиган капитал миқдорини ошириш ҳисо-

Солиев. А

бига ҳам маҳсулотни кўпайтиришга эришиш мумкин. Лекин бу жараён ҳам чексиз эмас. Бунда омиллардан фойдаланиш ва уларнинг миқдорини ошириш эвазига олинган маҳсулотни уч хил ўлчамда ўлчайдилар: умумий маҳсулот, ўртача маҳсулот ва қўшилган маҳсулот.

Умумий маҳсулот жалб қилинган асосий капитал, ишчи кучи, хом ашё ва материаллардан фойдаланиш эвазига олинган маҳсулотнинг мутлақ ҳажмидир.

Ўртача маҳсулот эса жалб қилинган ҳар бир ишчи кучи ёки капиталнинг бир бирлигига тўғри келадиган маҳсулотга айтилади. Бу эса умумий маҳсулот миқдорини умумий омил (ишчи кучи ёки капитал) миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади. ЎМ=М/И. К.

Қўшилган маҳсулот деб энг сўнгги қўшилган омил капитал ёки ишчи кучи эвазига ўсган маҳсулотга айтилади.

Масалан, ўтган йили 100 нафар ишчи кучи ёрдамида 100 минг сўмлик маҳсулот олинган бўлса, бу йил 120 ишчи кучи ишлаб 130 минг сўмлик маҳсулот олинса, 20 нафар қўшилган ишчи, 30 минг сўмлик эса қўшилган маҳсулот бўлади.

Бу охирги қўшилган маҳсулот (ўсган) миқдорини сўнгги қўшилган (ўсган) ишчи кучи ёки капитал миқдорига бўлиш йўли билан қўшилган омил, яъни қўшилган капитал ёки қўшилган ишчи кучи унумдорлиги аниқланади.

Яъни ҚМ=ΔМ/ΔК ёки КМ=ΔМ/ΔИ

Бу тушунчаларни қуйидаги жадвалда янада аниқроқ ифодалаш мумкин:

3-жадвал

Қўшилган маҳсулот ва қўшилган омиллар унумдорлиги

	1-йил	2-йил	Қўшилган миқдор	Қўшилган омиллар унумдорлиги DM/DO
Жалб қилинган капитал, минг сўм ҳисобида	120	150	30	1
Ишчи кучи (ишчилар сони)	100	120	20	1,5
Олинган умумий маҳсулот	100	130	30	-
Ўртача маҳсулот:	100	130	30	-
а) минг сўм капиталга	0,83	0,87	0,04	-
б) 1 ишчига	1	1,08	0,08	-

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, иккинчи йили биринчи йилга қараганда омиллар миқдори оширилган, улар охирги қўшилган омиллар деб юритилади. Шунингдек, маҳсулот ҳам ўсган, ана шу 30 бирликдаги ўсган маҳсулот охирги қўшилган маҳсулот деб юритилади.

Ҳар бир қўшилган омил эвазига олинган, қўшилган маҳсулот эса қўшилган омил унумдорлиги деб айтилади.

Ғарб адабиётларида қўшилган маҳсулотни аниқлаш учун ҳамма омиллар олинмайди, балки алоҳида олинган бир омил олиб кўрсатилади. Масалан, бошқа шароитлар тенг бўлганда хом ашё ёки ишчи кучининг ўсганлиги назарга олиниб, унинг эвазига олинган, яъни қўшилган маҳсулот аниқланади.

Юқорида айтганимиздек, алоҳида олинган омил эвазига қўшилган маҳсулот маълум даражага боргандан кейин камая бошлайди. Бу камайиш айниқса, унинг ҳар бир бирлиги эвазига қўшилган маҳсулотда аниқ сезилади. Мана шу қўшилган омил унумдорлигининг пасайишига қараб, маржиналистларнинг вакиллари унумдорликнинг камайиб бориш қонуни деган қонунни кашф қилишган.

Уларнинг гояси бўйича ҳар бир кейинги қилинган харажат ёки омил олдингисига қараганда кам самара беради ва оқибатда умумий ўртача маҳсулот ҳам пасайиб кетади.

Бу қонунни улар иқтисодиётнинг универсал қонуни деб эълон қиладилар ва уни исботлаш учун кўпдан-кўп ер бир бирлигига (гектарга) сарфланган қўшимча капитал унумдорлигининг пасайиб боришини кўрсатадилар.

Бу қонун эълон қилинганига 100 йилдан кўпроқ вақт ўтди, у даврларда фан-техника етарли ривожланмаган эди. Бундай шароитда у тўғри бўлган.

Лекин ҳозирги фан-техника ва технология тез ривожланиб, янгиликлар ишлаб чиқаришга жорий қилиниб турган даврда бу қонуннинг амал қилмаслиги деярли ҳамма адабиётларда ва барча иқтисодчи олимлар томонидан тан олинмоқда.

Шундай қилиб кейинги жалб қилинган омил ёки харажат унумдорлигининг пасайиб бориш қонуни қуйидаги тўрт ҳолатда амал қилиши мумкин:

1 Ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари ўзгармай фақат бир омил тўхтовсиз кўпайтирилганда;

2 Фан-техника тараққий этмаганда ёки унинг натижалари ишлаб чиқаришга жалб қилинмаганда;

3 Омиллар ўртасидаги миқдорий ва сифат нисбатлари бузилганда;

4. Шарт-шароит ҳисобга олинмасдан харажатлар кўр-кўрона амалга оширилганда.

Бошқа ҳолатларда бу қонун амал қилмайди.

4-§. Ишлаб чиқариш имкониятлари ва унинг чегараси

Иқтисодиёт назарияси фани, мавжуд чекланган иқтисодий ресурслардан қандай қилиб фойдаланилганда жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини тўлароқ қондириб бориш мумкин? - деган муаммо устида бош қотиради. Бунда, биринчидан иқтисодий ресурслардан фойдаланишнинг турли хил муқобил вариантлари мавжуд бўлиши кўзда тутилиб, улардан энг самаралиси, яъни жамият эҳтиёжларини анча тўлароқ қондирадиган миқдорда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш имконини берадиган турини танлаб олишга ҳаракат қилинади.

Иккинчидан, иқтисодий ресурслар нисбатан чекланганлиги сабабли жамият аъзоларининг барча эҳтиёжларини бирданига қондириш мумкин бўлмайди. Шунинг учун жамиятга қайси маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайсиларидан вақтинча воз кечиш лозимлигини ҳал қилиш, яъни танлашни амалга ошириш зарур бўлади. Шундай танлаш орқали, ресурсларнинг мавжуд даражасида маҳсулот олишнинг аниқланган энг юқори миқдори жамиятнинг ишлаб чиқариш имкониятини кўрсатади. Жамиятнинг ишлаб чиқариш имкониятидан тўлиқ фойдаланиш учун иқтисодий ресурсларнинг тўлиқ бандлигига эришиш ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажмини таъминлаш зарур.

Тўлиқ бандлилик деганда биз ишлаб чиқаришга яроқли бўлган барча ресурслардан тўла унум билан фойдаланишни тушунамиз. Ишчи мажбурий ишсиз бўлиб қолмаслиги, иқтисодиёт ишлашни хоҳлаган ва унга лаёқатли бўлган барчани иш билан таъминлаши зарур, ҳайдалаётган ерлар ёки капитал ускуналар ҳам бўш қолмаслиги лозим.

Ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажми, ресурсларни самарали тақсимлашни, яъни улардан маҳсулотнинг умумий ҳажмига энг кўп ҳисса қўшадиган қилиб фойдаланишни ва мавжуд технологияларнинг энг яхшисини қўллашни ҳам билдиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш имкониятларининг маълум чегараси бўлади. Ишлаб чиқариш имконияти чегарасини жадвал маълумотларидан фойдаланиб анча аниқ тасвирлаш мумкин (4-жадвал). Бу муаммонинг моҳияти қуйидагича: русурслар камёб бўлганлиги сабабли иқтисодиёт тўлиқ бандлилик ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажмида ҳам товар ва хизматларни чекланмаган миқдорда ишлаб чиқаришни таъминлай олмайди.

Ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси тўғрисида яхшироқ тасаввурга эга бўлиш учун:

Биринчидан, иқтисодиёт фақат икки хил маҳсулот — нон ва тегирмон ишлаб чиқаради (бунда нон истеъмолчилик товарларини, тегирмон ишлаб чиқариш воситаларини билдиради);

Иккинчидан, иқтисодий ресурслар миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгармайди;

Учинчидан, меҳнат унумдорлиги ва технология доимий бўлиб қолади, деб фараз қиламиз.

Мавжуд ресурслар чекланганлиги сабабли иқтисодиётнинг тегирмон ва нон ишлаб чиқаришни бирданига кўпайтириб бориш имконияти чекланган. Ресурларнинг чекланганлиги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг чекланганлигини билдиради: бундай шароитда тегирмон ишлаб чиқаришни ҳар қандай кўпайтиришга, ресурсларнинг бир қисмини — нон ишлаб чиқаришни камайтириш орқали эришади. Аксинча, агар нон ишлаб чиқаришни кўпайтириш афзал кўринса, бунинг учун зарур ресурслар фақат тегирмон ишлаб чиқаришни қисқартириш ҳисобига олиниши мумкин.

Жадвалда жамият танлаш мумкин бўлган саноат тегирмонлари ва нон миқдорининг муқобил уйғунлашуви келтирилган. А — муқобил вариантга биноан, иқтисодиёт ўзининг бутун ресурсларини тегирмон, яъни ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришга йўналтиради. Е — муқобил вариантда эса мавжуд ресурслар тўлиғича нон, яъни истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

4-жадвал

Ресурслар тўлиқ банд бўлганда ишлаб чиқариш имкониятлари (тахминий маълумотлар)

Маҳсулот тури	Муқобил вариантлар				
	А	В	С	Д	Е
Нон (млн.дона)	0	1	2	3	4
Тегирмон (минг дона)	10	9	7	4	0

Бу ҳар икки муқобил вариант очиқдан-очиқ амалга ошмайдиган мавҳум ҳисобланади, ҳар қандай иқтисодиёт одатда ўзининг мавжуд умумий ресурслари ҳажмини ишлаб чиқариш воситалари ва

истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ўртасида тақсимлаши зарур. А — муқобил вариантдан Е — вариант томон истеъмол товарлари, Е дан А вариантга томон ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш кўпайиб боради.

Жадвалдаги асосий гоя қуйидагича: ҳар қандай вақт оралиғида иқтисодиёт тўлиқ бандлилик ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажмида У маҳсулотни кўпроқ олиши учун Х маҳсулотнинг бир қисмидан воз кечиши зарур. Иқтисодий ресурслар камёб бўлганлиги сабабли, иқтисодиёт Х ва У маҳсулотни бир вақтда кўпайтира олмайди.

Ишлаб чиқариш имконияти ҳақидаги тушунчани чуқурлаштириш учун жадвалда келтирилган маълумотларни чизмада тасвирлаймиз. Чизмада кўрсатилганидек, оддий икки ўлчамли графикдан фойдаланиб, тегирмон (ишлаб чиқариш воситалари) ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотларни тик ўққа, нон (истеъмолчилик товарлари) ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотларни эса ётиқ ўққа жойлаштирамиз.

Ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғидаги ҳар бир нуқта икки хил маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қандайдир энг кўп ҳажмини кўрсатади. Нон ва тегирмон ишлаб чиқаришнинг ҳар хил уйғунлашувини амалга ошириш учун жамият улардаги мавжуд ресурсларнинг тўлиқ бандлилиги ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажмини таъминлаши зарур. Нон ва тегирмоннинг барча уйғунлашуви уларнинг энг кўп миқдорини кўрсатади, бу эса барча мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида олиниши мумкин. Ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғдан ташқарида жойлашган ҳар қандай нуқтага (масалан, W) ресурсларнинг мавжуд ҳажми ва ишлаб чиқаришнинг бу технологиясида эришиб бўлмайди.

Жамият учун маҳсулотларнинг эришиб бўладиган ҳар хил уйғунлашувларидан танлаб олиш имконияти эгри чизиқ ичида жойлашади.

Жамият бу маҳсулотлар уйғунлашувидан бирортасини танлаши зарур: кўпроқ тегирмон ишлаб чиқариш камроқ нон ишлаб чиқаришни билдиради ва аксинча.

Ҳар қандай маҳсулотнинг қандайдир миқдорини олиш учун, воз кечишга тўғри келадиган бошқа маҳсулот миқдори бу маҳсулотнинг муқобил ишлаб чиқариш ҳаражатлари деб аталади.

Биз иқтисодиёт ресурсларининг тўлиқ бандлилиги ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажми билан мос келади деб ҳисобладик. Агар банд бўлмаган ресурслар бўлса ёки ресурслари самарасиз фойдаланилса, (тўлиқ фойдаланилмаса) иқтисодиёт жадвалда кўрсатилган ҳар бир муқобил вариантдагидан камроқ маҳсулот ишлаб чиқарган ва бу чизмада келтирилган ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғининг ичида жойлашган бўлур эди.



1-график. **Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи.**

Агар ресурсларнинг миқдори ва сифати ҳамда технология ўзгарса, иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ҳам (ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғининг ҳолати) ўзгаради. Мавжуд ресурсларнинг кўпайиши ҳар бир вариантда битта ёки ҳар иккала маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишига олиб келади.

Биз таҳлилда технология доимий ёки ўзгармай қолади деб ҳисобладик. Ҳақиқатда техника ва технология доимий такомиллашиб, ўзгариб боради. Дастлаб техника тараққиёти фақат ишлаб чиқариш воситаларининг такомиллашувига, анча самарали машина ва ускуналарнинг яратилишига олиб келади, деб ҳисоблаймиз. Бунда техника тараққиёти ишлаб чиқариш имкониятларининг ошишига олиб келади, жамият ресурсларнинг ўзгармаган миқдорда кўпроқ товарлар ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади.

Иқтисодий ўсиш маҳсулотнинг кўпроқ умумий ҳажмини ишлаб чиқариш лаёқати бўлиб, у ресурслар таклифининг кўпайиши ва техника тараққиёти натижаси ҳисобланади. Иқтисодий ўсиш ресурсларнинг тўлиқ бандлигида иқтисодиётнинг ҳам нон ва ҳам тегирмон ишлаб чиқаришнинг кўпроқ ҳажмини таъминлаши ҳисобланади. Тургун иқтисодиёт кўпроқ У маҳсулот олиш учун Х маҳсулотнинг бир қисмидан воз кечишга мажбур бўлса, динамик, ўсиб бо-

рувчи иқтисодиёт X ва У маҳсулотларнинг кўпроқ миқдорига эга бўлиш лаёқатини билдиради. Одатда иқтисодий ўсиш жамиятнинг ҳар хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қувватининг мутаносиб кўпайишига олиб келмайди. Айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиши, бошқалари ўзгаришсиз қолиши мумкин.

5-§. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва уни ошириш масаласи ҳар доим иқтисодиёт назарияси фанининг долзарб муаммоси сифатида, унинг диққат марказида бўлиб келади. Айниқса, ҳозирги пайтда бу масала янада кескин қўйилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширмасдан туриб, мамлакатимиз олдида турган муҳим масала мустақил иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифасини амалга ошириб бўлмайди. Самарадорликнинг иқтисодий мазмуни сифатида ҳар доим ишлаб чиқаришнинг провард натижаси билан унга авансланган ресурслар, маблағлар ёки қилинган ҳаражатлар ўртасидаги нисбат тушинилади.

Лекин турли ижтимоий-иқтисодий тизимлар шароитида шу жамиятнинг мақсадидан келиб чиқиб, самарадорлик муаммосининг туб моҳияти ўзгаради. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади фойда олишга қаратилганлиги сабабли ҳар бир иқтисодий субъект кўпроқ фойда олишга интилади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги олинган фойданинг (Ф) ишлаб чиқаришга сарфланган ресурс ҳаражатларига (ИХ) нисбати билан аниқланади, яъни:

$$P^1 = \frac{Ф}{ИХ} \times 100\%$$

Бу ерда: P^1 — фойда нормаси,
ИХ — иқтисодий ресурс харажатлари.

Иқтисодий адабиётларда самарадорликнинг бош мезони ҳақида ҳам бир қанча фикрлар мавжуд. Айрим олимлар ишлаб чиқариш самарадорлигининг бош мезони фойда, бошқа бирлари эса ялпи миллий маҳсулот, соф маҳсулот, учинчилари миллий даромад, тўртинчилари эса қўшимча маҳсулот деб кўрсатадилар. Биз ҳозир бу ерда фикрларнинг қайси бири тўғри эканлиги ҳақида батафсил тўхталмаймиз, лекин шуни айтиш керакки, кўпчилик олимлар томонидан бозор иқтисодиёти шароитида самарадорликнинг бош

кўрсаткичи олинган фойданинг харажатларга нисбати, яъни рентабеллик ёки фойдалилик даражаси билан белгиланади, деб тан олинади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги кўп қиррали масала бўлиб, бу айтилган биргина асосий кўрсаткичда, уни тўла равишда ҳар томонлама ифодалаб бўлмайди. Шунинг учун ишлаб чиқариш самарадорлигини тўла ифодалашда унда қатнашган омилларнинг унумдорлигини, улардан самарали фойдаланиш даражасини билдирадиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Булардан бири меҳнат унумдорлигидир. Меҳнат унумдорлиги деб ишчи кучининг вақт бирлиги мобайнида маҳсулот яратиш қобилиятига айтилади ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (истеъмол қийматининг) сарфланган меҳнат миқдорига нисбати билан белгиланади. Сарфланган меҳнат миқдори эса ишланган вақт билан, киши куни, киши соати ва ҳ.к. билан белгиланади. Агар меҳнат унумдорлигини МУ, маҳсулотни М билан, сарфланган иш вақтини эса В билан белгиласак, меҳнат унумдорлиги қуйидагича аниқланади: МУ=М/В

Меҳнат унумдорлиги сарфланган жонли меҳнатнинг ҳар бир бирлиги эвазига, яъни киши куни, киши соати ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан аниқланади.

Самарадорликни аниқлашда капитал унумдорлиги деган кўрсаткичдан ҳам фойдаланилади ва у ишлаб чиқаришда қатнашган капиталнинг ҳар бир бирлиги эвазига олинган маҳсулот, даромад ёки фойда билан аниқланади. Агар капитал унумдорлигини — КУ деб, ишлаб чиқаришда қатнашган капитал миқдорини — К, маҳсулотни — М, ялпи даромадни — ЯД билан, фойдани — Ф билан белгиласак қуйидаги формулалар ҳосил бўлади:

$$КУ=М/К; \qquad КУ=ЯД/К; \qquad КУ=Ф/К.$$

Ишлаб чиқаришнинг муҳим омилларидан бири ер ҳисобланиши сабабли ердан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи ҳам аниқланади. Бу кўрсаткич олинган маҳсулот ҳажмининг ер майдонига (гектарга) нисбати билан ҳисобланади.

Самарадорликни аниқлашда бу кўрсаткичлардан ташқари маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, энергия сиғими деган кўрсаткичлар ҳам қўлланилиб, улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳар бир бирлигини яратиш учун кетган ёки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат, энергия ва моддий ашёлар миқдорини ифодалайди.

Бу кўрсаткичларнинг ҳар бири ишлаб чиқаришда қатнашган турли омиллар самарадорлигини ифодалаб, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун унга таъсир қиладиган омилларни ҳам билиш зарурдир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бир қанча омиллар таъсир қилади:

1. Илмий-техник тараққиётни тезлаштириш ва унинг натижаларини тезлик билан ишлаб чиқаришда қўллаш;

2. Ишлаб чиқаришни рационал жойлаштириш, ихтисослаштириш ва кооперациялаш;

3. Иқтисодиётнинг таркибий қисмларини ва унинг ташкилий бўғинларини ўзгартириш;

4. Ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ва уларнинг фаоллигини ошириш;

5. Мавжуд табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш, янги, арзон, сифатли хом ашё ва энергия турларини, экинларнинг янги ҳосилдор навларини, чорва молларининг маҳсулдор зотларини топиб ишлаб чиқаришга жорий қилиш;

6. Кишиларнинг билим савиясини, малакасини ошириш, етук ишчи ва мутахассислар тайёрлаш.

Бу санаб ўтилган омиллар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир қиладиган асосий ва бутун иқтисодиётнинг барча соҳалари учун умумий омиллардир. Булардан ташқари аниқ олинган хўжаликларда, тармоқларда ва ҳудудларда самарадорликни оширишнинг шу жойнинг шароитлари хусусиятидан келиб чиқадиган қанчадан-қанча омиллари борки, уларни топиб ишга солиш ва фойдаланиш самарадорликни кескин оширишнинг кенг имкониятлари бўлиб, ҳисобланади. Биз бу ерда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ҳамма омиллари тўғрисида батафсил тўхтала олмаймиз. Лекин унинг муҳим ва ҳозирги кунда республикамиз учун долзарб омилларидан бири бўлган илмий техника тараққиёти тўғрисида қисқача тўхталамиз.

Фан-техника тараққиёти фан соҳасидаги ишлаб чиқариш қуроллари, технология, бошқариш ва бошқа кўпгина ўзгаришларни ўз ичига олади. Ҳозирги даврда фан-техника тез суръатлар билан тараққий этмоқда ва у илгариги техника тараққиётига қараганда бирмунча афзалликларга эгадир.

Ҳозирги даврдаги фан-техника тараққиёти афзаллиги шундаки, илгор мамлакатларда фан янгиликлари тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий қилинади, бинобарин фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиб боради.

Ҳозирги даврдаги ишлаб чиқаришнинг техник базасини мустаҳкамлаш электроника, радиоэлектроника, телемеханика, атом энергияси, кимё ва бошқа фанларнинг эришган ютуқлари билан бевосита боғлиқдир.

Хуллас фаннинг эришган ютуқлари ишлаб чиқариш тараққиёти ва унинг иқтисодий самарадорлиги учун чексиз имкониятлар очиб беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон давлати фан-техника тараққиётига катта эътибор бериб, уни кескин жадаллаштиришни, техниканинг энг юқори унумдор ва самарадорликни таъминловчи янги туркумларини, мақбуллик жиҳатдан янги технологияларни кенг жорий этиш вазифасини қўймоқда. Фан тараққиётининг натижаси ва унинг ишлаб чиқариш билан яқинлашишининг муҳим белгиси такомиллашган, чидамли ва унумли меҳнат қуроллари ҳамда предметларини вужудга келтириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳисобланади. Ишлаб чиқаришга янги унумли меҳнат қуроллари ва сифатли меҳнат предметлари қанча кўп кириб келса жонли меҳнат шунча кўп меҳнат воситаларини ҳаракатга келтиради ва кўп истеъмол қиймати яратади. Давлатнинг инвестиция сиёсати ресурсларни фан-техника тараққиётининг илғор соҳалари бўлган авиация, машинасозлик саноатини, информатика, электроника, атом энергетикаси, ишлаб чиқариш соҳаларини комплекс механизациялаш, автоматлаштириш, янги материалларни яратиш ва уларга ишлов бериш технологияси сингари муҳим йўналишларга жалб қилишга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам фан-техника тараққиётининг эволюцион ва революцион шаклларини фарқламоқ лозим. Фан-техника тараққиётининг эволюцион шаклда ривожланиши деганда, унинг мавжуд технологияси асосида, машиналар ва ускуналарни қисман модернизациялаш асосида ривожланиши тушунилади.

Революцион шаклда ривожланиши деганда эса, техниканинг энг сўнгги авлодларини қўллаш, принципиал янги технологик тизимга ўтиш тушунилади. Фан-техника тараққиётининг кейинги шаклда ривожланиши юксак самара беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ўзининг асарларида иқтисодиётнинг барча тармоқларини ҳозирги замон фан ва техникасининг энг янги ютуқлари билан қайта қуроллантириш лозимлигини таъкидламоқда. Бунинг учун аввалом бор техника тараққиётининг асосини ташкил этувчи ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларини янги, унумдор, арзон техника билан қуроллантирувчи машинасозликни ривожлантиришга эътиборни қаратмоқ лозимдир.

Асосий таянч тушунчалар

Ишчи кучи — инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятлари йиғиндиси.

Меҳнат қуроллари — инсоннинг табиатга, меҳнат предметларига таъсир қилишда восита бўлиб хизмат қиладиган нарсалар: машиналар, дастгоҳлар, тракторлар, плуглар, қурулмалар, ускуналар ва бошқалар.

Меҳнат предметлари — бевосита меҳнат таъсир қиладиган, яъни маҳсулот тайёрланадиган нарсалар (ер-сув, хом ашё, материаллар ва бошқалар).

Капитал — ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда ишлатилиб, ўз эгаларига даромад келтирадиган ишлаб чиқариш воситалари, товарлар ва пул маблағларидир.

Ер-сув — тупроқ унумдорлиги, ўтлоқлар, сувлар, ўрмон, қазилма бойликлардан иборат бўлган ва фойдаланишга тортилган табиий ресурслар.

Тадбиркорлик қобилияти — инсонда бўлган ташаббускорлик, ташкилотчилик, новаторлик, иқтисодий хавфдан, жавобгарликдан чўчимаслик ҳислатларининг бирлиги.

Ишлаб чиқариш жараёни — кишиларнинг мақсадни кўзлаб амалга ошириладиган фаолияти бўлиб, истеъмол учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган жараён. Ишлаб чиқариш жараёни бир томондан истеъмол қийматларини (нафлиликни) яратиш жараёни бўлса, иккинчи томондан қийматнинг ўсиш жараёнидир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш — ўзаро боғлиқликда ва доимий алоқада бўлган барча индивидуал ишлаб чиқаришларнинг бирлигидан иборатдир.

Ишлаб чиқаришнинг умумий самараси — ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси билан унга сарфланган ресурс харажатлари ўртасидаги нисбат.

Ялпи ижтимоий маҳсулот — маълум бир даврда, масалан, бир йилда яратилган моддий неъматлар йиғиндиси.

Ички миллий маҳсулот — бир йил давомида мамлакат ҳудудида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга етиб борадиган барча тайёр товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг бозор баҳосидаги қиймати.

Соф миллий маҳсулот — ишлаб чиқаришда ва хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларнинг сарфланган меҳнати билан, вужудга

келтирилган янги маҳсулот. У ички миллий маҳсулотдан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий воситалар амортизациясини чегириб ташлаш йўли билан аниқланади.

Зарурий маҳсулот — ишчи ва хизматчиларнинг зарурий иш вақтида яратилган ва ишчи кучини меъёрий ҳолатда сақлаш ва қайта тиклаш учун зарур бўлган маҳсулот.

Қўшимча маҳсулот — ишчи ва хизматчиларнинг қўшимча иш вақтида яратилган маҳсулот бўлиб, соф маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ошиқча қисмидир. Қўшимча маҳсулот тадбиркорларга, мулкдорларга ва давлатга тегишлидир.

Ишлаб чиқариш функцияси — ишлаб чиқариш омиллари билан унинг самаралари ўртасидаги боғлиқликни билдиради.

Қўшилган капитал — ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган капитал миқдори устига янги қўшимча равишда сарфланган капитал, бошқача қилиб айтганда, капитал миқдорининг ўсган қисми.

Ўртача маҳсулот — жалб қилинган ишчи кучи ва капиталнинг бир-бирлигига тўғри келадиган маҳсулот миқдори.

Қўшилган маҳсулот — сўнгги қўшилган омил: капитал ёки ишчи кучи эвазига ўсган маҳсулот.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ишлаб чиқариш омиллари нималардан иборат?
2. Капитал тушунчасини таърифланг ва унинг таркибига нималар киришини тушунтириб беринг.
3. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини ва унинг икки томонини тушунтиринг.
4. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижаларини тушунтириб беринг.
5. Йиллик миллий маҳсулотнинг таркиби нималардан иборат?
6. Зарурий ва қўшимча маҳсулот нима, қўшимча маҳсулот нормаси ва массаси формуласини ёзиб тушунтиринг.
7. Қўшилган меҳнат, қўшилган капитал ва қўшилган маҳсулот тушунчаларини изоҳлаб беринг.
8. Қўшилган меҳнат ва капитал унумдорлигининг пасайиб бориш қонунини тушунтиринг.

III БОБ. Ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва мулкчилик муносабатлари

Бу боб ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва технологик усуллари ҳамда иқтисодий тизим тушунчаларини қараб чиқиш билан бошланади. Таҳлил давомида иқтисодий тизим моделлари ва уларнинг хусусиятлари кўрсатиб берилади.

Ишлаб чиқариш ҳар доим маълум мулкчиликнинг аниқ шакли доирасида содир бўлади. Шунинг учун бу ерда мулкчилик муносабатларининг моҳияти, мулк шаклларининг иқтисодий мазмуни ва бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида мулк шаклларининг ўзгартириш йўллари ва усуллари каби масалаларга алоҳида ўрин ажратилади.

1-§. Ижтимоий тараққиёт босқичлари ва иқтисодий тизимлар, уларни билишга бўлган турлича ёндашувлар

Инсоният тараққиёти босқичлари ва ҳар бир боқичга ҳос бўлган иқтисодий тизимларни ўрганиш — иқтисодий жараёнларни, уларни ўзгарувчан эканлигини билишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тараққиёт босқичларини билишда турли хил ёндашувлар бўлиб, улар маданийлашиш (цивилизацион) ҳолати жиҳатдан, техника ва технологик тараққиёт даражаси ҳамда ижтимоий-иқтисодий шакллар ўзгариши бўйича ёндашувларни ўз ичига олади.

Ижтимоий тараққиёт босқичларини билишга тарихий-формацион ёндашувда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий усуллари ва уларнинг таркибий қисмларини таҳлил қилишга эътибор берилган. Ишлаб чиқариш усули ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш (иқтисодий) муносабатларининг бирлигидан иборат.

Ишлаб чиқаришнинг шахсий ва моддий омиллари, яъни ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситалари биргаликда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ташкил қилади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқарувчи кучлар — бу ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида кишилар билан табиат ўртасидаги боғланишни амалга оширувчи шахсий ва техник-буюмлашган элементлар тизимидан иборат. Иш-

лаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим мезони ва умумий кўрсаткичидир.

Одамлар ишлаб чиқариш жараёнида фақат табиат ашёлари ва бошқа моддий ашёлар билан эмас, балки бир-бири билан ҳам ўзаро муносабатларда бўладилар, яъни ишлаб чиқариш муносабатларига киришадилар. Бунда ишлаб чиқаришда таркиб топадиган ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бир-биридан фарқ қилади. Ташкилий-иқтисодий муносабатлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш жараёнида вужудга келади. Мазкур муносабатлар кишилар ўртасидаги алоқалар сифатида намоён бўлиб, шу билан бирга ишлаб чиқариш ҳолатини бевосита тавсифлайди, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти муайян босқичларнинг хусусиятларини ва уларнинг ижтимоий уйғунлашувини акс эттиради. Бу масалан, меҳнат тақсимоти, уни ихтисослаштириш ва кооперациялаш, ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ва уйғунлаштирилишидир.

Ишлаб чиқариш ҳар доим муайян ижтимоий шаклга эга бўлади. Бу ижтимоий шакл ижтимоий-иқтисодий муносабатларни вужудга келтиради, уларнинг моҳияти ва асосини ишлаб чиқариш воситаларига, мулкчилик муносабатлари ташкил этади.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар — бу кишилар учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлардир. Улар такрор ишлаб чиқариш муносабатлари ёки иқтисодий муносабатлар деб ҳам аталади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг муайян даражаси ишлаб чиқариш муносабатларининг у ёки бу турини тақозо қилади.

Муайян тараққиёт даражасидаги ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари муайян туриниинг бирлиги, ўзаро таъсири ишлаб чиқариш усулини ташкил этади. Ишлаб чиқариш муносабатлари фақат ишлаб чиқарувчи кучлар билангина ўзаро алоқада бўлиб қолмайди. Улар бир вақтда базис ҳам ҳисобланиб, унинг устида ишлаб чиқариш муносабатларининг ушбу тизимига хос бўлган алоҳида сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, миллий, оилавий ва бошқа ижтимоий муносабатлар ҳамда тартиботларнинг алоҳида турлари қад кўтаради. Ана шуларнинг йиғиндиси жамиятнинг устқурмасини ташкил этади. Сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ ва устқурманинг бошқа элементлари ҳам фаол рол ўйнайди, ўзларини вужудга келтирган ишлаб чиқариш муносабатларига, улар орқали эса жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларига ҳам акс таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш усули билан жамият устқурмаси ижтимоий-иқтисодий формацияни ташкил этади.

Бу ерда икки ҳолатга эътибор бериш муҳим. *Биринчидан*, ишлаб чиқариш муносабатлари мустақил, алоҳида тизимни ташкил қилмайди. У ишлаб чиқарувчи кучлар билан ҳам, шунингдек, устқурма билан ҳам ҳар доим ўзаро таъсирда бўлади. *Иккинчидан*, турли формацияларда ўзига хос ишлаб чиқариш муносабатлари амал қилади ва бу эса ҳар бир формацияга мос келувчи ишлаб чиқариш усулини белгилаб беради.

Инсоният жамияти тарихида бир-бири билан изчил алмашиниб турган қатор ишлаб чиқариш усуллари ва шунга мувофиқ ижтимоий-иқтисодий формациялар ажралиб туради.

Ишлаб чиқариш усуллари алмашинишининг классик намунаси Европада намойиш қилинган деб ҳисобланади. Европа ҳудудида бир-бири билан алмашиниб, ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодал ва капиталистик муносабатлар изчил таркиб топди. Бошқа қитъаларга келганда эса, бу ерда капитализмгача бўлган даврда мана шу марраларнинг ҳаммаси аниқроқ қайд этилган. Осиё, Африка, Австралияда Европа мустамлакачилигининг таъсири сезилади. Адабиётларда Осиёча ишлаб чиқариш усули деб аталмиш усул ҳақида ҳам қайд қилинади. Бу усулнинг шаклланишида мамлакатларнинг катта туркумига хос бўлган ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг, суғориш системаларини марказлаштирилган тарзда тартибга солиб туриш ва давлатнинг ана шу шароитларда алоҳида роли билан боғлиқ сифат хусусиятлари акс этади.

Жамият тараққиёти босқичларига технологик ёндашув ҳам маълум бир оқим хисобланади.

Улар жамият тарихий тараққиёти давомида рўй бераётган ўзгаришлар кўлами ва хусусиятини яхшироқ тушуниб олиш учун ишлаб чиқаришнинг турли технологик усулларини таҳлил этиш, машиналашган ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихига мурожаат қилиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Меҳнат воситалари, материаллар, технология, энергия, ахборотлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг технологик усули дейилади.

Улар ўртасидаги чегараларни жамият тараққиёти тарихининг йирик босқичлари ажратиб туради. Бир технологик ишлаб чиқариш усулидан бошқасига ўтиш асосан меҳнат воситаларининг хусусиятидаги ўзгаришлар, фан ва техника тараққиёти билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш технологик усулларининг дастлабки учта босқичлари алоҳида фарқланади. Булар оддий кооперация, мануфактура ва машиналашган ишлаб чиқариш. Оддий кооперация — бу бир

хил ишни ёки хизмат вазифасини бажарувчи ходимларнинг энг оддий шаклдаги уюшиши, биргалашиб маълум тартиб асосида ишлайдиган кишилар, аниқроғи косиблар гуруҳидир.

Машиналашган ишлаб чиқаришга олиб борувчи йўлда мануфактура, яъни меҳнат тақсимотига асосланган, лекин машина ҳали мавжуд бўлмаган шароитдаги кооперация муҳим рол ўйнайди. Мануфактура даврида ишлаб чиқаришнинг умумлашув жараёни давом этади. Ялпи ишчи таркиб топади, ҳар бир ходим эса жами ишчи кучининг таркибий қисмига айланади. Бунда оддий кооперациядагидек қўл меҳнатига ва унга асосланган қуролга таянади.

Мануфактура ихтисослаштирилган қурол ва асбобларни вужудга келтириб ҳамда ишчини тор операцияларни бажаришга боглаб, йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ўтиш учун зарур шарт-шароит тайёрлайди. Бу даврда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнатнинг мазмуни ва хусусиятида, ишлаб чиқаришнинг бутун технологик усулида, иқтисодий муносабатларда ва бутун ижтимоий ҳаётда ҳам туб ўзгаришлар рўй беради. XVIII асрнинг сўнгги 30 йили ичида бошланган саноат инқилоби натижасида **йирик машиналашган ишлаб чиқариш вужудга келди.**

Кооперациянинг бу шакли худди мануфактура сингари, меҳнат тақсимотига асосланади, лекин ундан машинали меҳнатга асосланиши билан тубдан фарқ қилади. Фабрика ичидаги меҳнат тақсимоти тамомила машиналарнинг вазифалари билан белгиланади.

Машиналар тизимига асосланган фабрика бугун ҳам кўп жиҳатдан ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий буғини ролини сақлаб келмоқда. Шу билан бирга фан ва техникадаги инқилобий ўзгаришлар, ЭҲМнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, ягона ахборот тизимларининг яратилиши, ишлаб чиқариш умумлашувининг янада ўсиши унинг техникавий базисини жиддий равишда ўзгартириб юборди.

Фан-техника, технология ва ахборот тизимидаги ўзгаришларга қараб кўпчилик олимлар, масалан, Р. Арон, Дж. Голбрейт, У. Ростоу ва бошқалар жамият тараққиётини уч босқичга: индустрлашган давргача бўлган жамият, индустрлашган жамият, юқори индустрлашган ёки ахборотлашган жамиятларга бўлиб ўрганишни тавсия этадилар.

Бунда улар индустрлашган давргача бўлган жамиятнинг асосий белгилари сифатида: а) аҳолининг асосан қишлоқ хўжалиги билан бандлиги; б) қўл меҳнатининг ҳукмронлиги; в) меҳнат тақсимотининг жуда саёзлиги (деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик,

савдо, бошқарув ва бошқалар); г) натурал хўжаликнинг ҳукмронлигини кўрсатади.

Жамият тараққиётининг иккинчи муҳим босқичи индустрлашган жамиятнинг асосий белгилари деб: а) ишлаб чиқаришнинг машиналашганлиги; б) саноатнинг фан-техника ютуқлари асосида ривожланиши, унда ишчилар сонининг кўпайиши; в) шаҳар аҳолисининг қишлоқ аҳолисига қараганда кўпайиши ва бошқалар.

Тараққиётнинг учунчи муҳим босқичи юқори даражада индустрлашган жамиятнинг асосий белгилари: а) хизмат кўрсатиш соҳасининг юксак даражада ривожланиши; б) аҳолининг асосий қисми (60-70%) шу соҳада банд бўлиши; в) фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши, фан ходимларининг ва малакали мутахассислар ролининг ошиши; г) иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида ва кундалик ҳаётда ахборот ва ҳисоблаш техникаларининг кенг қўлланилиши; д) товарлар ва хизматлар сифатига путур етказмасдан иқтисодий ресурсларнинг ҳамма турларини тежаш имконини берадиган янги техника ва технологияларнинг кенг қўлланилиши ва бошқалар.

Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, техника ва технологиядаги ўзгаришлар жамият тараққиётида асосий ролни ўйнайди ва ташкилий, бошқарув тизимларининг, ишчи-хизматчилар таркибининг ўзгаришига, меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келади. Лекин бу техник ўзгаришларга қараб бир томонлама ёндашув билан жамият тараққиёти қонунларини аниқлаб бўлмайди. Айниқса, иқтисодий тизимлар ва уларнинг хусусиятини билишда ҳам техник, ҳам ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни биргаликда олиб, уларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини ва шу диалектик алоқадорлик ҳамда таъсир натижасида содир бўладиган тараққиёт қонунларини ўрганиш зарурдир.

Жамият тараққиётига, жумладан, техника ва технологиянинг ривожига ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг кучли таъсирини шунда кўриш мумкинки, бир неча минг йиллаб мудраб, ривожланмаётган техника ва технология тараққиёти товар хўжалиги ва бозорнинг вужудга келиши билан гуркираб ўсиб кетди.

Техника тараққиётининг ҳамма босқичлари, хусусан, олдий кооперация, мануфактура, машиналашган, яъни индустрлашган ишлаб чиқариш, юқори даражадаги индустрлашган, ахборотлашган жамият босқичлари кейинги 250-300 йилга, товар хўжалиги ривож топган даврга тўғри келади. Шунинг учун ҳам кейинги пайтда кўпгина иқтисодчилар жамият тараққиёти босқичларини иқтисодий тизимларга бўлиб ўрганадилар.

Ҳар бир даврда ва маконда амал қилаётган иқтисодий муносабатлар мажмуаси — иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари, хўжалик механизми ва иқтисодий муассасалар билан биргаликда **иқтисодий тизимни ташкил этади.**

Иқтисодий назарияда кўпинча иқтисодий тизим тушунчасини ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси билан боғлаб туркумлашга ҳаракат қилинади. Шу асосда дунёдаги ривожланган мамлакатлар иқтисодий тизимнинг уч кўринишига киритилади: Анъанавий иқтисодиёт, маъмурий буйруқбозлик иқтисоднёти ва бозор иқтисодиёти тизимлари.

Анъанавий иқтисодиёт — деярли ҳамма мамлакатлар босиб ўтган тарихий тизимдир. У ҳозирги даврда ҳам кўплаб иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлиб, уларда урф-одатлар, удумларга, анъаналарга асосланган иқтисодий жараёнлар амал қилади. Уларда натурал ёки майда товар хўжалиги ҳукмрон бўлади. Бу ерда ишлаб чиқариш, айирбошлаш, даромадларни тақсимлаш вақти-вақти билан ўрнатиладиган урф-одатларга асосланади. Меросхўрлик ва сулола (табақа) шахсларнинг иқтисодий ролида ҳукмронлик қилади, ижтимоий-иқтисодий тургунлик аниқ ифодаланади. Техника тараққиёти ва янгиликларни жорий қилиш кескин чекланган, чунки улар анъаналар билан зиддиятли ҳисобланади ва ижтимоий тузум барқарорлигига хавф тугдиради. Иқтисодий фаолиятга нисбатан диний ва маданий тартиблар бирламчи ҳисобланади.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, иқтисод муаммосини ҳал қилишнинг бир хил ва умумий, тан олинган ечими мавжуд эмас. Ҳар хил маданият ва тарихий ўтмиш, урф-одат ва анъаналар, қарама-қарши мафкуравий қарашларга эга бўлган турли жамиятлар аниқ иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун бошқа-бошқа тартиблардан фойдаланадилар.

Бозор иқтисодиётига қарама-қарши тизим, **маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти** ҳисобланади. Бу тизим амалда барча моддий ресурсларга ижтимоий, аниқроги, давлат мулкчилигининг ҳукмронлиги ва маъмурий органлар томонидан иқтисодий қарорларнинг марказлашган тартибда қабул қилиниши билан тавсифланади. Фойдаланадиган ресурсларнинг ҳажми, маҳсулотнинг таркиби ва тақсимланиши, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш кабиларга тегишли барча муҳим қарорлар марказий бошқариш органлари томонидан қабул қилинади.

Иқтисодий тараққиётда муҳим босқич ҳисобланган тизим — **бозор иқтисодиёти тизимидир.**

Бозор иқтисодиёти тизими асосан икки босқичга эгадир. *Биринчиси*, эркин рақобатга асосланган классик бозор иқтисодиётидир. (Адабиётларда уни соф капитализм деб ҳам юритилади). *Иккинчиси* эса ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиётидир. (Адабиётларда уни аралаш иқтисодиёт тизими деб ҳам юритилади).

Шунинг учун биз бу ерда бозор иқтисодиётининг ҳар икки босқичига қисқача тўхталамиз (кейинги бобларда унга тўла таъриф берилади).

Эркин рақобатга асосан бозор иқтисодиёти ресурсларга хусусий мулкчилик, иқтисодий фаолиятда ва тадбиркорликда эркинлик, иқтисодий жараёнларни тартиблашда ва уйғунлаштиришда бозор механизмидан фойдаланиш билан тавсифланади. Бундай тизимда унинг ҳам бир қатнашчисининг хулқ-атвори шахсий манфаатига асосланади, ҳар бир иқтисодий бирлик, алоҳида қабул қилинган қарорлар асосида, ўзларининг даромадларини энг юқори даражада етказишга интилади. Бозор тизими ёрдамида алоҳида қабул қилинган қарорлар уйғунлаштирилади. Рақобат шароитида товарлар (хизматларнинг) ишлаб чиқарилиши, ресурсларнинг таклиф қилиниши шуни билдирадики, ҳар бир маҳсулот ва ресурсларнинг кўплаб мустақил ҳаракат қилувчи харидор ва сотувчилари мавжуд бўлади. Бу ерда иқтисодий жараёнларга давлатнинг аралашуви чекланган тавсифга эга бўлади. Шу сабабли давлатнинг роли, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва эркин бозорнинг амал қилишини енгиллаштирувчи ишончли ҳуқуқий тартиблар ўрнатишдан иборатдир.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти. Ҳозирги даврда реал ҳаётда бозор иқтисодиёти соф бозор механизми ва режали иқтисодиёт унсурларини мужассамлаштиради. Мулкчиликнинг ҳар хил шакллари, тадбиркорликнинг турли йўналишлари мавжуд бўлади, унда режалаштириш, истиқболни белгилаш, аҳолини социал ҳимоялаш кучаяди. Масалан, АҚШ иқтисодиёти ҳозирги даврда олдинги эркин бозор иқтисодидан ёки ғарбий Европа давлатларидан фарқ қилади. Бу фарқлар қуйидагиларда кўринади:

Биринчидан, мулкнинг бир қисми давлат қўлида бўлиб, у иқтисодиётда фаол рол ўйнайди. Бу иқтисодиётнинг барқарорлиги ва ўсиши учун шароит яратишда, бозор тизими етарли даражада ишлаб чиқармайдиган ёки умуман етказиб бермайдиган айрим товарлар ва хизматлар билан таъминлашда, даромадлар тақсимланишини ўзгартиришда ва шу кабиларда намоён бўлади. *Иккинчидан*, соф капитализмдан фарқ қилиб, америка иқтисодиётида йирик корпорациялар ва кучли касаба уюшмалари шаклидаги қудратли иқтисодий ташкилотлар мавжуд.

Бу ерда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хусусий мулкчилик ва бозор тизимига суяниш, ижтимоий мулкчилик ва марказдан режалаштириш ҳар доим ҳам бир вақтда мавжуд бўлмаслиги мумкин. Масалан, собиқ миллатчи Германия иқтисоди, авторитар капитализм деб аталган, чунки мулкчилик хусусий бўлиб қолсада, мамлакат иқтисодиёти қаттиқ назорат остига олинган ва марказдан бошқарилган. Бунинг тескариси, бозор социализми деб аталган собиқ социалистик Югославия иқтисодиётида ресурсларга ижтимоий мулкчилик хос бўлган ва бир вақтда иқтисодий фаолиятни ташкил қилиш ҳамда бошқариш эркин бозор асосида олиб борилган. Швеция иқтисодиётида ҳам 90 фоиздан ортиқ хўжалик фаолияти хусусий фирмаларда тўпланган бўлсада, давлат иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва даромадларни қайта тақсимлашда фаол қатнашади.

2-§. Мулкчилик муносабатларининг моҳияти ва иқтисодий мазмуни. Мулк объектлари ва субъектлари

Мулкчилик муносабатлари ҳар қандай жамият иқтисодий тизимининг асосий муносабатларидан бирини ташкил қилиб, инсоният иқтисодий тараққиётининг маҳсули ҳисобланади.

Мулкчилик муносабатлари моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳамда жамият бойликларини ўзлаштириш жараёнларида вужудга келади.

Шундай экан, мулкчилик муносабатлари — бу мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир.

Мулкка **эгалик қилиш** мулкдорлик ҳуқуқининг унинг эгаси қўлида сақланиб туришини билдиради ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шаклини ифодалайди. Айрим ҳолларда мулкка эгалик қилиш унинг эгаси ихтиёрида сақланган ҳолда, ундан амалда фойдаланиш эса бошқалар қўлида бўлади. Бунга ижарага берилган мол-мулкни мисол қилиб келтириш мумкин. **Мулкдан фойдаланиш** — бу мол-мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилишидир. Мол-мулкдан фойдаланиш юз берганда у даромад олиш ёки шахсий эҳтиёжни қондириш учун ишлатилишини билдиради. **Мулкни тасарруф этиш** — бу мол-мулк тақдирининг мустақил ҳал қилинишидир. У мол-мулкни сотиш, мерос қолдириш, ҳадия қилиш, ижарага бериш каби ҳоллар орқали рўй беради.

Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмунини унинг ажралмас уч жиҳати (эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш) белгилаб берсада, бу муносабатлар хусусияти нафақат алоҳида мулк шаклларида, балки битта мулк шакли доирасида ҳам фарқланиши мумкин.

Мисол учун хусусий мулк шаклини олайлик. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу мулк шакли бир неча минг йиллардан буён ҳозиргача сақланиб келган. Шу билан бирга бу давр давомида хусусий мулк мазмунида тубдан ўзгаришлар содир бўлди. Унинг ўзгаришига хусусий мулкчиликни рўёбга чиқариш усуллари сабаб бўлди. Хусусий мулкчилик меҳнатга мажбур қилиш йўли билан рўёбга чиқарилса, у қулдорлик ёки феодал хусусият касб этади: рўёбга чиқариш мулкдорнинг ўз меҳнати ёрдамида амалга оширилса, майда товар ишлаб чиқариши учун тавсифли бўлган меҳнат қилиб топилган хусусий мулк пайдо бўлади; ниҳоят, хусусий мулк ёлланма ишчилар томонидан ҳаракатга келтирилса, капиталистик хусусий мулк пайдо бўлади.

Мулкчилик жамиятдаги ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий муносабатлар мазмунини ўзида ифодалайди. Мулкчиликнинг ҳуқуқий ва иқтисодий мазмуни ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади, шу сабабли мулкчилик бир вақтда ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий категория ҳисобланади. Бу бирликда, юқорида кўрсатилганидек, ҳал қилувчи ролни мулкчиликнинг иқтисодий томони эгаллайди. Агар мулк иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқарилмаса, яъни ишлаб чиқаришда фойдаланилмаса ёки мулк эгасига даромад келтирмаса, бунда у "ҳуқуқий" категория сифатида қолади.

Мулкчилик хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари орқали иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқарилади.

Бошқа томондан, мулкчиликнинг ҳуқуқий жиҳати унинг иқтисодий томонига нисбатан фақат бўйсунувчи рол ўйнамайди. Бу шунда кўринадики, ишлаб чиқариш воситаларига маълум ҳуқуқий эгалик қилмасдан, ҳеч ким ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширолмайди, ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдалана олмайди. Шу сабабли мулкчиликнинг ҳуқуқий меъёрлари (эгалик қилиш, тасарруф этиш, фойдаланиш ҳуқуқи) иқтисодий муносабатларнинг аниқлаштирилган кўриниши ҳисобланади.

Ҳуқуқий меъёрлар, бир томондан, айнан мулкчилик муносабатларини муҳофаза қилиш зарурати билан боғлиқ ҳолда вужудга келса, бошқа томондан у товар ишлаб чиқариш шароитида мулкчилик муносабатларини ривожлантиришда гоят муҳим рол ўйнайди. Бу рол

шунда кўринадики, товар хўжалиги шароитида айрим ижтимоий қатламлар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмасдан, айирбошлаш муносабатларида иштирок этиб (масалан, савдо воситачилари), мулкдорга айланиш имконияти пайдо бўлади.

Шундай қилиб, мулкчиликнинг ҳуқуқий меъёрлари, биринчидан, ишлаб чиқариш воситалари ва яратилган моддий неъматларнинг муайян шахсларга (ҳуқуқий ёки жисмоний) тегишли эканлигини, иккинчидан, мулк эгаларининг қонун билан қўриқланадиган ваколатларини ва ниҳоят, учинчидан, мол-мулкни ҳимоя қилиш усулларини белгилаб беради.

Мулкчилик муносабатлари, унинг объектлари ва субъектлари бўлишини шарт қилиб қўяди. **Мулкка айланган барча бойлик турлари мулкчилик объектларидир.** Мулк объекти бўлиб, инсон яратган моддий ва маънавий бойликлар, табиий бойликлар, ақлий меҳнат маҳсули, инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти — ишчи кучи ва бошқалар ҳисобланади. Мулк объектида асосий бугин — бу ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш ҳисобланади. Ишлаб чиқариш воситалари кимники бўлса, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳам унга тегишли бўлади.

Реал ҳаётда ишлаб чиқариш воситаларининг умумлашиш даражаси турли хил, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши турли даражада ва турли шаклларда амалга оширилади. Шунга мос равишда мулк субъектлари вужудга келади. **Мулк субъекти жамиятда маълум ижтимоий-иқтисодий мавқеига эга бўлган, мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулкий муносабатлар иштирокчилари бўлиб, улар жамоа, синф, табақа ёки бошқа ижтимоий гуруҳларга бирлашган бўлади.** Айрим кишилар, оилалар ва давлат ҳам мулкчилик субъекти бўлиб чиқади.

Мулкнинг тузилиши ва шакли хилма-хиллиги сабабли, бу мулкни ўзлаштирувчи юқорида кўрсатилган субъектлар ҳам турли даражада бўлади. Масалан, давлат мулкининг бевосита субъектлари республика ҳукумати ва бошқарув органлари, давлат корхоналари ва муассасалари ҳамда уларнинг меҳнат жамоалари аъзолари бўлиши мумкин.

Жамоа мулк субъектлари (тасарруф этувчилар) сифатида жамоа корхоналари, кооперативлар, хўжалик жамияти ва ширкатлари, акционерлик жамиятлари, хўжалик бирлашмалари (уюшмалари), жамоат ва диний ташкилотлар бўлиши мумкин.

Аралаш мулк, яъни ҳуқуқий шахслар ва фуқароларнинг мулки ҳам мавжуд бўлиши сабабли, бу мулк субъектлари сифатида қўшма

корхоналар, хорижий фуқаролар, ташкилотлар ва давлатлар чиқади.

Шундай қилиб, мулк субъектлари кўп даражали бўлиб, шу субъектлардан бирортаси ўзини мулк эгаси сифатида юзага чиқара олмаса, унда мулкчилик муносабатлари расмий ва юзаки тусда бўлади.

3-§. Мулкчиликнинг турли шакллари ва уларнинг иқтисодий мазмуни

Бозор иқтисодиёти мулкчилик шаклларининг хилма-хил бўлишини талаб қилади, чунки товар муайян мулк объекти бўлгандагина олди-сотди қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади", — деб таъкидланади.

Жамият ривожининг ҳозирги босқичида бу мулк давлат мулкидан ташқари, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва матлубот соҳаларидаги жамоа мулкининг хилма-хил турларини, ижтимоий ташкилотлар мулкини, уй хўжалиги ва шахсий томорқа хўжалиги ҳамда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган меҳнаткашларнинг шахсий мулкини, ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасидаги аралаш мулк шаклларини ва хусусий мулкларни ўз ичига олади.

Шу сабабли "Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги" Қонунида турли-туман мулклар қуйидаги мулк шаклларига киритилади: давлат мулки, жамоа мулки, хусусий мулк, шахсий мулк, аралаш мулк.

Ўзбекистонда хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади (йил бошига, умумий сонига % ҳисобида)



4-чизма.

Давлат мулки — мулк давлатга тегишли бўлганда мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш давлат ихтиёрида бўлади. Давлат мулки асосан икки йўл билан ҳосил бўлади:

1. Хусусий мол-мулкни миллийлаштириб, давлат қўлига олиш;

2. Давлат маблағлари ҳисобидан корхоналар қуриш, давлатга қарашли корхона ва ташкилотларда инвестицияларни амалга ошириш йўли билан.

Давлат мулки ҳақиқатда ҳам халққа қарашли бўлган, бўлинмайдиган ёки умумий ресурслардан фойдаланиш учун жуда мосдир. Бунга мисол қилиб такрор ишлаб чиқариб бўлмайдиган табиий ресурсларни, йирик иншоотлар ва транспорт воситалари, йўллар каби иқтисодий тузилмаларнинг каттагина қисмини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда Фуқаролик Кодексига мувофиқ давлат мулки Республика мулкидан ва маъмурий-ҳудудий (муниципал) тузилмалар мулкидан иборат бўлади. Ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, республика ҳукумати ва бошқаруви тузилмалари мол-мулки, давлатга қарашли маданий ва тарихий бойликлар, бюджет маблағлари, олтин захираси, валюта фонди ва бошқа давлат фондлари республика мулки ҳисобланади.

Маъмурий-ҳудудий (муниципал) тузилмалар мулкида давлат ҳокимияти маҳаллий органлари мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалиги корхоналари ҳамда бошқа мулкий мажмуалар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари кабилар мол-мулки бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда иқтисодиётни эркинлаштириш вазифаси давлат мулки монополиясини қисқартиришни тақазо қилади. Чунки соғлом бозор иқтисодиёти давлат монополияси билан чиқишмайди, монополия рақобатга тўсқинлик қилади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш оқибатида иқтисодиётда давлат мулкининг улуши камайиб, у асосан жамоа мулкига, айрим ҳолларда фуқаро мулкига ва хусусий мулкка айланади.

Давлат корхоналарининг асосий фондлар, ишловчилар сони, ялпи миллий маҳсулот ва миллий даромад яратишдаги ҳиссаси қисқариб, айни вақтда бошқа мулкка мансуб корхоналар ҳиссаси ортиб боради.

Жамоа мулки — муайян мақсад йўлида жамоага бирлашган кишилар томонидан моддий ва маънавий бойликларни ҳамжиҳатлик билан ўзлаштиришни билдиради. Жамоа мулки давлат мулкини корхона жамоаси сотиб олиши, бадал тўлаб корхона қуриши, акция чиқариб, уларни сотиш каби йўллар орқали пайдо бўлди. Жамоа

мулкининг муҳим ҳусусияти шундаки, ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсулига айрим шахслар эмас, балки маълум гуруҳ, кишилар эгалик қилади.

Жамоа мулкига — кооперативларнинг, ижара ва жамоа корхоналарининг, акционерлар жамиятлари, хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, жамоа ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг мулки киради.

Кооперативлар мулкининг асосий белгиси ишлаб чиқариш воситалари ва унинг натижаларини ўзлаштиришнинг жамоа-гуруҳ хусусиятидир. Мулкчиликнинг бу турида ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши муайян меҳнат жамоаси доирасида рўй беради. Ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш ва уларни ўзлаштириш мулк эгаси бўлмиш меҳнат жамоаси доирасида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативларининг асосий шакли жамоа ва ширкат хўжаликларидир.

Шахсий мулк — мулк шаклари ичида муҳим ўрин тутади. Шахсий мулк бу фуқаролар мулки бўлиб, уларнинг шахсий ёки оилавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Бу мулк шакли асосан шахснинг ёки унинг оила аъзоларининг меҳнати асосида кўпаяди ва ривож топади.

Фуқаронинг шахсий мулки асосан уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирокидан, ўз хўжалигини юритишдан тушган меҳнат даромадлари ҳисобига вужудга келади ва кўпаяди. Бозор иқтисодиёти шароитида шахсий мулк акциядан келадиган дивиденд, банк фоизлари, хусусий соҳибкорлик даромади каби янги манбаларга асосланади.

Шахсий мулк объектлари — бу турар жойлар, боғ-ҳовли ва уйлар, транспорт воситалари, пул жамғармалари, уй-рўзғор ва шахсий истеъмол буюмлари, якка тартибда ва бошқа хўжалик фаолияти учун керакли ишлаб чиқариш воситалари, уларда ҳосил қилинган маҳсулот ва бошқалар бўлиши мумкин. "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Қонунда кўрсатилганидек, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат соҳасидаги, халқ хўжалиги, фаолиятнинг бошқа тармоқларидаги майдароқ корхоналар фуқаро ва уларнинг оила аъзоларининг мулки бўлиши мумкин. Шахсий мулк объектлари эҳтиёжларини қондириш доирасидан чиқиб, даромад топиш йўлида ишлатилиши ҳам мумкин.

Хусусий мулк — айрим соҳибкорларга қарашли ёлланма меҳнатга асосланган ва ўз эгасига фойда келтирувчи мулкдир.

Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги қонунида (7-модда), хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир деб кўрсатилган. Шу билан бирга хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмаслиги таъкидланади.

Хусусий мулк ҳам, бошқа ҳар қандай мулк шакллари каби, ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга. У, сўзсиз, ташаббускорлик ва талбиркорликни, меҳнатга маъсулиятлилик муносабатларини рағбатлантиради. Шу билан бирга, товар ишлаб чиқариш шароитида у ҳуфёна даромад орттиришга интилиш ҳиссини туғдиради. Мулкчиликнинг бу шаклини тан олиш, халқ хўжалигида уни қўллаш, фойдали бўлган бўгинларни аниқлаш, уни тартибга солишнинг молиявий ва ҳуқуқий механизмларини шакллантиришни тақазо қилади. Лекин хусусий мулкчиликни бундай тан олиш уни мутлақлаштириш, билан умуман боғлиқ эмас. Бу мулк сотиб олинган ишлаб чиқариш воситалари асосида мустақил хўжалик юритиш ёки давлат корхоналари, кооператив фирмалар, магазин, ошхона ва шу кабиларни сотиб олиш орқали вужудга келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатларида хусусий мулкни шакллантириш манбалари ҳам кўрсатилади. Талбиркорлик билан шуғулланиш, ёлланиб ишлаш, кредит муассасаларига қўйилган маблағлар, қимматли қогозлардан олинадиган даромадлар, мерос тартибда мол-мулкни қўлга киритиш кабилар ана шундай манбалар бўлиши мумкинми? Албатта, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигидан бошқа айрим фаолиятларда ер ҳам хусусий мулк объекти бўлиши мумкин. Шу сабабли Республика Қонун ҳужжатларига (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги Фармонининг 3-банди) мувофиқ савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан бирга танлов асосида сотилишига рухсат берилади. Мазкур ер участкаларига хусусий мулк ҳуқуқининг ҳамма меъёрлари тааллуқли бўлиб, улар сотилиши, васият қилиб қолдирилиши, ижарага берилиши мумкин. Бироқ ернинг бошқа тоифалари, жумладан, умумий фойдаланишдаги ерлар, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва давлат захирасига киритилган ерлар давлатнинг алоҳида мулк объектларидир ва шу сабабли улар фуқароларга фақат мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан узоқ муддатга эгалик қилиш ва фойдаланишга берилиши мумкин.

Турли шаклдаги мулкларнинг бирикиб кетиши натижасида аралаш мулк пайдо бўлади. Бу мулк алоҳида олинган объектнинг турли мулкдорлар иштирокида ўзлаштирилишини билдиради.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мулкчиликнинг турли хил шаклларини вужудга келтириш асосий мақсад эмас. Бу фақат ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, ташаббускорлик ва соғлом рақобатни вужудга келтириш учун қулай муҳит яратишга қаратилгандир.

4-§. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мақсади, йўллари ва усуллари

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти кўп укладли иқтисодиётни ва рақобатлашувчи муҳитни шакллантириш учун шарт-шароитини вужудга келтиришдан иборат. Бунда асосийси мулкчилик масаласини ҳал қилишдир. Шу сабабли Республикамиз Президенти И.А. Каримов мулкчилик масаласини ҳал қилишни "...бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг гамал тоши бўлиб хизмат қилади"[1], деб алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Узоқ йиллар мобайнида республикамиз иқтисодиётида умумхалқ мулки деб аталган, аслида эса давлатлаштирилган мулк тўлиқ ҳукмронлик қилиб келди. Назария ва амалиётда умумхалқ мулки деб ҳисобланган мулк субъекти сифатида давлатнинг чиқиши жамият аъзолари ўртасида бу мулкка "ҳеч кимники", "давлатники", "бировнинг мулки" деб қарашларининг шаклланишига олиб келди.

Бозор иқтисодиётини вужудга келтириш вазифаси ўтиш даврида мулкчиликда давлат секторининг салмоғи анча юқори бўлган мамлакатларда бу мулкнинг маълум қисмини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни тақозо қилади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришга қараганда анча кенг тушунча. Хусусийлаштиришни давлат мулкига эгалик ҳуқуқини давлатдан хусусий шахсларга ўтишидир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришдан ташқари, бу мулк ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шаклларининг вужудга келтиришни ҳам кўзда тутади. У бир қатор йўллар билан амалга оширилади: давлат корхоналарини ҳиссадорлик жамиятига айлантириш, давлат корхонасини сотиб, уни жамоа мулкига айлантириш; мулкни қийматига қараб чиқарилган чеклар (ваучер) бўйича фуқароларга бепул бериш; мулкни айрим тадбиркор ва иш бошқарувчиларга сотиш; айрим давлат корхоналарини чет эл фирма ва фуқароларига сотиш ёки қарз ҳисо-

[1] *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т-3. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 202-бет.

бига бериш; давлат мол-мулкини ким ошди савдоси орқали сотиш ва ҳ.к.

Бу йўллардан қайси бирини танлаш ундан кутилган мақсадга боғлиқ. Масалан, Россияда Давлат мулкини ваучер орқали бепул тақсимлаш усули қўлланилди. Бундан оммавий хусусийлаштиришдан кўзланган мақсад қисқа муддат ичида чеклар бозорини жорий этиш ҳисобига мулкдорларнинг гоят кенг қатламини вужудга келтиришдан иборат эди. Агар тадбиркорликни рағбатлантириш кўзда тутилса, хусусийлаштириш танлаб олинган озчилик ўртасида ўтказилади. Агар хусусийлаштириш четдан капиталнинг кириб келишига йўл очиши зарур бўлса, давлат мулкини хорижий тадбиркорларга бериш шаклида амалга оширилади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда айрим усулларга устуворлик бериш бошқа усулларни қўллашни рад этмайди, аксинча, уларни ҳам қўллаш зарурлигини билдиради. Масалан, корхона жамоасига устунлик берилиб, давлат мулкини акциялаштириш, бу акцияларни сотиб олишда шу жамоадан ташқари кишилар ва чет эл капиталининг иштирок этиши ҳам бўлиши мумкин. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш шароитга қараб пулли, пулсиз ёки имтиёзли тарзда ўтказилади. Ўз шакли ва усулидан **қатъий назар бу тадбир хилма-хил мулкчиликни вужудга келтиришни** таъминлайди, чунки давлат мулки ҳисобидан нодавлат мулкининг барча шакллари ва турлари ривожланади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мулкчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган давлатнинг монопол ҳукмронлигига чек қўйиб, жамиятда фаоллик кўрсатаётган эркин тадбиркорлик ташаббусига кенг йўл ва имкониятлар очиб беришдан иборат. Аслида хусусийлаштириш иқтисодиётнинг давлатлаштиришдан қайтиш йўлларидандир. Хусусийлаштириш давлат мулкини маълум даражада ҳақиқий эгалари — фуқароларга бериш демакдир.

Давлат мулкини унинг тасарруфидан чиқариш жараёнида, аввалам бор, хусусийлаштириш йўли билан яхши иқтисодий натижаларга эришган мамлакатлар тажрибасидан тўлароқ фойдаланиш ва улар йўл қўйган хатолар такрорланмаслиги керакки, бу билан бозор иқтисодиётининг ривожланишини таъминлаш мумкин. Хусусийлаштиришни амалга ошириш учун давлат мулкини хусусийлаштиришнинг кенг кўлами дастурини ишлаб чиқариш зарур.

Ҳуқуқий жиҳатдан хусусийлаштирилган барча корхоналарга эркин иқтисодий хўжалик юритиш ҳуқуқи берилиши ва давлат сектори билан тенг имкониятларга эга бўлиши керак. Давлат секторига нисбатан бу корхоналарга солиқларни бирмунча камайтириш ва айримларини маълум муддатга солиқдан озод қилиш зарур.

Давлат корхоналарини хусусийлаштириш бу мулкчиликнинг ривожланишига, унинг янги босқичига ўтишига бўлган талабидан келиб чиқадиган бир жараёндир. Хусусийлаштиришнинг ривожланишини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири — бу ишлаб чиқарувчилар ҳамда тадбиркорларнинг ташаббуси, уларнинг ишлаб чиқаришдаги фаоллиги, ишбилармонлигидир. Давлат мулкини хусусийлаштириш натижасида ҳокимият ва ишлаб чиқариш соҳаларига янги ишбилармонлар, аҳолининг фаол қисми жалб этилади ва мулкий муносабатларни ривожлантиришдан ҳамда мулк шаклларини такомиллаштиришдан аҳолининг шу қисми манфаатдоргина бўлиб қолмай, балки ўрта ва қуйи ижтимоий қатламни ҳам мулкий муносабатларни такомиллаштиришдан манфаатдор қилади.

Давлат мулкини хусусийлаштириш сиёсати мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини, маҳаллий ва миллий шароитларни, урф-одатларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилишини кўзда тутади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичидаёқ мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги конституцион тарзда эътироф этилди ва давлат мулки монополизмини тугатиш ҳамда бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантириш вазифаси қўйилди. Аввало мулкчиликнинг турли хил шакллари қарор топиши учун тенг ҳуқуқий нормалар ва амал қилиш механизмлари яратилди[1].

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ёндашувнинг муҳим хусусияти — уни дастурлар асосида **босқичма-босқич амалга оширишдан иборат**. 1992-1993 йиллар хусусийлаштиришнинг биринчи босқичини ўз ичига олиб, бу босқичда хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фондини, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини қамраб олди. Енгил, маҳаллий саноатга, транспорт ва қурилишга, бошқа тармоқларга қарашли айрим ўрта ва йирик корхоналар кейинчалик сотиб олиниш ҳуқуқи билан кўпроқ ижра ҳамда жамоа корхоналарига, ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантирилди. Акцияларнинг назорат пакети давлат ихтиёрида сақлаб қолинди.

Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида давлат халқ хўжалигининг иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган, бироқ бутун мамла-

[1] Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари (1994 йил 21 январ) ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги (1994 йил 16 март) фармонлар.

катнинг иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнайдиган айрим секторларини, айрим корхоналарни сақлаб туришни ва маблағ билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичи натижасида кичик хусусийлаштириш амалда тугалланди, давлат мулкини бошқариш ва уни мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш учун керак бўлган муассасалар тизими вужудга келтирилди.

Давлат ижтимоий дастурида белгилаб берилган **иккинчи босқич** 1994-1995 йилларга тўғри келди. Бу босқичда кўплаб ўрта ва йирик корхоналар ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди ҳамда уларнинг акциялари республика қимматбаҳо қоғозлар бозорининг асосини ташкил этди. Давлат мулки ҳиссадорликка айлантирилиши билан бир қаторда кичик хусусий бизнес корхоналари ташкил қилинди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг ва хусусийлаштиришнинг бу босқичида очиқ турдаги акционерлик жамиятларини вужудга келтириш, давлат мулкини танлов асосида ҳамда ким ошди савдосида сотиш амалиёти жорий қилинди. Кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорининг янги муассасалари барпо этилди.

Давлат мулкини хусусийлаштириш бошланган даврдан 1994 йил охиригача 54 мингта яқин корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди. Шулардан 18,4 мингтаси хусусий, 26,1 мингтаси акциядорлик, 8,7 мингтаси жамоа мулкига ўтди, 661 таси ижара корхоналарига айланди[1].

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан келадиган самара икки ёқлама хусусиятга эга. Бир томондан, у аҳолининг бўш турган маблағларини ўзига жалб қилиб, уларнинг бозорга тазйиқини пасайтирса, иккинчи томондан, янги маблағларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатни юзага келтириш учун шароит яратади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, хусусийлаштириш иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган секторини шакллантиришнинг ягона йўли эмас. Ташаббускорлик асосида якка тартибдаги хусусий мулкчиликка асосланган, шунингдек, турли хил кооперативлар, ширкатлар, маъсулияти чекланган жамиятлар кўринишидаги кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш — иккинчи қудратли жараён ҳисобланади.

Республика иқтисодиёти 1996 йилдан бошлаб мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг **учинчи босқичига** кирди. Бу босқич якунловчи хусусиятга эга бўлиб, бу даврда хусу-

---

[1] Қаранг: *Каримов И.А.* Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995, 56-бет.

сийлаштирилмайдиган объектлар рўйхатига кирмаган барча объект ва корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилди.

Республикада хусусийлаштиришнинг адресли йўналтирилганлиги унинг навбатдаги хусусиятидир. Бу аҳолининг барча қатламларига мазкур жараёнда аниқроқ ва натижалироқ қатнашиши имконини беради. Хусусийлаштиришнинг мақсадли йўналтирилганлиги уй-жойларнинг уй эгаларига имтиёзли ёки бепул берилишида, аҳолининг кўпроқ муҳтож ва заиф қатламларини қўллаб-қувватлашнинг турли хил дастурлари бюджет маблағлари ҳисобига қопланишида, қишлоқ аҳолиси ўз ёрдамчи хўжалиги учун чек ерлар олиши кабиларда ифодаланади.

Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг **тўловлилиги унинг навбатдаги муҳим хусусиятидир**. Пулни тўлаш орқали давлат тасарруфидаги корхона ва объектларни хусусийлаштиришда мулкни бепул тақсимлаш билан боғлиқ салбий ҳолатлар бартараф этилиши билан бирга қатор муаммоларни ҳал қилиш имконияти яратилади. Булардан асосийси, аввало, тадбиркорликни, хусусийлаштирилган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг молиявий манбалари пайдо бўлади, бозор инфратузулмасини барпо этиш учун ресурслар вужудга келади ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш дастурини рўёбга чиқариш учун маблағлар жамланади.

Республикада давлат мулкини хусусийлаштиришнинг ўзига хос бошқа жиҳатлари Президентимиз И. А. Каримов томонидан баён қилинган иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий қоидаларидан келиб чиқади. Булар қуйидагилардир:

а) давлат мулкини хусусийлаштириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ички мантиқига бўйсундирилади ва уларнинг асосини ташкил қилади;

б) мулкни хусусийлаштириш жараёни давлат томонидан бошқарилади;

в) хусусийлаштиришни ҳуқуқий-меъёрий жиҳатдан таъминлашда қонунларга риоя этилади.[1]

Республикамизда хусусийлаштириш жараёнининг ҳозирги босқичдаги йўналишлари ислоҳатларни чуқурлаштириш талабларидан келиб чиқиб белгиланади. Бу аввало, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилиши зарур. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «...кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги

---

[1] Қаранг: *Каримов. И.А.* Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995, 51-бет.

ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишининг муҳим омили ҳам бўлиши даркори[1].

Ҳозирги даврда хусусийлаштиришдаги анъанавий йўналиш давлат рўйхатига кирмаган корхона ва объектларни бу жараёнга жалб қилиш ҳам ўз ўрнига эга бўлиб қолаверади. 2000 йилда Республикамизда хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони 374 бирликни ташкил қилиб, улардан 14,3 млрд. сўмлик маблағ олинган. Ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларини кенг аҳоли қатлами, шу жумладан, чет эл капитали иштирокини таъминлайдиган очиқ турдаги жамиятларга айлантириш хусусийлаштиришнинг навбатдаги йўналишидир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш билан биргаликда, «Хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш бу борада ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, бу жараёнга тармоқнинг асосини ташкил қилувчи йирик корхоналарни жалб этиш»[2], ислоҳотларни чуқурлаштиришда алоҳида ўринга эга булади.

Республикамизда хусусийлаштириш бўйича қўйилган вазифа, давлат сектори бозор шароитида ҳам сезиларли рол ўйнашини инкор қилмайди. Чунки иқтисодиётнинг давлат корхоналари сақланиб қолиши керак бўлган соҳалар ҳам мавжуд. Бундай корхоналар учун уларнинг бозор шароитларига таркибан мослашувига имкон берадиган хўжалик юритиш механизмини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Асосий таянч тушунчалар

Ишлаб чиқариш усули — ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари бирлиги ҳамда ўзаро таъсири.

Ишлаб чиқарувчи кучлар — ишлаб чиқаришнинг шахсий ва моддий омиллари, яъни ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситалари бирлиги.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар — бу кишилар учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истемол қилиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

Технологик усул — меҳнат воситалари, материаллар, технология, энергия, ахборотлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш биргаликда ишлаб чиқаришнинг технологик усули дейилади.

Мулкчилик муносабатлари — бу мулкка эгалик қилиш, уни тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

---

[1] *Каримов И.А.* Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш — тараққиёт гарови. «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 18 июн, 140-сон.

[2] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 63-бет.

Мулкдан фойдаланиш — бу мол-мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилиши.

Мулкни тасарруф этиш — бу мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш.

Мулкка эгалик қилиш — мулкдорлик ҳуқуқининг унинг эгаси қўлида сақланиб туришини билдиради ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришининг ижтимоий шаклини ифодалайди.

Мулк объектлари — бу мулкка айланган барча бойлик турлари.

Мулк субъектлари — бу мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулкий муносабатлар иштирокчилари.

Хусусийлаштириш — мулкка эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий шахсларга ўтиши.

Давлат тассарруфидан чиқариш — бу давлат мулки ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шаклларининг вужудга келтирилиши.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ишлаб чиқариш усули ва иқтисодий формациянинг устқурма, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳамда ишлаб чиқарувчи кучлар билан боғлиқлиги қандай?

2. Ишлаб чиқариш усулларининг энг муҳим ўзига хос белгиларини ажратиб кўрсатинг. Бир ишлаб чиқариш усулининг бошқасига almашиниши сабаблари ҳақида мулоҳаза билдиринг.

3. Ишлаб чиқариш технологик усулининг таркибий қисмларини санаб кўрсатинг. Ишлаб чиқариш технологик усулларининг босқичлари бир-биридан нима билан фарқланади?

4. Иқтисодий тизим нусхаларини фарқлантирадиган асосий белгиларини санаб ўтинг.

5. Мулкчиликнинг моҳиятига таъриф беринг ва унинг турли шаклларининг иқтисодий мазмунини тушунтиринг.

6. Мулкчилик шаклларининг фарқланиши асосида нима ётади? Мулк ҳар бир шаклининг (давлат, жамоа, аралаш, хусусий) тузилиш ва таркибини тушунтириб беринг.

7. Бозор иқтисодиётига ўтиш нима учун мулкчиликнинг турли шаклларини тақозо қилади? Хусусийлаштириш босқичлари ва шаклларига тавсиф беринг.

8. Хусусийлаштиришнинг қандай усулларини биласиз?

IV БОБ. Товар-пул муносабатлари ривожланиши бозор иқтисодиёти шаклланиши ва амал қилинишининг асосидир

Инсоният тарихий тараққиётнинг кўпгина босқичларида иқтисодий шаклларнинг айрим турлари узоқ вақт мавжуд бўлиб туриши мумкин. Масалан, ибтидоий жамоа тузими емирилаётган шароитдаёқ вужудга келган товар айирбошлаш бир ишлаб чиқариш усулидан бошқасига ўтиб, бир неча минг йиллардан бери мавжуд бўлиб, ривожланиб келмоқда.

Шу билан бирга бирон-бир иқтисодий шаклнинг турли тарихий давр шароитидаги мазмуни, ўрни, роли ва ижтимоий оқибатлари кўп жиҳатдан турлича бўлади. Лекин уларнинг умумий, энг хусусиятли белгилари сақланиб қолади. Шу сабабли мавзуни ижтимоий хўжалик, яъни ишлаб чиқариш шаклларини таҳлил қилишдан бошлаймиз. Кейин товар ва унинг хусусиятлари, товар қийматининг миқдори, уни аниқлашга бўлган ёндашувлар, пулнинг вужудга келиши, моҳияти ва вазифалари ёритилади.

1-§. Натурал ишлаб чиқаришдан товар ишлаб чиқаришга ўтиш ва унинг ривожланиши

Натурал ишлаб чиқариш. Умумий иқтисодий шаклларнинг тарихан биринчиси натурал ишлаб чиқариш бўлган, бунда меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчининг ўз эҳтиёжларини қондириш учун, ички хўжалик эҳтиёжлари учун мўлжалланган. Истеъмол кўпинча ишлаб чиқаришга мос келган, уларнинг бир-бири билан боғланиши жуда осон бўлиб, ушбу хўжаликнинг ўзида бўлган. Бундай муносабатлар ҳамма зарур нарсани ўзи учун тайёрлаган ибтидоий жамоада ҳукм сурган. Патриархал деҳқон хўжалиги ва феодал поместялари асосан натурал хўжалик бўлган. Натурал ишлаб чиқариш ижтимоий меҳнат тақсимотининг етарли ривожланмаганлиги сабабли мавжуд бўлиб, у вақтда ижтимоий меҳнатдан унинг у ёки бу тури эндигина ажрала бошлаган эди. Бундай шароитда биқиқ ёки ўз эҳтиёжларини ўзи қондирадиган ишлаб чиқариш организмлари

пайдо бўлган. Меҳнат уларнинг тор доирасидагина ижтимоий хусусиятга эга бўлган. Натурал ишлаб чиқариш шакли барча иқтисодий жараёнларни бир хўжалик доирасида қатъий чеклаб қўяди, ташқи алоқалар учун йўл очилмайди. Ишчи кучи муайян хўжаликда жуда қаттиқ бириктириб қўйилади ва кўчиб юриш имконидан муҳрум бўлади. Натурал хўжалик шаклларининг худди шу кўрсаткичлари қишлоқ хўжалик жамоалари минг йиллар давомида барқарор яшовчи бўлиб қолганлигининг «сири»ни очиб беради. Натурал хўжалик ишлаб чиқариш мақсадларини ниҳоят чеклаб қўяди, ишлаб чиқариш ҳажм жиҳатидан жуда оз ва тури жиҳатидан кам бўлган эҳтиёжларини қондиришга буйсунган. Шунинг учун ҳам жамият астасекинлик билан товар ишлаб чиқаришга ўтади.

Товар ишлаб чиқариш натурал хўжаликнинг ривожланиши, унинг тури ва миқдорининг ўсиши натижасида пайдо бўлди.

Товар ишлаб чиқариш, яъни товар хўжалигида кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар буюм орқали, улар меҳнати маҳсулларини олди-сотди қилиш орқали намоён бўлади. Товар ишлаб чиқаришнинг натурал ишлаб чиқаришдан фарқи шундаки, **бунда товар ёки хизмат ўзининг истеъмоли учун эмас, балки бозорга сотиш учун яратилади.**

Натурал хўжаликни сиқиб чиқариш ва товар айирбошлашнинг ривожланиш жараёни меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, хусусий мулкнинг вужудга келиши ва ривожланиши асосида индивидуал хўжаликларнинг товар айирбошлашга, олди-сотдига ўтиш йўли билан боради. Айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашув уларни турли хил ишлаб чиқарувчилар ўртасида айирбошлашни зарур қилиб қўяди. Ихтисослашув эса меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади, демак товар айирбошлаш фақат зарургина эмас, балки фойдали бўлиб боради. Вақтни ва моддий ресурсларни тежаш қонуни товар хўжалигини ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб чиқади. Товар айирбошлашга тортиладиган ишлаб чиқарувчилар бир-бирига тобора кўпроқ боғлиқ бўлиб қола бошлайди.

Дастлабки даврларда товар хўжаликлари, жамоалар, қулдор латифундиялари, феодал ва деҳқон хўжаликлари ўртасида алоқалар ўрнатилишига ёрдам бериб, ишлаб чиқаришнинг ва умуман жамиятнинг ривожланиши учун қўшимча имкониятлар очган.

Маълум тарихий даврларга келиб товар муносабатлари жамият иқтисодининг барча томонларини кенг ва чуқур қамраб олади.

Товар хўжалигининг ва умуман айирбошлаш вужудга келиши ва амал қилинишининг ижтимоий-иқтисодий асослари ҳамда шарт-шароитлари қандай? Бу биринчидан, ижтимоий меҳнат тақсимотидир, бунда ишлаб чиқарчилар у ёки бу аниқ маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Ихтисослашув, ўз навбатида, қиёсий устунлик таомили бўйича, яъни маҳсулотни нисбатан кам муқобил қийматда ишлаб чиқариш лаёқати билан аниқланади. Иккинчидан, ишлаб чиқарувчилар хусусий мулк муносабатлари туфайли иқтисодий жиҳатдан бир-биридан муайян тарзда алоҳидалашиб қолади, бунда улар ўз меҳнат натижаларини ўзлари тасарруф қиладилар. Иқтисодий алоҳидалик нима ишлаб чиқариш, қандай ишлаб чиқариш зарурлиги ва яратилган маҳсулотларни кимга ва қаерга сотишни фақат ишлаб чиқарувчининг ўзи хал қилишини билдиради. Худди шу икки ҳолат товар ишлаб чиқаришни зарур қилиб қўяди ва бозор вужудга келишининг шарт-шароити ҳисобланади. Меҳнат маҳсули товарга, яъни бозорда айирбошлаш учун, сотиш учун тайёрланадиган нарсага, ишлаб чиқарувчилар эса товар ишлаб чиқарувчиларга айланади.

Ниҳоят, бозор вужудга келишининг муҳим шарт-шароитларидан бири эркин айирбошлаш ҳисобланади. Чунки ижтимоий меҳнат тақсимоти, ихтисослашув ва иқтисодий алоҳидалик нима, қанча ва ким учун ишлаб чиқаришни мустақил аниқлаш ва ҳал қилиш имконини беради.

2-§. Товар ва унинг хусусиятлари

Товар-пул муносабатларини тушунишда товарнинг мазмунини, унинг хусусиятларини билиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Товар деб, бирон-бир нафлиликка ва қийматга эга бўлган айирбошлаш учун яратилган маҳсулотга айтилади. Ёки бошқача айтганда, товар нафлиликка (истеъмол қийматга) ва алмашув қийматига эга бўлган бозор учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизматлардир.

Демак, товарнинг икки хусусияти бор: *биринчидан*, у кишининг қандайдир эҳтиёжини қондиради; *иккинчидан*, у бошқа буюмга айирбошлана оладиган буюмдир. Бошқача айтганда, товар истеъмол ва алмашув қийматларига эга.

Буюмнинг истеъмол қиймати шундан иборатки, у кишилар учун фойдали, нафлидир. У шахсий истеъмол буюми сифатида бевосита ёхуд ишлаб чиқариш воситалари сифатида билвосита кишиларнинг бирон-бир эҳтиёжини қондиради.

Хўш, товарнинг маҳсулотдан фарқи нимада? Товар, энг аввало, ўз истеъмоли учун эмас, балки бошқаларнинг истеъмолчи учун бозорга сотиш мақсадида тайёрланадиган маҳсулотдир. Товарнинг натурал-буюм ва ижтимоий-иқтисодий томонлари, хусусиятлари ана шундан келиб чиқади.

Ҳар бир товар маълум бир нафлиликка эга, лекин бу истеъмол қиймат уни яратувчининг ўз эҳтиёжларини эмас, балки айирбошлаш орқали бошқа кишилар эҳтиёжини қондиради, яъни ижтимоий истеъмол қиймат ҳисобланади. Истеъмол қиймати товарларнинг бошқа товарларга айирбошланиш қобилиятига эга бўлганлиги учунгина, у ўзининг яратувчисини қизиқтиради. Товарнинг шу хусусияти, айирбошланувчанлиги унинг алмашув қиймати номини олади. Товарларни сотишда уларнинг нарх кўрсаткичи алмашув қийматини яққол кўрсатади. Инсон меҳнати билан яратилмаган кўплаб буюмлар, масалан, булоқдаги сувлар, ёввойи дарахт мевалари истеъмол қийматига эга бўлади. Лекин улар ҳар доим ҳам товар бўлавермайди. Буюмлар товар бўлиши учун у айирбошлашга мўлжалланган, маълум меҳнат сарфланган, бозорга, сотишга чиқарилган бўлиши зарур.

Алмашув қиймат — бу бирор турдаги истеъмол қийматнинг бошқа турдаги истеъмол қийматга айирбош қилинадиган миқдорий нисбати. Масалан, битта болта 20 кг галлага айирбош қилинади. Айирбош қилинадиган товарларнинг бу миқдорий нисбатида уларнинг алмашув қиймати ифодаланади.

Алмашув қиймати нимага асосланади? Қийматнинг меҳнат назарияси тарафдорлари[1] ҳисоблайдики, товарлар қийматининг умумий асоси — бу меҳнат, шу сабабли улар маълум миқдорларда бир-бирига тенглаштирилади. Уларнинг фикрича товарларнинг табиий хусусиятларидан бирортаси — оғирлиги, ҳажми, шакли ва шу кабилар умумий асос бўла олмайди, фақат меҳнат сарфлари шундай асос ҳисобланади. Алмашишнинг зарур шарти айирбошланадиган товарларнинг ҳар хил истеъмол қийматлари ҳисобланади, лекин ҳар хил товарларининг истеъмол қиймати сифат жиҳатидан турлича бўлиши мумкин: меҳнат қиймати назариячиларининг қарашларича миқдорий ўлчамга эга эмас. Миқдор жиҳатдан бараварлаштириш эса улар фикрича ҳамма сифат жиҳатидан умумий, ягона бирон-бир нарса бўлишини тақозо этади, бундай умумий нарса уларни яратиш учун сарфланган меҳнатдир.

---

[1] Товар қийматини меҳнат билан аниқлашга ёндашувларида маълум фарқлар мавжуд бўлсада, уларга А. Смит, Д. Рикардо, У. Петти, Дж. С. Милт ва бошқа айрим иқтисодчиларни, уларнинг издошларини киритиш мумкин.

Бу ўринда сўз меҳнатнинг муайян, аниқ турлари тўғрисида бормайди. Бу турлар бир-биридан сифат жиҳатдан фарқ қилади, бу эса аниқ истеъмол қийматларининг хусусиятларини келтириб чиқарали. Товарлар ўлчовдош бўлишининг боиси шуки, буларнинг ҳаммаси умуман инсон меҳнати маҳсулидир, яъни инсон кучи, мияси, мушаги, асаблари ва ҳоказолари сарфнинг маҳсулидир. Демак, умуман инсон меҳнати маҳсули сифатида товарлар бир хил ва ўлчовдошдир. Товарда мужассамлашган ижтимоий меҳнат унинг қийматини ташкил қилади. Бу қиймат товар айирбошлаганда кўринади, шунинг учун алмашув қиймати (яъни истеъмол қийматларини айирбошлаш нисбати) қиймат шакли бўлиб, унинг ташқи кўриниши учун хизмат қилади. Товарнинг ўзи эса икки томонининг истеъмол қиймати ва қийматининг узвий бирлигидан иборатдир. Товар қийматининг миқдори, ижтимоий-зарурий вақти билан ўлчанди. Ижтимоий зарурий иш вақти муайян ижтимоий меъёрли ишлаб чиқариш шароитида ва муайян жамиятдаги меҳнат малакаси ҳамда жадаллашуви даражаси ўртача бўлган шароитда бирон-бир товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иш вақтидир. Товар қийматининг миқдорини ҳисоблашда меҳнатнинг оддий ва мураккаб, малакали ва малакасиз, ақлий ёки юқори жисмоний турлари ҳисобга олинади. Қийматни ҳисоблашда нисбатан мураккаб меҳнат кўпайтирилган ёки даражага кўтарилган оддий меҳнат сифатида чиқади, шу сабабли оз миқдордаги мураккаб меҳнат кўп миқдордаги оддий меҳнатга тенглаштирилади.

Товарнинг икки хил хусусиятга эга бўлишига сабаб товар ишлаб чиқарувчи меҳнати табиатининг икки томонламалигидадир. Бир томондан, бу — муайян турдаги аниқ меҳнатдир. Муайян бир шаклда сарфланиб, маълум бир мақсадга яъни, **истеъмол қийматнинг аниқ турини яратишга қаратилан меҳнат — аниқ меҳнат деб аталади**. Масалан, дуродгорнинг стол ёки стул ясашга, нонвойнинг нон ёпишга, чеварнинг дўппи тикишга қаратилган меҳнатлари аниқ меҳнатдир. Иккинчи томондан, меҳнат — аниқ шаклидан қатъи назар, инсоннинг умуман сарфланган ишчи кучидир, жами ижтимоий меҳнатнинг бир қисмидир. У ўзининг шу сифатида **абстракт меҳнат деб аталади**. Бу меҳнат эса товар қийматини яратади. Умуман меҳнат ва ижтимоий меҳнат жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида мавжуд бўлган. Ибтидоий жамиятда ҳам, патриархал оилада ҳам одамлар кучларини сарфлаб, бирон-бир тарзда бир-бирлари учун меҳнат қилганлар. Бироқ бунда қиймат вужудга келмаган, товар яратилмаган. Демак, қийматда оддий ижтимоий меҳнат эмас, балки алоҳида тарихий шароитдаги ижтимоий меҳнат мужассамланади.

Хўш, унинг ўзига хос хусусияти нимада? Бу хусусият шундаки, товар ишлаб чиқариш шароитида меҳнатнинг ижтимоий хусусияти яширинган бўлади. Меҳнат фақат айирбошлаш соҳасида, яъни ўзи амалга ошиб бўлганидан кейин ижтимоий хусусиятни намоён этади. Қиймат яратувчи абстракт меҳнат-меҳнатнинг фақат товар ишлаб чиқаришига оид бўлган ва алоҳидалашган товар ишлаб чиқарувчилар муносабатини ифодалайдиган ўзига хос ижтимоий шаклдир.

Бу қоида, ижтимоий меҳнатнинг моддийлашувига, қийматга ҳам баб-баравариға тааллуқлидир. Қиймат товарнинг эмас, балки фақат меҳнатнинг ижтимоий хоссаси бўлиб, табиат ашёларининг бирорта ҳам молекуласи, заррачаси йўқдир. Қийматнинг асосида одамлар бир-бирлари учун меҳнат қилишларини билдирувчи ижтимоий меҳнат ётади. Бироқ, алоҳидалашган товар ишлаб чиқарувчилар меҳнати сингари ўзининг ижтимоий хусусиятини фақат меҳнат маҳсулларини айирбошлаш орқали кўрсатади.

Товарлар қийматининг миқдори меҳнат унумдорлигига қараб ўзгаради. **Меҳнат унумдорлиги** маълум иш вақти бирлиги мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори билан ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти билан ўлчанади. Меҳнат унумдорлигининг ўзгариши товар бирлиги қийматининг ўзгаришига сабаб бўлади. Меҳнат унумдорлиги ўсса, товар бирлигининг қиймати камаяди ёки аксинча, меҳнат унумдорлиги пасайса, товар бирлигининг қиймати ошади.

Меҳнат унумдорлигига бир қанча омил таъсир қилади. Бу омиллар меҳнат қуролларининг ривожланиши даражаси ва самарадорлиги, ишчининг малака даражаси, фан ва техниканинг тараққиёти даражаси, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш даражаси, ишлаб чиқаришнинг тўпланув даражаси, табиий шароитлардир.

3-§. Қийматнинг меҳнат назарияси ва қўшилган миқдор нафлилиги назариялари

Иқтисодиёт назарияси фанида товар қийматининг негизини нима ташкил қилади деган саволга жавоб беришда икки хил йўналиш мавжуд ва, улар ўртасида доимий равишда тортишувлар ва мунозаралар бўлиб келмоқда. Биз қуйида шу икки хил йўналишдаги назарияларнинг мазмунини ўқувчига ҳавола қиламиз.

Қийматнинг меҳнат назарияси. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу назария тарафдорлари фикрича, товарларни айирбошлаш уларнинг

қиймати асосида амалга оширилади. Қийматнинг миқдори эса, ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан, яъни ижтимоий зарурий иш вақти билан ўлчанади.

Қийматнинг меҳнат назариясига кўра ижтимоий зарур иш вақти ўзига хос ижтимоий меҳнат меъёри ролни ўйнайди. Бу меъёр бозорда аниқланади ва товар ишлаб чиқарувчилар унга амал қилишлари зарурдир. Керагидан ортиқча меҳнат сарфлари қиймат яратмайди, яъни жамият томонидан эътироф этилмайди, рад этилади. Бозорда муайян турдаги товарларнинг асосий массасини ишлаб чиқариш учун зарур бўлганидан амалдаги ортиқча меҳнат сарфларига ҳеч ким ҳақ тўламайди.

Қийматнинг меҳнат назарияси тарафдорлари — товар ишлаб чиқариш шароитда товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни, ижтимоий меҳнатни тақсимлаш ва рағбатлантиришни тартибга солувчи, объектив қиймат қонунининг мавжуд бўлишини тан олади. Улар фикрига кўра, бу қонунга биноан товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш уларнинг қиймати асосида амалга оширилади.

Қиймат қонуни товар ишлаб чиқарувчиларни уларнинг индивидуал меҳнат сарфлари билан ижтимоий зарур меҳнат сарфлари ўртасидаги нисбатга боғлиқ ҳолда табақалаштиради, сарфларни камайтиришни рағбатлантиради ва меҳнатнинг ишлаб чиқариш соҳалари бўйича тақсимланишини тартибга солиб туради. Қиймат қонуни баҳолар қонуни сифатида кўринади. Баҳолар асосида қиймат ётади. Унинг вазифаси баҳолар қиймат билан тенг бўлганда ҳам, улар фарқ қилганда ҳам амалга ошаверади. Масалан, энг юксак меҳнат унумдорлигига эришган ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини ижтимоий зарур сарфларга тенг баҳоларга сотишлари ва юқори фойда олишлари мумкин.

Қиймат қонунинг тартибга солиб турувчи механизми рақобат кураши натижасида бозор баҳоларининг стихияли равишда тебраниб туришидан, уларнинг ижтимоий қийматдан фарқ қилиб туришидан иборат. Товар баҳосининг ижтимоий қийматидан четга чиқиш шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат деб ҳисобланади:

Талаб = таклиф бўлса баҳо = қиймат
Талаб > таклиф бўлса баҳо > қиймат
Талаб < таклиф бўлса баҳо < қиймат

Шундай қилиб, товарлар баҳосининг улар қийматидан фарқ қилиши товар ишлаб чиқарувчиларнинг хоҳиши билан содир бўлмай, балки объектив қиймат қонунининг кучи таъсири остида бўлади.

Қиймат қонуни ресурсларнинг турли ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида тақсимланишини тартибга солиб туриш вазифасини бажараётганда ҳам баҳолар динамикаси муҳим рол ўйнайди. Агар у ёки бу аниқ товар ижтимоий эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлганидан камроқ ишлаб чиқарилса, бу талабнинг таклифдан ошиб кетишига сабаб бўлади. Товар баҳоси ошиб кетади. Баҳолар, шу билан бирга даромадлар камаяди, бу тармоқдаги ишлаб чиқариш ресурслари даромад юқори бўлган бошқа тармоқларга ўтиб кетади. Қийматнинг меҳнат назарияси моделларида қиймат қонунига асосланган ишлаб чиқариш нисбатларини тартибга солувчи бозор механизми ана шундай.

Қўшилган миқдор нафлилиги назарияси. Юқорида қараб чиққанимиздек, қийматнинг меҳнат назариясига кўра, меҳнат сарфларининг ижтимоий зарурий даражаси фақат бозорда, айирбошлашда юзага чиқади. Қиймат фақат бозорда алмашув қиймат кўринишида ўзининг ифодаланиш шаклини олади. Қисқача айтганда, қиймат ишлаб чиқаришда яратилади, бозорда эса намоён бўлади. Шу ерда қўшилган миқдор нафлилиги назариётчилари қарашлари билан қарама-қаршилик пайдо бўлади. Унинг моҳияти нимадан иборат? Агар товар бозорда сотиб олинса, бу кимдир товар ишлаб чиқаришига кетадиган сарфларни ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари сифатида баҳолаши сабаби эмас, балки мазкур товар харидор учун фойдали самарага эга бўлиши сабабли рўй беради, харидор бу товарни қадрлайди.

Кишилар томонидан жуда хилма-хил моддий ва маънавий неъматлар (ҳамда хизматлар) уларни ишлаб чиқаришга ижтимоий зарурий меҳнат сарфланганлиги учун эмас, балки ушбу неъматлар нафлиликка эга бўлиши сабабли қадрланади ва у ёки бу товарни ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари фақат шу сабабли амалга оширилади-ки, кишилар маълум фойдалиликларга эҳтиёж сезади. У ёки бу меҳнат сарфларининг ижтимоий зарурлиги ким томонидан ёки нима билан аниқланади? Оддий қилиб, «бозор томонидан» деб айтиш сўзсиз тўғри, лекин бу тўлиқ эмас ва жуда умумий жавоб. Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси тарафдорлари фикрларига кўра, фақат товарнинг нафлилигига, ижтимоий зарурий деб номланадиган тавсиф бериши мумкин.

Кейинги қўшилган миқдор (товар) нафлилиги назарияси билан қийматнинг меҳнат назариясининг бир-бирига тўғри келмаслиги турли хил истеъмол қийматларини ёки нафлиликларни ҳисобга олиш муаммоси билан боғлиқ. Бу масала қўйилишининг ўзи биринчи қараш-

да бемани кўриниши мумкин. Нима фойдали, олмами ёки танбур? Соғлом ақл доирасида бу саволга жавоб бориш мумкин эмаслиги кейинги қўшилган миқдор нафлилик назарияси хатолиги энг ишончли исбот деб ҳисобланади. Албатта, савол бундай мавҳум қўйилганда унга жавоб бериш керак эмас. Амма хўжалик қарорларини ишлаб чиқишда қар бир аниқ ҳолда тадбиркор томонидан ёки шахсий истеъмол қилиш жараёнида фойдали самарани таққослаш доимо рўй беради. Масалан, агар инсон оғир касал бўлиб, витамин етишмаслигидан қийналса, нима фойдали, олмами ёки танбур, деган саволга жавоб бериши шак-шубхасиз аниқ. Ёки ер қимирлаш натижасида кўплаб турар жойлар бузилган бўлса, маҳаллий ҳокимият ўз бюджети сарфларини муҳокама қилишда, қайси фойдалироқ — турар жойларни қайта тиклашми ёки опера театри қуришими, деган саволга жавоб топишда қийналмайди. Ҳар доим хўжалик қарорлари қабул қилиш талаб қилинганда, умуман эҳтиёжларни таққосламасдан, у ёки бу моддий ва маънавий неъматларнинг фойдали самарасига баҳо бермасдан ҳеч қандай иқтисодий фаолият мумкин бўлмаган бўларди.

Кейинги қўшилган миқдор фойдалилиги назарияси тарафдорлари, фойдалиликнинг икки турини ажратиб кўрсатиш зарур деб ҳисоблайди: а) абстракт ёки тугма фойдалилик, яъни неъматларнинг кишилар бирон-бир эҳтиёжларни қондириш лаёқати; б) аниқ фойдалилик, бу неъмат мазкур нусхаси фойдалилигининг субъектив баҳосини билдиради. Бу субъектив баҳо икки омилга боғлиқ: мазкур неъматнинг мавжуд захираси ва унга бўлган эҳтиёжнинг тўйинганлик даражаси.

Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси тарафдорлари субъектив фойдалилик миқдорини ҳисоблашда Г.Госен қонунидан фойдаланади (немис иқтисодчиси, 1810-1858 й.й.). Бу қонунга биноан, эҳтиёж қондирилиб борилиши билан «тўйинганлик даражаси» ўсади, аниқ қўшилган миқдор нафлилиги эса тушади («зарурий эҳтиёж» даражаси). Бу мазкур эҳтиёжни қондирувчи ҳар бир навбатдаги қўшимча неъмат олдингисига қараганда камроқ нафликка эга бўлишини билдиради, неъматлар захираси чекланган бўлганда эса унинг «зарурий эҳтиёжини» қондирувчи кейинги нусхаси мавжуд бўлади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, мазкур турдаги неъмат қиймати, энг зарур эҳтиёжни қондирувчи кейинги нусханинг нафлилиги билан аниқланади.

Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги муаммосини ўрмонда яшовчи чол эга бўлган беш қоп ғалла мисолида тасвирлаш мумкин.

Бу талаб қопларининг фойдалилиги камайиб борувчи тартибда жойлашади: биринчи қоп энг зарур озиқ-овқат эҳтиёжларини қондириш учун истеъмол қилинади, иккинчиси — овқатланишни яхшилаш, учинчиси — уй паррандаларини боқиш, тўртинчиси — пиво тайёрлаш ва бешинчиси — эрмак учун (тўтиқушни овқатлантиришга).

Қандайдир бир қоп талладан маҳрум бўлган чол амалда тўтиқушни овқатлантиришдан, яъни унга зарур бўлган эҳтиёжини қондиришдан воз кечган бўлур эди. Шу сабабли, хусусан, у беш қоп талладан ҳар бирининг нафлилигини аниқлаб беради.

Демак, ҳар бир неъматнинг охирги қўшилган бирлиги, яъни унча муҳим бўлмаган эҳтиёжни қодирувчи бирлигининг нафлилиги камайиб бориш хусусиятига эгадир.

Қиймат ва баҳо назариясида янги йўналишни бошлаб берган инсон, машҳур инглиз иқтисодчиси М. А. Маршалл ҳисобланади. Қўшилган миқдор нафлилиги назариясининг бир томонлилигини у қийматни фақат нафлилик билан тушунтиришда кўрди. А.Маршалл кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назариясини талаб ва таклиф назарияси ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари назарияси билан боғлашга ҳаракат қилди.

А. Маршаллнинг товар қиймати нима билан аниқланишини билишда қўшилган миқдор нафлилиги ва ишлаб чиқариш харажатларини синтез қилиш (умумлаштириш) зарурлиги ҳақидаги фикри жуда машҳурдир. Неоклассикларнинг қиймат ва баҳонинг бир негизли (монистик) назариясини яратишга уринишдан чекиниши, хусусан А.Маршалл ишлари билан боғлиқ. Неоклассикларнинг қоидалари қийматнинг ягона манбаи, баҳонинг ягона асоси ва бозор хўжалигида жамият даромадларининг ягона манбаи топилиши зарурлигини билдиради. Бундай ягона манба, масалан, инглиз классик иқтисодий мактаби назарияда меҳнат, маржоналистларда қўшилган миқдор нафлилиги тоифаси ҳисобланади. А.Маршалл назариясида эса қиймат ва баҳо ҳам талаб (қўшилган миқдор нафлилиги), ҳам таклиф (товар ишлаб чиқариш харажатлари) томонида ётувчи бозор кучларининг ўзаро таъсири орқали аниқланади.

А.Маршалл фикрича, товар қиймати тенг даражада кейинги қўшилган миқдор нафлилиги ва ишлаб чиқариш харажатлари билан аниқланади. Шундай қилиб, А.Маршаллдан бошлаб иқтисодиёт назариясида турли назарияларни синтез қилишга ўтилди.

Лекин А. Маршал ушбу синтезни охиригача етказа олмади. У ижтимоий зарурий нафлилик ва ижтимоий зарурий меҳнат товар-

нинг икки томони эканлигини аниқ кўра олмади. Шунинг учун у ижтимоий нафлилик ўрнига қўшилган нафлиликни, ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари ўрнига ишлаб чиқариш харажатларини қўйди. Натижада товарнинг қиймати ҳам, нафлилиги ҳам тўлиқ ҳисобга олинмади. Умуман айтганда узоқ тарихий даврдан буён тортишувга сабаб бўлган нарса товаронинг икки хил хусусиятга эга бўлишини инобатга олмасликдир. Меҳнат назариячилари товарга сарфланган меҳнат миқдорига асосий этиборни қаратган бўлса маржиналистлар унинг нафлилигига этибор бериб келдилар. Уларнинг бири кўпроқ товарни ишлаб чиқарувчилар манфаати нуқтаи назаридан таҳлил қилинган бўлса, иккинчиси истеъмолчи (харидорлар) манфаати нуқтаий назаридан қарайдилар. Холбуки товарнинг қийматини ва бинобарин баҳосини аниқлашда унинг икки томонига ва сотувчилар билан харидорлар манфаати тўқнашган тугунга этиборни қаратиш зарур.

4-§. Пулнинг келиб чиқиши, моҳияти ва вазифалари

Пул узоқ замонлардан бери одамларга маълум. Пул қандай пайдо бўлган ва қандай тарихий йўлни босиб ўтган? Пулнинг келиб чиқиши ҳақидаги масала турли хил назарётчилар томонидан айирбошлашнинг ривожланиш жараёни билан боғлиқлиги таъкидланади.

Бир товарнинг қиймати у бошқа товарга айирбошлаганда маълум бўлади (Т-Т). Биринчи қарашда айирбошлаш битимида товарлар бир хил рол ўйнайдигандек кўринади. Аслида эса уларнинг роли турличадир. Бир товар ўз қийматини бошқа товарга нисбатан ифодалайди. Иккинчи товар эса (унинг қийматини бошқа товарга нисбатан ифодалайди) эквивалент ролида чиқади, қийматнинг эквивалент шаклини ташкил этади. Худди мана шу ерда пулнинг келиб чиқиш имконияти мавжуд бўлади.

Айирбошлаш ривожининг дастлабки босқичи қийматнинг оддий ёки тасодифий шакли деб аталади. Бунда, масалан, болтанинг эгаси уни 4 қоп донга алмаштиради (1 болта= 4 қоп дон).

Бу тенгликда болта ўз қийматини 4 қоп донда ифодалайди. 4 қоп дон эса болта қийматининг ифодасидир, унинг қийматини ифодалаш учун материал бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида айирбошлаш янада ривожланди. Тобора кўп турдаги ва миқдордаги маҳсулотлар айирбошлаш жараёнига жалб этилиб боради.

Бунда олди-сотди воситасига лаёқатли бўлган товар-пул зарур бўлиб қолди. Пул ролини турли товарлар бажариб, ишлаб чиқаришнинг ривожланиш жараёнида бу рол аста-секин олтинга ўтиб борган.

XIX асрнинг охирида мамлакатлар бирин-кетин олтин валютага, яъни монеметал тизимига ўта бошлайдилар. Бу ҳол Австрияда 1892, Японияда 1897, Россияда 1898, АҚШда эса 1900 йилда содир бўлади. Англияда олтин пул тизими XVII асрнинг охирида, Германияда 1871 йилда, Голландияда 1877 йилдаёқ жорий этилган эди.

Ўзбекистон ҳудудида тарихан бундан ҳам олдинроқ, кумуш ва мис тангалар муомалада бўлган. Шайбонийхон Самарқандни забт этгандан кейин, 1507 йилда пул ислоҳотини ўтказган. Бизгача Шайбонийхон (1501-1610) ва Абдуллахон (1583-1598) зарб этган тангалар етиб келган. Абдуллахон даврида танга (олтин ва кумуш) зарб қилиш давлат пойтахти — Бухорода марказлаштирилади. 1695-1709 йилларда олтин танга зарб қилиш мунтазам тус олади. Танга оғирлиги 4,8 грамм, сифат софлиги жуда юқори — 958 бўлган[1].

Умумий эквивалент ролини нодир металларга, жумладан, олтинга юклатилишига сабаб қуйидагилар:

— Сифат жиҳатдан бир хил ўлчамга келтириш мумкинлиги;

— Зангламасдан ва узоқ муддат сақлаш мумкинлиги;

— Бўлинувчанлиги ва уни яхлит ҳолига келтириш мумкинлиги;

— Табиатда нисбатан камёблиги;

— Озгина миқдордаги ва оғирликдаги нодир металлнинг қиймати анча юқорилиги.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, пулнинг вужудга келиши тарихий жараён, у товар айирбошлашнинг ривожланишига асосланади, товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш зиддиятларининг кескинлашуви натижасидир. Пул (олтин ёки кумуш) умумий эквивалент ролини ўйновчи махсус товардир.

Энди товарлар дунёси иккига: бир томондан нафлиликни ифодаси бўлган товарларга ва иккинчи томондан қийматнинг моддийлашган ифодаси бўлган пулга ажралади.



[1] *Ҳожи В.А.* Пул ва молия бозорлари. Т.: 1996, 25-26-бетлар.

Улардан хулоса қилиб, пулнинг мазмунига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **Пул — ҳамма товарларни ва хизматларни сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган умумий эквивалентдир.** Пулнинг моҳиятини тўлароқ тушуниш учун унинг вазифаларини қараб чиқамиз.

Пул товар муомаласи доирасидан ташқарида ҳам амал қила бошлайди: пул рентаси, пул солиқлари вужудга келади, натурал мажбуриятлар пул мажбуриятларига айланади. Ҳозирги шароитда олтин, пул — товар бўлишдан тўхтади. Ҳозир пул вазифасини нима бажаради? Бу саволга жавоб беришдан олдин пулнинг вазифаларига эътибор қаратиш лозим.

Пул ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида бир қатор вазифаларни бажаради: 1. Қиймат ўлчови; 2. Муомала воситаси; 3. Бойлик тўплаш (жамғариш) воситаси; 4. Тўлов воситаси.

Пул вазифаларининг ривожланиш даражаси товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

1. Пулнинг биринчи вазифаси қиймат ўлчови вазифасидир.

Товарнинг алмашув қийматини ифодалаш, уни ўлчаш учун қўлда нақд пулга эга бўлиш шарт эмас. Пулнинг бу вазифасини идеал пул бажаради. Товар эгаси фикран идеал равишда шу товарнинг алмашув қийматини пул билан ифодалайди. Товарнинг баҳоси талаб ва таклиф мувофиқ келган тақдирдагина товарнинг қийматига мувофиқ келади. Агар талаб ва таклиф мувофиқ келмаса, баҳо қийматидан фарқ қилади. Демак, товаларнинг баҳоси товарларнинг қийматига, пулнинг қийматига, талаб ва таклифнинг нисбатига боғлиқ.

Товарнинг алмашув қийматини ўлчаш учун муайян миқдордаги пул материалини бирлик қилиб олиш зарур. Бундай бирлик баҳолар ўлчови (масштаби) деб аталади. Бир томондан баҳолар ўлчови ҳар қандай ўлчов бирлиги каби шартлидир. Иккинчи томондан эса, у муайян мамлакатда ҳамма томондан эътироф этилган бўлиши керак. Шунинг учун давлат пул бирлиги ҳуқуқини қонун билан мустаҳкамлайди, бу бирлик шу тариқа расмий тан олинади.

Дастлаб пул бирликлари ва уларнинг номлари кўпинча муайян оғирликда нодир металлар билан боғлиқ бўлган, валюта тизимларининг номлари (фунт стерлинг) ҳам шундан далолат беради. Лекин вақт ўтиши билан, «вазн» номи пул бирлигидан нодир металларнинг ҳақиқий вазнидан тобора кўпроқ фарқ қила бошлаган. Бунинг бир қанча сабаблари бор, буларнинг бири шу билан боғлиқки, тарихан унча нодир бўлмаган, умумий эквивалент ролини ўйнаган металлар нодирроқ, демак, қимматроқ металлар томонидан сиқиб чиқарилган, бунда пул номлари аввалигича қолган. Масалан, фунт

стерлинг дастлаб бир фунт кумушнинг пул билан ифодаланган номи бўлган. Лекин олтин қиймат ўлчови сифатидаги кумушни сиқиб чиқаргач, аввалги ном ўз қиймати жиҳатидан бир фунт кумушга тенг бўлган олтин миқдорига нисбатан ишлатила бошлаган. Бошқа сабаб тангаларни сохталаштириш билан боғлиқ бунда давлат пул зарб қилинаётганда тангага талаб қилингандан кўра камроқ миқдорда пул материалларини сарфлайди.

2. Товар муомаласи жараёнида нақд пул бўлиши керак, чунки товарларни олди-сотди қилиш пайтида уларнинг рамзий баҳолари реал пулга айланмоғи лозим. Бу жараёнда пул муомала воситаси вазифасини бажаради. Пулнинг муомала воситаси сифатидаги вазифаси шундан иборатки, у товарлар муомаласи жараёнида воситачи бўлиб майдонга чиқади.

Дастлаб товарларни айирбош қилишда пул бевосита кумуш ёки олтин қуймалар шаклида мавжуд бўлган. Бу ҳол айирбошлаш вақтида қийинчиликлар туғдирган: пул металлни ўлчаш, уни майда бўлакларга бўлиш, сифатини белгилаш зарур бўлган. Аста-секин пул металл қуймалари ўрнига монеталар ишлатила бошлаган. Монеталар ўз пасни ва сифати жиҳатидан маълум миқдордаги металлдан иборат, унинг вазни ва сифати давлатнинг алоҳида муҳри билан тасдиқланган бўлади.

Олтин пул муомаласи амалиёти кўрсатадики, узлуксиз муомалада бўлиш натижасида олтин тангалар ейилиб кетади, ўз массасининг бир қисмини йўқотади ва тўла қийматли бўлмаган пулга айланади. Шу сабабли муомалага олтин ўрнини босувчи пул сифатида тўла қийматли бўлмаган қиймат белгилари, яъни қоғоз пуллар чиқарилган.

3. Пул муомаладан чиқарилганда бойлик тўплаш вазифасини бажара бошлайди. Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи ўзини бозор тасодифларидан эҳтиёт қилиш учун ва ўз товарини сота олиш-олмаслигидан қатъи назар бошқа товарларни сотиб олиш имкониятига эга бўлиш учун ўзини маълум пул захираси билан таъминлаши керак.

Натурал хўжалик шароитида бойлик жамғариш маҳсулот жамғариш шаклида амалга оширилган. Товар хўжалигининг ривожланиши бойлик жамғаришнинг пул жамғариш шаклини келтириб чиқаради. Товарларни чекланмаган миқдорда сақлаб бўлмайди, пулни истаган миқдорда сақлаш мумкин.

Товар хўжалиги тараққиётининг дастлабки даврларида пул жамғариш уни муомаладан чиқариб олиш йўли билан амалга оширилган. Кейинчалик фойда кетидан қувиш ҳукмрон аҳамият касб этиб,

бўш ётган пул фойда келтирмаслиги сабабли пул эгалари уни ҳаракатга солишга, уни фойдали жойда ишлатиш йўлини топишга интилдилар.

Шу мақсадда пул сақлаш учун банкларга қўйилади. Банклар эса, уларни бир жойга тўплаб, кредит воситасида фойдаланади.

Бойлик тўплаш воситасини фақат олтин тангалар эмас, балки пул материаллари, олтин буюмлар ва бошқалар ҳам ўйнай олади.

4. Товарлар насияга тўлов муддати кечиктириб сотилганда, пул тўлов воситасини бажаради. Харидорлар товарнинг пулини тўлов муддати келгандан кейингина тўлайди. Пулнинг тўлов воситаси сифатида вазифаси товар муомаласи доираси билан чекланмайди. Пул қарз берилганда, рента ва солиқларни тўлашда ҳам тўлов воситаси вазифасини бажаради. Нима учун товарни сотиш билан унга ҳақ тўлаш ўртасидаги вақт жиҳатидан ажралиш пайла бўлади? Аниқ вазиятлар турлича бўлиши мумкин. Бунинг энг туб сабаби ишлаб чиқариш циклларининг турлича давом этишидир. Масалан, қишлоқ хўжалигида ҳосил бир йилда бир марта йиғиб олинади. Лекин деҳқонга бутун йил мобайнида товар керак бўлади. Сотишнинг кредит формаси кескин мураккаблашиб, сустлашиб кетган бўлур эди. Пулнинг тўлов воситаси сифатидаги вазифаси бу хил қийинчиликларни бартараф этишга ва хўжалик айланмасини тезлаштиришга имкон беради. Шундай қилиб, қоғоз пуллар, вексел ва банкнотлар — пулнинг тўлов воситаси сифатидаги вазифасидан келиб чиқди.

Вексел айланмаси негизида (вексел — қарз мажбурияти дегани) эмиссионер банк томонидан чиқариладиган ва унинг обрўси билан қувватланиб туриладиган кредит пуллар вужудга келади. Кредит пуллар қоғоз пуллар билан қўшилиб, товар муомаласига хизмат қила бошлайди. Бу билан олтинни пул муомаласидан сиқиб чиқариш йўлида яна бир қадам қўйилади.

Кредитнинг ва кредит тизими ривожланиши билан пулнинг тўлов воситаси сифатида қўлланиш соҳаси анча кенгайди, кредит пулларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бир киши томонидан бошқа кишига бериладиган кредит қарз мажбуриятини, векселни келтириб чиқаради. Бироқ векселлар муомаласи чекланган, чунки уларга хусусий шахслар кафолат беради. Шу туфайли пухтароқ кафолатга объектив зарурат келиб чиқади, бунинг орқасидан банкнот пайдо бўлади. Банкнот хусусий шахснинг вексели ўрнига банк томонидан берилдиган векселдир. Шундай қилиб, банкнот пулнинг тўлов воситаси сифатидаги вазифасидан келиб чиқади. Банкнотлар билан бир қаторда муомаланинг кредит қуролларидан яна бир тури —

чеклар иштирок этадилар. Чек омонат эгаси томонидан ўз ҳисобидаги пулдан чекда кўрсатилган шахсга бериш тўғрисида банкка ёзилган буйруқлардир.

Кредит муносабатларининг ривожланиши нақд пул ишлатмасдан қарз мажбуриятларини ўзаро бир-бирига ўтказиш йўли билан қарзларни узишга имкон беради.

Халқаро иқтисодий муносабатларда ҳисоб-китоблар олтин билан таъминланмаган миллий валюталарда (доллар, марка, иена ва ҳ.к.) амалга оширилади.

Биз бу ерда аниқ назарий саволга тўқнаш келамиз, ҳозирги замон пулининг моҳияти ва умумий табиати қандай? Қоғоз пулларнинг қадр-қиймати нима билан аниқланади? Уларнинг барқарорлиги нимага боғлиқ? Бу муаммолар бўйича Ғарб иқтисодий назария фанида жуда кўплаб нуқтаи назарлар айтилган. Лекин ҳозирги замон пулининг товарлик табиатини инкор қилиш бўйича Ғарб иқтисодий назариясидаги қарашлар бир хил.

Ҳозирги замон иқтисодий фанларидаги пул тушунчасига икки жиҳатдан ёндашамиз: тез алмашадиган (қадрли) пул ва декрет (қонун билан белгиланган) пул сифатида.

Тез алмашиш (ликвидность) тушунчаси, ҳозирги замон қоғоз пуллари (сўм, танга, доллар, лира ва ҳ.к.) бевосита сотиб олиш кучига эга эканлигини билдиради. Тез алмашадиган воситалар, демак, осонлик билан мақсадингизни рўёбга чиқаради. Масалан, агар сизда оргиқча енгил автомашина бўлса, бу умуман хоҳлаган вақтда уни сизга керак бўлиб қолган ҳар қандай буюмга алмаштириш мумкинлигини билдирмайди. Агар сиз маълум миқдордаги пул суммасига (доллар, марка ва ҳ.к.) эга бўлсангиз, сиз ҳар доим уларни ҳам қандайдир керакли буюмга айирбошлай оласиз.

Нима учун кредит — қоғоз пуллар муглоқ тез сарфланиш хусусиятига эга бўлади? Биз бу ерда ҳозирги замон пулининг табиатига тааллуқли бўлган иккинчи жиҳатга эътиборни қаратамиз.

Пул — бу айирбошлашнинг умуман тан олинган воситаси. Бу ерда «умуман тан олинган»[1] сўзига эътиборни қаратиш жуда муҳим. Пулнинг қадр-қиммати (қиймати) нима билан аниқланади? Қоғоз пул қийматга эга бўладими?

---

[1] Ёки бу айирбошлаш воситаси одатга кура умуман тан олинган бўлиб қолади. Айирбошлашнинг «қонуний» ва «умуман тан олинган» воситаларни тушунчасини аралаштириб юбормаслик лозим. Айрим ҳолларда қонуний айирбошлаш воситалари умуман тан олинмаслиги мумкин. Масалан, муомалага чиқарилган қонунлар

Қатор иқтисодчи неоклассиклар нуқтаи назарига кўра кишилар пулни шу сабабли қадрлайдики, улар қийматга эга бўлган, «қоғоз»дан қилинади деган ноаниқ фикрни билдиришади. Агар одамлар нимanидир пул деб ҳисоблашга келишса, ана шу «нимадир» пул ҳисобланади деган нотўғри фикрларни кўриш мумкин. Демак, пулнинг қадри унинг қийматидан эмас, балки унга билдирилган ишончдан келиб чиқади деган субъектив ёндашувлар мавжуд. Ҳозирги замон пулининг барқарорлиги (харид қилиш лаёқатининг ўзгармаслиги) умуман олтин захиралари билан ҳам боғлиқдир. Табиатда олтин чекланган миқдорда бўлгани каби, Марказий банк ҳам пул таклифини чеклаши зарур. Агар қоғоз пуллар нисбатан чекланганлик хусусиятига эга бўлишдан тўхтаса, бунда уларнинг қадр-қиймати бутунлай йўқолгунча тушиб боради. Шундай экан, қоғоз пулларнинг қадри ҳақидаги масала муомала учун зарур бўлган қоғоз пуллар миқдори муаммоси билан узвий боғлиқ.

Шундай қилиб, товар айирбошлаш, ишлаб чиқариш ва пулнинг келиб чиқиши ҳамда товар-пул муомаласининг ривожланиши бозор ва бозор иқтисодиётининг келиб чиқишига сабаб бўлди ҳамда унинг ривожланишига шарт-шароит яратди.

Асосий таянч тушунчалар

Натурал ишлаб чиқариш — бунда меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчининг ўз эҳтиёжларини қондириш, ички хўжалик эҳтиёжлари учун мўлжалланади.

Товар ишлаб чиқариш — бунда товарлар ўзининг истеъмоли учун эмас, балки бозорда сотиш, айирбошлаш учун ва бошқаларнинг истеъмолини қондириш мақсадида ишлаб чиқарилади.

Товар — бирон-бир нафлиликка ва қийматга эга бўлган айирбошлаш учун яратилган маҳсулотдир.

Нафлилик — товарларнинг кишиларнинг бирон-бир истеъмолини қондириш лаёқати.

Алмашув қиймати — бу бирор турдаги истеъмол қийматнинг бошқа турдаги истеъмол қийматга айирбош қилинадиган миқдорий нисбати.

Аниқ меҳнат — муайян аниқ шаклда сарфланиб истеъмол қийматларнинг аниқ туркни вужудга келтиришга қаратилган меҳнат.

Абстракт меҳнат — аниқ шаклидан қатъий назар умуман инсон ишчи кучининг сарфланиши, ижтимоий меҳнатнинг бир қисми.

Меҳнат унумдорлиги — маълум вақт давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун кетган вақт билан аниқланади.

Меҳнат интенсивлиги —вақт бирлигида меҳнатнинг сарфланиш тезлиги ёки жадаллиги.

Пул — ҳамма товар ва хизматларни сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган умумий эквивалентдир.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1 Ижтимоий хўжалик шаклларига умумий тавсиф беринг. Товар ишлаб чиқариш ва бозорнинг вужудга келишининг умумий шарт-шароитларини тушунтиринг.

2 Нима учун товарга нафлилик (истеъмол қиймат) ва алмашув қийматининг бирлиги сифатида қаралади? Товардаги бу икки хил хусусият нимадан келиб чиқади?

3 Кейинги (охирги) қўшилган миқдор (товар ва хизмат) нафлилиги нима ва унинг пасайиш сабабини тушунтиринг.

4 Товарларнинг қийматини аниқлашга бўлган қуйидаги фикрларга ўзингизни муносабатингизни билдиринг:

а) ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан белгиланади;

б) кейинги қўшилган товарларнинг нафлилиги билан аниқланади;

в) кейинги қўшилган товарларнинг нафлилиги ва ишлаб чиқариш харажатлари билан аниқланади.

5 Пулнинг мазмунини ва вужудга келишининг умумий шарт-шароитларини тушунтириб беринг.

6 Олтин пул ва қоғоз пул ўртасидаги умумийлик ва фарқларини кўрсатиб беринг. Қоғоз ва кредит пулларининг қадр-қиймати ва барқарорлиги нима билан белгиланади?

II БЎЛИМ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ НАЗАРИЯСИ

V БОБ. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал қилиши. Бозор ва унинг тузилиши

Бу боб бозор иқтисодиёти тушунчасининг мазмунини баён қилиб бериш билан бошланиб, унинг асосий белгилари, субъектлари ва ривожланиш босқичлари талқинига алоҳида ўрин ажратилади. Бозор иқтисодиётининг доимий ва асосий муаммолари, бундай иқтисодиётнинг афзалликлари ва зиддиятлари таҳлилига ҳам ўрин берилади.

Мазкур боб бозор ва унинг турлари, бозор инфратузилмаси, унинг таркибий қисмлари ҳамда унсурларини ёритиб бериш билан якунланади.

1-§. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва унинг асосий белгилари

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти дунёнинг кўпчилик мамлакатлари учун хос бўлиб, у турли мамлакатларда ҳар хил даражада ва ўзига хос хусусиятлар билан амал қилмоқда ва ривожланмоқда. Бу иқтисодиётнинг амал қилиш механизми кўплаб асрлар давомида таркиб топиб, шаклланиб, ҳозирги даврда маданийлашган шаклни касб этди ва кўпгина мамлакатларда ҳукмрон иқтисодий тизимга айланди. Мазкур иқтисодиётнинг барқарорлиги шу билан тушунтириладики, узоқ даврли иқтисодий эволюция давомида унинг амал қилишининг асосий классик қоидалари сақланиб қолди.

Олдинги бобда айтганимиздек, хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши ва ижтимоий меҳнат тақсимоти бозор иқтисодиётининг келиб чиқиши ва мавжуд бўлиши учун умумий шароити бўлиб ҳисобланади. Хусусий мулкчилик ва меҳнат тақсимоти ижтимоий хўжаликнинг товар шаклини тақозо қилади, товар ишлаб чиқаришнинг мавжуд бўлиши ўз-ўзидан пул муомаласи, айирбошлаш, тақсимлаш ва

истеъмолнинг бозорли хусусиятини кўзда тутади. Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши бозор иқтисодиёти тараққиётининг асосини ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти — бу товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир. Бундай иқтисодиёт эркин товар-пул муносабатларига асосланади, унинг негизида товар ва пулнинг турли шакллардаги ҳаракати ётади, иқтисодий монополизмни инкор этади. Ҳозирги замон иқтисодий назарияларда бозор иқтисодиёти деганда бозор хўжалиги субъектлари иқтисодий хатти-ҳаракатларининг эркин, мустақил равишда юз бериши ва уларнинг товар-пул механизми орқали бир-бирига боғланиб мувофиқлашуви тушунилади. Бозор иқтисодиётида бозор алоқалари бутун тизимни, унинг ҳамма босқичларини ишлаб чиқиш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларини, ҳамда иқтисодий муносабатларнинг барча субъектларини қамраб олади.

Бозор иқтисодиёти субъектлари таркибига тадбиркорлар ҳам, ўз меҳнатини сотувчи ишчилар ҳам, пировард истеъмолчилар, ссуда капитали эгалари ва қимматли қоғозлар эгалари ҳам киради. Одатда, бозор хўжалигининг барча асосий субъектлари учта гуруҳга бўлинади: уй хўжаликлари, корхоналар (тадбиркорлик сектори) ва давлат.

Уй хўжаликлари — иқтисодиётнинг истеъмолчилик соҳасида фаолият кўрсатувчи асосий таркибий бирлик. Уй хўжаликлари доирасида моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилган товар ва хизматлар истеъмол қилинади. Бозор иқтисодиётида уй хўжаликлари мулкдор ва ишлаб чиқариш омилларини етказиб берувчилар ҳисобланади. Иқтисодий ресурсларни сотишдан олинган пул даромадлари шахсий эҳтиёжни қондириш учун сарфланади.

Тадбиркорлик сектори — бу даромад (фойда) олиш мақсадида амал қилувчи иқтисодиётнинг бирламчи бўғинларидир. У иш юритиш учун ўз капиталини ёки қарз олинган капитални ишга солишни тақазо этади, бу капиталдан олинган даромад ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун сарфланади. Тадбиркорлар товар хўжалигида товар ва хизматларни етказиб беради.

Давлат — фойда олишни мақсад қилиб қўймаган, асосан иқтисодиётни тартибга солиш вазифасини амалга оширадиган, ҳар хил бюджет ташкилотлари ва муассасалари сифатида намоён бўлади.

Ҳар қандай бозор иқтисодиётини **тартибга солиш механизми** асосан тўртта таркибий қисмдан иборат бўлади: **баҳо, талаб ва таклиф ҳамда рақобат.**

Баҳолар нисбати ўзгариб туради, шунинг учун баҳо, ишлаб чиқарувчи учун ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши зарурлигини аниқлашда йўл кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Талаб ва таклиф ҳамда рақобатчилик муҳитидаги ўзгаришлар, ўз навбатида, баҳолардаги ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Бозор иқтисодиётининг муҳим ва умумий белгилари қуйидагилардан иборат:

— турли шакллардаги мулкчиликнинг мавжуд бўлиши ва унда хусусий мулкчиликнинг устун туриши;

— тадбиркорлик ва танлов эркинлиги;

— рақобат курашининг мавжудлиги;

— давлатнинг иқтисодиётга чекланган ҳолда аралашуви;

— корхона ва фирмаларнинг ички ҳамда ташқи шарт-шароитлар ўзгаришларига мослашувчанлиги.

Ана шу белгилар мавжуд бўлганда «...бозор механизми яхши ишлай бошлайди, ҳақиқий рақобат вужудга келади, иқтисодиётни ўз-ўзидан тартибга соладиган, мувозанатга келтирадиган механизми вужудга келади».[1]

Бозор иқтисодиётининг бу белгилари унинг ҳамма босқичлари учун умумийдир. Лекин бозор иқтисодиётининг мазмуни ва белгилари ҳақида гап борганда бу иқтисодиётнинг тарихда таркиб топган икки турини бир-биридан фарқ қила билиш зарурдир. Унинг биринчи кўриниши узоқ вақт давомида шаклланиб, ғарбдаги ривожланган мамлакатларда XIX асрнинг охирларигача давом этиб келди. У иқтисодий адабиётларда **классик** ёки соф бозор иқтисодиёти деб ном олди. Унинг асосий белгилари: а) хусусий мулкчиликка асосланган ҳолда иқтисодий фаолият юритиш; б) капитал ва ишлаб чиқаришнинг корхона миқёсида умумлашганлиги; в) тадбиркорлар, ишчилар, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг шахсий эркинлиги; г) тадбиркорларнинг юқори фойда олиш учун курашлари; д) иқтисодиётнинг талаб ва таклиф, эркин бозор баҳоси ва рақобат курашлари асосида тартибланиши; е) аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинмаслиги, ишсизликнинг ва аҳоли ижтимоий табақаланишувининг кучайиши.

Бозор иқтисодиётининг иккинчи кўриниши **ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиёти** деб аталиб, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидан буён амал қилади. Унинг асосий белгилари:

---

[1] Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 63-бет.

а) мулкчиликнинг турли шаклларига, яъни хусусий, давлат, жамоа, аралаш ва бошқа мулк шаклларига асосланиб иқтисодий ва тадбиркорлик фаолиятининг юритилиши;

б) капитал ва ишлаб чиқаришнинг юқори даражада умумлашганлиги, мулкнинг бир қисми йирик монополиялар ва давлат қўлида тўпланиб, миллий ва халқаро миқёсда умумлашганлиги;

в) иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг фаол иштироки. Бунда давлат фан-техника тараққиёти ва бошқа омилларни ҳисобга олиб, турли иқтисодий тадбирларни, ривожланиш истиқболини аниқлаш, турли соҳалар ва тармоқлар ўртасидаги нисбатларни тартибга солиш чора-тадбирларини белгилаш вазифаларини бажаради;

г) хўжаликларни юритишда режа усулидан фойдаланишнинг кучайиши (бизнес режаси, маркетинг тизими орқали бошқариш);

д) ижтимоий ҳимоянинг кучайиши. Бунда турли хил давлатга, жамоалар ва хусусий кишиларга тегишли ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта фондларининг вужудга келиши.

Бу ҳар иккала турда бозор иқтисодиётининг асосий белгилари ва хусусиятлари сақланиб қолади, уларда товар ва пулнинг ҳаракати, уларнинг қонун-қоидалари ривожланиш учун негиз ва шарт-шароит бўлиб хизмат қилади.

Бозор иқтисодиётида юқорида тилга олинган белги ва тартиблар билан бирга, барча ҳозирги замон иқтисодий тизимларига хос бўлган бир қатор шарт-шароитлар бўлиши тақозо қилинади. Булар қуйидагилар: илғор технология ва янги техник воситалардан кенг миқёсда фойдаланиш; ишлаб чиқаришнинг ихтисослашиши.

2-§. Бозор иқтисодиётида доимий ва асосий муаммоларнинг ҳал қилиниши

Бозор иқтисодиётига йўл тутган ҳар қандай мамлакат бу иқтисодиётнинг қандай амал қилишини тушуниб олиш ва олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун иқтисодиётнинг умумий муаммолари бўлган бир қатор саволларга жавоб топиши зарур.

1. Нима ишлаб чиқариш ва қанча ишлаб чиқариш зарур?

2. Қандай ишлаб чиқариш зарур?

3. Ким учун ишлаб чиқариш зарур? — каби саволлар шулар жумласидандир.

Агар бу саволга жамият тараққиётнинг ҳамма босқичлари учун хос тарзди бўлган умумий жавоб берадиган бўлсак:

1. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур турда ҳамда миқдорда товар ва хизмат ишлаб чиқариш;

2. Мавжуд ресурслардан фойдаланиб, янги техника ва технология асосида ишлаб чиқариш;

3. Аҳоли истеъмоли учун ишлаб чиқариш, деб жавоб бериш мумкин.

Лекин бозор иқтисодиёти даврида бу саволларга ўзгача жавоб берилади. Бу жавоблар бозор иқтисодиётининг ўзига хос тарихий хусусиятидан келиб чиқади.

Нима ишлаб чиқариш зарур, деган саволга жавоб беришда корхона зарар кўрмаслик ва фойда олиш учун интилиш қоидасига амал қилишни ҳисобга олиб, хулоса чиқаришимиз зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида фақат фойда келтириши мумкин бўлган товарлар ишлаб чиқарилади ва хизматлар кўрсатилади, зарар келтирадиган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилмайди. Бунда фойда олиш ёки олмасликни икки нарса ўртасидаги нисбат аниқлайди:

1. Корхона ўз товарини сотишдан оладиган умумий пул даромади.

2. Унинг ишлаб чиқаришга қилинган умумий харажати.

Умумий даромад товар баҳоси сотилган товар миқдорига кўпайтириш орқали ҳисобланади. Умумий харажатлар ҳар бир ресурслар баҳосини уни ишлаб чиқаришда фойдаланган миқдорига кўпайтириш ва кейин ҳар бир ресурс сарфларини қўшиш билан ҳисобланади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот тури ва миқдорини аниқлашда истеъмолчи талабининг алоҳида муҳим ролини таъкидлаш лозим. Истеъмолчилар пул даромадларини сарфлаш орқали товарлар бозорига талаб билдиради. Агар бундай талаб билдириш етарли даражада кўп миқдорда тўпланса, корхона шу маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёр бўлади. Истеъмолчи талабининг кўпайиши, бу маҳсулотни ишлаб чиқарувчи тармоқ учун иқтисодий фойда келтиради. Истеъмолчи талабининг қисқариши корхонанинг зарар кўришига ва вақти келиб қийин аҳволга тушиб қолган тармоқнинг қисқаришига олиб келади. Қисқаси, истеъмолчининг талаби корхонанинг қайси маҳсулоти фойда келтирувчи ишлаб чиқариш бўлиб қолиш масаласини ҳал қилишида муҳим рол ўйнайди.

Бир маҳсулотнинг фойда ва бошқасининг зарар келтиришини тақазо қилувчи талабни истеъмолчи ҳал қилади, бу корхонанинг нима ишлаб чиқариш масаласини эркин танлашини чеклайди.

Корхона ишлаб чиқариш учун маҳсулот танлашда истеъмолчи талабини ҳисобга олиши зарур. Бу айтилганлар кўп даражада ресурсларни етказиб берувчиларга ҳам тааллуқли. Ресурсларга талаб — бу

ҳосилга талаб, яъни ишлаб чиқариш ресурсларини тақозо қилувчи товарлар ва хизматларга талабдан келиб чиқади. Ресурсларни етказиб берувчи ўзининг меҳнат ва моддий ресурсларини сотишдан оладиган даромадларини юқори даражага етказишга интилишида бозор тизимининг талабидан келиб чиқиши шубҳасиз. Фақат истеъмолчи талабига мос бўлган товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар фойда олиб ишлаши мумкин ва шу корхоналар ресурсларга талаб кучаяди.

Қисқаси, истеъмолчи ўзининг мақбул кўришини маҳсулотлар бозорига билдириладиган талаб шаклида намоён қилади. Ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчилар ўзларининг манфаатларини таъминлаш учун шу талабга мос равишда, **яъни юқори фойда олиш учун пул тўлаш қобилиятига эга бўлган истеъмолчиларга зарур бўлган миқдорда ва турда товарлар ишлаб чиқаради ва ресурсларни етказиб беради.**

Бозор тизими пулдор истеъмолчининг хоҳишини, корхоналар талабини ҳисобга олади, улар учун товарлар ишлаб чиқаради ва бу қарорни ресурсларни етказиб берувчиларга узатади, улардан тегишли жавоб олишга эришади.

Қандай ишлаб чиқарилади ёки ишлаб чиқариш қандай ташкил қилинади? — деган саволга ҳам бозор иқтисодиёти шароитида ўзига хос жавоб бўлади. Бунда учта узвий боғлиқ масалага эътибор берилади:

— алоҳида тармоқлар ўртасида ресурслар қандай тақсимланишига;

— ишлаб чиқаришни қандай корхоналар амалга ошира олишига;

— ҳар бир корхона ресурсларнинг қандай уйғунлашувини ва қандай технологияни танлашига.

Бозор тизими, ресурсларни, аввало, маҳсулотларга истеъмолчи анча юқори талаб билдирадиган ва бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш фойда келтирадиган тармоқларга йўналтиради. Фойда бермайдиган тармоқлар ресурслардан маҳрум бўлади.

Бозор иқтисодиётида ишлаб чиқаришни қандай корхоналар амалга ошира олади? Қайси корхона ишлаб чиқаришга иқтисодий жиҳатдан анча самарали технологияни қўллашга интилса ва шунга лаёқатли бўлса. Анча самарали технология иқтисодий самарадорлик билан тавсифланади. Иқтисодий самарадорлик қуйидагиларга боғлиқ: мавжуд технологияга, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи ресурсларнинг муқобил уйғунлашувига ёки ишлаб чиқариш омилларига, ресурсларнинг баҳоларига. Бошқача айтганда, иқтисодий самарадорлик маҳсулотнинг мавжуд ҳажмини ресурсларни энг кам сарф қилиб олишни билдиради.

Бозор иқтисодиёти ўзгарувчан бўлади: у истеъмолчилар, ишлаб чиқариш технологияси, етказиб бериладиган ресурслар таркиби ўзгаришига мос равишда ўзгаради. Ресурсларни тақсимлашнинг бугунги кунда анча самарали бўлган тизими, вақт ўтиши билан истеъмолчи дидининг ўзгариши, ишлаб чиқариш янги технологиясининг яратилиши ва таклиф қилинган ресурслар таркибининг қайта ўзгариши оқибатида эскириши ва самарасиз бўлиб қолиши мумкин. Бозор иқтисодиёти, бу ўзгаришларга мослашишга лаёқатлими?

Истеъмолчи дидидаги ўзгаришларнинг маҳсулот баҳоси ва фойдага таъсири, бир тармоқни қисқартириш ва бошқасини кенгайтиришни тақазо қилади. Бу ўзгартириш ресурслар бозори орқали амалга оширилади, чунки кенгайиб борувчи тармоқ ресурсларга кўпроқ талаб билдирса, қисқариб борувчи тармоқ уларга талабни камайтиради. Бунинг натижасида вужудга келувчи ресурс баҳоларининг ўзгариши, ресурсларни қисқарувчи тармоқлардан кенгаювчи тармоқларга қайта тақсимлайди.

Демак, бозор тизими технологиянинг ўзгариши ва ҳар хил ресурсларга таклиф таркибининг ўзгаришларига мослашади.

Бозор иқтисодиёти сўзсиз техника тараққиёти учун рағбат яратади. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга олиб келувчи технологияни биринчи қўллаш, корхонанинг ўз рақобатчилари олдидаги вақтинчалик устунлигини таъминлайди. Ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши корхонанинг иқтисодий фойда олишини билдиради. Бундан ташқари, бозор тизими янги технологиянинг тез тарқалиши учун шароит ҳам яратади. Шундай қилиб, бозор иқтисоди шароитида ҳар бир корхона юқори фойда бериши мумкин бўлган техника ва технология ёрдамида ишлаб чиқаришни амалга оширади.

Қисқача хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бозор иқтисодиёти шароитида:

а) фойда берадиган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилади;

б) пули бор, юқори фойда олиш имконини берадиган харидорлар учун **ишлаб чиқарилади;**

в) юқори фойда олишни таъминлайдиган техника ва технология ёрдамида ишлаб чиқарилади.

3-§. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари

Бозор иқтисодиётининг афзалликлари бизнинг олдинги баён қилган таҳлилларимиздан ва фикрларимиздан маълумдир. Бу таҳлиллардан **учтаси** айниқса, эътиборга лойиқ.

1) **Ресурсларни тақсимлашнинг самарадорлиги.** Бозор тизими ресурсларни самарали тақсимлашга ёрдам беради. Бунинг мазмуни шуки, рақобатли бозор тизими ресурсларни жамиятга энг зарур бўлган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга йўналтиради. У ишлаб чиқариш учун ресурсларни уйғунлаштиришнинг анча самарали усулларини ва ишлаб чиқаришга янги, анча самарали технологияни қўлланишни тақозо этади. Қисқаси, бозор тизими шахсий манфаатни шундай тартибда бошқарадики, у жамият учун мавжуд ресурслардан зарур товарларни талаб даражасига мос миқдорда ишлаб чиқаришни таъминлайди.

2) **Эркинлик.** Бозор иқтисодиёти тизимининг муҳим афзалликларидан бири шундаки, у шахсий эркинлик ролига устуворлик беради. Кўплаб айрим шахслар ва корхоналар иқтисодий фаолиятини уйғунлаштириш ва ташкил қилиш бозор иқтисодиётининг асосий муаммолардан биридир. Бундай уйғунлаштиришни амалга оширишнинг икки усули мавжуд. Бири — марказдан бошқариш ва мажбур қилиш тадбирларини қўллаш; иккинчиси — бозор тизими воситаси орқали ихтиёрий ҳамкорлик. Фақат бозор тизимигина иқтисодий фаолиятни мажбур қилмасдан уйғунлаштиришга лаёқатлидир. Бозор иқтисодиёти тадбиркорлик ва танлаш эркинлигини намойиш қилади, хусусан шу асосда у муваффақиятга эришади.

3) Бозор иқтисодиётининг яна бир афзаллиги шундаки, бунда **ҳар бир шахс, корхона, фирма ва корпорациялар тинимсиз ҳаракатда ва изланишда** бўлишади. Чунки хўжасизлик, сусткашлик, бепарволик ҳар қандай хўжалик тизимини хонавайрон қилишга олиб келади. Жисмоний ва юридик шахслар рақобатга бардош бериш, доимий равишда фойда олишни таъминлаш учун курашади. Натижада бозор иқтисодиёти миллион-миллион кишиларни ҳаракатга солади, уларни боқимандалик кайфиятидан қутқаради.

Бозор иқтисодиётининг зиддиятлари шундаки, бозор иқтисодиёти ўзининг бош назорат механизми — **рақобатнинг кучсизланишига йўл қўяди ва ҳатто буни рағбатлантиради.** Бундай иқтисодиётда рақобат кучсизланишининг иккита асосий манбаи мавжуд.

1) Бозор иқтисодиётидаги эркин муҳитда тадбиркорлар фойда кетидан қувиб ва ўз иқтисодий мавқеини яхшилашга интилиб, рақобатнинг чекланган йўлидан озод бўлишга ҳаракат қиладилар. Фирмаларнинг қўшилиб кетиши, компанияларнинг хуфёна келишуви, шафқатсиз рақобат — буларнинг ҳаммаси рақобатнинг кучсизланиши ва унинг тартибга солувчилик таъсирининг пасайиб боришига олиб келади.

2) Бозор тизими рағбатлантирадиган техника тараққиёти ҳам рақобатнинг заифлашишига олиб келади. Энг янги технология, одатда: а) жуда катта миқдордаги реал капиталдан фойдаланишни; б) йирик бозорлар бўлишини; в) комплексли, марказлашган ва қатъиян бир бутун бўлиб бирлашган бозорнинг таркиб топиши; г) бой ва ишончли хомашё манбаларини талаб қилади. Бундай технология бозорнинг ҳажмига нисбатан кенг миқёсдаги ҳисобланувчи ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлиши зарурлигини билдиради. Бошқача айтганда, энг янги технологияни қўллаш асосида ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлигига эришиш, кўпинча кўп миқдордаги майда фирмалар эмас, унча кўп бўлмаган йирик ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлишини тақозо қилади.

Бозор тизими жамиятни эҳтиёжи юқори бўлган товарлар билан таъминлашига ҳам кафолат бермайди. Рақобатнинг кучсизланиб бориши истеъмолчининг эркинлигига ҳам путур етказади. Бозор тизими ўзининг истеъмолчининг хоҳишига анча мос келувчи ресурсларни тақсимлаш лаёқатини ҳам йўқотиб бориши мумкин.

Бозор иқтисодиётнинг навбатдаги зиддияти жамият аъзолари даромадларидаги тенгсизликнинг кучайиб бориши ва аҳолининг табақаланиши билан боғлиқ. Бундай иқтисодиёт ҳар қандай юксак даражада ривожланмасин даромадлар тенгсизлигини бартараф қила олмайди, фақат уни маълум даражада юмшатиши мумкин.

Бозор иқтисодиётининг умумий эътироф қилинган камчиликларидан бири шундан иборатки, у ижтимоий истеъмол қилинадиган неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариб, бозорга таклиф қилишга қодир эмас. Шу сабабли жамият аъзоларини бундай неъматлар ва хизматлар билан таъминлаш давлат зиммасида бўлади.

Товарлар ҳажми билан пул массаси ўртасидаги рўй бериб турадиган номувофиқликни бартараф эта олмаслиги ҳам бозор иқтисодиётининг зиддияти ҳисобланади ва бу — пулнинг қадрсизланиши — инфляция билан бирга боради.

4-§. Бозор тушунчаси ва бозорнинг вазифалари

Бозор тушунчаси бозор иқтисодиётининг марказий категорияси бўлиб, иқтисодиёт назариясида ҳам, хўжалик юритиш амалиётида ҳам, барча мамлакатлар тажрибасида ҳам қўлланиладиган, илмий-амалий тушунчадир. Бу тушунча юзаки қараганда оддий тушунчага ўхшаб кўринади, айримлар бозорни товарлар сотиладиган ва харид қилинадиган жой деб ўйлашади. Лекин унинг ички мазмунига эти-

бор берилса, у кўп қиррали бўлиб, мазмуни ўзгарувчан эканлигини, турли даврларда турли маънони англатишини билиб олиш мумкин. Бозор тушунчаси товар айирбошлашнинг келиб чиқиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, у ибтидоий жамоа тузумининг охирларида келиб чиққан ва дастлаб товар алмашув, товар айирбошлаш жойи ёки майдони деган мазмунни англатган.

Дастлаб бозор икки ёки бир неча қабилаларнинг аъзолари бир-бирлари билан товар алмашув жойи сифатида намоён бўлган бўлса, ҳунармандчиликнинг ривожланиши, шаҳарларнинг келиб чиқиши билан алоҳида майдонлар ажратилиб, «бозор жойи», деб эълон қилинган. Шу майдонда (жойда) кишилар олди-сотди қилишган. Лекин ҳали у даврларда товар айирбошлаш Т-Т кўринишида, яъни бир товарга бошқа товарни айирбошлаш шаклида бўлиб, ўз товарини бошқа товарга айирбошлашда вақт ва масофада фарқ бўлмаган, бирданига бир вақтнинг ўзида ўша жойда айирбош содир бўлган. Лекин товар айирбошлаш ривожланиб, унинг зиддиятлари кучайиб бориши натижасида пулнинг келиб чиқиши билан сотиш ва сотиб олиш икки хил жараёнга бўлинган ва Т-П-Т кўринишида бўла бошлаган. Энди товарни сотиш Т-П ва сотиб олиш П-Т замон ва макон жиҳатдан бир вақтда бўлмаслиги мумкин. Чунки сотувчи ўз товарини бир жойда сотиб пул қилиб, бошқа вақтда, бошқа жойда керакли товарни сотиб олиши мумкин. Пулнинг келиб чиқиши билан савдогарлар, яъни товарларни ишлаб чиқарувчидан олиб истеъмолчига, бир жойдан олиб иккинчи жойга сотиш билан шуғулланадиган махсус қатламлар пайдо бўлди.

Меҳнат тақсимоти чуқурлашиб яна бир соҳа, савдо соҳаси вужудга келди. Бу соҳа товар — пул ҳаракатини тезлаштириш имконини бериб, истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчини боғлайдиган воситага айланди. Бунда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчининг бир-бирлари билан учрашиши шарт бўлмай қолди. Уларнинг савдогарлар-воситачилар орқали алоқа қилишлари йўлга қўйилди. Энди бозор тушунчасининг мазмуни ўзгариб, янги маъно касб этади, яъни товар — пул муомаласининг янги шакли сифатида намоён бўла бошлади. Олди-сотди жараёнида янги ўзига хос муҳим товар — ишчи кучининг пайдо бўлиши билан бозор умумий тус олиб, унинг мазмуни янада кенгайди. Эндиликда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларгина эмас, балки ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи ҳам бозор жараёни орқали ўтиб, ишлаб чиқаришга жалб этила борадиган уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири тўғридан-тўғри бўлмай, балки билвосита, бозор орқали содир бўладиган бўлди.

Шундай қилиб, ҳозирги даврда бозор ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг кўп қиррали мураккаб алоқаларини, уларнинг ўзаро бир-бирларига бўлган таъсирини боғлайдиган бўғин, жамият тараққиётида модда алмашувини таъминлайдиган жараён сифатида шаклланди.

Бозорнинг асосий белгилари сотувчи ва харидорларнинг ўзаро келишуви, эквивалентлилик тамойили асосида айирбошлаш, сотувчиларнинг харажатлари қопланиб, фойда олиши ва тўловга қодир бўлган харидорларнинг талабини қондириш ва рақобатчиликнинг мавжуд бўлишидан иборатдир. Бозор иқтисодиётига ўтаётган бошқа ҳамма мамлакатлардаги каби бизнинг мамлакатимизда ҳам ўтиш даври суронларида айрим адабиётларда бозор тушунчасига енгилгина қараб, унинг алмисоқдан қолган эски, бир томонлама, ҳозир маъносини йўқотган таърифини кўрсатиш ҳоллари учрамоқда. Турли кишилар томонидан ёзилган мақола ва китобларда бозорга турлича таъриф берилиб, у қизғин мунозараларга сабаб бўлмоқда. Айрим муаллифлар бозорни сотувчи ва харидорлар тартибсиз тўпланиб, жуфт-жуфт, тўп-тўп, гуруҳ-гуруҳ бўлиб олди-сотди қиладиган жой деб ҳисобласалар, айримлари **уни кишиларга ризқу рўз улашадиган файзу баракатли, сирли дастурхон деб атайдилар.**[1]

Бошқа бир гуруҳ муаллифлар эса бозорни ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларни, айниқса, содда деҳқонларни алдаш эвазига яшайдиган ва бойийдиган, алдамаса тура олмайдиган муттаҳамлар, тарозидан урадиган қаллоблар, бирга олиб, ўнга сотадиган ноинсоф олиб-сотарлар, фирибгар воситачилар тўпланадиган, кишиларни алдашнинг турли ҳийла-найранглари ишлатиладиган бир нопокиза макон сифатида таърифлайдилар.[2] Бу таърифлар маълум даражада бозорнинг ижобий ёки салбий томонларини ва унинг олди-сотди қилиш жойи эканлигини ифода этса-да, шу билан бирга унга тор доирада бир томонлама, юзаки қараш натижаси бўлиб, унинг ҳақиқий ички мазмунини, вазифасини, тутган ўрнини очиб бера олмайди.

Бозор товарларни ишлаб чиқариш ва айирбошлаш, пулнинг вужудга келиши, уларнинг ривожланиши натижасида келиб чиққан тарихий тушунча бўлиб, ҳозирги даврда кенг тарқалган объектив иқтисодий жараёндир.

---

[1] *Алимов Б., Шодиев М., Расулов Т.* Шарқона бозор фазилатлари. Т.: «Университет», 1996, 17-бет.

[2] *Сулаймонов И.* Бозорда тартиб, сотувчида имон бўлса. «Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил 26 февраль, 42-сон.

Бозор ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, сотувчилар ва харидорлар ўртасида пул орқали айирбошлаш (олди-сотди) жараёнида бўладиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир. Бунда бозорнинг моддий асосини жой эмас, балки товар ва пулнинг ҳаракати ташкил этади. Бозор тушунчаси иқтисодиётнинг тўртта фазаси (ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнлари)дан **фақат айирбошлаш** жараёнидаги иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади. **Бозорда ҳеч қандай бойлик яратилмайди, ишлаб чиқарилмайди, кишиларга бахт, ризқу рўз ҳам улашилмайди,** лекин унда турли мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда мавжуд бўлган минглаб корхоналарда ишлаётган миллионлаб қўли гул меҳнаткашлар томонидан яратилган товар ва хизматлар, кўчмас мулклар, иқтисодий ресурслар, ишчи кучи пулга сотилади ва сотиб олинади.

Унда олди-сотди жараёнидаги зарур бўлган хизматлар бажарилади. Ҳар бир жисмоний шахс ёки корхона ўзи ишлаб чиқарган товар ёки хизмат турини сотади ва ўзига керакли бўлган юзлаб товар турларини сотиб олади. Бу олди-сотди жараёнида бозор субъектлари, яъни олди-сотди қилаётган кишилар бир-бирини кўрмасликлари, танимасликлари ҳам мумкин. Улар турли ҳужжатлар, шартномалар, намуналарга биноан воситачи ташкилотлар орқали савдо қилишлари мумкин. Республикамиза ишлаб чиқарилаётган пахта, пилла, олтин, машина, трактор, станок, самолёт, асбоб-ускуна, ўғит, уруғ ва бошқа юзлаб товар ва хизматларнинг ўз яратилган жойидан шартномаларга биноан тўғридан-тўғри истеъмолчиларга жўнатилиши фикримизнинг далили бўлиб, бозор алоҳида савдо-сотиқ қиладиган жой деб тушуниш тўғри эмаслигини кўрсатади. Ундан ташқари товар ва хизматларни пул орқали олди-сотди қилиш жараёнида айрим шахслар ёки корхоналар сарфланган меҳнат ва моддий харажатларга нисбатан юқори даражада ортиқча фойда олади, тез бойийди, уларнинг айримлари эса фойда олиш у ёқда турсин, қилган сарф харажатларини ҳам қоплай олмай, катта зарар кўрадилар, синиб хонавайрон бўладилар. 1997 йилда Республикамиз қишлоқ хўжалигида 662 та, бошқа соҳаларда 302 та корхона зарар кўриб, шундан 300 та қишлоқ хўжалиги корхоналари бу зарарни ўзининг мол-мулки ҳисобидан қоплаши мумкинлиги, қолган 332 таси эса ўз зарарини қоплай олмай хонавайрон бўлишга маҳкум эканлиги, саноат ва бошқа соҳалардаги 302 та зарар кўрган корхоналардан 145 таси банкрот деб эълон қилинганлиги, 1999 йилда эса 898 та қишлоқ хўжалик корхоналари ширкатларга айлантирилиб, уларнинг 12,3 фоизи, яъни

119 та ширкат хўжалиги йилни зарар билан якунлаганлиги,[1] 2000 йилда эса 139 та корхона ўз фаолиятидан 1385,0 млн. сўм зарар кўрганлиги[2], бозорнинг ёппасига бахт-саодат келтирувчи афсонавий жой эмаслигини яна бир бор исботлайди. Энди нима учун бу бозорда кимлардир меҳнат қиламасдан ёки сарфлаган харажатларига нисбатан бошқалардан ортиқча даромад олади, бошқалари эса сарф харажатларини қоплай олмай, меҳнатига яраша даромад қила олмайдилар, хонавайрон бўладилар? — деган савол ҳаммани қизиқтиради. Шуни айтиш лозимки, бозорда ҳеч қанақа илоҳий ёки афсонавий куч йўқ. Айтилганларнинг ҳаммаси бозор муносабатларининг ўзидан келиб чиқади. Бозорга сотишга чиқарилган товар ва хизматлар талабга нисбатан кам бўлса, баҳолар ошиб кетади, айирбошлашнинг эквивалентлик мувозанати бузилади, натижада товарни сотувчи меъёридан ортиқча даромад олиб, тез бойийди ёки аксинча, бозорда товарлар миқдори талаб миқдоридан ошиб кетса, баҳолар пасайиб кетиб, сотувчилар зарар кўрадилар. Бунинг устига ишлаб чиқариш жараёнида сусткашлик, нўноқлик ва хўжасизлик юз бериб, ортиқча харажатларга йўл қўйилган бўлса, зарар янада ошиб кетади, чунки бозор бундай ортиқча беҳуда сарфларни ҳисобга олмайди.

Шундай қилиб, бозорда катта фойда олиш ёки хонавайрон бўлиш сабабини товарларни айирбошлаш жараёнида кишилар ўртасида юз берадиган муносабатлардан қидириб топиш лозим экан, савдо бўлаётган жойда, бозор майдонида ҳеч қанақа сир-асрор йўқ экан. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари дўкони, автомобилга хизмат кўрсатиш станцияси, бензин сотадиган жой, саноат товарлари дўкони, тижоратчиларнинг савдо шахобчалари, турли хил супермаркетлар, йирик савдо марказлари ва ярмаркалари, ижтимоий, хусусий овқатланиш жойлари — буларнинг ҳаммаси бозорнинг одатдаги кўринишлари бўлиб, у ерда ҳам юқорида айтилган муносабатлар содир бўлади. Фонд биржалари, чет эл валюталари бозори, дон биржалари ва аукционлар (ким ошди савдоси) юқори даражада ривожланган бозорлар бўлиб, уларда сотувчи ва харидорлар бир-бири билан акция, облигация, миллий валюта ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари орқали боғланади. Бозорнинг айрим турлари сотувчи ва

---

[1] *Каримов И.А.* Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш — энг муҳим вазифамиз. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, 15 февраль.

[2] Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2000 год. Тошкент, 2001, 19-бет.

харидорлар ўртасидаги шахсий алоқа билан фарқланса, бошқаларида улар ҳеч қачон бир-бирини кўрмайди ёки билмайди. Шунга мувофиқ бозор алоқалари бевосита ва билвосита алоқаларга бўлинади. Буларнинг ҳар қандай туридан қатъий назар унинг иштирокчилари (субъектлари) фуқаролар (уй хўжаликлари), турли хил корхоналар, фирмалар ва давлат ташкилотларидир. Бозор субъектлари икки гуруҳга — сотувчи ва харидорларга бўлиниб, улар бозор муносабатларининг турли вазифаларини бажаради. Сотувчилар бозорга товар ва хизматларни таклиф этади, харидорлар эса уларга талаб билдиради. Бозор ўз субъектлари манфаатини бир-бирига боғлаб, уларни мувофиқлаштиради.

Бозорнинг асосий вазифаси ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган товар ва хизматларни, иқтисодий ресурсларни истеъмолчиларга етказиб беришдан иборатдир. Бу ерда бозор ишлаб чиқариш билан истеъмолни бир-бирига боғлайди, ишлаб чиқарилган товар ёки хизмат ўз истеъмолчисини топади. Бунда бозор воситачи бўлиб хизмат қилади. Бозорда қиймат шакллари алмашади. У қийматни товар шаклидан пул шаклига айлантиради. Индивидуал меҳнат сарфлари сифатида чиққан товарлар бозор томонидан тан олинса, ижтимоий меҳнат сарфини намоён қилади ва товарнинг бозор қиймати ҳосил бўлади.

Бозор айирбошлаш тоифаси бўлиб, **ишлаб чиқаришнинг узлуксиз такрорланиб туришига** ёрдам беради. Ишлаб чиқариш янгидан бошланиши учун яратилган товарлар сотилиши ва уларнинг пулга айланиши, пулга эса керакли иқтисодий ресурслар харид қилиниши зарур. Бозор воситасида товарни сотишдан тушган маблағлар ҳисобига, ишлаб чиқарувчилар ресурслар сотиб олиш йўли билан сарфланган ишлаб чиқариш воситалари ўрнини қоплайдиган ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун керакли моддий ва меҳнат ресурсларига эга бўладилар. Бозор орқали ресурсларнинг **эркин ҳаракати таъминланади ва уларнинг тармоқлар ўртасида тақсимланиши рўй беради**. Истеъмолчилар бозорда у ёки бу товарга бўлган талабини билдиради. Бозор бу талабни ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчиларга узатади. Ресурслар талаб билдирган тармоқлар ва соҳалар ўртасида тақсимланиб туради.

Бозор иқтисодиётни **тартибга солиб туриш вазифасини** талаб, таклиф, рақобат ва баҳолар ёрдамида бажаради. У ўзида талаб ва таклифни жамлаб, бу билан нимани, қанча миқдорда ва қайси вақтда ишлаб чиқариш кераклигини аниқлаб беради. Бозор баҳо воситасида иқтисодий ресурсларни товарларга талаб камайган тармоқлардан талаб ортган тармоқларга оқиб келишини таъминлайди.

Бозор турли хил вазифаларни бажарса-да, улар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақазо қилади. Бозорнинг мазмунини тўлароқ тушунмоқ учун унинг турларини ва ички тузилишини билиш зарур.

5-§. Бозорнинг турлари ва тузилиши

Ҳозирги даврдаги бозор мураккаб тузилишга эгадир.

Бозорнинг ички тузилиши мураккаб бўлганлиги сабабли уни гуркумлашга ҳар хил мезонлар асос қилиб олинади. Булар бозорнинг етуклик даражаси, сотиладиган ва сотиб олинадиган маҳсулот тури, бозор субъектлари хусусиятлари, бозор миқёси, иқтисодий алоқалар хусусияти ва бошқалар. Бозорнинг **етуклик даражасига қараб** ривожланмаган бозор, классик (эркин) бозор, ҳозирги замон ривожланган бозорларга бўлинади. Ривожланмаган, шаклланаётган бозор кўпроқ, тасодифий хусусиятга эга бўлиб, унда товарга товар айирбошлаш усули (бартер) кўпроқ қўлланилади. Бозорнинг бу тури тарихан ҳали ҳақиқий пул келиб чиқмаган даврга тўғри келади. Лекин ҳозирги даврда ҳам айрим мамлакатларда пул инқирозга учраб, ижтимоий ишончни йўқотган, бозор иқтисодиётига ўтаётган даврларда ҳам бу бозор амал қилиши мумкин. Эркин (классик) бозор товар ва хизматларнинг ҳар бир тури бўйича жуда кўп ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, яъни сотувчилар ва сотиб олувчилардан иборат бўлиб, пул орқали айирбошлаш жараёнида улар ўртасида эркин рақобат келиб чиқади, баҳолар талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга қараб эркин шаклланади, рақобатнинг турли усуллари қўлланилади, аҳоли ва ишлаб чиқарувчилар кескин табақаланади. Ҳозирги замон ривожланган бозори — бунда давлат ҳам бозор иштирокчиси бўлиб, бозор анча тартиблаштирилади ва бошқарилади, турли хил биржалар ва бошқа олди-сотди жараёнига хизмат қилувчи соҳалар ривожланган бўлади, рақобат курашлари, аҳолининг табақалашуви юмшатилиб, уларнинг даромадлари даражаси ўртасидаги фарқлар камаяди. Бозор **ҳудудий жиҳатдан** ҳам гурлича бўлиши мумкин.

Булар маҳаллий бозорлар (Тошкент бозори, Самарқанд бозори, Ургут бозори, Лондон бозори, Нью-Йорк бозори, Пекин бозори ва бошқалар); миллий бозорлар: (Ўзбекистон бозори, Россия бозори, Украина бозори, Англия бозори, Америка бозори, Хитой бозори ва бошқалар); ҳудудий бозорлар (Марказий Осиё ёки Осиё бозори, Ғарбий Европа бозори) ва ниҳоят жаҳон бозори.

Сотиладиган ва сотиб олинадиган товар, хизмат турига кўра бозорлар қуйидаги турларга бўлинади: истеъмол товарлари ва хизмат-

лари бозори, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи (ресурслар) бозори, валюта бозори ва фонд биржалари, илмий техника кашфиёти ва ишланмалар бозори.

Муомалага чиқадиган субъектларнинг хусусиятига кўра улгуржи ва чакана савдо тўғрисида гап юритилади. Чакана савдода асосан сотиб олувчилар фуқаролар ҳисобланади. Ташкилот ва муассасалар эса сотувчи ҳисобланади. Улгуржи савдода давлат томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш алоҳида ўрин тутади. Бунда асосий харидор давлат, сотувчилар эса фермерлар, шахсий, кооператив ва давлат хўжаликларидир.

Шунингдек, давлат ва кооператив савдо, деҳқон бозори ҳам фарқланади. Давлат савдосини давлат, кооператив савдони матлубот кооперациялари амалга оширади. Деҳқон бозорида савдони алоҳида фуқаролар, жамоа ва фермер хўжаликлари ҳамда бошқа кооперативлар амалга оширади.

Товар ва хизматлар бозори бозорнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Бу бозорда хўжалик субъектларининг барча учта тури: фуқаролар (уй хўжаликлари) давлат ва корхоналар қатнашади.

Истеъмол товарлари ва хизматлари бозорининг махсус тури **интеллектуал товарлар** бозоридир. Бу бозорда ақлий меҳнат маҳсули бўлган товарлар — илмий ғоялар, техникавий янгиликлар, санъат ва адабиёт асарлари, ҳар хил ахборотлар олди-сотди қилинади. Интеллектуал бозор таркибида илмий-техникавий ишланмаларни айирбошлаш катта ўрин тутади. У амалда патент, лицензия ва ноу-хау сотишдан иборат бўлиб, бу бозорда асосан инновация фирмалари иш кўради. Мазкур фирмалар янгиликларни топиш, бозорда сотиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича хизмат кўрсатади.

Ишлаб чиқариш воситалари (ресурслар) бозорида товар сифатидаги меҳнат воситалари ва материаллар олди-сотди қилинади. Бу бозорда машина, асбоб-ускуна, хом ашё, ёқилғи ва материаллар каби ишлаб чиқариш воситалари йирик ҳажмда кўтарасига (улгуржи) сотилади. Ресурслар бозоридаги товарлар шахсий истеъмолга эмас, ишлаб чиқариш истеъмолига хизмат қилади, яъни ишлаб чиқариш талабини қондиради.

Бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар истеъмол товарлари ва ресурслар бозори орқали анча тўлиқ ва ёрқин намоён бўлади. Шу сабабли бозорнинг икки тури ва унинг субъектлари ўртасида амалга ошириладиган олди-сотди битимларининг қўргазмали тавсифини келтирамиз.

Юқоридан кўриниб турибдики, уй хўжаликлари ва давлат иқтисодий ресурсларга эгалик қилиб, уларни ресурслар бозорига етка-

зиб беради. Корхоналар ресурсларга талаб билдиради. Корхоналар ресурсларни сотиб олишга қилган харажатлари ресурсларни етказиб берувчиларнинг даромадлари (иш ҳақи, рента, фоиз ва фойда) оқимини ташкил қилади.

Уй хўжаликлари ресурсларни сотишдан олинадиган пул даромадларини сарфлаш жараёнида сон-саноқсиз кўп товар ва хизматларга ўзларининг талабини билдиради. Бир вақтда корхоналар айнан шу бозорда товар ва хизматларни таклиф қилади. Товар ва хизматларга истеъмолчилик сарфлари оқими корхоналарнинг пул тушуми ёки даромадини ташкил этади. Иқтисодий ресурслар бозорининг таркибий қисмини ишчи кучи бозори ташкил қилади. Ишчи кучи бозорида — ўзига хос хусусиятга эга бўлган иқтисодий ресурснинг олди-сотди битими амалга оширилади. Бу бозорда бизнес томонидан ишчи кучига бўлган талаб, уй хўжаликлари томонидан билдирилган ишчи кучи таклифи билан тўқнаш келади. Шундай экан, ишчи кучи бозорида иқтисодий субъектларнинг икки тури — тадбиркорлар ва ёлланма ишчилар ҳаракат қилади. Ишчи кучи инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти сифатида товарга айланади, бу қобилият бозор орқали унинг эгасидан ажратиб олинишини билдирмайди. Ишчи кучи бозорида инсоннинг ўзи эмас, унинг меҳнат қилиш қобилияти маълум муддатга сотилади.



5-*чизма*. Истеъмол товарлари бозори ва ресурслар бозори ҳамда бозор субъектлари ўртасида ресурслар, маҳсулот ва даромадлар ҳаракати.

Ишчи кучи бозорининг аниқ намоён бўлиш шаклларидан энг муҳими — меҳнат биржасидир. *Меҳнат биржаси* — ишчилар ва тадбиркорлар ўртасидаги ишчи кучини олди-сотди битимини тузишда воситачиликни амалга оширувчи ва ишсизларни рўйхатга олувчи муассасадир.

Молия бозори. Бу бозор турли-туман ва кўп жиҳатли бўлса ҳам, олди-сотди объекти битта, яъни пул (пулга тенглаштирилган қоғозлар) ҳисобланади ва турли хил шаклларда бўлади. Ортиқча маблағларга эга бўлган хўжалик субъектлари, бу молиявий ресурсларни, маблағлар камёблигини сезган субъектларга таклиф қилади.

Молиявий битимларнинг ҳаракатига қараб, молия бозорини туркумлаш мумкин. Бунда молиявий бозор иккига ажралади: қарз мажбуриятлари (истеъмолни қондирадиган пул) ва капитал (мулк) бозори. Қарз мажбуриятлари бозорида пул вақтинча қарз ҳисобланади ва олинган пул шахсий истеъмол учун ишлатилади. Мулк бозорида қўйилган пулдан даромад олиш ҳуқуқи сотилади ва сотиб олинади. Бу бозорда маблағлар капитал сифатида ишга солиниб, фойда келтиради. Шуни ҳисобга олиб капитал бозорини иккита бўгинга ажратиш мумкин: ссуда капитали бозори ва қимматли қоғозлар бозори. Ссуда капитали бозори — пул шаклидаги капиталнинг фоиз тўлаш шарти билан қарзга берилишидир. Бу бозорда қисқа муддатли мажбуриятлар муомалада бўлади. Булар асосан давлат ва банкларнинг мажбуриятлари ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар бозорида акция, облигация, вексел, чек, депозит кабилар олди-сотди қилинади. Булар давлат томонидан чиқарилган узоқ муддатли мажбуриятлар ҳамда корпорацияларнинг акция ва облигацияларидан иборатдир. Бу бозорда брокер ва дилерлар воситачилик қилади. Мазкур бозор амалда фонд биржалари, аукционлар ва банклардан иборат бўлади.

Қимматли қоғозларнинг ҳаракати хусусияти бўйича молия бозори бирламчи ва иккиламчи (ҳосила) бозорларга бўлинади. Бирламчи бозорда янги нусхадаги қоғозлар сотилади ва сотиб олинади, иккиламчи бозорда олдин чиқарилган қимматли қоғозлар ҳаракат қилади. Бирламчи бозорда қимматли қоғозлар сотилса, иккиламчи бозорда қайта сотилади.

Иқтисодиёт учун қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. У хўжалик субъектлари ўртасида молиявий воситаларнинг эркин ҳаракат қилишини таъминлайди.

6-§. Бозор инфратузилмаси ва унинг унсурлари

Бозор инфратузилмаси — бу бозор алоқаларини ўрнатиш ва уларнинг бир маромда амал қилишига хизмат кўрсатувчи муассасалар тизимидир. Унга омбор хўжалиги, транспорт, алоқа хизматлари кўрсатувчи корхоналар, товар ва хизматлар муомаласига хизмат қилувчи муассасалар (биржалар, аукционлар, савдо уйлари, савдо-сотиқ идоралари ва агентликлари кабилар), молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи муассасалар (банк туридаги муассасалар, кредитлаш идоралари, сугурта ва молия компаниялари, солиқ идоралари) ва ижтимоий соҳага хизмат кўрсатувчи муассасалар (уй-жой ва коммунал хизмат идоралари, аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари) киради. Ахборот хизмати идоралари ҳам бозор инфратузилмасининг алоҳида бўғинини ташкил қилиб, уларга маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва сотиш билан шуғулланувчи компания ва фирмалар киради.

Бозор инфратузилмасининг бу барча унсурлари ишлаб чиқарувчиларнинг савдо-сотиқ, молия-кредит ишларига, шерик топишига, иш кучини ёллашига кўмаклашади, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солувчи тадбирларини амалга оширади, ишлаб чиқарувчилар ўртасида алоқа ўрнатишга ёрдам беради. Уларнинг бир қисми давлат мулкчилигида жойлашса, бошқалари мустақил муассаса ва уюшмалардан иборат бўлиб, кўрсатган хизматлари учун ҳақ олади.

Бозор инфратузилмасида товар (хизмат)лар муомаласига хизмат кўрсатувчи муассасалар муҳим ўрин тутиши сабабли уларнинг асосийларининг қисқача тавсифини берамиз.

Биржа — намуна (ёки андоза)лар асосида оммавий товарларнинг мунтазам савдо-сотиқ ишларини ўтказувчи тижорат муассасаларидир. Товар биржаларидан фарқ қилиб, фонд биржасида қимматбаҳо қоғозлар ва чет эл валюталарининг олди-сотдиси амалга ошса, меҳнат биржаси ишчи кучи эгаси билан уни ёлловчи корхона ўртасида туриб, унга бўлган талаб ва таклифни бир-бирига боғлайди.

Биржанинг барча шаклларида келишувнинг хусусиятли белгиси товар, акция ва валюта курсларига, баҳонинг тебраниб туришига чайқов йўли билан таъсир қилишдир.

Биржада унинг қатнашчилари айирбошлаш тўғрисида битим тузади, лекин товарни етказиб бериш ва унинг ҳақини тўлаш биржадан ташқарида юз беради. Бунда товар эгаси ва харидорлар қатнашиши шарт эмас. Улар номидан ишни брокерлар (даллоллар) юритади. Брокер (маклер)лар — бу товар, фонд ва валюта биржаларида олди-

сотди битимларини тузишда воситачилик қиладиган шахс ёки махсус фирма. Улар одатда мижозлар топшириғига кўра ва унинг ҳисобига иш юритади, кафолат берувчи ҳисобига ўз номидан савдо битимлари тузиши ҳам мумкин.

Биржанинг яна бир хусусияти шундаки, бу ерда ҳали ишлаб чиқарилмаган, лекин тайёрланиши аниқ бўлган, олдин сотиб олиниб, эгаси ихтиёрига келиб тушмаган товарлар ҳам сотилади.

Биржалар ихтисослашган ёки универсал бўлиши мумкин. Ихтисослашган биржаларда айрим турдаги ёки бир гуруҳ товарлар, универсал биржаларда ҳар хил товарлар сотилади.

Аукционлар — алоҳида хусусиятларга эга бўлган товарларни сотиш учун муайян жойларда ташкил қилинган махсус ким ошди савдо муассасаси. Аукционда савдо товарларнинг нисбатан чекланган рўйхати бўйича, оммавий сотувга қўйиш йўли билан ўтказилади. Аукцион эълон қилинган вақтда ва маълум даврда ўтказилади. Бунда товарларнинг бозорга келиб тушиш мавсуми ва ҳажми ҳисобга олинади. Аукцион савдосида намуна товарлар рўйхатда кўрсатилган тартибда савдога қўйилади, харидорлар орасида энг юқори нархни таклиф қилган киши товарни сотиб олади.

Аукционларда санъат асарлари, ноёб буюмлар, коллекциялар ҳам сотилиши мумкин. Савдо ярмаркалари маълум вақтда ўтказилиб, бу ерда товарлар улгуржи равишда олди-сотди қилинади. Товар савдоси унинг эгаси билан савдо фирмаси ўртасида юз бериб, унда бевосита истеъмолчи қатнашмайди.

Савдо уйлари — савдо муассасасининг махсус тури. У ихтисослашган ёки универсал бўлиши мумкин. Ихтисослашган савдо уйи айрим товарлар билан (кийим-кечак, оёқ кийим, газлама ва ҳ.к.) универсал савдо уйи ҳар хил товарлар билан савдо қилади. Савдо уйлари таркибида савдо фирмалари муҳим ўрин тутади. Улар тижорат ишини юритувчи ва ихтисослашган савдо-сотиқ корхоналаридир. Фирмалар мустақил ёки йирик саноат корпорациялари таркибида иш юритиб, улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланадиган турларга бўлинади. Айрим фирмалар ҳар иккала савдо тури билан ҳам шуғулланади.

Улгуржи савдо фирмалари товарларни ўз мулкига сотиб олиб, кейин истеъмолчиларга сотади. Чакана савдо фирмалари ҳар хил шаклни олиб, улар мустақил дўконлар, махсус дўконлар ва супермаркетлардан иборат бўлади.

Супермаркет — бу харидорнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатишига асосланган кенг тармоқли савдо корхонаси. У товарларнинг деярли ҳамма турлари билан, жумладан, импорт товарлар билан савдо қилади.

Супермаркет харидорларга бепул маслаҳатлар беради, товарларни буюртма бўйича харидор уйига етказади, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатади.

Кўп тармоқли ташқи савдо фирмалари ҳам савдо уйи деб аталади. Улар ўз номидан ва кўпинча ўзлари ҳисобидан экспорт-импорт ҳамда бошқа савдо алоқаларини олиб боради. Ташқи савдо уйлари савдо корхоналарини сотиб олиш, жиҳоз ва ускуналарни ижарага топшириш, кредитлар бериш, суғурта хизмати кўрсатиш билан молия ва ишлаб чиқариш хизматида ҳам қатнашади.

Инфратузилма тизимида молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи муассасалар алоҳида ўринга эга. Улар молия бозори, унинг асоси бўлган капитал бозорини шакллантиради ва амал қилиш тартиб-қоидаларини ўрнатади. Молиявий муассасалардан кўпчилиги ўзига хос белгиларга эга бўлсада, уларнинг барчасига битта умумий белги хос. Улар ўзларининг мажбуриятларини билдиради, яъни маблағлари ортиқча бўлган субъектлардан пул қарз олади ва ўз номидан маблағлари етишмаган субъектларга пул қарз беради.

Бозор инфратузилмасининг банклар, суғурта компаниялари, солиқ ва божхона идоралари каби муассасалари молия-кредит муносабатларида алоҳида ўзига хос ўринга эга. Уларнинг иқтисодий фаолияти ва молиявий муносабатларда тутган ўрни билан кейинги мавзуларда батафсил танишамиз.

Бозор иқтисодиёти субъектларини молиявий ахборотлар билан таъминлаш бозор инфратузилмасининг ахборот хизмати идоралари, шу жумладан, аудиторлик фирмалари зиммасига тушади. *Аудитор фирмалар* — корхона, фирма, компаниялар молиявий хўжалик фаолиятини текшириб борувчи, улар ҳисоботини экспертизадан ўтказувчи идора. Улар одатда акционер жамият ёки кооператив шаклда фаолият кўрсатади ва тўлиқ мустақилликга эга бўлади. Аудитор фирмалар ўз ишини ҳар бир мамлакатда ёки халқаро миқёсда қабул қилинган ҳисоб-китоб ва тафтиш қоидаларига биноан олиб боради. Аудитор фирма ишида қатнашувчи тафтишчилар аудиторлар деб аталади.

Шундай қилиб, бозор инфратузилмаси ва унинг қараб чиқилган унсурлари барча бозор турларининг фаолият кўрсатиши ҳамда давлатлараро иқтисодий муносабатларни тартибга солишни таъминлайди.

Асосий таянч тушунчалар

Бозор иқтисодиёти — товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир.

Бозор механизми — бозор иқтисодиётининг амал қилишини тартибга солишда ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришда қўлланиладиган дастак ва воситалар яъни муруватлар тўпламидир.

Бозор — ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчилар ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлаш жараёнида бўладиган муносабатлар йиғиндисидир.

Бозор объекти — бозорга, айирбошлаш муносабатларига жалб қилинган иктисодий фаолиятнинг натижалари ва иқтисодий ресурслар, товар, пул ва унга тенглаштирилган молиявий активлардир.

Бозор субъекти — бозорнинг, айирбошлаш муносабатларининг қатнашчиларидир.

Бозор инфратузилмаси — айирбошлаш муносабатларига хизмат қилувчи муассасавий тузилмалардир.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва асосий белгилари нималардан иборат?
2. Классик ва ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг умумий томонларини ва фарқларини тушунтириб беринг.
3. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари нималардан иборат?
4. Бозор тушунчасининг таърифини беринг ва унинг асосий вазифаларини кўрсатинг.
5. Бозорни туркумлашда қандай мезонлар асос қилиб олинади? Уларни санаб, кўрсатинг.
6. Етуклик даражасига қараб бозорнинг қандай турлари ажратилади?
7. Бозор инфратузилмаси нима?

VI БОБ. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг хусусиятлари

Бу боб ўтиш даври назарияси, хусусан бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларини баён қилиш билан бошланади. Кейин Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари ва хусусиятлари, республикада бозор ислоҳотларини амалга ошириш ва унинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилади.

Мавзу бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида макроиқтисодий барқарорликка эришиш вазифаларини таҳлил қилиш билан якунланади.

1-§. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари ва хусусиятлари

Бозор иқтисодиётининг олдинги бобда тилга олинган белгилари узоқ давр давомида шаклланиб, пировард натижада яхлит ижтимоий тизимни ташкил қилади.

Бунда бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари (моделлари) хилмахил бўлиб, уларнинг умумий ва хусусий томонлари фарқланади.

Жаҳон тажрибасида бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча йўллари умумлаштирилиб, қуйидаги учта асосий моделга бўлинади:

I. Ривожланган мамлакатлар йўли;

II. Ривожланаётган мамлакатлар йўли;

III. Собиқ социалистик мамлакатлар йўли.

Бу йўлларнинг умумийлиги шундаки, уларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётига ўтишни мақсад қилиб қўяди ва мазкур иқтисодиётнинг қонун-қоидалари, амал қилиш механизми кўп жиҳатдан умумий бўлади. Шу билан бирга ҳар бир йўлнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор, бу эса бозор муносабатларини шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий, тарихий, миллий шароитлари ҳар хил бўлишидан келиб чиқади.

Масалан, бозор муносабатларига ўтишнинг гарбча модели (ривожланган мамлакатлар йўли)да олдинги товар хўжалигидан эркин

рақобатга асосланган классик ёки эркин бозор иқтисодиётига ва ундан ҳозирги замон маданийлашган бозор иқтисодиётига ўтилади.

Мустамлакачиликдан озод бўлиб, мустақил ривожланаётган мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлининг хусусияти — бу қолоқ, анъанавий иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига ўтишдир. Ниҳоят, собиқ социалистик мамлакатлар йўлининг муҳим белгиси марказлаштирилган, маъмурий — буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан ҳозирги замон ривожланган бозор тизимига ўтишдан иборатдир. Бу йўлнинг бошқа йўллардан фарқи шундаки, тоталитар иқтисодиётнинг бозор иқтисодиёти билан умумийлиги йўқ, улар батамом бир-бирига зид. Шу билан бирга учинчи йўлда бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатларнинг ўзи ўтиш шароитлари, иқтисодий ривожланиш даражаси, мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шакллари билан бир-бирларидан фарқланади. Буларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётига ўтишдаги мазкур йўлнинг ўзига хос хусусиятларидир.

Марказлашган маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишда мақсад бир хил бўлса-да, турли мамлакатлар турли йўлларни танлашлари мумкин. Ҳаммага маълумки, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтишда икки йўл, яъни революцион ва эволюцион йўллар мавжуд. Польша, Чехословакия, Россия ва бошқа айрим мамлакатлар бозор иқтисодиётига ўтишнинг революцион йўлини, бирданига катта тўнтаришлар қилиш йўлини танладилар. Бошқача айтганда улар «карахт қилиб даволаш» деган усулни қўлладилар. Бу йўлни амалга ошириш учун Россияда «300 кун», «500 кун» деган ўтиш дастурлари ишлаб чиқилди. Бу дастурларни тезкорлик билан амалга оширa бошладилар. Бунда улар бир тизимдан иккинчи тизимга ўтишда анча узоқ муддатли ўтиш даври бўлишини унутдилар. Натижада бу мамлакатларда ишлаб чиқариш ҳажми кескин тушиб кетди, кўплаб корхоналар ёпилиб, ишсизлар сони кўпайди, пулнинг қадри кескин пасайиб кетди, иқтисодиёт эса ҳамон карахтликдан чиққани йўқ, одамларнинг аҳволи оғирлашди.

Шунинг учун Ўзбекистон бу йўлдан бормай, бошқа йўл танлади. Бу йўл Ўзбекистоннинг ўзига хос маданий, тарихий, иқтисодий ва табиий хусусиятларини ҳамда бу йўлдаги жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда революцион тўнтаришларсиз, ижтимоий тўқнашувларсиз, ижтимоий ҳимояни кучайтирган ҳолда аста-секинлик, лекин қатъиятлилик билан босқичма-босқич ривожланган бозор иқтисодиётига ўтишдан иборатдир.

«Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз Республикамиз ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-

одатлар ва турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтишдаги иқтисодиётни бир ёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади»[1], деб ёзади мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш йўли ижтимоий-йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган. Бу йўлни амалга оширишга, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга Президентимиз И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган бешта муҳим тамойил асос қилиб олинган.

Биринчидан, иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, унинг устунлигини таъминлаш.

Иккинчидан, ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлиши.

Учинчидан, бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланмоғи, қонунларнинг устуворлиги таъминланмоғи лозим.

Тўртинчидан, бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ниҳоят, бешинчидан, бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш. Бозор муносабатларига ўтишда бу тамойилларнинг ҳаммаси ҳам муҳим аҳамиятга эгадир, лекин уларнинг ичида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки тегишли ҳуқуқий негизни, бозорнинг инфратузилмаларини яратиш, одамларда бозор кўникмаларини ҳосил қилиш, янги шароитларда ишлай оладиган кадрларни тайёрлаш учун вақт керак бўлади.

Бундан ташқари, бозор муносабатларига ўтиш фақатгина иқтисодиёт соҳаларини ўзгартириш билан чекланмайди. У ижтимоий ҳаётнинг бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлган барча соҳаларини, шу жумладан, сиёсий, маънавий-ахлоқий, маиший ва бошқа соҳаларни ҳам тубдан ўзгартиришни тақозо қилади. Буларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, эволюцион йўл билан ўтиш ҳақидаги ғоя жуда муҳим ва афзал эканлигини кўрсатади.

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш тамойилини амалга ошириш иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий босқичларини аниқ фарқлаш, бу босқичларнинг ҳар бири учун аниқ мақсадларни, уларга эришиш воситаларини белгилаб олишни талаб қилади.

Президентимиз И.А. Каримовнинг асарларида бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида қуйидаги иккита вазифани бирданига ҳал қилиш мақсад қилиб қўйилганлиги таъкидланади:

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998. 101-102-бетлар.

— тоталитар тизимнинг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;

— Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш[1].

Шу вазифаларни ҳал қилиш учун биринчи босқичда ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишлари аниқлаб олинди.

Биринчидан, ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш;

Иккинчидан, маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат корхоналарини, уй-жой фондини хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалигида ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш;

Учинчидан, ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш.

Республика иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш бўйича биринчи босқичда қўйилган вазифаларни амалга ошириш жараёнида иқтисодиёт соҳасига тегишли бўлган, иқтисодий муносабатларни шакллантиришнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган 100 га яқин асосий қонун — ҳужжатлар қабул қилинди.

Биринчи босқичда кичик хусусийлаштириш амалда тугалланди, давлат мулкини бошқариш ва уни мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш учун зарур бўлган муассасалар тизими тузилди.

Қишлоқ хўжалигида аграр ислоҳот жараёнида бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган янги хўжалик тизими шаклланди ва иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган қисми кенг ривожланди.

Халқ хўжалигини, тармоқлар ва ҳудудларни бошқаришнинг энг мақбул ва мавжуд шароитларга мос бўлган тизимлари ишлаб чиқилди. Нархлар тўлиқ эркинлаштирилди, бозор инфратузилмасининг асосий қирралари шакллантирилди, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими амалга оширила бошлади, иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилди.

Республикада бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада юз берган туб ўзгаришлар унинг ўз тараққиётида кейинги сифат жиҳатдан янги босқичга ўта бошлаш учун мустаҳкам шарт-шароит яратди. Шу билан бирга ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи натижалари кейинги босқичнинг стра-

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995, 19-бет.

тегик мақсадлари ва устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш имконини берди.

Иккинчи босқичда инвестиция фаолиятини кучайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва шунинг негизида иқтисодий ўсишни таъминлаб, бозор муносабатларини тўлиқ жорий этиш мақсад қилиб қўйилади. Шу мақсаддан келиб чиқиб, И.А. Каримов асарида бу босқич учун бир қатор вазифалар ажратиб кўрсатилади[1].

Биринчи вазифа — давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш. Бунда давлат мулкини хусусийлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш, кичик хусусий корхоналар ташкил қилишни рағбатлантириш ҳисобига ишлаб чиқаришда давлатга қарашли бўлмаган қисмининг улушини ошириш кўзда тутилади.

Иккинчи вазифа — ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш. Бу ҳам корхоналар ва тармоқларнинг, умуман давлатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига эришиш имконини беради.

Учинчи вазифа — миллий валюта — сўмни яна ҳам мустаҳкамлашдан иборат.

Бу эса сўмнинг конвертацияси, қатъий валюталарга эркин суръатда алмаштириш лаёқати демакдир, унга пулнинг қадрсизланишига қарши таъсирчан чораларни қўллаш, истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда ички бозорни шундай моллар билан тўлдириш, корхоналарнинг четга мол чиқаришини кенгайтириш ҳисобига валюта захираларини мустаҳкамлаш йўли билан эришилади.

Тўртинчи вазифа — иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, хом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш.

Бунда таркибий ўзгаришларда Республика учун энг асосий ҳисобланган тармоқларни, жумладан, ёқилғи, энергетика ва галла комплексларини ривожлантириш назарда тутилади.

Республика иқтисодий ривожининг ҳозирги босқичида ҳам иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш муҳим вазифа ҳисобланади. «Бу бой табиий захираларимиз, интеллектуал ҳамда ижтимоий-техникавий салоҳиятимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, иқтисодиётга мукаммал технологик жараённи ўз ичига оладиган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, минерал ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини сифатли қайта ишлайдиган қувватлар

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 332-333-бетлар.

етакчи ўрин тутишини таъминлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини кучайтириш қишлоқда янги иш ўринларини яратиш демакдир».[1]

Ўтиш даврининг иккинчи босқичида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш борасида биринчи босқичда тутилган йўл давом эттирилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишда икки босқичли тараққиёт юзага келади. Биринчи босқичда давлат сектори ва бозор хўжалигидан иборат ярим эркинлашган иқтисодий тизим вужудга келади. Иккинчи босқичда иқтисодиёт тўлиқ эркинлаштирилади, хусусийлаштириш тугалланади, нархлар эркин қўйиб юборилади, давлат корхоналарининг монопол мавқеи тугатилади.

Лекин бундан Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш мақсадига тўлиқ эришилди ва бу соҳада қўйилган вазифалар тўлиқ бажарилди деган хулоса келиб чиқмайди. Чунки бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш ҳар бир даврда кун тартибига янги вазифаларни қўяди.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек, ҳозирги босқичда «эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир»[2]. Бу эса иқтисодиёт соҳасида қўйилаги аниқ вазифаларни амалга оширишни кўзда тутади:

— Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш;

— Хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосида амалда мулкдорлар синфини шакллантириш;

— Мамлакат иқтисодиётига хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш;

— Кичик ва ўрта бизнес иқтисодий тараққиётда устувор ўрин олишига эришиш;

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 65-бет.

[2] Қаранг: *И.А. Каримов.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 15-бет.

— Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг кўламда интеграциялашувини таъминлаш;

— Иқтисодиётда мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.

2-§. Республикада бозор ислоҳотларини амалга ошириш ва унинг асосий йўналишлари

Иқтисодий муносабатлар ва ташкилий бошқарув тузилмаларининг бир туридан бутунлай бошқа янги турига ўтиш, иқтисодий ислоҳотлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг асосий йўналишларини аниқлаб олишни тақозо қилади. **Иқтисодий ислоҳотлар — бу бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.**

Иқтисодий ислоҳотлардан кўзда тутилган мақсад мамлакат аҳолиси учун яшаш ва фаолият кўрсатишнинг энг яхши шароитларини яратиш, уларнинг маънавий-ахлоқий етуклигига эришиш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Ислоҳотларни амалга оширишдан олдин бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий модели яратилди (шу бобнинг 1-§ да қараб чиқилди).

Бу моделда янги иқтисодиётга ўтишнинг умумий томонлари ва миллий хусусиятлари назарда тутилади, ислоҳотларнинг асосий йўналишлари белгиланади.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

— мулкий муносабатларни ислоҳ қилиш;

— аграр ислоҳотлар;

— молия-кредит ва нарх-наво ислоҳоти;

— бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор инфратузилмасини яратиш;

— ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳоти;

— ижтимоий ислоҳотлар.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бу асосий йўналишлари И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида баён қилиб берилган.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бошланғич нуқтаси бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборат бўлади.

Республикада иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш бўйича амалга оширилган ишларнинг бир нечта йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи йўналиш — давлат ва иқтисодий мустақилликнинг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатни бошқариш қоидаларини тартибга солувчи қонунларни қабул қилиш.[1]

Бошқарув тизимининг юқори ва қуйи даражадаги вазифалари аниқ чегаралаб қўйилди. Ваколатли ҳокимиятнинг ягона тула ҳуқуқли органи бўлган ҳокимлик институти яратилди, фуқароларнинг ўзўзини бошқариш соҳасида фуқаролар йиғини жорий қилинди.

Иккинчи йўналиш — тизимдаги ўзгаришларга, янги иқтисодий муносабатларга ва шу жумладан, мулкчилик муносабатларига асос бўладиган қонунлар тизимини яратиш.[2] Республикада бу йўналиш бўйича қабул қилинган қонунларда мулкдорнинг ҳуқуқи тан олинди, хусусий мулкчилик ҳуқуқи эътироф қилинди, мулкчиликнинг барча шакллари учун тенг шароит яратилди. Давлат мулкини хусусийлаштиришнинг самарали механизми ишлаб чиқилди, қисқача айтганда, бозор муносабатларининг негизи бўлган кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришнинг барча ҳуқуқий асослари яратилди.

Учинчи йўналиш — хўжалик юритишнинг ва институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган янги механизмни яратишга қаратадиган қонунлар.[3] Бозор инфратузилмасини яратиш ва унинг фаолиятига хос жараёнларни тартибга солишни таъминлайдиган қонунларни қабул қилишдан олдин, иқтисодиётнинг турли соҳаларида хўжалик юритаётган субъектларнинг ҳуқуқ ва иқтисодий эркинлик борасидаги мақомини белгилаб берадиган қонунлар қабул қилинди. Корхоналар тўғрисидаги қонун, кооперация тўғрисидаги, деҳқон хўжалиги тўғрисидаги, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир.

---

[1] Шу йўналиш бўйича Республикада қуйидаги қонунлар қабул қилинди: Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида; Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида; Жойларда давлат ҳокимияти тўғрисида; Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида.

[2] Бундай қонунлар жумласига мулкчилик тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги ва шу каби қонунлар киради.

[3] Бу гуруҳ қонунларга банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги, пул тизими тўғрисидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги, сугурта тўғрисидаги, биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонунлар киради.

Тўртинчи йўналиш — Республикамизни халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида таърифловчи ҳуқуқий меъёрларни яратиш.[1] Бу йўналишдаги қонунларни қабул қилиш натижасида мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланиши тарихида сифат жиҳатдан янги босқич бошланди.

Бешинчи йўналиш — кишиларнинг конституцион ва юридик ҳуқуқларини, ижтимоий кафолатларини ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлайдиган қонунларни ишлаб чиқиш[2]. Бу қонунлар бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолининг энг муҳтож табақалари манфаатларини қонун кучи билан ҳимоя қилишгагина эмас, балки уларнинг маънавий имкониятларини намоён қилиш, ислоҳотлар учун мустаҳкам ижтимоий замин яратишга ҳам имкон беради.

Юқорида қараб чиқилган барча қонунлар ҳам бозор иқтисодиётининг, ҳам иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини ташкил қилди.

Бозор ислоҳотларининг бош бугини мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартиришдир, чунки шу орқали кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатлашиш муҳити шакллантирилади ҳамда бозор иқтисодиётига ўтишнинг шарт-шароитлари вужудга келтирилади. Шу сабабли Республикада мулкий муносабатларни ислоҳ қилишдан кўзда тутилган мақсад давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат[3].

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичидаёқ қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилди. Бунга қуйидагилар сабаб бўлди. **Биринчидан**, Республикамиз иқтисодиётида аграр соҳа устунликка эга, аҳолининг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида банд, иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан шу тармоқ аҳволига боғлиқ. Ҳозирги кунда аграр сектор ҳиссасига ялпи ички миллий маҳсулотнинг 30 фоиздан кўпроғи тўғри келади, халқ хўжа-

---

[1] Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг стакчи халқаро ташкилотларга аъзолиги тўғрисидаги, валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунлар.

[2] Иш билан бандлик тўғрисида, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида, фуқароларнинг давлат нафақаси таъминоти тўғрисида, таълим тўғрисида, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида қабул қилинган қонунлар.

[3] Мулкий ислоҳотларнинг негизи бўлган давлат мулкини хусусийлаштиришнинг Республикадаги хусусиятлари, уни амалга оширилиш шакллари, усуллари ва йўллари билан биз кейинги бандда танишишимиз мумкин бўлганлиги сабабли, бу ерда иқтисодий ислоҳотларнинг бошқа йўналишларига кенгроқ урин берамиз.

лигида банд бўлганларнинг 35 фоизга яқини қишлоқ хўжалигида ишлайди ва барча аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқда яшайди.

Иккинчидан, Республика бутун саноат потенциалининг ярмига яқинини ташкил қиладиган саноатнинг кўпгина тармоқларини (пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил, озиқ-овқат, кимё саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва бошқалар) ривожлантириш истиқболлари бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқ.

Учинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (асосан пахта) ҳозирги вақтда валюта ресурслари, Республика учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, техника ва технология ускуналарини четдан сотиб олишни таъминлаётган асосий манбадир.

Тўртинчидан, мустақиллик шароитида қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат муаммосини ҳал этишдаги роли ортиб боради.

Ўзбекистонда аграр ислоҳотнинг негизи ерга бўлган мулкчилик масаласидир. Республика Конституциясида ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни узоқ муддатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги таъкидланган.

Шундай экан, қишлоқда бозор муносабатларини шакллантиришга ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланиш учун ижарага бериб қўйиш орқали эришиш кўзда тутилган.

Республикада ерга бўлган мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилишнинг бошқа хусусияти шундан иборатки, мелиорация, ирригация, ерларнинг унумдорлигини ошириш дастурларини бажаришни давлат ўз зиммасига олади. Буни биздаги деҳқончиликнинг хусусияти тақазо қилади. Бу хусусият фақат суғориладиган ерларга хосдир. Республикада барча ҳайдаладиган ерларнинг 3/4 қисмидан кўпроғи (4,2 млн.га) суғориладиган ерлар бўлиб, унинг ярмидан кўпроғи яхши мелиоратив ҳолатда, қолган ерлар эса мелиорация ишлари (қайта ўзлаштириш, коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш)ни олиб боришни талаб қилади. Ҳозирги вақтда суғориб келинган ҳар гектар ерни қайта ўзлаштириш учун 1990 йилги даражадан 14-15 баравар кўп харажат талаб қилинади. Бундан хулоса шуки, бирорта ҳам фермер ирригация ва мелиорация ишларини ўзи мустақил амалга ошира олмайди. Фақат давлатгина мелиорация тармоқларини реконструкциялашга, қуришга ва ирригация тадбирларини амалга оширишга қодирдир.

Республикада аграр ислоҳотларнинг навбатдаги йўналиши барча шаклдаги қишлоқ хўжалик корхоналарини (биринчи навбатда зарар кўриб ишлаётганларини) жамоа хўжаликларига ва мулкчиликнинг бошқа шакллари (кооперативлар, акциядорлик хўжаликлари ва ҳар хил хусусий корхоналар) га айлантиришдан иборатдир.

Бунда бирламчи қишлоқ хўжалик бўғини фермер хўжаликларини бирлаштирадиган ва уларга моддий-техникавий таъминот, техника, агрокимё хизмати кўрсатадиган кооператив бўлиши лозим. Уларнинг таркибида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият кўрсатади (Республикада фермер хўжаликларининг ривожланиши 5-жадвалда келтирилган).

5-жадвал

Республикада фермер хўжаликларининг ривожланиши (ҳар йилнинг январ ойида)[1]

Кўрсаткичлар	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Сони (минг)	1,9	5,9	7,5	14,2	18,1	21,4	23,0	43,8
Умумий майдони(минг га)	14	45	71	193	265	413	447	889,9
Экин майдонларининг улуши, %	0,3	1,1	1,7	4,6	6,6	9,7	11,3	23,6

Республикада аграр ислоҳотларни амалга ошириш дастурларига асосланиб, 1992 йилдан бошлаб ўтган давр мобайнида мавжуд 1137 давлат хўжалигидан 1066 таси мулкчиликнинг акциядорлик, жамоа ва ижарадаги корхона шаклларига айлантирилди. 2000 йил давомида яна 776 та қишлоқ хўжалик корхонаси ширкат хўжалигига айлантирилди ва уларнинг сони 1754 тага етди[2]. Натижада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг таркиби мулкчилик шакллари бўйича анча ўзгарди.

1994 йилда қишлоқ хўжалигида давлатга қарашли бўлмаган сектор бутун маҳсулотнинг деярли 95 фоизи (1991 йил 63 фоиз) ни, 1998 йилда 98,7 фоизини ва 2000 йилда эса 99,0 фоизини ишлаб чиқарди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг кейинги йўналиши — бу шахсий томорқаларни кенгайтириш, янги суғориладиган ерларни шахсий хўжаликлар ва боғ-дала ҳовли участкаларига ажратиб бериш йўли билан аҳолини ер билан таъминлашдан иборатдир. Шу кўрилган чора-тадбирлар ҳисобига, биринчидан, қишлоқ жойларда ишсиз-

[1] Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари.

[2] Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2000 год. Тошкент, 2001, 41-бет.

ликнинг кучайиб бориш хавфини барҳам топтиришга, иккинчидан, аҳолининг реал даромадларини оширишга, учинчидан, аҳолини ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги кескинликка барҳам беришга ва тўртинчидан, якка тартибда уй-жой қурилиш кўламини анча кенгайтиришга муваффақ бўлинди.

Ислоҳотлар амалга оширилган дастлабки йилларда аҳолига фойдаланиш учун қўшимча 550 минг гектар суғориладиган ер ажратиб берилди, шахсий томорқа учун берилган ернинг умумий майдони 700 минг гектарга етди. Натижада деҳқон хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши 1992 йилдаги 33 фоиздан 1998 йилда 60,3 фоизга[1], 2000 йилда эса 66% фоизга кўтарилди[2].

Республикада аграр ислоҳотларнинг навбатдаги йўналиши — бу қишлоқ хўжалик **ишлаб чиқаришининг таркибий тузилишини такомиллаштиришдир.** Бунда хўжаликларга экин майдонлари таркибини ва ишлаб чиқариш ҳажмини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилади.

Дон мустақиллигига эришиш ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашни тиклаш йўли изчил амалга оширилиши натижасида донли экинлар майдони анча кенгайди, пахта экиладиган майдонлар эса тегишли равишда қисқарди. Дон етиштиришни кўпайтириб бориш (1994 йил 2,5; 1996 йил 3,5; 1998 йил 4,1 199 йил 4,3; 2000 йил 3,9 млн. т.) уни четдан келтиришни қисқартириш ва қисқа даврда тўлиқ дон мустақиллигига эришиш имконини берди.

Республикада аграр ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичида хўжалик юритиш механизмини такомиллаштиришга ҳам катта аҳамият берилди. Бунга дастлаб умумдавлат эҳтиёжлари учун етказиб берилаётган маҳсулотларга оқилона харид нархларини белгилаш, кейинчалик маҳсулотларнинг кўпчилик турларига давлат буюртмасини аста-секин бекор қилиш (1995 йилдан фақат пахта ва донга давлат буюртмаси сақланиб қолди) ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш (солиқлардан озод қилиш, кредитларни қайтариш муддатини чўзиш ва бошқалар) орқали эришилди.

Ҳозирги даврда аграр ислоҳотни тубдан ҳал этишни тақазо қилаётган **ғоят муҳим йўналиш — қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча ишчи кучини бўшатиб олиш ва уларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига** (саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларига) **жалб этишдан** ибо-

[1] Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Тошкент, 1999, 35-бет.

[2] Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2000 год. Тошкент, 2001, 43-бет.

ратдир. Бунда қишлоқ жойларда фаолият шаклини тез ўзгартира олувчи, замонавий технологияга эга бўлган, қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган, касаначилик ва халқ ҳунармандчилигига асосланган кичик корхоналарни очиш устувор вазифа ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш — аграр ислоҳотнинг ҳозирги кундаги устувор йўналишидир.

Бу йўналишда коммунал ва муҳандислик тизимларининг кенг тармоғини яратиш, сервиз ва маиший хизмат тармоғини шакллантириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Шу вазифани бажариш йўлида кейинги йилларда ҳам қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш ишлари давом эттирилди, қишлоқларда 1965 км сув қувурлари тармоғи ишга туширилди, 4844 км газ тармоқлари қурилди. Маблағ билан таъминланадиган барча манбалар ҳисобидан 2000 йилда умумий майдони 6,97 млн. кв.м уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди[1].

Юқорида тилга олинган аграр ислоҳотларни амалга оширишнинг барча йўналишлари республиканинг хусусиятлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш талабларидан келиб чиқади.

Мавжуд иқтисодий тизимнинг изчиллик билан бозор муносабатларига ўсиб ўтишида **молия-кредит соҳасини ислоҳ қилиш** алоҳида ўрин тутади. Молиявий муносабатларда давлат бюджети танқислигини камайтириб бориш, бюджетдан бериладиган дотациялар ва субсидияларни босқичма-босқич қисқартириш, биринчи даражали, энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учунгина бюджетдан маблағ ажратиш, халқ хўжалигини ривожлантиришда инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Кредит соҳасидаги ислоҳотлар банк тизимини такомиллаштириш, банкларнинг мустақиллигини ва пул муомаласи учун жавобгарлигини оширишга қаратилади. Шу мақсадда Республикада марказий банк ҳамда кенг тармоқли тижорат ва хусусий банклардан иборат икки босқичли банк тизими вужудга келтирилди. Марказий банк зиммасига федерал резерв тизимига хос бўлган вазифалар юклатилди. Ихтисослашган акциядорлик-тижорат банклари — «Ғалла банк», «Тадбиркор банк», «Савдогар банк», «Пахта банк» ва бошқа банклар) шакллантирилди.

---

[1] Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг энг асосий муаммоларидан бири нархларни эркинлаштиришдир. Нархларнинг эркин шаклланиши учун нархлар тизимини ислоҳ қилиш ҳам зарурдир. Дастлаб давлат харид нархларининг амал қилиш доираси қисқартирилади ва кейин ички нархлар жаҳон нархларига мувофиқлаштириб борилади. Шунингдек, нархларни эркинлаштиришда хом-ашё ва маҳсулот айрим турларининг нарх-навоси билан аҳоли ва корхоналар даромадлари ўртасидаги тенгликка эришишга ҳаракат қилинади.

Республикада ислоҳотларни аста-секин ва босқичма-босқич амалга ошириш тамойили, нархларни эркинлаштиришда ёндашишда, айниқса, ёркин намоён бўлади.

Ислоҳотлар бошланишидан олдинги даврда республикада нархнавонинг номутаносиб тизими таркиб топган эди. Хом ашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи пасайтирилиб, ишлов берувчи ва қайта ишловчи тармоқлар товарларининг нархи сунъий равишда ошириб борилган эди. Бундан кўрилган катта зарар республикани дотация олувчи минтақага айлантириб қўйди.

Нарх белгилашдаги номутаносибликлар туфайли бутун тармоқлар, шу жумладан, қишлоқ хўжалигидаги кўплаб корхоналар зарар кўриб ишлади. Халқ хўжалик тармоқлари кўрган зарар, айрим маҳсулот турлари (дон, ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари) етиштиришга қилинган харажатлар ва турли ижтимоий имтиёзлар беришдан кўрилган зарар бюджет маблағлари ҳисобидан қопланар эди. 1991 йил шу мақсадда сарфланган маблағ республика бюджети жами харажатларининг 12 фоиздан ортиғини ташкил қилган.

Буларнинг ҳаммаси нархлар ислоҳотини амалга оширишга реал вазиятни ва аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олиб, олдиндан ишлаб чиқилган дастур асосида ёндашишни талаб қилади.

Нархлар ислоҳоти бошлангандан 1994 йилгача ҳамма турдаги хом ашё ва маҳсулотлар бўйича эркин нархларга ўтилди, барча истеъмол моллари нархи устидан давлат назорати бекор қилинди.

Ислоҳ қилишнинг дастлабки даврида (1992 йил) кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техник воситаси бўлган маҳсулотлар, айрим турдаги халқ истеъмол моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг келишилган нархлари ва тарифларга ўтилди. Аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирадаги озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси белгилаб қўйилди.

Нархлар ислоҳотининг навбатдаги босқичида (1993 йил) келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш тўлигича тўхтатилди. Нархларни эркинлаштиришнинг охирги босқичида (1994 йил октябр-ноябр) халқ истеъмол моллари асосий турларининг нархи эркин қўйиб юборилди.

Шундай қилиб, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи нархларни тўлиқ эркинлаштириш билан тугади.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бошқаришнинг тегишли тизимини яратишни талаб қилади. Шунга асосан республикада бутун халқ хўжалигини, тармоқлар ва ҳудудларни бошқаришнинг энг мақбул ва ҳозирги даврга мос бўлган тузилмалари ишлаб чиқилди.

Кўплаб марказий иқтисодий органлар ва вазирликлар тугатилди (Давлат режа қўмитаси, Давлат таъминот қўмитаси, Давлат нархлар қўмитаси, Давлат агросаноат қўмитаси ва бошқа қўмита ҳамда вазирликлар) ёки уларнинг фаолияти тубдан қайта қурилди. Фаолияти тугатилган маъмурий аппаратлар ўрнига янги бошқариш бўғинлари тузилди.

Масалан, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Республика улгуржи ва биржа савдоси акциядорлик уюшмаси, антимонопол ва нарх-наво сиёсатини ўтказиш бошқармаси кабилар шулар жумласидандир.

Республика Молия вазирлиги ва Марказий банкининг вазифалари ҳамда таркибий тузилиши анча ўзгартирилди.

Масалан, Молия вазирлиги зиммасига Республика бюджетини вужудга келтириш билан бир қаторда, давлат солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва қоидаларини ишлаб чиқиш, валюта ишларини бошқариш вазифаси юклатилди.

Назорат органлари фаолиятини тартибга солиш, давлатнинг ягона солиқ ва божхона сиёсатини ўтказиш мақсадида Давлат солиқ ва Божхона қўмиталари тузилди. Ўтказиладиган иқтисодий ислоҳот ишларини мувофиқлаштириб туриш учун Президент ҳузурида иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича идоралараро кенгаш тузилди.

Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш каби вазифаларни бажариш учун Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тузилди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни бошқариш ва шу соҳа корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириб туриш учун Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тузилди.

Республика иқтисодиётининг тармоқлари ва айрим соҳаларини бошқариш тизимида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар рўй берди. Тармоқ вазирликлари уюшмаларга, концернларга, корпорациялар ва бошқа хўжалик бирлашмаларига айлантириш билан батамом тугатияди. Транспорт, туризм, маданият, кинолаштириш каби фаолият соҳаларида миллий компаниялар тузилди.

Бошқаришнинг маҳаллий даражасида (вилоят, туман, шаҳар) ижроия-бошқарув вазифаларини бажариш учун ҳокимлик жорий қилинди. Қуйи бўғин бошқарувида корхона ва ташкилотларга иқтисодий эркинлик берилиб, улар янгича иш услубига ўтди.

Ислоҳ қилиш натижасида таркиб топган бошқарув тизими бозор иқтисодиётига ўтиб бориш билан янада такомиллашиб ва ривожланиб боради. Бозор ислоҳотлари бозор инфратузилмасини яратиш чора-тадбирларини ҳам қамраб олади. Бунда молия, банк-кредит тизими муассасалари, суғурта, аудиторлик, юридик ва консалтинг фирмалари ҳамда компанияларини, биржа тизимини яратиш тақозо қилинади.

Республикада бозор инфратузилмасини яратиш бир қатор йўналишлар бўйича борди. Биринчи йўналиш бўйича товар — хом ашё биржаси тизими ривожланди. Бу, ўз навбатида, брокерлик ва дилерлик идоралари, савдо уйлари, воситачи фирмалар пайдо бўлишига олиб келди.

Иккинчи йўналишда капитал бозорининг ишини таъминлайдиган тузилмалар вужудга келтирилди. Кредит ресурслари бозори ва валюта бозори вужудга келтирилди ҳамда давлатга қарашли бўлмаган суғурта компаниялари тузилди.

Учинчи йўналиш меҳнат бозорини шакллантиришдан иборат бўлиб, бу соҳада 240 дан ортиқ меҳнат биржасини ўз ичига олувчи катта тармоқ тузилди.

Бозор ислоҳотлари ташқи иқтисодий алоқаларга ҳам тегишлидир. Бу соҳада ислоҳотларни амалга ошириш борасида республиканинг замонавий ташқи иқтисодий комплекси мутлақо янгидан шакллантирилди, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг моҳият ъътибори билан янги механизми вужудга келтирилди. Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиши зарур бўлган муассасалар (Ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, божхоналар хизмати) барпо этилди. Республиканинг барча вазирликлари ва идоралари, корхоналарида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи махсус бўлимлар, ташкилотлар ва фирмалар тузилди.

Туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни барпо этиш асосий мақсад эмас. Барча ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб яшаш ва фаолият кўрсатиш шароитларини вужудга келтиришдан иборат. Шу сабабли иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бутун даври давомида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар кўриш объектив заруриятдир.

Республикада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилди:

Биринчи йўналиш — нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш.

Иккинчи йўналиш — Республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш.

Учинчи йўналиш — ислоҳотларнинг дастлабки босқичида аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек, ижтимоий масалаларга устувор аҳамият бериш, ўтказилаётган ислоҳотларнинг барча босқичларида доимий ва изчил амалга оширилиши лозим бўлган асосий йўналиш бўлиб қолиши керак.[1]

Республикамизда бу борада бир қатор муҳим ижтимоий дастурлар қабул қилинди. Бу аввалambор, 2002-2003 йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш дастури ҳамда қарияларни қадрлаш йили бўйича қабул қилинган давлат дастуридир.

Республика учун ижтимоий ҳимоялаш тизимини танлаб олишда халқнинг узоқ йиллар давомида қарор топган маънавий-ахлоқий қадриятлари, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятлари ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, ислоҳотларнинг барча йўналишлари мавжуд иқтисодий тизимнинг изчиллик билан бозор иқтисодиётига ўсиб ўтишига қаратилди. Бу ислоҳотлар Ўзбекистоннинг мустақиллигини иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, уни иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва халқаро миқёсда обрў-эътиборли мамлакатга айлантиришга хизмат қилади.

3-§. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида макроиқтисодий барқарорликка эришиш вазифалари

Республикада бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, иқтисодиётни ривожлантириш борасида бир қатор вазифалар туради. Булар хусусийлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштириш; макроиқтисодий барқарорликка эришиш;

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001 йил.

миллий валютани мустаҳкамлаш; иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш; ижтимоий кафолатлари кучли бўлган демократик давлатни шакллантириш вазифаларидир. Бу вазифаларни амалга оширишнинг назарий ва амалий асослари ҳамда устувор йўналишлари Президентимиз И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида ифодалаб берилган.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат мулкини хусусийлаштириш натижасида иккита асосий вазифа ҳал қилинади.

Биринчидан, давлат ихтиёрида бўлган мулк ўзининг ҳақиқий хўжайинлари қўлига топширилади.

Иккинчидан, кўп укладли иқтисодиёт ва рағбатлантирувчи рақобатчилик муҳити вужудга келтирилади.

Мулкни ҳақиқий хўжайинлари қўлига топшириш тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун кенг имкониятлар яратилишини билдиради. Рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш эса, энг аввало, мулкнинг давлат монополияси эканлигига барҳам бериш ва бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи (хизмат кўрсатувчи), аммо мулкчиликнинг турли шаклларига: давлат, жамоа, хусусий ва бошқа шаклларига асосланган кўпдан-кўп корхоналар ташкил қилишдан иборат.

Хусусийлаштириш жараёнида мулкчилик шакллари ўзгариши билан бирга, яғона халқ хўжалик комплекси шароитида таркиб топган тор ихтисослашган тармоқ монополия тузилмаларига барҳам бериш имконияти ҳам туғилади. Монополиялаштирилган тузилмаларни хусусийлаштиришда ишлаб чиқаришнинг ўзини нисбатан ихчамлаштириш, корхоналарни техникавий, технологик ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан қайта ўзгартириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Ташаббускорликка асосланган, шунингдек турли хил кооперативлар, ширкатлар, маъсулияти чекланган жамиятлар кўринишидаги янги кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган қисмини шакллантиришнинг иккинчи қудратли жараёнидир.

Ўз-ўзидан аниқки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳам давлат корхоналари сақланиб қолиб, иқтисодиётда сезиларли рол ўйнайверади. Шу сабабли, бундай корхоналар учун уларнинг бозор шароитларига мослашувига имкон берадиган ҳўжалик юритиш механизмини ишлаб чиқиш талаб қилинади, улар тижоратлаштирилади, яъни фойда учун ишлайдиган корхоналарга айлантирилади.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш бозор муносабатларини шакллантириш йўлидаги муқаррар жараёндир. У энг аввало танглик ҳолатларига барҳам беришга қаратилади. Танглик ҳолати инқирозга уч-

рашнинг олдини олиш учун ишлаб чиқариш, чиқарилаётган товар (хизматлар)нинг сифати ва турини ўзгартириш юзасидан чора-тадбирлар кўришга ундайди, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга, маҳсулотнинг сифати ва истеъмол хоссаларини яхшилашга, унинг рақобатга бардошлигини оширишга мажбур қилади. Буларнинг барчаси пировард натижада бозорда талаб ва таклиф ўртасида қулай мувозанатни таъминлашга олиб келади. Кенгроқ маънода барқарорлаштириш — бу энг аввало, макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир. Шунингдек, у пул қадрсизланишининг олдини олиш, тўлов балансини бир меъёрда сақлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган давлат сиёсатидир.

Жаҳон тажрибасида барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишда бир неча хил ёндашувлар таркиб топган. Булардан биринчиси **монетар ёндашув** деб аталади. У пулнинг қадрсизланиш даражасини пасайтириб туришга, пул массасини ҳамда тўловга қодир бўлган жами талабни кескин камайтириш ҳисобига пул муомаласини барқарорлаштиришга асосланади. Бу ёндашувнинг камчилиги шуки, у ишлаб чиқаришнинг жисмоний ҳажми камайишига ва инвестиция фаолиятининг тўхтаб қолишига олиб келади.

Иккинчиси — ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга, таркибий ўзгартиришларни амалга оширишга ёрдамлашиш, иқтисодиётда номуганосибликларга барҳам беришга асосланган ёндашув. Бунда бир меъёрдаги қаттиқ молиявий ва пул-кредит сиёсати товар билан қоплашнинг иложи бўлмаган ортиқча талабларни чеклаш бўйича тадбирлар билан узвий боғлаб олиб борилади.

Республикада ўтиш даврида макроиқтисодий барқарорликка эришишда иккинчи ёндашувга устунлик берилади. Бу ишлаб чиқаришнинг илғор тузилмасига эришиш учун истиқболга эга бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ҳар томонлама рағбатлантириш, энг муҳим бўғинларни аниқлаш (нефт, энергетика, дон, пахтани қайта ишлаш саноати ва ҳ.к.) ва шу орқали иқтисодиётни таркибан қайта ташкил қилиш бўйича амалга ошириладиган ёндашувдир. Бошқалардан устун ҳисобланган етакчи тармоқлар белгилаб олиниши билан бирга, уларнинг ички тузилишини қайта ўзгартириш ҳам ҳисобга олинади.

Барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқишда, мувозанатга келтирилган монетар сиёсат асосий тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни таркибан қайта ташкил қилишни қўллаб-қувватлаш сиёсати билан бирга қўшиб олиб борилиши зарур.

Ана шу ёндашувлар негизида иқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий мезонлари қуйидагилардан иборат бўлади:

I. Ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига йўл қўймаслик;

II. Уствор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш ва рағбатлантириш;

III. Давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини таъминлаш;

IV. Пулнинг қадрсизланишини тўхтатиш;

V. Тўлов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш;

VI. Мувозанатлаштирилган ижтимоий сиёсат асосида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш.

Бюджет интизомига риоя қилиш ва унинг камомадини чеклаш барқарорлаштиришнинг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Бунда солиқ тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги босқичда иқтисодиётни барқарорлаштиришда кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш ҳам алоҳида ўрин тутади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида миллий валютани мустаҳкамлаш умуммиллий вазифа ҳисобланади. Шу сабабли миллий валютанинг барқарорлиги, унинг ички бозорда эркин алмашинувини таъминлаш учун республикада бир қатор дастурларни амалга ошириш кўзда тутилади.

Биринчидан, миллий валютанинг товар (хизмат)лар билан барқарор таъминланишига эришиш. Бунда бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш ва уларнинг умумий ҳажмида республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳиссасини ошириб бориш ҳал қилувчи ўринга эга бўлади.

Иккинчидан, етарли барқарор валюта заҳираларига эга бўлиш. Бунга республика экспорт имкониятини кенгайтириш, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга айлантириш ва уларнинг жаҳон бозоридаги мавқеини ошириш орқали эришилади.

Учинчидан, ишлаб топилган ҳар бир сўмни қадрлаш ва халқ хўжалигига сарфланган ҳар бир сўмнинг фойда билан қайтишига эришиш. Бунинг учун қатъий молия-кредит сиёсатини изчиллик билан ўтказиш зарур.

Тўртинчидан, пул қадрсизланишига, инфляцияга қарши пухта ўйланган сиёсат ўтказиш. Бунда ички бозорни моллар билан тўлдириш, нақд пул ва кредит эмиссиясининг ўсишига, аҳоли қўлида

пулнинг ҳаракатсиз туриб қолишига йўл қўймаслик биринчи даражали аҳамиятга эга.

Республиканинг бозор иқтисодиётига ўтишида иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартириш вазифаси бутунлай янги халқ хўжалик комплексини бунёд этишга қаратилади. Бу эса иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий тузилишини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, экспорт ва импорт таркибини қайта қуриш, шунингдек, энг муҳим макроиқтисодий ва такрор ишлаб чиқариш нисбатларини тартибга солишни талаб қилади.

Республикада бозор муносабатларига ўтиш жараёнида: «Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан амалга ошириш ва олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини янада ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш — бу соҳадаги ўзгаришларнинг асосий йўналишларидир»[1].

Шундай қилиб, Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш иқтисодиётда янги бозор муносабатларига асос солади, иқтисодий фаолият эркинлиги ва тадбиркорликни намоён этиш учун шароит яратиб беради, ижтимоий-маънавий соҳадаги ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлайди.

Асосий таянч тушунчалар

Ўтиш даври — бир иқтисодий тизимдан бошқасига, мавжуд иқтисодий муносабатлардан бутунлай бошқа, янги иқтисодий муносабатларга ўтиш тақозо қилинадиган даврдир.

Бозор ислоҳотлари — бозор иқтисодиётини ва бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Иқтисодий ислоҳотлар — иқтисодиётда туб (ёки қисман) ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган тадбирлардир.

Иқтисодий уклад — турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритишнинг шакллари ва турлари.

Иқтисодиётни эркинлаштириш — нима ва қанча ишлаб чиқаришни, қаерга, қандай баҳода сотишни тадбиркорнинг ўзи белгилаши учун имкон бериш. Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг эр-

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Маъруза матнлари учун материаллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 9-бет.

кинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш демакдир.

Ислоҳотлар концепцияси — ижтимоий–иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсад ва йўналишлари, уни амалга оширишнинг вазифалари ва стратегик йўлларининг умумий ғоясидир.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш — танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макроиқтисодий мувозанатликни сақлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтиришдир.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг жаҳон тажрибасида синалган асосий йўллари (моделлари)ни таърифлаб беринг. Уларнинг умумий ва ўзига хос томонларини кўрсатинг.

2. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўли қандай хусусиятларга эга? Республика иқтисодиётини ислоҳ қилишга қандай тамойиллар асос қилиб олинади?

3. Бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш тамойилининг мазмунини батафсил тушунтиринг. Ҳар бир босқичнинг мақсад ва вазифаларини тўлароқ баён қилинг.

4. Республикада иқтисодиётни ислоҳ қилиш қандай йўналишлар бўйича амалга оширилади? Ҳар бир йўналиш бўйича ўзингизнинг фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.

5. Бозор муносабатларига ўтишда иқтисодий ислоҳотлар ўз олдига қандай вазифаларни қўяди? Бу вазифаларнинг тўлароқ тавсифини беринг.

6. Бозор иқтисодиётини шакллантириш даврида давлатнинг етакчилик фаолияти нимадан иборат эканлигини тушунтириб беринг.

7. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини қарор топтиришнинг қандай давлат дастурларини биласиз? Уларнинг бир-бири билан қандай боғланганлигини таҳлил қилинг.

8. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг мазмунини тушунтиринг. Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш ўз олдига қандай вазифаларни қўяди?

VII БОБ. Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати

Бозор иқтисодиётининг амал қилишида талаб ва таклиф қонунлари муҳим ўрин тутади. Талаб ва таклиф нархни шакллантиради, шу билан бирга нарх талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни аниқлаб беради. Бу мавзуда аввало, талаб ва таклифнинг ҳар қайсисига нарх таъсирини алоҳида-алоҳида қараб чиқамиз. Кейин талаб ва таклиф таъсирида мувозанатли нархнинг ўрнатилиши тушунтириб берилади. Бу ерда талаб ва таклиф қонунлари, уларнинг миқдорига таъсир этувчи омилларни, улар ўртасидаги муганосибликни тушунтиришга алоҳида эътибор берилади.

1-§. Талаб тушунчаси ва унинг миқдорига таъсир қилувчи омиллар. Талаб қонуни

Биз эҳтиёж тушунчаси ҳақида дастлабки мавзуда гапирган эдик. Эҳтиёж тушунчаси кишиларнинг ҳаётий воситаларига бўлган заруриятини ифодаловчи илмий тоифа сифатида тараққиётнинг ҳамма босқичлари учун умумий ва доимийдир. Унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги тарихий кўриниши талаб тушунчасидир. Талаб-эҳтиёждан фарқ қилиб, мустақил иқтисодий тоифа (илмий тушунча) сифатида амал қилади.

Эҳтиёжнинг фақат пул билан таъминланган қисми талабга айланади. Демак, **талаб — бу пул билан таъминланган эҳтиёждир.** Эҳтиёж зарур миқдордаги пул билан таъминланмаса, у «хоҳиш», «истак» бўлиб қолаверади. Талабнинг бир қатор муқобил вариантлари мавжуд бўлади, чунки нарх ўзгариши билан товарнинг сотиб олинадиган миқдори ҳам ўзгаради. Шу боғлиқликдан келиб чиқиб, талабга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Товар ва хизматларнинг маълум турига истеъмолчининг маълум вақтда нархларнинг мавжуд даражасида сотиб олишга қодир бўлган эҳтиёжи талаб дейилади.

Талаблар ҳар хил бўлиб, бир хил товар ёки хизматларга бўлган талабнинг икки тури фарқ қилади: **якка талаб ва бозор талаби**. Ҳар

бир истеъмолчининг, яъни алоҳида шахс, оила, корхона, фирманинг товарнинг шу турига бўлган талаби **якка талаб** дейилади. Бир қанча (кўпчилик) истеъмолчиларнинг шу турдаги товар ёки хизматга бўлган талаблари йиғиндиси **бозор талаби** дейилади.

Индивидуал, яъни якка талаб ҳам, бозор талаби ҳам миқдор жиҳатдан аниқланади. Лекин бу миқдор ҳар доим ҳам бир хил бўлиб турмайди, балки ўзгарувчан бўлади. Талаб миқдорининг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилади. Уларнинг ичида энг кўп таъсир қиладиган омил нарх омилидир.

Нарх ва сотиб олинадиган товарлар миқдори ўртасидаги бўладиган боғлиқликни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида қараб чиқамиз:

6-жадвал

Нарх ва сотиб олинадиган товар миқдори ўртасидаги боғлиқлик

Бир кг ун нархи (сўм)	Талаб қилинадиган ун миқдори (кг)
150	10
140	13
130	17
120	25
110	50

Жадвал маълумотлари товарга нархнинг пасайиши сотиб олинадиган товар миқдорининг ўсишига ва аксинча, нархнинг ўсиши унинг миқдорининг камайишига олиб келишини кўрсатади. **Нарх даражаси ва сотиб олинадиган товар миқдори ўртасида бўладиган тескари боғлиқлик талаб қонуни дейилади.**

Истеъмолчилар маълум бир товарни унинг нархи паст бўлса, кўпроқ сотиб ола бошлайди. Истеъмолчи учун нарх сотиб олишга халақит қилувчи тўсиқ сифатида намоён бўлади. Бу тўсиқ қанча юқори бўлса, у шунча кам товар сотиб олади. Бошқача айтганда, юқори нарх истеъмолчининг харид қилиш истагини сўндиради, паст нарх эса бу истакни кучайтиради.

Реал иқтисодий ҳаётда баъзан нархлар ўссада айрим товарларга талабнинг ортишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳам учрайди. Бу вазият Гиффен самараси деб аталади (инглиз иқтисодчиси Р. Гиффен номи билан). Гиффен камбағал ишчи оилалари картошка

қимматлашишига қарамасдан уни истеъмол қилиш кенгайишини кузатиб, бу самарани тасвирлаб кўрсатган. Тушунтириш шунга асосланадики, картошка камбағал оила овқатида маҳсулотларнинг асосий қисмини эгаллайди. Агар картошка нархининг ўсиши рўй берса, бунда камбағал оила гўшт сотиб олишдан умуман воз кечишга мажбур бўлади, ўзининг кўп бўлмаган даромадининг барчасини картошка сотиб олишга сарфлайди.

Демак, бундай вазиятда нархларнинг ошиши зарур товарларга талабнинг камаймасдан, аксинча унинг ошишига олиб келиши мумкин.

Товар нархи ва унинг харид қилинадиган миқдори (талабнинг) ўртасидаги тескари боғлиқликни оддий икки ўлчамли графикда тасвирлаш мумкин: ётиқ чизиқ талаб миқдорини, тик чизиқ нархни кўрсатади.



6-*чизма*. Талаб эгри чизиғи.

Графикдаги ДД чизиқ нарх ва талаб ҳажми ўртасижаги тескари боғлиқликни тасвирий акс эттиради. Графикдаги ҳар бир нуқта товарнинг аниқ нархи ва истеъмолчи шу нархда сотиб олиши мумкин бўлган товар миқдорини кўрсатади. Нарх ва талабнинг ҳажми ўртасидаги тескари боғлиқликни кўрсатувчи бу чизиқ **талаб эгри чизиғи** дейилади.

Агар талаб эгри чизиғи ўзининг олдинги ҳолатида қолса ва бунда у ёки бу товарни сотиб олишдаги ҳар қандай миқдорий ўзгариш талаб миқдорининг ўзгарувчанлигини билдиради.

Баҳодан бошқа талаб миқдорига таъсир қилувчи омиллар. Талаб ҳажмининг ўзгариши фақат товар нархига эмас, балки бошқа бир қатор омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Бу омиллар талабнинг нархдан ташқари омиллари дейилади.

Талабга нархдан ташқари қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатади: 1) Истеъмолчининг диди; 2) Бозордаги истеъмолчилар сони; 3) Истеъмолчининг даромадлари; 4) Бир-бирига боғлиқ товарларнинг нархи; 5) Келажакда нарх ва даромадларнинг ўзгариши эҳтимоли.

Бу омилларнинг ўзгариши талаб ҳажмининг ўзгаришига қандай таъсир кўрсатишини қараб чиқамиз.

1. Бирор маҳсулотга истеъмолчи дидидаги ижобий ўзгариш рўй берса, нархнинг тегишли даражасида унга бўлган талаб ортади. Истеъмолчи дидига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар талабнинг қисқаришига олиб келади.

2. Ўз-ўзидан аниқки, бозорда истеъмолчилар сони кўпайса, талаб ортади, истеъмолчиларнинг сони камайса, талаб қисқаради. Масалан, алоқа воситаларининг такомиллашуви халқаро молиявий бозор доирасини мислсиз кенгайтиради ҳамда акция ва облигация каби молиявий активларга бўлган талабнинг ўсишига олиб келади. Тугилиш даражасининг пасайиши болалар боғчаси ва мактабга бўлган талабни камайтиради.

3. Пул даромади ўзгаришининг талаб ҳажмига таъсири бошқа омилларга қараганда анча мураккаб. Пул даромадининг ортиши жуда кўп товарларга талабни нисбатан оширади, даромаднинг камайиши эса бундай товарларга талабни камайтиради. Даромад ошса, унинг ўсишига қараб истеъмолчилар нархи юқори бўлсада, кўпроқ сифатли товарларни харид қилади, бунда улар камроқ нон, картошка, карам сотиб олиши мумкин. Ортиқча даромад унга анча юқори оқсил таркибига эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари масалан, гўшт ва сут маҳсулотлари харид қилиш имконини беради. Даромаднинг ўзгариши билан талаб тўғри мутаносибликда ўзгарадиган товарлар **олий тоифали товарлар** дейилади.

Даромадлар камайганда талаб ошадиган товарлар **паст тоифали товарлар** дейилади (масалан, картошка).

4. Ўзаро боғлиқ товарларга талабнинг ортиши ёки камайиши, уларнинг бир-бирининг ўрнини босиш даражаси билан белгиланади. Шу сабабли сариёғ нархи ошса, бу маргаринга бўлган талабнинг ортишига олиб келади. Агар сариёғ нархи тушса бу маргаринга бўлган

талабни камайтиради. Демак, агар икки товар ўрнини босувчи товарлар ҳисобланса, улардан бирининг нархи билан бошқасига бўлган талаб ҳажми ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд бўлади. Иккита товар бир-бирини тўлдирувчи ҳисобланса, уларга бир вақтда талаб пайдо бўлади. Масалан, агар бензин нархи пасайса, бу мотор ёғига бўлган талабни қисқартиради. Шундай қилиб, бензин ва мотор ёғига талаб ўзаро боғлиқ бўлиб, улар бир-бирининг нархи ва бошқасига бўлган талаб ҳажми ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд бўлади.

5. Келгусида истеъмолчи даромадлари, товар нархи ўзгаришининг кутилиши ва товарларнинг нақд бўлиши ёки бўлмаслиги каби омиллар талаб ҳажмини ўзгартириши мумкин. Келгусида нархнинг нисбатан ошишининг кутилиши, истеъмолчи жорий талабнинг ошишига олиб келади. Аксинча, нархнинг пасайиши ва даромаднинг кўпайишининг кутилиши товарларга бўлган жорий талаб ҳажмининг қисқаришига сабаб бўлади.

2-§. Таклиф тушунчаси. Таклиф қонуни. Таклиф миқдорига таъсир қилувчи омиллар

Таклиф деб, ишлаб чиқарувчиларнинг маълум вақт ичида товар ёки хизматнинг маълум турини ишлаб чиқаришга қодир бўлган нархнинг ҳар бир даражасида бозорга сотишга чиқарадиган миқдорига айтилади. Нарх ўзгариши билан сотишга чиқариладиган маҳсулот миқдори ҳам ўзгариши сабабли талаб каби таклифнинг ҳам бир қатор муқобил вариантлари мавжуд бўлади. Бу ишлаб чиқарувчи учун 7-жадвалда алоҳида кўрсатилган.

Таклиф ҳар хил нархларда сотишга қанча миқдорда маҳсулот чиқарилишини кўрсатади. Нархнинг ошиши билан шунга мос равишда сотишга чиқариладиган товар (таклиф) миқдори ҳам ортади, нархнинг тушиши билан таклиф ҳажми қисқаради. **Бу ўзаро тўғридан-тўғри боғлиқлик таклиф қонуни** дейилади.

Истеъмолчи учун нархнинг ошиши тўсиқ ролини ўйнаса, ишлаб чиқарувчи учун рағбатлантирувчи вазифасини бажаради.

Нарх даражаси ва таклиф миқдори ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни кўрсатувчи 7-жадвалдаги маълумотларни графикда ифодалаб, таклиф эгри чизиғини тасвирлаш мумкин.

7-жадвал

Алоҳида ишлаб чиқарувчининг маҳсулот таклифи

1 кг ун нархи (сўм)	Ҳафталик таклиф қилинадиган ун миқдори (кг)
150	60
140	50
130	35
120	20
110	5



7-чизма. **Таклиф эгри чизиғи.**

Бозорда таклиф қилинадиган товар ҳажмига нархдан ташқари бир қатор омиллар таъсир қилади. Бу омилларнинг асосийлари қуйидагилар:

1) Ресурсларнинг нархи; 2) Ишлаб чиқариш технологияси;
3) Солиқ ва дотациялар; 4) Бошқа товарларнинг нархи;
5) Нарх ўзгаришининг кутилиши; 6) Бозордаги сотувчилар сони.

Таклифнинг шу омиллардан бир ёки бир нечтасининг ўзгариши таклиф ҳажмининг ўзгаришини тақозо қилади.

Таклифга таъсир қилувчи омилларни алоҳида-алоҳида қараб чиқамиз.

1. Ресурсларнинг нархи. Ишлаб чиқариш харажатлари ва таклиф ўртасида мустаҳкам ўзаро боғлиқлик мавжуд. Ресурс нархларининг пасайиши ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва таклифни оширади. Аксинча, ресурсларга нархнинг ошиши ишлаб чиқа-

риш харажатларини оширади ва таклифни қисқартиради. Масалан, минерал ўғитлар нархининг пасайиши буғдой таклифини оширади, ёмғирлатиб суғориш харажатларининг ошиши маккажўхори дони таклифини қисқартиради.

2. Ишлаб чиқариш технологияси. Технологияларнинг такомиллашуви маҳсулот бирлигини анча самарали ишлаб чиқаришга имкон беради. Ресурсларнинг мавжуд нархида ишлаб чиқариш харажатлари камаяди ва таклиф кўпаяди. Масалан, пахта зараркунандаларига қарши анча самарали биологик усулларнинг яратилиши пахта толасининг миқдорини ва сифатини, бинобарин таклифини оширади.

3. Солиқлар ва дотациялар даражаси. Кўпчилик солиқлар ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киради. Шу сабабли солиқларнинг ошиши ишлаб чиқариш харажатларини оширади ва таклифни қисқартиради. Масалан, импорт товарларга бож тўловларининг ошиши унинг таклифини қисқартиради. Аксинча, давлат қандайдир товарни ишлаб чиқаришга ёки бирор соҳага субсидия берса, бу амалда харажатларни камайтиради ва унинг таклифини оширади.

4. Бошқа товар нархи. Бошқа товарлар нархи ўзгариши ҳам мазкур товар таклифини ўзгартиради. Масалан, қўй гўшти нархининг пасайиши мол гўшти таклифини оширади. Аксинча, мол гўшти нархининг тушиши қўй гўшти таклифини оширади.

5. Нарх ўзгаришини кутилиши. Келгусида маҳсулот нархининг ўзгаришининг кутилиши ҳам ишлаб чиқарувчининг бугунги кундаги бозорга маҳсулот етказиб бериш хоҳишига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, келажакда нефт нархининг кескин пасайишининг кутилиши нефтнинг таклифини пасайтиради.

6. Ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар) сони. Товар ишлаб чиқарувчилар қанчалик кўп бўлса, таклиф қилинадиган маҳсулот миқдори шунчалик кўп бўлади. Тармоқдаги ишлаб чиқарувчилар сони ортиб бориши таклифни кўпайтиради, чунки товар ишлаб чиқариш кўпаяди.

Таклиф ҳажмининг ўзгаришига товарнинг сақланиш хусусияти, сақлаш харажатлари ва транспорт-ташиш имкониятлари ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, узоқ вақт сақлаб бўлмайдиган қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун таклиф камдан-кам ўзгарувчан бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг хусусияти, табиий ресурсларнинг мавжуд даражаси ҳам таклифга таъсир кўрсатади. Масалан, нархнинг ўзгаришига жавобан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки бошқа хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш имконияти мавжуд бўлса,

таклиф ўзгаради. Қишлоқ хўжалигига яроқли бўлган ерлар чекланган бўлса, унинг нархи (рента) қанчалик ошмасин, ер таклифини ошириб бўлмайди.

Ижодий касб соҳа ходимларининг (масалан, олимлар, шоирлар, ёзувчилар, мусаввирлар ва бошқалар) меҳнат маҳсули ва ноёб санъат асарларининг таклифи ҳам ноўзгарувчан бўлади.

3-§. Талаб миқдори ва таклиф миқдори ўртасидаги нисбат ҳамда унинг ўзгариши

Биз юқорида турли омиллар таъсирида талаб ва таклиф миқдорининг ўзгариб туришини кўрдик. Лекин талаб билан таклиф миқдорлари бир-бирлари билан доимо маълум нисбатда бўлади, бу нисбатлар ўзгариб туради. Баъзан талаб миқдори таклиф миқдоридан ошиб кетиб, нарх кўтирилса, айрим пайтда таклиф миқдори талаб миқдоридан ошиб кетиб, баҳо пасайиб қолади. Талаб миқдори билан таклиф миқдори ўртасидаги нисбат **бир-бирига тенг бўлган ҳолат бозор мувозанати дейилади.** Бозор мувозанати вужудга келган ҳолда шаклланган нарх бозор нархи дейилади. Баъзан уни мувозанатлашган нарх ҳам деб юритилади. Бозор мувозанати ва мувозанатли нарх ҳар доим мавжуд бўлиб турмайди, уларга таъсир қилувчи кўплаб омиллар мувозанатликнинг бузилишига сабаб бўлади. Аммо иқтисодиётда ушбу мувозанатга доимо интилиш мавжуд бўлади.

«Талаб ва таклиф» тушунчалари таҳлили, бизга сотувчи ва харидорлар манфаатлари мос келишини қараб чиқишга ўтиш имконини беради. **Мос келишлик ўз ифодасини мувозанатли нархда топади.**

Талаб ва таклиф эгри чизиқларини битта графикка жойлаштириб, бозорнинг мувозанатли нуқтасини ҳосил қиламиз:

$Т_б = Т_ф = Ц_м = Q_m$, бу ерда, $Т_б$ — талаб, $Т_ф$ — таклиф, $Ц_м$ = мувозанатли баҳо, Q_m — товарнинг мувозанатли миқдори.

Графикда К нуқатга мувозанатли баҳо ($Ц_м$) ва маҳсулотнинг муозанатли миқдори (Q_m) мос келади. Мувозанатли нуқта (К) ёки мувозанатли нарх ($Ц_м$)га 8-чизмада тасвирланганидек сотувчи ва харидорлар манфаатлраининг спирал бўйича ҳаракати натижасида бир-бирига яқинлашиш йўл билан эришилади. Хусусан, бизнинг мисолда, нарх 50 сўм бўлганда, харидор мазкур товар (ун) дан 10 кг сотиб олишга, сотувчи эса 60 кг бозорга чиқаришига тайёр бўлади. 10 сўмлик нархда сотувчи ва харидорлар аҳволи бутунлай қарама-қарши томонга ўзгаради: сотувчи фақат 5 кг ун чиқаришга, харидор эса 80 кг сотиб олишга тайёр бўлади ва ҳоказо.



8-*чизма*. Мувозанатли нарх.

Талаб ва таклифнинг ўзгариши спирал бўйича ҳар бир ҳаракатда уларнинг манфаати мувозанатли нуқтага эришилгунча бир-бирига яқинлашиб боради ва мувозанатли нуқта улар талаб ва таклифи тенглигини кўрсатади.

Графикда 1 ва 2 нуқталар ўртасидаги фарқ товарлар ортиқча ишлаб чиқарилишини кўрсатади ва **тўйинган бозорни ифодалайди.** Аксинча, 3 ва 4 нуқталар ўртасидаги фарқда товар камёблиги (дефитцит) вужудга келади ҳамда бу **камёбли товар бозорини ифодалайди.**

Мувозанатли нархни тушуниб олиш учун вақт омили катта аҳамиятга эга бўлади. Шу сабабли бозордаги **бир зумлик, қисқа даврли ва узоқ даврли мувозанатлик** ҳолатни фарқлаш зарур.

Бир зумлик мувозанат учун тақдим қилинадиган товарларнинг ўзгармас ёки доимий миқдори хос. Бу ишлаб чиқаришнинг бозор вазиятига тез, бирданига мослаша олмаслиги билан боғлиқ.

Қисқа даврли мувозанатликни, ишлаб чиқариш ва таклифни вақтинчалик амал қилувчи омиллардан фойдаланиш асосида кўпайтириш имконияти тақазо қилади.

Бундай вақтинчалик омилларга иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам кунлари ишлаш, иш сменасини кўпайтиришлар киради.

Узоқ даврли мувозанатлик ўзгариши узоқ муддатли даврдаги омиллардан фойдаланишни тақозо қилади. Бунда ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, янгилаш ва қўшимча қувватларни вужудга

келтириш билан боғлиқ инвестициялар ҳақида гап боради. Бу даврда янги корхоналарни қуриш ҳамда мазкур бозорда янги корхоналарнинг пайдо бўлиши ҳам мумкин бўлади.

Истеъмолчининг товар нархларининг ўзгаришига сезгирлик даражасини аниқлашда нархли эгилувчанлик тушунчасидан фойдаланилади. Айрим маҳсулотлар нархидаги унча сезиларли бўлмаган ўзгаришлар сотиб олинадиган маҳсулот миқдорида катта ўзгаришлар бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай маҳсулотларга талаб нисбатан эгилувчан дейилади. Бошқа хил маҳсулотлар нархидаги сезиларли ўзгариш харид миқдорида фақат катта бўлмаган ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Талаб ҳажмига таъсир қилувчи бошқа омиллар ўзгармай қолганда, нарх 1 фоиз ўзгарганда талаб неча фоизга ўзгаришини кўрсатувчи кўрсаткич талабнинг нархга нисбатан эгилувчанлик кўрсаткичи дейилади. Бу кўрсаткич кўпинча оддий қилиб талабнинг эгилувчанлиги деб аталади.

Талабнинг нархга нисбатан эгилувчанлик ($Э_т$) даражаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Эт = \frac{\Delta Q}{\Delta H}$$

Бу ерда, ΔQ — талаб миқдорининг фоизли ўзгариши;
ΔH — нархларнинг фоизли ўзгариши.

Талаб эгилувчанлигини белгилаб берувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Маҳсулотларнинг ўрнини босувчанлиги.

Истеъмолчига бирор маҳсулотнинг ўрнини босувчи бошқа маҳсулотлар кўпроқ тасвия қилинса, унга талаб шунча эгилувчан бўлади. Масалан, соф рақобатли бозорда таклиф қилинадиган маҳсулотларнинг жуда кўп ўрнини босувчилари мавжуд бўлади, шу сабабли ҳар бир алоҳида сотувчи маҳсулотларига талаб бутунлай эгилувчан бўлади.

2. Маҳсулот қиймати (нархи)нинг истеъмолчи даромадидаги салмоғи.

Истеъмолчи даромадида маҳсулотлар нархи қанчалик катта ўринни эгалласа, унга талаб шунча юқори эгилувчан бўлади. Масалан, дафтар ёки қалам нархининг 10 фоизидан ўсиши, бир неча сўмни ташкил қилади ва бу талаб билдирган маҳсулот миқдорида жуда

кам ўзгариш бўлишига олиб келади. Шу билан бирга, автомобил ёки уй нархининг 10 фоизли ўсиши, мос равишда 5 ёки 15 млн. сўмни ташкил қилади. Нархларнинг бундай ошиши жуда кўп оилалар бир неча йиллик даромадининг катта қисмини ташкил қилади ва айтиш мумкинки бу сотиб олинадиган маҳсулот миқдорини сезиларли камайтиради.

3. Маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятлари.

Зеби-зийнат буюмларига талаб одатда эгилувчан, ҳаётий зарур буюмларга эса талаб ноэгилувчан ҳисобланади. Масалан, нон ва электр қуввати зарурий истеъмол буюмлари ҳисобланади, шу сабабли уларга нархнинг ошиши нон ёки электр қувватини истеъмол қилишнинг кескин камайишига олиб келмайди. Бошқа томондан зеби — зийнат буюмларига нархлар ошганда уларни қийинчиликсиз истеъмолдан чиқариб ташлаш мумкин.

4. Вақт омили. Қарор қабул қилиш учун вақт оралиғи қанча узоқ бўлса, маҳсулотга талаб шунча эгилувчан бўлади. Масалан, агар мол гўштининг нархи 10% га кўратилса, истеъмолчи уни харид қилишни бирданига қисқартирмаслиги мумкин. Лекин бир қанча вақт ўтиши билан у ўзининг мойиллигини товуқ ёки балиқ гўштига ўтказиши мумкин.

Юқорида қараб чиқилган формуладан таклифнинг эгилувчанлик даражасини аниқлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Фақат формуладаги "Талаб миқдорининг фоизли ўзгариши" жумласини "Таклиф қилинган маҳсулот миқдорининг фоизли ўзгариши" жумласига алмаштириш зарур.

Таклифнинг эгилувчанлигига таъсир кўрсатувчи муҳим омил маҳсулотга нархнинг мавжуд ўзгаришини ҳисобга олиш учун зарур бўлган вақт оралиғи ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчи нархнинг мавжуд ўзгаришига мослашиш учун қанчалик узоқроқ ватга эга бўлса, ишлаб чиқариш ҳажми шунчалик катта ўзгаради ва шунга мос равишда таклифнинг эгилувчанлиги ҳам юқори бўлади. Биз юқорида вақт омилининг жуда қисқа, қисқароқ ва узоқ муддатли даврларидаги таклифнинг ўзгаришига таъсирини таҳлил қилиб берган эдик. Бу таъсир таклифнинг эгилувчанлигида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Асосий таянч тушунчалар

Талаб — товар ва хизматларнинг маълум турларни истемолчи маълим вақтда нархларнинг маълум даражасида сотиб олишга қодир бўлган эҳтиёждир.

Талаб эгри чизиғи — графикда нарх ва талабнинг ҳажми ўртасидаги тескари боғлиқликни кўрсатади.

Талаб қонуни — товарлар нархи билан унинг сотиб олинадиган миқдори ўртасидаги тескари ёки қарама-қарши боғлиқликни ифодалайди.

Таклиф — ишлаб чиқарувчи маълум вақтда ишлаб чиқаришга қодир бўлган, нархнинг ҳар бир даражасида бозорга сотишга чиқарадиган товарлар миқдоридир.

Таклиф эгри чизиғи — нарх ва таклифнинг ҳажми ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликнинг графикдаги тасвиридир.

Таклиф қонуни — нарх билан сотишга чиқариладиган товарлар миқдори ўртасидаги бевосита ёки тўғридан-тўғри боғлиқликни ифодалайди.

Таклиф (талаб) нинг эгилувчанлиги — нарх 1 фоиз ўзгарганда талаб неча фоиз ўзгаришини кўрсатади. Бу талабнинг нарх бўйича ўзгарувчанлиги ҳам дейилади.

Даромад самараси — нарх пасайганда истеъмолчи пул даромадларининг сотиб олиш лаёқатининг ортишидир.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Талаб қонунини тушунтиринг. Талабга қандай омиллар таъсир қилади?
2. Таклиф қонунини тушунтиринг. Таклифга қандай омиллар таъсир қилади?
3. Бозор нархи ёки мувозанатли нарх қандай юзага келади?
4. Бозор мувозанати деганда нимани тушунасиз?

VIII БОБ. Рақобат ва нархнинг ташкил топиши

Бозор иқтисодиёти ўзининг етуклик даражаси ва ривожланиш хусусиятларидан қатъи назар рақобатнинг мавжуд бўлишини тақозо қилади. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти ривожланиб бориши билан рақобатчилик муносабатлари ҳам такомиллашиб, ўз шаклларини ўзгартириб боради. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини кўрсатиб, "Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат — бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир"[1] — деб ёзадилар. Бу муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган жиҳатларни ёритиб бериш мазкур бобнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

1-§. Рақобатнинг моҳияти, шакллари ва усуллари

Рақобат бозор иқтисодиётининг ва умуман товар хўжалигининг энг муҳим белгиси, ривожлантириш усули ҳисобланади.

Рақобатнинг иқтисодий мазмунини тушуниб олиш унга турли томондан ёндашишини талаб қилади. Мустақил **товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасидаги рақобат** товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат. Бунда улар керакли ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё ва материаллар сотиб олиш, ишчи кучини ёллаш учун ҳам курашади. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат охир-оқибатда истеъмолчилар учун курашдир.

Ресурсларни етказиб берувчилар ўзларининг иқтисодий ресурсларини (капитал, ер-сув, ишчи кучи) юқори баҳоларда сотиш учун рақобат қиладилар. Ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчилар ўртасидаги рақобат бозор муносабатлари ривожланган, иқтисодиёт тўлиқ эркинлашган шароитда ёрқин намоён бўлади.

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 34-бет.

Рақобат истеъмолчилар ўртасида ҳам юз беради, улар товарларни қулай ва арзон баҳоларда сотиб олишга ҳаракат қиладилар, яъни харидор ҳар бир сарфланган пул бирлиги эвазига кўпроқ нафлиликка эга бўлишга ҳаракат қилади. Арзон ва сифатли товарни тезроқ сотиб олиш учун курашади.

Шундай қилиб, рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди.

Рақобат-бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади. Бунда ишлаб чиқарувчилар ўртасида сарфланган харажатларининг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ фойда олиш учун кураш боради. Мана шу фойда орқасидан қувиш натижасида товарларни сотиш доиралари, яъни қулай бозорлар учун, арзон хом ашё, энергия ва арзон ишчи кучи манбалари учун улар орасида кураш боради.

Ўз навбатида харидорлар, яъни истеъмолчилар сарфлаган ҳар бир сўм харажати эвазига кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашадилар, уларнинг ҳар бири арзон ва сифатли товар ва хизматларга эга бўлишга ҳаракат қилади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг фаолият кўрсатувчи тадбиркор ва мулк эгаси сифатида эркин ва мустақил бўлиши рақобатнинг иқтисодий асосини ташкил этади. Чунки ҳар бир мулк эгасининг ўз манфаати бўлиб, улар шу манфаатга эришиш учун интилади. Мулк эгасининг товар ишлаб чиқариш ва барча бошқа соҳалардаги фаолияти шу манфаатга бўйсундирилган бўлади. Бу жиҳатдан қараганда рақобат эркин иқтисодий фаолият қилувчи субъектлар манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлишини аниқ тавсифлайди. Рақобат мавжуд бўлишининг бошқа шарти товар-пул муносабатларининг маълум даражада ривожланган бозор тизимида амал қилишидир.

Рақобатнинг асосий соҳаси бозор, чунки унда эркин иқтисодий субъектларнинг алоҳидалашган манфаатлари тўқнашади.

Рақобат курашининг мазмуни тўғрисида тўлароқ тушунчага эга бўлиш учун унинг асосий шакллари ва белгиларини кўриб чиқиш зарур. Ўз миқёсига кўра рақобат энг аввало, икки турга — тармоқ ичидаги рақобатга ва тармоқлараро рақобатга бўлинади.

Тармоқ ичидаги рақобат ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулайроқ шароитига эга бўлиш, қўшимча фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида боради. Ҳар бир тармоқда техника билан

таъминланиш даражаси ва меҳнат унумдорлиги даражаси турлича бўлган корхоналар борлиги сабабли шу корхоналарда ишлаб чиқарилган товарларнинг индивидуал (алоҳида) қиймати бир хил бўлмайди.

Тармоқ ичидаги рақобат товарларнинг ижтимоий қийматини, бошқача айтганда, бозор қийматини аниқлайди ва белгилайди. Бу қиймат, одатда, ўртача шароитда ишлаб чиқарилган ва муайян тармоқ товарларининг анчагина қисмини ташкил этадиган товарларнинг қийматига мос келади.

Тармоқлар ичидаги рақобат натижасида техникавий даражаси ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган корхоналар қўшимча фойда оладилар ва аксинча, техника жиҳатдан ночор корхоналар эса, ўзларида ишлаб чиқарилган товар қийматининг бир қисмини йўқотадилар ва зарар кўрадилар.

Тармоқлараро рақобат турли тармоқлар корхоналари ўртасида энг юқори фойда нормаси олиш учун олиб бориладиган курашдан иборат. Бундай рақобат фойда нормаси кам бўлган тармоқлардан фойда нормаси юқори тармоқларга капиталларнинг оқиб ўтишига сабаб бўлади. Янги капиталлар кўпроқ фойда келтирувчи соҳаларга интилиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, таклиф кўпайишига олиб келади. Шу асосда, нархлар пасая бошлайди. Шунингдек, фойда меъёри ҳам пасаяди. Кам фойда келтирувчи тармоқлардан капиталнинг чиқиб кетиши тескари натижага олиб келади: бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаради, товарларга бўлган талаб улар таклиф қилишидан ошиб кетади, бунинг оқибатида нархлар кўтарилади, шу билан бирга фойда меъёри ошади. Натижада тармоқлараро рақобат объектив равишда қандайдир динамик мувозанатни келтириб чиқаради. Бу мувозанат капитал қаерга сарфланганлигидан қатъий назар, тенг капитал учун тенг фойда олинишига интилишни таъминлайди. Демак, тармоқлараро рақобат капитал қайси тармоққа солинмасин, худди шу тармоқ фойда меъёрларини ўртача фойда меъёрига яқинлаштиради.

Иқтисодий адабиётларда бир тармоқ ичидаги рақобатнинг **тўртта шакли** алоҳида ажратилиб кўрсатилади. Булар эркин рақобат, монополистик рақобат, монополия ва олигополиядир.

Эркин рақобат шароитида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда жуда кўп сонли корхоналар мавжуд бўлади. Юқори даражада ташкил қилинган бозорда кўплаб сотувчилар ўзларининг маҳсулотларини таклиф қиладилар.

Эркин рақобатли бозорда алоҳида корхоналар маҳсулот нархи устидан сезиларсиз назоратни амалга оширади. Чунки ҳар бир корхонада умумий ишлаб чиқариш ҳажми унча катта бўлмайди. Шу сабабли алоҳида корхонада ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ёки камайиши умумий таклифга, демак, маҳсулот баҳосига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Эркин рақобат шароитида янги корхоналар тармоққа эркин кириши, тармоқда мавжуд бўлган корхоналар эса уни эркин ташлаб чиқиши мумкин. Хусусан янги корхоналарнинг пайдо бўлиши ва уларнинг рақобатли бозорда маҳсулотларини сотишга ҳуқуқий, технологик, молиявий ва бошқа жиддий иқтисодий тўсиқлар бўлмайди.

Монополияда тармоқда асосан битта фирма ҳукмронлик қилиши сабабли, у мавжуд маҳсулот (хизмат)нинг ягона йирик ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва якка ҳукмронлик шаклланади.

Бундай шароитида фирма нарх ва таклиф ҳажми устидан сезиларли назоратни амалга оширади.

Монополиянинг мавжуд бўлиш тармоққа кириш учун тўсиқларнинг мавжуд бўлишига сабаб бўлади. Иқтисодий, техник, ҳуқуқий ёки бошқа тўсиқлар янги рақобатчиларнинг тармоққа киришига йўл қўймайди. Тармоққа кириш учун тўсиқлар ҳар хил кўринишларни олади. Буларнинг асосийлари қуйидагилар:

а) Ишлаб чиқариш миқёси келтириб чиқарадиган тўсиқлар, шу жумладан, молиявий тўсиқлар кўп ҳолатларда шунчалик катта бўладики, бу тармоққа киришни тақиқлаш билан баробар. Масалан, йирик ишлаб чиқарувчи ҳисобланган автомобил саноатига кириш, янги технологияга асосланган зарур ускуналарни сотиб олишга жуда катта пул-капитали талаб қилади.

б) Патент ва лицензиялар каби қонуний тўсиқлар. Давлат патент ва лицензиялар бериб тармоққа кириш учун қонуний тўсиқлар ҳам яратади. Патентлар тадқиқотчига маҳсулотини тўлиқ назорат қилиш ҳуқуқини беради. Тармоққа кириш ёки фаолият тури билан шуғулланиш давлат томонидан лицензия бериш йўли билан чекланиши мумкин. Масалан, давлат миқёсида радио ва телевизион эшиттиришларга тегишли вазирлик (маҳкама) лицензия беради.

в) Хом ашёнинг муҳим турларига, хусусий мулкчилик монополиялар томонидан потенциал рақобатчилар учун самарали тўсиқ яратиш воситаси сифатида фойдаланиши мумкин.

г) Ғирром рақобат. Фирмалар ўз рақибларининг тармоққа кириб келишини тажовузкорона ва шафқатсиз бартараф қилиши мумкин. Банк ва ресурсларни етказиб берувчиларни материал ва кредит

беришдан воз кечириш, етакчи мутахассисларни оғдириб олиш, баҳони кескин тушириш ғирром рақобатнинг оддий усулларидир.

Олигополия — тармоқда у қалар кўп бўлмаган бир гуруҳ корхоналарнинг ҳукмронлик қилишидир. Бу олигополиянинг энг муҳим белгисидир. Қайси товарлар ва хизматлар бозорида нисбаган кам сонли ишлаб чиқарувчилар ҳукмронлик қилса, шу тармоқ олигополистик тармоқ ҳисобланади.

Олигополистик тармоқ бир хил ёки табақалашган маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Кўпчилик саноат маҳсулотлари: пўлат, мис, алюминий, қўрғошин, темир ва шу кабилар — физик маънода бир турдаги маҳсулотлар ҳисобланади ва олигополия ҳукмронлиги шароитида ишлаб чиқарилади. Истеъмолчилик товарлари: автомобиллар, ювувчи воситалар, сигаретлар, маиший электр буюмлари ва шу кабиларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар табақалашаган олигополия ҳисобланади.

Олигополия шароитида корхоналар ўртасидаги рақобат ўзаро боғлиқ бўлади. Олигополистик тармоқда ҳеч қайси фирма ўзининг баҳо сиёсатини мустақил ўзгартиришга ботина олмайди.

Унча кўп бўлмаган фирмаларнинг умумий ўзаро боғлиқликда жойлашиши яширинча келишишга қулайлик тугдиради. Яширинча келишиш баҳоларни қайд қилиш, бозорни бўлиш ёки тақсимлаш ва бошқача йўллар билан ўзлари ўртасидаги рақобатни чеклашдан иборат. Яширинча келишиш бир қатор шаклларда бўлиши мумкин. Унинг энг оддий шакли картел битими ҳисобланади. Картел битимига кирган фирмалар нархлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини келишиб олади. Келишилган нархни ушлаб туриш мумкин бўлиши учун ишлаб чиқариш ҳажми тартибга солиниши, яъни бозорлар бўлинган бўлиши зарур.

Нархларни белгилашдаги раҳнамолик яширинча келишишда ҳам ўз ўрнини тутадиган норасмий восита ҳисобланади. Бунда тармоқдаги катта ёки анча самарали фирма нархни ўзгартириши, бошқа фирмалар эса унинг орқасидан эргашиши мумкин.

Олигополистлар нархсиз рақобатга асосий ўрин беради, чунки биринчидан, рақобатчиларга реклама ва маҳсулотни ўзгартириш анча мураккаб, иккинчидан, олигополистлар камдан-кам ҳолда нархсиз рақобатни молиялаштириш учун етарли молиявий ресурсларга эга бўлади.

Биз қараб чиққан рақобатнинг тўртта шаклининг ҳар бири миллий иқтисодиётда алоҳида-алоҳида, яъни соф ҳолда учрамайди. Иқтисодиёт соҳаларини батафсил ўрганиш, чексиз кўп ҳар хил рақобат-

ли вазиятлар мавжудлиги шароитида, иккита бир хил тармоқни топиш қийинлигини кўрсатади.

Шу сабабли эркин рақобатли бозорнинг хусусиятли белгилари билан, соф монополия, монополистик рақобат ва олигополиянинг хусусиятлари ўртасидаги фарқларни кўрсатиб бериш фойдали. Бундан таққослашни енгиллаштириш учун бозорнинг кейинги учта моделини билдириш учун «такомиллашмаган» ёки «номукаммал» рақобат деган умумий номдан фойдаланилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш бизга нисбатан анча олдин бошланган мамлакатларда рақобат муносабатларини ривожлантириш анча мураккаб ва узоқ даврни оладиган жараён эканлигини кўрсатади.

Агар Ғарб мамлакатлари иқтисодиётида рақобат бозор хўжалигининг ажралмас қисми (хусусияти) сифатида табиий пайдо бўлса, ўтлаб йиллар давомида маъмурий буйруқбозлик тартиби ҳукмрон бўлган, рақобатни ва бозорнинг бошқа белгиларини тан олмаган мамлакатларда кўп нарсани "жорий қилиш" ва ҳатто мажбуран қабул қилишга тўғри келади. Шу муносабат билан иқтисодиётимизнинг ҳозирги ҳолатида рақобат муносабатларини ривожлантиришнинг мавжуд реал имкониятларини ҳисобга олиш муҳим рол ўйнайди.

Биринчидан, рақобатсиз иқтисодиётнинг самарали ҳаракат қила олмаслигига ишонч шаклланди. Бу ишонч таъсирида яқин вақтларгача собиқ социализмда нима "мумкин", нима "мумкин эмас"лигини аниқловчи ғоявий қарашлар емирилмоқда. Иккинчидан, республикада рақобатни давлат томонидан рағбатлантириш ва тартибга солишнинг кенг режали ҳаракатлари кузатилмоқда. Учинчидан, рақобат ҳали кенг жорий қилинмасада, бозор иқтисодиётига ўтишда муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Рақобат курашининг **икки усули** фарқланади: **нарх воситасидаги рақобат ва нархсиз рақобат.**

Нарх воситасида рақобатлашувда курашнинг асосий усули ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарлари нархларини бошқа ишлаб чиқарувчиларининг шундай маҳсулотлариникига нисбатан пасайтириши ҳисобланади.

Унинг асосий ва энг кўп қўлланиладиган кўриниши — "нархлар жанги" деб аталадики, бунда йирик ишлаб чиқарувчилар рақибларини тармоқдан сиқиб чиқариш учун нархни вақти-вақти билан ёки узоқ муддат пасайтириб туради. Бу усулни қўллаш учун ишлаб чиқарувчи бошқа рақибларига қараганда унумлироқ технологияни киритиши, малакалироқ ишчиларни ёллаши ва ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил қилиши керак бўлади. Фақат шундагина унинг

товарининг индивидуал қиймати бозор қийматидан паст бўлиб, мазкур товар нархини тушуриш имкониятини беради.

Нарх воситасида рақобатлашиш усулларидан бири — демпинг нархларни қўллашдир. Бунда миллий ишлаб чиқарувчилар ўзларининг товарларини бошқа мамлакатларга ички бозордаги нархлардан, айрим холларда таннархидан ҳам паст бўлган нархлар бўйича чиқаради.

Шу орқали улар ички бозорда нархларнинг барқарорлигига эришиш, мамлакатдаги ортиқча маҳсулотни йўқотиш, янги бозорларга кириб олиш ва унда ўзларининг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади.

Айрим ҳолларда нарх ёрдамида рақобатлашишнинг белгиланган нархлардан чегирма қилиш, асосий харид қилинган товарларга бошқа товарларини қўшиб бериш, муайян ҳолларда имтиёзли нархларни белгилаш каби усулларидан ҳам фойдаланилади.

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда нарх ёрдамида рақобат қилиш ўз ўрнига эга эмас, чунки ишлаб чиқарувчилардан бирининг ўз маҳсулотига нархни пасайтириши унинг рақобатчиларининг ҳам шундай ҳаракат қилишини тақозо қилади. Бу бозорда фирмаларнинг мавқеини ўзгартирмайди, фақат тармоқ бўйича фойдани камайтиради.

Нархсиз рақобат шу билан тавсифланадики, бунда рақобат курашининг асосий омили товарларнинг нархи эмас, балки унинг сифати, сервис хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқарувчи фирманинг обрў-эътибори ҳисобланади.

Нархсиз рақобат билан бир вақтда яширин нарх ёрдамидаги рақобат ҳам бўлиши мумкин. Бунинг учун янги товарларнинг сифати ошиши ва истеъмол хусусиятларининг яхшиланиши улар нархларининг ошишига қараганда тез рўй бериши керак. Ҳозирги даврда бир турдаги маҳсулотларнинг кўпайиши уларнинг сотишни рағбатлантирувчи реклама, товар белгилари ва фабрика муҳрларидан фойдаланишни келтириб чиқармоқда. Истеъмолчилик бозорида қўшимча хизмат кўрсатиш орқали харидорларни ўзига жалб қилиш кенг тарқалмоқда.

Нархсиз рақобатнинг товар сифатини табақалаштириш каби усули ҳам мавжудки, бунда товарлар бир хилдаги эҳтиёжни қондириши ва бир турга мансуб бўлиши, лекин турли-туман истеъмол хоссаларига эга бўлиши мумкин.

Товарлар талабга нисбатан ортиқча бўлган шароитда ишлаб чиқарувчилар товарларини кредитга сотиш усулидан фойдаланиб ра-

қибларидан устун келишлари мумкин. Бунда дастлаб товар нархининг фақат бир қисми тўланади, унинг қолган қисми эса шартномада келишилган аниқ муддатларда тўланади.

Фан-техника тараққиёти авж олган ҳозирги шароитда, техника ва технологиянинг энг янги ютуқлари устидан назорат қилиш учун кураш рақобатнинг асосий усулларидан бирига айланиб бормоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи корхоналар харидорларни жалб қилиш мақсадида узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмолчилик товарларига кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат кўрсатишни амалга оширмоқдалар. Масалан, компьютер ишлаб чиқарувчи фирма, ўз маҳсулотини сотибгина қолмасдан, балки уни ўрнатади, корхона ходимларини улардан фойдаланишга ўргатади, кафолатланган муддатда ва ундан кейинги даврда таъмир ишларини бажаради, техникавий хизматни амалга оширади, маҳсулотлари ўлчамларини буюртмачи эҳтиёжларига яқинлаштиради.

Нархсиз рақобат усуллари ичида маркетинг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини талабга мослаштирувчи тадбирлар тизимидан иборат. Бозор иқтисодиёти шароитида талабни яхши ўрганган ва истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлароқ қондира оладиган корхоналар ҳар доим рақобат курашида ютиб чиқади.

Йирик ишлаб чиқарувчилар бозордаги вазиятни ўзгартириш учун ўзларининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни камайтириб товар таклифини қисқартирадилар. Шу сабабли иқтисодий беқарорлик даврларида ҳам нарх барқорлигича қолаверади.

Шундай қилиб, монополиялар ҳукмрон бўлган шароитда нархсиз рақобат муҳим ўрин тутади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, монополиялар товар сифатини ошириш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш йўли билан сотиладиган товар ҳажмини кўпайтириши мумкин. Иккинчидан, улар молиявий жиҳатдан кучли бўлганлиги сабабли масулотини янгилаш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва рекламага зарур бўлган маблағни сарфлай оладилар.

2-§. Нархнинг мазмуни ва унинг вазифалари

Товарлар қиймати ва уларнинг нафлилиги ўзларининг намоён бўлишини нархда топади. Амалий ҳаётда қиймат товар ишлаб чиқарувчиларни, нафлилик эса истеъмолчиларни рағбатлантирувчи, уларни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида амал қилади.

Товарнинг бир-бирига қарама-қарши бўлган, лекин доимо бир-бирини тақазо этадиган, бирисиз иккинчиси бўлмайдиган икки хусусиятга, яъни маълум бир нафлиликка (истеъмол қийматига) ва қийматга эга эканлиги, товар ёки хизмат шу икки хусусият бирлигидан иборат эканлиги ўқувчига олдинги мавзулардан маълумдир.

У ерда биз товарнинг қиймати ҳар қандай сарфларни эмас, балки мавжуд шароитда шу товарни ижтимоий зарурий миқдорда ва сифатда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ижтимоий зарурий сарфларни ифода этишини айтиб ўтган эдик. Баҳолар мазмунини аниқлашда товардаги мана шу икки хил хусусиятнинг бирлигини, бунда истеъмол қиймат (нафлилик) қийматни ўзида олиб юрувчи моддий асос эканлигини тўғри ҳисобга олмаслик натижасида нарх мазмуни турли олимлар ва оқимлар томонидан турлича аниқланмоқда ва унга турлича таъриф берилмоқда.

Бунинг устига нархнинг даражасига (унинг баланд ёки паст бўлишига), унинг ўзгаришига турли хил омиллар таъсир қиладики, бу ҳам масалани тўғри тушунишни бир оз чигаллаштиради.

Масалан, классик сиёсий иқтисод мактаби вакиллари ғояларида ҳамда олдинги сиёсий иқтисод дарсликларида нархнинг асосини қиймат ташкил қилади дейилган бўлса, маржинализм йўналишидаги ва ҳозирги даврдаги П. Самуэлсон, Макконелл ва С. Брюларнинг «Экономикс» дарсликларида товар нархининг асосини унинг нафлилиги ташкил қилади дейилади. Бунда кейин қўшилган товар нафлилигига алоҳида эътибор берилади.

Учинчи гуруҳ олимлар эса нарх талаб ва таклиф асосида ташкил топади дейишади. Уларнинг ҳар бири ўзларича турли далиллар топиб, ўз ғояларини исботлашга ҳаракат қиладилар.

Алоҳида товарларга қилинган меҳнат сарфлари турлича бўлиб, улардан айримлари ижтимоий меҳнат сарфи сифатида тўла тан олинса, бошқаси қисман тан олинади, учинчиси эса умуман тан олинмаслиги мумкин. Бундан кўриниб турибдики, бозордаги мавжуд нархларга меҳнат сарфлари ёки қийматнинг айнан ўзи деб қараш нотўғридир. Чунки унга меҳнат сарфидан бошқа омиллар ҳам таъсир қилиб, натижада нарх қийматдан паст ёки юқори бўлиши мумкин.

Жумладан, ўзгариб турувчи талаб ва таклиф таъсири остида бирор товарнинг бозор нархи тебраниб, унинг қийматидан у ёки бу томонга фарқланиши мумкин. Рақобат ҳам қиймат — нарх нисбатига худди талаб ва таклиф каби таъсир кўрсатади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, харидор у ёки бу товарни сотиб олишда, нафақат унинг қанча туришини, балки мазкур товарнинг истеъмол

хусусиятлари ўзининг эҳтиёжи ва дидига қанчалик мос келишини, яъни унинг нафлилигини ҳам ҳисобга олади.

Товарнинг харид қилиниши унинг алоҳида олинган бир киши учун эмас, балки жамият учун нафлилигини ва шу билан бирга ижтимоий қийматини ҳам тан олишни билдирали. Шу сабабли, «ижтимоий истеъмол қиймат» тушунчасининг ўзи бирор товар (хизмат)нинг жамият учун нафлилиги, қадр-қийматга эгалигини кўрсатади. Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, **нарх ўзида фақатгина нафлилик ёки сарфларнинг бирини эмас, балки ҳар иккаласининг бир вақтда мавжудлигини ва уларнинг маълум миқдорини пул кўринишида ифода этади.**

Товардаги икки хусусият бирданига тан олинмаса, у пулда ифодаланмаса олди-сотти содир бўлмайди. Чунки товарнинг қиймати томонида сотувчининг манфаати, нафлилиги (истеъмол қиймати) томонида эса харидорнинг манфаати ётади. Товар эгаси ўз товари учун кетган сарфларни қоплаб, маълум даражада, иложи борича кўпроқ фойда олишни таъминлаши мумкин бўлган қийматни пул шаклида ўзлаштиришга интилса, харидор иложи борича сарф қилаётган пулининг ҳар бир бирлигига кўпроқ нафлиликка (истеъмол қийматига) эга бўлишга ҳаракат қилади. Уларнинг манфаатлари тўғри келган нуқтада, даражада нарх ўрнатилиб, товар пул алмашуви, олди-сотди содир бўлади.

Бу ҳолатни яхшироқ тасаввур қилиш учун биз қуйидаги чизмага эътиборни жалб этамиз:

9-*чизма*. Товар хусусиятларининг нархга таъсири.

Бу чизмадан товарнинг нархи маълум бир иқтисодий жараённи ифода этувчи мустақил илмий тушунча эканлиги, товарнинг икки хусусиятига асосланишини, улар билан чамбарчас боғлиқликда ўзгаришини кўриш мумкин. Ундан ташқари, ҳозиргача реал ҳаётда турли-туман товарлар ва хизматлар нафлилигини, уларнинг ўзгаришини бир кўрсаткичга келтириб ҳисоблашнинг пул кўринишидан бошқа ўлчами иқтисодий фанларда топилган эмас.

Булардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, **нарх — реал бозор иқтисодиёти шароитида товар ва хизматларнинг ижтимоий қиймати ва ижтимоий нафлилигининг пулдаги ифодасидир.**

Бу ерда шуни яна бир бор таъкидлаш жоизки, нархда алоҳида олинган ишлаб чиқарувчиларнинг индивидуал сарфлари эмас ёки алоҳида олинган индивидуал шахсларнинг психологик жиҳатдан нафлиликка берган баҳоси ҳам эмас, балки жамият томонидан тан олинган ижтимоий сарфлар ва жамият учун зарур бўлган миқдорда ва сифатда яратилган ва тан олинган ижтимоий нафлилик (истеъмол қиймат) ўз ифодасини топади. Товарлар ва хизматлар учун қилинган ижтимоий сарфларнинг асосли равишда ўсиши ёки товар ва хизматдаги сифат кўрсаткичларининг ўсиши ушбу товар нархининг ошишига олиб келади.

Масалан, машиналарда от кучининг ошиши, салонларида, бошқарув ва тезлигида бўлган ўзгаришлар унинг нархи ошишига сабаб бўлади. Чунки шу ўзгаришлар билан бир вақтда унга сарфланган ҳаражатлар ҳам ошган бўлади. Бундай икки томонлама ўзгаришлар натижасида нархларнинг ўзгариши ҳамма товарлар ва хизматларга хосдир. Нарх товар ва хизматлардаги икки хусусиятнинг пулдаги ифодаси сифатида, уларнинг ўзгариши натижасида ўзгаради.

Шунинг учун реал ҳаётда турли товарлар ва хизматлардаги икки хил хусусият ўзгаришлари уларнинг ҳажмини ҳисоблашда икки хил нархда ҳисобга олинади.

Нархнинг мазмунини тўлароқ тушунишда, унинг даражасига таъсир этувчи омилларни билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Булардан асосийлари: қиймат ёки ишлаб чиқариш сарфлари; товарнинг нафлилик даражаси; мазкур товарга талаб ва таклиф нисбати; рақобат ҳолати; давлатнинг иқтисодий сиёсати ва ҳ. к. Бу омиллар ичида товар қиймати ва нафлилиги унинг нархини белгиловчи асос бўлиб хизмат қилади.

Бошқа омиллар эса нархнинг ижтимоий қиймат билан ижтимоий нафлилик миқдори атрофида гоҳ биринчисининг, гоҳ иккинчисининг фойдасига тебранишига сабаб бўлади. Масалан, талаб ва так-

лиф нисбатини олайлик. Агар товарларнинг айрим турига талаб таклифга нисбатан баланд бўлса, ижтимоий қиймат ўзгармаган ҳолда нархнинг даражаси нисбатан ошиқ бўлади ёки аксинча таклиф талабга нисбатан кўпроқ бўлса, ижтимоий қиймат ўзгармаган ҳолда нархнинг даражаси унга нисбатан паст бўлади.



10-*чизма*. Нархга таъсир қилувчи омиллар.

Нарх даражасига, бошқа омилларнинг таъсирига алоҳида тўхталмаса ҳам бўлади. Чунки солиқ миқдори қанча кўп бўлса, нарх даражаси шунча юқори бўлиши ҳаммага аёндир.

Нархнинг иқтисодий мазмуни унинг вазифалари кўриб чиқилганда янада яққол намоён бўлади.

Нарх қуйидаги асосий вазифаларни бажаради :

1. Мувозанатликни таъминлаш вазифаси. Бунда нарх бозорда талаб ва таклифнинг ҳажми ва таркибига таъсир этиш орқали уларни мувозанат ҳолатига келтиради. Бозор нархи — бу мувозанатли нарх бўлиб, у биринчидан, товарларнинг сотилишини таъминлайди, иккинчидан, бозорда товарлар тақчиллигини юзага келтирмайди.

2. Қийматни ҳисобга олиш вазифаси. Нарх қийматнинг пулдаги ифодаси деб айтамиз, чунки қилинган сарф харажатлар ва олинган натижалар (фойда ёки зарар) нархлар асосида ҳисоб-китоб қилинади. Ишлаб чиқариш ва унинг натижаларининг натурал кўрсаткичлари ҳам мавжуд (тонна, кг, $м^2$, $м^3$ квт-соат ва ҳоказо). Бу кўрсаткичларни шу ҳолича таққослаб, умумий кўрсаткичга келтириб бўлмайди. Барча натурал кўрсаткичларнинг умумий ўлчови уларнинг пулда ифодаланган нархидир. Ҳисоб-китоб учун жорий ва қиёсий нархлар қўлланилади. Жорий нархлар амалдаги нархлар бўлиб, улар ёрдами-

да йил давомидаги ишлаб чиқариш натижалари ҳисобланади. Қиёсий нархларда маълум йил асос қилиб олиниб (базис йил), ишлаб чиқаришнинг натижалари шу нархда ҳисобланади ва бошқа йиллар билан таққосланади. Ялпи миллий маҳсулот, миллий даромад, реал иш ҳақи ва шу каби кўрсаткичлар динамикаси қиёсий нархларда ҳисобланади. Чунки жорий нархлар инфляция туфайли ўзгариши ва реал иқтисодий натижани кўрсатмаслиги мумкин.

3. Тартибга солиш вазифаси. Бозор ҳолати (конъюнктураси) талаб ва таклиф ҳамда уларнинг нисбатига боғлиқ. Талабнинг ортиши муайян товарни ишлаб чиқаришни кенгайтириши, аскинча ҳол эса товар ортиқчалигини, уни ишлаб чиқаришни қисқартириш зарурлигини билдиради. Нарх товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятига уларнинг даромадлари орқали таъсир кўрсатади. Муайян ишлаб чиқариш харажатлари сақланган ҳолда нарх юқори бўлса, фойда миқдори ортади, нарх тушса, фойда камаяди ва ҳатто ишлаб чиқарувчилар зарар кўриши ҳам мумкин. Бу ишлаб чиқарувчилар фаолиятига таъсир кўрсатади. Нарх ошса ишлаб чиқариш кенгаяди. Бошқа капиталлар ҳам фойда юқори бўлган соҳа ва тармоқларга оқиб кела бошлайди. Хуллас, нарх ишлаб чиқаришни тартибга солиб, уни ўзгартириб туради ва ривожини таъминлайди.

4. Рақобат воситаси вазифаси. Нарх рақобат курашининг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчилар ўз рақибларини енгиш учун нархни пасайтириш усулидан фойдаланишлари мумкин. Демак, нархни ўзгартириб туриш усули рақобатда кенг қўлланилади.

5. Ижтимоий ҳимоя вазифаси. Нарх аҳолининг кам даромад олувчи айрим қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш вазифасини ҳам бажаради. Нархнинг бу вазифаси товар (хизмат)лар ижтимоий дотацияланган нархлар бўйича сотилганда бажарилади. Бунда улар давлат бюджети ва турли ҳайрия маблағлари ҳисобига молиявий таъминланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида ижтимоий ҳимоя вазифасини ўтовчи нархлар, аҳолининг кенг қатламларини ҳаётий зарур истеъмолчилик товарлари билан минимал даражада таъминлаш мақсадида ҳам қўлланилади. Масалан, бизнинг республикамизда 1991 йилдан 1995 йилгача ун ва ун маҳсулотлари, қанд-шакар, гўшт, ўсимлик мойи, чой, совун каби маҳсулотлар дотацияланган нархларда, чекланган миқдорда сотилди. Уларнинг дотацион ва ҳақиқий нархлари ўртасидаги фарқ бюджет маблағлари ҳисобига қопланиб бо-

рилди. Шундай қилиб, нарх бозор муносабатларининг воситаси сифатида бир-бири билан узвий боғланган муҳим вазифаларни бажаради.

3-§. Нарх турлари ва уларнинг мазмуни

Иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқларидаги ишлаб чиқариш ва сотиш шароитларининг хилма-хиллиги ҳамда бозор муносабатларининг ривожланиши даражасидаги фарқлар **нарх турларини** фарқлаш заруриятини туғдиради. Иқтисодиётда амал қилиб турган барча нарх турлари нарх тизимини ташкил қилади. Нархлар тизимида уларнинг айрим турларининг иқтисодий мазмунини қисқача қараб чиқамиз.

Улгуржи нархлар. Ишлаб чиқарувчилар томонидан катта партиядаги товарлар бир йўла кўтарасига сотилганда улгуржи нархлардан фойдаланилади. Улгуржи нархлар ишлаб чиқарувчилар ва таъминлаш-сотиш ташкилотлари харажатларини қоплаши ҳамда уларнинг маълум миқдорда фойда кўришини таъминлаши зарур. Улгуржи нархлар товар биржалари ва савдо уйларида ҳам қўлланилади.

Шартнома нархлар. Бу сотувчи ва харидорнинг розилиги билан белгиланадиган, улар томонидан тузилган шартномада қайд қилинган нархлардир. Шартнома нархлар одатда шартнома битими амал қилиб турган даврда ўзгармайди. Мазкур нархлар ҳам миллий ва ҳам халқаро бозорда қўлланилади. У халқаро бозорда қўлланилганда товар (хизмат)ларнинг жаҳон нархларига яқин туради.

Чакана нархлар. Бу нархларда товарлар бевосита истеъмолчиларга сотилади. Чакана нархга товарнинг улгуржи нархи, чакана савдо ташкилотларининг харажатлари ва уларнинг оладиган фойдаси киради. Чакана нарх товарларга бўлган талаб ва таклифни боғловчи ролини ўйнайди ҳамда уларнинг нисбатига қараб юқори ёки паст бўлиши мумкин.

Давлатнинг нархларни тартибга солишлик фаолияти чегараланган (лимитланган) ва дотацияли нархларни вужудга келтиради. **Чегараланган нархларда давлат нархларининг юқори ва қуйи чегарасини белгилайди, улар шу доирада ўзгариши мумкин.** Бундай нархлар ёрдамида давлат инфляцияни жиловлайди, нархларни назорат қилади. **Дотацияланган нарх — бу давлат бюджети ҳисобидан махсус арзонлаштирилган нархлардир.** Бундай нархлардан кам даромадли оилалар, бева-бечоралар, ишсиз ва ногиронларни ҳаётий зарур неъматлар билан энг кам даражада таъминлаб туришда фойдаланилади.

Демпинг нарх. Бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва рақибларини сиқиб чиқариш учун фирмалар махсус нархдан фойдаланадики, улар **демпинг нарх ёки бозорга кириб олиш нархи деб аталади.** Демпинг нархда расмий нархнинг бир қисмидан кечиб юборилади.

Сотиш ҳажмини ўзгартирмасдан юқори фойда олишга эришиш учун фирмалар **нуфузли нархдан** фойдаланади. Бу нархни қўллаш учун бозорда рақобат чекланган бўлиб, монопол вазият мавжуд бўлиши зарур. Мазкур вазиятда талаб нархга боғлиқ бўлмайди, шу сабабли нархнинг кўтарилиши товар сотилишини кескин камайтирмайди. **Бундан ташқари аҳолининг юқори даромад олувчи қатлами харид қиладиган нуфузли товарлар ҳам мавжудки, улар нуфузли нархларда сотилади.**

Ривожланган мамлакатларда юқори даромад олувчи аҳоли қатлами учун дала ҳовлига эга бўлиш, машҳур курортларда дам олиш, охирги нусхадаги кийимлар кийиш, янги моделдаги автомашинада юриш — мартабали ёки обрўталаб истеъмол ҳисобланади. Мартабали истеъмол нуфузли нархларни юзага келтиради. Улар одатдаги нархлардан анча юқори бўлади. Нуфузли нархларни қўллашда товарларни ишлаб чиқариш харажатлари ва рентабеллик даражаси, бозордаги талаб, унинг ўзгариши ва бозордаги рақобатлашув шароити ҳисобга олинади. Шунга қараб, маълум давргача ўзгармайдиган **қатъий (андоза) нархлар ва ўзгарувчан нархлар** қўлланилади. Шундай товарлар борки, истеъмолчилар уларнинг нархи ўзгармаслигини афзал кўради. Масалан, коммунал хизмат, транспорт хизмати таърифлари шундай нархлар жумласига киради.

Эркин бозор нархлари — бу талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган бозор нархларидир. Маданийлашган бозор шароитларини вужудга келтиришда эркин нархлар жамият ва бозор муносабатлари барча субъектлари манфаатларини энг мақбул тарзда уйғунлаштиришга имкон беради.

Нарх диапазони нархлар оралиғининг пулдаги ифодасидир. Нарх диапазони қуйи, ўрта ва юқори нархларни ўз ичига олади. Нарх диапазони қанчалик катта бўлса, товар муомаласи шунчалик тез юз беради, чунки талаб билан нарх ўзаро боғланади.

Бозор кўдами ҳисобга олинганда **ҳудудий (минтақавий), миллий ва халқаро нархлар** мавжуд бўлади. **Ҳудудий нарх фақат маълум ҳудудий бозорга хос бўлиб, у шу ҳудуд доирасидаги омиллар таъсиридан ҳосил бўлади. Миллий бозор нархи бир мамлакат доирасида амал қилувчи ва уларнинг хусусиятини акс эттирувчи нархлардир.** Миллий нарх мамлакат доирасидаги ижтимоий сарф-харажатларни,

миллий бозордаги талаб ва таклифни, товар нафлилигини, унинг қанчалик қадрланишини ҳисобга олади. **Жаҳон нархи муайян товарга кетган байналмилал харажатларни, товарнинг жаҳон андозаси талабига мос келиш даражасини ҳамда халқаро бозордаги талаб ва таклиф нисбатини ҳисобга олади.**

Нарх хилма-хил турлардан иборат бўлсада, улар бир-бири билан ўзаро боғланган, чунки уларда жамиятдаги иқтисодий ресурсларнинг ишлатилиш самараси ўз ифодасини топади. Иқтисодиёт назариясида **нарх нисбати деган тушунча бор, у нарх паритети деб ҳам юритилади.** Иқтисодиёт ва ундаги жараёнлар бир-бирига боғлиқ бўлганидан нархлар бир-бирини юзага чиқаради. Масалан, руда нархи металл нархига, металл нархи машина нархига, машина нархи кийим нархига киради, чунки бу нархларнинг ҳар бири ўзидан кейинги маҳсулот ҳаражатларини шакллантиради. Бозорга шундай ўзига хос товарлар чиқадики, улар кўпчилик соҳаларда ишлатиладиган энг муҳим иқтисодий ресурслар ҳисобланади. Булар металл, нефт, кўмир, газ, ёғоч, буғдой, пахта каби товарлар бўлиб, улар нархининг ўзгариши бутун нархлар нисбатини ўзгартиради.

4-§. Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитининг вужудга келиши ва антимонопол қонунчилик. Нарх сиёсати

Рақобатнинг амал қилиши маълум шарт-шароитлар мавжуд бўлишини тақазо қилади. Бу шарт-шароитлар фақат бозор муносабатлари қарор топган муҳитда бўлиши мумкин. Шундай экан, бозор иқтисодиётини юзага келтириш айни вақтда рақобатчилик муҳитининг шаклланишини билдиради.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда рақобатчилик муҳити узоқ давр давомида, ўз-ўзидан, эволюцион йўл билан вужудга келган. Бу аста-секин эркин рақобат муҳитини келтириб чиқарган.

Иқтисодиётда монополлашув принциплари кучайиб бориши билан рақобат чекланади, шу сабабли рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда давлат ҳам қатнашади. Бу эса давлатнинг монополияларга қарши сиёсатида ўз аксини топади. Ҳар бир мамлакатдаги аниқ вазият, яъни иқтисодиётнинг монополлашув даражаси унинг миқёси ва хусусиятига қараб, бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратиш, уни сақлаб қолиш, зарур бўлганда қайтадан тиклаш, рақобат усулларини қарор топтириш кабиларга қаратилади. Масалан, АҚШда давлатнинг хусусий монополиялар фаолиятини чек-

лашга қаратилган тадбирлари 1980 йилда трестларга қарши қабул қилинган қонунда («Шерман қонуни») ўз ифодасини топади. Монополияларга қарши қонунчилик ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган чора-тадбирлар бошқа мамлакатларда ҳам шароит тақазо этган шаклларда амал қилади.

Буйруқли иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда, шу жумладан, бизнинг республикада соғлом рақобатга шарт-шароит ҳозирлаш, иқтисодий субъектлар мустақиллигини кенгайтириш орқали уларни рақобатчиликка жалб қилиш иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда давлатнинг рақобатчилик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатида хусусийлаштириш, давлат мулки ҳисобидан мулкчиликнинг бошқа шаклларини вужудга келтириш асосий ўрин тутади. Хусусийлаштириш натижасида, биринчидан, мулк ўз эгалари қўлига топширилса, иккинчидан, кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтиради.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг асосий йўли, бу рақобатни инкор қилувчи давлат монополиясидан нодавлат, турли хўжалик шаклларининг мавжудлигига асосланган ва иложи борича эркин рақобатни тақозо этувчи бозор тизимига ўтишдир. Бу ерда рақобатчилик муносабатларини шакллантириш, аввало, мустақил эркин товар ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлишини тақозо қилади, чунки рақобатнинг асосий шарти алоҳидалашган, мулкий масъулият асосида ўз манфаатига эга бўлган ва тадбиркорлик таҳликасини зиммасига олувчи эркин хўжалик субъектларининг мавжудлиги, уларнинг бозор орқали алоқа қилишидир.

Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш Президентимиз И. Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида таъкидланганидек, иқтисодиётни эркинлаштириш — бу хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишни англатади. Шунингдек, Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисларда сўзлаган нутқида (2000 йил, февралида) бизнесни эркинлаштириш, уларга иқтисодий мустақиллик беришнинг аниқ йўналишлари кўрсатилган.

Шу мақсадда Ўзбекистонда «Монопол фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги Қонун (1992 йил, август) кучга киритилди ҳамда унинг асосида рақобатчиликни ривожлантиришга қаратилган бир туркум меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Мазкур қонунга кўра, бозорда ягайлаб тақчиллик ҳосил қилиш, нархларни монополлаштириш, рақобатчиларнинг бозорга кириб боришига тўсқинлик қилиш, рақобатнинг ғирром усулларини қўллаш ман этилади. Қонунни бузувчилар рақибига етказган зарарни қоплашлари, жарима тўлашлари, ғирромлик билан олган фойдадан маҳрум этилишлари шарт.

Монополияга қарши фаол чораларни амалга ошириш учун Молия вазирлиги тизимида монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бош бошқармаси тузилди. Бошқармага рўйхатга киритилган монополия мавқеидаги корхоналар маҳсулоти бўйича нархларни ва рентабилликни тартибга солиб туриш ҳуқуқи берилди.

Кейинчалик бу бошқарма Республика монополияга қарши кураш ва рақобатни ривожлантириши Давлат қўмитасига айлантирилди.

Республикада монопол мавқеига эга бўлган корхоналарни Давлат реестрига киритиш учун мезонлар белгилашда жаҳон тажрибаси ҳамда ўтиш даврининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинади.

Ҳозирги даврда Республикада агар корхона ишлаб чиқарган муайян маҳсулотлар бозордаги шу турдаги маҳсулотнинг 35 фоизидан ортиқ бўлса, бу корхона монополистик корхона сифатида Давлат реестрига киритилади. Озиқ-овқат товарлари гуруҳи учун бундай мезон даражаси 20 фоиз деб белгиланган.

Республикада монополиялар рўйхатига кирган корхона (тармоқ)ларнинг бозордаги мавқеини тартибга солишда давлат бир қатор усуллардан фойдаланади. Бу усуллардан иккитасини ажратиб кўрсатиш лозим:

1. Монопол мавқеидаги корхоналар маҳсулотларига нархларнинг энг юқори даражасини ёки рентабилликнинг чегарасини белгилаб қўйиш.

2. Ўз монопол мавқеини суиистеъмол қилган монополистик бирлашмаларни бўлиб ташлаш ёки майдалаштириш. Бу усул Вазирлар Маҳкамасининг (1994 йил 18 июлдаги 366 сонли) қарори билан тасдиқланган «Объектларнинг хўжалик юритувчи жамиятлар ва ширкатлар таркибидан чиқиш тартиби тўғрисидаги Низом» асосида амалга оширилади. Республикада фақат 1994-1996 йиллар давомида монопол мавқеидаги акциядорлар жамиятлари, ижара ва бошқа жамоа корхоналар таркибидан 14972 объект чиқарилиб, мустақил корхоналарга айлантирилди. 2000 йилда хусусийлаштирилган объектлар

базасида 154 очиқ турдаги акционерлик жамиятлари ташкил қилинди[1].

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» (1996 йил, апрел) Қонуни асосида гирром рақобатга, шу жумладан, Республика бозорларига белгиланган талабларга жавоб бермайдиган товарларни чиқаришга йўл қўймайдиган механизмни яратишга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Табиий монополияларни давлат йўли билан тартибга солиш улар маҳсулот (хизмат)ларига нархлар ва тарифлар даражасини, шунингдек, таклиф этиладиган товарлар ва хизматлар турига доир асосий кўрсаткичларни белгилашни ўз ичига олади.

Рақобатчилик муҳитини шакллантириш мақсадида ва давлатга қарашли бўлмаган секторни қўллаб-қувватлаш учун тадбиркорликни ривожлантириш фонди, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш фонди ташкил этилди. Рақобатчилик муҳитини шакллантиришга кўплаб халқаро ташкилотлар ҳам фаол қатнашмоқда. Жумладан, ЮНИДО ёрдамида бир нечта бизнес инкубаторлар ташкил этилди. Европа жамияти комиссияси амалий алоқалар марказини, Германия техникавий кўмаклашув жамияти кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш марказини ташкил этди.

Республикада рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда амалга оширилаётган барча ишлар бозор иқтисодиётини таркиб топтиришга хизмат қилади.

Рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш билан боғлиқ бўлган масалалардан бири нарх сиёсатидир.

Буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган барча мамлакатларда давлатнинг нарх соҳасидаги сиёсати кўп жиҳатдан нархларни эркинлаштириш, миллий бозор нархларини жаҳон бозори нархларига яқинлаштиришга қаратилади.

Нархларни эркинлаштириш — иқтисодий ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб, ислоҳотларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари кўп жиҳатдан шу муаммонинг ҳал этилишига боғлиқ бўлади.

Нархларни эркинлаштириш хом ашё билан маҳсулот айрим турларининг нархлари, нарх билан аҳоли ва корхоналар даромадлари ўртасида мутаносибликка эришишга қандай ёндашилиши билан фа-

---

[1] Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари.

рқланади. Шу ёндашувларга асосланиб, нархлар қуйидаги йўллар билан эркинлаштирилади:

а) нархларни бирданига ёки "эсанкиратадиган" тарзда қўйиб юбориш; б) нархлар ўсишини сунъий равишда тўхтатиб қўйиш; в) нархни давлат томонидан бошқариш ва назорат қилишни маълум даражада сақлаб қолиш.

Бозор муносабатларига ўтаётган ҳар бир мамлакат, шу йўллардан бирини танлашда улардан ҳар бирининг мавжуд реал шарт-шароитларга қанчалик мос келиши, аҳоли асосий қисмининг моддий аҳволига қандай даражада таъсир кўрсатиши, ислоҳ қилишнинг танлаб олинган йўлига қанчалик даражада жавоб бериши ва кутиладиган салбий оқибатларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Собиқ Совет иттифоқи негизида вужудга келган бир қанча мустақил давлатлар нархларни эркинлаштиришнинг "тезкор" йўлини танлаб олди. Барча турдаги хом ашё ресурслари, истеъмол моллари ҳамда хизматлар нархини бир йўла эркин қўйиб юборди. Натижада нархлар кескин ошди. Бу аҳоли кенг қатламининг бирданига қашшоқлашувига, ижтимоий аҳволнинг кескинлашувига олиб келди. Ишлаб чиқаришнинг пасайишига, миллий саноат ва қишлоқ хўжалигининг издан чиқишига сабаб бўлди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ўзига хос тамойиллари, мамлакатдаги вазият ва аҳолининг турмуш даражаси ҳисобга олиниб, нархларни аста-секинлик билан ва босқичма-босқич эркинлаштириш йўли танлаб олинди. Шу йўл билан нархларни эркинлаштиришнинг дастлабки босқичида (1992 йилнинг бошида) кенг доирадаги ишлаб чиқариш, техника воситаси бўлган маҳсулотлар, айрим турдаги халқ истеъмоли моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг эркин нархлари ва тарифларига ўтилди. Аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирадаги озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси белгилаб қўйилди, айрим турдаги хизматларнинг энг юқори тарифлари жорий қилинди.

Нархларни эркинлаштиришнинг кейинги босқичида (1993 йил) келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш тўхтатилди. Қатъий белгиланган ва давлат томонидан тартибга солиб туриладиган нархларда сотиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг сони анча қисқарди.

Нархларни эркинлаштиришнинг навбатдаги босқичида (1994 йил, октябр, ноябр) халқ истеъмол моллари асосий турларининг нархлари эркин қўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматларнинг

тарифлари оширилди. Шундай қилиб, республикада иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи нархларни босқичма-босқич (уч босқичда) тўлиқ эркинлаштириш билан тугади. Нархларни эркинлаштириш аҳолини ишончли иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари билан бирга олиб борилди. Давлат томонидан турли компенсациялар мақсадидаги жамғармалар тузилди, иш ҳақи, пенсия ва стипендияларнинг энг кам миқдори мунтазам суратда ошириб борилди, болалар учун нафақалар жорий этилди. Аҳолининг муҳтож қисмига ёрдам кўрсатилди, имтиёзли солиқ ставкалари жорий этилди.

Асосий таянч тушунчалар

Рақобат — бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади.

Рақобат шакллари — рақобатчилик муҳитнинг етуклик даражаси билан фарқланиб, соф (эркин) рақобат, монополистик рақобат, монополия ва олигополияни ўз ичига олади.

Рақобат усуллари — рақобат курашида қўлланиладиган восита ва дастаклардан иборат бўлиб, бунда рақобат нарх воситасида ва нархсиз рақобатлашиш усуллари орқали амалга оширилади.

Нарх — бозор иқтисодиёти шароитида товар ва хизматларнинг ижтимоий қиймати ва ижтимоий нафлилигининг пулдаги ифодасидир.

Улгуржи нархлар — ишлаб чиқарувчилар томонидан товарлар катта партияларда бир йўла кўтарасига сотилганда қўлланиладиган нарх.

Чакана нархлар — товарлар бевосита истеъмолчиларга сотиладиган нархлардир.

Дотациялашган нарх — давлат бюджети ҳисобидан махсус арзонлаштирилган нархдир.

Демпинг нарх — бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва рақибларини сиқиб чиқариш учун фойдаланилиб, бозорга кириб олиш нархи деб ҳам аталади.

Нуфузли нарх — аҳолининг юқори даромад олувчи қатлами харид қиладиган товарларни сотишда қўлланилади.

Нарх диапазони — нархлар оралиғидаги фарқнинг пулдаги ифодаси.

Эркин нархлар — талаб ва таклиф таъсирида шаклланадиган нархлардир.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Рақобатнинг моҳияти ва мақсадини тушунтириб беринг.

2. Рақобатчилик муносабатларининг ривожланиши қандай босқичлардан иборат? Ҳар бир босқичда рақобатнинг хусусияти ва асосий белгиларини ажратиб кўрсатинг.

3. Рақобат шаклларига тушунча беринг ва уларнинг ҳар бирига хос белгиларини кўрсатинг.

4. Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобатнинг фарқини тушунтириб беринг.

5. Нархнинг иқтисодий мазмунини унинг вазифалари орқали тушунтириб беринг. Нархнинг асосий турларини қисқача тавсифланг.

6. Соф рақобат шароитида нархнинг ташкил топиш механизмини тушунтириб беринг.

IX БОБ. Тадбиркорлик фаолияти. Тадбиркорлик капитали ва унинг айланиши

Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган рақобатли иқтисодиётга ўтиш шароитида хўжалик бирликлари (корхона, фирма) доирасида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш турли хил шакл ва усулларда амалга оширилади.

Уларнинг ичида тадбиркорлик фаолияти алоҳида ўрин тутади ва бу фаолият туфайли мулкчиликнинг турли шакллари иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқади ва ўз эгасига даромад келтиради.

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда тадбиркорлик лаёқати иқтисодий ресурслар ҳисобланиб, инсон ресурсларининг таркибий қисмини ташкил қилади. Шу сабабли биз олдин тадбиркорлик қобилиятини иқтисодий ресурсларнинг бир тури сифатида қараб чиққан эдик. Бу ерда тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти, мақсади ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида амал қиладиган шаклларига батафсил тўхталамиз. Кейин тадбиркорлик капитали ва унинг ҳаракати таҳлилига ўрин берилади. Капитал ҳаракатида вужудга келадиган жараёнлар ва унинг намоён бўлиш шакллари ҳам таҳлил қилинади.

1-§. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, унинг вазифалари ва ривожланиш шарт-шароитлари

Тадбиркорлик фаолияти иқтисодий фаолиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Тадбиркорликнинг тарихи жуда узоқ ўтмишга бориб тақалсада, унинг ҳозирги замон тушунчаси XVIII асрда пайдо бўлган ва кўпинча «Мулкдор» ибораси билан бир хил тушунилган.

Кейинчалик реал хўжалик ҳаётида қатнашувчи капиталнинг мулкдор капиталдан ажралиб чиқиши натижасида «тадбиркорлик» тушунчаси «мулкдор» тушунчасига тўғри келмай қолади.

Ҳозирги замон Ғарб адабиётида ҳам тадбиркорликка фойда олиш мақсадини кўзлаб хўжалик юритиш санъати, иқтисодий ва ташкилий ижодкорлик, ташаббуснинг эркин намоён бўлиши, новатор-

лик, хавф-хатарга нисбатан тайёр бўлиш ва шу каби кўп қиррали томонлари билан қаралади.

Ҳозирги кунда бизнинг иқтисодий тафаккуримиз, аниқроғи бошқариш назарияси хам тадбиркорлик фаолиятини шундай тушуниш томон бормоқда.

Жумладан, "Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида таърифланишича, тадбиркорлик (тадбиркорлик фаолияти) — юридик ва жисмоний шахслар томонидан **мулкий маъсулият остида, мавжуд қонунлар доирасида, даромад (фойда) олиш мақсадида, таҳлика билан амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир**. Қисқа қилиб айтганда, *тадбиркорлик фаолияти фойда олишга қаратилган фаолиятдир.*

Тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун албатта, мулк эгаси бўлиш шарт эмас, у зарур воситаларни ижарага олиши, ссуда олиш ҳисобига иш юритиши мумкин.

Тадбиркор бозордаги талабни қондириш имкониятларини олдиндан кўра олади ва уларни қондириш ниятида зарур бўлган сармояларни жалб қилади, ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш жараёнида бирлаштиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида **ишлаб чиқаришда** фойдаланиладиган мулк ва бошқа бойликлар тадбиркорлик фаолиятисиз ўзини иқтисодий жиҳатдан тўла намоён қила олмайди ва шубҳасиз, товар ишлаб чиқарувчиларга етарлича даромад келтирмайди.

Тадбиркорлик фаолияти тушунчасининг мазмуни унинг тўртта ўзаро боғлиқ вазифасини аниқлаш билан тўлиқ тушунилади.

I. Тадбиркор фойда олиш мақсадида товар (ёки хизмат) ишлаб чиқаришнинг ягона жараёнида ер, сув, капитал ва меҳнат ресурсларини бирлаштириш ташаббусини олади. Шу билан бирга тадбиркор бир вақтда ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун бошқа ресурсларни бир жойда уйғунлаштирувчи ташаббускор ҳисобланади.

II. Тадбиркор бизнесни юритиш, фойдани кўпайтириш бўйича асосий қарорлар қабул қилади, бу қарорлар корхона фаолиятининг мақсадини аниқлаб беради.

III. Тадбиркор — юқори фойда орқасидан қувиб, янги маҳсулотлар, янги ишлаб чиқариш технологияси ёки ҳатто бизнесни ташкил қилишнинг янги шаклларини тижорат асосида жорий қилишга ҳаракат қилувчи ташаббускор шахс ҳисобланади.

IV. Тадбиркорлик фаолияти — бу таҳликага борувчи фаолиятдир.

Тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг шарт-шароитлари. Тадбиркорликнинг ривожланиши, ўз навбатида, бир қатор шароитларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади, улар асосида умуман товар ишлаб чиқаришнинг умумий ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ётади.

Биринчидан, тадбиркор хўжалик юритишда унинг бирон турини танлаш, ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш, уни ўзгаришларга мослаштириш, манбаларни танлаш, ресурс топиш, маҳсулот сотиш, уларга баҳо белгилаш, фойдани тасарруф қилиш ва шу кабилар бўйича маълум ҳуқуқ ва эркинликлар мавжуд бўлишини тақазо этади.

Иккинчидан, тадбиркор ишлаб чиқариш воситаларига, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадга мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиши керак. Тадбиркорлик фаолияти мулкдорнинг ўзи томонидан ҳам, унинг мол-мулки асосида иш юритувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Хўжалик юритиш ҳуқуқи, яъни мол-мулкидан фойдаланиш ва даромадни тасарруф қилиш тадбиркор томонидан такрор ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришининг муҳим шарт-шароитини ташкил қилади.

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятининг вазифаси нафақат фойда олишга, балки уни қайси мақсадларда ишлатиш ва самарали сарфлаш йўлларини топишга қаратилади, яъни у истеъмол-тақсимотчи нуқтаи назаридан эмас, балки юқори рақобатбардошлиликни сақлаб туриш, хўжаликни такомиллаштириш, кенгайтириш ва шу кабиларни амалга оширишга асосланади.

Учинчидан, хўжалик юритиш йўлини эркин танлаш, даромадни инвестициялаш имконияти ва шу кабиларни реал таъминлайдиган маълум иқтисодий муҳит ва ижтимоий-сиёсий шароит яратиши зарур.

Тўртинчидан, эркин тадбиркорлик, мулкчилик ва ўзлаштиришнинг турли-туман шакллари ва турларини тақозо қилади. Ўз навбатида турли-туманлиликнинг ўзи объектив ҳодиса бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши оқибати сифатида майдонга чиқади.

Етарли молиявий манбаларга, яхши маълумот ва малакали тайёргарликка эга бўлиш, умумий тижорат қонунчилиги, солиқ бўйича имтиёзлар, тадбиркорлик муҳити ва уни ривожлантиришда жамият манфаатдорлигининг мавжуд бўлиши тадбиркорликни ривожлантиришнинг навбатдаги шарт-шароитлари ҳисобланади.

Юқорида кўриб чиқилган барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган давлатларда тадбиркорлик яхши ривожланади, акс ҳолда фаолиятнинг бу тури хуфёна иқтисодиёт соҳасига ўтиб кетади.

2-§. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари

Ҳозир жаҳонда ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси ва ўзига хос томонларининг бекиёс даражада бир-бирига қўшилиб кетиши кузатилади. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ижтимоий, умумдавлат мақсадларида фойдаланадиган ва ниҳоят, жамоа, гуруҳ, хусусий ва шахсий мақсадларда ишлатиладиган турлари мавжуд. Шунга мос равишда тадбиркорликнинг турли-туман: давлат, жамоа, шахсий, хусусий, аралаш ва бошқа ҳосила шакллари ривожланади.

Ҳозир жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида давлат тадбиркорлиги мавжуд бўлиб, уларда миллий даромаднинг 20 фоизидан 50 фоизигача давлатлар улушига тўғри келади. Давлат корхоналари кўпинча мамлакат иқтисодиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ёки катта капитал қўйилмалар талаб қиладиган тармоқларда тузилади. Масалан, Англияда давлат сектори қора металлургия, кўмир қазиб чиқариш, аэрокосмик саноат, алоқа воситалари, темирйўл транспорти, электр ва газ билан таъминлаш каби соҳаларни қамраб олади. Ривожланаётган мамлакатларда давлат корхоналари миллийлаштирилган чет эл компаниялари базасида асосан саноатнинг кончилик тармоқларида тузилади. Ривожланаётган ва ривожланган кўпчилик мамлакатларда давлат компаниялари саноат фирмалари орасида пешқадам ҳисобланади.

Турли мамлакатларда давлат корхоналарининг ҳуқуқий мақоми турли-туманлиги билан анча фарқланади. Ҳатто бирор-бир мамлакатда барча давлат корхоналари фаолиятини тартибга солувчи ягона қонуний ҳужжат мавжуд эмас.

Юқорида кўриб ўтилган шароитлар асосида давлат корхоналарини учта гуруҳга бўлиш мумкин:

— бюджет корхоналари;

— давлат ишлаб чиқариш корхоналари;

— аралаш компаниялар.

Хўжалик мустақиллигига эга бўлмаган корхоналар **бюджет корхоналарига** киради. Ўзларининг ҳолати бўйича улар давлатнинг маъмурий-бошқариш тизимига киради ва бирон-бир вазирлик, маҳкама ёки маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига бевосита бўйсунади ёки уларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Улар олган фойда-

дан солиқ тўламайди. Барча даромад ва харажатлар давлат бюджети орқали ўтади.

Давлат ишлаб чиқариш корхоналари — бу корхоналарнинг анча кенг тарқалган ташкилий, ҳуқуқий шаклидир. Улар мол-мулкка эга бўлиб, хўжалик фаолияти билан бирга давлат томонидан белгиланган доирада бошқариш ва тартибга солиш вазифаларини ҳам бажаради, яъни давлат корпорациялари ўзида тижорат корхоналари ва давлат органлари белгиларини мужассамлаштиради.

Аралаш компаниялар. Улар ҳиссадорлик жамиятлари ва мажбуриятлари чекланган ширкатлар шаклида ташкил қилиниб, акциялари давлатга ва хусусий омонатчиларга тааллуқли бўлади. Аралаш компаниялар ҳиссадорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун асосида иш юритади ва юридик шахс ҳисобланади, хўжалик фаолиятида хусусий фирмалар билан баробар тижорат асосида қатнашади. Шу билан бирга, улар хусусий фирмаларга нисбатан маълум имтиёзлардан фойдаланади. Булар давлат томонидан пул ва дотациялар бериш, чет эл лицензияларини енгил шартлар билан олиш, бошқа давлат корхоналари билан хом ашё ва ярим фабрикатларни қатъий белгиланган баҳоларда етказиб бериш, ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш учун бозор билан таъминланганлик ва шу кабилар.

Ҳамма вақт корхона (фирма) жамоа тадбиркорлигини амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий категория сифатида корхона ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил қилишнинг асосий бирламчи бўғини ҳисобланади. Ҳуқуқий нуқтаи назаридан корхона деганда юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик юритиш субъекти тушунилади. Улар ўзига бириктирилган мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаради ва сотади, ишларни бажаради ва хизматлар кўрсатади. Корхоналарнинг мулкчилик мавқеидан ташқари хилма-хил ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳам мавжуд бўлади. Корхоналар хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ишлаб чиқариш кооперативлари, жамоа корхоналари, ижара корхоналари, хўжалик бирлашмалари шаклида тузилиши мумкин.

Кооператив тадбиркорлик — жамоа тадбиркорлигининг алоҳида шакли бўлиб, жамоа мулкига асосланади ва кооперация аъзоларининг унинг фаолиятида ўз меҳнати билан иштирок этишини тақазо қилади. Кооператив мулкчиликка асосланган тадбиркорликнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: ишловчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита қўшилиши (хусусий мулкчилик-

да бундай қўшилишда мулкдор, давлат мулкчилигида эса давлат воситачи ҳисобланади); кооперация аъзоларининг ишлаб чиқариш воситаларидан кенг фойдалана олиши; уларнинг иқтисодий жиҳатдан тенг ҳуқуқлилиги; жамоанинг ўз-ўзини бошқаришни амалга ошириши; жамоа ва шахсий манфаатларнинг уйғунлиги юзага келиши ва ҳ. к.

Хусусий тадбиркорлик алоҳида шахс ёки корхона томонидан хусусий ташаббус асосида ташкил қилинади. Тадбиркорликнинг бу шаклида мулк ва ишлаб чиқариш натижалари хусусий шахсларга тегишли бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёлланма меҳнатга асосланади.

2001 йил Республикамизда 63 мингга яқин корхоналар хусусий тармоқ вакиллари сифатида фаолият кўрсатди. Бир йил давомида хусусий тармоқда рўйхатга олинган корхоналар сони 1,5 мингга кўпайди. Уларнинг ярмидан кўпроғи хизмат кўрсатиш соҳасида, ҳар олтитадан биттаси эса саноат соҳасида фаолият кўрсатмоқда. Тараққий этган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, хусусий тармоқ одатда кичик ва ўрта бизнес хамда хизмат кўрсатиш соҳаларида ривожланади. Бундай давлатларда хусусий тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50-60 фоизни ташкил этади. Меҳнат билан банд бўлган аҳолининг 60-70 фоизи эса айнан мана шу соҳада фаолият кўрсатади.

Ҳозирча республикамизда хусусий секторнинг улуши ялпи ички маҳсулотимизда фақатгина 35 фоизни, аҳолини иш билан таъминлашда эса 30 фоизини ташкил қилади[1].

Шахсий тадбиркорлик шахсий мулкка асосланади, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ўзи ёки оила аъзолари меҳнати асосида амалга оширилади. Шахсий корхона эгаси унинг менеджери ҳам ҳисобланиб, корхонанинг барча мажбуриятлари учун шахсий жавобгар бўлади. Хўжалик ҳуқуқи нуқтаи назаридан шахсий тадбиркорлик ҳуқуқий шахс ҳисобланмайди, шу сабабли унинг эгаси чекланмаган масъулиятга эга бўлиб, фақат фуқаролардан олинадиган даромад солиғини тўлайди. Бу одатда кичик магазин, хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар, деҳқон хўжаликлари ҳамда ҳуқуқшунос ва ҳакамларнинг малакавий доирасида ташкил қилинган тадбиркорликдир.

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001 йил.

Ўзбекистонда кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг минтақавий дастурларини амалга ошириш натижасида фақат 2000 йилнинг ўзида 39,8 мингга яқин корхоналар, жумладан, 12,7 минг фермер хўжаликлари юзага келтирилди. «... агар 1998 йилда бу соҳанинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши атиги 1,5 фоиз бўлган бўлса, 2000 йил натижаларига кўра, бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этди»[1].

Ҳозирги кунда бутун мамлакат иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 53 фоиздан кўпроғи кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда.[2]

Тадбиркорликнинг ташкилий-иқтисодий шакллари тадбиркорлар фаолиятини ташкил қилиш соҳаси бўйича келишувларни тавсифлайди. Улардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Картел — бир тармоқ тадбиркорлари ўртасидаги нархлар, маҳсулот сотиш бозорлари, ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги уларнинг улушлари, маҳсулот ўлчамлари ва шу кабилар ҳақидаги келишувдир;

Синдикат — бир тармоқ тадбиркорлари томонидан ортиқча рақобатни бартараф қилиш, барқарор фойда олиш мақсадида маҳсулот сотишнинг бирлаштирилиши;

Консорциум — тадбиркорларнинг йирик молиявий операцияларини биргаликда амалга ошириш мақсадида бирлашуви (масалан, йирик миқёсли лойиҳаларга жуда катта миқдорда ва узоқ муддатли кредит бериш ёки инвестициялар қўйиш);

Концерн — қатнашиш тизими орқали корхоналарни назорат қилувчи кўп тармоқли ҳиссадорлик жамияти.

Тадбиркорликнинг санаб ўтилган ташкилий-иқтисодий шакллари, бозорни назорат қилиш учун монополистик бирлашмалар ҳисобланади. Шу сабабли, давлат рақобатчилик муҳитини таъминлаш учун монополияларга қарши қонунлар қабул қилди. Табдиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг муҳим шаклларидан бири *ҳиссадорлик (акционерлик) жамиятларидир.*

Анча катта ва йирик ишларни бажаришлари учун кишилар ўзларининг меҳнатини, меҳнат қуроллари ва бошқа ишлаб чиқариш

---

[1] *Каримов И.А.* Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш — тараққиёт гарови. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, 18 июл 140-сон.

Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 63-бет.

воситалари ҳамда пул ресурсларини (капиталлар) бирлаштиришлари лозим бўлади. Жамоа кучини шу асосда бирлаштириш натижасида турли хил иттифоқлар (уюшмалар) вужудга келадики, улар илмий адабиётларда, қонуний битимларда «жамият» деб атала бошланди.

Жамият умумий тушунча, уларнинг шакли иқтисодий мазмуни, фаолиятининг мақсади ва ҳуқуқий мажбуриятлари ҳар хил бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда корхоналарни ҳиссадорлик шаклда ташкил қилиш жаҳон хўжалиги ва аввало йирик ишлаб чиқаришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. АҚШ, Япония ва Ғарбий Европадаги барча етакчи мамлакатларда ҳиссадорлик жамиятлари саноат, савдо, сугурта иши ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида корхоналарнинг етакчи ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб қолди.

Акция чиқариш ва уни эркин жойлаштириш ҳиссадорлик муносабатларининг муҳим томонларидан бирини ташкил қилади.

Акция — бу унинг эгаси ҳиссадорлик жамияти капиталига ўзининг маълум ҳиссасини қўшганлигига ва унинг фойдасидан дивиденд шаклида даромад олиш ҳуқуқи борлигига гувоҳлик берувчи қимматли қоғоздир. Бундан ташқари, акция корхонани бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини ҳам беради.

Акция курси. Акциялар махсус товар сифатида сотилади ва сотиб олинади, шу сабабли баҳога эга. **Акцияда ифодаланган пул суммаси унинг номинал қиймати** дейилади, **акция бозорида сотиладиган баҳо акция курси дейилади**. Акция курси олинадиган дивиденд миқдорига тўғри пропорционал фоиз миқдорига эса тескари пропорционалликда бўлади. Харидор бу акция бўйича олинадиган даромади банкка қўйилган пулдан келадиган фоиздан кам бўлмаса, уни сотиб олади.

Акция курси қуйидагича аниқланади:

$$\text{Акция курси} = \frac{\text{дивиденд}}{\text{ссуда фоизи}} \times 100$$

Ссуда фоизи ўсганда акция курси тушади. Агар дивиденд ссуда фоизига қараганда юқори даражада ўсса, акция курси кўтарилади. Акциянинг ҳақиқий бозор курсига дивиденд ва ссуда фоизи даражаси билан бирга, шу акцияга талаб ва таклиф нисбати ҳам таъсир қилади. Ҳиссадорлик жамиятлари акция билан бирга облигация ҳам чиқаради.

Облигация — унинг эгаси жамиятга қайд қилинган фоиз олиш шарти билан пул қўйганлигини тасдиқлайди. Облигация ҳиссадорлик жамияти молиявий маблағларини кўпайтириш учун чиқарилади.

Акция эгаси корхона мулкдори, облигация эгаси эса унинг кредитори ҳисобланади. Ундан ташқари, облигация акциядан фарқ қилиб, ўз эгасига йиллик кафолатланган даромад келтиради, аммо ҳиссадорлик жамияти ишларини ҳал қилишда овоз бериш ҳуқуқини бермайди. Облигациялар бўйича тўланадиган даромад одатдаги ссуда фоизи миқдоридан ортиқ бўлмайди. Унинг қиймати ҳиссадорлик жамияти томонидан маълум муддат ўтиши билан тўланади. Акцияга қўйилган маблағ облигацияга жойлаштирилгандан фарқ қилиб, акционер талаби бўйича қайтарилиши мумкин эмас ва фақат сотиш орқали қопланади.

Таъсисчилик фойдаси. Ҳиссадорлик жамиятининг ташкил топиши таъсисчилик фойдаси каби даромад турининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Таъсисчилик фойдаси сотилган акциялар суммаси ва ҳиссадорлик корхонасига ҳақиқатда қўйилган маблағ миқдори ўртасидаги фарқдан иборат.

Дивиденд. Ҳиссадорлик корхонасида таъсисчилик фойдаси билан бир қаторда дивиденд каби даромад тури шаклланади. Дивиденд (лотинча **dividendus** — бўлишга тегишли) — акция эгасига тўланадиган даромад. Дивиденд воситасида акция эгаси қимматли қоғознинг шу турига қўйилган пул маблағлари (капитал)нинг тегишли қисмига ўзининг мулкчилик ҳуқуқини иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқаради. Дивиденд орқали фақат ҳиссадорлик жамияти олган фойданинг бир қисми тақсимланади. Унинг бошқа қисми жамғаришга, солиқ тўлашга ва шу кабиларга кетади. Дивиденд миқдори олинадиган фойда ва чиқарилган акция миқдорига боғлиқ ва ҳамда одатда ссуда фоизидан юқори бўлади.

Одатдаги акциялар бўйича дивиденд миқдори ҳиссадорлик жамияти жорий йилда олган фойда миқдорига боғлиқ. Имтиёзли акциялар бўйича дивиденд миқдори эса жорий йилдаги фойда миқдоридан қатъи назар қайд қилинган фоиз шаклида ўрнатилади. Жамият тугатилган тақдирда имтиёзли акция эгасига акция қўйилган маблағ унинг номинал қиймати бўйича қайтарилади.

Ҳозирги кунда бизнинг республикамизда корхоналарни акционерлаштиришнинг иккита йўналиши таркиб топди: биринчи йўналишда ўзининг ҳуқуқий мақоми ўзгартирмайдиган, давлат мулки бўлиб қоладиган корхоналар, иккинчи йўналишда ўзининг ҳуқуқий

статусини ўзгартириб тўлиқ ҳиссадорлик жамиятига айланган корхоналар акция чиқаради.

Республикада ҳиссадорлик жамиятларни ривожлантиришнинг асосий йўналиши давлат мулкчилигидаги йирик ва ўрта корхоналарни кенг кўламда ҳиссадорликка ўтказиш, улар негизида очиқ ҳиссадорлик жамиятларини тузиш ҳисобланади. Шу билан бирга илгари тузилган ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари очиқ турдаги жамиятлар қилиб қайта тузилиши кўзда тутилган. Бунинг маъноси шуки, ҳиссадорликка ўтиш жараёни республика аҳолисининг кенг қатламлари учун, шунингдек, ҳорижий жисмоний ва ҳуқуқий шахслар учун очиқ бўлиши лозим. Бунга қимматли қоғозларнинг очиқ савдосини ўтказиб туриш, фонд биржасининг фаолиятини кенгайтириш, инвестиция компаниялари, инвестиция фондлари, клиринг ва агентлик тармоқларини ташкил қилиш орқали қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини вужудга келтириш орқали эришилади.

3-§. Тадбиркорлик капиталининг ҳаракати ва унинг босқичлари

Тадбиркорликнинг ҳар қандай шаклн ўз фаолиятини амалга ошириш учун маълум миқдордаги ишлаб чиқариш воситаларига ва молиявий маблағларига эга бўлиши зарур. Бу восита ва маблағлар фойда олиш мақсадида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёни учун зарур бўлади.

Тадбиркор ихтиёридаги барча моддий воситалар, товарлар ва пул маблағлари биргаликда тадбиркорлик капитали деб аталади. Узоқ йиллар давомида бизнинг хўжалик амалиётимизда ва иқтисодий атамашунослигимизда у корхона маблағлари (ишлаб чиқариш фондлари) деб қабул қилинди ва шу тушунча билан юритилди. Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ҳозирги даврда барча мулкчиликка асосланган корхоналар (шу жумладан, давлат корхоналари ва муассалар) ўзларини тадбиркорликнинг у ёки бу шакли сифатида намоён қилади. Шу сабабли, биз ҳам, улар ихтиёридаги ишлаб чиқариш воситалари, товарлар ва пул маблағларини тадбиркорлик капитали ёки қисқача капитал деб айтамиз. Тадбиркорлик капитали ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида доимо ҳаракатда бўлади ва бу ҳаракат жараёнида бир қатор босқичларни босиб ўтади.

Пул капиталнинг иқтисодий фаолият омилларига сарфланиши, уларнинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши, ишлаб чиқарилган то-

варларнинг сотилиши ва маблағларнинг дастлабки шаклига қайтиши каби босқичларни ўз ичига олган ҳаракати унинг доиравий айланишини ташкил қилади.

Ишлаб чиқаришга сарфланадиган ҳар қандай сармоя ўз ҳаракатини **пул шаклидан** бошлайди. Пул (П) тегишли ресурслар бозоридан зарур товарлар, яъни ишлаб чиқариш воситалари (Ив) ва ишчи кучи (Ик) сотиб олишга сарфланади (авансланади). Бу ҳолда пул шунчаки товарлар сотиб олишгагина эмас, балки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иқтисодий фаолият омилларини сотиб олишга сарфланади. Ушбу муомала соҳасида пул капитали ўз ҳаракатининг **биринчи босқичидан** ўтади.



Мазкур жараён натижасида пул шаклидаги маблағлар унумли капитал шаклига айланади ва улар ишлаб чиқариш жараёнининг потенциал омиллари ҳисобланади. Капитал ҳаракатида **иккинчи босқич** ишлаб чиқариш (Ич) жараёни ҳисобланиб унинг натижасида унумли капитал товар (Т) шаклини олади. Бу ерда ҳосил қилинган товарлар қиймати ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучига сарфланган қийматдан ортиқ бўлади, яъни



Чунки ҳосил қилинган товарлар қийматида ишлаб чиқариш воситаларининг кўчган қиймати, ишчи кучи қийматининг эквиваленти ва улар томонидан вужудга келтирилган қушимча маҳсулот қиймати ҳам мавжуд бўлади.

Учинчи босқичда ишлаб чиқарилган товарларни сотиш содир бўлади Т→П ушбу босқичда товарлар пулга айланади ва ўзининг дастлабки шаклига қайтиб келади. Дастлаб пул шаклида сарфланган маблағ яна пул шаклида, аммо миқдор жиҳатидан кўпроқ бўлиб қайтади.

Шу сабабли уни П' = П+п кўринишида ифодалаш мумкин.

Товарларни сотишдан тушган пул капитали яна ишлаб чиқариш омиллари сотиб олиш учун сарфланади ва шу тариқа юқоридаги ҳаракат тўхтовсиз такрорланаверади.

Тадбиркорлик капитали ўз ҳаракатида уч босқични изчил босиб ўтиб, мунтазам равишда бир шаклидан бошқа бир шалкига айланиб,

яна дастлабки шаклига қайтиб келиши унинг доиравий айланиши дейилади.

Тадбиркорлик капитали доиравий айланишининг яхлит кўриниши қуйдагича бўлади:



Доиравий айланишнинг биринчи ва учинчи босқичлари муомала соҳасида, яъни ресурслар ва товарлар бозарида, иккинчи босқичи ишлаб чиқаришда рўй беради.

Ҳар бир босқичда капитал муайян ҳаракат шаклига киради. Биринчи босқичда у пул шаклида, иккинчи босқичда унумли ёки ишлаб чиқариш омиллари ва учинчи босқичда товар шаклида юзага чиқади. Капитал доиравий айланиш жараёнида, унинг ҳар бир шакли алоҳида вазифани бажаради ва шунга кўра улар капиталнинг ҳаракат шакллари дейилади.

Капитал пул шаклининг ҳаракати иқтисодий фаолият учун зарур шарт-шароитлари яратишдан иборат. Бунга пулни ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучи сотиб олишга аванслаш орқали эришилади. **Капитал унумли шаклининг ҳаракати товарлар ишлаб чиқариш ва худди шу жараёнда қийматнинг ўсишига эришишни таъминлаш вазифасига қаратилади.**

Капитал товар шаклининг ҳаракати орқали ишлаб чиқарилган товарлар қийматининг баҳо шаклида рўёбга чиқиши содир бўлади ва ўсган қийматнинг пулга айланиши билан тадбиркорнинг фойда олиш мақсади таъминланади.

Ишлаб чиқариш узлуксиз давом этиши учун тадбиркорлик капитали ўзининг бир шаклидан бошқа бир шаклига айланиб туриши ва айни пайтда ҳар учала шаклда ҳам мавжуд бўлмоғи лозим. Агар тадбиркорлик капитали бу шаклларнинг бирортасида тўхтаб қолгудек бўлса, унинг ҳаракатидаги узлуксизлик бузилади.

Тадбиркорлик капиталининг ҳар учала шакли бир вақтда ўз доиравий айланишига эга бўлади.

Тадбиркорлик капитали пул шаклининг доиравий айланиши:



Унумли капиталнинг доиравий айланиши:



Тадбиркорлик капитали товар шаклининг доиравий айланиши



Маблағлар пул шаклининг доиравий айланиши учун босқичларнинг шундай изчилликда (бозор — ишлаб чиқариш — бозор) бўлиши хоски, бунда ишлаб чиқариш муомаланинг бир-бирини тўлдириб турадиган икки босқичи (П→Т ва Т→П) ўртасида бўлади, шунингдек, доиравий айланиш бошларида пул шаклида авансланган маблағ унинг охирида яна ўша шаклга қайтади.

Тадбиркорлик капитали унумли шаклининг доиравий айланиши ишлаб чиқаришнинг муоммалага нисбатан етакчи рол ўйнашини очиб беради: ишлаб чиқариш биринчи ўринга қўйилади, ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қийматлари ташкил топади.

Капитал ўз ҳаракатини қандай ижтимой-иқтисодий шаклларда амалга оширмасин, улар учун юқорида таъкидлаганимиздек, доиравий айланиш ва унинг босқичларининг ҳаракат кўриниши умумий. Шу билан бирга хўжалик юритишнинг айрим шаклларида тадбиркорлик капиталининг доиравий айланиши, уларнинг босқичлари ва ҳаракат шакллари ўзларининг иқтисодий мазмуни жиҳатидан фарқланади.

4-§. Тадбиркорлик капиталининг айланиши. Асосий ва айланма капитал

Тадбиркорлик капиталининг ҳаракати бир доиравий айланиш билан тўхтаб қолмайди, балки у узлуксиз давом этиб, такрорланиб туради. **Доиравий айланишларнинг бундай узлуксиз такрорланиб, янгиланиб туриши тадбиркорлик капиталининг айланиши дейидилади.**

Капиталнинг айрим қисмлари турли тезликда ҳаракат қилиши туфайли сарфланган маблағларнинг айланиш тезлиги турлича бўлади. Масалан, унумли истеъмолда бўлган хом ашё ва материаллар қиймати, бир доиравий айланишдан кейин бошқа қисми масалан,

асосий воситалар қиймати бир неча доиравий айланишдан кейин ўзининг бошланғич шаклига қайтади.

Капитал ўзининг айланиш хусусиятига қараб икки қисмга: асосий ва айланма капиталга бўлинади.

Асосий капитал — ишлаб чиқариш жараёнида бир нечта доиравий айланишлар давомида қатнашади, ўзининг қийматини тайёрланаётга маҳсулотга (хизматга) бўлиб-бўлиб аста-селинлик билан ўтказиб боради ва ашёвий-буюм шаклини ўзгартирмайди.

Айланма капитал — бир доиравий айланиш давомида тўлиқ истеъмол қилинади, ўзининг қийматини ишлаб чиқариш натижаларига тўлиқ ўтказади ва ашёвий-буюм шаклини ҳам йўқотади.

Асосий ва айланма капиталлар фарқланиши асосида қуйидаги белгилар ётади:

1. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳаракат қилиш хусусиятлари. Асосий капитал тайёрланаётган маҳсулот моддий таркибига буюм жиҳатдан кирмайди, узоқ давр давомида фаолият қилади (масалан, станок—10 йил, бино—50-100 йил), ўзининг олдинги натурал-буюм шаклини бир нечта доиравий айланишлар давомида сақлаб қолади. Аксинча айланма капитал (масалан, пахта, жун, металл) ҳар бир доиравий айланишда тўлиқ унумли истеъмол қилинади, ўзининг буюм-ашёвий шаклини йўқотади ва янги турлари билан алмашинади.

2. Қийматини ишлаб чиқариш натижаларига ўтказиш хусусияти. Асосий капитал ишлаб чиқариш жараёнида қатор йиллар давомида фаолият қилади уларнинг қиймати товарларга қисман ўтиб боради. Агар станок 10 йил, бинолар эса 50 йил давомида фойдаланилса, бунда ҳар йили маҳсулот қийматига станок қийматининг 1/10 ва бино қийматининг 1/50 қисми киради. Хом-ашё ва материаллар ёқилги ва энергия каби айланма капитал элементлари ҳар бир доиравий айланишда тўлиғича унумли истеъмол қилинади ва уларнинг қиймати маҳсулот ва хизматлар қийматига тўлиғича ўтади.

3. Капитал қийматининг айланиш усули. Қийматнинг айланиш усули бўйича асосий капитал қиймати иккига бўлинади, қийматнинг маҳсулотга ўтган қисми товарлар ва хизматлар билан бирга муомалада бўлади ва доиравий айланиш жараёнида товар шаклидан пул шаклига ўтади, хамда қоплаш фонди шаклида аста-секин жамгарилади, маҳсулотга ўтмаган қисми ишлаб чиқариш доирасида мавжуд бўлган асосий капиталда гавдаланганича қолаверади. Истеъмол қилинган меҳнат предметлари қиймати тўла-тўкис айланиб, янги маҳсулотлар қиймати таркибига киради. Меҳнат воситалари ўз айла-

ниши давомида бир қатор изчил доиравий айланишларда иштирок этади, ваҳоланки меҳнат предметларининг айланиш вақти бир доиравий айланиш даврига тўғри келади.

4. Қайта тикланиш усули. Қайта тикланиш усулида асосий капиталнинг ишлаб чиқариш натижларига ўтказилган қиймати, бу воситалар бир қатор доиравий айланишларни ўз ичига олган муайян давр давомида едирилиб, ишдан чиққандан кейин пул шаклидан янги асосий капитал шаклига айланади. Айланма капитал ҳар бир доиравий айланишдан кейин ашёвий буюм шаклида қайтиб тикланади.

Барча меҳнат воситалари асосий капитал таркибига кирмасдан фақат уларнинг инсон меҳнати билан вужудга келтирилган қисми шундай капитал ҳисобланади. Шу сабабли ер, ўрмонлар ва бошқа табиий ресурслар меҳнат воситалари ҳисобланса да одатда асосий капитал таркибига кирмайди.

Шу билин бирга муомала доирасида ищлаб чиқариш жараёни маълум даражада давом этганлиги туфайли бу ерда ҳам қўшимча унумли капитал масалан, музлатиш ускуналари, қадоқлаш, ўлчаш машиналари, идиш материалари ва бошқалар мавжуд бўладики, булар ҳам асосий ва айланма капиталга бўлинади.

Тадбиркорлик капитали ўз ҳаракатида ишлаб чиқариш ва муомала босқичларини босиб ўтади. Шу сабабли унинг айланиш вақти (Ав) ишлаб чиқариш вақти (Ив) ва муомала вақти (Мв) йигиндисидан иборат:

$$Ав=Ив+Мв$$

Сарфланган маблағларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бўлиш вақти, яъни ишлаб чиқариш воситалари сотиб олингандан тайёр товар бўлган даврга ча ўтган вақт ишлаб чиқариш вақтини, муомала жараёнида бўлиш вақги, яъни ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш ва тайёр товарларни сотиш учун кетган вақт муомала вақтини ташкил этади. Ишлаб чиқариш вақти уч қисмдан иборат бўлади.

1. Бевосита меҳнат жараёни ёки иш даври (Ид).
2. Турли танаффуслар даври (Тд).
3. Ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқариш захирларида бўлиш даври (Зд)

$$Ив=Ид+Тд+Зд$$

Иш даври — ишлаб чиқариш вақтининг асосий таркибий қисмидир. Бу вақт давомида маҳсулот меҳнатнинг бевосита таъсири остида бўлади. Иш даврининг узунлиги ишлаб чиқариладиган маҳсулот хусусиятига, қўлланиладиган меҳнатнинг миқдори ва унинг унумдорлиги даражасига боғлиқдир.

Танаффусларни икки сабаб: табиий жараёнларнинг меҳнат буюмларига таъсир кўрсатиш зарурлиги ва ташкилий сабаблар тақазо этади. Биринчи ҳолда, меҳнат буюмлари у ёки бу даражада узоқ давом этадиган жисмоний, кимёвий ва биологик жараёнларнинг таъсири остида бўлади. Бунинг натижасида муайян фойдали самарага эришилади ёки истеъмол қийматларининг шакли ўзгаради. Бунда меҳнат жараёни қисман ёки тўлиқ тўхтайди, ишлаб чиқариш жараёни эса давом этади. Ташкилий сабабларга кўра танаффуслар вақти корхоналарнинг иш режими билан, шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш хусусиятлари билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш воситаларининг **захира ва эҳтиётлар сифатида бўлиш вақти** бу, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган даврдир. Тез қуритадиган, тез ачитадиган, умуман технологик жараёнларни тезлаштирадиган янги техника ва технологияларнинг қўлланилиши танаффус даврининг ва бинобарин ишлаб чиқариш вақтининг қисқаришига олиб келади. Транспорт шахобчаларини ривожлантириш, хўжалик алоқаларининг самарали тизимини белгилаш, ишлаб чиқариш воситалари бозорини шакллантириш, эҳтиёжларни пухта ҳисобга олиш, муомала вақтини қисқартириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Капиталнинг айланиш тезлиги улардан фойдаланиш самарадорлигига жиддий таъсир қилади. Айланиш тезлиги муайян давр ичида (А) қилинган айланишлар сони (п) ёки бир айланишнинг узунқисқалиги (а) билан белгиланади: П=А/а; а=А/П.

Агар капитал айланиш узунлиги уч ойни (90 кунни) ташкил этса, у вақтда п=12/3=4; а=360/4=90 кун бўлади.

Турли соҳаларда капиталнинг айланиш вақти уларнинг ишлаб чиқариш ва муомаладаги шароитига қараб турлича бўлади. Масалан, енгил саноатда банд бўлган капиталнинг айланиш вақти, кемасозлик ва машинасозлик саноатларидаги капиталнинг айланишига нисбатан қисқа бўлади.

Авансланган қийматнинг айланиш тезлиги кўпгина омилларга боғлиқ. Булардан энг муҳимлари: унумли капиталнинг қандай нисбатда асосий ва айланма капиталга бўлинишидир. Шу сабабли асосий ва айланма капитал тушунчалари иқтисодий мазмунини қараб чиқамиз.

5-§. Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш самарадорлиги

Тадбиркорлик капитали таркибида асосий капитал, белгиловчи рол ўйнайди. Унинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўсиши, такомиллашиб бориши ишлаб чиқаришнинг юксак техника даражасини таъминлайди ва шу асосда самарадорлигини ўстиради.

Асосий капиталнинг миқдор жиҳатдан ўсиши унга қўйиладиган инвестициялар ҳажмига, сифат жиҳатдан такомиллашиши эса инвестицияларнинг таркибига боғлиқ бўлади. 2000 йил республикада асосий капиталга қўйилган инвестициялар хажми 696,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, унинг 386,5 млрд. сўми ёки 55,5 фоизи ишлаб чиқариш объектларини қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техникавий қуроллантириш ишларига сарфланган[1]. Таъминланиш манбалари бўйича асосий капиталга қўйилган инвестициялар таркиби қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

8-жадвал

Ўзбекистонда асосий капитал учун инвестицияларнинг таъминланиш манбалари[2] (2000 йил)

Кўрсаткичлар	Жами инвестициялар	Шу жумладан				
		Бюджет маблағлари	Аҳоли ва корхона маблағлари	Банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлар	Чет эл инвестициялари (кредитлар билан бирга)	Бошқа манбалар
Млрд. сўм	696,3	210,9	272,3	52,2	151,1	9,7
% ҳисобида	100,0	30,3	39,1	7,5	21,7	1,4

Миллий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан асосий капиталнинг миқдорий ўсишига эмас, балки ундан олинадиган самарани оширишга, яъни асосий капиталнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга боғ-

---

[1] Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари.

[2] Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари асосида ҳисобланган.

миқдир. Капиталнинг самарадорлик даражаси турли омилларнинг таъсири остида шаклланади, улар орасида: асосий капиталнинг таркиби (тармоқ таркиби, турлар бўйича таркиби); асосий капиталдан фойдаланиш ва тақсимлаш самарадорлиги; эскирган меҳнат воситаларини янгилари билан алмаштириш йўллари ва усуллари муҳим аҳамиятга эга.

Асосий капиталнинг тармоқ таркиби уларнинг айрим тармоқлар бўйича тақсимланиши ва капиталнинг умумий қийматидан ҳар бир тармоқнинг ҳиссаси билан тавсифланади. Агар асосий капитал таркибида кўпроқ техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш самарадорлигини белгилайдиган тармоқларнинг улуши ошса, уларнинг тармоқ таркибининг яхшиланганлигини билдиради.

Асосий капиталнинг турлари бўйича таркиби уларнинг умумий қийматида, ҳар бир турларининг ҳиссаси ва нисбати билан тавсифланади.

Асосий капиталнинг айрим турлари ишлаб чиқаришда ўз иштироки бўйича бир хил рол ўйнамайди. Агар бинолар асосан ишлаб чиқариш жараёнининг бир меъёрда боришини таъминлаб меҳнатнинг умумий шароитини ташкил қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлигига билвосита таъсир кўрсатса, меҳнат қуроллари (иш машиналари, ускуналар ва бошқалар) ишлаб чиқариш жараёнида фаол рол ўйнайди ва ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Асосий капиталнинг мулк шакллари бўйича таркиби, капиталнинг умумий қийматида ҳар бир мулк шаклининг ҳиссаси билан тавсифланади.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши, давлат мулкини унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида асосий капиталнинг мулк таркибида давлат мулкининг улуши камайиб, бошқа мулкчилик шакллари ва шу жумладан, хусусий мулкнинг улуши ортиб боради. Бу ўз ифодасини мулкчилик шалклари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибида ҳам топади. Республикада мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга қўйилган инвестицион маблағлар таркиби қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади (9-жадвал).

Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш ўзаро боғланган ички жараёнларга: асосий капитал эскириши, амортизация жараёни ва амортизация фондидан меҳнат воситаларини жисмоний шаклда тиклаш учун фойдаланишга таянади.

Меҳнат воситалари **жисмоний эскиришининг икки шакли мавжуд: улардан фойдаланиш жараёнида** ва **ҳаракатсиз туриш натижасида,** табиий кучларнинг таъсирида жисмоний эскириш.

9-жадвал

Ўзбекистонда асосий капиталга қўйилган инвестицион маблағларнинг мулкчилик шакллари бўйича таркиби (% ҳисобида)[1]

№	Мулкчилик шакллари	Йиллар		
		1997	1998	2000
1.	Давлат мулки	67,7	59,4	65,4
2.	Нодавлат мулки	32,3	40,6	34,6
	ундан:			
	хусусий	10,1	19,1	15,4
	ҳиссадорлик	8,1	8,0	11,1
	қўшма (аралаш)	9,9	9,9	6,8
	бошқа шакллари	4,2	3,6	1,3
	Жами	**100,0**	**100,0**	**100,0**

Меҳнат воситалари ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш натижасида жисмоний эскирганда, улар техник, ишлаб чиқариш хоссасини ва истеъмол қийматини аста-секин йўқотиб боради. Айни вақтда асосий капитал табиий кучларнинг таъсирида жисмоний эскириши ҳам мумкин. Бундай эскириш қиймати қопланмайди ва у йўқотишни билдиради. Бу йўқотиш асосий капиталнинг ҳаракатсиз туриш натижасидаги эскиришига тенг бўлади.

Меҳнат воситалари жисмоний эскириш билан бирга **маънавий жиҳатдан** ҳам эскиради. Маънавий эскиришнинг **икки хил тури** мавжуд бўлиб, у бир-биридан фарқ килади.

Маънавий эскиришнинг биринчи тури меҳнат воситалари тайёрланадиган тармоқларда меҳнат унумдорлиги ошганлиги натижасида **улар қийматининг пасайишида** ифодаланади. Бу ишлаб турган ускуналарни янгилари билан алмаштиришни зарур қилиб қўймайди, чунки ишлаб турган ва янги ускуналарнинг техника даражаси бир хил бўлиб қолаверади. Бироқ, анча паст қийматга эга бўлган меҳнат воситаларининг кенг қўлланиши шунга олиб келадики, илгари сотиб олинган меҳнат воситалари қийматининг бир қисми йўқо-

[1] Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари асосида ҳисобланган.

лади. Масалан, агар олдин бирон та ускуна 100 минг сўмга олиб келиб ўрнатилган бўлса, бу йил уни 70 минг сўмга сотиб олиш мумкин бўлади. Шунда олдинги ускунага сарфланган қийматнинг 30 фоизи йўқолади.

Маънавий эскиришнинг иккинчи турида анча мукаммал, арзон ва унумли машиналарнинг ишлаб чиқаришга кириб келиши билан илгари ўрнатилган меҳнат воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмай қолади ва натижада улар янгилари билан алмаштирилади. Маънавий эскиришдан кўриладиган зарарнинг олдини олишнинг асосий йўли меҳнат қуролларидан анча самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Амортизация ва унинг нормаси. Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларнинг бир қисми амортизация фонди ёрдамида қопланади.

Амортизация асосий капитал эскириб боришига қараб, унинг қийматини аста-секин ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказиш, асосий капитални кейинчалик қайта тиклаш мақсадларида маҳсулотнинг амортизация миқдорига тенг қисмини жамғариш жараёнидан иборат. Асосий капиталнинг эскириши билан амортизация ўртасида мустаҳкам алоқа бор. Бироқ булар бир хил тушунчалар эмас. Эскириш меҳнат воситаларидан фойдаланиш вақтида уларнинг техник-ишлаб чиқариш хоссаларини аста-секин йўқотиш жараёнини акс эттиради. Амортизация анча мураккаб жараён бўлиб, истеъмол қилинган меҳнат воситалари қийматини уларнинг эскиришига мувофиқ равишда маҳсулотга ўтказиш, истеъмол қилинган меҳнат воситаларининг ўрнини қоплаш мақсадида пул фондини жамғариш жараёнини акс эттиради. Шундай қилиб, эскириш амортизациянинг дастлабки шарт-шароитидир.

Амортизация нормаси амортизация ажратмалари йиллик суммасининг шу асосий капитал қийматига нисбатан аниқланади ва фоизда ифодаланади. Амортизация ажратмаларининг умумий нормаси асосий капитални такрор ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ равишда икки қисмдан иборат бўлади: бир қисми асосий капитални тўла қоплашга (қайта тиклашга), иккинчиси уларни қисман қоплашга (капитал ремонт қилишга) мўлжалланади.

Амалиётда умумий йиллик амортизация меъёрларини (Ан) белгилашда: асосий капитал қиймати (Кас), асосий капиталнинг ҳаракат қилиш муддати давомида капитал таъмирлаш учун сарфлар, (Рк) эскирган меҳнат воситаларини тугатишдан олинган маблағ (От) ва шу воситанинг хизмат даври (Хд) ҳисобга олинади:

$$Ан = \frac{Кас + Рк - От}{Хд} x100$$

Амортизация нормалари меҳнат воситалари жисмоний ва маънавий ейилишининг ҳақиқий миқдорини акс эттириши керак. Оширилган нормалар маҳсулот таннархини сунъий равишда ошириб юборади, пасайтирилган нормалар эса асосий капитал тикланиш даврини кечиктиради ва шу тариқа тараққиётига тўсиқ бўлади.

Асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлигининг ошиши, аввало қўшимча капитал маблағ сарфаланмасдан туриб маҳсулот ҳажмини кўпайтиришда ўз ифодасини топади.

Бир томондан, миллий маҳсулот ёки миллий даромаднинг ўсиш суръатлари билан, иккинчи томондан, асосий капиталнинг ўсиш суръатлари ўртасидаги нисбат миллий иқтисодиёт миқёсида асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлигининг умумлашувчи кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлиги ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан асосий капитал қиймати ўртасидаги алоқани акс эттиради, у ўзаро боғланган икки кўрсатгич — капиталдан олинадиган самара ($К_с$) ва маҳсулотнинг капитал сиғими ($К_{сиг}$) кўрсаткичлари билан ифодаланади. Миллий иқтисодиёт миқёсида асосий капиталдан олинадиган самара даражаси ишлаб турган асосий капиталнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ёки миллий даромадни, капитал сиғими даражаси эса ишлаб чиқарилган миллий даромад ёки ялпи миллий маҳсулотнинг бир сўми ҳисобига асосий капитал қийматининг тўғри келишини тавсифлаб беради:

$$Кс = \frac{Ямм}{Кас} \text{ ёки } Кс = \frac{Мд}{Кас};$$

$$Ксиг = \frac{Кас}{Ямм} \text{ ёки } Ксиг = \frac{Кас}{Мд}.$$

Корхона миқёсида капиталдан олинадиган самара даражаси асосий капиталнинг бир сўми эвазига корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулот миқдори (М) билан, капитал сиғими эса корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (М) бир сўм ҳисобига қанча асосий капитал қиймати тўғри келиши билан тавсифланади:

$$Ксамара = \frac{М}{Кас};\ Ксиғ, кор = \frac{Кас}{М}.$$

Корхонадаги меҳнат воситаларининг айрим турларидан фойдаланиш самарадорлиги натурал кўрсаткичлар ёрдами билан аниқланади. Масалан, бир тўқув дастгоҳида метр ҳисобида бир кунда тўқилган мато, бир автомобилда бир кунда тонна ҳисобида ташилган юк ва ҳоказо.

Айланма капитал ҳаракати ва самарадорлиги.

Асосий капитал (фондлар) ҳаракати айланма капитал ва муомала маблағлари ҳаракати билан узвий боғлиқ. Шу сабабли айланма капитал ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ва уни ошириш омилларини кўрсатиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Айланма капиталдан фойдаланишнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи халқ хўжалиги миқёсида маҳсулотнинг материал сиғими ($М_{сиғ}$) маҳсулот яратишда истеъмол қилинган айланма капитал қийматининг ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ёки миллий даромадга ($М_д$) нисбати сифатида аниқланади:

$$Мсиғ = \frac{Ак}{Мд}.$$

Корхона миқёсидаги материал сиғими (Мсиг кор) унда истеъмол қилинган айланма капитал қийматининг ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига нисбати сифатида аниқланади:

$$Мсиғ.кор = \frac{Ак}{М}.$$

Сарфланган айланма капитал бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори материал сиғими кўрсаткичига тескари миқдордир.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги у билан айланма капитал ўртасидаги нисбатга боғлиқдир. Бевосита ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган айланма капиталнинг салмоғи қанчалик кўп бўлса, айланма маблағлардан шунчалик самарали фойдаланилади.

Амалиётда айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш коэффициенти билан ўлчанади. Бу коэффициент

бир йил ичида сотилган маҳсулот қийматининг айланма маблағларнинг ўртача йиллик суммасига нисбати сифатида аниқланади.

Айланиш даври (а) йилдаги кунлар сонининг айланишлар сонига (п) нисбати билан аниқланади:

$$а = \frac{360}{п}.$$

Агар бир йилда айланма маблағларнинг ўртача йиллик миқдори 10 млн. сўм бўлганида 60 млн. сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, айланиш коэффициенти 6 ни (п=60/10) ташкил қилади. Айланма маблағлар 6 айланиш қилиб, бир айланиш даври 60 кунни (360/6) ташкил этади.

Айланма маблағлар тезлигини ошириш уларга бўлган талабни камайтирди. Масалан, юқоридаги мисолда айланиш сони 6 дан 8 га (п=360/45) ўзгарса айланма маблағларга бўлган эҳтиёж 10 миллион сўм ўрнига, 7,5 млн. сўмни ташкил этади ((60х4)/360).

Бинобарин, айланма маблағларнинг айланишини 15 кунга тезлатиш 2,5 млн. сўмлик айланма маблағларни бўшатиб беради ва корхона айланма маблағларининг ўша суммасида маҳсулот чиқаришни 20 млн. сўмга кўпайтиришни |(8х10)-60| таъминлайди.

Айланма маблағлар айланишини тезлаштирадиган асосий омил ишлаб чиқариш вақтини аввало иш даврини, шунингдек, муомала вақтини қисқартиришдир.

Асосий таянч тушунчалар

Тадбиркорлик фаолияти — фойда олиш мақсадида таҳлика (таваккалчилик) билан ҳамда мулкий жавобгарлик асосида ва амалдаги қонунлар доирасида ўз ташаббуси билан амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир.

Ҳиссадорлик жамияти — кўпроқ фойда олиш мақсадида меҳнат, меҳнат қуроллари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳамда пул ресурс (капитал) ларини бирлаштирган уюшмадир.

Акция — бу унинг эгаси ҳиссадорлик жамияти капиталига ўзининг маълум ҳиссасини қўшганлиги ва унинг фойдасидан дивиденд шаклида даромад олиш ҳуқуқи борлигига гувоҳлик берувчи қимматли қоғоздир.

Акция курси — қимматли қоғозлар бозорида акцияларнинг сотиладиган баҳосидир.

Облигация — унинг эгаси жамиятга қайд қилинган фоиз олиш шарти билан пул қўйганлигини тасдиқловчи қимматли қоғоздир.

Таъсисчилик фойдаси — сотилган акциялар ва ҳиссадорлик корхонасига ҳақиқатда қўйилган маблағлар суммаси ўртасидаги фарқдан иборат бўлиб, уни жамиятни таъсис этувчилар ўзлаштиради.

Дивиденд — акция эгаси жамият олган фойда ҳисобидан оладиган даромадир.

Тадбиркорлик капитали — тадбиркорлар ихтиёрида бўлиб, ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган барча моддий воситалар, товарлар ва пул маблағлари.

Айланма капитал — бу унумли капиталнинг бир доиравий айланиш давомидаги ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқ истеъмол қилинадиган ўз қийматини яратилган маҳсулотга тўлиқ ўтказадиган ва ашёвий-буюм шаклини ҳам йўқотадиган қисми.

Асосий капитал — ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёнида бир қатор доиравий айланишлар давомида қатнашиб, ўзининг қийматини тайёрланаётган маҳсулотга (хизматга) бўлиб-бўлиб ўтказиб боради ва ашёвий-буюм шаклини ўзгартирмайди.

Амартизация нормаси — амартизация ажратмалари йиллик суммасининг асосий капитал қийматига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Тадбиркорлик фаолиятига таъриф беринг. «Тадбиркор» ва «мулкдор» тушунчаларини изоҳланг.

2. Тадбиркорликнинг вазифаларини санаб кўрсатинг. Нима учун тадбиркор таҳлика (таваккалчилик) билан фаолият кўрсатади?

3. Тадбиркорликнинг ривожланиш шарт-шароитлари нималардан иборат?

4. Тадбиркорликнинг шаклларини ва уларнинг хусусиятларини кўрсатинг.

5. Ҳиссадорлик жамиятига таъриф беринг. Акция нима, акция курси қандай аниқланади? Акция курсига таъсир қилувчи омилларни кўрсатинг.

6. Тадбиркорлик капитали нима? Унинг таркибий тузилиши қандай?

7. Тадбиркорлик капитали ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида қандай босқичлардан ўтади ҳамда қандай шаклларга киради?

8. Капиталнинг айланишига тавсиф беринг. “Айланиш вақти қандай вақтларни ўз ичига олади? Уларга тушунча беринг.

9. Капиталнинг айланиш тезлиги қандай аниқланади? Капиталнинг айланиш узунлиги икки ойни ташкил қилади деб фараз қилсак, бир йилда неча марта айланади ва бир айланишининг узунлиги қанча давом этади?

10. Унумли капитал асосий ва айланма капиталга қандай мезонлар бўйича ажратилади? Асосий ва айланма капиталга тавсиф беринг.

11. Амортизациянинг иқтисодий мазмуни нимадан иборат? Унинг нормаси қандай аниқланади?

12. Асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлиги қандай кўрсаткичлар орқали аниқланади? Айланма капитал ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини тушунтиринг.

X БОБ. Корхона (фирма) харажатлари ва фойдаси

Бизга маълумки, рақобатли бозор иқтисодиёти шароитида товар баҳоси иқтисодий харажатлар даражаси товарнинг нафлилиги талаб ва таклифнинг ҳамда бошқа омилларнинг ўзаро таъсири натижасида ўрнатилади. Корхоналарнинг бозорга маҳсулот етказиб беришга бўлган лаёқатини аниқлаб берувчи муҳим омили ишлаб чиқариш сарф-харажатлар даражаси ҳисобланади. Ҳар қандай товарни ишлаб чиқариш иқтисодий ресурс сарфларини тақозо қилади, улар ҳам маълум баҳога эга бўлади. Корхона бозорга таклиф қиладиган қандайдир товар миқдори иқтисодий харажатлар (ресурс баҳолари) даражасига, русурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва товалар бозорда сотиладиган баҳоларга боғлиқ. Бу бобда биз сарф-харажатларнинг умумий табиати ва таркибига тўхталамиз ҳамда фойданинг ташкил топишини таҳлил қиламиз.

1-§. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва унинг таркиби

Миллий иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш бирликлари (корхона, фирма) ўз фаолияти натижаларидан кўпроқ даромад олишга ҳаракат қилади. Ҳар қандай корхона нафақат ўзининг товарини анча юқори баҳоларда сотишга, балки маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишга қилинадиган сарф-харажатларни камайтиришга ҳам интилади.

Товарларни сотиш баҳолари асосан корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ташқи шароитлар билан белгиланса, ишлаб чиқариш сарф-харажатлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва тайёр товарларни сотиш жараёнларини ташкил қилиш самарадорлиги даражасига боғлиқ. Лекин ҳар қандай товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун маълум сарф харажатлар талаб этилади.

Ишлаб чиқариш сарф-харажатлари деганда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилинадиган барча сарфлар тушунилади. Ишлаб чиқариш сарф-ҳаражатлари таркибига хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи ва энергия учун қилинган харажатлар, асосий капитал амортизация-

си, иш ҳақи ва ижтимоий сугуртага ажратмалар, фоиз тўловлари ва бошқа харажатлар киради. Ишлаб чиқаришга қилинган барча сарф-харажатларнинг пулдаги ифодаси маҳсулот таннархини ташкил қилади.

Ишлаб чиқариш харажатларини иккига бўлиб ўрганиш мумкин: бевосита ишлаб чиқариш харажатлари ва муомала харажатлари (10-чизма). Ишлаб чиқариш харажатлари деганда маҳсулотни бевосита ишлаб чиқариш учун қилинадиган барча сарфлар (иш ҳақи, хом ашё ва материал сарфлари, амортизация ва ҳ. к.) тушунилади. Товар бирлигининг қийматида ишлаб чиқариш харажатлари фақат унинг бир қисмини ташкил қилади. Ишлаб чиқариш харажатлари товар қийматидан фойда миқдорига кам. Муомала харажатлари тушунчаси товарларни сотиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, шу товарларни ишлаб чиқарувчидан олиб, истеъмолчига етказилгунча кетадиган сафрларга айтилади. Улар икки гуруҳга бўлинади: қўшимча муомала харажатлари ва соф муомала харажатлари. Товарларни ўраш, қадоқлаш, саралаш, транспортга ортиш, ташиш ва сақлаш харажатлари қўшимча муомала харажатлари ҳисобланади. Муомала харажатларининг бу турлари ишлаб чиқариш харажатларига яқин туриб, товар қийматига киради ва унинг қийматини оширади. Харажатлар товарлар сотилгандан кейин олинган пул тушуми суммасидан қопланади.



10-*чизма*. Ишлаб чиқариш харажатларининг анъанавий туркумланиши.

Соф муомала харажатлари (сотувчи маоши ва бошқалар), маркетинг (истеъмолчилар талабини ўрганиш), реклама ва шу каби харажатлардан иборат бўлади. Соф муомала харажатлари товар қийматини оширмайди ва ишлаб чиқариш жараёнида яратилган товарни сотгандан кейин олинган фойда ҳисобидан қопланади. Ҳозирги замон сарф-харажатлар гояси бўйича корхона ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурслар ўз ресурслари ёки жалб қилинган

ресурслар бўлиши мумкин. Шунга кўра харажатлар ички ёки ташқи харажатларга бўлинади. **Ташқи харажатлар корхона ўзи учун зарур ресурс ва хизматларга тўловларни амалга ошириши натижасида вужудга келадиган харажатлардир.** Бундай харажатларга ёлланма ишчилар иш ҳақи, хом ашё ва материаллар учун тўловлар, кредит учун фоиз тўловлари, ижарага олинган ер учун рента, транспорт хизмати ва бошқа ҳар хил хизматлар учун тўловлар киради. Ташқи харажатлар тўлов ҳужжатлари билан расмийлаштирилади, шу сабабли бухгалтерия харажатлари деб ҳам аталади.



11- *чизма*. Ишлаб чиқариш харажатларининг бозор иқтисодиётига доир адабиётларда туркумланиши.

Корхонанинг ўзига тегишли бўлган ресурслардан фойдаланиши билан боғлиқ харажатлар ички харажатлар дейилади. Бундай харажатлар пул тўловлари шаклида чиқмайди. Шу сабабли ички харажатлар даражасини баҳолаш ўз ресурслари қийматини шунга ўхшаш ресурсларнинг бозор баҳоларига таққослаш орқали амалга оширилади.

Мазкур корхона доирасида тадбиркорлик фаолиятини ушлаб туриш учун зарур бўлган тўлов-нормал (меъёрдаги) фойда ҳам, рента ва иш ҳақи билан бирга харажатларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Сарф-харажатларни ички ва ташқи харажатларга ажратиш, корхона иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш йўлларини қиёсий таҳлил қилиш имкониятини беради.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига боғлиқлик даражасига қараб **доимий ва ўзгарувчи харажатлар** ҳам фарқланади (12-чизма).



12-*чизма*. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига қараб харажатларни туркумлаш.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига (қисқариши ёки ортиши) таъсир этмайдиган харажатлар доимий харажатлар дейилади.

Доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмайди, унинг ўсишига ҳам бевосита таъсир этмайди ва ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай, ҳатто нолинчи ҳажмида ҳам мавжуд бўлади. Бунга корхонанинг тўлов мажбуриятлари (заёмлар бўйича фоиз ва бош қа), солиқлар, амортизация ажратмалари, ижара ҳақи, қўриқлаш хизматига тўлов, ускуналарга хизмат кўрсатиш сарфлари, бошқарув ходимлари маоши ва шу кабилар киради.

Ўзгарувчи харажатлар деб ишлаб чиқариладиган товар миқдорининг ошишига ёки камайишига бевосита таъсир қиладиган харажатларга айтилади. Унга хом ашё, материал, ёнилғи-транспорт хизмати, ишчилар иш ҳақи ва шу кабиларга қилинадиган сарфлар киради. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даражасида доимий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси умумий ёки ялпи харажатларни ташкил қилади.

Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга қилинадиган сарф-харажатларни ҳисоблаш учун ўртача умумий, ўртача доимий ва ўртача ўзгарувчан харажатлар тушунчаларидан фойдаланилади. **Ўртача умумий харажатлар ялпи (умумий) харажатларнинг ишлаб чиқарилган товар миқдори нисбатига тенг. Ўртача доимий харажатлар доимий харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади. Ўртача ўзгарувчи харажатлар ўзгарувчи харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади.**

Энг юқори даражада фойда олишга эришиш учун товар ишлаб чиқаришнинг миқдорини кўпайтириш зарур. Қўшимча товар ишлаб чиқариш учун қўшимча харажат қилинади. Бунда иқтисодий таҳлил воситаси бўлиб **қўшилган харажат** тушунчаси хизмат қилади. **Аввало қўшилган харажат деб, кейинги қўшилган маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ қўшимча харажатларга айтилади.** Қўшимча харажатларни ҳар бир ишлаб чиқарилган қўшимча товар ёки хизмат бирлиги учун аниқлаш мумкин.

Товар ёки хизматлар қўшича бирлигини ишлаб чиқаришга тўғри келадиган харажатлар ўртага қўшимча харажат дейилади.

2-§. Қисқа ва узоқ даврда ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариш тамойиллари

Корхона фойдаланадиган кўплаб ресурслар миқдори, яъни жонли меҳнат, хом ашё, ёнилғи ва энергия сарфлари товар ҳажмининг ўзгаришига тез ва осон таъсир қилади. Бошқа ресурслар сарфи таъсирида товар ҳажми ўзгариши учун узоқ вақт талаб қилинади. Масалан, оғир саноат тармоқларининг ишлаб чиқариш қувватлари анча узоқ вақт оралиғида маҳсулот миқдори ўзгаришига таъсир қилиши мумкин. Демак, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишга вақт омили, яъни харажат қилингандан пировард натижа олингунча ўтган давр сезиларли таъсир кўрсатади. Шу сабабли вақт омилидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш харажатларини қисқа ва узоқ муддатли даврда алоҳида таҳлил қилинади.

Корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш учун қисқа даврда фақат ўзининг ўзгарувчи харажатлари миқдорини ўзгартириши мумкин. Бу қисқа муддатли харажатлардир. Ишлаб чиқариш қувватлари эса (ишлаб чиқариш иншоотлари майдони, машина ва ускуналар миқдори) доимий бўлиб қолади ҳамда бу давр фақат улардан фойдаланиш даражасини ўзгартириш учун етарли бўлиши мумкин.

Бошқача айтганда қисқа давр оралиғида корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари ўзгаришсиз қолади, ишлаб чиқариш ҳажми жонли меҳнат, хом ашё ва бошқа ресурслар миқдорини кўпайтириш орқали ўзгариши мумкин. Бунда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш интенсивлигини ошириш мумкин.

Узоқ муддатли давр — бу корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини ва бутун банд бўлган ресурслари миқдорини ўзгартириш учун етарли бўлган даврдир.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш қувватларининг ўзгаришини тақозо қиладиган давр давомийлиги айрим тармоқ ва корхона хусусиятидан келиб чиқиб фарқланиши мумкин. Масалан, енгил саноат тармоғида кийим-кечак ишлаб чиқарадиган кичкина фирма, бир нечта қўшимча тикув машинаси ўрнатиш билан ўзининг ишлаб чиқариш қувватларини қисқа вақтда (бир неча кунда) ошириш мумкин. Оғир саноат тармоқларида янги қувватларни ишга тушириш учун бир неча йил талаб қилинади.

Биз биламизки, қисқа муддатли вақт давомида корхона ўзининг доимий (қайд қилинган) қувватларига ўзгарувчи ресурслар миқдорини қўшиб бориш йўли билан **ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириши мумкин.** Бу ерда шундай савол туғилади: корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларига (доимий ресурсларга) кўпроқ ва янада кўпроқ миқдорда ўзгарувчи ресурсларни қўшиб бориш йўли билан ишлаб чиқариш ҳажми қандай ўзгариб боради?

Бу саволга жавобни энг умумий ҳолда самаранинг камайиб бориши қонуни беради. Бу қонунга биноан, маълум даврдан бошлаб корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларига (масалан, капитал ёки ерга) ўзгарувчи ресурслар бирлигини (масалан, жонли меҳнат) кетма-кет қўшиб бориш, ҳар бир кейинги ўзгарувчи ресурс бирлиги қийматига камайиб борувчи қўшимча маҳсулот беради. Бошқача айтганда, агар асосий капиталга хизмат кўрсатувчи ишчилар сони кўпайиб борса, ишлаб чиқаришга кўпроқ ишчини жалб қилиб бориш билан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши тобора секинлик асосида рўй беради. Бу қонунни тасвирлаш учун қуйидаги мисолни келтирамиз. Фараз қилайлик, фермер фойдаланадиган ернинг доимий миқдориги (масалан, 20 га) эга бўлиб, унда дон етиштиради. Агар фермер экинга қайта ишлов бермаса, бир гектар ердан 40 центнер ҳосил олади деб ҳисоблаймиз. Агар экинга қўшимча бир марта ишлов берилса, ҳосил 50 ц.га кўтарилиши мумкин. Иккинчи ишлов бериш ҳосилни 57 ц.га, учинчиси 61 ц.га, тўртинчиси, айтайлик 63 ц.гача кўтариши мумкин. Экинга кейинги ишлов беришлар фақат жуда кам ёки нолга тенг бўлган қўшимча ҳосил беради.

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, самаранинг камайиб бориш қонуни, ўзгарувчи ресурсларнинг барча бирлиги (масалан, барча ишчилар) сифат жихатдан бир хил деган фаразга асосланади. Яъни ҳар бир қўшимча жалб қилинган ишчи бир хил ақлий лаёқатга, билимга, малакага, ҳаракат тезлиги ва шу кабиларга эга деб ҳисобланади.

Демак, қўшимча маҳсулот, кейинги жалб қилинган ишчи кам малакага эга бўлгани учун эмас, балки капитал (фондлар)нинг мавжуд миқдорига нисбатан кўп миқдорда ишчиларни банд қилиш сабабли камайиб боради.

Қулай иқтисодий муҳит туфайли, ишлаб чиқариш қувватларининг тўхтовсиз кенгайиб бориши натижасида корхона ўртача умумий (ялпи) харажатларида қандай ўзгариш рўй беради? Дастлаб қандайдир вақт оралиғида ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайиши ўртача умумий харажатларнинг пасайиши билан бирга боради. Аммо охирги оқибатда кўпроқ ва янада кўпроқ қувватларни ишга тушириш ўртача умумий харажатларнинг ўсишига олиб келади. Бундай ҳолларни самаранинг камайиб бориш қонуни тушунтириб беролмайди, чунки унинг амал қилиш шарт-шароити ишлаб чиқаришда фойдаланадиган ресурслардан биттаси миқдорининг ўзгармаслиги ҳисобланади. Узоқ муддатли даврда барча ресурслар миқдори ўзгаради. Бундан ташқари биз таҳлилда барча ресурслар баҳоси доимий деб фараз қиламиз. Шу сабабли узоқ муддатли даврда ўртача харажатларнинг ўзгариши тамойилини ишлаб чиқариш миқёси ўсишининг ижобий ва салбий самараси ёрдамида тушунтириш мумкин.

Ишлаб чиқариш миқёсининг ижобий самараси шунда намоён бўладики, корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бориши билан бир қатор омиллар ишлаб чиқариш ўртача харажатларининг пасайишига таъсир кўрсата бошлайди. Бу омиллар қуйидагилар: 1) меҳнатнинг ихтисослашуви; 2) бошқарув ходимларининг ихтисослашуви; 3) капиталдан самарали фойдаланиш; 4) иккиламчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бориши билан қўлланиладиган меҳнатнинг ихтисослашув даражасини ошириш имконияти ортиб боради. Ишлаб чиқариш жараёнида беш ёки олтита операцияни бажариш ўрнига, энди ҳар бир ишчи битта ягона вазифани олади. Битта вазифани бажариш имкониятини ошириш эса ишчининг меҳнат унумдолигини ўстиради. Бу ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш миқёсининг кенгайиб бориши чуқур ихтисослашув туфайли бошқариш бўйича мутахассислар меҳнатидан анча кўпроқ фойдаланиш имкониятини беради. Бу охир оқибатда самарадорликнинг ошиши ва маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига олиб келади.

3-§. Фойданинг мазмуни. Фойда нормаси ва массаси

Корхоналарнинг фаолиятига баҳо беришда сотилган маҳсулотларнинг ҳажми, уларга қилинган сарф-харажатлар ва фойда тушунчаларидан кенг фойдаланилади. Корхоналарда товар ва хизматларни сотишдан олинган маблағлар, уларнинг пул тушумлари ёки пул даромадлари дейилади. Корхона пул даромадларидан сарфланган барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми фойда деб юритилади.

Товар ва хизматлар сотилганда уларнинг умумий қиймати пул даромадларига, ундаги қўшимча қиймат эса фойдага айланади. Бундан кўриниб турибдики, фойданинг ҳақиқий манбаи қўшимча маҳсулот ёки қўшимча қийматдир. Лекин шу нарсани айтиш лозимки, бугун жамиятда баъзан алоҳида олинган бир мамлакатда фойда массаси билан қўшимча қиймат массаси миқдор жиҳатдан бир-бирига тенг бўлиши мумкин. Лекин алоҳида олинган корхоналарда ва тармоқларда яратилган қўшимча маҳсулот олинган фойда миқдоран тенг бўлмаслиги мумкин. Чунки талаб ва таклиф нисбатларининг ва баҳо механизмининг ўзгариши таъсирида бир тармоқда ёки бир гуруҳ корхоналарда яратилган қўшимча маҳсулотлар бошқа корхона ва тармоқларга фойда шаклида ўтиб кетади.

Корхонанинг умумий фойдасидан бюджетга (асосан солиқ тўловлари) банкларга (олинган ссуда учун фоиз) тўловлар ва бошқа мажбуриятлар чиқариб ташланса корхона соф фойдаси қолади.

Бухгалтерия фойдаси сотилган маҳсулот учун тушган умумий пул суммасидан ишлаб чиқаришнинг ташқи харажатлари чиқариб ташланиши натижасида аниқланади. Шу сабабли бухгалтерия фойдаси иқтисодий фойдадан ички харажатлар миқдорига нисбатан кўпроқдир. Бунда ички харажатлар ҳар доим ўз ичига меъёри фойдани ҳам олади.

Корхона фойдасининг мутлоқ миқдори яъни йил давомида олинган фойда ҳажми унинг массасини ташкил қилади. Фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига нисбати ва унинг фоизда ифодаланиши фойда нормаси дейилади.

Амалиётда фойда нормасини ҳисоблашнинг икки вариантидан фойдаланилади. Булар фойданинг жорий сарфларга — корхона харажатларига ёки авансланган маблағларга (асосий ва айланма капитал) нисбатидир.

Булар қуйидагича аниқланади:

1. $P' = (P/W) \cdot 100$,

бу ерда, Р' — фойда нормаси; Р — фойда массаси; W — иқтисодий ёки ишлаб чиқариш харажатлари;

2. Р'=(Р/К аванс)·100

бу ерда, Р' — фойда нормаси; Р — фойда массаси; К аванс (Асосий капитал+Айланма капитал) — корхона томонидан авансланган маблағлари ёки асосий ва айланма капиталнинг ўртача йиллик қиймати.

Фойда нормаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига тўғри мутаносиб ҳамда фойдаланилган авансланган маблағлар қийматига тескари мутаносибдир. Шу туфайли фойда нормаси корхона иш самарадорлигини интеграл кўрсаткичи ҳисобланади.

Фойданинг ўсишига, чиқарилаётган маҳсулот умумий ҳажми ўзгармаган ҳолда икки йўл билан: ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳисобига, баҳони ошириш ҳисобига эришиш мумкин. Баҳонинг ўсиши баъзи иқтисодчиларнинг фойда нормаси кўрсатгичини бартараф этиб бўлмайдиган қусурга эга бўлган ва шу сабабли самарадорликни ўлчаш учун мутлақо яроқсиз кўрсатгич сифатида танқид қилишларига сабаб бўлади.

2000 йилда Республикамизда фаолият кўрсатиб келган 169 минг корхоналар йил якуни бўйича 307,6 млрд. сўм фойда олган бўлса, улардан 139 корхона 24,7 млрд. сўмлик зарар кўрган.

Бутун олинган фойданинг 35 фоизи саноат, 20,3 фоизи транспорт, 11,1 фоизи савдо ва умумий овқатланиш ва 5,2 фоизи қурилиш корхоналари улушига тўғри келган[1].

Асосий таянч тушунчалар

Ишлаб чиқариш харажатлари — товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилинадиган барча сарфлардир.

Ички харажатлар — корхонанинг ўзига тегишли бўлган ресурслардан фойдаланиш ҳисобидан сарфланган харажатлардир.

Ташқи харажатлар — ташқаридан жалб қилинган ресурсларга тўловларни амалга оширишга кетган харажатлар.

Доимий харажат — ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этмайдиган, у ўзгарганда ҳам миқдорини ўзгартирмайдиган харажатлар.

---

[1] Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотларидан олинган.

Ўзгарувчи харажат — ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсир этадиган харажатлар.

Ўртача харажатлар — маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатлар.

Қўшилган харажатлар — маҳсулотнинг навбатдаги қўшимча бирлигини ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатлар.

Тўғри харажатлар — маҳсулот таннархига бевосита қўшилиб, унинг таркибига кирадиган харажатлар.

Билвосита харажатлар — маҳсулот таннархига устама бўлиб, нархда акс этадиган харажатлар.

Соф фойда — корхоналарнинг ялпи пул тушумидан барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми.

Фойда нормаси — фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига бўлган нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг моҳиятини ва таркибини тушунтиринг.

2. Ички ва ташқи харажатлар ўртасидаги фарқ нимадан иборатлигини мисол орқали тушунтиринг.

3. Ишлаб чиқариш ресурслари таркибидаги қуйидаги ўзгаришлардан қайсилари узоқ муддатли даврдаги харажатларга киради: а) Компания нефтни қайта ишловчи янги ускунани ўрнатади; б) Корхона яна 200 ишчини ёллайди; в) Фермер ўз участкасида қўлланиладиган ўғит миқдорини кўпайтиради; г) Фабрикада учинчи смена жорий қилинади.

4. Сарфларнинг қуйидаги турлари харажатларнинг қайси туркумга тегишли эканлигини аниқланг: маҳсулот рекламасига сарфлар, корхона чиқарган заёмлар бўйича фоиз тўловлари; хом ашёга сарфлар, кўчмас мулкка солиқ тўловлари, бошқарув ходимлари маоши; ишчиларга иш ҳақи тўловлари; амортизация ажратмаси.

5. Фойданинг мазмунини ва манбаини тушунтиринг.

6. Қуйида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб фойда нормасини ҳар иккала усулда ҳисобланг.

Умумий фойда — 250 минг сўм.

Ишлаб чиқариш харажатлари — 1250 минг сўм.

Авансланган маблағлар (асосий ва айланма капитал) — 2500 минг сўм.

Натижаларни таққослаб, изоҳлаб беринг.

XI БОБ. Иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари

Бу мавзу кишиларнинг ҳаёт кечириши ва турмуш даражасини аниқлаб берувчи, даромадларнинг асосий тури бўлган иш ҳақини таҳлил қилишга бағишланади. Аввало, иш ҳақининг иқтисодий табиати билан боғлиқ муаммолар ва унинг шакллари ҳамда бозор муносабатлари шароитида иш ҳақи даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар кўриб чиқилади. Таҳлил иш ҳақи ставкасини табақалаштиришни тушунтириш билан давом эттирилади. Мавзуда меҳнат муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва уни шакллантиришда турли шартномаларнинг ва касаба уюшмаларининг ролига алоҳида ўрин берилади.

1-§. Яратилган маҳсулот ва даромадларнинг тақсимланиш тамойиллари

Иш ҳақининг мазмунини тўғри тушуниб олиш учун энг аввало, яратилган миллий маҳсулотнинг тақсимланиш тартиби тўғрисида тасаввурга эга бўлиш лозим. Мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (товар ва хизматларнинг) тақсимлаш тамойиллари бўйича турлича назариялар мавжуд. Бозор иқтисодиётига доир адабиётларнинг кўпчилигида «уч омил» деб аталмиш назария кенг тарқалган.

Бу назариянинг асосчиларидан бири француз олими Ж.Б. Сей «ишлаб чиқаришнинг уч омили» деган ғояни илгари суриб, унда товарларни ишлаб чиқаришда меҳнат, ер ва капитал баб-баробар қатнашади, улар ҳамма даромадлар манбаидир ва бинобарин даромадлар ҳам шу омиллар ўртасида тақсимланади деб кўрсатади.

Унинг бу ғояси америкалик иқтисодчи олим Ж.Б. Кларкнинг қўшилган омил (кейинги қўшилган капитал ёки ишчи) унумдорлиги деган ғоясига асос бўлиб хизмат қилади. Ж.Б. Кларк ўзининг «Бойликларнинг тақсимланиши» номли асарида яратилган бойлик учала омил ўртасида уларнинг ҳар бири яратган маҳсулот миқдорига (яъни унумдорлигига) қараб тақсимланади деб кўрсатди.

Сей ва Кларкларнинг ғоясидаги ижобий томони қуйидагилардан иборат:

а) капитал, ер ва ишчи кучи (жонли меҳнат)нинг ҳар уччаласи товар ёки хизматнинг нафлилигини яратишда қатнашиши кўрсатилади;

б) яратилган нафлилик миқдори билан бу уччала омилнинг миқдори ва унумдорлиги ўртасида боғлиқлик мавжудлиги, агар бу уччала омил бир-бирига мос равишда миқдор ва сифат жиҳатидан ошса, товарлар ва хизматлар ҳажми ҳам кўпайиши асосланади.

Аммо бу ғояларнинг камчилиги ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитига тўғри келмайди.

1. Сей ва Кларк товар ҳамда хизматларда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама хусусиятини ва ундан келиб чиқувчи товарнинг ҳам икки хил хусусиятини тушунмаганликлари туфайли капитал ва ер-товар нафлилигини яратишда қатнашса-да, қиймат яратмасликларини улар фақат эскиришига тенг, яъни амортизация ажратмаларига тенг қийматни янги товарга жонли меҳнат таъсирида ўтказишини, янги қиймат эса фақат жонли меҳнат томонидан яратилишини кўрсатиб беролмаган.

2. Кларк томонидан яратилган қўшилган меҳнат унумдорлигининг камайиб бориш қонуни турли омилларнинг бир-бирига мослиги таъминланмаган, кўр-кўрона харажатлар ошириб борилган ҳамда илмий-техника тараққиёти мутлақо тўхтаб қолган даврга (ҳолатга) мос келиб, ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиёти шароитига тўғри келмайди.

3. Сей ва Кларк айтганларидек, ҳозирги даврда яратилган бойлик, тўғрироғи миллий маҳсулотнинг ҳаммаси бу уччала омилнинг миқдори ва унумдорлигига қараб тақсимланмайди, балки унинг амортизация ажратмалари, марказлашган фондлар ташкил қилингандан қолган қисми шу омилларга қараб унинг эгалари ўртасида тақсимланади.

Сей ва Кларклардан ташқари айрим оқимлар, масалан, Лассольчилар меҳнат ҳамма бойликнинг ва маданиятнинг манбаидир, шунинг учун ҳамма даромад жамият аъзолари ўртасида тенг тақсимланиши зарур деб кўрсатадилар.

Лассолчилар, биринчидан, бойлик фақатгина меҳнатнинг натижаси бўлмасдан, уни яратишда ер (табиат) ва капитал ҳам қатнашишини, яъни унинг нафлилиги ҳар уччала омил натижаси эканлигини унутдилар.

Иккинчидан, уларнинг яратилган маҳсулотни ҳамма жамият аъзолари ўртасида тенг тақсимлаш зарур деган ғояси мутлақо нотўғри бўлиб, бундай ҳолатда маҳсулотни кўпайтиришга ишлаб чиқа-

рувчилар ўртасида ҳеч қанақа қизиқиш бўлмаслиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Кейинчалик собиқ социалистик мамлакатларда, жумладан, собиқ СССРда маҳсулот ва даромадлар давлат қўлида бўлиб, меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб тақсимланади деган ғоя ҳукмрон бўлди. Лекин унинг талаблари бажарилмади. Давлат, партия ва хўжалик раҳбарлари яратилган маҳсулотнинг кўпчилик қисмини ўз хоҳишларича, давлат фойдасига тақсимлардилар ва турли йўллар билан ўзлаштириб, ундан фойдаландилар, шу вақтнинг ўзида меҳнаткаш ўз меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига яраша ҳақ ола олмадилар.

Мана шу юқоридаги айтилган назарий фикрларни ва амалий тажрибаларни ҳамда ҳозирги даврда бозор иқтисодиётига ўтишдаги мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар талабларини ҳисобга олиб, яратилган маҳсулотни тақсимлашнинг асосий йўналишларини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

а) умуман олганда маҳсулотни, бинобарин даромадларни тақсимлаш ҳам доим бир хил бўлмай, балки шу даврда амал қилиб турган иқтисодий муносабатлар тизимига, жумладан, мулкчилик муносабатларига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқаришнинг моддий шарт-шароитлари, яъни капиталга мулкчиликнинг турли шакллари мавжуд бўлган, ер эса давлат мулки бўлиб турган шароитда яратилган миллий маҳсулот мулк эгалари (давлат, жамоа, хусусий, шахсий) ва ишчи кучининг эгаси бўлган ишчи-хизматчилар ўртасида тақсимланади.

Бунда албатта, умумжамият манфаатларини кўзлаб иш олиб борувчи давлат ихтиёрига даромадларнинг бир қисми келиб тушади;

б) миллий маҳсулотдан энг аввало шу маҳсулотни яратишда қатнашган ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати, аниқроғи, амортизация суммаси ажратиб қўйилади, чунки бу сумма асосий ишлаб чиқариш воситаларини (асосий капитални) қайта тиклаш учун зарурдир;

в) ундан кейин турли хил табиий офат ва бошқа турли хил тасодифий ҳодисаларнинг таъсирини бартараф қилиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ўз маромида тўхтовсиз олиб боришни кафолатлаш учун **захира фондлари,** қариялар, болалар, ногиронлар ва турли бошқа кам таъминланган оилаларни ҳимоя қилиш учун нафақа ҳамда **ижтимоий ҳимоя** фондларига ажратилади;

г) давлатни бошқариш, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш, аҳолининг тинч ҳаётини ва меҳнатини қўриқлаш, мамлакат миқёсида фан-маданиятни, таълим тизимини, соғлиқни сақлашни ри-

вожлантириш учун фондлар ажратилади (бу ажратмалар кўпдан-кўп давлат солиқлари тарзида амалга оширилади).

Ички миллий маҳсулотнинг юқорида айтилганлардан қолган қисми ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида капитал, ер эгалари ва ишчи кучи эгалари ўртасида тақсимланади ва жамият аъзоларининг ихтиёрига келиб тушади.

Чунки бу жараён натижасида ишлаб чиқаришда қатнашган ишчи кучи эгаси ва бошқа омиллар эгалари — мулкдорларнинг маҳсулотдаги улуши аниқланади ҳамда уларнинг омилли даромадлари сифатида шаклланади. Бу иш ҳақи, фоиз, рента ва фойда шаклидаги даромад турлари кўринишини олади.

2-§. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни

Яратилган ички миллий маҳсулотнинг унинг ишлаб чиқарувчилари ўртасида меҳнатнинг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб тақсимланадиган қисми иш ҳақи фонди деб юритилади. Иш ҳақи ҳозирги даврда ҳамма мамлакатлар иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам иқтисодчи олимлар иш ҳақининг мазмунига катта эътибор берадилар. Иш ҳақининг мазмунини аниқлашда турли иқтисодчилар турли томондан ёндашиб, унга ҳар хил таъриф берадилар.

Масалан, «Яшаш учун восита минимуми» (Д. Рикардо ва Т. Мальтусларнинг) концепциясида иш ҳақини яшаш учун зарур воситаларнинг физиологик минимуми билан бир хил деб ҳисоблайди. Лекин иш ҳақини яшаш учун зарур воситаларнинг физиологик минимуми билан бир хил деб қараш тўғри эмас. Бу минимум ўз ичига ишчи кучи шаклланадиган иқтисодий, ижтимоий ва маданий шарт-шароитлар туғдирган эҳтиёжларни ҳам олади. Шу билан бирга ишчи кучи баҳосининг қуйи чегарасини яшаш учун зарур воситалар миқдорининг минимуми билан аниқлаш, ишга ёлловчилар иш ҳақини мазкур қуйи чегарадан пасайтиришга интилишига олиб келиши мумкин. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг хўжалик амалиётидаги иш ҳақининг даражасини кузатиш шуни кўрсатадики, ишчи кучи бозорида реал иш ҳақининг ўртача даражаси яшаш учун зарур жисмоний воситалар минимумига қараганда анча юқори даражада ўрнатилган.

Қийматнинг меҳнат назарияси (Англия классик сиёсий иқтисод мактаби, марксистик йўналишидаги иқтисодчилар) ишчи кучини алоҳида, ўзига хос товар деб ҳисоблайди. Шу сабабли бу назария

иш ҳақига товар бўлган ишчи кучи қийматининг ўзгарган шакли, яъни пулдаги ифодаси сифатида қарайди ва уни ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган тирикчилик воситалари қиймати сифатида аниқлайди. Мазкур гоя тарафдорлари ишчи кучи қийматига бир қатор омиллар аввало, табиий шарт-шароитлар, аҳолининг маданий ривожланиши, уларнинг малакаси ва ишчи оиласини сақлаш ҳамда уларнинг табиий такрор ишлаб чиқариш шароитлари таъсир қилишини кўрсатади. Шу билан бирга бу гояда ҳаётий эҳтиёжлар ҳамда уларнинг қондирилиш усуллари мамлакатнинг илмий-техникавий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида эришилган даражага боғлиқлиги таъкидланади.

Бу фикрлар ҳозирги даврда ҳам кўпгина кўзга кўринган иқтисодчи олимлар томонидан маъқулланиб такрорланмоқда. Масалан, А.Ф.Шишкин, Е.Ф.Борисовлар ўзларининг «Иқтисодиёт назарияси» дарсликларида иш ҳақини ишчи кучи ва товар қийматининг пулдаги ифодаси деб таърифламоқдалар[1].

Бу муаллифлар ўз фикрларини асослашда кўпгина олимлар меҳнат жараёни билан ишчи кучининг фарқига бормаганлигини, шу сабабли бозорда меҳнат сотилади деб фикр юритишини танқид қилиб, бозорда меҳнат эмас, балки ишчи кучи товар сифатида сотилишини, бу жараён юзаки қаралганда меҳнатга ҳақ тўлашга ўхшаб кўринишини исботлашга ҳаракат қилганлар.

Лекин иш ҳақига «ишчи кучи қийматининг пулдаги ифодаси» сифатида қараш, аниқ ишчи кучи бозорида иш ҳақи даражасига унинг унумдорлиги, меҳнат интенсивлиги, талаб ва таклиф каби омилларнинг таъсирини етарли ҳисобга олмайди.

Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясида жуда кўп муаллифлар (жумладан, Экономикс дарсликларида, 1998 йилда Москвада В. Д. Камаев раҳбарлигида чиқарилган «Иқтисодиёт назарияси» дарслигида, 1997 йилда Тошкентда чоп қилинган А.Ўлмасовнинг «Иқтисодиёт асослари» ўқув қўлланмасида ва бошқаларда) иш ҳақи меҳнат баҳоси сифатида талқин қилинади. Бунда улар асосан бозорда меҳнат сотилади, деган бизнингча, нотўғри тушунчага асосланишади. Меҳнат ишчи кучининг функция қилиши, унинг маълум мақсадга қаратилган фаолият жараёни булиб, унинг на қиймати, на баҳоси йўқлиги, бу жараённи бозорга олиб чиқиб сотиб булмаслиги

[1] *Борисов Е.Ф.* «Экономическая теория», учебник. М.: изд-ва «Юрист», 1997, 368 стр. *Шишкин А.Ф.* «Экономическая теория», учебник, книга 2, М.: изд-ва «Владос», 1996, 154 стр.

фанда ҳам, реал ҳаётда ҳам, иқтисодий амалиётда ҳам ҳаммага аён бўлган ва аллақачон исботланган масаладир. Шунинг учун буни исботлашга ҳаракат қилмасак ҳам бўлади.

Лекин бу ғоянинг негизида бир ижобий томон борки, уни албатта, ҳисобга олиш зарур. Бу ҳам бўлса улар меҳнатни ишчининг малакаси, унинг интенсивлиги ва натижаси билан боғлашга ҳаракат қилганлар. Иш ҳақининг мазмуни тўғрисидаги турли назарияларни, (турли мамлакатлардаги ва ўз мамлакатимиздаги амалиётни) умумлаштириб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Иш ҳақи тўғрисидаги назарияларда унга бир томонлама ёндашиш хусусияти мавжуд бўлиб, унинг мураккаб ва кўп қиррали иқтисодий жараён эканлиги озгина эътибордан четда қолган кўринади.

Лекин бу назарияларнинг ҳар бирида иш ҳақининг у ёки бу томонига тўғри баҳо берилган бўлиб, уларда фойдаланиш мумкин бўлган ижобий мазмун мавжуддир.

2. Иш ҳақининг умумий даражаси ҳар доим ҳар бир мамлакатда иқтисодиётнинг эришган даражасига, яъни умумий меҳнат унумдорлиги, миллий маҳсулот ҳажми, унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорига боғлиқ бўлади. Чунки шу маҳсулотларнинг бир қисми меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб тақсимланади. Шунинг учун ҳам у турли мамлакатларда турли миқдорларда бўлади.

3. Иш ҳақининг миқдори ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга, ишчининг ўзини, оила аъзоларини боқишга етадиган даражада бўлиши лозим.

4. Иш ҳақининг миқдори ва даражаси ишчи кучининг малакаси, унинг меҳнати унумдорлиги билан боғлиқ бўлади.

5. Иш ҳақининг даражаси ҳар бир фирма ёки корхонада ишлаб чиқаришнинг эришган даражаси билан, яъни ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ҳажми ва бир ишчига тўғри келган миқдори билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам у меҳнат миқдори, малакаси бир хил бўлса-да, турли корхоналарда турлича миқдорда бўлиши мумкин.

Ушбу хулосалардан кейин иш ҳақининг мазмунига таъриф бериб айтиш мумкинки, **иш ҳақи — ишчи ва хизматчилар меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб, миллий маҳсулотдан оладиган улушининг пулдаги ифодасидир.**

Иш ҳақининг асосий вазифаси ишчи ва хизматчиларнинг ҳаёт ва меҳнат шароитини яхшилаш, бошқача қилиб айтганда, меҳнат

меъёри билан истеъмол меъёри ўртасидаги боғлиқликни таъминлашдан иборатдир.

Албатта, ишчи кучини такрор ҳосил қилишда иш ҳақидан ташқари фоиз, рента, фойда, дивиденд, турли имтиёзлар ва нафақаларнинг ҳам роли бор. Иш ҳақининг мазмунини тўлароқ тушуниш учун номинал ва реал иш ҳақи тушунчаларини билиш зарурдир.

Ишчи учун қандай шаклда ва қанча миқдорда иш ҳақи олиши эмас, балки унга қанча миқдорда товарлар ва хизматлар сотиб олиши мумкинлиги муҳим. Шу сабабли номинал ва реал иш ҳақи фарқланади. **Номинал иш ҳақи бу маълум вақт давомида олинган пул суммаси ёки пул шаклидаги иш ҳақи. Реал иш ҳақи — бу номинал иш ҳақига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори. Бошқача айтганда, реал иш ҳақи — бу номинал иш ҳақининг «харид этиш» лаёқатидир.** Ўз-ўзидан аниқки, реал иш ҳақи номинал иш ҳақига ва харид қилинадиган товарлар (ва хизматлар) баҳосига боғлиқ. Шундай экан, реал иш ҳақи бошқа шароитлар бир хил бўлганда, номинал иш ҳақига тўғри мутаносибдир ва истеъмол буюмлари ва хизматлар нархининг даражасига тескари мутаносибдир. Бу миқдорлар нисбатини формулада қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$Vp = \frac{V_н}{P}$$

бу ерда, $V_р$ — реал иш ҳақи ; $V_н$ — номинал иш ҳақи;
P — истеъмол буюмлари ва хизматларга баҳо даражаси.

Номинал иш ҳақи ишлаб топилган пул даромади даражасини, реал иш ҳақи эса ходимларнинг истеъмоли ва фаровонлик даражасини тавсифлайди.

Республикамизда номинал иш ҳақининг ўртача даражаси 2000 йил 1999 йилга нисбатан 148,7 фоиз га (8905,8 сўмдан 13180,7 сўмга)-га орган.

3-§. Иш ҳақини ташкил этиш шакллари ва тизимлари

Иш ҳақининг шакллари ва турлари. Ишлаб чиқаришнинг техник асосларидаги, ишчилар меҳнатининг мазмунидаги, уларга билим бериш ва касб-корликка ўргатиш борасидаги ўзгаришлар муносабати билан иш ҳақи шакли ва тизимлари ҳам ўзгариб боради. Иш ҳақини ташкил этишда унинг иккита асосий шакли: вақтбай ва ишбай шакллари фарқланади. **Вақтбай иш ҳақи ходимнинг малака-**

си, меҳнатнинг сифати ва ишлаган вақтига қараб тўланадиган иш ҳақидир. У одатда меҳнатнинг натижаларини аниқ ҳисоблаб бўлмайдиган, балки улар аниқ вазифалар доирасини бажариш билан белгиланадиган вақтда (масалан, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчилар, созловчилар, электромонтёрлар ва шу кабиларга ҳақ тўлашда) ёки маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнининг бориши билан белгиланадиган ва бевосита ишчига боғлиқ бўлмаган пайтларда (масалан, конвейерлар ва автомат линияларида ишлаш) қўлланилади.

Ишбай иш ҳақи ишчининг ишлаб чиқарган маҳсулот миқдори ёки бажарган ишининг ҳажмига қараб бериладиган иш ҳақидир. Маҳсулот бирлиги учун иш ҳақи миқдори, таъриф ставкасидаги ҳақни ишлаб чиқариш меъёрига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Ҳақ тўлаш шаклларининг аниқ меҳнат шароитларини ҳисобга оладиган турлари иш ҳақининг тизимини ташкил қилади. Чунончи, ишчиларнинг бир қисмига тўғри ишбай тизими бўйича ҳақ тўланади. Бунда ишлаб чиқариш меъёри қай даражада бажарилишидан қатъий назар, иш ҳақи ягона маҳсулот бирлиги учун белгиланган баҳо бўйича тўланади.

Ишбай-мукофот тизими бир қанча кўрсаткичлар учун мукофот беришни назарда тутади. Ишбай-прогрессив ҳақ тўлашда ишчининг белгилаб қўйилган меъёри доирасида ишлаб чиқарган маҳсулотига унинг бирлиги учун белгиланган баҳо бўйича иш ҳақи берилади, нормадан юқорисига эса оширилган ҳақ (раценка) бўйича пул тўланади. Ишбай-иш ҳақининг тизимида якка тартибдаги, жамоа ва ижара пудратида қўлланиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш фарқланади. Бунда олинган тайёр маҳсулот учун унинг сифати ва ишлаб чиқариш чиқимларини ҳисобга олиб ҳақ тўланади. Ҳақ тўлашнинг жамоа шаклида иш ҳақи бригада, цех ва бошқа бўлинманинг пировард меҳнат натижаларига боғлиқ қилиб қўйилади. Бунда ҳар бир ходим фақат ўзига берилган шахсий топшириқларгагина эмас, балки шу билан бирга бўлинманинг бутун иш ҳажмини ҳам бажаришдан манфаатдор бўлади.

Ишчиларнинг иш ҳақини табақалаштириш энг аввало давлат тариф тизими ёрдамида амалга оширилади. Тариф тизими ёрдамида тармоқлар ва мамлакат минтақаси бўйича, улар ичида эса ишлаб чиқариш турлари, турли тоифадаги ходимлар малакаси ва меҳнат шароитларига қараб ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи даражаси тартибга солиб турилади.

Тариф тизими тариф-малака маълумотномаларини ва иш ҳақига ҳар хил коэффициентларини ўз ичига олади.

Тариф-малака маълумономалари айрим касблар ва меҳнат турларининг батафсил таърифи, у ёки бу аниқ ишни бажарувчининг билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблардан иборат бўлади, шунингдек, унда бу ишни тарифлаш учун қўйиладиган разрядлар ҳам кўрсатилади. Тариф сеткасида разрядлардан ташқари таъриф коэффициентлари ҳам бўлиб, улар биринчи разрядли ишчига ҳақ тўлаш билан кейинги разрядли ишчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ўзаро нисбатини кўрсатади (биринчи разряднинг тариф коэффициенти ҳамма вақт бирга тенг).

Тариф ставкалари тегишли разрядга эга бўлган ишчининг меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаб беради.

Меҳнат қилиш шароити оғир ва зарарли бўлган ишчиларга тариф ставкасига қўшимча ҳақлар белгиланади. Тариф ставкаларига устамалар шаклидаги ҳақ (разрядлар бўйича фарқлантирилган) профессионал маҳорат учун белгиланади.

Алоҳида тармоқнинг халқ хўжалик аҳамиятига қараб амалда иш ҳақини ва мансаб маошларини фарқлантириш ишлари амалга оширилади. Бунда мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган стакчи тармоқларга тажрибали, малакали кадрларни жалб этиш, бу тармоқларда ишчи ва хизматчилар таркиби барқарор бўлишини таъминлайдиган шароитларни вужудга келтириш мақсади кўзланади.

Республикамизда ҳам тариф тизими орқали иш ҳақи табақалаштирилиб, турли касблар ва иш турлари учун иш ҳақи тўлашнинг ягона разрядлари аниқланган. Нархлар ўсиши билан минимал иш ҳақи даражаси (1-разряд) ҳамда барча разрядлар улар ўртасидаги нисбат сақланган ҳолда ошириб борилади. Масалан, 2002 йил 1 апрелдан бошлаб Республикамизда иш ҳақининг минимал даражаси 3945 сўм қилиб белгиланиб, бошқа разрядларга тўғри келадиган иш ҳақи суммаси ҳам шунга мос равишда оширилади.

4-§. Меҳнат муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва касаба уюшмаларининг роли

Ишга ёллаш бўйича корхона маъмурияти ва ишчилар ўртасидаги муносабат меҳнат шартномалари ёрдамида шаклланади. Меҳнат шартномалари аввало, иш ҳақи ставкаси, меъёридан ортиқча бажарилган ишлар учун ставка, дам олиш кунлари ва танаффуслар, пенсия фондлари ва соғлиқни сақлашга ажратмалар ҳамда баҳоларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, истеъмолчилик савати қийматини тартибга солиш каби пакетларни ўз ичига олади. Кейин меҳнат шарои-

ти масалалари қараб чиқилади. Ниҳоят, қатор ташкилий масалалар ҳал қилинади. Одатда келишув бир неча йилга (асосан уч) тузилади.

Айрим ҳолларда давлат ҳам корхона маъмурияти ва ишчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга таъсир кўрсатиши мумкин. Асосан бу иш ташлаш масалаларига тегишли.

Аммо иш ташлаш ҳуқуқи «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пакет»да мустаҳкамланган асосий ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар жумласига киради.

Кўпчилик мамлакатларда меҳнат муносабатларининг ривожланишида бош масала ишсизликни ижтимоий кафолатлашга, ишловчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ва иш ҳақини ошириш имкониятлари билан боғлиқ масалалар ҳисобланади. Бу муаммоларни ҳал қилишда асосий рол касаба уюшмаларига тегишли бўлади.

Кўпчилик бозорларда ишчилар ўзларининг иш кучини касаба уюшмалари орқали жамоа бўлиб «сотади». Касаба уюшмалари нисбатан кўп сонли ишга ёлловчилар билан музокаралар олиб боради ва уларнинг асосий иқтисодий вазифаси иш ҳақини оширишдан иборат бўлади. Касаба уюшмалари бу мақсадга турли хил йўллар билан эришиши мумкин.

1. Ишчи кучига бўлган талабни ошириш. Касаба уюшмалар нуқтаи назаридан иш ҳақини оширишнинг энг қулай усули меҳнатга бўлган талабни кенгайтириш ҳисобланади. Ишчи кучига бўлган талабнинг ортиши натижасида иш ҳақи ставкаси ҳам, ишчи ўринлари сони ҳам ортади. Касаба уюшмалари бу талабни белгиловчи бир ёки бир неча омилларни ўзгартириш йўли билан ишчи кучига бўлган талабни кўпайтириш мумкин. Хусусан, улар қуйидагиларга эришишга ҳаракат қилади: 1) ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизматга талабни ошириш; 2) меҳнат унумдорлигини ошириш ва 3) ишчи кучи билан биргаликда фойдаланадиган бошқа ишлаб чиқариш омиллари баҳоларини ўзгартириш.

2. Ишчи кучи таклифини қисқартириш. Касаба уюшмалари ишчи кучи таклифини қисқартириш йўли билан иш ҳақи ставкасини ошириши мумкин. Бунга қуйидаги йўллар билан эришилади: а) иммиграцияни чеклаш; б) болалар меҳнатини қисқартириш; в) пенсияга муддатида чиқишни қўллаб-қувватлаш; г) иш ҳафтасини қисқартиришга ёрдам бериш.

Булардан ташқари касаба уюшмалари тадбиркорларни ўз аъзоларини ишга ёллашга мажбур қилиб, ишчи кучи таклифи устидан тўлиқ назорат ўрнатади. Касаба уюшмалари ўз аъзолари сонини қис-

қартириш сиёсати орқали (масалан, узоқ муддатли ўқитиш, янги лъзоларни қабул қилишни чеклаш ёки тақиқлаш) ишчи кучи таклифини сунъий равишда қисқартиради. Бу, ўз навбатида, иш ҳақи ставкасининг ортишига олиб келади.

3. Касбни малакали лицензиялаш. Бу маълум меҳнат тури таклифини чеклаш воситаси ҳисобланади. Бунда касаба уюшмалари корхона маъмуриятига маълум касбдаги ишчилар аниқ кўрсатилган талабларга жавоб берган тақдирда ишга қабул қилишга таъсир кўрсатади. Бу талаблар ўз ичига ишчининг таълим даражаси, мутахассислик буйича иш стажи, имтиҳон натижаси ва шахсий тавсифларини олади.

4. Касаба уюшмалари жамоа шартномалари тузишда монопол ҳолатга эга бўлган тадбиркорларга қаршилик кўрсатиш йўли билан ҳам иш ҳақи ставкасини оширишга эришиши мумкин. Бунинг натижасида иш ҳақини ошириш билан боғлиқ қўшимча сарфлар, янги ишчи кучини ёллаш натижасида олинадиган қўшимча маҳсулот ҳажмидан ортиқ бўлади.

Ҳозирги замон меҳнат муносабатлари ўзида давлатнинг таъсирини ҳам акс эттиради. Давлатнинг қонунчилик фаолияти меҳнат муносабатларининг барча томонларини қамраб олади. У нафақат иқтисодиёт давлат секторининг ишчи кучига бўлган талабини билдиради, балки уни хусусий секторда ҳам тартибга солади, миллий иқтисодиёт миқёсида ишга ёллашнинг асосий ўлчамларини аниқлайди.

Меҳнат муносабатларига давлатнинг ижтимоий дастурлари (кам таъминланган оилаларга ёрдам, ишсизлик буйича нафақа, ҳар хил ижтимоий тўловлар, пенсия таъминоти ва бошқалар) катта таъсир кўрсатади. Бу дастурлар бозор таҳликаси юқори бўлган давлатларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини барқарорлаштиришга маълум бир даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Давлатнинг иш кучи бозоридаги воситачилик роли ҳам меҳнат муносабатларига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, ўзига қисман ишчи ўринларини қидириш ва тавсия қилиш ҳамда ишга жойлаштириш буйича умуммиллий дастурни ишлаб чиқиш вазифаларини олади. Ишчиларни ўқитиш ва қайта тайёрлашнинг давлат тизими, бозорнинг ўзгарувчан талабларига тез мослашишга имкон беради.

Асосий таянч тушунчалар

Иш ҳақи — иши ва хизматчиларнинг меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб миллий маҳсулотдан оладиган улушининг пулдаги ифодаси.

Вақтбай иш ҳақи — ишчининг ишлаган вақти (кун, ҳафта, ой) ҳисобга олиниб, тўланадиган иш ҳақидир.

Ишбай иш ҳақи — ишлаб чиқарган маҳсулоти миқдорига ёки бажарган иши ҳажмига қараб тўланадиган иш ҳақидир.

Номинал иш ҳақи — пул шаклида олинган иш ҳақи суммаси.

Реал иш ҳақи — номинал иш ҳақи суммасига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори ёки номинал иш ҳақининг сотиб олиш лаёқати.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ички миллий маҳсулотнинг тақсимланиш тамойилларига нисбатан ўз фикрингизни билдиринг.
2. Иш ҳақининг турлича назарияларини таҳлил қилиб, уларга ўз қарашингизни билдиринг.
3. Реал иш ҳақи даражаси қандай омиллар таъсири остида ўзгаради?
4. Нима учун иш ҳақининг умумий даражаси ҳар хил мамлакатларда турлича?
5. Касаба уюшмалари иш ҳақини оширишнинг қандай усулларидан фойдаланадилар?

XII БОБ. Аграр муносабатлар ва агробизнес

Иқтисодий қонунлар ва категорияларнинг амал қилиши иқтисодиётнинг барча соҳалари, тармоқлари ва бўғинлари учун умумий бўлсада, лекин улардаги табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитга боғлиқ ҳолда ўзига хос хусусиятлар ҳам касб этади. Айниқса, бу ўзига хос хусусият аграр соҳада яққол намоён бўлади. Чунки бу ерда такрор ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан тирик организм (ҳайвон, ўсимлик ва бошқалар) билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун биз бу мавзуда иқтисодиётнинг умумий томонлари билан биргаликда унинг аграр соҳада намоён бўладиган ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Аввало, аграр муносабатларнинг мазмунини таҳлил қилиб, кейин эътиборни ер рентасига қаратамиз. Ер рентасининг вужудга келиши ва тақсимланиши муаммосига турлича қарашларни баён қилиб, уларнинг қисқача тавсифини берамиз. Таҳлил давомида агросаноат интеграцияси ва агросаноат мажмуасининг мазмуни, уларнинг таркиби ва вазифаларига тўхталамиз. Таҳлилнинг охирида агробизнес ва унинг турларини баён қиламиз.

1-§. Аграр муносабатлар ва уларнинг хусусиятлари

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг муҳим бўғинидир. Унда инсоният ҳаёти учун энг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат тармоқлари учун хом ашё ишлаб чиқарилади. Республикамиз Президенти И. Каримов таъкидлаб ўтганларидек, "Республика саноатининг кўпгина тармоқларини, жумладан, пахта тозалаш, тўқимачилик, кимё саноатини, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ва бошқаларни... ривожлантириш истиқболлари, уларнинг мураккаб ўтиш давридаги иқтисодий аҳволи бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқдир"[1]. Демак, аҳоли учун зарур бўлган товарлар бозорини тўлдириш учун қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш даркор.

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 225-бет.

Бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалигида ҳам такрор ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида муайян иқтисодий алоқа ва муносабатлар содир бўлади.

Аграр соҳада ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан ер билан боғлиқ, шунинг учун ҳам ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш ва ундан унумли фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар аграр муносабатлар дейилади.

Маълумки, 1924 йилдаги ер-сув ислоҳотидан кейин собиқ СССР ҳудудида ерга хусусий мулк бекор қилинган бўлиб, у мумхалқ мулки деб эълон қилинган эди. Аммо айни пайтда собиқ СССРдан ажралиб чиққан айрим мамлакатларда ерга хусусий мулкчиликни жорий қилиш жараёни кетаяпти. Бизнинг мамлакатимизда эса ер давлат мулки бўлиб, у узоқ муддатга фойдаланишга берилаяпти.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг муҳум хусусиятларидан бири шундаки, бу ерда ишлаб чиқариш жараёни бевосита тирик мавжудодлар: ер, ўсимлик, чорво моллари билан боғлиқ бўлади ва табиий қонунлар иқтисодий қонунлар билан чамбарчас боғланиб кетади. Бунда ер меҳнат қуроли ва меҳнат предмети сифатида қатнашади. Ернинг бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фарқи шундаки, ундан фойдаланиш жараёнида у ейилмайди, эскирмайди. Аксинча агар ундан тўғри фойдаланилса, унинг унумдорлиги ошиб боради.

Ернинг ҳосил бериш қобилиятига тупроқ унумдорлиги дейилади. У табиий ёки иқтисодий бўлиши мумкин. Узоқ йиллар давомида кишиларнинг ҳеч қандай аралашувсиз, табиий ўзгаришлар натижасида, ернинг устки қатламида ўсимлик шимиб олиши мумкин бўлган турли озуқа моддаларининг вужудга келиши ернинг табиий унумдорлиги дейилади.

Агар тупроқ унумдорлиги, кишиларнинг табиатга таъсири натижасида, яъни тупроқ таркиби ва деҳқончилик усулларини яхшилаш сунъий йўл билан амалга оширалса, масалан: ерни органик ва кимёвий ўғитлаш, ишлаб чиқаришни механизациялаш, илмий асосланган суғориш, ирригация ва мелиорация каби ишлаш усулларини жорий қилиш ҳамда бошқа шу каби йўллар билан унумдорлик оширилса, бу иқтисодий унумдорликни ташкил қилади.

Ердан олинадиган ҳосил кўпроқ мана шу ернинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва уни ошириш, яъни инсоннинг ерга фаол таъсири билан боғлиқ бўлади. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби қишлоқ хўжалигида ҳам ишлаб чиқариш унинг омилларнинг бевосита бирикиши асосида содир бўлади. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ердан бошқа барча ишлаб чиқариш воситалари юқорида кўрса-

тиб ўтилганидек давлат, хусусий, шахсий, жамоа мулк шаклида бўлиши мумкин. Бундан улардан барча жамият аъзоларининг турмуш даражасини яхшилаш йўлида фойдаланилади. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида хўжалик юритиш ширкат, фермер, деҳқон хўжалик шаклларида бўлиб, уларда турли иқлим ва тупроқ шароитларида ишлаб чиқариш олиб борилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳам асосий капитал турли бино, иншоатлар, транспрот воситалари, кўп йиллик дарахтлар, маҳсулдор чорво хамда иш хайвонлари, шунингдек, хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлаган турли хил асбоб-ускуналардан ташкил топади.

Қишлоқ хўжалигида муҳим ишлаб чиқариш востиси ҳисобланган ер пул билан баҳоланмаслиги, яъни қиймати ўлчанмаслиги туфайли, капитал қиймати таркибида ҳисобга олинмайди. Қишлоқ хўжалигда мавжуд булган асосий капиталнинг айрим турлари саноат тармоқларида бўлмайди. Масалан: кўп йиллик дарахтлар, маҳсулдор чорва, иш ҳайвонлари, суғориш иншоотлари ва бошқалар.

Бундан ташқари ишлаб чиқариш воситалари ҳисобланган бинолар, суғориш иншоотлари ва бошқалар ишлаб чиқариш натижасини оширишга фаол таъсир ўтказади, саноат тармоғида эса улар бирмунча сустроқ ва билвосита таъсир ўтказади. Шунга биноан қишлоқ хўжалигидан капиталнинг таркибида турли иншооатлар, бинолар, узатма механизмлар ва бошқаларнинг ҳиссаси кўпроқ. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишда асосий капитал билан бир қаторда айланма капитал ҳам қатнашди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида айланма капитал қуйидагилардан ташкил топади: ёш ва боқувга қўйилган ҳайвонлар, ем-хашак, уруғлик фондлари, қимёий ўгитлар, хизмат муддати бир йилдан кам бўлган турли хил ишлаб чиқариш воситалари — инвентарлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари ҳамда шу кабилар. Ишлаб чиқариш жараёни қишлоқ хўжалигида саноатга нисбатан узоқроқ муддатни ташкил қилганлиги сабабли айланма капиталнинг кўпгина қисми ҳали тугалланмаган ишлаб чиқариш шаклида бўлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни сотиш жараёнида капитал бошқа тармоқлардагидек доиравий айланиб туради, яъни пул шаклидан ишлаб чиқариш шаклига, ундан товар шаклига ўтиб, яна пул шаклига қайтиб келади. Шуни ҳам таъкидалш керакки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган махсулотларнинг миқдори ернинг ҳосилдорлиги, унинг сифатига бевосита боглиқ бўлади. Ерни табиий,

биологик, иқтисодий ва техникавий шароитларини яхшилаш ҳам қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган капиталнинг доиравий айланишига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу омиллардан тўлароқ фойдаланиш ҳар бир аграр хўжаликнинг муҳим вазифасидир. Табиий омаллар қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бевосита кўпайишига таъсир этса ҳам, маҳсулот қийматини оширмайди, яъни қиймат ярата олмайди. Ишлаб чиқариш табиий шароитлар билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам бу ерда иш даври ва умумий ишлаб чиқариш вақти ўртасидаги муддат саноатга нисбатан бирмунча узоқроқ бўлади. Масалан: қишлоқ хўжалигида турли ўсимликларни экиб бўлингандан то ҳосил йиғиштириб олингунча ишлаб чиқариш вақти давом этади. Иш даври эса шу вақт ичида қишлоқ хўжалик экинлари меҳнат таъсирида бўлган кунлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни мавсумийлиги билан хусусиятлидир. Бу ҳол қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган меҳнат воситаларидан, яъни комбайн, турли экиш асбоблари ва шу кабилардан фойдаланиш вақтига бевосита таъсир ўтказади. Бошқача қилиб айтганда бу меҳнат воситаларидан йилнинг маълум муддатларидагина фойдланилади, қолган вақтда эса улар бекор туради. Масалан: сеялкадан экиш давомида фойдаланилса, ғалла ўриш комбайинлари, пахта териш машиналари эса йилига 20-30 кун йиғим-терим пайтида ишлатилади, холос. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг капитал ва энергия билан қуролланиш даражаси моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларига нисбатан юқори бўлишини тақазо қилади, лекин бу ерда асосий ва айланма капитал ҳаракати суст роқ. Булардан ташқари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва меҳнат жараёнларининг мавсумийлиги сабабли йил давомида айланма маблағларнинг сарфи бир меъёрда бўлмайди. Киш ва ёз мавсумларида харажат қилинадиган айланма маблағлар таркибида бирмунча тафовутлар мавжуд. Масалан, қиш мавсумда айланма маблагларнинг кўнгина қисми (уруғлик, емхашак, трли озуқалар) ишлаб чиқариш эҳтиёт қисми шаклида туради, ёз фаслида эса тугалланмаган ишлаб чиқариш, техниканинг бутлаш қисмлари, нефт маҳсулотлари ва шу кабиларнинг ҳиссаси ортиб боради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилишда юқорида санаб ўтилган хусусиятларни ҳисобга олиб, ишни ташкил қилиш унинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бизнинг мамлакатимизда Республикамизнинг яъни ахолининг нисбатан зичлиги ва қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг чекланганлигини ҳисобга олиб, ерга хусусий мулкчилик жорий қилинмади. Лекин бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, оқилона аграр ислоҳотлар амалга оши-

рилмоқда ва бу жараён чуқурлаштирилмоқда. Бунинг натижасида иллариги кўплаб жамоа ва давлат хўжаликлари ўрнига деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликлари вужудига келтирилди. 2002 йилнинг бошида фермер хўжаликларининг умумий сони55400 тага, ширкат хўжаликлари сони эса 1900 тага етади.

Ўзбекистонда «ер-давлат мулки умуммиллий бойлик...» бўлганлиги сабабли ерга бўлган мулкчилик, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш масалалари алоҳида ажратиб таҳлил қилиниши лозим.

Ерга эгалик жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг маълум ер участкасига тарихан таркиб топган асослардаги ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги эгалик ҳуқуқини тан олишини билдиради. Ерга эгалик деганда аввало ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқи кўзда тутилади. Ерга эгаликни ери бўлган мулкдор (бизда давлат) амалга оширади. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида таъкидлангандек, "Ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга доимий ва муддатли эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш учун берилиши мумкин"[1].

Ердан фойдаланиш ҳуқуқи — бу ўрнатилган урф-одатлар ёки қонуний тартибда ундан фойдаланишни билдиради. Ердан фойдаланувчи ер эгаси бўлиши шарт эмас. Реал хўжалик ҳаётида ердан фойдаланишни кўпинча ҳар хил жисмоний ва ҳуқуқий шахслар, хусусан ҳозир бизда деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликлари амалга оширади.

2-§. Рента муносабатлари

Аграр муносабатларнинг асосини **рента муносабатлари** ташкил қилади. Рента назарияси ҳозиргача тўлиқ ёритиб берилмаган назариялардан ҳисобланади. Иқтисодчилар ўртасида унинг моҳиятини тушунтириш бўйича турлича ёндашув ва қарашлар мавжуд. Шу сабабга кўра рентани миқдорий аниқлаш ва унинг моҳиятини тушунтириш бўйича хилма-хил ва кўпинча бир-бирига қарама-қарши бўлган назарияларга дуч келамиз.

Лекин биз бу ерда турли назариялар тўғри, нотўғрилигиги ҳақида тўхталиб мунозара қилмаймиз унинг ўрнига рентанинг мазмуни ва унинг ҳосил бўлиш сабаблари ҳақида тўхталамиз.

Ер рентаси ер эгалигини иқтисодий жиҳатдан амалга ошириш (реализация қилиш)нинг шаклидир. Ер рентасининг бир қанча тари-

[1] Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Т.: «Ўзбекистон», 1999 й. 20-модда.

хий кўринишлари мавжуд. Масалан, уч шаклдаги: баршчина (ишлаб бериш), оброк (натурал солиқ) ва пул солиғи шаклларидаги феодал ренталари шулар жумласидандир. Ҳозирги пайтда турли мамлакатларда мавжуд рента вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитларига қараб қуйидаги турларга ажратилади:

Абсолют ер рентаси, дифференциал (табақалашган) рента — I, ва — 2, монопол рента, мутлоқ рента, қазилма бойликлар, қурилишлар жойлашган ерлардан олинадиган рента.

Ер участкаларининг унумдорлиги ва жойлашган жойидаги фарқлар натижасида вужудга келадиган қўшимча даромад (қиймат)нинг бир қисми рента шаклини олади ҳамда у дифференциал рента деб аталади.

Қишлоқ хўжалигида энг муҳим ишлаб чиқариш воситаси — ернинг миқдори ва сифатини табиатнинг ўзи чеклаб қўйган, уни инсон кўпайтиришга қодир эмас. Шунинг учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини фақат яхши унумдор ер участкаларида тўплаш мумкин эмас. Агар ишлаб чиқарилган маҳсулот тўловга қодир талаб билан таъминланган бўлса, ернинг маҳсулдорлиги ёки жойлашуви жиҳатидан ёмон шароит қишлоқ хўжалик товарларига нарх шаклланишини тартибга солувчи ижтимоий нормал шароит ҳисобланади. Натижада ўртача ёки яхши ерларда хўжалик юритувчи ишлаб чиқарувчилар қўшимча маҳсулот ва бинобарин фойда оладилар.

Бу фойда қисқа муддатли эмас, балки озми-кўпми доимий хусусиятга эга. Барча ерлар мустақил товар ишлаб чиқарувчилар томонидан эгаллаб олинганлиги сабабли, бу ишлаб чиқарувчилар **ерга хўжалик объекти сифатидаги монополия вужудга келади. Бу ҳол дифференциал рентанинг вужудга келишига шарт-шароит яратади.**

Шундай қилиб, дифференциал рента ҳосил бўлишининг табиий шарти миқдори чекланган ернинг сифати (унумдорлиги)даги фарқлардир, унинг ижтимоий-иқтисодий сабаби эса фойдаланиладиган ерларда иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашган тарзда мустақил хўжалик юритишдир.

Дифференциал рента ўзининг келиб чиқиш шароитларга қараб дифференциал рента — I ва дифференциал рента — II га бўлинади.

Дифференциал рента — I ернинг табиий унумдорлиги билан боғлиқ бўлган саноат марказларига, бозорларга ва алоқа йўлларига яқин жойлашган серунум ер участкаларида вужудга келади. **Чунки бундай ер участкаларида сарф-харажатлар даражаси унумдорлиги паст, бозорлардан, шаҳарлардан ва марказий йўллардан узоқ жойлашган ер участкалари маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатга нисбатан кам бўлади.**

Дифференциал рента — Iнинг ҳосил бўлиши

Ер участкаси	Ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари, (сўм)	Ўртача фойда (сўм)	Ижтимоий қиймат (сўм)	Ялпи маҳсулот (тонна)	Маҳсулотнинг индивидуал қиймати	Ижтимоий қиймат-бозор баҳоси	Ялпи сотилган маҳсулот (сўм)	Дифференциал рента -I
А	8000	2000	10000	20	500	500	10000	-
Б	8000	2000	10000	25	400	500	12500	2500
В	8000	2000	10000	30	333	500	15000	5000

Биз жадвалда бир миқдорга эга бўлган лекин ҳосилдорлиги турлича, уч хил ер участкасини (хўжаликни) мисол қилиб олдик.

Мисолимиздаги бу уч хил ер учатскаларидан олинган маҳсулотнинг ижтимоий қиймати бир хил, яъни 10000 сўмни ташкил қилади. Ялпи ҳосилдорлик А участкасида 20 тонна, Б ва В участкаларда 25, 30 тоннани ташкил қилади. Ҳар бир участкадан турлича ҳосил олинганлиги туфайли уларда етказилган маҳсулотларнинг индивидуал қиймати ҳам турлича бўлиб чиқади. Яъни А участкасида ҳар бир маҳсулот бирлигининг қиймати 500 сўм бўлса, Б участкасида 400 сўм, В участкасида эса 333 сўмни ташкил қилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ёмон участкада етиштирилган маҳсулот баҳоси билан сотилади (мисолимизда 500 сўм). Натижада ёмон ер участкаси ўзининг якка ишлаб чиқариш харажатини қоплаш ва фойда олиш имконига эга бўлади.

Бу олинган қўшимча даромад ернинг унумдорлиги билан боғлиқ бўлган диференциал рента I ни ташкил қилади.

Диференциал рента 2 хўжаликларни ривожлантириш, ер унумини ошириш учун қўшимча харажатлар сарф қилиш билан, яъни қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш: ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш даражаси билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Қайси хўжалик ўз ишлаб чиқаришида бу кўрсатилган омиллардан яхши фоидаланса ва хўжалигини интенсив ривожлантирса дифференциал рента 2 ни олишга мувофиқ бўлади. Чунки яхши ривожланмаган хўжаликка нисбатан яхши ривожланган хўжаликлар ер ҳосилдорлигини, чорва моллари маҳсулдорлигини оширишга эришганликлари учун бир мунча махсулот бирлигига сарф қилинган харажатни камайтиришга эришади. Натижада бу хўжаликлар дифференциал рента 2 ни олишга мувофиқ бўладилар.

Бу ҳолни биз жадвалда шартли мисол билан ифода этишимиз мумкин.

Дифференциал рента 2 нинг ҳосил бўлиши

Ер участкаси харажатлари	Ижтимоий харажатлар	Ялпи маҳсулот, (тонна)	Якка қиймат, 1 т.	Ижтимоий қиймат, сўм	Сотилган маҳсулот сўммаси	Қўшимча маҳсулот, яъни дифференциал рента 2
Биринчи йил	10000	20	500	500	10000	-
Иккинчи йил	10000	40	250	500	20000	10000

Мисолимизда ерга қўшимча 10 минг сўм харажат сарф қилиш натижасида қўшимача 20 тонна маҳсудот олинса, у ҳолда қўшимча 10 минг сўм даромад, яъни дифференциал рента 2 ни олади.

Бундай интенсив ривожланиш қишлоқ хўжалигида бош йўл ҳисобланади. Чунки қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантирмай туриб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ва жамият аъзоларининг ўсиб бораётган талабини қондириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш учун алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигини аграр саноатлашган асосга қўйиш, интенсивлаштиришни тезкорлик билан амалга ошириш чоралари ишлаб чиқилиши лозим. Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш узлуксиз ўсмоқда. Қишлоқ хўжалигини интесив ривожлантириш учун ажратилган капитал маблағлар ҳам ортмоқда.

Агар ҳамма жойда бир хил харажат қилиниб, ҳосилдорлик бир хил оширилса эди, унда ҳеч қандай дифференциал рента 2 бўлмас эди. Гап шундаки, ер бирлигига сарфланган бу харажатлар турли зоналарда, вилоятларда, хўжаликларда турлича даражада амалга оширилади ва натижада ҳосилдорлик ҳам турлича ошади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ижтимоий қиймати билан якка қиймати ўртасидаги тафовут хўжаликларнинг устама қўшимча маҳсулотини ташкил қилади. Яъни дифференциал рентанинг ҳар иккала кўринишини (рента 1 ва 2 ни) ўз ичига олади. Дифференциал рента 1 ва 2 маҳсулотнинг муайян ижтимой қиймати билан зона бўйича ёки алоҳида олинган хўжаликнинг индивидуал қиймати ўртасидаги тафовутдан иборатдир. Шу ҳосил қилинган ренталар давлат билан хўжалик ўртасида тақисмланади.

Дифференциал рента — I юқорида қараб чиқилганидек, хўжаликлар фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиий шароитда вужудга ке-

лади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳосил қилинган бу хилдаги рента ер давлат мулки бўлиши сабабли унинг манфаатлари йўлида сарф қилиш мақсадида марказлаштирилган давлат фондида (бюджетида) тўпланиши лозим. Бу ҳол ўрта ва яхши унумли ерда жойлашган хўжаликларнинг иқтисодий манфаатдорлигига путур етказмайди, балки бошқа хўжаликлар билан озми-кўпми иқтисодий шароитларни тенглаштириш имконини беради. Марказлаштирилган давлат фондига ўтган бу маблағларни (дифференциал рента — I), мамлакат олдида турган вазифаларни амалга ошириш, хусусан янги ерларни ўзлаштириш ва ер унумдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга ошириш учун йўналтирилиши мумкин бўлади.

Дифференциал рента — II ердан интенсив фойдаланиш, яъни унинг иқтисодий унумдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам бу хилдаги рентанинг асосий қисми хўжаликларнинг ўзларида қолдирилиши мантиқан тўғри бўлади. Унинг фақат бир қисми давлат фондига жалб қилиниши мумкин, чунки давлат маълум даражада бу рентанинг ҳосил қилишда ўз ҳиссасини қўшади, яъни транспорт йўллари қурилишига, ирригация-мелорация ишларини амалга ошириш учун капитал маблағлар сарфлайди, техникалар, кадрлар, минерал ўғитлар етказиб беради. Шундай қилиб, дифференциал рента — I ва дифференциал рента II ер эгаси бўлган давлат билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тақсимланади.

Абсолют рента. Кўпгина мамлакатларда қишлоқ хўжалигида ерга хусусий мулкчилик монополияси шароитида ишлаб чиқаришни олиб боришга тўғри келади. Бу монополия ижарага бериладиган барча ер участкаларининг сифатидан қатъи назар, ер эгаларига абсолют рента деб аталган рентани олишга имкон беради. Абсолют ер рантасининг вужудга келиш механизми шундан иборатки, ер эгалари ерни ишловчи ижарачиларга фойдаланиш учун ижарага берадилар ва улардан ердан фойдаланганлик учун тўловлар оладилар. **Мана шу тўлов абсолют ер рентаси деб ном олган.** Агар ер ижарага берилганда шу ерда турли хил иншоотлар, бинолар қурилган бўлса, уларнинг ижара ҳақи алоҳида ҳисобланади.

Нима учун қишлоқ хўжалик ишчилари яратадиган қўшимча маҳсулот жамият миқиёсида барча мулк эгалари ўртасида қайта тақсимланмайди ва қишлоқ хўжалигида олинадиган даромад ним учун ўртача фойдадан юқори бўлади, деган савол туғилади. Бу ҳодисанинг сабаби нимада?

Тарихан шундай бўлиб қолганки, кўпгина мамлакатларда жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалигидаги капиталнинг узвий тузилиши саноатдагидан пастдир. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида яратилган товарларнинг бозор қиймати ишлаб чиқаришнинг ижтимоий қийматидаги қўшимча қиймат миқдори жамиятда шаклланган ўртача фойдадан ортиқ бўлади. Қишлоқ хўжалик товарларининг бозор баҳоси билан ижтимоий ишлаб чиқариш баҳоси ўртасидаги бу тафовут абсалют рента манбайи бўлиб хизмат қилади.

Рента назариясига кўра қишлоқ хўжалигида рентанинг яна бир тури — монопол рента ҳам мавжуд бўлади. Бошқа ерда учрамайдиган табиий шароит, баъзан ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (узумнинг алоҳида навларини, цитрус экинлари, чой ва ҳоказоларнинг алоҳида турларини) етиштириш учун имконият яратади. Бундай товарлар монопол нархлар билан сотилади. Бу нархларнинг юқори бўлиши кўпинча тўловга қодир талаб даражаси билан белгиланади. Натижада монопол нархлар шундай маҳсулотларнинг индивидуал қийматидан анча юқори бўлиши мумкин. Бу эса ер эгаларига монопол рента олиш имконини беради.

Фақат қишлоқ хўжалигида эмас, балки **ундирма саноатда** ҳам қўшимча даромад олинади. Маълумки фойдали қазилма конлари жойлашуви (ва демак, ишлаш учун қулайлиги) жиҳатидан ҳам, коннинг бойлиги жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Худди қишлоқ хўжалигидаги сингари, ўрта ва яхши конлардаги корхоналар қўшимча фойда оладилар, у ҳам дифференциал рентага айланади.

Ижара ҳақи. Рента муносабатларини қараб чиқишда рентанинг ижара ҳақидан фарқига эътиборни қаратиш зарур. Агар ижарага бериладиган ерга олдин бино, иншоот ва шу кабилар қуриш билан боғлиқ равишда капитал қўйилмалар сарфланмаган бўлса, ижара ҳақи ва рента миқдоран бир-бирига тўғри келади. Акс ҳолда, ижара ҳақи ер рентасидан фарқ қилади. Ижара ҳақи қуйидагилардан иборат: ердан фойдаланганлик учун тўланадиган рента (R), ерга илгари сарфланган капитал учун фоиз (r); ер участкасини ижарага бергунга қадар унга қурилган иншоотлар амортизацияси (A). Буни формулада қуйидагича ёзиш мумкин: ИҲ = R+r+A.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ер фақат ижара объекти эмас, балки олди-сотди объекти ҳамдир. Ер ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва табиий қазилма бойликлар қазиб олиш

учун, ҳар хил ишлаб чиқариш ва турар жой бинолари, иншоотлар, йўллар, аэропортлар ва ҳоказолар қуриш учун сотиб олинади. Ернинг баҳоси нима билан белгиланади? Ер алмашув қийматга эга эмас. Чунки у инсон меҳнати маҳсули эмас.

Шу сабабли ер ва бошқа табиат инъомлари нархини назариётчилар иррационал нархлар деб атайдилар. Ер ҳам иррационал нархга эга. Ер участкасининг эгаси уни сотишда олинган суммани банкка қўйилганда, фоиз тарзида у келтирадиган даромад шу ер участкасидан олинадиган рентадан кам бўлмаган тақдирдагина ерни сотади. Бошқача айтганда, ернинг нархи капиталлаштирилган рентадир. Бошқа шароитлар тенг бўлганда, худди шу рента миқдори ернинг нархини белгилайди. У рента миқдорига тўғри мутаносиб ва ссуда фоизи меъёрига тескари мутаносибдир. Шундай қилиб, ернинг нархи иккита миқдорга боғлиқ: 1) ер участкаси эгаси олиши мумкин бўлган ер рентаси миқдорига; 2) ссуда фоизи меъёрига.

Шундан келиб чиқиб, ернинг нархи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Б = \frac{R}{r'} \cdot 100 \quad фоиз$$

бунда, R — рента, r′ — ссуда фоизи нормаси, Б — ер баҳоси.

Фараз қилайлик, R — 15 минг дол. , r′ — 5 фоиз. Бунда, Б — 300 минг дол. га тенг бўлади. Ер эгаси фақат шу нархдагина ерини сотиши мумкин, чунки муайян миқдордаги капиталдан олинадиган фоиз унга банкдан шундай йиллик даромад олишга имкон берадики, у рентага тенг бўлади.

Рента миқдори ўсиб, ссуда фоизи нормаси пасайиб борган тақдирда ернинг нархи ўсиб боради. Ер нархини аниқлашнинг бу усули назарий аҳамиятга эга. Амалда ер нархи, ер участкасига талаб ва таклифга таъсир кўрсатувчи кўплаб омилларга боғлиқ. Жумладан, ерга нархнинг ўсишини, унга ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун фойдаланишга талабнинг ўсиши билан тушунтирилиши мумкин. Инфляция ва асосан гиперинфляция шароитида ерга талаб кескин ўсади, бу тегишли равишда ер нархининг ўсишига олиб келади. Бозор иқтисодиётига асосланган Ғарб мамлакатларида XX аср бошларидан то ҳозирги давргача ер нархи барқарор ўсиш тамойилига эга бўлиб, фақат айрим даврлардагина унинг пасайиши кузатилади.

3-§. Агросаноат интеграцияси. Агросаноат мажмуаси ва унинг таркиби

Иқтисодий ривожланиш жараёнида қишлоқ хўжалиги ҳамма вақт саноат, савдо ва бошқа тармоқлар билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб келганлигини ҳисобга олиш керак. Чунки мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ва қишлоқ хўжалик хомашёсидан тайёрланган товарларга бўлган эҳтиёжларини қондириш фақат қишлоқ хўжалигининг ҳолатига эмас, балки саноат тармоқлари билан уйғун ривожланишига ҳам боғлиқ бўлади. Худди ана шу нарса халқ хўжалиги тизимида агросаноат мажмуасини битта пировард натижани рўёбга чиқаришга бўйсундирилган тармоқларнинг ягона, яхлит тизимини келтириб чиқариш учун асос бўлади.

Агросаноат интеграцияси — қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бирикиш жараёнидир.

Агросаноат интеграцияси кўп қиррали бўлиб, у ғоят хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Булар энг аввало, ана шу жараён қайси даражада, яъни бутун мамлакат кўламидами, вилоят доираси ёки корхона даражасидами юз беришига боғлиқ.

Бутун мамлакат ва минтақалар кўламида агросаноат интеграцияси қишлоқ хўжалигининг тармоқлараро алоқалари кучайишида, халқ хўжалиги озиқ-овқат (тармоқ) ва минтақа агросаноат мажмуалари ташкил бўлиши ва ривожланишида ифодаланади.

Агросаноат мажмуаси (АСМ) — бу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланувчи халқ хўжалик тармоқларидир. АСМ тўртта соҳани ўз ичига олади. Биринчи, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган саноат тармоқлари, шунингдек, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш техника хизмати кўрсатиш билан банд бўлган тармоқлар; иккинчи соҳа — қишлоқ хўжалигининг ўзи; учинчи соҳа — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган тармоқлар (тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, сотиш).

Агросаноат мажмуаси таркибида тўртинчи соҳа одамлар ҳаёти ва фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган инфратузилма муҳим ўрин тутади. Булар йўл-транспорт хўжалиги, алоқа, моддий-техника хизмати, маҳсулотни сақлаш тизими, омбор ва тара хўжалиги.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган тармоқларни, ижтимоий инфратузилма одамлар турмуш фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган соҳаларни (уй-жой, маданий- маиший хизмат, савдо, умумий овқатланиш ва ҳоказо) **ўз ичига олади.**

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, "Қишлоқни янгилаш ва қайта қуриш чора-тадбирлари тизимида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга"[1]. Шу сабабли Республикада қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш давом эттирилмоқда. Фақат 2000 йил давомида қишлоқда 2019,8 км сув қувурлари тармоғи ишга туширилди, 4002,2 км газ тармоқлари қурилди. Маблағ билан таъминланадиган барча манбалар ҳисобидан умумий майдони 6,97 млн. кв.м уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Қишлоқда 145 қишлоқ врачлик пунктлари қурилди, 17 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган умумтаълим мактаблари ишга туширилди.

4-§ Агробизнес ва унинг турлари

Тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалик соҳаларидаги шакли агробизнес кўринишида намоён бўлади. Агробизнес тушунчасига қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланувчи бизнес турлари ҳам киритилади. Бу қишлоқ хўжалигига техникавий, таъмирлаш хизмат кўрсатиш, унинг маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятидир. Қисқача қилиб айтганда, агробизнес агросаноат интеграцияси натижасида вужудга келган агросаноат мажмуасининг барча бўғинларни қамраб олади.

Агробизнес фаолиятининг мақсади истеъмол бозорини етарли миқдорда сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноатни эса хом ашё билан узлуксиз таъминлаш орқали фойда кўришдан иборат.

Агробизнеснинг асосий шакли ва бирламчи бўғини фермер ва деҳқон хўжаликларидир. Чунки улар бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Бу хўжаликлар ўз ерида ёки ижарага олинган ерда иш юритиб, унда мулк эгаси ва ишлаб чиқарувчи

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 239-бет.

фермернинг ўзи ва оила аъзолари ҳисобланиб, айрим ҳолларда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳам мумкин. Фермер хўжалигининг афзаллиги шундан иборатки, ундан мулк ва меҳнат бевосита қўшилади, бу эса юқори самарани таъминлайди. Фермер хўжаликлари мустақил тузилма бўлиш сабабли ўз фаолиятини бозор конюктурасига тез мослаштира олади. Унда иқтисодий манфаат ва пировард натижа учун масъулият битта фаолиятнинг икки томонини ташкил қилади. Буларнинг ҳаммаси фермер хўжалигининг яшовчанлигини таъминлайди.

Республикада ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичларидаёқ, Президентимиз Ислом Каримов фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият кўрсатиши лозимлигини таъкидлаб ўтган эди. Шу сабабли Республикамизда қишлоқ хўжалигини фермерлаштириш аграр ислоҳотларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Республикада бу жараён зарар кўриб ишлаш натижасида оғир аҳволга тушиб қолган давлат хўжаликларининг таркиби фермер хўжаликларидан иборат ширкатлар уюшмасига айлантириш, мавжуд давлат ва жамоа хўжаликлари таркибида улар ресурслари ҳисобидан фермер хўжаликлари уюштириш ҳамда деҳқоннинг ўз мол-мулки негизида бундай хўжаликларга деҳқон хўжалиги ташкил қилиш йўли билан боради. Фермер хўжалигининг барча ташкилий шаклларининг умумий томони шундаки, улар ижарага олинган давлат ерида фаолият кўрсатади. Фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш, ривожлантириш ва улар фаолиятини тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Қонунларга ҳамда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бошқа ҳуқуқий битимларга ва ҳукумат қарорларига асосланади.

Бу қонуний актларда фермерларга ажратилган ерларни мерос қилиб қолдириш шарти билан узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди. Шу билан бирга бу хўжалик учун ерларнинг унумдорлигини сақлаш ва оширишда давлат томонидан кафолатлар яратиш йўли билан уларни ҳимоялаш тизими вужудга келтирилди. Шундай қилиб фермер хўжаликларини ривожлантиришни рағбатлантириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий шарт-шароитлар яратилди. Натижада Республикада 2001 йил бошига келиб фермер хўжаликлари сони 43800 дан зиёдни ташкил қилди. Уларга бириктирилган қишлоқ хўжалик фойдаланишидаги ерлар майдони 889,7 минг

гектарни ташкил қилиб, бир хўжалик ихтиёридаги ер майдони 20,3 гектарга тўғри келади. 2000 йилда фермер хўжаликларида бутун қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 5,1 фоизи етиштирилган.

Республикада фермер хўжаликлари самарали ишлаши учун зарур хизмат кўрсатувчи инфратузилма — агрофирмалар, машина-трактор саройлари, таъмирлаш устахоналари, тайёрлов пунктлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар тизими шаклланди.

Агробизнес турларидан бири агрофирмалардир. Улар маълум турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уни пировард маҳсулот даражасигача қайта ишлашни қўшиб олиб борадиган корхоналардир.



14-*чизма*. Ўзбекистонда хўжалик тоифалари бўйича ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши (фоиз ҳисобида).

Агрофирмалар ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам саноатга хос ресурсларни ишлатиб, истеъмолга тайёр бўлган маҳсулот яратади. Мазкур турдаги корхоналар турли мулкчиликка асосланиши, чунончи оилавий хўжалик асосида ҳам ташкил топиб, кичик заводлар билан бирики-

ши мумкин. Агросаноат бирлашмалари ва комбинатлари агробизнеснинг янги турларидир.

Агросаноат бирлашмалари бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва унга боғлиқ ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи бир неча хўжалик ҳамда корхоналарни бирлаштиради. Масалан, боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар, улар маҳсулотини қайта ишловчи цех ва заводлар, етказиб берувчи савдосотиқ корхоналари бир технологик жараёнга бирлашиб агросаноат бирлашмаларини ташкил қилади. Бирлашма иштирокчилари ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий мустақилликларини сақлаб қолиши билан бирга, уларнинг умумий мулки ҳам таркиб топиб боради.

Агросаноат комбинатлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришгача барча технологик жараёнга хизмат қилувчи хўжалик ва корхоналарнинг маълум бир ҳудудида бирлашувидир. Агробизнес турига кўнгилли ва пайчилик маблағлари асосида ташкил қилинган турли хил уюшма ва иттифоқларни ҳам киритиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги давлат корхоналари, жамоа хўжаликлари ва ширкатлари, турли хил мулкчилик асосида ташкил қилинган кўшма корхоналар ҳам агробизнес турлари сифатида фаолият кўрсатади. Бунда қишлоқ хўжалик ширкатлари, алоҳида ўрин тутади. Республикамизда янги йил бошигача жами 1 минг 900 та хўжалик, шу жумладан, 2001 йилнинг ўзида 112 та хўжалик ширкатларга айлантирилди

Асосий таянч тушунчалар

Аграр муносабатлар — ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

Ер рентаси — ер эгалигини иқтисодий жиҳатдан амалга оширишнинг шаклидир.

Рента муносабатлари — ердан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромадни тақсимлаш ва ўзлаштириш билан боғлиқликда вужудга келадиган муносабатлар.

Дифференциал рента — ер участкаларининг унумдорлигидаги ва жойлашган жойидаги фарқлар натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромад.

Дифференциал рента — I — ерларнинг табиий унумдорлиги фарқлар натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромад.

Дифференциал рента — II — ерларнинг иқтисодий унумдорлигини ошириш натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромад.

Абсолют рента — қишлоқ хўжалигида ерга бўлган хусусий мулкчилик монополияси натижасида вужудга келиб, ҳамма турдаги: яхши, ўртача ва ёмон ерлардан олинадиган рента.

Монопол рента — алоҳида табиий шароитга эга бўлган, ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган ерлардан олинадиган рента.

Ундирма саноатда рента — фойдали қазилма конларининг жойлашиши ва уларнинг бойлигидаги фарқлар натижасида вужудга келади.

Агросаноат интеграцияси — қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи тугаш тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бирикиш жараёнидир.

Агросаноат мажмуаси — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ хўжалик тармоқларининг бирлиги.

Агрсаноат инфратузилмаси — бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи соҳалар.

Қишлоқ ижтимоий инфратузилма — одамлар яшаш ва турмуш фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган соҳалар.

Агробизнес — тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳалардаги намоён бўлиш шакли.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Аграр муносабатларнинг мазмунини, иқтисодий муносабатларда тутган ўрнини ва хусусиятларини кўрсатиб беринг.
2. Ер рентасининг асл мазмунини тушунтиринг.
3. Дифференциал (I ва II) ва абсолют рентанинг ҳосил бўлиш шарт-шароитлари, манбалари ва тақсимланишини тушунтириб беринг. Монопол рента нима? Қазиб олувчи ва ундирма саноатда рента қандай ҳосил бўлади?
4. «Нзкара ҳақи» ва «ер рентаси»нинг фарқларини изоҳланг.
5. Агробизнеснинг иқтисодий моҳиятини тушунтиринг ва унинг асосий турларига тавсиф беринг.
6. Агросаноат мажмуаси ва агросаноат интеграцияси тушунчаларига иқтисодий мазмунига ўз фикрингизни билдиринг.

III БЎЛИМ

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ (МАКРОИҚТИСОД)НИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

XIII БОБ. Миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари. Ялпи миллий маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари

Мазкур бобдан иқтисодий муносабатлар макроиқтисодий даражада таҳлил қилинади. Дастлаб миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичларига тавсиф берилади. Миллий ишлаб чиқаришнинг натижаси ҳисобланган ялпи миллий маҳсулот, унинг ҳаракат шакллари ва таркибий қисмларининг иқтисодий мазмуни ёритилади. Кейин ялпи миллий маҳсулотни ҳисоблаш усулларининг баёни берилади.

1-§. Миллий иқтисодиётнинг қарор топиши ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари

Ҳаммага маълумки, ўтмишда Ўзбекистон иқтисодиёти собиқ совет иттифоқи иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланиб, мустақил миллий иқтисодиёт деб бўлмас эди. Бизга бир ёқлама ривожланган пахта якка ҳокимлигига, хом ашё ишлаб чиқаришга ва бой минерал хом ашё ресурсларидан назоратсиз, аёвсиз фойдаланиш асосига қурилган, ёнилғи, ғалла ва бошқа кўпгина ишлаб чиқариш воситалари ҳамда истеъмол товарларининг таъминланиши бўйича марказга қарам бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов қисқа қилиб айтганларидек, «Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга — марказга бутунлай қарам, издан чиққан иқтисодиётга эга бўлган» мамлакат[1] эди.

[1] Қаранг: *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 6-бет.

1991 йил сентябридан буён ўтган қисқа давр мобайнида иқтисодий мустақилликни қўлга киритиб, мамлакатимиз ҳудудидаги барча табиий, минерал хом ашё бойликларидан мамлакатимиздаги бутун иқтисодий ресурслар ва қувватлардан ўз халқимиз ва унинг келажаги манфаатлари йўлида фойдаланиш имкониятига эга бўлдик[1].

Янги энергетика, машинасозлик ва бошқа саноат тармоқларининг вужудга келиши, кўплаб йирик иншоотлар, корхоналар, завод ва фабрикалар қурилганлиги, ёнилғи ва ғалла мустақиллигига эришилганлиги иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, изчил ўсиш суръатлари миллий мустақил иқтисодиётни мустаҳкамлаш сари ҳаракат натижаларидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган янги, мустақил ривожланаётган, ўз халқи, миллати манфаатларига хизмат қиладиган миллий иқтисодиёт шаклланиб бормоқда.

Миллий иқтисодиёт, барча тармоқлар ва соҳаларни, микро ва макро иқтисодиётларни, функционал иқтисодиётни, кўплаб инфратузилмаларни ўз ичига олган яхлит иқтисодиётдир.

Миллий хўжаликнинг таркиб топган тузилиши ижтимоий меҳнат тақсимоти ривожининг натижаси ҳисобланади.

Макроиқтисодиёт — бу мамлакат миқёсида моддий ишлаб чиқариш ва номоддий соҳаларини бир бутун қилиб бирлаштирган миллий ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиётдир. Макроиқтисодиёт ўз ичига халқ хўжалигининг моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини олади.

Макроиқтисодиёт меъёрида фаолият қилиш ва барқарор ўсиши учун барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро боғлиқлиги ва мувозанатли ривожланиши талаб қилинади.

Макроиқтисодиётда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳажми ва уларнинг ўсиши бир қатор кўрсаткичлар тизими орқали, микро ва макроиқтисодий даражада аниқланиб, таҳлил қилинади. Кўпгина микро кўрсаткичлар ёрдамида корхоналар фаолиятига баҳо берилиб ва улар иқтисодиётининг ривожланиш тамойиллари аниқланса, макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали бутун иқтисодиётнинг ҳолати унинг ўсиши ёки орқага кетиши таҳлил қилиниб, хулоса чиқарилади. Улар ёрдамида давлат ўз иқтисодий сиёсатини белгилайди. Бу тизимга кирувчи турли хил кўрсаткичлар, **биринчидан**, бизга маълум вақт оралиғидаги ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоблаш ва

[1] Қаранг: *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 8-бет.

миллий иқтисодиётнинг фаолият юритишига бевосита таъсир қилувчи омилларни аниқлаш имконини беради. **Иккинчидан**, макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими, ЯММ ни унинг ҳаракатининг барча босқичларида, яъни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва натижада фойдаланиш босқичларида кўргазмали шаклда акс эттиришга имкон беради.

Ниҳоят мазкур кўрсаткичлар тизими мавжуд ресурслар ва улардан фойдаланишнинг мос келиши кузатилганда, мамлакатдаги умумий иқтисодий мувозанатлик ҳолатини акс эттиради.

Бутун миллий иқтисодиётининг ҳолатини тавсифловчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар — **ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), ички миллий маҳсулот (ИММ), соф миллий маҳсулот (СММ), миллий даромад(МД), аҳоли даромадлари, ишчи кучи бандлиги, ишсизлик, инфляция ва бошқа шу кабилар ҳисобланади.**

Бу кўрсаткичлар моддий ишлаб чиқариш ва номоддий хизмат кўрсатиш соҳаларидаги барча хўжаликлар иқтисодий фаолиятининг умумий ва пировард натижаларини қамраб олади.

2-§. Ялпи миллий маҳсулотнинг мазмуни, таркибий қисмлари ва ҳаракат шакллари

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) — миллий хўжаликларда бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб тушиши мумкин бўлган тайёр пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳосидаги қийматидан иборат бўлади.

Демак, ЯММ миллий иқтисодиётда йил давомида ишлаб чиқарилган барча пировард маҳсулот (хизмат)ларнинг бозор баҳоларидаги суммаси. Биз биламизки, жорий йилда ишлаб чиқилган барча маҳсулотлар сотилмаслиги мумкин, уларнинг бир қисми захираларни тўлдиради. Яъни ЯММ ҳажмини ҳисоблаб топишда заҳираларнинг ҳар қандай ўсиши ҳисобга олиниши зарур, чунки ЯММ ёрдамида жорий йилдаги барча маҳсулотлар (сотилган ва сотилмаган) ҳисобга олинади.

Миллий ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажмини тўғри ҳисоблаб чиқиш учун мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот ва хизматлар бир марта ҳисобга олиниши зарур. ЯММ ҳажмини топишда сотилган ва қайта сотилган маҳсулотларни кўп марта ҳисобга олишларни бартараф қилиш учун, халқ хўжалигининг барча тармоқларида яратилган, қўшилган қийматлар йиғиндиси олинади.

Қўшилган қиймат — бу корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан етказиб берувчилардан сотиб олинган ва истеъмол қилинган хом ашё ва материаллар қиймати чиқариб ташлангандан кейин қолган қисмининг бозор қиймати.

Бошқача айтганда, **қўшилган қиймат — бу корхона ялпи маҳсулотидан ёки ишлаб чиқарган маҳсулотининг бозор нархидан (амортизация ажратмасидан ташқари) жорий моддий харажатлар чиқариб ташланган миқдорига тенг.**

ЯММ ёрдамида миллий иқтисодиётда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш йиллик ҳажмини ҳисоблашга ҳаракат қилинади.

ЯММ йил давомида ишлаб чиқарилган барча пировард товарлар ва хизматларнинг бозор баҳосидаги суммаси бўлганлиги учун товарнинг ўзи, унинг нафлилиги кўпаймаган ҳолда баҳолар ошиши эвазига унинг ҳажми ошиб кетиши мумкин. Баҳо ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ҳар хил элементларини ягона умумий асосга келтиришнинг энг кенг тарқалган кўрсаткичи сифатида фойдаланилади. Шунинг учун ялпи миллий маҳсулотга баҳо беришда номинал ва реал миллий маҳсулот ҳисобга олинади. Жорий бозор баҳоларида ҳисобланган миллий маҳсулот **номинал миллий маҳсулот,** ўзгармас баҳоларда ҳисобланган миллий маҳсулот эса **реал миллий маҳсулот** деб юритилади. Ҳар хил йилларда ишлаб чиқарилган ЯММ қийматини фақат нарх ўзгармаган тақдирда ўзаро таққослаш мумкин бўлади. Бундан ташқари нарх даражаси бизга иқтисодиётда инфляция (нарх даражасининг ўсиши) ёки дефляция (нарх даражасининг камайиши) ўрин тутганлигини ва унинг миқёси қандайлигини билиш имконини беради.

Нарх даражаси индекс шаклида ифодаланади. Нарх индекси жорий йилдаги маълум гуруҳ товарлар ва хизматлар тўплами нархлари суммасини, худди шундай товарлар ва хизматларнинг миқдорининг базис давридаги нархлар суммасига таққослаш орқали ҳисобланади. Таққослашнинг бошланғич даври «базис йил» дейилади. Агар айтилганларни формула шаклига келтирсак, у қуйидаги кўринишни олади:

$$\text{Нарх индекси} = \frac{\text{жорий йилдаги истеъмолчилик товарлари нархи}}{\text{базис йилидаги истеъмолчилик товарлари нархи}} \times 100$$

Амалиётда қатор ҳар хил товар ва хизматлар тўплами ёки истеъмол саватининг нарх индекси ҳисобланади. Ғарб мамлакатлари ва хусусан, АҚШда бу индекслар ичида энг кенг қўлланиладигани

истеъмолчилик товарлари савати нархлари индекси ҳисобланади. Унинг ёрдамида типик шаҳар аҳолиси сотиб оладиган, истеъмолчилик товар ва хизматларнинг 300 турини ўз ичига олувчи бозор саватининг қайд қилинган нархлари ҳисобланади. Аммо нархнинг умумий даражасини ҳисоблаш учун ЯММ нарх индексидан фойдаланилади. ЯММ нарх индекси анча кенг тушунча бўлиб, у ўз ичига нафақат истеъмолчилик товарлари, балки инвестицион товарлар, давлат томонидан сотиб олинадиган ҳамда халқаро бозорда сотилган ва сотиб олинган товарлар ва хизматлар нархларини ҳам олади. ЯММ нарх индекси, номинал ЯММни реал ЯММга айлантириб ҳисоблаш имкониятини беради.

Номинал ЯММ шу маҳсулот ишлаб чиқарилган даврда амал қилиб турган баҳоларда ифодаланган ишлаб чиқариш ҳажмини билдиради.

Маълум йил учун ЯММ нарх индексини қандай қилиб ҳисоблаш мумкинлигини кўрсатувчи оддий шартли мисол келтирамиз. 2000 йил Республикамиз халқ хўжалигида 3104,5 млрд. сўмлик ЯИМ ишлаб чиқарилган. 1999 йил ЯИМ қиймати 2128,7 млрд. сўмни ташкил қилган.

2000 йилга ЯММ нарх индексини аниқлаш учун 2000 йилдаги маҳсулотлар нархлари суммасини ҳулди шу ҳажмдаги ва турдаги товарларнинг 1999 йил нархлари суммасига бўлиш зарур, яъни 3194,5 2128,7=1,5 ёки 150,0 фоиз.

Агар биз ЯММ нарх индексини қатор йиллар учун ҳисобласак, олинган индекслар бизга уларни солиштириб таҳлил қилиш имконини беради.

Жорий йилдаги номинал ЯММни реал ЯММга айлантиришнинг анча оддий ва тўғридан тўғри усули номинал ЯММни нарх индексига бўлишдр, яъни:

Реал ЯММ=номинал ЯММ/НИ

Иқтисодиётда йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг кўрсаткичи ЯММ билан бирга, унинг таркибий қисмлари сифатида ҳисобланиш мумкин бўлган бир қатор ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар мавжуд бўладики, улар миллий иқтисодиётнинг турли томонларини тавсифлаб беради.

ЯММ кўрсаткичига соф экспорт (экспорт ва импорт ўртасидаги фарқ) киради. Аммо турли мамлакатларда ташқи савдо фаолиятининг салмоғи кескин фарқланади. Шу сабабли миллий иқтисодиёт ривожланиш даражасини таққослаш учун ички миллий маҳсулот (ИММ) кўрсаткичидан фойдаланилади. **ИММ маълум вақт давомида (бир йилда) мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган ва истеъмол**

қилишга тайёр пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳоларидаги қийматидир. У барча ишлаб чиқарувчилар қўшилган қийматлар йиғиндиси сифатида чиқади.

ЯММ ва ИММ ишлаб чиқариш ялпи ҳажмининг кўрсаткичи сифатида битта муҳим камчиликка эга. Улар мазкур йилда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган, асосий капиталнинг ўрнини қоплаш учун зарур бўлган қийматни ҳам ўз ичига олади.

ЯММдан жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий капитал қиймати ёки йиллик амортизация суммаси айириб ташланса соф миллий маҳсулот (СММ) кўрсаткичи ҳосил бўлади.

ЯММ — амортизация йиллик суммаси = СММ

Шундай қилиб, СММ амортизация ажратмаси суммасига камайтирилган ЯММ сифатида чиқади.

СММ қийматига давлат томонидан ўрнатиладиган эгри солиқлар суммаси киради. Эгри солиқлар корхона томонидан ўрнатиладиган баҳога қўшимча ҳисобланади. Бундай солиқлар оғирлиги истеъмолчи зиммасига тушади ва унинг ҳисобига ўзларининг даромадининг бир қисмини йўқотади. Шунинг учун ҳозирги даврда ҳисоб тизимида СММдан эгри солиқлар чиқариб ташланса миллий даромад (МД) кўрсаткичи ҳосил бўлади деб кўрсатилади.

СММ — бизнесга эгри солиқ= миллий даромад.

Амалиётда ишлаб чиқарилган ва фойдаланилган МД фарқланади. **Ишлаб чиқарилган МД** — бу янгидан яратилган товар ва хизматлар қийматининг бутун ҳажми. **Фойдаланилган МД**— бу ишлаб чиқарилган МДдан йўқотишлар (табиий офатлар, сақлашдаги йўқотишлар ва ҳ. к.) ва ташқи савдо қолдиғи чиқариб ташланган миқдорга тенг.

Бизнинг амалиётда МД истеъмол ва жамғариш фондига ажратилади. **Истеъмол фонди** — бу миллий даромаднинг жамият аъзоларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини ҳамда бутун жамият эҳтёжларини (таълим, мудофаа ва ҳ. к.) қондиришни таъминлашга кетадиган қисми. **Жамғариш фонди** — бу миллий даромаднинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришни таъминлайдиган қисми.

Миллий даромадни, даромадлар барча турларини (амортизация ажратмаси ва бизнесга эгри солиқлардан ташқари) қўшиб чиқиш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин.

Миллий даромаднинг бир қисми, жумладан ижтимоий страхованияга ажратмалар, корхона фойдасига солиқлар ва корхонанинг тақсимланмайдиган фойдаси амалда уй хўжаликлари қўлига келиб

тушмайди. Аксинча, уй хўжаликлари оладиган даромаднинг бир қисми, масалан, ижтимоий тўловлар — улар қилган меҳнатининг натижаси ҳисобланмайди.

Шахсий даромад кўрсаткичини топиш учун миллий даромаддан уй хўжаликлари қўлига келиб тушмайдиган даромадларнинг юқоридаги учта турини (ишлаб топилган) чиқариб ташлашимиз ҳамда жорий меҳнат фаолиятининг натижаси ҳисобланмаган даромадларни унга қўшишимиз зарур.

Миллий даромад — ижтимоий суғурта ажратмаси — корхона фойдасига солиқлар — корхонанинг тақсимланмайдиган фойдаси+ ижтимоий тўловлар = шахсий даромад.

Шахсий даромаддан солиқлари тўлангандан кейин, уй хўжаликларининг тўлиқ тасарруфида қоладиган даромад шаклланади. Солиқлар тўлангандан кейинги даромад шахсий даромаддан шу даромад ҳисобидан тўланадиган солиқлар миқдорини чиқариб ташлаш йўли билан ҳисобланади. Солиқлар тўлангандан кейинги даромад уй хўжаликлари энг охирида эга бўладиган даромад ҳисобланиб, алоҳида шахс ва оилалар ўз тасарруфида бу даромадларнинг бир қисмини истеъмол учун сарфлайди ва бошқа қисмини жамғармага йўналтиради.

Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг қараб чиқилган таҳлилига асосланиб, бу кўрсаткичлар бутун тизими нисбатини кўргазмали тасаввур қилишимиз мумкин бўлади.

Ички миллий маҳсулот — Амортизация = СММ.

Соф миллий маҳсулот — Эгри солиқлар = МД.

Миллий даромад — ижтимоий суғурта ажратмалари — корхона фойдасига солиқлар — корхонанинг тақсимланмайдиган фойдаси + ижтимоий тўловлар = Шахсий даромад

Шахсий даромад = Солиқлар тўлангандан кейинги шахсий даромад.

3-§. Ялпи миллий маҳсулотни ҳисоблаш усуллари

Миллий маҳсулотни ҳисоблашда миллий ҳисоб тизимидан фойдаланилади.

Миллий ҳисоблар — бу ЯММ ва миллий даромадни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишни тавсифлайдиган ўзаро боғлиқ макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимидир.

Бундай ҳисоблар халқаро статистикада стандарт тизим сифатида 1953 йилдан бошлаб қўлланила бошлади. Ҳозирги даврда дунёнинг 100дан ошиқ мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда мазкур тизим кенг қўлланилади.

Миллий ҳисоблар асосини йиғма баланслар ташкил қилади. Бунга даромад ва харажатлар баланси мисол бўлиши мумкин. Даромадлар хўжалик бирликлари ва аҳоли умумий даромадлари (иш ҳақи, фойда, даромадларнинг бошқа турлари, амортизация) суммасини акс эттиради. Харажатлар тўртта гуруҳдан иборат бўлади: истеъмол, инвестициялар, давлат харид, соф экспорт. Миллий ҳисоблар макроиқтисодиётнинг меъёридаги – мувозанатли ҳолатга эришиш даражасини аниқлашга ёрдам беради.

ЯММ (ИММ) уч хил усул билан ҳисобланиши мумкин:

Биринчи усул — бу ЯММни ҳисоблашга қўшилган қийматлар бўйича ёндашув. Бунда миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича яратилган қўшилган қийматлар қўшиб чиқилади (ЯИМ тармоқ ва ишлаб чиқаришлар бўйича). Бу усул билан ҳисобланган ЯММ (ИММ) алоҳида тармоқларнинг шу маҳсулотини яратишдаги ўрнини ва ҳиссасини аниқлаш имконини беради.

10-жадвал

Ўзбекистон миллий иқтисодёти тармоқлари бўйича ЯИМ улушининг ўзгариши (жорий баҳоларда ЯИМ га фоиз ҳисобида)[1]

	Тармоқлар	Йиллар							
		1993		1995		1998		2000	
		млн. сўм	%	млн. сўм	%	млрд сўм	%	млрд. сўм	%
1.	Қишлоқ хўжалиги	1420	27,8	85113	28,1	358,4	26,4	972,5	30,4
2.	Саноат	1140	22,3	51735	17,1	204,4	15,0	440,5	13,8
3.	Хизматлар	2072	40,5	126143	41,7	585,2	43,1	1173,9	36,8
	қурилиш	457	8,9	21369	7,1	105,3	7,8	194,4	6,1
	савдо ва умумий овқатланиш	317	6,2	15844	5,2	114,9	8,5	303,5	9,5
	транспорт ва алоқа	281	5,5	22053	7,3	84,7	6,2	258,0	8,1
	Бошқа хизматлар	1018	19,9	66877	22,1	280,3	20,0	612,4	19,2
4.	Соф солиқлар	481	9,4	39798	13,1	210,8	15,5	406,4	12,7
	ЯИМ	5113	100,0	302788	100,0	1358,8	100	3194,5	100,0

[1] Жадвал. Ўзбекистон макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари бўйича тузилган.

Масалан, Ўзбекистонда ИММ (ЯИМ) 2000 йил халқ хўжалигининг тармоқлари ва соҳалари бўйича 3194,5 млрд. сўмни ташкил қилган[1]. Шу жумладан:

моддий ишлаб чиқариш соҳаларида — 1614,2 млрд сўм (50,5 фоиз);

хизмат кўрсатиш соҳаларида — 1173,9 млрд. сўм (36,8 фоиз).

Соф солиқлар — 405,4 млрд. сўм (12,7 фоиз).

Республикада ЯИМнинг тармоқлар бўйича тузилиши шу йили қуйидаги маълумотлар билан тавсифланган (млрд. сўм).

ЯИМ жами — 3194,5 (100,0 фоиз),

шу жумладан, саноатда — 440,5 (13,8 фоиз),

қурилишда — 194,4 (6,1 фоиз),

қишлоқ хўжалигида — 972,5 (30,4 фоиз),

савдо ва умумий овқатланишда — 303,5 (0,5 фоиз),

транспорт ва алоқада — 258,0 (8,1 фоиз),

бошқа соҳаларда — 619,2 (19,4 фоиз),

соф солиқлар — 406,4 (12,7 фоиз).

Иккинчи усул — бу ЯММ (ЯИМ)ни ҳисоблашга сарф-харажатлар бўйича ёндашув.

Бунда мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот (хизмат)лар ҳажмини сотиб олишга қилинган бутун сарфлар қўшиб чиқилади. Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган пировард маҳсулотларни мамлакат ичида хўжаликнинг учта субъекти — уй хўжаликлари, давлат, тадбиркорлар ҳамда ташқаридан чет эллик истеъмолчилар сотиб олиши мумкин.

Уй хўжаликларининг истеъмолчилик сарфлари. Бу кундалик товарларга, хизматларга, узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмларига ва бошқаларга қилинадиган сарфлардир.

Инвестицион сарфлар тадбиркорлик секторининг асосий капитални ялпи жамғаришга қиладиган сарфлардир. **Инвестицион сарфлар** асосан учта қисмдан иборат: а) тадбиркорлар томонидан машина, ускуна ва станокларнинг барча хариди; б) барча қурилишлар; в) захираларнинг ўзгариши.

Биринчи гуруҳ элементларнинг "инвестицион сарфлар" таркибига киритилиш сабаби аниқ, қурилишларнинг унинг таркибига

[1] Бу ва кейинги бетлардаги маълумотлар қуйидаги манбадан олинган: Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2000 год. Тошкент, 2001, 8-бет.

киритилиши, ўз-ўзидан аниқки, янги фабрика, омбор ёки элеватор қурилиши инвестициялар шакли ҳисобланади.

ЯИМ таркибига захираларнинг кўпайиши, яъни ишлаб чиқарилган, лекин мазкур йилда сотилмаган барча маҳсулотлар киритилади. Бошқача айтганда ЯИМ ўз ичига йил давомидаги захиралар ва эҳтиётлар барча ўсишининг бозор қийматини олади. Захираларнинг бу ўсиши ЯИМга жорий ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичи сифатида қўшилади.

Захиралар камайганда, у ЯИМ ҳажмидан чиқарилиши зарур. Захираларнинг камайиши йил давомида миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилгандан кўпроқ маҳсулот сотилганлигини билдиради. Бошқача айтганда жамият мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотни ва унга қўшимча олдинги йиллардан қолган захираларнинг бир қисмини истеъмол қилган бўлади.

ЯИМни сарфлар бўйича ҳисоблашда ялпи, хусусий ва ички инвестициялар тушунчасидан фойдаланилади. Хусусий ва ички инвестициялар мос равишда хусусий ва миллий компаниялар амалга оширадиган инвестицион сарфларни билдиради. Ялпи инвестициялар ўз ичига жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган машина, ускуна ва қурилмаларнинг ўрнини қоплаш учун мўлжалланган барча инвестицион товарлар ишлаб чиқаришни ҳамда иқтисодиётда капитал қўйилмалар ҳажмига ҳар қандай соф қўшимчаларни олади. Ялпи инвестициялар моҳиятига кўра истеъмол қилинган асосий капитални қоплаш суммасини ва инвестицияларнинг ўсган қисмидан иборат бўлади. Бошқа томондан соф хусусий ички инвестициялар тушунчаси жорий йил давомида қўшилган инвестицион товарлар суммасини характерлаш учун ишлатилади. Уларнинг фарқини оддий мисолда анча аниқ тушунтириш мумкин. Фараз қилайлик, Республикамиз иқтисодиётида 2000 йил 500 млрд. сўмлик, инвестицион товарлар (ишлаб чиқариш воситалари) ишлаб чиқарилган бўлсин. Аммо ЯИМни ишлаб чиқариш жараёнида шу йили 400 млрд. сўмлик машина, ускуна ва бошқа инвестицион товарлар истеъмол қилинган. Натижада бизнинг иқтисодиётга 100 млрд. сўмлик жамғарилган капитал қиймати қўшилади. Шу йили ялпи инвестициялар 500 млрд. сумни соф инвестициялар фақат 100 млрд. сўмни ташкил қилади. Икки кўрсаткич ўртасидаги фарқ, 2000 йилги ЯИМ ҳажмини ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилган ва истеъмол қилинган капитал қийматини ифодалайди.

Ялпи инвестициялар ва амортизация (шу йили ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий капитал ҳажми) ўртасидаги

нисбат, иқтисодиёт юксалиш, турғунлик ёки таназзул ҳолатида эканлигини тавсифлаб берувчи кўрсаткич (индикатор) ҳисобланади.

Ялпи инвестициялар амортизациядан ортиқ бўлса, иқтисодиёт юксалиш босқичида жойлашади, унинг ишлаб чиқариш қувватлари ўсади. Масалан, бизнинг юқоридаги мисолда таъкидланганидек, 2000 йил ялпи инвестициялар 500 млрд. сўмни, ишлаб чиқаришда истеъмол қилинган инвестиция товарлари ҳажми 400 млрд. сўмни ташкил қилган. Бу иқтисодиётда шу йил охирида 100 млрд. сўмлик инвестицион товарлар кўп бўлганини билдирадики, инвестицион товарлар таклифининг кўпайиши, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтиришнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Турғун иқтисодиёт ялпи инвестициялар ва амортизация тенг бўлган вазиятни акс эттиради. Бу иқтисодиётда мазкур йилда ЯИМни ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган воситаларни қоплаш учун зарур бўлган миқдорда асосий капитал ишлаб чиқаришни билдиради. Бошқача айтганда, соф инвестициялар тахминан нолга тенг бўлади, ишлаб чиқариш қувватлари кенгаймайди.

Ялпи инвестициялар амортизацияга қараганда кам бўлса, яъни иқтисодиётда ишлаб чиқарилганга қараганда капитал кўпроқ истеъмол қилинса, ноқулай вазият вужудга келади. Бундай шароитда иқтисодиётда инвестицияларнинг қисқариши рўй беради. Бу йил охирида капитал ҳажми йил бошида мавжуд бўлгандан кам бўлиб қолишга олиб келади. Масалан, «Буюк турғунлик» даврида, аниқроғи 1933 йил АҚШда ялпи инвестициялар ҳаммаси бўлиб 1,6 млрд. дол.ни, йил давомида истеъмол қилинган капитал — 7,6 млрд. дол.ни ташкил қилган. Шундай қилиб, инвестицияларнинг соф қисқариши 6 млрд. дол.га тенг бўлган.

Давлат сарфлари — бу маҳсулотларни ва хизматларни сотиб олишга давлатнинг (бошқарувнинг қуйи ва маҳаллий органлари билан бирга) қилган барча сарфларини ўз ичига олади.

Чет элликларнинг миллий иқтисодиёт товарларига сарфлари худди мамлакат ичидаги истеъмолчилик сарфлари каби миллий ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ. Шу сабабли ЯИМни сарфлар бўйича ҳисоблашда товар ва хизматларга чет элликларнинг сарфлари, яъни **экспорт қиймати** ҳам қўшилади. Бошқа томондан, истеъмолчилик ва инвестицион сарфлар ҳамда давлат маблағларининг бир қисми импорт қилинган, яъни чет элда ишлаб чиқарилган товарларга сарфланади. Миллий ишлаб чиқариш умумий ҳажми асоссиз ошиб кетмаслиги учун импорт ҳажми ЯИМдан чиқарилади. Бунинг учун эк-

спорт ва импорт миқдорлари ўртасидаги фарқ аниқланади. Бу фарқ товар ва хизматларнинг соф экспорти ёки оддий қилиб **соф экспорт дейилади**. Соф экспорт ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Агар экспорт импортдан ортиқ бўлса, бу ижобий, экспортдан импорт ортиқ бўлса, салбий бўлади. ЯИМни ҳисоблашда юқоридаги ҳамма харажатларга соф экспорт ҳажми қўшилади.

Қараб чиқилган сарфларнинг тўрт тоифасига нотижорат муассасалар (касаба уюшмалар, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар ва ижтимоий ташкилотлар) сарфлари ва моддий айланма воситалари эҳтиёсидаги ўзгаришларни қўшиб чиқиш йўли билан ЯИМ(ИММ) ҳажми аниқланади.

2000 йил Ўзбекистонда сарфлар (фойдаланиш) бўйича ЯИМ 3194,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, у таркибан қуйидагича бўлган:

Пировард истеъмолга сарфлар — 2665,0 млрд. сўм (83,4 фоиз);

Ялпи жамғариш — 529,5 млрд. сўм (16,6фоиз).

Учинчи усул — бу ЯММ (ЯИМ)ни даромадлар бўйича ҳисоблаш.

Мазкур йилда ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ҳажмидан олинган барча даромадлар уй хўжаликлари ихтиёрига иш ҳақи, рента тўловлари, фоиз ва фойда шаклида келиб тушади. Шу сабабли бу усулда ЯММ (ЯИМ) пировард маҳсулот ҳисобидан олинган ана шу барча даромадларни қўшиб чиқиш орқали аниқланади.

ЯММ (ЯИМ)ни даромадлар бўйича ҳисоблашда уй хўжаликлари, корхона ва давлат муассасаларининг дастлабки, яъни тақсимланган даромадларини меҳнат ҳақи ва ялпи фойдага (рента, ссуда фоизи ва тадбиркорлик фойдаси ва ҳ. к.) ажратиш мумкин. ЯММ (ЯИМ)ни мазкур усул бўйича ҳисоблашда даромадларнинг барча суммасига истеъмол қилинган асосий капитал қиймати (амортизация ажратмаси) ва бизнесга эгри солиқлар суммаси ҳам қўшилади.

Агар ЯММни ҳисоблашнинг охирги икки усулини оддий тенглик шаклида тасвирласак:

Мазкур йилда ишлаб чиқарилган ЯММни сотиб олишга сарфлар ҳажми = Мазкур йилда ишлаб чиқарилган ЯММдан олинган пул даромадлари суммаси.

Маҳсулотни ишлаб чиқаришга нима сарфланган бўлса, бу мазкур маҳсулотни ишлаб чиқаришга ўзининг ишчи кучи ва моддий ресурсларини бозорда сотишга қўйганлари учун даромад ҳисобланади. ЯММ (ЯИМ)ни ҳисоблашда унинг таркибига кирган даромадлар ва даромад билан боғлиқ бўлмаган сарфлар (амортизация ва эгри солиқлар)нинг алоҳида турларини тўлароқ қараб чиқамиз.

11-жадвал

ЯММ (ИММ)ни ҳисоблашга сарфлар ва даромадлар бўйича ёндашув

Миллий маҳсулот ҳажмини сарфлар суммаси бўйича ҳисоблаш	Миллий маҳсулот ҳажмини даромадлар суммаси бўйича ҳисоблаш
1.Уй хўжаликларининг истеъмолчилик сарфлари +	1.Даромад билан боғлиқ бўлмаган сарф ва тўловлар а) амортизация, б) эгри солиқлар +
2.Тадбиркорларнинг инвестицион сарфлари +	2.Иш ҳақи +
3.Товар ва хизматларни давлат харид қилиши +	3.Рента тўловлари +
4.Чет элликлар сарфи +	4.Фоиз +
5.Нотижорат муассасалари сарфи +	5.Фойда
6.Моддий айланма воситалар захирасидаги узгаришлар	
ЯММ (ЯИМ)	ЯММ (ЯИМ)

Асосий капиталнинг кўпчилик турларининг фойдали хизмат муддати узоқ даврни ташкил қилади. Инвестицион товарларни сотиб олишга қилинадиган сарфлар ва уларнинг унумли хизмат муддати амалда бир даврга тўғри келмайди. Шу сабабли корхоналар инвестицион товарларнинг фойдали хизмат муддатини ҳисоблайди ва уларнинг умумий қийматини бутун хизмат муддатига тенг ақсимлайди. Асосий капиталнинг йил давомида ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ва яратилаётган маҳсулотга кўчган қиймати **амортизация ажратмаси** дейилади. Амортизация ажратмаси асосий капитал турлари бўйича ҳар йили ажратиб борилади. Масалан, тўқув дастгоҳининг қиймати 5 млн. сўм, хизмат муддати 10 йилга тенг. Йиллик амортизация ажратмаси 0,5 млн. сўмни (5:10) ташкил қилади.

Амортизация ажратмаси шу йил ишлаб чиқарилган маҳсулот (ЯММ) қиймати таркибига ишлаб чиқариш харажатлари сифатида кириб, маҳсулот сотилиши натижасида пул шаклида қайтиб келади ва амортизация фонди ҳисобида тўпланиб боради. Бу фонд маблағларидан истеъмол қилинган асосий капитални қайта тиклаш, яъни янги

инвестицион товарлар сотиб олиш ва амал қилиб турганларини капитал созлаш ва таъмирлаш учун фойдаланилади. У ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва кредит ресурсларининг манбаи ҳам ҳисобланади.

Даромад тўлаш билан боғлиқ бўлмаган харажатларнинг бошқа тури эгри солиқлар корхоналар учун ишлаб чиқариш харажатлари сифатида чиқади ва шу сабабли маҳсулот нархига қўшилади. Бундай солиқлар ўз ичига акциз тўловлари, сотишдан олинадиган солиқлар, мулк солиғи, лицензия ва божхона тўловларини олади.

Даромадларнинг энг муҳим тури иш ҳақи тадбиркорлар ва давлат томонидан ишчи кучини тақдим қилганларга тўланади. У иш ҳақига қўшлаб қўшимчалар, ижтимоий сугурта тўловлари ва нафақа таъминотининг ҳар хил хусусий фондлари, ишсизлик нафақалари ва бошқа ҳар хил мукофот ҳамда имтиёзларларни ўз ичига олади. Иш ҳақига бу қўшимчалар иш кучини ёллаш билан боғлиқ бўлган харажатининг бир қисми сифатида чиқади ва шу сабабли корхонанинг иш ҳақи тўлашга умумий сарфларининг таркибий қисми сифатида қаралади.

Рента тўловлари иқтисодиётни ресурслар (капитал, ер) билан таъминловчи уй хўжаликларининг оладиган даромади ҳисобланиб, корхона харажатлари таркибига киради.

Фоиз пул капитали эгаларига пул даромади тўловларидан иборат. Бунда давлат томонидан амалга ошириладиган фоизли тўловлар, фоизли даромадлар таркибидан чиқарилади.

Мулкдан олинадиган даромадлар икки турга бўлинади: бир қисми мулккга даромад ва бошқа қисми эса корпорациялар фойдаси дейилади.

Асосий таянч тушунчалар

Макроиқтисодиёт — моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини яхлит бир бутун қилиб бирлаштирган миллий иқтисодиёт ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиётдир.

Миллий ҳисоблар тизими — ЯММ(ЯИМ) ва миллий даромадни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишни тавсифлайдиган ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизими.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) — миллий иқтисодиётда бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб тушадиган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳоларидаги суммаси.

Қўшилган қиймат — ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан сотиб олинган ва унумли истеъмол қилинган хом ашё ва материал-

лар қиймати чиқариб ташлангандан кейин қолган қисмининг бозор қиймати.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) — йил давомида мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳоларидаги қиймати.

Соф миллий маҳсулот (СММ) — йил давомида янгидан яратилган маҳсулот бўлиб, ялпи ички маҳсулотдан амартизация ажратканлари суммасини айириб ташлаш йўли билан аниқланади, у таркибан миллий даромад ва эгри солиқлардан иборат бўлади.

Миллий даромад — янгидан вужудга келтирилган қиймат бўлиб, СММдан эгри солиқларни чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади.

Шахсий даромад — миллий даромаддан ижтимоий сугурта ажратмалари, корхона фойдасидан олинадиган солиқлар ва корхонанинг тақсимланмайдиган фойдасини чиқариб ташлаш ҳамда аҳоли қўлига келиб тушадиган ижтимоий тўловлар суммасини қўшиш йўли билан аниқланади.

Номинал ЯММ — жорий баҳоларда ҳисобланган ЯММ.

Реал ЯММ — баҳоларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, доимий баҳоларда ҳисобланган ЯММ.

Оралиқ маҳсулот — ишлов бериш, қайта ишлаш ва қайта сотиш мақсадларида сотиб олинган маҳсулотлар.

Пировард маҳсулот — ишлаб чиқариш жараёни якунланган, шахсий ва унумли истеъмол қилишга тайёр бўлган маҳсулотлар.

Хуфёна иқтисодиёт — ЯММни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва ундан фойдаланишнинг расмий ҳисоб-китоблардан яширин қисми.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Миллий иқтисодиёт деганда нимани тушунасиз?
2. Макроиқтисодий кўрсаткичлар нималар ва улар миллий иқтисодиётда қандай рол ўйнайди?
3. ЯММ ва СММ бир-биридан нима билан фарқланади? СММ ва миллий даромад-чи?
4. ЯММ ҳаракат шакллари тавсифини беринг.
5. ЯММ қандай усулларда ҳисобланади? Уларнинг фарқи нимадан иборат?
6. Номинал ва реал ЯММ тушунчаларини изоҳланг. Уларнинг фарқини кўрсатинг.

XIV БОБ. Ялпи талаб ва ялпи таклиф

Бу бобда олдинги мавзуда бошланган макроиқтисодий таҳлилимизни давом эттирамиз. Бунинг учун аввало, яхлит олинган бозорни кўриб чиқамиз. Кейин ялпи талаб ва ялпи таклиф тушунчаларининг иқтисодий мазмунини тавсифлаймиз. Таҳлил давомида ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсир этувчи омилларни кўрсатиб, улар таъсирида баҳоларнинг мувозанатли даражаси ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми қандай ўрнатилишини кўриб чиқамиз.

1-§. Ялпи талаб тушунчаси ва унинг ҳажмига таъсир қилувчи омиллар

Ялпи талаб — бу барча истеъмолчилар, яъни аҳоли, корхоналар ва давлат нархларнинг мавжуд даражасида сотиб олиши мумкин бўлган турли товарлар ва хизматларга бўлган талабнинг умумий ҳажмини ёки миллий иқтисодиётдаги реал пул даромадлари ҳажмини билдиради. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, нарх даражаси қанча паст бўлса, истеъмолчилар (мамлакат ичидаги ҳамда чет эллари) миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг шунча катта қисмини ва аксинча, нарх даражаси қанча юқори бўлса, шунча кам қисмини сотиб олади. Шундай қилиб, нарх даражасининг ошиши, бошқа шароитлар ўзгармай қолганда ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмига ялпи талаб ҳажмининг камайишига сабаб бўлади. Аксинча, нарх даражасининг пасайиши ишлаб чиқариш ҳажми ялпи талабнинг ошишига олиб келади. Ялпи талабга нархдан ташқари таъсир қилувчи омилларнинг ўзгариши ҳам миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига олиб келади.

Нарх даражаси ва талаб билдирган миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги бу тескари боғлиқлик 15-чизмада аниқ ифодаланган.

Бу ялпи талаб ҳажмига таъсир этувчи нархдан ташқари омиллар қуйидагилардир:

1. Истеъмолчилик сарфларидаги ўзгаришлар. Нарх даражасининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолда, нархдан ташқари бир ёки бир неча омиллар таъсирида истеъмолчилар хариди ҳажмида ўзгариш

рўй бериши мумкин. Бу истеъмолчи фаровонлиги, истеъмолчининг кутиши, истеъмолчининг қарзлари ва солиқларнинг ўзгариши натижаси ҳисобланади.



15-*чизма*. Ялпи талаб эгри чизиғи.

Истеъмолчининг фаровонлиги истеъмолчи эга бўлган барча молиявий активларга (акция ва облигация) ҳамда уй ва ер каби кўчмас мулкларга эгалигига боғлиқ бўлади. Уларнинг реал қийматининг кескин камайиши товар харид қилишининг камайишига олиб келади. Истеъмолчилик сарфларининг қисқариши натижасида ялпи талаб камаяди. Аксинча моддий ва молиявий қимматликлар реал қийматининг ошиши натижасида, нархларнинг мавжуд даражасида истеъмолчилик сарфлари ўсади. Бунга, акция курсининг кескин ошиши, ҳатто нархлар даражаси ўзгармай қолганда истеъмолчи фаровонлигининг ўсишига олиб келишини мисол қилиб келтириш мумкин. Уй ва ер реал қийматининг кескин камайиши, нарх умумий даражасининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолда истеъмолчи фаровонлигининг пасайишига олиб келади.

Истеъмолчининг кутиши. Истеъмолчилик сарфлари ҳажмидаги ўзгариш, истеъмолчининг нархлар ва даромадлар даражасидаги келажакдаги ўзгаришларни олдиндан билишига боғлиқ. Масалан, агар одамлар келажакда ўзларининг реал даромади кўпаяди деб ҳисобласа, улар жорий даромадларининг кўпроқ қисмини сарфлашга тайёр бўлади. Натижада бу даврда истеъмолчилик сарфлари кўпаяди, жамғариш эса камаяди ва ялпи талаб ортади. Аксинча, агар одамлар келажакда ўзларининг реал даромадлари камаяди деб ҳисобласа,

уларнинг истеъмолчилик сарфлари ва демак, ялпи талаби қисқаради. **Худди шундай инфляциянинг кутилиши** бугунги ялпи талабни оширади. Чунки истеъмолчилар нархлар ошгунча товарларни харид қилиб қолишга ҳаракат қилади. Аксинча, яқин келажакда нархлар пасайишининг кутилиши, бугунги истеъмол миқдорининг камайишига олиб келади.

Истеъмолчи қарзлари. Истеъмолчи қарзлари кўп бўлганда, у жорий даромадини қарзларга тўлаб, ўзларининг бугунги сарфларини қисқартириш мумкин. Аксинча, истеъмолчи қарздор бўлмаса, улар бугунги сарфларини кўпайтиришга тайёр бўлади.

Солиқ. Даромад солиғи ставкасининг камайиши, нархларнинг мавжуд даражасида истеъмолчилик сарфларини кўпайтиради, солиқларнинг ошиши истеъмолчилик сарфларини камайтиради.

2. Инвестицион сарфлар. Инвестицион сарфлар, яъни ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш, ялпи талабнинг нархдан ташқари муҳим омили ҳисобланади. Нархларнинг мавжуд даражасида корхона сотиб олиши мумкин бўлган янги ишлаб чиқариш воситаларининг камайиши ялпи талабнинг камайишига, аксинча корхона сотиб оладиган инвестицион товарлар ҳажмининг кўпайиши ялпи талабнинг кўпайишига олиб келади. Инвестицион сарфларни ўзгартириш мумкин бўлган нархдан ташқари омилларни алоҳида-алоҳида қараб чиқамиз.

Фоиз ставкалари. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, фоиз ставкасининг ошиши, инвестицион сарфларнинг камайишига ва ялпи талабнинг қисқаришига олиб келади. Бу ерда гап мамлакатда пул массаси ҳажмининг ўзгариши оқибатида фоиз ставкаларининг ўзгариши ҳақида гап кетади. Пул массасининг кўпайиши фоиз ставкасини камайтиради ва шу орқали капитал қўйилмалар ҳажмини кўпайтиради. Аксинча, пул масасининг камайиши фоиз ставкасининг ошишига ва инвестицияларнинг қисқаришига олиб келади.

Инвестициялардан кутиладиган фойда. Капитал қўйилмалардан юқори фойда олишнинг кутилиши инвестицион товарларга талабни оширади ва аксинча, истиқболда инвестицион дастурлардан фойда олиш ноаниқ бўлса, инвестицияларга сарфлар камайиш тамойилига эга бўлади, демак, ялпи талаб ҳам камаяди.

Солиқлар. Корхонадан олинадиган солиқларнинг кўпайиши капитал қўйилмалардан олинадиган фойданинг камайишига ва демак, инвестицион сарфлар ва ялпи талабнинг қисқаришига олиб келади. Аксинча, солиқларнинг қисқариши бундай фойдани ва инвестицион сарфларни кўпайтиради.

Технология. Янги ва такомиллашган технология инвестицион сарфларни ва шу орқали ялпи талабни рағбатлантириш тамойилига эга бўлади.

Ортиқча қувватлар. Ортиқча қувватлар, яъни мавжуд фойдаланилмайдиган асосий капиталнинг кўпайиши, янги инвестицион товарларга талабни ва натижада ялпи талабни камайтиради. Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилганда тадбиркорлар кўпроқ машина ва ускуналар сотиб олишга тайёр бўлади, демак, инвестицион сарфлари кўпаяди.

3. Давлат сарфлари. Нархларнинг мавжуд даражасида, миллий маҳсулотда давлат харидининг кўпайиши ялпи талабнинг ўсишига олиб келади. Бунга давлатнинг ўз армиямизни тузиш тўғрисидаги қарори мисол бўла олади. Давлат сарфларининг камайиши ялпи талабнинг қисқаришига олиб келади. Масалан, янги автомобил йўли қуришга давлат сарфларининг қисқариши шундай натижага олиб келади.

4. Соф экспортдаги ўзгариш. Соф экспортнинг кўпайиши ялпи талабни ҳам кўпайтиради. Биринчидан, экспортнинг юқори даражаси, чет элларда бизнинг товарларга бўлган талабни оширади. Иккинчидан, импортнинг қисқариши ўз товарларимизга ички талабнинг кўпайишини тақозо қилади. Соф экспорт ҳажмини аввало, чет давлатлардаги миллий даромад ва валюта курслари ўзгартиради. Чет мамлакатларда даромадлар даражаси ошганда, уларнинг фуқаролари ҳам ўзларининг товарларини ва ҳам чет элларда ишлаб чиқарилган товарларни кўпроқ миқдорда сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Чет элларда миллий даромаднинг камайиши эса қарамақарши натижа беради, бизнинг экспортнинг соф ҳажми қисқаради.

Валюта курслари. Бошқа валюталарга нисбатан миллий пул курсининг ўзгариши соф экспортга ва демак ялпи талабга таъсир кўрсатади. Фараз қилайлик, иенанинг доллардаги нархи ўсади. Бу шуни билдирадики, доллар иенага нисбатан қадрсизланади ва иена курси кўтарилади. Доллар ва иена ўртасидаги янги нисбат натижасида яниялик истеъмолчилар иенанинг маълум суммасига кўпроқ доллар олиши мумкин. Демак, япониялик истеъмолчилар учун америка товарлари японияникига қараганда арзонроқ бўлади. Шу билан бирга америкалик истеъмолчилар долларнинг маълум суммасига камроқ япония товарларини сотиб олиши мумкин. Бундай ҳолда кутиш мумкинки, Америка экспорти ўсади, импорти камаяди. Соф экспортнинг кўпайиши ўз навбатида АҚШ ялпи талабининг кўпайишига олиб келишини билдиради.

2-§. Ялпи таклиф тушунчаси. Ялпи таклиф таркиби ва унга таъсир қилувчи омиллар

Ялпи таклиф — мавжуд нарх даражасида сотиш мумкин бўлган, сотишга чиқарилган ва тайёрланган турли-туман товарлар ва хизматларнинг умумий ҳажмидир. Бу нархларнинг ҳар хил мумкин бўлган ўртача даражасида миллий ишлаб чиқаришнинг мавжуд реал ҳажмини кўрсатади. Анча юқори нархлар қўшимча товарлар ишлаб чиқариш учун рағбат яратади. Нархларнинг паст даражаси товар ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келади. Шу сабабли нархлар ва миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўртасида тўғридан-тўғри ёки бевосита боғлиқлик мавжуд бўлади.

Бу боғлиқлик таклиф эгри чизиғида аниқ акс этади. Ялпи таклиф эгри чизиғи учта кесмалардан иборат.



Ишлаб чиқариш реал ҳажми

16-*чизма*. Таклиф эгри чизиғи.

I. **Ётиқ кесма.** Расмдаги Qt нуқта тўлиқ бандлилик шароитида миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг потенциал даражасини кўрсатади. Ётиқ кесма миллий ишлаб чиқариш потенциал ҳажмидан анча кам бўлган ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини ўз ичига олади. Бу кесма иқтисодиёт чуқур таназзул ёки депрессия ҳолатида эканлигини, кўплаб машина, ускуна ва ишчи кучи фойдаланилмаётганлигидан гувоҳлик беради. Фойдаланилмаётган ресурслар ҳаракатга келиши мумкин, лекин бу нарх даражасига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Бу кесма яна ишлаб чиқариш реал ҳажми қисқарганда ҳам товарлар ва ресурсларга нарх эски даражада қолишини билдиради. Шундай қилиб ётиқ кесма миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарганда ҳам нарх даражаси доимий қолишини кўрсатади.

II. Q ва Qt нуқта ўртасидаги **оралиқ кесма** миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг кўпайиши, нарх даражасининг ўсиши билан

бирга боришини кўрсатади. Бу ишлаб чиқаришнинг тўлиқ қувват билан ишлай бошлаганидан, корхоналарнинг анча эски ва кам самарали ускуналардан фойдалана бошлаганлигидан гувоҳлик беради. Ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиб бориши билан қўшимча ишчилар ҳам ишга жалб қилинади. Шу барча сабабларга кўра маҳсулот бирлигига қилинадиган ҳаражатлар ортади, корхоналар ишлаб чиқаришининг рентабелли бўлиши учун товарларга анча юқори нарх белгилайди. Шу сабабли оралиқ кесмада миллий маҳсулот реал ҳажмининг кўпайиши нархларнинг ўсиши билан бирга боради.

III. Тик кесма иқтисодиёт ўзининг тўлиқ ёки табиий даражасига эришганлигини кўрсатади. Бунда иқтисодиёт ишлаб чиқариш имкониятининг шундай нуқтасида жойлашадики, бунда қисқа муддатда ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтиришга эришиш мумкин эмас. Нархнинг тўхтовсиз ошиб бориши ҳам ишлаб чиқариш реал ҳажмининг кўпайишига олиб келмайди, чунки иқтисодиёт тўлиқ қувват билан ишлай бошлайди. Қисқача айтганда, бу кесма миллий ишлаб чиқариш ҳажми доимий бўлиб қолиши, нарх даражаси эса ўзгариши мумкинлигини кўрсатади.

Ялпи таклиф ҳажмига нархдан ташқари таъсир қилувчи омиллар. Ялпи таклифга нархдан ташқари бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллардан бир ёки бир нечтасининг ўзгариши ялпи таклифнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Ялпи таклифнинг нархдан ташқари бу омиллари битта умумий хусусиятга эга: агар улар ўзгарса, маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ўзгаради. Натижада ялпи таклиф эгри чизиги жойини ўзгартиради.

1. Ресурслар нархининг ўзгариши. Ресурслар нархи — тайёр маҳсулот нархидан фарқ қилиб, ялпи таклифнинг муҳим омили ҳисобланади. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, ресурслар нархининг ошиши маҳсулот бирлигига харажатларнинг кўпайишига, ресурс нархларининг пасайиши эса харажатларнинг камайишига олиб келади. Ресурс нархларига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Ресурслар таклифининг кўпайиши улар нархини пасайтиради ва натижада маҳсулот бирлигига харажатлар камаяди. Ресурслар таклифининг камайиши эса қарама-қарши натижага олиб келади. Энди алоҳида ресурслар таклифи ўзгаришининг ялпи таклифга таъсирини қараб чиқамиз.

Ер ресурслари — янги ерларнинг очилиши, суғориш, янги техник такомиллашувлар туфайли кўпайиши мумкин. Ер ресурслари таклифининг кўпайиши ерга бўлган сарфларнинг камайишига олиб келади ва шу орқали маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажат-

ларни пасайтиради. Ирригация қурилмалари шаҳобчаларининг кенгайиши, интенсив деҳқончиликни қўллаш туфайли ер ресурсларининг камайиши қарама-қарши натижага олиб келади.

Ишчи кучи ресурслари. Корхона харажатларининг асосий қисми ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлаш учун кетадиган харажатлар ҳисобланади. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, иш ҳақининг ўзгариши маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатлар даражасига сезиларли таъсир кўрсатади. Мавжуд ишчи кучи ресурсларининг кўпайиши иш ҳақининг пасайишига, уларнинг камайиши эса иш ҳақининг ошишига олиб келади.

Капитал. Агар жамият асосий капитал захирасини ўстириб борса, ялпи таклиф ўсиш тамойилига эга бўлади. Масалан, агар жамият ўз даромадининг асосий қисмини тежаб, уни инвестицион товарлар сотиб олишга йўналтирса, ялпи таклиф ўсади. Худди шундай асосий капитал сифати яхшиланганда ишлаб чиқариш харажатлари камаяди ва ялпи таклиф кўпаяди. Корхона ўзининг эски, сифати паст бўлган қурилмаларини, янги ва анча такомиллашган қурилмалар билан алмаштириши бунга мисол бўла олади. Агар мамлакат асосий капиталининг миқдори камайса ва сифати ёмонлашса, ялпи таклиф қисқаради.

Тадбиркорлик лаёқати. Вақт ўтиши билан мамлакатда тадбиркор кишилар сони кўпаяди ва бу ялпи таклифга таъсир кўрсатади. Масалан, кейинги вақтда Республикада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга асосий эътиборни қаратилиши бундай фаолият билан шуғулланишга ҳаракат қилувчи кишилар сонининг кўпайишига олиб келиши муқаррар ва бу ўз навбатида ялпи таклифни оширади.

Импорт ресурслар нархлари. Чет эллардан ресурслар импорти миллий иқтисодиётда ялпи таклифнинг кўпайишига олиб келади. Импорт ресурсларига нархларнинг пасайиши миллий иқтисодиётда ялпи таклифни оширади, нархнинг ошиши эса ялпи таклифни камайтиради. Кейинги даврда импорт ресурсларга нархнинг ўзгаришига олиб келаётган асосий омиллардан бири — валюта курсларининг ўзгариб туриши ҳисобланади. Бу қандай рўй беришини тушуниб олиш учун чет эл валюталарининг сўмга нисбатан нархи тушади, яъни сўмнинг қиймати кўтарилади деб фараз қиламиз. Бунда корхоналарга ҳар бир сўм учун кўпроқ чет эл валюталари олиш имконияти вужудга келди ва бу миллий ишлаб чиқарувчилар учун чет эл ресурсларининг сўмда ифодаланган нархи тушганлигини билдиради. Бундай шароитда миллий корхоналар чет эл ресурслари импортини кўпайтиради ва ишлаб чиқаришнинг мавжуд даражасида маҳсулот

бирлигига харажатларнинг камайтиришга эришади. Аксинча, чет эл валюталарининг сўмга нисбатан нархлари ошган тақдирда, яъни сўм қадрсизланганда импорт ресурслари нархлари кўтарилади. Натижада бу ресурсларнинг импорти камаяди, маҳсулот бирлигига харажатлар ортади.

Бозордаги ҳукмронлик. Ресурсларни етказиб берувчиларнинг бозордаги ҳукмронлигининг сусайиши ёки кучайиши ҳам ресурс нархларига ва ялпи таклифга таъсир кўрсатиши мумкин. Бозордаги ҳукмронлик — нархларни рақобат мавжуд бўлган шароитдагидан анча юқори ўрнатиш имкониятидир. Кейинги 20 йил давомида ОПЕК мамлакатлари бозор монополиясининг вужудга келиши ва ҳалокатга учраши бунинг ишончли мисоли бўлиб хизмат қилиши мумкин. 70-йилларда ОПЕК мамлакатлари нефт нархини ўн марталаб оширишга эришди, бу маҳсулот бирлигига харажатларни кескин кўпайтирди. 80-йил ўрталарида ОПЕК мамлакатларининг бозордаги ҳукмронлигининг сезиларли сусайиши, аксинча, ишлаб чиқариш қийматининг камайишига олиб келди.

2. Унумдорлик — илгари айтилганидек миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмини фойдаланилган ресурс миқдорига нисбати, ёки қилинган ҳаражатлари миқдорига нисбати билан аниқланади, унумдорлик — бу харажат бирлигига ишлаб чиқаришнинг ўртача ҳажми ёки ишлаб чиқариш реал ҳажми кўрсаткичи:

$$\text{Унумдорлик} = \frac{\text{ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми}}{\text{харажатлар (ресурслар)}}$$

Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда бир ишчи ҳисобига кўпроқ миқдорда машина ва ускуналардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, анча билимли ва малакали ишчи кучини қўллаш каби омилларнинг ўзаро таъсири унумдорликнинг ўсиши ва ялпи таклифнинг ошишига олиб келади.

Қисқача қилиб айтганда, маҳсулот бирлигига харажатлар камайганда унумдорликнинг ошиши ялпи таклифнинг ошишига, аксинча, унумдорликнинг камайиши натижасида маҳсулот бирлигига ҳаражатларнинг кўпайиши ялпи таклифнинг қисқаришига олиб келади.

3. Ҳуқуқий меъёрларнинг ўзгариши. Корхоналар ўз фаолиятида амал қиладиган ҳуқуқий нормаларнинг ўзгариши, маҳсулот бирлиги тўғри келадиган харажатларни ва ялпи таклифни ўзгартириши мумкин.

Ҳуқуқий меъёрлар ўзгаришининг икки тури мавжуд:

а) солиқ ва субсидияларнинг ўзгариши;

б) давлат томонидан тартибга солиш хусусияти ва усулларининг ўзгариши.

Корхоналардан олинадиган солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, иш ҳақи фондидан олинадиган соликлар)нинг кўпайиши маҳсулот бирлигига харажатларни кўпайтириши ва ялпи таклифни қисқартириши мумкин.

Корхонага давлат томонидан бериладиган субсидияларнинг ортиши ёки солиқ юкининг камайиши ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва ялпи таклифни оширади.

Давлат томонидан тартибга солиш хусусияти ва усулларининг ўзгариши ҳам кўп ҳолларда маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларини ва шу орқали ялпи таклифни ўзгартиради.

3-§. Ялпи талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатлилик ҳамда унинг ўзгариши

Ялпи талаб эгри чизиғи ва ялпи таклиф эгри чизиғи кесишган нуқта миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли реал ҳажмини кўрсатади (17-чизма).



а) оралиқ кесмасидаги мувозанатлик;

б) ётиқ кесмасидаги мувозанатлик.

17-*чизма*. Ялпи талаб ва таклиф мувозанати.

Ишлаб чиқарилган ва сотиб олинган маҳсулотнинг реал ҳажми тенг бўлганда, иқтисодиётда мувозанатликка эришилади.

Ўзбекистонда 2000 йил ялпи талаб ва ялпи таклифнинг ўлчамлари қуйидаги маълумотлар билан тавсифланган[1]:

[1] Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ялпи таклиф:	***Ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар жами***
	млрд. сўм — 2788,1
	фоиз ҳисобида — 87,3
Шу жумладан:	***Товарлар***
	млрд. сўм — 1614,2
	фоиз ҳисобида — 50,5
	Хизматлар
	млрд. сўм — 1173,9
	фоиз ҳисобида — 36,8
Ялпи талаб:	
Шу жумладан:	***Пировард истеъмол учун сарфлар***
	млрд. сўм — 2665,0
	фоиз ҳисобида — 83,4
Улардан:	***Уй хўжаликлари сарфлари***
	млрд. сўм — 1173,9
	фоиз ҳисобида — 36,8
	Давлат бошқаруви органлари сарфлари
	млрд. сўм — 629,9
	фоиз ҳисобида — 19,7
	Уй хўжаликларига хизмат қилувчи нотижорат корхоналар сарфлари
	млрд. сўм — 26,3
	фоиз ҳисобида — 0,8
Ялпи жамғарма	
	млрд. сўм — 529,5
	фоиз ҳисобида — 16,6

2000 йил иқтисодиётдаги барча пул даромадларининг 529,5 млрд. сўми (16,6 фоиз) ялпи талабга айланмаган, яъни жамғарилган.

Ялпи талаб эгри чизиғи ялпи таклиф эгри чизиғини ётиқ кесмада кесиб ўтса, нарх даражаси миллий ишлаб чиқаиш мувозанатли реал ҳажмининг шаклланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Тик кесмада ишчи кучи ва ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ фойдаланилади, шу сабабли ялпи талабнинг кенгайиши фақат нарх даражасига таъсир кўрсатади, яъни уни оширади. Миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми эса ўзгаришсиз қолади. Оралиқ кесмада ялпи талабнинг кенгайиши миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг кўпайишига ва нарх даражасининг ошишига олиб келади.

Агар ётиқ кесмада ялпи талаб камайса, миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми камаяди, нарх даражаси эса ўзгаришсиз қолади.- Тик кесмада нарх тушади, миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми эса тўлиқ бандлик даражасида қолади. Оралиқ кесмада миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми қисқаради ва нарх даражаси пасаяди. Айни пайтда бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, оралиқ ва тик кесмаларда ялпи талабнинг қисқариш вазиятни мураккаблаштирувчи омиллар таъсирида бирданига нархнинг пасайишига олиб келмаслиги мумкин. Бу мураккаблик шундан иборатки, товарлар ва ресурслар нархи пасайиш тамойилига эга бўлмайди. Шу сабабли айрим иқтисодчилар бундай тамойилга храповикли самара сифатида қарайди (храповик — бу механизм бўлиб, у ғилдиракни орқага эмас олдинга ҳаракат қилишга ёрдам беради). Храповикли самара шунга асосланадики, нарх осонлик билан ошади, лекин қийинчилик билан пасаяди. Шу сабабли ялпи талабнинг ошиши нарх даражасини кўтаради, лекин талаб камайганда, қисқа давр ичида нархнинг тушишини кутиш мумкин эмас. Нима учун нарх пасайиши тамойилига эга эмас, деган саволга жавоб бериш қийин бўлсада, унинг айрим сабабларини кўрсатиш мумкин. Биринчидан, иш ҳақи корхона умумий харажатларининг асосий қисмини (70-75 фоиз) ташкил қилиб, қандайдир давр ичида пасайиши тамойилига эга бўлмайди.- Чунки ишчиларнинг асосий қисми шартнома (касаба уюшмалар орқали) буйича ишлайди ва шартнома муддати тугагунча иш ҳақини пасайтириш тақиқланади. Бошқа сабаби, тадбиркорлар иш ҳақи даражасини пасайтиришни хоҳламаслиги мумкин. Бунинг иккита сабаби бор. Бир томондан анча паст иш ҳақи ишчиларнинг меҳнат унумдорлигига салбий таъсир курсатиши мумкин. Шу билан бирга анча паст иш ҳақи маҳсулот бирлигига меҳнат сарфларини камайтирса, анча паст меҳнат унумдорлиги эса меҳнат сарфларини оширади. Агар улар иш ҳақини пасайтиришга қарор қилса, малакаси ишчи кучидан ажраб қолиши мумкин. Нархнинг пасайиш тамойилига эга эмаслигининг иккинчи сабаби шундан иборатки, жуда купчилик корхоналар етарли даражада монопол мавқега эга бўлади ва бу уларга талаб камайганда ҳам нархнинг пасайишига қарши туриш имконини беради.

Асосий таянч тушунчалар

Ялпи талаб — бу барча истеъмолчилар, яъни аҳоли корхоналар ва давлат нархларнинг мавжуд даражасида сотиб олиши мумкин

бўлган турли хил товарлар ва хизматларга бўлган талабнини умумий ҳажмини ёки миллий иқтисодиётдаги реал пул даромадлари ҳажмини билдиради.

Ялпи таклиф — бу мавжуд нарх даражасида сотиш мумкин бўлган, сотишга чиқарилган ва тайёрланган турли-туман товарлар ва хизматларнинг ҳажмидир.

Храповикли самара — ялпи талаб ошганда нархнинг ўртача даражаси кўтарилиши, лекин талаб камайганда, қисқа давр ичида нарх пасайиш тамойилига эга бўлмаслигини кўрсатади.

Унумдорлик — бу миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг фойдаланилган ресурслар миқдорига ёки ҳаражат бирлигига тўғри келадиган нисбий миқдори.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ялпи талаб ва таклифни таҳлил қилиш нима учун зарур?
2. Ялпи талаб нима? Нима учун талаб эгри чизиғи ўзгаради? Ялпи талабга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Ялпи таклиф нима? Ялпи таклиф эгри чизиғидан учта кесмани тасвирланг ва улар нимани кўрсатишини тушунтиринг. Ялпи таклифга қандай омиллар таъсир кўрсатади?

XV БОБ. Истеъмол, жамғарма ва инвестициялар

Бу бобда жами сарфларнинг таркибий қисми бўлган истеъмол (шахсий) ва миллий даромаднинг ишлаб чиқаришнинг кенгайтиришга кетадиган қисми бўлган жамғаришнинг иқтисодий мазмунини қараб чиқамиз. Уларнинг даражасини аниқловчи асосий омилларни кўрсатамиз. Шу билан бирга шахсий даромаднинг истеъмолдан ортиқча бошқа қисми — жамғарма (омонат)нинг иқтисодий мазмуни ва омилларини кўрсатиб беришга ҳам алоҳида эътиборни қаратамиз.

1-§. Истеъмол ва жамғарманинг иқтисодий мазмуни ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги

Миллий иқтисодиётда янгидан вужудга келтирилган қиймат, яъни миллий даромад истеъмол ва иқтисодий жамғариш мақсадларида ишлатилади. Истеъмол кенг маънода жамият иқтисодий эҳтиёжларини қондириш жараёнида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан фойдаланишни, уни истеъмол қилишини билдиради. Бунда унумли ва шахсий истеъмол фарқланади.

Унумли истеъмол бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва инсон ишчи кучининг истеъмол қилинишини, яъни улардан фойдаланиш жараёнини англатади.

Шахсий истеъмол ишлаб чиқариш соҳасидан ташқарида рўй бериб, бунда истеъмол буюмларидан бевосита фойдаланилади ёки улар тўлиқ истеъмол қилинади.

Истеъмол жараёнида турли хил моддий ва маънавий неъматлардан фойдаланилади. Истеъмол қилинадиган неъмат турига боғлиқ равишда моддий неъматларни ва хизматларни истеъмол қилиш ажратилади.

Индивидуал ёки жамоа бўлиб истеъмол қилиш ҳам фарқланади. Алоҳида оила ёки жамият аъзоларининг ихтиёрида бўлган моддий неъматларни истеъмол қилиш индивидуал истеъмолга, жамият аъзоларининг гуруҳлари моддий неъмат ва хизматлардан фойдаланиши жамоа бўлиб истеъмол қилишга киради.

Истеъмол фонди маблағларидан бутун иқтисодиёт доирасида банд бўлган ходимларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини, шу жумладан, бошқариш ва мудофаа эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилади. У бутун аҳолининг шахсий истеъмолини, аҳолига ижтимоий хизмат қиладиган муассасалардаги, шунингдек, илмий муассасалар ва бошқаришдаги моддий сарфларни ўз ичига олади.

Истеъмол фондининг шахсий даромад шаклида ходимлар қўлига келиб тушадиган қисми истеъмолчилик сарфлари мақсадида ишлатилади.

Истеъмолчилик сарфлари — бу аҳоли жорий даромадларининг тирикчилик неъматлари ва хизматлар учун ишлатиладиган қисми.

Жамғарма — бу аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий даромадларининг истеъмолдан ортган қисмининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва фоизли даромад олиш мақсадларида тўпланиб борилиши. Унинг ҳажми давлат, аҳоли ва хўжаликлар даромадидан истеъмол учун кетган сарфларини айириб ташлаш йўли билан аниқланади.

Даромад фондида истеъмол сарфлари улуши қанчалик юқори бўлса, жамғарма ҳажми шунчалик кам бўлади. Жамғарманинг ўсиши эса иқтисодий маънода маблағларнинг истеъмол буюмлари харид қилишдан инвестицион товарларга йўналтирилишини билдиради.

Шу сабабли даромадда истеъмол сарфлари ва жамғарма нисбатининг ўзгариши бир қатор, баъзан қарама-қарши оқибатларга олиб келиши мумкин.

Биринчидан, даромадларнинг қандайдир қисмини жамғармага қўйиш оқибатида у товарларда бўлган талабда ўз аксини топмайди. Маҳсулотнинг ҳар қандай ҳажмини ишлаб чиқаришдан олинган даромад тўлиқ сарфлангандагина жами талабни таъминлаш учун етарли бўлади. Демак, жамғарма даромадлар — харажатлар оқимида маълум даражада номутаносиблик бўлишига олиб келади.

Жамғарма истеъмолдан маблағларнинг олиб қўйишни билдириб, истеъмолчилик сарфлар барча ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олиш учун етарли бўлмай қолишини билдиради. Агар аҳоли ўз даромадининг қандайдир қисмини жамғарса, ўзининг хусусий талабини вужудга келтирмайди. Бунинг натижаси сотилмай қолган товарларнинг кўпайиши, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, ишсизлик ва даромадларнинг пасайиши рўй бериши мумкин.

Бошқа томондан жамғарма талабнинг етишмаслигига олиб келмаслиги ҳам мумкин, чунки жамғарилган маблағлар тадбиркорлар томонидан инвестицион мақсадларда ишлатилади. Бу истеъмолчи-

лик сарфларининг ҳар қандай етишмаслигини қоплайди ва жамғарма келтириб чиқарадиган истеъмолдаги ҳар қандай етишмасликни тўлдиради. Учинчидан, корхоналар ҳам ўзининг барча маҳсулотини истеъмолчиларга сотишни кўзда тутмайди, балки унинг бир қисмидан ишлаб чиқариш воситалари шаклида фойдаланиши мумкин. Шундай қилиб, агар тадбиркорлар аҳолининг жамғармаларига тенг миқдордаги маблағларни инвестицияларга қўйишни кўзда тутса, ишлаб чиқариш даражаси доимий бўлиб қолади.

Истеъмол ва жамғарма даражасини аниқлаб берувчи асосий омил **миллий даромад** ҳисобланади. Лекин миллий даромад таркибида тўғри солиқлар ҳам мавжуд бўлади. Шу сабабли солиқлар тўланғандан кейин **аҳоли қўлида қоладиган** даромад истеъмолчилик сарфлари ва шахсий жамғарма йиғиндисига тенг бўлади. Истеъмол ва шахсий жамғарманинг даражаси бевосита солиқлар тўланғандан кейинги қолган даромад билан аниқланади. Демак, бу даромад истеъмолнинг ҳам, жамғарманинг ҳам умумий омили ҳисобланади. Чунки жамғарма даромаднинг истеъмол қилинмайдиган қисми ҳисобланса, солиқлар тўланғандан кейинги даромад шахсий жамғармани аниқлаб берадиган асосий омил бўлиб чиқади. Ҳар йилги ҳақиқий истеъмол миқдори ва солиқлар тўланғандан кейинги даромад ўртасидаги фарқ шу йилдаги жамғарма миқдорини аниқлайди.

Қараб чиқилган омил таъсирида истеъмол ва жамғарма даражасининг ўзгаришини қуйидаги жадвалда тушунтирамиз. Таҳлил учун шартли маълумотлардан фойдаланамиз.

11-жадвал

Истеъмол ва жамғарма даражаси, млрд. сўм
(шартли маълумотлар)

Йиллар	Даромад даражаси (Д)	Истеъмол (И)	Жамғарма (Ж)	ИЎМ	ЖЎМ	ИҚМ	ЖҚМ
1990	1500	1300	200	0,87	0,13	-	-
1995	1800	1500	300	0,83	0,17	0,67	0,33
2000	2200	1700	500	0,77	0,23	0,50	0,50
	1	2	3 (1-2)	4 (2:1)	5(3:1)	6(2:1)	7 (3:1)

11-жадвал маълумотларидан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, биринчидан, аҳоли даромадининг асосий қисми истеъмолга сарфла-

нади, қолган қисми жамғармага ажратилади. Иккинчидан, истеъмол ҳам, жамғариш ҳам даромадлар даражасига бевосита боғлиқ бўлади.

Аҳоли даромадининг истеъмолга кетадиган улуши истеъмолга ўртача мойиллик дейилади (ИЎМ).

Аҳоли даромадининг жамғармага кетадиган улуши эса жамғармага ўртача мойиллик (ЖЎМ) дейилади. Яъни:

$$ИЎМ = \frac{истеъмол}{даромад} \times 100 \text{ ва } ЖЎМ = \frac{жамғарма}{даромад} \times 100$$

Жадвалда келтирилган ҳар бир даромад даражаси бўйича ИЎМ ва ЖЎМни ҳисоблаб кўрамизки даромад кўпайиб бориши билан ИЎМ тушади, ЖЎМ эса ўсади. Ҳақиқатда солиқлар тўлангандан кейин қолган даромад ёхуд истеъмол қилинади ва ёхуд жамғармага кетади. Шу сабабли даромаднинг истеъмол қилинадиган ва жамғармага кетадиган қисмлари даромад ҳар қандай даражасининг бутун миқдорини қамраб олади. Қисқаси? ИЎМ+ЖЎМ=1,0 ёки 100 фоиз бўлади.

Даромад ўсимининг истеъмол қилинадиган қисми ёки ҳиссаси истеъмолга қўшилган мойиллик дейилади (ИҚМ),ёки

$$ИКМ = \frac{истеъмолдаги\ ўзгариш}{даромаддаги\ ўзгариш}.$$

Даромад ҳар қандай ўсишнинг жамғармага кетадиган ҳиссаси, жамғармага қўшилган мойиллик дейилади (ЖҚМ), яъни ЖҚМ = жамғармадаги ўзгариш/даромаддаги ўзгариш.

Масалан, агар 1500 млрд. сўмни ташкил қилувчи солиқлар тўлангандан кейинги даромад 300 млрд. сўмга кўпайиб 1800 млрд. сўмга етса (7-қатор) даромаднинг шу ўсган қисмининг 2/3 қисми истеъмол қилинади ва 1/3 қисми жамғармага кетади. Бошқача айтганда, ИҚМ - 0,666 ни, ЖҚМ эса 0,333 ни ташкил қилади. Даромаддаги ҳар қандай ўзгариш учун ИҚМ ва ЖҚМ йиғиндиси ҳар доим 1 га тенг бўлиши зарур ёки ИҚМ + ЖҚМ= 1. Бизнинг мисолда 0,666+0,333=1,0

Шахсий даромаддан ташқари истеъмол ва жамғарма ўртасидаги ўзаро боғлиқликка таъсир кўрсатувчи бошқа бир қатор омиллар ҳам мавжуд бўлади. Бу омилларнинг асосийлари қуйидагилар:

— уй хўжаликлари жамғарган бойлик даражаси;

— нархлар даражаси;

— нархлар, даромадлар ва товарлар таклифи ўзгаришининг кутилиши;

— истеъмолчи қарзлари;

— солиқ ставкалари ўзгариши.

2-§. Жамғаришнинг моҳияти, омиллари ва самарадорлиги

Жамғариш иқтисодиётдаги ялпи сарфларнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, инвестицион хусусиятидаги товарларга талаб даражасини белгилаб беради. Инвестициялар жамғаришнинг амалда намоён бўлиш шакли бўлганлиги сабабли дастлаб таҳлилни жамғаришнинг моҳияти, омиллари ва самарадорлигини назарий жиҳатдан асослаш билан бошлаймиз.

Жамғариш деб, миллий даромаднинг жамғарилган қисмининг ялпи жамғарманинг асосий ва айланма капиталларни, шунингдек, эҳтиёт захираларини кўпайтириш учун сарфланишига айтилади.

Амалда жамғариш капитал сарфлар ёки инвестицион сарфлар шаклида юзага чиқиб, у янги асосий капитални ҳосил қилиш, ишлаб турганларини кенгайтириш, реконструкциялаш ва янгилашга қилинадиган харажатларни ифодалайди. "Жамғариш" ва "капитал сарфлар" ёки "инвестицион сарфлар" тушунчалари бир хил мазмунга эга эмас. Бир томондан, капитал сарфлар ёки инвестицияларнинг чегаралари жамғариш фондига қараганда кенгроқ, чунки реновацияга (яъни эскирган объектларни батамом алмаштиришга), яъни янгидан тиклашга сарфланадиган амортизация фондининг бир қисми ҳам уларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадидаги жамғариш бир-биридан фарқланади. Жамғарилган маблағларнинг моддий ишлаб чиқариш соҳасининг асосий капиталларини ва айланма маблағларини кенгайтиришга кетадиган қисми ишлаб чиқариш соҳасидаги жамғариш фондини ҳосил қилади. Ишлаб чиқариш соҳасидаги жамғариш иқтисодий ўсишнинг муҳим омилидир.

Ижтимоий-маданий соҳадаги жамғариш (ноишлаб чиқариш жамғариши) уй-жой фондини, касалхоналар, ўқув муассасалари, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт муассасалари, яъни номоддий ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш, реконструкциялаш, янгилашга сарфланади. Ноишлаб чиқариш соҳасини кенгайтириш ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг зарур шартидир.

Жамғариш фонди, унинг ҳажми ва таркиби такрор ишлаб чиқариш суръатларини белгилаб берадиган ҳал қилувчи омиллардир.

Жамғариш нормаси бевосита жамғариш фондининг бутун миллий даромад ҳажмига нисбати билан аниқланади: ЖН = (ЖФ/МД) х 100,

бунда, ЖН — жамғариш нормаси, ЖФ — жамғариш фонди, МД — миллий даромад.

Жамғариш нормасининг ҳам ўз чегараси бўлиб, уни ошириш иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлиб чиқиши ва салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, унинг ҳаддан ташқари ортиши натижасида инвестицион сарфлар самарадорлиги пасайиб кетиши мумкин, чунки капитал маблағлар ҳажми билан қурилиш ташкилотларининг қувватлари, материаллар ва ускуналар етказиб бериш имкониятлари, инфратузилманинг ривожланиши ўртасида номутаносиблик пайдо бўлади. Маблағларнинг сочилиб кетиши, объектларни барпо этиш муддатларининг чўзилиб кетиш хавфи ошади. оқибатда улар қимматлашади, барпо этиш жараёнидаёқ **маънавий жиҳатдан эскиради**, тугалланмаган қурилишлар кўпаяди. Оқибатда **иқтисодий ўсиш пасайиб кетиш тамойилига эга бўлади**.

Шундай қилиб, жамғариш фонди иқтисодий ўсиш суръатлари ва сифатига фақат ўзининг миқдори билангина ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб қолмайди. Фан-техника революцияси шароитида улардан фойдаланиш самарадорлиги биринчи ўринга чиқади.

Жамғариш фонди миллий даромаднинг бир қисмини ташкил этади ва шу сабабли миллий даромад ҳажми кўпайишини белгилайдиган омиллар, жамғариш миқдорини ҳам белгилаб беради. Бу омиллардан асосийси қўлланиладиган ресурслар массаси ва уларнинг унумдорлигидир. Жамғариш миқдори ишлаб чиқариш жараёнида хом ашё, материаллар, энергияни тежаб-тергаб сарфлашга ҳам боғлиқ. Маҳсулот бирлигига уларни сарфлашни камайтириш моддий воситаларнинг ўша миқдорида маҳсулотларни кўпроқ ҳажмда ишлаб чиқаришга имкон беради.

Жамғаришнинг миқдори миллий даромаддаги жамғариш ва истеъмол фондлари ўртасидаги нисбатга ҳам боғлиқ бўлади.

3-§. Инвестициялар ва унинг даражасини белгиловчи омиллар

Инвестициялар сарфларнинг иккинчи таркибий қисми ҳисобланади. Инвестициялар даражаси жамият миллий даромади ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатади, миллий иқтисодиётдаги кўплаб мутаносибликлар унинг ўсиш суръатига боғлиқ бўлади. Инвестициялар мамлакат миқёсида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш объект-

дари қуриш, станок, ускуна ва шу каби узоқ муддатли фойдаланиладиган асосий капиталларни сотиб олиш, ишга тушириш билан боғлиқ сарфларни билдиради.

Инвестициялар — асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади.

Инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича амалий ҳаракатлар — инвестицион фаолият, инвестицияларни амалга оширувчи шахс — инвестор дейилади.

Инвестиция фаолияти қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилиши мумкин:

— инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари (фойда, амортизация ажратмалари, тўпланган пул жамғармалари ва ҳ.к.);

— қарз олинган молиявий маблағлар (облигация заёмлари, банк кредитлари);

— жалб қилинган молиявий маблағлар (акцияларни сотишдан олинган маблағлар, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг пай ва бошқа тўловлари);

— бюджетдан инвестицияларни молиялаштириш;

— чет эллик маблағлари. Ҳозирги даврда «...иқтисодиётга хорижий сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий, шарт-шароитни, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кенгайтириш»[1] алоҳида аҳамиятга эга.

Шу сабабли, 2002 йилда «капитал маблағлар таркибида хорижий инвестициялар ҳиссаси кўпайиб, у жами инвестицияларнинг 10 фоизига ёки 1 милиард АҚШ долларига тўғри келади»[2].

2000 йилда Узбекистонда инвестицион қўйилмаларнинг 26,4 фоиз корхоналарнинг ўз молиявий маблағлари ҳисобига, 30,3 фоиз бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилган[3].

Инвестицияларнинг манбаларидан бири аҳоли кенг қатламлари (фермерлар, ўқитувчилар, врачлар ва бошқалар) жамғармаси ҳисоб-

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 63-бет.

[2] *Каримов И.А.* Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш — бош йўлимиз. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 15 февраль, 34-сон.

[3] Қаранг: Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2000 год. Тошкент, 2001, 49-бет.

ланади. Муаммо шундан иборатки, жамғарма хўжалик юритувчи бир гуруҳ томонидан амалга оширилади, инвестициялар эса шахслар ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг бутунлай бошқа гуруҳи томонидан амалга оширилиши мумкин. Уз-ўзидан аниқки, инвестициялар манбаи бўлиб иқтисодиётда фаолият қилувчи саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар фойдаси ҳам ҳисобланади. Бу ерда "жамғарувчи" ва "инвестор" бир-бирига тўғри келади.

Ўзбекистонда капитал қўйилмаларда нодавлат секторининг улуши 1991 йилдаги 24 фоиздан, 2000 йил 34,7 фоизга етган.

12-жадвал

Республикада инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тузилиши (фоиз ҳисобида)[1]

Йиллар	1991	1992	1993	1994	1995	1998	2000
Жами капитал қўйилмалари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан, бюджет маблағлари	44,5	26,6	32,1	25,3	22,9	24,2	30,3
Корхоналарнинг ўз маблағлари	38,7	52,9	46,2	47,1	47,0	49,2	26,4
Банк кредитлари	...	0,3	8,3	11,1	9,6	6,2	7,5
Чет эл инвестициялари ва кредитлари			0,1	6,6	14,0	20,3	21,7
Аҳоли маблағлари	16,8	20,2	13,2	9,9	6,5	...	12,7

Инвестицияларга сарфлар даражасини иккита асосий омил белгилаб беради:

1) Тадбиркорлар инвестицияларга сарфлардан олиш кўзда тутилган, кутилаётган **соф фойда нормаси** ва 2) **фоиз ставкаси.**

I.Инвестицияларга қилинадиган сарфларнинг ҳаракатлантирувчи мотиви **фойда** ҳисобланади. Тадбиркорлар ишлаб чиқариш воситаларини қачонки улар фойда келтирадиган бўлса, сотиб олади.

Инвестициялар даражасини белгилайдиган иккинчи омил **фоизнинг реал ставкаси** ҳисобланади. Фоиз ставкаси бу — реал асосий капитални сотиб олиш учун зарур бўлган банд қилинган пул капиталига корхона тўлаш зарур бўлган пул миқдори ҳисобланади. Агар кутилаётган соф фойда нормаси (10 фоиз) фоиз ставкаси (7 фоиз-

[1] Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари асосида ҳисобланган.

дан ортиқ бўлса, инвестицияни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Аксинча фоиз ставкаси (айталик, 12 фоиз) кутилаётган соф фойда нормасидан (10 фоиз) ортиқ бўлса, инвестициялаш самарасиз ҳисобланади.

Инвестиция даражасига кутилаётган соф фойда нормаси ва фоиз ставкасидан ташқари бошқа қуйидаги омиллар ҳам таъсир кўрсатади:

1. Машина ва ускуналарни харид қилиш, ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари.
2. Тадбиркорлардан олинадиган солиқ миқдори.
3. Технологик ўзгаришлар.

Асосий таянч тушунчалар

Истеъмол — жамият иқтисодий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан фойдаланиш жараёнини билдиради. Бунда миллий даромаднинг истеъмол фондига тенг қисми фойдаланилади.

Шахсий истеъмол — истеъмолчилик тавсифидаги неъматлар ва хизматлардан бевосита фойдаланишни, яъни уларнинг индивидуал тарзда истеъмол қилинишини билдиради.

Умумли истеъмол — ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан фойдаланишни англатади.

Истеъмолчилик сарфлари — аҳоли даромадларининг тирикчилик неъматлари ва хизматлар учун ишлатиладиган қисми.

Жамғарма — аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий даромадларининг бир қисмининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва фоизли даромад олиш мақсадида тўпланиб борилиши.

Истеъмолга ўртача мойиллик — шахсий даромаднинг истеъмолга кетадиган улуши.

Жамғармага ўртача мойиллик — шахсий даромаднинг жамғармага кетадиган улуши.

Истеъмолга қўшилган мойиллик — шахсий даромад ўсган қисмининг истеъмол қилинадиган қисми ёки улуши.

Жамғармага қўшилган мойиллик — шахсий даромад ўсган қисмининг жамғармага кетадиган ҳиссаси.

Иқтисодий жамғариш — миллий даромаднинг жамғарилган қисмидан асосий ва айланма капиталларни, шунингдек, эҳтиёт ва заҳираларни кўпайтириш учун сарфланиши.

Жамғариш нормаси — жамғариш фондининг миллий даромадга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Капитал сарфлар — асосий капитални кенгайтириш ва уни қайта тиклашга, айланма маблағларни кенгайтиришга қилинадиган сарфлар.

Инвестициялар — ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга, яъни асосий ва айланма капитални кўпайтиришга, турли хил қимматли қоғозларни сотиб олишга қилинган пул шаклидаги қўйилмалар.

Инвестицион фаолият — инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича қилинадиган амалий ҳаракатлар.

Инвестор — инвестицияларни амалга оширувчи шахс.

Инвестициялар самарадорлиги — миллий даромад (фойда) усган қисмининг инвестицион сарфлар суммасига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Истеъмол, жамғарма ва инвестицияларнинг иқтисодий мазмунини қисқача таърифланг.

2. Истеъмол ва жамғарманинг миқдорини аниқловчи асосий омилларини санаб кўрсатинг.

3. Жамғариш нормаси қандай аниқланади? Унга қандай омиллар таъсир кўрсатади?

4. Истеъмолга ва жамғармага ўртача мойиллик деганда нимани тушунасиз? Истеъмол ва жамғармага қўшилган мойиллик қандай аниқланади?

5. Инвестицияларга сарфларнинг даражасини қандай омиллар белгилаб беради? Уларнинг қисқача тавсифини беринг.

XVI БОБ. Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик

Жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва барча бошқа муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли — бу миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишига эришишдир. Аҳоли фаровонлигини ошириб бориш ҳам пировард натижада иқтисодий ўсиш даражаси ва суръатларига боғлиқ. Шу сабабли мазкур боб таҳлили иқтисодий ўсишнинг мазмуни, турлари ва кўрсаткичларини баён қилиш билан бошланади. Таҳлил давомида иқтисодий ўсишнинг омиллари, миллий бойлик ва унинг таркибий тузилишини ёритиб беришга ҳам ўрин ажратилади.

1-§. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, турлари ва кўрсаткичлари

Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши кўп омилли ва шу билан бирга зиддиятли жараён ҳисобланади. Иқтисодий ривожланиш ҳеч қачон бир текис, юқорилаб борувчи чизиқ бўйича рўй бермайди.

Иқтисодий ривожланиш ўз ичига юксалиш ва инқироз даврларини, иқтисодиётдаги миқдор ва сифат ўзгаришларни, ижобий ва салбий тамонларни олиб нотекис боради.

Миллий иқтисодиётда иқтисодий ривожланиш қийин аниқланадиган жараён бўлганлиги сабабли, унинг мезонларидан бири бўлган иқтисодий ўсиш кўпроқ таҳлил қилинади. Иқтисодий ўсиш иқтисодий ривожланишнинг таркибий қисми бўлиб, ўз ифодасини реал ЯММ (ЯИМ) ҳажмининг ва унинг аҳоли жон бошига кўпайишида топади.

Иқтисодий ўсишга тарихий жиҳатдан ёндашилганда, у бир хил суратларда ва бир текис бормайди. Тарихда иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашиш, жиддий пасайиш ва ҳатто чекланиш даврлари маълум. Агар катта тарихий босқичлар олиб қараладиган бўлса, жаҳон ва миллий иқтисодиётда, барқарор иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама тараққиёт манзараси ҳосил бўлади. Шу билан бирга иқтисодий ўсиш нафақат миқдор, балки муайян сифат ўзгаришлари шаклида ҳам намоён бўлади. Президентимиз И.Кари-

мов таъкидлаб ўтганларидек, «Иқтисодий ривожланиш суръатлари ҳақида гапирганда... унинг мезонларига ва энг аввало, сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ўсишлар иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий ўзгаришлар, унинг изчил ва барқарор ривожи учун хизмат қилиши, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, бир сўз билан айтганда, амалий ҳаётимизни яхшилашга олиб келиши лозим»[1]. Шундай экан **иқтисодий ўсиш бевосита ялпи миллий маҳсулот миқдорининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади.**

Маҳсулотнинг ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ўртасидаги нисбат иқтисодий ўсишнинг экстенсив ёки интенсив турларини белгилаб беради.

Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади. Айтайлик, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайтириш учун мавжуд корхона билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати ишчи кучининг сони ва малака таркиби бўйича худди ўшандай яна бир корхона қурилади. Экстенсив ривожланишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш: янада прогрессивроқ ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинадиган самаранинг, пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ...ородасини топади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса ошириш учун мавжуд корхонага тенг бўлган яна бир корхона қуришга ҳожат йўқ. Бу натижага ишлаб турган корхонани реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкин.

---

[1] *Каримов И.А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. «Халқ сўзи» газетаси. 2001 йил 17 февраль, 37-сон.

Реал ҳаётда экстенсив ва интенсив омиллар соф ҳолда, алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмайди, балки муайян уйғунликда, бир-бири билан қўшилган тарзда бўлади. Шу сабабли устувор экстенсив ва устувор интенсив иқтисодий ўсиш турлари таҳлил қилинади.

Иқтисодий ўсиш мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Шу сабабли уни баҳолаш учун қандайдир битта кўрсаткич кифоя қилмайди, муайян кўрсаткичлар тизими талаб қилинади. Бу кўрсаткичлар тизимида буюмлашган ва қиймат ифодасидаги кўрсаткичлар фарқланади.

Иқтисодий ўсишнинг натурал кўрсаткичлари анча аниқ натижа беради, (чунки улар инфляция таъсирига берилмайди), лекин универсал эмас (иқтисодий ўсиш суръатларини ҳисоблашда ҳар хил неъматлар индекслаб чиқаришни умумий кўрсаткичга келтириш қийин). Қиймат кўрсаткичлар кенг қўлланилади, аммо ҳар доим ҳам уни инфляциядан тўлиқ «тозалаш» мумкин бўлавермайди. Шу сабабли иқтисодий ўсиш суръатлари қиёсий ёки доимий нархларда ҳисобланади.

Макроиқтисодий даражада иқтисодий ўсишнинг асосий қиймат кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. ЯММ (ИММ) ёки миллий даромаднинг мутлоқ ҳажми ва унинг ўсиш суръати;

2. ЯММ (ИММ) ёки миллий даромаднинг аҳоли жон бошига ҳисобига тўғри келадиган миқдори ва унинг ўсиш суръати;

3. ЯММ (ИММ) ёки миллий даромаднинг иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига тўғри келадиган миқдори ва унинг ўсиш суръати.

Иқтисодий ўсишни аниқлашда ҳар учала кўрсаткичдан ҳам фойдаланиш мумкин, лекин уларнинг аҳамияти турлича. Масалан, агар диққат-марказида иқтисодий потенциал муаммоси турса, биринчи кўрсаткичдан фойдаланиш кўпроқ мос келади. Алоҳида мамлакат ва регионлардаги аҳолининг турмуш даражасини таққослашда, кўпроқ иккинчи кўрсаткичдан фойдаланилади. Иқтисодий самарадорликни баҳолашда учинчи кўрсаткичга устуворлик берилади.

Одатда иқтисодий ўсиш фоизда ўсишнинг йиллик суръати сифатида аниқланади. Масалан, агар ўтган йили реал ЯММ 60 млрд. сўмни ва жорий йилда 70 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, ўсиш суръатини жорий йилдаги реал ЯММ нинг базис даврдаги ҳажмига бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин. Бу ҳолда ўсиш суръати 16,6 фоизни (70/60·100) ташкил қилади.

Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатини тавсифлайдиган кўрсаткичлар (реал ЯММ ва аҳоли жон бошига реал ЯММнинг ўсиши) миқдорий кўрсаткичлар бўлиб, улар:

— биринчидан, маҳсулот сифатининг ошишини тўлиқ ҳисобга олмайди ва шу сабабли фаровонликнинг ҳақиқий ўсишини тўлиқ тавсифлаб беролмайди;

— иккинчидан, реал ЯММ ва аҳоли жон бошига ЯММнинг ўсиши бўш вақтнинг сезиларли кўпайишини акс эттирмайди ва фаровонлик реал даражасининг пасайтириб кўрсатилишига олиб келади;

— учинчидан, иқтисодий ўсишни миқдорий ҳисоблаш бошқа томондан унинг атроф-муҳитга ва инсоннинг ҳаётига салбий таъсирини ҳисобга олмайди.

2-§. Иқтисодий ўсишнинг омиллари

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ омиллар иқтисодиётнинг миқдорий ўсиш лаёқатини белгилаб беради, улар таклиф омиллари деб ҳам аталади. Бу омиллар қуйидагилар:

1) табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;

2) ишчи кучи ресурслари миқдори ва сифати;

3) асосий капитал (асосий фондлар) нинг ҳажми ва сифати;

4) технология ва фан-техника тараққиёти.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амалга оширилаётган «таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда»[1].

Иқтисодий ўсишга тақсимлаш омиллари ҳам таъсир қилади. Ишлаб чиқариш потенциалидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун нафақат ресурслар иқтисодий жараёнга тўлиқ жалб қилинган бўлиши, балки жуда самарали ишлатилиши ҳам зарур. Ресурсларнинг ўсиб борувчи ҳажмидан реал фойдаланиш ва уларни керакли маҳсулотнинг мутлақ миқдорини оладиган қилиб тақсимлаш ҳам зарур бўлади.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи, таклиф ва тақсимлаш омиллари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақазо қилади. Масалан, ресурслар миқдорининг ўсиши ва сифатининг яхшиланиши, технологияни такомиллаштириш иқтисодий ўсиш учун имконият яратади.

---

[1] *Каримов И.А.* Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш — энг муҳим вазифамиз. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил, 15 февраль.

Тўлиқ бандлик ва ресурсларни самарали тақсимлаш бундай ўсишни рўёбга чиқаради.

Иқтисодий ўсишда ресурсларни тақсимлаш омиллари ҳам ўз ўрнига эга бўлса-да, бу муаммони таҳлил қилишда асосий эътибор таклиф омилларига қаратилиши зарур.

Меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келувчи омилларни тўлароқ қараб чиқамиз.

Фан-техника тараққиёти меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Техника тараққиёти ўз ичига нафақат ишлаб чиқаришнинг бутунлай янги усулларини, балки бошқариш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги шаклларини ҳам олади. Умуман айтганда фан-техника тараққиёти дейилганда провард маҳсулот чиқаришни кўпайтириш мақсадида мавжуд ресурсларни янгича уйғунлаштиришни тақозо қилувчи янги усулларнинг топилиши ҳам тушунилади. Амалиётда техника тараққиёти ва капитал қўйилмалар (инвестициялар) мустаҳкам ўзаро боғлиқ, техника тараққиёти кўпинча янги машина ва ускуналарга инвестициялар қўйишга олиб келади. Масалан, атом энергиясидан фойдаланиш бўйича технологияни қўллаш учун атом электростанцияларини қуриш зарур бўлади. Биринчи қарашда техника тараққиёти тарихий ва шиддатли рўй бериш хусусиятга эга бўлади. Газ ва ёқилғи двигателлари, конвейер ва йиғма линиялар бизнинг ҳаётга ўтмишнинг энг муҳим ютуқлари сифатида кириб келди.

18-чизмадан кўринадики, реал маҳсулот икки асосий усулда кўпайтирилиши мумкин:

1) ресурсларнинг кўпроқ ҳажмини жалб этилиши;

2) улардан анча унумли фойдаланиш йўли билан.



18-*чизма*. Реал маҳсулот ўсишини аниқлаб берувчи омиллар.

Республика олдида техника тараққиёти соҳасидаги асосий вазифа, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни қўллаш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришнинг янги усул ва шаклларини жорий қилиш ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлигининг ўсишини аниқлаб берувчи асосий омил ҳар бир ишловчига тўғри келувчи асосий капитал ҳажми ҳисобланади. Маълум вақт ичида капиталнинг ҳажми муглоқ кўпайиши мумкин, аммо ишчи кучи сони тезроқ ўсса, меҳнат унумдорлиги пасаяди, чунки ҳар бир ишчининг асосий капитал билан қуролланганлик даражаси камаяди.

Таълим ва малакали тайёргарлик, меҳнат унумдорлигини оширади ва натижада анча юқори иш ҳақига эга бўлиш имкониятини беради. Инсон капиталига инвестициялар қўйиш меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Ўз-ўзидан аниқки, ишчи кучи сифатининг энг оддий кўрсаткичи таълим даражаси ҳисобланади. Хозирги даврда республикамиз халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 30 фоизга яқини олий ва ўрта махсус таълимга эга. Лекин олий ёки ўрта махсус таълимга эга бўлганлар, аниқ соҳалардаги билимлари даражаси бўйича бошқа ривожланган мамлакатлардаги ишчилардан анча орқада ва кўпчилиги таълим олган соҳаси бўйича фаолият турида банд эмас. Шу сабабли кейинги йилларда Республикамизда мактаб, олий ва ўрта махсус билим юртларида таълим беришнинг прогрессив (тест ва рейтинг) тизимлари жорий қилинмоқда. Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида қўйилган вазифаларни амалга оширишда ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда.

Амалий ҳаётда иқтисодий ўсишни тўхтатиб турувчи омиллар ҳам мавжуд бўладики, улар меҳнат муҳофазаси, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва шу каби ҳолатлар натижасида келиб чиқади. Кейинги йилларда Республикада давлат томонидан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ходимлар меҳнат шароитини яхшилаш ва соғлигини муҳофаза қилишни тартибга солишда муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бу ўз навбатида иқтисодий ўсиш суръатига салбий таъсир кўрсатади. Чунки бундай тадбирларни амалга ошириш тегишли ҳаражатларни тақазо қилади. Шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган маблағлар бошқа томонга жалб қилинади.

3-§. Миллий бойлик тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши

Миллий бойлик инсоният жамияти тараққиёти давомида аждодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган

моддий, номоддий ва интеллектуал ҳамда табиий бойликлардан иборатдир.

Миллий бойликнинг бир қисмини инсон меҳнатининг натижасини ҳисобласак, бошқа қисми табиат бойликларидан иборат бўлади. Шундай экан миллий бойлик кенг маънода ўз ичига нафақат моддий ва номоддий неъматлар, яратилган санъат асарлари, интеллектуал салоҳиятни, балки барча табиат ресурслари ва бойликлари ҳамда такрор ишлаб чиқаришнинг табиий иқлим шароитларини ҳам олади. Миллий бойликнинг бу барча таркибий қисмларини миқдоран, қиймат ўлчовларида ҳисоблаб чиқиш бир қатор объектив сабабларига кўра анча қийин, жумладан, унинг табиат инъомларидан иборат қисми инсон меҳнатининг натижаси ҳисобланмайди ва қиймат ўлчовларига эга эмас. Шу сабабли иқтисодий таҳлил амалиётида миллий бойликнинг инсоният меҳнати билан яратилган ва такрор ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган барча моддий бойликлардан иборат қисми кўпроқ этиборга олинади. Миллий бойликнинг бу қисми миллий иқтисодиёт ривожининг бутун тарихи давомида доимий такрорланиб турувчи ишлаб чиқариш жараёнининг, умумий натижаси сифатида чиқади ва моддий буюмлашган шаклда намоён бўлади. У кишиларнинг кўплаб авлоди меҳнати натижаси ҳисобланади.

Айтилганлардан келиб чиқиб, миллий бойликни шартли равишда қуйидаги учта йирик таркибий қисмларга ажратиш мумкин:

1. Моддий буюмлашган бойлик.
2. Номоддий бойлик.
3. Табиий бойлик.

Моддий буюмлашган бойлик охири-оқибатда ишлаб чиқаришнинг, унумли меҳнатининг натижаси ҳисобланади. У ишлаб чиқариш яратилган маҳсулотларнинг жорий истеъмол қилишдан ортиқча қисмини жамғариш оқибатида вужудга келади ва ўсиб боради.

Аммо моддий буюмлашган бойликни қатор йиллардаги йиллик ялпи маҳсулотлар йиғиндиси сифатида тасаввур қилиш нотўғри бўлур эди. Чунки бу бойликнинг бир қисми ҳар йили ишдан чиқарилиб, қайтадан янгиланиб туради (ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари). Шу сабабли ишлаб чиқариш воситаларининг ўрнини қоплаш билан бир вақтда ялпи маҳсулотнинг фақат бир қисми моддий буюмлашган бойлик сифатида жамғарилиб борилади. Демак, қоплаш фонди ва моддий буюмлашган бойликнинг ўсиши ялпи миллий маҳсулот ҳисобига амалга оширилади.

Миллий бойликнинг инсон меҳнати билан яратилган моддий қисми қиймат шаклига эга бўлиб, таркибий тузилиши бўйича қуйидагиларни ўз ичига олади:

— ишлаб чиқариш хусусиятидаги асосий капитал (фондлар). Булар бутун миллий бойликнинг таркибида анча катта салмоққа эга бўлади ҳамда ўзининг техникавий даражаси бўйича ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиш имкониятини белгилаб беради;

— ноишлаб чиқариш хусусиятидаги асосий капитал (фондлар). Асосий капиталнинг бу турига мамлакатнинг уй-жой фонди, ижтимоий маданий хусусиятдаги объектлар киради;

— айланма капитал (фондлар). Миллий бойликнинг бу қисми меҳнат предметларидан иборат бўлиб, асосий капиталнинг тахминан 1/4 қисмини ташкил қилади;

— тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган қисми. Улар ишлаб чиқариш босқичида меҳнат жараёни таъсири остида бўлиб, потенциал тайёр маҳсулот ҳисобланади;

— моддий захиралар ва эҳтиётлар. Бунга муомала босқичидаги тайёр маҳсулот, корхоналар ва савдо тармоқларидаги моддий захиралар, давлат эҳтиёжлари ва резерв фондлари киради. Моддий захиралар иқтисодиётда рўй бериши мумкин бўлган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулотда ҳолатларда фойдаланиш мақсадида ушлаб турилади.

Давлат эҳтиётларига олтин захиралари, суғурта ва мудофаа эҳтиёжлари учун зарур захиралар киради:

— аҳолининг уй, хусусий ва ёрдамчи хўжалигида жамғарилган мол-мулк. Бунга уй-жой, автомобил, маданий-маиший буюмлар, кийим-кечаклар ва шу кабиларнинг қиймати киради.

Моддий буюмлашган бойлик таркибий қисмларининг мазмуни ва уларнинг салмоғи ўзгаришсиз қолмайди. Асосан фан-техника тараққиёти шароитида моддий, буюмлашган бойлик таркибида йирик ўзгаришлар рўй беради. Саноат тармоқларининг асосий капитали тез кўпаяди ва янгиланади, ноишлаб чиқариш соҳасининг асосий капитали таркибида илмий, ўқув, соғлиқни сақлаш муассасаларининг улуши тобора кўпроқ ҳиссасини эгаллайди. Табиий ресурсларни иқтисодий фаолиятга жалб қилиш суратлари ўсиб борали.

Моддий буюмлашган бойлик ўсишининг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

— меҳнат унумдорлигининг ўсиши;

— ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши;

— миллий даромадда жамғариш меъёрининг ортиши.

Моддий буюмлашган бойлик ишлаб чиқаришнинг натижаси ва шарт-шароити ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, бир томондан маҳсулотдан миллий бойлик томон ҳаракатда бойликнинг истеъмол қилинган қисмининг қопланиши ва унинг кўпайиши рўй беради. Бошқа томондан миллий бойлик ишлаб чиқаришнинг моддий шарт-шароити, унинг моддий техникавий асоси ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ва миқёси миллий бойликдан фойдаланиш хусусиятига боғлиқ бўлади.

Миллий бойликнинг бошқа қисми табиий бойликлар ишлаб чиқаришнинг шарт-шароитини ва инсон фаолиятининг ташқи муҳитини ташкил қилади. Табиий бойликнинг вужудга келиши инсоният жамият ривожига боғлиқ эмас, у табиат қонунлари асосида рўй беради. Фойдали қазилма бойликлар, ўрмонлар, сув ва ер ресурслари худди шундай вужудга келиб, ишлаб чиқаришдан ташқарида туради.

Табиат инъомлари ўзларининг дастлабки кўринишида табиий бойлик бўлиб, шу ҳолатида инсон фаолиятининг натижаси ҳисобланган ижтимоий бойлик таркибига кирмайди. Бунинг маъноси шуки, табиий бойликлар жамият учун фақатгина потенциал бойлик ҳисобланади. Улар реал бойликка инсон меҳнатининг таъсири оқибатида айланади.

Миллий бойлик нафақат моддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилади. Унинг бир қисми номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида вужудга келтирилади ва жамиятнинг номоддий бойлиги ҳисобланади. Номоддий соҳаларда ашёвий-буюм шакл билан боғлиқ бўлмаган алоҳида турдаги истеъмол қийматлар ҳосил қилинади. Улар ҳам моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг фаолият қилиши ва ривожланиши учун шунингдек, бевосита аҳолининг турмуш даражасини таъминлаш ва ошириб бориш учун зарур бўлади. Бундай бойликларга таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, санъат, спорт соҳаларида вужудга келтириладиган номоддий қимматликлар киради. Унинг таркибида тарихий ёдгорликлар, архитектура обидалари, ноёб адабиёт ва санъат асарлари алоҳида ўрин тутади.

Жамиятнинг номоддий бойликларида маданият ва санъатнинг ривожланиш даражаси, жамият аъзоларининг тўплаган илмий билимлари ва интеллектуал даражаси, ишловчиларнинг ихтисослиги ва малакавий билим даражаси, соғлиқни сақлаш, таълим ва спортнинг ривожланиш даражаси ўз ифодасини топади.

Моддий буюмлашган бойликнинг ўсиши жамият моддий қимматликлари кўпайишининг асоси ҳисобланади. Агар фан-техника

тараққиёти юқори суръатлар билан ривожланса маданият, санъат, фан каби номоддий соҳалар ҳам ўсиб ва такомиллашиб боради.

Шундай қилиб, миллий бойлик моддий буюмлашган ва табиий бойликлардан анча кенг тушунча бўлиб, ўз таркибига жамиятнинг номоддий хусусиятдаги қимматликларини ҳам олади.

Асосий таянч тушунчалар

Иқтисодий ривожланиш — кўп ўлчамли жараён бўлиб, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётида ўз ифодасини топади.

Иқтисодий ўсиш — ЯММ (ИММ, СММ, МД) миқдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайишида ва сифатининг яхшиланишида ифодаланади.

Иқтисодий ўсишнинг кўрсаткичлари — иқтисодий ўсишни аниқлашда фойдаланиладиган қиймат ва натурал (жисмоний) кўрсаткичлар тизимидан иборат.

Экстенсив иқтисодий ўсиш — ишлаб чиқаришга қўшимча иқтисодий ресурсларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши.

Интенсив иқтисодий ўсиш — ишлаб чиқариш омилларининг ривожланиб, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиб бориши.

Устувор экстенсив иқтисодий ўсиш — иқтисодий ўсишда экстенсив омилларнинг устивор ўринга эга эканлигини биллиради.

Устувор интенсив иқтисодий ўсиш — иқтисодий ўсишда интенсив омилларнинг юқори ўринга эгалигини билдирали.

Миллий бойлик — инсоният жамияти тараққиётида аждодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамгарилган моддий ва маънавий бойликлар ҳамда фойдаланишга жалб қилинган табиат бойликлари.

Моддий-буюмлашган бойлик — миллий бойликнинг инсон меҳнати билан яратилган ашёвий — буюм кўринишга эга бўлган қисми.

Табиий бойлик — миллий бойликнинг табиат инъомларидан иборат бўлган, фойдаланишга жалб қилинган, ишлаб чиқаришнинг шарт-шароитини ва инсон фаолиятининг ташқи муҳитини ташкил қиладиган қисми.

Маънавий бойлик — ашёвий-буюм кўринишига эга бўлмаган номоддий қимматликлардан ва инсониятнинг интеллектуал салоҳияти натижаларидан иборат.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Иқтисодий тараққиёт, иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ўсиш тушунчаларининг таърифини беринг ҳамда уларнинг умумий томонлари, фарқларини кўрсатинг.

2. Иқтисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турлари қандай аниқланади? Нима учун реал ҳаётда соф экстенсив ёки соф интенсив иқтисодий ўсиш турлари учрамайди?

3. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига, аҳолисининг турмуш даражасига ва ишлаб чиқаришининг самарадорлигига баҳо беришда иқтисодий ўсишнинг қандай кўрсаткичларидан фойдаланилади?

4. Иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи таклиф, тақсимлаш ва талаб омилларини тушунтиринг ҳамда уларнинг аҳамиятини баҳоланг.

5. Миллий бойлик тушунчасининг таърифини беринг ва таркибий тузилишини кўрсатинг.

6. Миллий бойлик таркибида моддий-буюмлашган бойлик қандай ўринга эга ва у қандай таркибий қисмларни ўз ичига олади?

7. Нима учун ер, сув каби табиий бойликларни қиймат ўлчовида баҳолаб, миллий бойлик таркибига киритиш қийин?

8. Маданий, тарихий обидалар ва архитектура ёдгорликларининг миллий бойлик таркибида акс этишини қандай изоҳлаймиз? Уларнинг ҳар бирига мисоллар келтиринг.

XVII БОБ. Миллий иқтисодиётнинг мувозанатлиги ва нисбатлари

Мувозанатли таҳлил иқтисодиёт назариясининг муҳим тадқиқ қилиш усули ҳисобланади. Бу усулдан яхлит халқ хўжалиги кўрсаткичлари, яъни миллий даромад, инвестициялар, жамғарма, бандлик ва шу кабиларни таҳлил қилишда фойдаланадилар. Миллий иқтисодиёт миқёсида жамиятнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мувозанатлик асосий ўрин тутиб, бу ялпи таклиф ва ялпи талаб ўртасидаги мувозанатликнинг ўзига хос намоён бўлишидир.

Бу бобда дастлаб иқтисодий мувозанатлик тушунчасини ва ишлаб чиқариш мувозанатли даражасини аниқлашга турлича ёндашувларни қараб чиқамиз. Таҳлил ижтимоий такрор ишлаб чиқариш мутаносибликлари тизими ва уларнинг даражаси ҳамда тармоқлар-аро балансни баён қилиш билан давом эттирлади. Таҳлилнинг охирги қисми макроиктисодий мувозанатликка эришишнинг бозор механизмларини ёритиб беришга қаратилади.

1-§. Иқтисодий мувозанатлик, уни таъминлаш шарт-шароитлари ва аниқлаш усуллари

Иқтисодиёт барқарор ривожланиши учун унинг томонлари ўртасида маълум мувозанат бўлишини тақозо қилади.

Иқтисодий мувозанат деб иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларнинг икки ёки бир неча томонининг бир-бирига тенг келган ҳолатига айтилади. Шунинг учун ҳам бутун иқтисодиётнинг мувозанати тўғрисида гап борганда энг аввало, ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги тенглик эътиборга олинади.

Макроиқтисодиётда иқтисодий мувозанатликнинг шаклланиш жараёни ҳамда уни таъминлаш анча мураккаб ва зиддиятли. Чунки у ўз ичига хусусий ва умумий тавсифдаги бир қатор мувозанатлар тизимини олади.

Хусусий мувозанатлик — бу иккита ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий миқдорлар ёки иқтисодиёт томонларининг миқдоран тенг келиши. Хусусий мувозанатлик ишлаб чиқариш ва истеъмол, аҳолининг со-

тиб олиш лаёқати ва товарлар таклифи, бюджет даромадлари ва харажатлари, аҳолида товарларга талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатликлар кўринишида чиқади. Бу мувозанатликлар ичида Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «...ички бозорда талаб билан таклиф ўртасида мутаносибликка эришиш, яъни чиқарилган пул миқдори билан унга сотиб олинадиган моллар салмоғи ўртасида тўғри нисбатни таъминлаш гоят катта рол ўйнайди»[1].

Умум иқтисодий мувозанатлик жамият барча эҳтиёжлари ва миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзаро тенг келишини билдиради. Умумий иқтисодий мувозанатлик бозор шароитида, аввало, ялпи талаб ва ялпи таклифнинг тенг келишида кўринади. Бу нафақат истеъмолчилик неъматларига, балки ишлаб чиқариш воситаларига, ишчи кучига ҳамда барча иқтисодий фаолият натижаларига умумий талаб ва таклифнинг мувофиқ келишидир.

Умумий иқтисодий мувозанатлик бир қатор шарт-шароитларни тақозо қилади. Биринчидан, бу ижтимоий мақсадлар ва иқтисодий имкониятларнинг мос келишидир.

Иккинчидан, иқтисодий мувозанатлик мамлакатдаги барча иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланадиган хўжалик механизмини тақазо қилади.

Учинчидан, мувозанатли ишлаб чиқаришнинг умумий таркибий тузилиши истеъмолнинг таркибий тузилишига мос келиши лозимлигини билдиради. Тўртинчидан, иқтисодиётда мувозанатликнинг умумий шарт-шароитлари бўлиб, бозор мувозанати, яъни барча асосий бозорлар (товарлар, ресурслар, ишчи кучи ва ҳоказолар)да талаб ва таклиф мувозанатга эришиши хизмат қилади.

Иқтисодий мувозанатлик эркин рақобат бозорида барча харидорлар тенглиги, иқтисодий вазият барқарорлиги каби қатор шарт-шароитларни ҳам тақазо қилади.

Реал ҳаётда иқтисодиёт доимий ҳаракатда ва тўхтовсиз ривожланиш ҳолатида бўлади. Иқтисодий жараён фазаларида, бозор конъюнктураси, бозор субъектлари даромадлари ва талаби таркибида ўзгаришлар рўй бериб туради. Буларнинг ҳаммаси мувозанатли ҳолатни турғун иқтисодиётдаги шартли умумий мувозанатлик сифатида қараб чиқишни тақазо қилади.

Шундай қилиб, макро даражада умумий иқтисодий мувозанатлик — бу мамлакат бутун иқтисодиётининг мутаносиблигидир. Бу

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 384-бет.

барча соҳалар, тармоқлар, хўжаликларнинг меъёрида ривожланишини таъминлайдиган иқтисодий фаолиятнинг барча қатнашчилари ҳамда барча бозордаги ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақазо қиладиган мувозанатликлар тизимини ўз ичига олади.

Иқтисодий мувозанатлик даражасини аниқлашда асосан иккита ўзаро боғлиқ усулдан фойдаланилади: 1. Ялпи сарфлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини таққослаш усули. 2. Жамғарма ва инвес-тицияларни таққослаш усули.

Ялпи сарфлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини таққослаш учун ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг миқдорий кўрсаткичи сифатида соф миллий маҳсулот (СММ), иқтисодиётда ялпи сарфлар сифатида истеъмол ҳажми (С) ва инвестицияларга сарфларнинг умумий суммаси (іп) олинади. Иқтисодиётнинг мувозанатли даражаси — бу ишлаб чиқаришнинг шундай ҳажмики, у ишлаб чиқариш мазкур ҳажмини сотиб олиш учун етарли умумий сарфларни таъминлайди. Бошқача айтганда, соф миллий маҳсулот мувозанатли даражасида ишлаб чиқарилган товарларнинг умумий миқдори ҳарид қилинган товарлар умумий миқдорига тенг бўлади.

Тўлиқ бандлик шароитида ялпи сарфлар СММ ҳажми билан мос келмаслиги мумкин. Бу мос келмаслик рецессион ёки инфляцион фарқда ифодаланади. Ялпи сарфларнинг СММ ҳажмидан кам бўлган миқдори рецессион, ялпи сарфларнинг СММ ҳажмидан ортиқча бўлган миқдори инфляцион фарқ дейилади.

Жамғарма ва инвестицияларни таққослаш усулининг моҳияти шундаки, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳар қандай ҳажми шунга мос даромад ҳажмини беради. Бироқ аҳоли бу даромаднинг бир қисмини истеъмол қилмасдан жамғаришга қўйиши мумкин. Жамғариш, сарфлар — даромадлар оқимидан потенциал сарфларни олиб қўйиш ҳисобланади. Бунда жамғармага қўйилган маблағ инвестициялар билан тўлиқ қопланса, ялпи сарфлар ишлаб чиқариш ҳажмига тенг бўлади.

Инвестицион сарфларнинг кўпайиши, ишлаб чиқариш ҳажми ва даромад даражасининг ўсишига олиб келади. Бу ўзаро натижа мултипликатор самараси дейилади. Мултипликатор самараси — бу соф миллий маҳсулотдаги ўзгаришнинг сарфлардаги (инвестицияларлардаги) ўзгаришга нисбати.

$$Мултипликатор\ самараси = \frac{Реал\ СММдаги\ ўзгариш}{Инвестиция\ сарфларидаги\ ўзгариш}$$

СММ даги ўзгариш = мултипликатор х инвестициялардаги ўзгариш.

Агар инвестицион сарфларнинг 5 млрд. сўмга кўпайиши, соф миллий маҳсулотнинг 20 млрд. сўмга ортишига олиб келса, мултипликатор самараси 4 га (20:5), СММдаги ўзгариш 20 млрд. сўмга (4х5) тенг бўлади.

Инвестицион сарфлардаги ўзгаришдан ташқари истеъмол, давлат хариди ёки экспортдаги ўзгаришлар ҳам мултипликатор самарасига таъсир кўрсатади.

Мултипликатор самараси иккита ҳолатга асосланади. Биринчидан, иқтисодиётда бир субъект тамонидан қилинган сарф, бошқаси томонидан даромад шаклида олинади. Иккинчидан, даромаддаги ҳар қандай ўзгариш истеъмол ва жамғаришда худди шундай йўналишда ўзгариш бўлишига олиб келади.

Иқтисодий мувозанатлик даражасини аниқлашда юқоридаги усуллардан ташқари баланс усулидан ҳамда «харажат ва натижа»ларни таққослаш усулидан ҳам фойдаланилади.

Баланс усулида тармоқлараро баланс, моддий, молиявий ва ишчи кучи балансларидан фойдаланилиб, иқтисодиётдаги мувозанатлик даражасига баҳо берилади.

«Харажат ва натижа»ларни таққослаш усулида ишлаб чиқаришга қилинган иқтисодий ресурс харажатлари миқдори олинган маҳсулот ҳажми билан таққосланиб мувозанатлик даражаси таҳлил қилинади.

2-§. Иқтисодий мутаносиблик ва унинг турлари

Миллий иқтисодиётдаги мувозанатлик унинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида мутаносиблик бўлишини тақазо қилади.

Иқтисодий мутаносиблик – иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ва сифат жиҳатдан маълум мослик бўлишидир. Бунда тенглик бўлиши шарт эмас. Улар мос келувчи (2:3, 5:3, 3:1) нисбатларда бўлиши мумкин.

Макроиқтисодий жараён ғоят мураккаб ва кўп қиррали бўлиши сабабли мутаносиблик турлари ҳам кўп ва хилма-хил. Уларнинг барчасини умумлаштириб, мутаносибликнинг қуйидаги гуруҳлари таркибига киритиш мумкин:

1. **Умумиқтисодий хусусиятдаги мутаносибликлар.** Бунга миллий даромаддаги таркибий қисмлар: истеъмол фонди ва жамғариш фонди ўртасидаги; иқтисодиётдаги товар ва хизматлар массаси билан

пул массаси ўртасидаги; аҳолининг даромадлари билан харажатлар ўртасидаги мутаносибликларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

2. **Тармоқлараро мутаносибликлар.** Миллий иқтисодиётнинг мувозанатини таъминлашда тармоқлараро мутаносибликлар алоҳида ўрин тутади. Мамлакат халқ хўжалиги жуда кўп тармоқ ва соҳалардан иборат бўлиб, уларнинг ривожланиши бир-бирини тақозо қилади. Бир тармоқда яратилган маҳсулот бошқа тармоқда истеъмол қилинади ёки пировард маҳсулотга айлантирилиб ўз истеъмолчисини топади. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўпчилик қисми (пахта, ғалла, пилла, сут ваҳ.к.) саноатнинг тегишли тармоқларида қайта ишланиб, пировард маҳсулотга айлантирилади ва истеъмолчилик товарлари бозорига чиқарилади. Ўз навбатида саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари яратадиган соҳаларнинг маҳсулотлари халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари (қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва ҳ. к.)да унумли истеъмол қилинади. Бу уларнинг бир-бирига боғлиқликда ривожланишини тақозо қилади. Тармоқлараро мутаносибликларга саноат билан қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ўртасидаги мутаносибликлар мисол бўлади.

3. **Тармоқ ичидаги муганосибликлар.** Тармоқлараро мутаносиблик ва миллий ишлаб чиқариш даражасидаги мувозанатлик тармоқлар ичидаги мутаносиблик орқали таъминланади. Тармоқлар ичидаги мутаносиблик алоҳида олинган тармоқ таркибидаги соҳа ва ишлаб чиқаришлар ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Масалан, саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган соҳалари, қишлоқ хўжалигининг дехқончилик ва чорвачилик соҳалари ўртасидаги мутаносибликлар ва ҳ. к. Шу билан бирга таъкидлаб ўтилган соҳаларнинг ичидаги таркибий бўлинмалар ўртасида ҳам боғлиқлик бўлиши зарур. Масалан, саноатнинг қазиб олиш ва қайта ишлаш тармоқлари, чорвачиликнинг сут ва гўшт ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ва бошқалар.

4. **Ҳудудий (территориал) мутаносибликлар.** Иқтисодий ривожланиш мамлакат айрим ҳудудлари ўртасидаги боғлиқликни ҳам тақозо қилади. Юзаки қараганда ҳудудлар ўртасидаги мутаносибликларнинг мамлакат иқтисодий ривожидаги роли тўлиқ намоён бўлмайди. Лекин алоҳида ҳудудий бўлинмалар (вилоят, туман, шаҳар ва бошқа ҳудудий бирликлар)нинг бир-бирига иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан боғлиқлиги, ихтисослашиш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва коммуникация нуқтаи-назаридан қаралса, бу боғлиқликнинг аҳамияти яққол кўринади.

5. **Давлатлараро мутаносибликлар.** Бу мутаносибликни икки ҳолат тақозо қилади. Биринчидан, дунёнинг кўпчилик мамлакатлари халқаро меҳнат тақсимоти орқали бир-бири билан боғланган, иккинчидан, шу боғлиқлик орқали миллий ишлаб чиқаришнинг бир қисми чет элликлар томонидан харид қилинади ёки миллий ишлаб чиқарувчилар ўз истеъмолининг бир қисмини четдан келтирилган маҳсулотлар ҳисобига қондиради. Бу боғлиқлик қанчалик катта бўлса, соф экспорт ҳажми орқали макроиқтисодий мувозанатликка шунчалик кучли таъсир кўрсатади.

Қараб чиқилган мутаносибликларга эришиш орқали миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ривожини таъминлаб боришдан қуйидагилар кўзда тутилади:

— Мамлакатда мавжуд бўлган иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда жамиятнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириб бориш.

— Тўла бандлиликка эришиш, яъни меҳнат қилишга лаёқатли бўлган ва ишлашни хоҳлаганларни тўлиқ ҳамда самарали иш билан таъминлаш.

— Нарх-навонинг нисбий барқарорлигига эришиш ва уни инфляция таъсиридан ҳоли қилиш.

— Иқтисодиётнинг бир маромда ўсиб боришини етарли даражада инвестиция билан таъминлаш ва муомаладаги пул массасига боғлаб бориш.

— Экспорт ва импортни мувофиқлаштириш асосида ташқи савдо балансининг фаоллигига эришиш.

Бу мақсадлар фақатгина уларга интилиш бўлиб, бунга эришиш муқаррар эканлигини билдирмайди. Чунки мутлақ мувозанатга эришиш мумкин эмас, у бузилиб ва қайтадан тикланиб туриши орқали иқтисодий ўсиш нотекис боради.

3-§. Ўзбекистонда иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартиришдаги вазифалар

Иқтисодиётни бутунлай янги тартиблар асосида ислоҳ қилиш унинг ривожида номутаносибликлар бўлиши ва танглик ҳолатларининг келиб чиқишини муқаррар қилиб қўяди. Шу сабабли иқтисодиётни барқарорлаштириш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида уни жонлантириш ва бир текис ривожлантириш йўлидаги қонуний босқичдир. У иқтисодий ривожланишда бутунлай инқирозга учрашга чап бериш учун ишлаб чиқариш ва чиқарилаётган маҳсулот тар-

кибини ўзгартиришга, яъни танглик ҳолатларга барҳам беришга йўналтирилади. Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки даврида барқарорлаштириш сиёсатидан кўзда тутилган мақсад энг аввало, макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришни кескин даражада пасайишининг олдини олиш ва оммавий ишсизликнинг келиб чиқишига йўл қўймасликдан иборат бўлди. Шу билан бирга бу сиёсат пул эмиссиясини бошқариш, унинг қадрсизланишининг олдини олиш, мамлакат тўлов балансини бир меъёрда сақлаш каби мақсадларни ҳам ўз ичига олади.

Республикада барқарорлаштириш сиёсатини ишлаб чиқишда жаҳон тажрибасида синалган ёндашувлар ҳисобга олиниб ишлаб чиқариш соҳаларига устунлик берилди. Моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланишида уларни таркибан қайта қуриш талаблари ҳам кўзда тутилди. Бунда асосий эътибор катта истиқболга эга бўлган, бутун халқ хўжалигининг ривожланиш тамойилларини белгилаб берадиган етакчи тармоқ ва соҳаларга қаратилди.

Иқтисодиётда зарур таркибий ўзгаришларни амалга оширгунча ишлаб чиқаришнинг орқага кетишига барҳам бериш энг муҳим мақсад бўлиб қолади. Шу сабабли республикада 90-йилларнинг ўрталаридаёқ макроиқтисодий барқарорлик соҳасида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишини секинлаштиришга мойиллик кўзга ташланади, айрим кўрсаткичлар бўйича эса ўсишга эришилди. Иқтисодиётнинг иккита етакчи тармоғи саноат ва қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар натижасида саноатда 1995 йилдаёқ қишлоқ хўжалигида 1997 йилда ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши тўхтатилди.

Макроиқтисодий барқарорлик сиёсатида 1997 йил кескин бурилиш даври бўлди, ислоҳотлар амалга оширилган давр давомида биринчи марта ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши (105,2%) аҳоли сонининг ўсишидан (101,8%) юқори бўлди[1]. Бу ижобий тамойиллар 1998 ва ундан кейинги йилларда мустаҳкамлаб борилди. Натижада 2001 йилда ЯИМ — 4,5 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми — 8,1 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — 4,5 фоизга кўпайди. Давлат бюджети камомади ЯИМнинг бир фоизидан ошмади. Нақд пул эмиссияси 6,5 фоизни ташкил этди. Жами пул массаси белгиланган даражада, яъни ЯИМга нисбатан 16,4 фоиздан ошмади[2].

---

[1] Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари.

[2] *Каримов И.А.* Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш — беш йўлимиз. «Халқ сўзи» газетаси, 15.02.2002, 34-сон

Республика миллий иқтисодиётида эришилган бу ижобий натижалар таркибий қайта қуришлар асосида бутунлай янги халқ хўжалиги мажмуасининг бунёд этилганлиги, биринчи навбатда энг муҳим макроиқтисодий ва такрор ишлаб чиқариш нисбатларини давлат томонидан самарали тартибга солишнинг натижаси эканлигини кўрсатади. Бунда асосий эътибор иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши, ҳудудларининг таркибий тузилишини такомиллаштиришга қаратилади.

Таркибий сиёсатнинг ҳудудий жиҳатларини таъминлаш одамлар турмуш даражасида вужудга келган ҳудудий номутаносибликни бартараф этиш, ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишга эришишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Республика иқтисодиётининг таркибий тузилишини қайта қуришда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини ўзгартириш, унинг сифатини яхшилаш ва маҳсулот тайёрлашга кетадиган жами харажатларни камайтириш талаблари ҳам ҳисобга олинади.

Иқтисодиёт тузилишидаги ўзгартиришлар, четдан маҳсулот олиб келишни қисқартириш, халқ хўжалигининг хом ашё етиштиришга қаратилган бир томонлама йўналишини бартараф этиш ва унинг экспорт имкониятини кенгайтириш, тармоқлар ичидаги ва ҳудудий кесимдан вужудга келган номутаносибликларни бартараф этиш асосида иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш билан боғлиқликда амалга оширилди.

Шу вазифалардан келиб чиқиб, иқтисодиёт ички тузилишидаги ўзгаришлар — республиканинг энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи тармоқларни ривожлантиришга қаратилди. Бунда биринчи навбатда энг муҳим ўзак тармоқларни — нефт ва газ саноатини, энергетикани, рангли металлургия саноатини, машинасозлик мажмуасини, қишлоқ хўжалик ва агросаноат мажмуасининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга устунлик берилади.

Халқ хўжалигининг такрор ишлаб чиқариш тузилишини тубдан ўзгартириш асосида умумиқтисодий барқарорликка эришишда истеъмол билан жамғариш фонди ўртасидаги энг мақбул мутаносибликни таъминлаш асосий ўрин тутади. Истеъмол фондининг энг мақбул даражасига эришиш — ички бозорда талаб билан таклиф ўртасида мутаносибликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли давлат энг муҳим макроиқтисодий такрор ишлаб чиқариш нисбатларини тартибга солиб турувчи омилларга кўпроқ эътибор берди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш дарида иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этишда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг муҳандислик коммуникациялари, транспорт ва алоқа тизими сингари тармоқларини устивор ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳасида таркибий қайта қуришлар фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш орқали амалга оширилди. Шу сабабли Республика инвестиция базасини ривожлантиришга катта эътибор берилиб, бунда ўз сармояларимиз, ташқи кредитлар, бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларидан ўринли фойдаланиш кўзда тутилди. Ташқи инвестицияларни жалб қилишда бевосита инвестициялар тарзида, давлат қарзлари, халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар, қарз берувчи мамлакатлар молиявий-кредит ресурслари шаклларида амалга ошириш мумкинлиги ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, Республикада иқтисодий ислоҳотлар давомида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодиёт таркибий тузилишини қайта қуриш вазифаларига аҳолининг реал турмуш даражасини яхшилаш учун зарурий шарт-шароитларни вужудга келтириш сифатида қаралди.

Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга йўл тутилган ҳозирги шароитда ҳам «...иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш»[1] иқтисодиёт соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу ўз навбатида бой табиий захираларимиз, минерал хом ашё, меҳнат ресурсларимиздан, интеллектуал ҳамда илмий-техникавий салоҳиятимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланишни тақазо этади.

Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш маҳаллий хом ашё ва табиий имкониятлар асосида ишлайдиган, илғор замонавий технологияларни жорий этган ҳолда, нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларга қаратилиши зарур.

Янги босқичда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини кучайтиришга алоҳида эътибор берилади. Чунки, бу соҳа янги иш жойларини яратишнинг муҳим омили бўлиш билан бирга, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши ҳам унинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

---

[1] *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 15-бет

Асосий таянч тушунчалар

Иқтисодий мувозанат — иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларнинг икки ёки бир неча томонининг бир-бирига тенг келиш ҳолати.

Хусусий мувозанатлик — бу иккита ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий миқдорлар ёки иқтисодиёт томонларининг миқдоран тенг келиши.

Умум иқтисодий мувозанатлик — жамият эҳтиёжлари билан мавжуд иқтисодий ресурслар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзаро мос келиши.

Рецессион фарқ — ялпи сарфларнинг соф миллий маҳсулот ҳажмидан кам бўлган миқдори.

Инфляцион фарқ — ялпи сарфларнинг соф миллий маҳсулот ҳажмидан ортиқча бўлган миқдори.

Мултипликатор самараси — бу соф миллий маҳсулотдаги ўзгаришнинг инвестицион сарфлардаги ўзгаришга нисбати.

Иқтисодий мутаносиблик — иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ҳамда сифат ўлчамларининг мос келишлик даражаси.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Иқтисодий мувозанатлик, хусусий ва умумий мувозанатликларга тавсиф беринг. Уларга мисоллар келтиринг.

2. Мувозанатли СММ қуйидаги икки усул ёрдамида: графикда қандай аниқланишини тушунтиринг: а) ялпи сарфлар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг таққослаш усули; б) жамғарма ва инвестицияларни таққослаш усули.

3. Мултипликатор самараси нима? Инвестициялар ва мултипликатор миқдори ўртасидаги боғлиқлик қандай?

4. Миллий иқтисодиётнинг мувозанатлик даражасига эришишда хусусий мутаносибликларнинг роли қандай? Мутаносибликнинг қандай турларини биласиз? Уларга қисқача таъриф беринг.

5. Макроиқтисодий барқарорлик нима? Унга эришиш йўллари қандай? Республикада иқтисодиёт таркибий тузилишининг қайта қурилишларини қайси йўлларда амалга ошириш кўзда тутилган?

XVIII БОБ. Иқтисодиётнинг цикллилиги ва макроиқтисодий беқарорлик

Бу бобда дастлаб иқтисодий цикларга, яъни иқтисодиёт учун хусусиятли бўлган ишлаб чиқариш, бандлилик ва нарх даражасининг даврий тебранишларига умумий тавсиф берамиз. Кейин иқтисодий цикл фазаларининг ва даврий тебранишнинг сабабларини қараб чиқамиз. Таҳлил давомида таркибий ва аграр инқирозларга ҳамда уларнинг хусусиятларини ёритиб беришга алоҳида ўрин ажратамиз.

1-§ Макроиқтисодий беқарорлик ва иқтисодиётнинг цикллиги. Иқтисодий инқирозлар

Ҳар қандай мамлакат, шу жумладан, индустриал ривожланган мамлакатлар ҳам иқтисодий ўсишга ҳамда тўлиқ бандлилик ва нархларнинг барқарор даражасига эришишга ҳаракат қилади, аммо узоқ муддатли иқтисодий ўсиш бир текис ва узлуксиз бормайди, у иқтисодий беқарорлик даврлари билан узулиб туради. Иқтисодий ўсиш кетидан доимо таназзул келиб туради. Вақти-вақти билан объектив қонунларнинг ўзгартириб бўлмайдиган таъсири остида такрор ишлаб чиқариш ҳаракатида узилишлар пайдо бўлади ва бу узилиш иқтисодиёт номутаносибликларининг кескин шаклда намоён бўлишидир.

Иқтисодий цикл деганда, одатда иқтисодиёт ривожланишнинг бир холатидан бошланиб, бирин кетин бир неча фазаларни босиб ўтиб ўзининг дастлабки холатига қайтиб келгунга қадар ўтган давр тушинилади. Иқтисодиётнинг ривожланишидаги харакати бир цикл билан тўхтаб қолмайди балки у тўхтовсиз тўлқинсимон ҳаракат сифатида давом этади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам цикл тўрт фазадан иборат бўлади. Цикл **инқироз, турғунлик, жонланиш, юксалиш** фазаларини ўз ичига олади. Ана шу фазаларнинг ҳар бири ривожланиши жарёнида навбатдаги фазага ўтиш учун шароит юзага келади.

Инқироз ишлаб чиқаришнинг пасайишида ифодаланади ва циклнинг қайд этувчи ифодасидир. У бир циклни ниҳоясига стказиб, яна муқаррар равишда инқироз билан тугайдиган янгисининг бош-

ланишига асос солади, инқироз вазиятда асосий капиталнинг ортиқча жамгарилиши унинг ҳамма функционал шаклларида намоён бўлади. Инқироздан кейин турғунлик келадики, унинг давомида иқтисодий фаоллик жонланиши учун шароитлар вужудга келиши ниҳоясига етади. Жонланиш фазасининг бошланиши озми-кўпми даражада ишлаб чиқаришнинг барқарор кенгайишига ўтишни билдиради.

Иш билан таъминланиш даражасининг ортиши ва фойдаларнинг тез ўсиши жонланишнинг юксалиш босқичига ўсиб-ўтишига кўмаклашади. Янги цикл юксалишнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Юксалиш фазасида иш кучига бўлган талабнинг кенгайиши инвестициянинг бирмунча камайишига ҳамда иш ҳақининг ўсишига олиб келадики, бунинг оқибатида истеъмол товарларига тўловга қодир талаб кенгаяди. Пировард талабнинг ошиши, ўз навбатида, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқларга, бозорни кенгайтиришга жадал туртки беради. Рақобат ва фойда кетидан қувиш оқибатида номутаносибликларнинг тўпланиб боришидан иборат зиддиятли реакция тезлашади. Бу билан янги инқироз муқаррар бўлиб қолади.

Алоҳида иқтисодий цикллар бир-биридан давомийлиги ва интенсивлиги бўйича кескин фарқланади. Шу билан бирга уларнинг ҳаммаси бир хил фазаларга эга бўлади ва ҳар хил тадқиқотчилар томонидан турлича номланади. 19-чизмада кўпчилик иқтисодчилар томонидан тан олинган иқтисодий цикл кўрсатилган. Циклнинг энг юқори нуқтасида иқтисодиётда тўлиқ бандлилик кузатилади ва ишлаб чиқариш тўлиқ ёки деярли тўлиқ қувват билан ишлайди. Циклнинг бу фазасида нарх даражаси ўсиш тамойилига эга бўлади, иқтисодий фаолликнинг ўсиши тўхтайди.

19-*чизма*. Иқтисодий цикл.

Таназзул фазасида ишлаб чиқариш ва бандлилик қисқаради, аммо нархлар пасайиш тамойилига берилмайди. Таназзулнинг қуйи нуқтасида ишлаб чиқариш ва бандлилик ўзининг энг паст даражасига эришиши билан тавсифланади.

Иқтисодий инқироз деб ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин тушиб кетишига айтилади.

Инқирознинг сабаби шундан иборатки, жамиятда ишлаб чиқарилган товарлар массаси тўловга қобил талабга мос келмай (ундан ошиб кетади ёки кам бўлади) қолади. Натижада ишлаб чиқаришнинг бир қисми тўхтаб қолади, товарлар ишлаб чиқариш камаяди, ишлаб чиқаришнинг ўсиш даври унинг тушкунлиги билан алмашинади. Иқтисодиётнинг тез ўсиш даврлари кўпинча инфляция, яъни нарх даражасининг кўтарилиши билан орқага кетади. Шундай даврлар ҳам бўладики, бунда иқтисодий ўсиш бандлилик ва ишлаб чиқаришнинг паст даражасига ўрин беради, айрим ҳолларда нарх даражасининг кўтарилиши билан бирга ишсизлик ҳам кескин ўсади. Қисқача айтганда, иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли тамойиллари ҳам ишсизлик, ҳам инфляция оқибатида узилиб қолади ва мураккаблашади. Инқирозларнинг асосий сабаби — такрор ишлаб чиқаришдаги беқарорлик ва номутаносибликлардир. Бу аввало, ишлаб чиқариш ва унинг натижаларини ўзлаштириш ўртасидаги номутаносиблик бўлиб, у турли ишлаб чиқариш усуллари ва иқтисодий тизимнинг ҳар хил нусхаларида турли шаклларида намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш билан истеъмол, талаб ва таклиф ўртасидаги вақти-вақти билан юзага келиб турадиган номутаносибликлар ҳам иқтисодий инқирозларнинг юзага чиқиш имкониятини сақлайди.

Капитализмгача бўлган даврларда ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши, одатда табиий офатлар (қурғоқчилик, тошқинлар ва ҳ.к.) ёки урушлар ва уларнинг келтирадиган вайронагарчиликлари билан боғлиқ бўлган. Йирик машинали ишлаб чиқаришга ўтилган даврдан кейинги вақти-вақти билан иқтисодиётни ларзага солиб турувчи иқтисодий инқирозлар ижтимоий такрор ишлаб чиқаришга циклик хусусияти касб этади.

Кўпчилик ҳозирги замон иқтисодчилари иқтисодий цикларнинг объектив хусусиятини тан олиб, бу ҳодисани унга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш орқали ўрганишни тавсия қилади.

Ташқи омилларга иқтисодий тизимдан ташқарида ётувчи ва иқтисодий ҳодисаларнинг даврий такрорланишини келтириб чиқаради

тан омиллар киритилади. Бу ташқи омиллар ичидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

– урушлар, инқилобий ўзгаришлар ва бошқа сиёсий ларзалар;

– олтин, уран, нефт ва бошқа қимматли ресурслар йирик конларнинг очилиши;

– янги ҳудудларнинг очилиши ва бу билан боғлиқ равишда аҳоли миграцияси, ер шари аҳолиси сонининг ўзгариб туриши;

– ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган технология, тадқиқотлар ва инновациялардаги кудратли ўзгаришлар.

Иқтисодий циклларни ташқи омилларнинг мавжудлиги билан тушунтирувчи назарияни, экстернал назария деб аташ қабул қилинган. Интернал назария иқтисодий циклларни иқтисодий тизимнинг ўзига хос ички омиллар туғдиради деб ҳисоблайди.

Асосий капиталнинг жисмоний хизмат муддати кўпчилик иқтисодчилар томонидан иқтисодий циклни туғдирувчи муҳим омиллардан бири сифатида қаралади.

Агар бир ёки бир неча тармоқда, машина-ускуналарга талабнинг кескин ортиши келтириб чиқарадиган иқтисодий ўсиш бошланса, табиийки, бу ҳол машина ва ускуналар тўлиқ эскирадиган ҳар 10-15 йилдан кейин такрорланади.

Бошқа ички омиллардан қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

– шахсий истеъмолнинг ўзгариши (қисқариши ёки кенгайиши);

– инвестициялар, яъни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни янгилаш ва янги иш жойларини вужудга келтиришга йўналтириладиган маблағлар ҳажми;

– ишлаб чиқариш, талаб ва таклифлар ҳажмига таъсир кўрсатишга қаратилган давлатнинг иқтисодий сиёсатининг ўзгариши.

Иқтисодий циклларнинг келиб чиқишини фақат экстернал ёки интернал назария орқали тушунтириш кўпам тўғри эмас. Иқтисодий цикл ва умуман иқтисодий тизимдаги миқдорий ва сифат ўзгаришлар фақат ва ички омиллар оқибатида келиб чиқиши мумкин.

2-§. Таркибий инқирозлар. Аграр инқирозлар ва унинг хусусиятлари

Иқтисодиётдаги инқирозлардан бир кўриниши ёки унинг бир тури **таркибий инқирозлардир**. Бу инқирозларни ишлаб чиқариш-

нинг айрим соҳалари билан тармоқлар ривожланиши ўртасидаги чуқур номутаносибликлар келтириб чиқаради.

Таркибий инқирозлар билан иқтисодий тебранишлар ва шу жумладан, иқтисодий фаолликнинг мавсумий тебранишлари ҳам мавжуд бўлади. Масалан, байрамлар арафасидаги харид қилиш, истеъмолчилик товарларининг фаоллик суръатида, асосан чакана савдода сезиларли ҳар йиллик тебранишларга олиб келади. Қишлоқ хўжалиги, автомобил саноати, қурилиш ҳам қандайдир даражада мавсумий тебранишларга дучор бўлади.

Иқтисодий фаоллик иқтисодиётдаги узоқ муддатли тамойилларга, яъни узоқ муддатли давр, масалан, 25, 50 ёки 100 йил давомида иқтисодий фаолликни ортиши ёки пасайишига боғлиқ. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, айрим мамлакатларда (масалан, АҚШ) узоқ муддатли тамойил сезиларли иқтисодий ўсиш билан тавсифланса, бошқалари учун иқтисодий ўсишнинг секинлашуви хос.

Иқтисодий фаолликнинг тебранишини тушунтирувчи кўплаб қарашлар мавжуд бўлишига қарамасдан кўпчилик иқтисодчилар, ишлаб чиқариш ва бандлик даражасини бевосита аниқловчи омил умумий ёки ялпи сарфлар даражаси ҳисобланади, деб тасдиқлайди.

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий инқирозлар аграр инқирозлар деб аталади. Аграр инқирозлар қуйидаги шаклларда намоён бўлади: 1) қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нисбий ортиқча ишлаб чиқарилиши, унинг сотилмай қолган жуда катта захираларининг тўпланиши. 2) Нархларнинг пасайиши, даромадлар ва фойдаларнинг камайиши. 3) Фермерларнинг оммавий равишда хонавайрон бўлиши, улар қарзларининг ортиши. 4) Қишлоқ аҳолиси ўртасида ишсизларнинг кўпайиши.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли, аграр инқирозлар ўзига хос хусусият касб этади. Аграр инқирозлар саноат циклларига қараганда одатда анча узоқроққа чўзилиб боради. Биринчи аграр инқироз ўтган асрнинг 70-йилларида бошланиб, ҳар хил шаклларда 90-йиллар ўртасигача давом этган эди.

Биринчи жаҳон урушидан кейин, аҳолининг харид қобилияти жуда пасайиб кетган шароитда, 1920 йил баҳорида кескин аграр инқироз бошланиб кетди ва иккинчи жаҳон урушининг бошланишига қадар давом этди. Учинчи аграр инқироз 1948 йилдан бошланиб, 80-йилларгача давом этди.

Аграр инқирозларнинг чўзилиб кетишининг асосий сабаблари қуйидагилар: а) Ерга хусусий мулк монополияси шароитида, у қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланишида саноатга нисбатан орқада қолишни тақозо этади; б) Ер рентасининг мавжуд бўлиши ва унинг узлуксиз суръатда ўсиб бориши. Ер рентасининг, аввало, абсолют рентанинг кўпайиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қимматлаштириб юборади, бунинг натижасида уни сотиш қийинлашади. в) Кўплаб майда деҳқон хўжаликларининг мавжуд бўлиши. Майда ишлаб чиқарувчилар хўжаликни асосан ўзи ва оиласи учун зарур тирикчилик воситаларини топиш мақсадида юритади. Инқироз шароитида ҳам улар ишлаб чиқаришни қисқартира олмайдилар. Тирикчиликларини ўтказиш ва ижара ҳақини тўлаш учун ишлаб чиқаришни илгариги миқиёсларда олиб бораверади. Бу ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ортиқча ишлаб чиқаришни яна ҳам кўпайтириб юборади.

Аграр инқирозлар циклли хусусиятга эга бўлмайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ортиқча ишлаб чиқариш абсолют хусусиятга эга эмас, балки нисбий хусусиятга эга. Чунки инқироз рўй берган мамлакатларда миллион-миллион кишилар доимий суратда очликда яшайди.

3-§. Иқтисодий цикл назариялари. Циклнинг иқтисодиётни алоҳида соҳаларига таъсири

Ҳозирги замон иқтисодий фанида иқтисодий цикл ва циклли ривожланишга мингдан ортиқ қарашлар мавжудлиги таъкидланади[1]. Биз уларнинг кўпчилик иқтисодчилар томонидан тан олинган асосийларига тавсиф берамиз.

Китчин цикли — захиралар цикли деб ҳам номланади. Бунда Китчин (1926 й.) молиявий ҳисоблар ва товар заҳиралари ҳаракатида сотиш нархларини таҳлил қилиш асосида 2 йилдан 4 йилгача давр давомидаги қисқа тўлқинларни тадқиқ қилишга ўзининг эътиборини қаратади.

Жуглар цикли — бизнес-цикл, саноат цикли, ўртача цикл ва катта цикл каби номлар билан ҳам аталади. Олдинги даврларда иқтисодий фан 7-12 йиллик циклларни ажратиб кўрсатганлиги туфайли, айнан шу цикл Француз, Англия ва АҚШда фоиз ставкалари

[1] Қаранг: Экономическая теория. Учебник /под общей ред. В.И. Видяпина, Г.П. Журавлевой. М.: изд-во Рос.Экон. акад., 2000, 436-438-бетлар.

ва нархдаги тебранишларни асосий сабабларини таҳлил қилиш асосида саноат циклининг табиатини ўрганишга катта ҳисса қўшган К. Жуглар (1819-1905 йй.) номи билан аталади.

Биринчи саноат цикли 1825 йил, машинали ишлаб чиқариш, металлургия ва бошқа етакчи тармоқларда ҳукмрон мавқени эгаллаган даврда Англияда кузатилади. 1836 йилдаги кризис дастлаб Англияда бошланиб, кейин АҚШга ҳам тарқалади, 1847-1848 йилларда АҚШ ва қатор европа давлатларида бошланган кризис, туб моҳиятига кўра биринчи жаҳон саноат кризиси бўлган.

Агар XIX асрда саноат цикли 10-12 йилни ташкил қилган бўлса, XX асрда унинг давомийлиги 7-9 йил ва ундан ҳам кам давргача қисқарган.

АҚШ ва Европанинг ривожланган давлатлари XX асрда 12 та саноат циклини бошдан кечирган бўлиб, улардан еттитаси иккинчи жаҳон урушидан кейин рўй берган.

Кузнец цикли — кўп ҳолларда «қурилиш цикли» деб номланиб, 20 йилгача бўлган иқтисодий тебранишлар билан аниқланади. С. Кузнец ўзининг «Миллий даромад» (1946 й.) номли китобида миллий даромад, истеъмолчилик сарфлари, ишлаб чиқариш мақсадидаги ускуналар ҳамда бино ва иншоотларга ялпи инвестициялар кўрсаткичларида 20 йиллик ўзаро боғлиқ тебранишлар мавжуд бўлишини аниқлайди. 1955 йилда америкалик иқтисодчининг хизматларини тан олиш рамзи сифатида саноат циклини Кузнец цикли деб номлашга қарор қилинади.

Кондратьев цикли — «узоқ тўлқинлар» цикли деб ҳам аталади. Цикллиликнинг бу назариясини ишлаб чиқишга рус олими Н. Д. Кондратьев катта ҳисса қўшади. Унинг тадқиқоти Англия, Франция ва АҚШнинг, 100-150 йил давомидаги ривожланишини қамраб олади. Бунда у иқтисодий ўсишнинг кўп омилли таҳлилини ўтказиб, яъни товар нархлари капитал учун фоиз, номинал иш ҳақи, ташқи савдо айланмаси каби макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўртача даражасини умумлаштириш натижасида бир қатор катта циклларни ажратиб кўрсатади.

— I-цикл: 1787-1814 йй. — кўтарувчи тўлқин, 1814-1851 йй. — пасайтирувчи тўлқин.

— II-цикл: 1844-1851 йй. — кўтарувчи тўлқин, 1970-1896 йй. — пасаювчи тўлқин.

— III-цикл: 1896-1920 йй. — кўтарувчи тўлқин.

Кондратьев циклининг давомийлиги ўртача 40-60 йилни ташкил қилади ва унинг асосий хусусияти техника тараққиёти ҳамда таркибий ўзгаришларни ўзида акс эттириши ҳисобланади.

Кондратьев биринчи катта циклнинг юксалиш фазасини Англиядаги саноат революцияси, иккинчисини — темир йўл транспортининг ривожланиши, учинчисини — электроэнергия, телефон ва радионинг кашф этилиши, тўртинчисини — автомобил саноатининг ривожланиши билан боғлайди. Ҳозирги замон тадқиқотчилари бешинчи циклни электроника, генинженерлиги ва микропроцессорлар ривожланиши тақоза қилишини кўрсатади.

Иқтисодий цикл барча томонлари билан намоён бўлиб, амалда иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Иқтисодиёт таркибий қисимларнинг ўзаро боғлиқлиги сабабли унинг ҳеч бир соҳасига инфляция тўлқини ёки тургунликнинг ноҳуш оқибатларидан четда қолмайди. Аммо шуни эътиборга олиш зарурки, иқтисодий цикл алоҳида шахслар турмуш даражаси ва корхоналар иқтисодий фаоллигига турли даражада таъсир кўрсатади.

Одатда иқтисодий инқирозлардан саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари ва узоқ муддатли фойдаланиладиган истеъмолчилик товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқлари кўпроқ йўқотишга учрайди. Уй-жой ва саноат бинолари қурилиши, оғир машинасозлик ҳамда инвестицион товарлар, автомобиллар, маиший хўжалик буюмлари ва шунга ўхшаш товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ саноат тармоқлари ва уларда банд бўлган ишчилар циклнинг инқироз фазасида оғир оқибатига учрайди. Бироқ, бу тармоқлар циклнинг юксалиш фазасида ўзининг ривожланиш учун юқори даражада рағбат олади.

Иқтисодиёт қийинчиликни бошдан кечира бошлаганда, ишлаб чиқарувчилар кўпинча замонавий ускуналарни сотиб олишни ва янги заводлар қуришни тўхтатади ёки қандайдир муддатга кечиктириши мумкин. Бундай конъюктура шароитда инвестицион товарлар захираларни кўпайтириш ҳеч қандай иқтисодий мазмунга эга эмас, аксинча, корхоналар мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан янада тўлароқ фойдаланишлари мумкин бўлади.

Иқтисодий жиҳатдан қулай даврларда, яъни циклнинг жонланиш ва юксалиш фазаларида ишлаб чиқариш воситалари одатда улар тўлиқ эскирганича алмаштирилади. Аммо таназзул даври келганида, корхоналар ўзининг эскирган ускуналарини таъмирлаб, уларни ишга туширади. Шу сабабли бу даврда ишлаб чиқариш воситаларига инвестициялар кескин қисқаради. Ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд бўлган айрим корхоналар, ҳатто истеъмол қилинган асосий капиталининг ўрнини қоплашга ҳам ҳаракат қилмайди.

Қисқа мудатли фойдаланиладиган истеъмолчилик товарлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари циклининг оқибатларини нисбатан камроқ даражада сезади.

Аҳоли ёки кенг истеъмолчилар қатламига иқтисодий цикл турлича таъсир кўрсатади. Таназзул даври бошланганда, доимий даромад олувчи истеъмолчилар оила бюджетини қисқартиришга тўғри келади, маиший техника ва автомашина каби узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилишини тўхтатади. Ҳар қандай шароитда ҳам оила аъзолари еб-ичиши ва кийиниши зарурлиги туфайли, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар, яъни қисқа муддатда фойдаланадиган истеъмолчилик товарларини харид қилишни тўхтатиш мумкин эмас. Фақат бундай товарларни харид қилиш миқдори қандайдир даражада камайиши мумкин.

Инвестицион товарлар ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмолчилик товарлари ишлаб чиқарувчи кўпчилик саноат тармоқлари юқори даражада монопол мавқега эгалиги билан фарқланади ва натижада бозорда нисбатан кўп бўлмаган йирик фирмалар маълум давр давомида нархнинг пасайишига қарши туриши, талабнинг камайиши сабабли маҳсулот чиқариш ҳажмини чеклаш учун етарлича монопол ҳукумдорликка эга бўлиши мумкин. Шу сабабли талабнинг камайиши биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва бандлилик даражасига таъсир кўрсатади. Бунга тескари бўлган ҳолатни қисқа муддатли фойдаланиладиган истеъмолчилик товарлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларида кузатиш мумкин. Бу тармоқларнинг кўпчилиги ўзларининг рақобатга лаёқатсизлиги ва ишлаб чиқариши марказлашув даражасининг пастлиги билан тавсифланади. Шу сабабли улар циклнинг салбий оқибатларига қарши тура олмаслиги мумкин ва маҳсулотларига талабнинг пасайиши ишлаб чиқариш даражасига қараганда нархларда кўпроқ акс этади.

Демак, капиталнинг тўпланиши юқори даражада бўлган тармоқларда ишлаб чиқариш хажмининг кескин пасайиши ва нархларнинг нисбатан секин тушиши, тўпланиш даражаси паст бўлган тармоқларда нархларнинг сезиларли тушиши ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг нисбатан кам қисқариши кузатилади.

Асосий таянч тушунчалар

Иқтисодий инқироз — ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин тушиб кетишидир.

Иқтисодий цикл — иқтисодий ривожланишнинг бир ҳолатидан бошланиб, бирин-кетин тўрт фазани босиб ўтиб, ўзининг олдинги ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган даврни ўз ичига олади.

Турғунлик (депрессия) — ишлаб чиқаришнинг бир жойда депсиниб туришини билдиради ва бу фазада иқтисодий фаоллик жонланиши учун шарт-шароит вужудга келиш ниҳоясига етади.

Жонланиш — иқтисодий циклнинг ишлаб чиқаришнинг барқарор кенгайиб боришига ўтишини тавсифловчи фазаси.

Юксалиш чўққиси — иқтисодий циклнинг иқтисодиётда тўлиқ бандликка эришилиши, ишлаб чиқаришнинг инқироздан олдинги даражадан ҳам ортиб кетиши ва тўловга лаёқатли талабнинг кенгайиб боришини тавсифловчи фазаси.

Таркибий инқирозлар — иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳалари ривожланиши ўртасидаги чуқур номутаносибликлар вужудга келиши натижасида аввало айрим тармоқларда кейин эса бутун иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмининг тушиб кетиши.

Аграр инқирозлар — қишлоқ хўжалигида рўй берадиган иқтисодий инқирозлар бўлиб, саноат циклларига қараганда анча узоқ давр давом этади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Макроиқтисодий барқарорлик нима? Унга эришиш йўллари қандай? Иқтисодий инқирозлар моҳияти нимада ифодаланади?
2. Иқтисодий циклнинг таърифини беринг ва унинг ҳар бир фазасининг ўзига хос белгиларини кўрсатинг.
3. Таркибий инқирозларни тушунтиринг. Циклли тебранишлар вужудга келишининг сабабларини кўрсатинг.
4. Аграр инқирозларнинг хусусиятларини баён қилинг.
5. Иқтисодий циклнинг оқибатларини баҳоланг.

XIX БОБ. Ялпи ишчи кучи ва унинг бандлиги ва ишсизлик

Таҳлилни ишлаб чиқаришнинг шахсий омили ва жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлган ишчи кучини такрор ҳосил қилиш ҳамда унинг хусусиятлари билан боғлиқ муаммоларни баён қилиш билан бошлаймиз. Таҳлил давомида ишчи кучи бозори ва ишсизлик муаммоларини батафсил қараб чиқамиз. Бу муаммолар ўз ичига ишсизликнинг турлари ва унинг даражасини аниқлаш усуллари, ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш каби масалаларни ҳам олади.

1-§. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш ва унинг хусусиятлари

Жамиятнинг ялпи миллий маҳсулоти ҳисобига ишлаб чиқаришнинг моддий ашёвий омилларигина эмас, балки шахсий омили – ишчи кучи, жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳам такрор ҳосил этилади ва сифат жиҳатдан анча юқори даражада такрор юзага чиқарилади.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш инсоннинг жисмоний кучлари ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаб ва таъминлаб туриш, янги ишчи авлодини тайёрлаш уларнинг меҳнат малакасини муттасил янгилаб ва ошириб бориш, умумий билим ва касбий даражасининг ўсишини таъминлаш демакдир. Ишчи кучини такрор яратиш ходимларни ишлаб чиқаришга жалб этишни, тармоқлар, корхоналар, регионалар ўртасида меҳнат ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашни, уларнинг ходимларга бўлган эҳтиёжлари қондирилишини ва айни пайтда ишчи кучининг иш билан тўла ва самарали банд бўлишини таъминлайдиган ижтимоий-иқтисодий механизмини яратишни ҳам ўз ичига олади.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, айниқса, янги ишчи кучи авлодини тайёрлаш нисбатан мустақил иқтисодий ва ижтимоий муаммо бўлиб, бу — аҳолининг табиий ўсиши билан боғлиқ ҳаракатлар шаклида намоён бўлади. Шу сабабли ишчи кучини такрор ҳосил қилишнинг асосини аҳолининг табиий кўпайиши ташкил қилади.

Ишчи кучи ресурсларининг сони ва сифати мамлакат аҳолисининг сони билангина эмас, шу билан бирга жинси ва ёши жиҳатидан таркиби билан ҳам белгиланади. Булар эса ўз навбатида аҳолининг табиий ўсишига боғлиқ бўлади.

Республикада ишчи кучи ресурсларининг ўртача йиллик сони 2000 йилда 12,6 млн. кишини ташкил қилган, бу мамлакат аҳолисининг 51,1 фоизига тенгдир.

Иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг ўртача йиллик сони 9,0 млн. кишига яқин бўлиб, ишчи кучи ресурслари таркибида 71,3 фоизни ташкил қилади.

Ўзбекистонда аҳолининг табиий ҳаракати қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

14-жадвал

Республикада аҳолининг табиий ҳаракатланиши, 1991-2000 йй. (100[0] киши ҳисобига)[1]

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	1991	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Туғилиш	34,5	29,8	27,3	26	23	22,3	21,5
Ўлим	6,2	6,4	6,2	5,9	5,8	5,3	5,5
Табиий ўсиш	28,3	23,4	21,1	20,1	17,2	17,0	16,0

Аҳолининг табиий, ўсиши уни такрор ишлаб чиқариш хусусиятининг кўпгина ҳолатлар билан мамлакатнинг индустриал тараққиёти ва урбанизация даражаси, ижтимоий шарт-шароитлар, маданият ва маиший турмуш анъаналари, аниқ тарихий омиллар билан белгиланади.

Улар жумласига демография омилини ҳисобга олган ҳолда уй-жой шароитларини яхшилаш, болаларга нафақалар бериш, болалар муассасалари билан таъминлаш, ҳомиладорлик ва бола туғилгандан кейинги таътилларни узайтириш, оилани мустаҳкамлаш, шунингдек, жамоада маънавий муҳитни яхшилаш киради.

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, уларнинг **тўла ва самарали иш билан банд бўлиш** муаммосини ҳам ўз ичига олади. Иш билан

---

[1] Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Т.: «Ўзбекистон», 2000. Т.: «Ўзбекистон», 2001. 13-бет. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан. Ташкент, 2001. 82-бет.

тўла банд бўлишни мутлақ маънода тушунмаслик керак. Биринчидан, ишсизликнинг маълум даражаси иқтисодиёт учун меъёрдаги ҳол ҳисобланади. Бошқа томондан иш билан тўла банд бўлиш меҳнатга лаёқатли барча кишилар, албатта, умумлашган (давлат ва жамоа корхоналарида) ишлаб чиқаришга жалб этилиши зарурлигини англатмайди.

Уларнинг бир қисми ўзини оилада хизмат кўрсатишга, болалар тарбиясига, шунингдек, хусусий корхоналар ва шахсий ёрдамчи хўжаликда меҳнат қилишга, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишга бағишлаши мумкин. Учинчидан, иш билан тўла банд бўлиш унинг самарадорлиги билан, меҳнат ресурсларидан тоят оқилона фойдаланиш билан қўшиб олиб борилиши керак.

Иш билан самарали банд бўлиш меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг интенсив турига таянмоғи керак. Бу вазифани ҳал қилиш иш жойлари миқдор ва сифат жиҳатдан мавжуд меҳнат ресурслари билан мувозанатлашган бўлишини таъминлашни, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириб боришнинг таъсирчан чораларини яратишни, иш билан банд бўлиш шароитлари ва шаклларини хилма-хил қилишни талаб этади.

Фан-техника тараққиётининг жадаллашуви ва ишлаб чиқаришнинг интенсивлашуви ишлаб турган корхоналардан иш кучини бўшатиб олиш ва уни қайта тақсимлаш механизмига, ишчи кучини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касб танлаши тизимига таъсир кўрсатади. Мулкчиликнинг турли шакллари ривожланган бозор иқтисодиёти ишчи кучи ресурсларида янада самаралироқ фойдаланишга шароит яратади, уларни кам самарали соҳалардан бўшатиб кадрларга эҳтиёжи бўлган юқори самарали тармоқлар ва корхоналарга қайта тақсимлайди.

2-§. Ишсизлик ва унинг турлари. Ишсизлик даражасини аниқлаш

Меҳнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаганлар ишсизлар дейилади. Намоён бўлиш хусусияти ва вужудга келиш сабабларига кўра ишсизлик **фрикцион, таркибий, циклик, ихтиёрий, институтционал, технологик, регионал, яширин ва турғун турларга бўлинади**.

Фрикцион ишсизларга иш жойини ўзгартириш зарурияти туфайли, янги яшаш жойга кўчиб ўтиши натижасида ишдан бўшаб қолиб, иш излаётган ва вақтинчалик мавсумий ишини йўқотган ишсизлар киради.

Фрикцион ишсизлик **таркибий ишсизлик** деб номланувчи иккинчи категорияга осонлик билан ўтади. Вақт ўтиши билан истеъмолчилик талаби ва технология таркибида муҳим ўзгаришлар рўй беради, бу ўз навбатида ишчи кучига бўлган умумий талаб таркибини ўзгартиради. Бундай ўзгариш натижасида касбларнинг айрим турларига талаб камаяди ёки умуман талаб бўлмайди. Олдин мавжуд бўлмаган бошқа янги касбларга талаб ортади. Ишчилар бунга тез мослаша олмаслиги ва унинг таркиби иш жойларининг янги таркибига тўлиқ жавоб бермаслиги сабабли таркибий ишсизлик келиб чиқади.

Шундай қилиб, таркибий ишсизликни истеъмолчилик талаби ва технологиядаги ўзгаришлар туфайли иқтисодиёт тармоқларида рўй берадиган таркибий силжишлар келтириб чиқаради. Фрикцион ва таркибий ишсизлик ишсизликнинг объектив муқаррар даражасини ташкил қилади. **Циклик ишсизлик** — иқтисодий циклнинг инқироз фазаси билан боғлиқ бўлиб, ишсизликнинг ҳақиқий даражаси табиий даражадан фарқланишини кўрсатади. Ишсизликнинг бу тури мажбурий ишсизлик ҳисобланади ва циклнинг юксалиш фазасида мавжуд бўлмайди.

Ихтиёрий ишсизлик — табиий ишсизлик тури бўлиб, унда меҳнатга лаёқатли кишиларнинг меҳнат фаолиятидан ўз хоҳиши бўйича четлашган, яъни ишлашни хоҳламайдиган қисми тушунилади.

Институционал (муассасавий) ишсизлик ҳам табиий ишсизликнинг навбатдаги тури ҳисобланади. Ишсизлик бу турини ишчи кучи бозори инфратузилмаси амал қилиши ҳамда шу бозорда талаб ва таклифни ўзгартирувчи омиллар келтириб чиқаради.

Технологик ва ҳудудий ишсизлик мажбурий ишсизлик турлари ҳисобланади.

Технологик ишсизлик ишлаб чиқаришнинг амал қилишида технологик усуллар бир-бирининг ўрнига кириб келиши билан бирга боради. Уларнинг ичида асосийлари механизация, автоматлаштириш, роботлаштириш ва информацион технологияни қўллаш ҳисобланади.

Ҳудудий ишсизлик тарихий, демографик, маданий, миллий ва психологик — психологик хусусиятдаги бир қатор комплекс омиллар билан боғлиқ.

Яширин ишсизлик учун иш куни ёки иш ҳафтаси давомида тўлиқ банд бўлмаслик хос. У ўз ичига ишчи кучининг ишларнинг тўлиқ ҳажмини бажармайдиган бир қисмини олади.

Тургун ишсизлик меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш жойини йўқотган, ишсизлик бўйича нафақа олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ва

фаол меҳнат фаолиятига ҳеч қандай қизиқиши бўлмаган қисмини қамраб олади.

«Тўлиқ бандлилик» тушунчаси иқтисодиётда ишсизликнинг мутлақ мавжуд бўлмаслигини билдирмайди. Иктисодчилар фрикцион ва таркибий ишсизликнинг бўлишини табиий деб ҳисоблайди, шу сабабли «тўлиқ бандлилик» ишчи кучининг 100 фоиз дан камини ташкил қилувчи миқдор сифатида аниқланади. Аниқроқ айтганда, тўлиқ бандлилик шароитида ишсизлик даражаси фрикцион ва таркибий ишсизлар сонига тенг бўлади. Циклик ишсизлик нолга тенг бўлганда тўлиқ бандлилик шароитидаги ишсизлик даражасига эришилади. «Тўлиқ бандлилик» шароитидаги ишсизлик даражаси ишсизликнинг шу давр учун «табиий даражаси» деб ҳам аталади. Ишсизликнинг «табиий даражаси» билан боғлиқ бўлган миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кўрсатади.

Ишсизликнинг «табиий даражаси» ишчи кучи бозори мувозанатига эришганда, яъни иш изловчилар сони бўш иш ўринлари сонига тенг келганда вужудга келади. Ишсизликнинг табиий даражаси қандайдир даражада иқтисодий жиҳатдан мақбул ҳисобланади. Чунки «фрикцион» ишсизларга мос келувчи иш ўринларини топиш, «Таркибий ишсизларга» ҳам янги касбни ўзлаштириш ёки янги яшаш жойида иш топиш учун маълум вақт керак бўлади.

Ишсизликнинг «табиий даражаси» тушунчаси маълум бир аниқликлар киритишни талаб килади.

Биринчидан, бу тушунча иқтисодиёт ҳар доим ишсизликни «табиий даражаси»да амал қилиши ва шу орқали ўзининг ишлаб чиқариш имкониятини рўёбга чиқаришини билдирмайди. Чунки, кўпинча ишсизлик даражаси «табиий даража»дан ортиқ, айрим ҳолларда ундан паст ҳам бўлиши мумкин. (Иш вақтидан ортиқча ишлаш ва ўриндошлик ишларида банд бўлиш натижасида).

Иккинчидан, ишсизликнинг табиий даражаси ўз-ўзича доимий миқдор ҳисобланиши шарт эмас, у тартибий ўзгаришлар (қонунлар ва жамият урф-одатларидаги ўзгаришлар) оқибатида ўзгариб туриши мумкин. Масалан, 60-йилларда фрикцион ва таркибий ишсизларнинг муқаррар даражаси ишчи кучининг 4 фоиз ни ташкил қилди, деб ҳисобланган. Бошқача айтганда, ишчи кучининг 96 фоиз банд бўлганда тўлиқ бандлиликка эришилиши тан олинган. Ҳозирги даврда иқтисодчилар ишсизликнинг «табиий даражаси» тахминан 5-6 фоизга тенг деб ҳисоблайди.

Ишсизлик даражаси ишсизлар сонининг ишчи кучи умумий сонига фоизида нисбатидир.

$$Ишсизлик\ даражаси = \frac{Ишсизлар\ сони}{Ишчи\ кучи\ сони} x\ 100$$

«Ишчи кучи»га меҳнат қобилятига эга бўлган, яъни ишлай оладиган ва ишлашни хоҳлаган барча кишилар киради. Ишчи кучи — ишловчилар ва фаол иш изловчилардан иборат бўлади. Бошқача айтганда, банд бўлганлар ва ишсизлар ишчи кучининг умумий сонини ташкил қилади. Ҳозирги пайтда Ғарбдан кириб келган тартиб бўйича ишсизларга иш билан банд бўлмаган ва фаол иш излаётган ҳамда бу ҳақда тегишли хизмат муассасаларига (меҳнат биржаларига) билдирган кишилар киради. Меҳнат қилишга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳламаган ва ишлашга ҳаракат қилмаганлар ишсизлар таркибига кирмайди. Лекин ишсизлар сонини хисоблашнинг бу усулини мутлақ маънода, тўғри ва ҳақиқатга яқин деб бўлмайди. Чунки ўзбек халқининг аввало, қишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг минталитети уларнинг доимий иш жойига эга бўлмаган қисми (асосан ёшлар ва хотин-қизлар)нинг ишлашни хоҳласада ҳар доим ҳам «ишсизлар» сифатида бандлик хизмати муассасаларидан рўйхатдан ўтишига мойиллик бермайди. Мазкур ҳолатларни ҳисобга олмасдан аниқланган ишсизлар сони алдамчи тасаввур ҳосил қилади ва ишсизликнинг хақиқий даражасиини тўғри кўрсатмайди. Бу провард натижада қўшимча иш жойларини ташкил қилиш ва ишсизликни бартараф қилишнинг бошқа чора-тадбирларини ишлаб чиқишга ҳалақит беради.

15-жадвал

Республикада ишсизлик даражаси, 1995-2000 й.й[1].

	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		1995	1996	1997	1998	1999	2000
1	Ишсизлар сони (минг киши)	31,0	33,9	35,4	40,1	45,2	42,0
2	Ишсизлик даражаси	0,4	0,4	0,4	0,5	0,5	0,4

[1] Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари.

Шу сабабли бандлдик ва ишсизлик даражасини ҳисоблаш усуллари аҳолининг турмуш тарзи, удумлари ва урф-одатлари хусусиятларидан келиб чиқиб, такомиллаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбекистонда ишсизлик даражаси қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

2000 йилда Республика бандлик хизмати муассасаларига ишга жойлаштириш бўйича 421,4 минг киши мурожаат қилган бўлса, шу йили «Бандлик» дастурини бажариш доирасида 443,9 минг янги ишчи ўринлари вужудга келтирилган.

Ишсизлик даражасини баҳолаш билан бирга унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. Чунки ишсизликнинг ўзи ҳалдан ташқари юқори даражаси билан катта иқтисодий ва ижтимоий оқибатларни келтириб чиқаради.

Ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари ишлаб чиқарилмаган маҳсулот билан таққосланиб баҳоланади. Иқтисодиёт ишлашни хоҳлаган ва ишлай оладиган барча учун етарли миқдорда иш жойларини яратиш ҳолатига эга бўлмаса, товар ишлаб чиқариш потенциал имкониятининг бир қисми йўқотилади.

Иқтисодий адабиётларда бу йўқотиш ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ҳажмининг орқада қолиши сифатида аниқланади ҳамда у ҳақиқий ЯММнинг потенциал ЯММдан кам бўлган ҳажми сифатида кўринади. Ишсизлик даражаси қанчалик юқори бўлса, ЯММ ҳажмининг орқада қолиши шунчалик катта бўлади.

Макроиқтисодиёт соҳасидаги таниқли тадқиқотчи А. Оукен ишсизлик даражаси ва ЯММ ҳажмининг орқада қолиши ўртасидаги нисбатини математик ифодалаб беради. Бу нисбат Ғарбда **Оукен қонуни** сифатида танилган бўлиб, агар ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан бир фоизга ортиқ бўлса, ЯММ ҳажмининг орқада қолиши 2,5 фоизни ташкил қилишини кўрсатади. 1:2,5 ёки 2:5 бўлган бу нисбат, ишсизликнинг ҳар қандай даражаси билан боғлиқ равишда маҳсулотнинг мутлоқ йўқотилиш ҳажмини ҳисоблаш имконини беради. Масалан, фараз қиламиз, 1999 йил ишсизлик даражаси 7,5 фоизга етган ёки кўзда тутилган 4 фоизли табиий даржадан 3,5 фоиз юқори бўлган. Бу 3,5 фоизни Оукен коэффициентига (2,5) кўпайтириб, шу йили ЯММ ҳажмининг орқада қолиши 8,75 фоизни ташкил қилишини аниқлаймиз. Бошқача айтганда, агар 1999 йил тўлиқ бандлилик шароитида ишсизликнинг табиий даражаси таъминланганда, ЯММ ҳақиқий даражасидан 8,75 фоизга кўпайган бўлур эди. Агар 1999 йил номинал ЯММ 330 млрд. сўм бўлган деб фараз қилсак, ишсизликнинг табиий даржасига эри-

ишламаганлиги сабабли иқтисодиёт 29 млрд. сўмлик (330·8,75) маҳсулотни йўқотган бўлади.

Айрим ҳолларда миллий маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми потенциал ҳажмидан ортиб кетиши ҳам мумкин. Бундай ҳол ишсизлик даражаси табиий даражадан ҳам паст бўлган даврларда рўй беради. Ишлаб чиқаришга ишчиларнинг қўшимча сменаларини жалб қилиш, капитал ускуналардан ўрнатилган меъёрдан юқори даражада фойдаланиш, иш вақтидан ортиқча ишлаш ва ўриндош ишларда банд бўлиш кабилар бунинг асосий сабабларидир.

Ишсизлик – бу нафақат иқтисодий, балки ижтимоий оқибатларга ҳам эга бўлади. Турғунлик (депрессия) фазаси ишчи кучининг фаолиятсизлигига сабаб бўлади, фаолиятсизлик эса малаканинг йўқолишига ҳамда ижтимоий ва сиёсий тартибсизликларга олиб келади.

3-§. Ўзбекистонда бандлик муаммоси ва ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлатнинг ижтимоий сиёсати фақат одамларнинг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишдангина иборат бўлмасдан, балки меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашни ҳам ўз ичига олади. Айниқса, аҳолининг ўсиши юқори суръатлар билан бораётган ва ўзига хос аҳоли таркибига эга бўлган бизнинг Республикада иш билан бандлик масаласи энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Иқтисодий ислоҳотлар даврида ушбу масалани ҳал этиш учун Республикада бир қатор тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Биринчидан, кенг фаолият турлари, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорликни кенгайтириш учун шароит яратиш. Биринчи навбатда қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш, халқ истеъмол моллларини, маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари тайёрловчи хусусий кичик корхоналарни фаол ривожлантиришни рағбатлантириш.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «...кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, айни вақтда унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айланишига эришмоғимиз лозим»[1].

---

[1] *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 17-бет.

Республикада бу соҳада кўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳозирги кунда хусусий тадбиркорлар сони 3,5 млн. дан ортиқ кишини ташкил қилади. Иш билан банд бўлганларнинг умумий сонида кичик ва ўрта бизнесда машғул бўлганлар улуши 46,7 фоизга тенг бўлиб, уларнинг 1,8 фоизи ўрта, 5,8 фоизи кичик ва 39,1 фоизи хусусий корхоналар ҳиссасига тўғри келган. 2000 йилда Республикада ўрта ва кичик бизнес корхоналари ялпи ички маҳсулотнинг 31,0 ва саноат маҳсулотлари ҳажмининг 11,3 фоизини ишлаб чиқарган. Уларнинг улуши қурилиш ишларида 37,0 фоизни, чакана савдо айланмасида 45,9 фоизни ва аҳолига пулли хизмат кўрсатишда 37,9 фоизни ташкил қилган.

Республикада давлат томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2005 йилгача бўлган давр давомида қўшимча 1215 минг кишини иш фаолиятига жалб қилиш кўзда тутилган.

Агар 1999 йилда кичик ва ўрта бизнесда банд бўлганлар сонининг 5,2 фоиз ортиши аҳоли реал даромадлари қўшимча усишининг 1/5 қисмидан кўпроғини (23,2%) таъминлаган бўлса, 2005 йилда бу соҳада банд бўлганлар сонини 1,2 млн. кишига ошириш, улар даромадларидаги қўшимча ўсишнинг тенг ярмини бериши мумкин.

Иккинчидан, хизмат соҳасини ривожлантириш, аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий-маиший хизмат ва қурилиш бўйича хизмат турларини анча кенгайтириш. Бунда ҳам қишлоқ жойларда хизмат соҳасини ривожлантиришга устунлик берилади.

Республикада 2000 йилда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 305,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Унинг 43,7 фоизи давлат ва 56,3 фоизи нодавлат мулкчилигидаги корхоналар томонидан амалга оширилди. Хусусий корхоналар улушига кўрсатилган хизматларнинг 36,1 фоизи тўғри келади.

Қишлоқ жойларда аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларнинг салмоги 21,0 фоизга тенг бўлиб, уларнинг деярли 85,0 фоизи уй-жой ва коммунал хўжалиги, йўловчи транспорти ва маиший хизмат соҳаларига тўғри келади.

Учинчидан, қишлоқда кенг тармоқли ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиб, шу орқали янги иш жойларини очиш, янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун Республикада қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш бўйича ишлар узлуксиз давом эттирилмоқда. Хусусан 2000 йилда қишлоқ жойларда 6971,7 минг кв.м ҳажмда уй-жойлар, 17,0

минг ўқувчи ўрнили умумтаълим мактаблари, 74,8 минг кв.м савдо объектлари қурилиб ишга туширилди.

Тўртинчидан, ишдан бўшаган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни ташкил этишни тубдан ўзгартириш. Бунда ишдан бўшаётган ва ихтисоси бўлмаган шахсларга қисқа даврда, бозор иқтисодиётига ҳамда иқтисодиётнинг ўзгариб бораётган тузилишига мувофиқ келувчи касб-корни ўргатишга эътибор қаратиш. Шу мақсадда махсус маслаҳат ва ўқув марказлари, бизнес мактабларнинг кенг тармоғини янада ривожлантириш кўзда тутилади.

Бешинчидан, вақтинча ишга жойлаштириш имкони бўлмаган меҳнатга яроқли аҳолини давлат томонидан ишончли равишда ижтимоий ҳимоялаш. Бу сиёсат уларнинг ўта зарур эҳтиёжларини қондириш ва кафолатли тирикчилик манбаларига эга бўлишга қаратилади.

Аҳолининг иш билан бандлиги муаммоси кўп қиррали бўлиб, у барча одамларга ўз қобилиятларини ишга солиш, ўз эҳтиёжларини қондириш учун дастлабки тенг имкониятларни таъминловчи давлат ва бозор механизимини вужудга келтириш, ишчи кучини унумли ва самарали иш билан банд қилиш, зарур ҳолларда ишчи кучини иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш каби масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Асосий таянч тушунчалар

Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш — инсоннинг жисмоний кучлари ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаш ва таъминлаб туриш, уларнинг меҳнат малакасини муттасил янгилаб ва ошириб бориш, умумий билим ва касбий даражаси ўсишини таъминлаш, ёш ишчилар авлодини етиштириш демакдир.

Ишчи кучи бандлиги — иш билан таъминланганларнинг умумий ишчи кучи сонидаги улуши.

Ишсизлик — меҳнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаган ишчи кучи.

Фрикцион ишсизлик — ишдан бўшаб қолиб, малакасига мос иш қидираётган ва иш ўринлар бўшашини кутаётган ишсизлар.

Таркибий ишсизлик — ишлаб чиқариш ва ялпи талаб таркибидаги ўзгаришлар натижасида вужудга келадиган ишсизлик.

Циклик ишсизлик — иқтисодий циклнинг инқироз фазаси билан боғлиқ равишда вужудга келадиган ишсизлик.

Ишсизлик даражаси — ишсизлар сонининг ишчи кучи умумий сонига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Оукен қонуни — ишсизлик даражаси ва ЯММ ҳажмининг орқада қолиши ўртасидаги нисбатнинг математик ифодаси.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш деганда нимани тушунасиз ва унинг хусусиятлари қандай?
2. Ишчи кучининг сифати нима? У қандай омилларга боғлиқ? Фан-техника тараққиётида ишчи кучининг сифатига қандай талаблар қўяяди?
3. Иш билан тўла бандлик нима учун нисбий маънода тушунилади? Қандай қилиб ишчи кучидан самарали фойдаланишга эришилади?
4. Ишсизликнинг асосий турларига тавсиф беринг.
5. Ишсизлик даражаси қандай ҳисобланади?

XX БОБ. Молия тизими ва молиявий сиёсат

Иқтисодий ривожланиш жараёнида вужудга келиб, ўзгариб турадиган турли хил ўзаро боғлиқ алоқалар пул воситасида амалга оширилади. Пул воситасида такрор ишлаб чиқаришнинг бир босқичидан бошқасига ўтилади ҳамда маълум бир мақсадга қаратилган ижтимоий фондлар вужудга келтирилади. Бу фондлар ўз навбатида иқтисодий ривожланишнинг узлуксиз давом этишини ва унинг кенгайтирилишини таъминлайди. Ялпи миллий маҳсулотни яратиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараёнида пул мустақил ҳаракат қилиб, турли хўжалик юритувчи бўғинлар, уй хўжаликлари ва давлатнинг пул маблағлари фондини ташкил этади. Пул фондлари ҳосил бўлиш манбалари ва амал қилиш хусусияти, мақсадлари ва фойдаланиш усулларига қараб молия ва кредит шакллари тусини олади. Биз бу бобда молия тизими, унинг асосий бўғини бўлган давлат бюджети ва бюджет маблағларининг шаклланишида солиқларнинг ролини қараб чиқамиз.

1-§. Молиянинг моҳияти ва вазифалари. Молия тизими

Молиявий муносабатлар кўп қиррали бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг муҳим соҳасини ташкил қилади.

Молия иқтисодий категория сифатида пул маблағларидан фойдаланиш ва унинг ҳаракатини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизими бўлиб, унинг воситасида турли даражада пул маблағлари фондлари вужудга келтирилади ва улар такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мақсадида тақсимланади.

Молия иқтисодиёт доирасида ўзаро боғлиқ бўлган бир қатор вазифани бажаради.

1. Молия иқтисодий жараёнларни, тадбирларни молиявий ресурслар билан таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш вазифасини бажаради.

2. Молиянинг тақсимловчи вазифаси, моддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган ялпи миллий маҳсулотни, айниқса, унинг

миллий даромадни ташкил қилувчи қисмини давлат ва мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, иқтисодиёт тармоқлари, моддий ишлаб чиқариш соҳалари, мамлакат ҳудудлари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлашда намоён бўлади. Бундан миллий даромаднинг бир қисми корхона ва аҳоли даромадларидан турли хил солиқлар олиш, рента ва божхона тўловлари, акциз йиғимлари кабилар орқали давлат қўлида тўпланади. Ўз қўлида тўпланган миллий даромаднинг катта қисмини давлат молия воситасида аҳолининг ижтимоий-маданий эҳтиёжларига (уй-жой қурилиши, тиббиёт хизмати, маориф, нафақа, стипендия ва шу кабиларни таъминлашга), даромадлар даражасини ушлаб туришга, миллий мудофаага, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва шу кабиларга сарфлайди.

3. Молиянинг рағбатлантирувчилик вазифаси, биринчидан, яратилган маҳсулот қийматини тақсимлаш жараёнида, иккинчидан, пул фондларини ташкил қилиш ва сарфлаш механизми воситасида амалга оширилади. Икки ҳолда ҳам молия ишлаб чиқариш самарадорлигига, унинг пировард натижасига, маҳсулот сифатига сезиларли таъсир кўрсатади.

4. Молиядан ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол устидан назорат қилиш воситаси сифатида фойдаланилади. Молиявий назорат корхона (фирма)ларнинг молия интизомга риоя қилиш учун моддий жавобгар бўлиш тизими, турли солиқлар ундириб олиш ва маблағ билан таъминлаш тизими орқали амалга оширилади.

Молиявий муносабатлар ва уларга хизмат қилувчи махсус муассасалар жамиятнинг молия тизимини ташкил қилади. Молия тизими корхоналар (тармоқлар) ва умумдавлат молиясини ўз ичига олади.

Корхона ва тармоқлар молияси улардаги такрор ишлаб чиқариш жараёнида ҳамда алоҳида фондлар яратиш йўли билан ходимларнинг ижтимоий эҳтиёжларига хизмат қилади.

Умумдавлат молияси давлат бюджетини, ижтимоий суғурта фондини ҳамда давлат мол-мулкий ва шахсий суғуртаси фондини ўз ичига олади. Давлат пул маблағларининг асосий марказлашган фонди бўлмиш давлат бюджети молия тизимининг асосий бўғини бўлиб хизмат қилади. **Давлат бюджети — бу давлат харажатлари ва уларни молиявий қоплаш манбаларининг йиллик режасидир.** Давлат даромадлари ва харажатларининг асосий қисми давлат бюджети орқали ўтади. Унинг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун шароит яратишдир.

Ўзбекистонда давлат бюджетининг тузилиши, даромадлари ва харажатларининг таркиби қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади.

16-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг таркиби ва тузилиши (2000 й.)[1]

Даромадлар	фоиз ҳисобида		Харажатлар	фоиз ҳисобида	
	жамига нисбатан	ЯИМ нисбатан		жамига нисбатан	ЯИМ нисбатан
Даромадлар жами:	100,0	28,5	Харажатлар жами:	100,0	19,6
Шу жумладан:			Шу жумладан:		
тўғри солиқлар	26,3	7,5	— ижтимоий соҳага	35,1	10,4
эгри солиқлар	45,4	13,0	— ижтимоий ҳимояга	7,7	2,3
ресурс учун тўловлар ва мулк солиғи	10,0	2,8	— иқтисодиётга (халқ хўжалигига)	9,1	2,7
ижтимоий ни фрастуктурани ривожланишига солиқлар	1,1	0,3	— марказлашган инвестициялар	20,1	6,0
бошқа солиқлар			— давлат бошқаруви	2,3	0,7
ва даромадлар	17,2	4,9	— бошқа ҳаражатлар	25,7	7,6

Умумдавлат бюджети билан бирга ҳокимият қуйи органларининг (вилоят, туман ва шаҳар) бюджети ҳам мавжуд бўлади. Бу маҳаллий молиявий ресурсларни анча тўлароқ жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш имконини беради. Ҳокимият қуйи органлари бюджетининг даромадлари ўз ҳудудидаги корхоналар даромадидан, аҳолидан олинадиган солиқлар, мулк солиқлари ва шу кабилар ҳисобидан шаклланади.

Уларнинг даромади қисман давлат бюджетидан бериладиган субсидиялар ҳисобига ҳам тўлдирилади. Ҳокимият қуйи органлари бюджет маблағлари тегишли ҳудудда таълим, соғлиқни сақлаш, ободончилик, йўл қурилиш ва шу кабиларга сарфланади.

[1] Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2000 год. Ташкент, 2001, 15-16-бетлар.

Давлат мол-мулк ва шахсий суғуртаси умумдавлат молиясининг кейинги бўғини ҳисобланиб, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва фуқароларга жорий қилинади. У мажбурий ва ихтиёрий бўлиши мумкин. Бу мақсадлар учун фондлар корхона ва аҳолининг тўловлари ҳисобига шаклланади. Фонд маблағлари мол-мулк суғуртасига ва шахсий суғуртага пул тўлашни кўзда тутади. Шахсий суғурта аҳолининг пул жамғармаларини ташкил қилишнинг шаклларидан бири бўлиб ҳам хизмат қилади.

Жамият молия тизими ижтимоий сиёсий ва маърифат ишлари билан шуғулланувчи ташкилот ва муассасаларнинг молиясини ҳам ўз ичига олади. Касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, ёшлар, хотин-қизлар, фахрийлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, спорт жамиятлари ва бошқа илмий маърифий жамиятларнинг ҳам ўзига хос молияси мавжуд бўлади. Бундай ижтимоий ташкилотларнинг молиявий ресурсларининг манбаи, ташкилот аъзоларининг кириш пули ва бадаллари, тижорат фаолиятидан келган даромад, ҳомийлар ажратган ёки ҳайрия қилган маблағлардан иборат бўлади. Жамият молия тизимида махсус ва ҳайрия фондлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу фондлар турли хўжалик субъектлари ва аҳолининг пул маблағларини аниқ бир мақсад йўлида бирлаштиради ва ишлатади.

Мазкур фондларга Республикамизда амал қилиб турган "Маҳалла", "Наврўз", "Орол" ва "Улуғбек" фондларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиб бориш билан жамият молия тизимида турли хил суғурта (ижтимоий суғурта, тиббий суғурта) фондлари ва бюджетдан ташқари молия фондлари (пенсия фонди, аҳолини иш билан таъминлаш фонди, табиатни муҳофаза қилиш фонди, тарихий ёдгорликларни сақлаш фонди, тадбиркорларга кўмак бериш фонди ва бошқалар)нинг аҳамияти ортиб боради.

Шу сабабли Президентимиз И.А. Каримов бюджетдан ташқари фондлар ролини ошириб боришни алоҳида устувор вазифа сифатида кўрсатиб ўтади.[1]

2-§. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари

Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари мувозанатда бўлишини тақозо қилади. Лекин кўпчилик ҳолларда давлат бюдже-

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001 йил.

ти харажатларининг даромадлардан ортиқчалиги кузатилади, бунинг оқибатида бюджет тақчиллиги тез суръатлар билан ўсади. Бу ҳолнинг сабаблари кўп бўлиб, уларнинг ичида давлатнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ролининг узлуксиз ўсиб бориши, унинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг кенгайиши алоҳида ўрин тутади.

Бюджет тақчиллигининг ўсиши мутлоқ миқдорда ва унинг ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)га нисбатида аниқ намоён бўлади. 2000 йилда Республикамиз давлат бюджетининг тақчиллиги ЯИМга нисбатан бир фоиздан ошмаган[1].

Бюджет тақчиллигининг ўзгариши хўжалик конъюктураларидаги жорий тебранишлар, ишлаб чиқаришдаги даврий инқироз ва кўтарилишларни ҳам акс эттиради, кризислар даврида давлат бюджет маблағлари ҳисобидан иқтисодиётнинг маълум секторларини ушлаб туришга, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган тармоқларда инвестицияларни ҳажмини сақлаб туришга мажбур бўлади.

Бюджет тақчиллигини молиялаштириш (қоплаш) нинг муҳим шароити давлат кредити бўлиб чиқади. Давлат кредити деганда, давлат қарз олувчи ёки кредитор сифатида чиқадиган барча молиявий иқтисодий муносабатлар йиғиндиси тушунилади.

Молиявий ресурсларни давлат қарз олишнинг асосий шакли — бу давлат заёмларини чиқариш ҳисобланади. Уларни жойлаштириш шароитида давлат аҳоли, банклар, савдо ва саноат компанияларининг вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб қилади.

Давлат ўз мажбуриятларини нафақат хусусий секторда жойлаштириши, балки уларни Марказий банкда ҳисобга олиши ҳам мумкин. Бунда банк муомалага пулнинг товар ҳажмининг кўпайиши билан боғлиқ бўлмаган қўшимча массасини чиқаради. Мазкур ҳолда давлат бюджетини молиялаштириш пул муомаласига тўғридан-тўғри инфляцион таъсир кўрсатади. Пул массасининг ўсиши жамият ҳақиқий бойлигининг кўпайиши билан бирга бормайди.

Давлат қарзларининг тўхтовсиз кўпайиб бориши, миллий даромадни фоиз тўловлари шаклида, тобора кўпроқ қайта тақсимланишига олиб келади.

Катта бюджет тақчиллиги ва давлат мажбуриятлари бўйича фоиз тўловлари ўсиш шароитида давлат қарзларини тўлаш вақтини имкон даражада чўзишга ҳаракат қилади. Бунинг учун турли хил усул-

---

[1] *И.А. Каримов.* Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш — энг муҳим вазифамиз. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 15 февраль.

лардан фойдаланиш мумкин. Жумладан, давлат ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини, ўрта ва узоқ муддатли заёмларга алмаштиради. У ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини, анча юқори фоиз бўйича янги, узоқ муддатли заёмлар чиқариш ҳисобига ҳам сотиб олиш мумкин. Бундай турдаги тадбирлар қисқа даврли самара бериши ва вақтинча давлатнинг молиявий аҳволини енгиллатиши мумкин, чунки у одатда келгусида фоиз ставкасининг ошиши ва қарзлар умумий миқдорининг ўсиши билан боғлиқ.

Хўжалик ҳаёти байналмилаллашув жараёнларининг тез ўсиши, халқаро кредитнинг жадал ривожланиши натижасида давлат ўзига зарур бўлган молиявий ресурсларни жалб қилиш учун, бўш пул маблағларининг миллий чегарадан ташқаридаги манбаларидан фаол фойдаланади. Бунинг натижасида **ташқи қарз** вужудга келади.

Шундай қилиб, давлат зарур молиявий ресурсларини ҳам ссуда капиталларининг миллий бозоридан ва ҳам ташқи бозоридан қарз олади.

Халқаро кредитнинг тез ўсиши капиталнинг мамлакатлараро миграцияси, мамлакат ва регионлар иқтисодий ўзаро боғлиқлигининг чуқурлашувининг муқаррар натижаси ҳисобланади. Халқаро кредит молиявий ресурсларни ҳам хусусий секторнинг эҳтиёжларини қондириш, ҳам давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун жалб қилиш имкониятини сезиларли кенгайтиради. Шу билан бирга ташқи қарзларнинг ўсиши бир қатор бошқа муаммоларни келтириб чиқаради. Улардан асосийси, миллий воситалар билан назорат қилиб бўлмайдиган ҳам кредитор ва ҳам дебитор мамлакатлар иқтисодиётининг кучайиб борувчи боғлиқлиги ҳисобланади.

3-§. Солиқ тизими ва унинг вазифалари

Солиқ иқтисодий тушунча сифатида, соф даромаднинг бир қисмини бюджетга жалб қилиш шакли бўлиб, молиявий муносабатларнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Солиқ Давлат ва маҳаллий ҳокимият тарафидан ҳуқуқий ва жисмоний шахслар даромадларининг бир қисмини мажбурий равшда бюджетга жалб қилиш шаклидир. Солиқ бозор иқтисодиёти шароитида мустақил категория сифатида амал қилади ва молиявий муносабатларнинг таркибий қисми бўлиб, уни йиғиш давлат томонидан белгиланган тартиб ва қонунлар асосида амалга оширилади. Давлат томонидан олинадиган солиқлар ҳамда уларнинг ташкил қилиниш шакл ва усуллари биргаликда солиқ тизимини ташкил қилади.

Миллий иқтисодиётда солиқлар қуйидаги муҳим вазифаларни бажаради:

— миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш;

— давлат харажатларини молиялаштириш (фискал вазифаси);

— ижтимоий тангликни юмшатиш (ижтимоий вазифаси);

— иқтисодиётни тартибга солиш (тартибга солиш вазифаси);

— иқтисодий фаслиятни рағбатлантириш.

Давлат сарфлари солиқ тушумлари ҳисобига амалга оширилсада, давлат сарфлари миқёсининг ўсиши ўз навбатида солиқларнинг ўсишини тақазо қилади ва унинг даражасини белгилаб беради.

Ҳозирги даврда умумий тенденция бўлган давлат сарфларининг ва шунга мос равишда солиқ ҳажмининг ўсиб боришини қуйидаги омиллар тақазо қилади:

1. Аҳоли сонининг ўсиши. Аҳоли жон бошига давлат сарфлари даражаси ўзгармай қолган тақдирда ҳам аҳолининг ўсган қисмини ижтимоий неъматлар ва хизматлар билан таъминлаш қўшимча маблағларни зарур қилиб қўяди.

2. Ижтимоий соҳа хизматлари сифатига талабнинг ортиши ва урбанизация. Кишилар турмуш даражасининг ортиши ижтимоий соҳа хизматлари ҳажмига ва сифатига талабни оширади.

3. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши. Аҳоли сонининг ўсиши ва урбанизациянинг кучайиши атроф-муҳитнинг сифати муаммосини кескинлаштиради. Жуда кўп миқдордаги моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳаво, сув ва ернинг ифлосланиши шаклидаги қўшимча харажатларнинг ўсишини келтириб чиқаради. Атроф-муҳит муаммосини ҳал қилишда асосий рол давлат зиммасига тушади.

4. Даромадлар тенгсизлигини қисқартириш дастурларини амалга ошириш. Буларга хусусан ижтимоий суғуртани ривожлантириш, ишсизлик бўйича нафақалар, ижтимоий таъминот, текин медицина ёрдамлари давлат дастури, озиқ-овқат маҳсулотларига дотациялар, давлат уй-жой қурилиши киради.

5. Миллий мудофаа, давлат хавфсизлигининг таъминлаш харажатлари ҳажмининг ўсиши.

Ҳозирги даврда давлатнинг солиқ сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси ва унинг жойлардаги (вилоят, шаҳар, туман) муассасалари амалга оширади.

Республика ҳудудида амал қилувчи солиқлар, унинг тўловлари солиқ ундиришнинг объектлари, солиқ тўлаш тартиби, солиқ тўлаш бўйича имтиёзлар, солиқ тўлаш билан боғлиқ равишда келиб чиқа-

диган мунозараларни ҳал қилишнинг умумий тартиби Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўғрисидаги қонунлари билан аниқланади.

Корхоналар фаолиятини солиқ ёрдамида тартибга солиш қуйидаги умумий тамойиллари асосида амалга оширилади:

— барча даромадлардан, уларнинг манбаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда солиқ ундиришнинг мажбурийлиги;

— солиқ ундиришда барча учун ягона умумдавлат сиёсати;

— самарали ишловчи корхоналарда ҳамда хўжалик юритишнинг прогрессив шаклларини учун солиқ меъёрларининг рағбатлантирувчи ролини таъминлаш;

— солиқ тўлови бўйича барча субъектлар мажбурияти устидан молиявий назорат.

Солиқ ставкасини белгилаш бир қатор тамойилларга асосланади.

1. Нафлилик тамойили — ҳар хил кишилардан, уларнинг солиқлар ҳисобига молиялаштириладиган дастурлардан фойдаланиши даражасига қараб турлича солиқ ундирилиши кераклигини билдиради.

Олинадиган солиқ суммасининг (R) солиқ олинадиган даромад суммасига (Д) нисбатининг фоиздаги ифодаси солиқ ставкаси (R)' дейилади ёки:

$$R' = \frac{R}{D} \cdot 100 \quad \text{фоиз.}$$

2. Тўловга лаёқатлилик тамойили — солиқ миқдори солиқ тўловчининг бойлиги ва даромадлари даражасига мос келиши зарур. Бошқача айтганда, солиқ солиш даромадларнинг адолатли тақсимланишини тақазо қилиш зарур.

3. Адолатлилик тамойили — даромадлари ва ҳукумат дастурларидан фойдаланиш даражаси бўйича тенг бўлган кишилар тенг миқдорда солиқ тўлаши зарур.

Солиқ бўйича имтиёзлар қонунчилик битимларида белгиланган тартиб ва шароитлар асосида ўрнатилади. Солиқ имтиёзларининг амалиётда қуйидаги турлари кенг тарқалган:

— объектларнинг солиқ олинмайдиган энг кам даражасини белгилаш;

— солиқ тўлашдан алоҳида шахс ёки маълум гуруҳларни (масалан, уруш фахрийларини) озод қилиш;

— солиқ даражаси (ставкаси)ни пасайтириш;

— солиқ олинадиган суммадан чегириш;

— солиқли кредит (солиқ олишни кечиктириш ёки солиқ суммасини маълум миқдорга камайтириш).

Солиқларни туркумлашга турли хил мезонлар асосида ёндашилади.

Солиқ ставкаси ва даромадлар ўртасидаги нисбатга асосланиб, солиқлар одатда прогрессив (ўсиб борувчи), пропорционал (мутаносиб) ва регрессив (камайиб борувчи) солиқларга бўлинади.

1. Агар солиқнинг ўртача ставкаси даромадлар ортиши билан ўсиб борса, прогрессив солиқ ҳисобланади.

2. Даромадлар ўсиб бориши билан ўртача ставкаси пасайиб борувчи солиқлар регрессив солиқлар дейилади.

3. Пропорционал солиқ ўртача солиқ ставкаси даромад ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгаришсиз қолишини тақозо қилади.

Солиқлар амал қилиш доираси (марказий ва маҳаллий солиқлар), маҳсулот таннархига қўшилиш усули (тўғри ва эгри солиқлар) ва иқтисодий мазмунига қараб ҳам туркумланади.

Солиқлар такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатиб, иқтисодий фаолликни тартибга солишнинг воситаларидан бири ролида ҳам чиқади.

Бунда давлат бугун хўжалик конъюнктурасига умумий таъсир кўрсатиш мақсадида, солиқ механизмидан кенг фойдаланилади. Давлат иқтисодиётдаги турғунлик ҳолатини бартараф қилиш учун имтиёзли солиқлар ёрдамида капитал қўйилмаларнинг рағбарлантиради, ҳамда шу орқали истеъмолчилик ва инвестицион товарларга ялпи талабни кенгайтириш учун анча қулай шароит яратади. Солиқларни пасайтириш иқтисодий юксалиш ва давлат даромадларининг ўсишига олиб келишини биринчи бўлиб америкалик иқтисодчи А. Лоффер асослади. А. Лоффернинг мулохазаларига кўра, корпорациялар даромадига солиқлар ставкасини ҳаддан ташқари ошириш, уларнинг капитал қўйилмаларига бўлган рағбатини сусайтиради, фан-техника тараққиётини тўхтатади, иқтисодий ўсишни секинлаштиради ва булар охир-оқибатда давлат бюджети тушумларига салбий таъсир кўрсатади.

Давлат бюджетининг даромадлари ва солиқ ставка (меъёр)си ўсиши ўртасидаги боғлиқликнинг графикда тасвирланиши "Лоффер эгри чизиги" номини олди (20-чизма).

График тик ўқида солиқ ставкаси (R), ётиқ ўқида — давлат бюджетига тушумлар (V) акс этган. Солиқ ставкасининг оптимал миқдори (R_1) давлат бюджетига энг юқори тушум (V_1) ни таъминлайди. Солиқлар янада оширилганда ишлашга ва тадбиркорликка

қизиқиш сусаяди, 100 фоизли солиқ олишда давлат даромади нолга тенг бўлади, чунки ҳеч ким текинга ишлашни хоҳламайди. Бошқача айтганда, узоқ муддатли истиқболда ҳаддан ташқари юқори ўрнатилаган солиқларни пасайтириш жамғармалар, инвестициялар, бандлиликнинг ортиши орқали солиқ ундириладиган ялпи даромад ҳажмининг ўсишини таъминлайди. Натижада солиқ тушумлари суммаси кўпаяди, давлат даромадлари ҳажми ўсади, тақчиллик камаяди ва инфляциянинг сусайиши рўй беради. Лекин ўз-ўзидан тушинарлики, Лоффер самараси фақат эркин бозор механизми меъёрида амал қилган ҳолдагина намаён бўлади.



20-*чизма*. Лоффер эгри чизиғи.

Лоффер назариясининг ҳақиқатга яқинлиги шундаки, солиқ меъёрининг ошиши ёки тушиши шубҳасиз капитал қўйилмалар ўсиш суръатига тўсиқ бўлувчи ёки аксинча рағбарлантирувчи таъсир кўрсатади. Аммо, умуман бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларга солиқ ставкасидан ташқари кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллар ичида мухим ўринни циклнинг хусусиятлари, у ёки бу корхона маҳсулотига талаб ва таклиф нисбати, улар фойдасининг даражаси эгаллайди.

4-§. Ўзбекистонда бюджет ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида умумиқтисодий барқарорликка эришиш, молиявий барқарорликни таъминлаш, шу жумладан, давлат бюджети барқарорлигини мумкин бўлган даражада ушлаб туриш вазифасини ҳам ўз ичига олади.

Шунга мувофиқ молия сиёсати Республика давлат бюджетидаги тақчилликни йўл қўйилган энг кам даража доирасида ушлаб туришга қаратилади. Ҳозирги даврда ҳам молия сиёсатининг асосий вазифаси бюджет тақчиллигини чеклаш ҳисобига иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган. Бунга эришиш учун Республика иқтисодиётида зарур таркибий ўзгаришларни ўтказиш билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг орқага кетишига барҳам бериш ва иқтисодий ўсишга эришиш энг асосий мақсад деб қараб келинди. Шу сабабли кейинги йилларда ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши тамойиллари ижобий хусусият касб этиб, бутунлай барҳам топди. Республикада ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг олдинги йилларга нисбатан пасайиши 1992 йил 11,1 фоиз, 1993 йил 2,4 фоиз, 1994 йил 3,5 фоиз, 1995 йил 4,0 фоизни ташкил қилди ва 1996 йил 1,6 фоиз, 1998 йил 4,4 фоиз, 2000 йилда 4,0 фоиз ўсишга эришилди[1]. 2001 йилда ялпи ички махсулот хажми — 4,5 фоизга, саноат ишлаб чикариши — 8,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш — 4,5 фоизга кўпайди.[2]

Молиявий аҳволни мустаҳкамлаш орқали иқтисодиётни барқарорлаштиришга эришишда солиқ сиёсатини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бунда солиқ тизими ўзига хос вазифаларни — хазинани тўлдириш, қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифаларини тўла даражада бажариши зарур. Солиқларнинг биринчи вазифаси, давлат бюджети даромад қисмининг энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалик вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлашга қаратилиши лозим. Унинг иккинчи вазифаси, ЯММнинг бир қисмини қайта тақсимлаш ва шу орқали иқтисодиёт тузилишини ўзгартириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кафолатини таъминлашда бевосита иштирок этишдан иборат. Солиқларнинг учинчи вазифаси ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом ашё, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир.

Республикамизда йилдан йилга ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналар зиммасига тушаётган солиқ юки камайиб бормоқда. Фа-

---

[1] Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари.

[2] *И.А. Каримов* Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш — бош йўлимиз. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 15 февраль, 31-сон.

қат 2000 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан давлат бюджетига тортиладиган солиқ улуши 26 фоизгача қисқаради.[1]

Бу вазифаларни реал бажариши учун амалдаги солиқ тизимини анчагина ислоҳ қилиш талаб қилинади. Солиқ тизимини ислоҳ қилишга асос қилиб олинган асосий тамойил — корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришдир. Бу уларнинг ўз маблағларини ишлаб чиқаришини ривожлантириш, техника билан қайта қуроллантириш ва айланма маблағларни тўлдиришга сарфлаш имкониятини беради. Бу эса оқибат натижада ишлаб чиқаришнинг юксалишига олиб келади.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «...солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ошиб бориши, бу жараён айниқса, табиий ва минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланиш борасида кучайиши керак.

Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришда даромад солиқидан фойдадан ундирилган солиққа ўтиш кўзда тутиладики, бу ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш имкониятини беради. Фойданинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган умумий миқдори кўпайиши билан бирга, айни вақтда меҳнаткашлар иш ҳақини кўпайтириш имконияти ҳам яратилади. Натижада фаол меҳнатни рағбатлантирувчи иқтисодий муҳит яратилади.

Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини енгиллаштиришга эришишда қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасини камайтиришга ҳам эътибор қаратилади.

Республикада солиқ тизимини ислоҳ қилишда унинг таркибини тубдан узгартириш, ресурслар, мол-мулк солиғининг ролини ошириш, жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш вазифаси қўйилади.

Табиий ресурсларни қайта тиклаш имкониятини яратиш ва улардан эҳтиёткорона фойдаланиш мақсадини амалга ошириш учун ер, ер ости бойликлари, сув ва қайта тикланмайдиган бошқа ресурсларга тўлов ўрнатиш солиқ сиёсатининг навбатдаги йўналишидир.

Республика аҳамиятига эга бўлган солиқлар билан маҳаллий солиқ ўртасида аниқ чегарани белгилаш солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир.

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001 йил.

Бунда давлат бюджети даромадининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратилади.

Давлат бюджети мутаносиблигини кучайтириш мақсадида, солиқ тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, корхоналарнинг молия интизомини мустаҳкамлаш, тўлов мажбуриятларини бир меъёрга келтириш, қарзларнинг салбий оқибатини тугатиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Республикамизда шу мақсадга қарата амалга оширилган тадбирлар натижасида «...давлатимиз миқиёсида хам, иқтисодиётнинг молиявий мутоносиблиги мустахкамланади».[1]

Асосий таянч тушунчалар

Молия — пул маблағларининг ҳаракати, яъни уларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ бўлган муносабатлардир.

Молия тизими — молиявий муносабатлар ва уларни амалга оширишга хизмат қилувчи турли даражадаги молиявий муассасалардир.

Давлат бюджети — давлат харажатлари ва уларни молиявий таъминлаш манбаларининг тартиблаштирилган режаси.

Бюджет тақчиллиги — бюджет харажатларининг даромадлар қисмидан ортиқча бўлиши натижасида вужудга келган фарқ.

Давлат қарзлари — бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида давлат томонидан ташқи ва ички маблағлардан қарзга жалб қилинган молиявий ресурслар.

Давлат қарзлари қатор йилларда сурункали бюджет тақчиллиги натижасида вужудга келади.

Солиқлар — давлатнинг марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳуқуқий ва жисмоний шахслар даромаднининг бир қисмини бюджетга жалб қилиш шаклидир.

Солиқ ставкаси — солиқ суммасининг солиқ олинадиган суммага нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Лоффер эгри чизиғи — давлат бюджети даромадлари ва солиқ ставкаси ўртасидаги боғлиқликнинг графикда тасвирланиши.

---

[1] Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 63 бет.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Молиянинг иқтисодий мазмунини тушунтиринг ва унинг иқтисодий вазифаларини баён қилинг.

2. Жамият ва давлат молия тизимлари асосий бўғинларининг тавсифини беринг. Молия тизимида давлат бюджетининг ўрни қандай?

3. Ўзбекистон давлат бюджети маблағларининг шаклланиш ва тақсимланиш хусусиятлари тўғрисидаги мулоҳазаларингизни изоҳланг.

4. Давлат бюджети миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда қандай рол ўйнайди? Бунда қандай усуллардан фойдаланилади?

5. Бюджет тақчиллиги нима? Ижобий ва салбий бюджет тақчиллигини тушунтиринг.

6. Солиқларнинг иқтисодий моҳиятини тушунтиринг ва унинг турларини асосий вазифаларини кўрсатинг.

7. Ўзбекистонда бюджет ва солиқ тизимини ислоҳ қилиш қандай йўналишларда амалга оширилиши кўзда тутилган?

XXI БОБ. Пул-кредит тизими. Банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги роли

Пул ва у билан боғлиқ муносабатларни таҳлил қилиш, иқтисодиёт назарияси фанининг энг муҳим соҳасини ташкил қилади.

Пулнинг ҳаракати бозор иқтисодиётининг молиявий асосларидан бири бўлиб, унинг барқарорлиги пул тизими даромадлар ва харажатлар айланишига ҳаётий тус бағишлайди, бутун иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаб беради, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланишга имкон туғдиради ва тўлиқ бандлиликка эришишни таъминлайди. Аксинча, беқарор амал қилувчи пул тизими ишлаб чиқариш, бандлилик ва нарх даражасининг кескин тебранишига асосий сабаби бўлиб, иқтисодий ривожланишга тўсиқ бўлиши мумкин. Шу сабабли бу бобни пул муомаласи қонуниятларининг таҳлили билан бошлаймиз. Пулга бўлган талаб ва таклифни таҳлил қилиб, инфляциянинг моҳиятини очиб берамиз.

Таҳлилнинг кейинги боскичи кредит тизими, банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги ролига бағишланади. Ниҳоят мавзуни Республикада миллий валютани мустаҳкамлаш вазифаларини таҳлил қилиш билан якунлаймиз.

1-§. Пул муомаласи ва унинг амал қилиш қонуниятлари. Пулга бўлган талаб ва пул таклифи

Бозор иқтисодиёти шароитида пул маблағлари тўхтовсиз ҳаракатда бўлади, товарлар ва хизматлар айирбош қилиш жараёнида ресурслар учун тўловларни амалга оширишда, иш хақи ҳамда бошқа мажбуриятларни тўлашда пул қўлдан қўлга ўтиш айланиб туради.

Пулнинг ўз вазифаларини бажариш жараёнидаги бу тўхтовсиз ҳаракат пул муомаласи дейилади.

Пул муомалаи нақд ва кредит пуллар ёрдамида амалга оширилади.

Нақд пул муомаласига банк билетлари ва металл тангалар (пул белгилари) хизмат қилади. Нақд пулсиз ҳисоблар яъни кердит пуллар муомаласи чеклар, кредит карточкалари, векселлар, аккредитивлар, тўлов талабномалари кабилар ёрдамида амалга оширилади. Уларнинг ҳаммаси пул агрегати леб юритилади. Муомалада мавжуд

бўлган пул массаси уларни (нақд ва кредит пулларни) қўшиш йўли билан аниқланади.

Пул муомаласи ўзига хос қонунларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Унинг қонунларидан энг муҳими муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш ва шунга мувофиқ муомалага пул чиқаришдир.

Муомалани таъминлаш учун зарур бўлган пул миқдори қуйидаги омилларга боғлиқ:

I. Муайян даврда, айтайлик, бир йил давомида сотилиши ва сотиб олиниши лозим бўлган товарлар суммасига. Товарлар ва хизматлар қанча кўп бўлса, уларнинг нархи қанча баланд бўлса, уларни сотиш ва сотиб олиш учун шунча кўп пул миқдори талаб қилинади.

II. Пулнинг айланиш тезлигига. Пул бир хил бўлмаган тезлик билан айланиш қилади. Бу кўп омилларга, жумладан сотилаётган товарлар турига уларнинг харидорлигига боғлиқ бўлади. Пул қанчалик, тез айланса муомала учун зарур, бўлган пул миқдори шунча кам бўлади

III. Муомала учун зарур бўлган пул миқдори кредтнинг ривожланишига, пулдан тўлов воситаси вазифасидан фойдаланишга ҳам боғлиқ. Кўпинча товарлар қарзга (кредитга) сотилади ва уларнинг ҳақи келишувга мувофиқ кейинги даврларда тўланади. Демак, муомала учун зарур бўлган пул миқдори шунга мувофиқ камроқ бўлади. Иккинчи томондан, бу даврда илгари кредитга сотилган товарлар ҳақини тўлаш вақти бошланади. Бу пул миқдорига эҳтиёжни кўпайтиради.

Мазкур ҳолатларни ҳисобга олганда муомала учун зарур бўлган пул миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$П_м = \frac{Т_б - Х_к + Х_т}{А_т};$$

бунда:

$П_м$ — муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул миқдори,

$Т_б$ — сотилиши лозим бўлган товарлар суммаси (товарлар миқдори х нархи);

$Х_к$ — кредитга сотилган товарлар суммаси;

$Х_т$ — тўлаш муддати келган товарлар ва хизматлар ҳамда бошқа тўловлар суммаси;

$А_т$ — пулнинг айланиш тезлиги.

Масалан сотилган товарлар суммаси 100 млн. сўм бўлиб шундан 20 млн. сўми муддати келган қарзлар ва бошқа тўловлар 40 млн

сумни ташкил қилса, муомала учун зарур бўлган пул миқдори 20 млн. сўмга тенг бўлади.

$$\text{Яъни:}\quad \text{ПМ} = \frac{100 - 20 + 40}{6} = 20 \text{ млн. сўм.}$$

Муомалада бўлган пул миқдори сотилаётган товарлар ва хизматлар суммасига нисбатан ошиб кетиши ва бунинг натижасида товарлар билан таъминланмаган пулнинг пайдо бўлиши пулнинг қадрсизланиши, яъни инфляцияни билдиради. Миллий иқтисодиётда давлатнинг, тижорат банклари ва бошқа молиявий муассаларнинг мажбуриятлари пул сифатида фойдаланади.

Пул операцияларининг асосий кўпчилик қисми нақд пулсиз, чеклар ва унга тенглаштирилган молиявий активлар ёрдамида амалга оширилади. Шу сабабли муомалада бўлган пул миқдорини ҳисоблаш учун M_1 ...M_n пул агрегатлари ёки таркибий қисми тушунчасидан фойдаланилади.

Бизнинг Республикамизда умумий пул миқдори қуйидаги (таркиб)лар асосида ҳисобланади:

M_0 – нақд пуллар;

M_1=M_0+ тегишли ҳисоб варақаларидаги пул қолдиқлари, маҳаллий бюджетлар маблағлари, бюджет, жамоат ва бошқа ташкилот маблағлари;

M_2 = M_1 + халқ (жамғарма) банкларидаги муддатли омонатлар.

M_3 = M_2 + чиқарилаётган сертификатлар + аниқ мақсадли заём облигациялари + давлат заём облигациялари + хазина мажбуриятлари.

Барча пул агрегатлари йиғиндиси ялпи пул массаси ёки ялпи пул таклифини ташкил қилади. Нақд пуллар ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида умумий пул массасининг 9–10 фоизини, бозор иқтисодиётига ўтаётган мустақил ҳамдўстлик давлатларида 35–40 фозни ташкил қилади.

Пулга талаб – бу айирбошлаш учун ($П_1$) ва активлар томонидан пулга талаб ($П_2$) ни ўз ичига олади.

Аҳоли ўзларининг ҳисобларига навбатдаги пул оқими келиб тушгунча, кундалик эҳтиёжлари учун қўлларида етарли пулга эга бўлиши зарур. Корхоналарга иш ҳақи тўлаш, материал, ёқилғи сотиб олиш ва шу кабилар учун пул керак бўлади. Шу барча мақсадлар учун зарур бўлган пул айирбошлаш учун пулга талаб дейилади. Айирбошлаш учун зарур бўлган пул миқдори номинал ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ҳажми билан аниқланади, яъни у номинал ЯММ

га мутаносиб равишда ўзгаради. Аҳоли ва корхоналарга икки ҳолда айирбошлаш учун кўпроқ пул талаб қилинади: нархлар ўсганда ва ишлаб чиқариш ҳажми кўпайганда.

Кишилар ўзларининг молиявий активларини ҳар хил шаклларда, масалан, корпорация акциялари, хусусий ёки давлат облигациялари шаклида ушлаб туриш мумкин. Демак, активлар томонидан, яъни инвестициялар учун пулга талаб ҳам мавжуд бўлади.

Активлар томонидан пулга талаб фоиз ставкасига тескари мутаносибликда ўзгаради. Фоиз ставкаси паст бўлса, кишилар кўпроқ миқдордаги нақд пулга эгалик қилишни афзал кўради. Аксинча, фоиз юқори бўлганда пулни ушлаб туриш фойдасиз ва активлар шаклидаги пул миқдори кўпаяди. Шундай қилиб, пулга бўлган умумий талаб, активлар томонидан пулга бўлган талаб ва айирбошлаш учун пулга бўлган талабнинг миқдори билан аниқланади.

2-§. Инфляция, унинг моҳияти ва турлари

Инфляция макроиқтисодий беқарорликнинг кўринишларидан бири ҳисобланади.

Инфляция тушунчаси биринчи марта ғарбий Америкада, (1861-1865 йилларда ги фуқаролар уруши даврида) ишлатила бошлаган ва қоғоз пул муомаласининг кўпайиб кетиши жараёнини билдирган. Иқтисодий адабиётларда инфляция тушунчаси XX асрда, биринчи жаҳон урушидан кейин кенг тарқалди.

Инфляция – бу пул бирлигининг қадрсизланиши ва шунга мос равишда товар нархларининг ўсишидир.

Инфляция бозор хўжалигининг ҳар хил соҳаларида такрор ишлаб чиқариш номуганосибликлари туғдирадиган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир.

Пул товарларга, олтинга ва ўз қадрини, барқарорлигини сақлаб қолган чет эл валюталарига нисбатан қадрсизланади.

Инфляция нарх индекси ёрдамида базис даврга нисбатан аниқланади. Масалан, истеъмолчилик товарларига нарх индекси 1998 йил 113, 6; 1999 йил — 118,3 га тенг булса, инфляция суръати қуйидагича бўлади:

$$\text{Инфляция суръати} = \frac{118{,}3 - 113{,}6}{113{,}6} \cdot 100 = 4{,}1 \text{ фоиз.}$$

Келиб чиқиш сабаблари ва ўсиш суръатларига қараб, инфляция нинг бир қанча турларини мавжуд.

I. Талаб инфляцияси. Нарх даражасининг анъанавий ўзгариши жами талаб ортиқчалиги билан тушунтирилади. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаси маҳсулотнинг реал ҳажмини кўпайтириб ортиқча талабни қондира олмайди. Чунки барча мавжуд ресурслар тўлиқ фойдаланилган бўлади. Шу сабабли бу ортиқча талаб нархнинг ошишига олиб келади ва талаб инфляциясини келтириб чиқаради.

II. Таклиф инфляцияси. Инфляция ишлаб чиқариш харажатлари ва бозордаги таклифнинг ўзгариши натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши келтириб чиқадиган инфляция, маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатларнинг кўпайиши ҳисобига нархларнинг ошишини билдиради.

Маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши иқтисодиётда фойдани ва маҳсулот ҳажмини қисқартиради. Натижада товарлар таклифи ҳам қисқаради. Бу ўз навбатида нарх даражасини оширади. Ишлаб чиқариш харажатлари номинал иш ҳақи, хом ашё ва энергия нархларининг ўсиши ҳисобига ортиб боради.

Инфляциянинг а) меъёрдаги; б) ўрмалаб борувчи; в) гипер инфляция каби турлари ҳам мавжуд. Инфляциянинг биринчи турида баҳолар йилига 10 фоизгача, иккинчисида 20 дан 200 фоизгача, учинчисида жуда катта миқдорда ўсиши кузатилади.

Башорат қилиш мумкинлигига қараб кутилаётган ва кутилмаган инфляция фарқланади. Кутилаётган инфляция ва унинг оқибатларини олдиндан башорат қилиш мумкин, кутилмаган инфляцияни олдиндан айтиб бўлмайди. Биринчи ҳолда инфляциянинг кутилаётган салбий оқибатларига тайёрланиб уни сезиларли даражада юмшатиш мумкин. Иккинчи ҳолда нархларнинг кутилмаган ўсиши натижасида мамлакат иқтисодий аҳволининг сезиларли ёмонлашуви рўй бериши мумкин.

3-§. Кредитнинг моҳияти, манбалари ва вазифалари

Кредит бўш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тўплаш ва уларни пулга муҳтож бўлиб турган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга ишлаб чиқариш ва бошқа эҳтиёжлари учун маълум муддатга, фоиз тўловлари билан қайтариш шартида қарзга бериш жараёнини ифодалайди.

Пул шаклидаги капитал ссуда капитали дейилса, унинг ҳаракати кредитнинг мазмунини ташкил қилади.

Кредит муносабатлари икки субъект ўртасида, пул эгаси, яъни қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида юзага келади.

Турли хил корхоналар (фирма)лар, ташкилотлар, давлат ва унинг муассасалари ҳамда аҳолининг кенг қатлами кредит муносабатларининг субъектлари ҳисобланади. Санаб ўтилган субъектларнинг айнан ҳар бири бир вақтнинг ўзида ҳам қарз олувчи ва ҳам қарз берувчи ўрнида чиқиши мумкин.

Кредит муносабатларининг объекти жамиятда вақтинча бўш турган пул маблағларидир.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида товарлар, иқтисодий ресурслар ва пул маблағларининг доиравий айланиши кредит муносабатларининг мавжуд бўлишини тақозо қилади. Шу билан бирга доиравий айланиш жараёнида муқаррар суратда вақтинча бўш турадиган пул маблағлари ва бошқа пул ресурслари кредит маблағларининг манбаини ташкил қилади.

Кредит ресурсларининг асосий манбалари қуйидагилардан иборат:

I. Корхоналарнинг банкдаги ҳисобларидаги амортизация ажратмалари.

II. Маҳсулот сотишдан олинган пул тушумлари.

III. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондлари, моддий рағбатлантириш фондлари.

IV. Корхоналар фойдаси. Улар давлат бюджети ва кредит тизими билан ҳисоб-китоб қилингунча, шунингдек, унинг тегишли қисми корхона эҳтиёжлари учун фойдалангунча банкдаги ҳисобларида сақланади.

V. Банкдаги бюджет муассасалари, касаба уюшмалари ва бошқа ижтимоий ташкилотларнинг жорий пул ресурслари.

VI. Аҳолининг бўш пул маблағлари.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида вақтинча бўш пул ресурслари ҳосил бўлиши билан бир вақтда, иқтисодиётнинг айрим бўғинлари ва соҳаларида қўшимча пул маблағларига эҳтиёж пайдо бўлади.

Аввало, кредит **қайта тақсимлаш** вазифасини бажаради. Унинг ёрдамида корхоналар, давлат ва аҳолининг бўш пул маблағлари ссуда фонди шаклида тўпланиб, кейин бу маблағлар кредит механизми орқали халқ хўжалик тармоқлари эҳтиёжларини ҳисобга олиб қайта тақсимланади. Шу орқали кредит ишлаб чиқариш жараёнининг **узлуксизлигини таъминлашга** хизмат қилади.

Иккинчидан, кредит пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (вексел, чек, сертификат ва ҳ.к.) юзага чиқариб, уларни хўжалик амалиётига **жорий этиш** вазифасини бажаради.

Учинчидан, кредит нақд пуллар ўрнига кредит пулларни ривожлантириш ва пул муомаласини жадаллаштириш билан **муомала харажатларини тежаш** вазифасини бажаради.

Тўртинчидан, кредит алоҳида корхоналарнинг ҳиссадорлик жамиятига айланиши, янги фирмаларнинг вужудга келиши ва трансмиллий компаниялар (ТМК) ташкил топишнинг муҳим омилларидан бири сифатида чиқади.

Бешинчидан, кредит ссуда фондининг ҳаракати (қарз бериш ва қарзни ундириш) орқали **иқтисодий ўсишни рағбатлантириш вазифасини бажаради.**

Олтинчидан, кредит ўз муассасалари орқали иқтисодий субъектлар фаолияти устидан **назорат қилиш вазифасини бажаради.**

Ниҳоят, кредитнинг ўзига хос вазифаси **иқтисодиётни тартибга солиш** ҳисобланади. Бунда кредит учун фоиз ставкаларини табақалаштириш, давлат томонидан кафолатлар ва имтиёзлар бериш каби усуллардан фойдаланилади. Кредит бирқанча турларда амалга оширилади.

Тарихий тараққиёт давомида кредитнинг икки шакли **пул ва товар** шаклидан фойдаланиб келган. Ҳозирги вақтда мамлакат ички айланмасида пул кредитидан кенгроқ фойдаланиб, у банк, тижорат, давлат, истеъмолчилик ва халқаро кредит шаклларини олади.

Банк кредити — кредитнинг асосий ва етакчи шакли сифатида чиқади. **У пул эгалари — банклар ва махсус кредит муассасалари томонидан қарз олувчиларга (тадбиркорлар, давлат, уй хўжалиги сектори) пул ссудалари шаклида берилади.**

Банк кредити йўналиши, муддати ва кредит битимлари суммаси бўйича чекланмайди. Унинг фойдаланиш соҳаси ҳам жуда кенг, товар муомаласидан тортиб капитал жамғарилишигача хизмат қилади.

Тижорат кредити — бу корхоналар, бирлашмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бир-бирига берадиган кредитларидир. Тижорат кредити, аввало, тўловни кечиктириш йўли билан товар шаклида берилади.

Истеъмолчилик кредити — хусусий шахсларга, ҳаммадан аввало, узоқ муддат фойдаланадиган истеъмолчилик товарлари (мебел, автомобил, телевизор ва бошқалар) сотиб олиш учун маълум муддатга берилади. У чакана савдо магазинлари орқали товарларни ҳақини кечиктириб тўлаш билан сотиш шаклида ёки истеъмолчилик мақсадларида банк ссудалари бериш шаклида амалга оширилади. Истеъмолчилик кредитидан фойдаланганлик учун анча юқори фоиз ундирилади.

Ипотека кредити — кўчмас мулклар (ер, бино) ҳисобига узоқ муддатли ссудалар шаклида берилади. Бундай ссудалар бериш воси-

таси, банклар ва корхоналар томонидан чиқариладиган ипотека облигациялари ҳисобланади.

Давлат кредити — кредит муносабатларининг ўзига хос шакли бўлиб, бунда давлат пул маблағлари қарздори, аҳоли ва хусусий бизнес эса кредиторлари бўлиб чиқади. Давлат кредити маблағлари манбаи бўлиб, давлат қарз облигациялари хизмат қилади. Давлат кредитнинг бундай шаклида, аввало, давлат бюджети камомадини қоплаш учун фойдаланади.

Халқаро кредит — ссуда капиталининг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги ҳаракатини намойиш қилади. Халқаро кредит товар ёки пул (валюта) шаклида берилади. Кредитор ва қарз олувчилар банклар, хусусий фирмалар, давлат, халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳисобланади.

Кредит бериш бир қатор тамойилларга асосланади.

Булар қуйидагилар: ссуда беришнинг мақсадли хусусияти, кредитнинг расмийлаштирилган муддатда қайтаришлиги, ссуданинг моддий таъминланганлиги ва тўловлилиги.

Қарзга берилган ссуданинг албатта, қайтарилиб берилиши, ундан фойдаланилганлик учун олинган фойдадан ссуда фоизини тўлаш зарурати корхоналарни хўжалик юритишнинг энг самарали усулларини излаб топишга ундайди.

Қарзга (ссудага) берилган пул ҳисобига олинадиган даромад фоиз ёки фоизли даромад дейилади. Шу даромад (фоиз)нинг қарзга берилган пул суммасига нисбатининг фоизда ифодаланиш фоиз ставкаси ёки фоиз нормасини ташкил қилади:

$$r' = \frac{r}{K_{ссуда}} \cdot 100, \text{бу ерда,} \begin{cases} r' - \text{фоиз нормаси} \\ r - \text{фоиз суммаси} \end{cases}$$

$K_{ссуда}$ — қарзга берилган пул (капитал) суммаси.

Агар 100 минг сўм йилига 20 минг ссуда фоизи тўлаш шарти билан қарзга берилган бўлса, ссуда фоизи нормаси 20 фоизни ташкил қилади.

4-§. Банк тизими. Марказий ва тижорат банклар ҳамда уларнинг вазифалари

Бозор иқтисодиёти шароитда пул муомаласини таминлашда банклар, муҳим рол ўйнайди. Банклар пул маблағларини тўплаш, жой-

ташкилий ва уларнинг ҳаракатини тартибга солиш билан шуғулланувчи иқтисодий муассасадир.

Банклар кредит муносабатларига хизмат қилиб, кредитнинг ҳар хил шаклларини ўз ичига олиб, кредит муассасаларининг асосини ташкил қилади.

Банклар тизими одатда икки босқичли бўлиб, ўз ичига марказий (эмиссион) банк ва тижорат (депозитли) банкларнинг тармоқ отган шахобчаларни олади. «Марказий банк бошчилигида ҳамда кенг тармоқли мустақил тижорат ва хусусий банклар икки босқичли банк тизимини вужудга келтириш...» устувор йўналишлардан ҳисобланади[1].

Давлат банки мамлакат пул-кредит тизимини марказлашган тартибда бошқаради ва давлатнинг ягона кредит сиёсатини амалга оширади.

Давлат банки, Марказий банк ҳисобланади. Бунинг мазмуни шундан иборатки, биринчидан, кўпчилик мамлакатларда давлат банки ягона марказий банкдан иборат бўлиб, у ўтказадиган сиёсат тартиблари юқори давлат органлари томонидан ўрнатилади.

Иккинчидан, Марказий банк тижорат банклари ва жамғарма муассасаларидан маблағларни қабул қилиб, уларга кредит беради. Хусусан, шу сабабга кўра марказий банк "банкирлар банки" деб ҳам юритилади.

Учинчидан, Марказий банк фақат фойда олишга интилиб фаолият қилмайди, давлатнинг бутун иқтисодиёт ҳолатини яхшилаш сиёсатини амалга оширади ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишга кумаклашади.

Марказий банк кўплаб **хилма-хил вазифаларни** бажаради.

Биринчидан, бошқа банк муассасаларининг мажбурий эҳтиётларини сақлайди. Бу эҳтиётлар пул таклифини бошқариш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Марказий банк мамлакатнинг расмий олтин-валюта эҳтиётларини сақлаш вазифасини ҳам бажаради.

Иккинчидан, чекларни қайд (инкасация) қилиш механизмини таъминлайди ва банкларараро ҳисоб-китобларни амалга оширади, уларга кредитлар беради.

Учинчидан, давлатнинг монетар сиёсатини амалга оширади.

Тўртинчидан, барча банклар фаолиятини уйғунлаштиради ва улар устидан назоратни амалга оширади.

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1999. 120-

Бешинчидан, халқаро валюта бозорларида миллий валюталарни айирбошлайди.

Олтинчидан, пул таклифи устидан назорат қилиш масъулиятини олади, муомалага миллий валютани чиқаради.

Иқтисодиётнинг эҳтиёжларига мос равишда пул муомаласини тартибга солади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида банклар ва корхоналар тенг ҳуқуқли шериклар сифатида чиқади. Кредит беришда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг янги сифат даражасига эришишни таъминлайдиган тадбирларга устунлик берилади.

Банклар ўз тасарруфидаги ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги учун моддий жиҳатдан масъул ҳисобланади ва шу сабабли кредит-пул операциялари кўпроқ уларнинг иқтисодий фойдалилигига ва самарадорлигига қараб берилади.

Тижорат банклари ўзларининг хўжалик мавқеига кўра акционерлик туридаги муассасалар ҳисобланади. Ҳуқуқий мавқеига кўра, фаолиятнинг бирон-бир турига хизмат кўрсатувчи, ихтисослашган ёки миллий банк бўлиши мумкин.

Тижорат банклар саноат, савдо ва бошқа хил корхоналарни омонат тарзида жалб этилган пул маблағлари ҳисобидан кредитлайди, корхоналар ўртасида ҳисоб-китобни амалга оширади, шунингдек, воситачилик ва валюта операциялари билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунида айтилишича, тижорат банклари ва акцияли пай асосида ташкил топган хусусий банклар бўладики, улар "кредит ҳисоб-китоб ва ўзга хил банк хизматини кўрсатадилар". Тижорат банклар фаолиятининг асосий мақсади фойда чиқариб олишни кўзда тутади.Тижорат банклари даромадининг манбаи мижозларининг банк хизмати учун тўлови ва активлардан — заём, кредит, қимматли қоғозлардан олинадиган фоиз ҳисобланади.

Ихтисослашган тижорат банклар — иқтисодиётнинг турли соҳаларида тижорат тамойилларида кредит-пул операцияларининг муайян турларини амалга оширади. Жумладан, бизнинг Республикада Саноат қурилиш банки — саноат, транспорт, алоқа ва моддий-техника таъминоти соҳаларида; Замин, Ғалла, Пахта банклар — агросаноат комплекси тармоқлари ва соҳаларида; Тадбиркор банки майда ва ўрта бизнес, кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти соҳасида кредит-пул операцияларини амалга оширади.

Халқ банки — мамлакатда омонат ишларини ташкил этишни, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишни ва аҳоли учун касса вазифасини амалга оширишни, аҳолига шахсий эҳтиёжларга кредит беришни ва шу каби операцияларни таъминлайди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки экспорт-импорт операцияларини бевосита амалга оширувчи корхона ва муассасаларга кредит беради, қўшма корхоналарга кредит беришда қатнашади, ягона валюта режасининг ижросини, валюта ресурсларидан тежаб фойдаланишини назорат қилади, шунингдек, ташқи иқтисодий операцияларга оид ҳисоб-китобларни ташкил қилади ва амалга оширишни таъминлайди.

Тижорат банклари тизимида тор ихтисослашиши бўйича **инвестицион** ва **ипотека** банкларни ажратиб кўрсатиш лозим.

Инвестицион банклар — махсус кредит муассасалари бўлиб, облигация ҳамда қарз мажбуриятлари бошқа турларини чиқариш йўли билан узоқ муддатли ссуда капиталини жалб қилади ва уларни мижозлар (асосан давлат ва тадбиркорлар) га тақдим қилади.

Инвестицион компаниялар, ўзларининг қимматли қоғозларини чиқариш йўли билан ҳуқуқий инвестрлар пул ресурсларини тўплайди ва уларни корхона (миллий ва чет эл)лар акция ва облигацияларига жойлаштиради. Бундай компаниялар тўлиқ инвестрлар манфаатини ифодалайди ва уларнинг асосий мақсади қўйилган капитал ҳисобига фойда олиш ҳисобланади.

Ипотека банклар — бу кўчмас мулк (ер ва иншоот) ҳисобига узоқ муддатли ссуда беришга ихтисослашган кредит муассасалар. Ипотека банкнинг ресурслари ўзларининг ипотека облигациялари ҳисобига шаклланади. Олинган ссудадан уй-жой ва бошқа иншоотлар қуриш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш учун фойдаланилади.

Барча тижорат банклари эҳтиёж (резерв)ларининг ҳажми ва тартиби бўйича Марказий банк томонидан ўрнатиладиган маълум талабларга жавоб бериши зарур.

Бугунги кунда Республика ҳудудида мулкчиликнинг турли шаклидаги 30 дан зиёд тижорат ихтисослашган банклар ва уларнинг 3,7 мингдан кўпроқ филиаллари фаолият қилиб турибди. Шулардан учтаси (ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, халқ банки ва "АСАКА" банк) давлат тасарруфидаги банк ҳисобланади. Улардан 22 банк (73%) акционерлик жамияти, 8таси (27%) масъулияти чекланган жамият шаклидадир.

Ўзбекистонда тижорат банкларнинг ривожланиши дастлаб иқтисодиётнинг алоҳида соҳаларига хизмат қиладиган ихтисослашган банклар ташкил этилишидан, бошланган бўлса, кейинчалик (1995 йилдан) ихтисослашган кредит-молия муассасаларини ташкил этишга киришилди. Шу асосда "Бизнес фонд","Мадад" сугурта ва инвестиция компаниялари каби ихтисослашган молия-кредит муассасалари ташкил этилди.

5-§. Ўзбекистонда миллий валютани барқарорлаштириш вазифалари

Республикада миллий валютани мустаҳкамлаш ишида сўмнинг харид қувватини ошириб бориш ва унинг барқарорлигини таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади. Бунга бозорни рақобатдош маҳсулотлар билан тўлдириш ва зарур эҳтиётлар ҳосил қилиш орқали эришилади. Бозорни истеъмол моллари билан тўлдиришда миллий ишлаб чиқаришни имкони борича кенгайтириб бориш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки шу орқали истеъмол моллари сотишининг умумий ҳажмида миллий маҳсулотлар ҳиссаси ошириб борилади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, миллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали сўмнинг барқарорлигини таъминлаш четдан маҳсулот келтиришни инкор қилмайди. Аҳолини сифатли чет эл моллари билан таъминлаш мақсадида импорт ҳам рағбатлантириб борилади.

Сўмнинг барқарор амал қилиши, унинг ҳар қандай валютага эркин алмашилиши етарли валюта захираси бўлишига боғлиқ. Унга эришишда корхоналар ва барча субъектларининг, жахон бозорига рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқариши учун зарур бўлган рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Сўмнинг барқарорлигини таъминлашда ундан эҳтиёткорона ва тежаб-тергаб фойдаланиш, ишлаб чиқаришга сарфланган маблағларнинг энг кўп самара беришига, олинган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишига эришиш муҳим ўрин тутади.

Инфляцияга қарши аниқ йўналтирилган сиёсат ўтказиш миллий валютани мустаҳкамланишнинг муҳим шартларидан биридир. Бу сиёсат энг аввало, инфляция даражасини кескин камайтиришга қаратилиши лозим. Бунда пулнинг қадрсизланиш даражаси устидан қатъий назорат ўрнатиш ҳамда унга қарши самарали тадбирлар қўллаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу орқали пулнинг қадрсизланишига мақбул суръатни танлашга эришилади.

Инфляцияга қарши сиёсат негизини пул миқдорининг ўсиши-ни товарлар ва хизматлар миқдорининг тегишли даражада ўсиши билан боғлаб олиб боришга қаратилган тадбирлар ташкил қилиш зарур. Чунки харид қилиш учун моллар етарли бўлмаган ҳолда аҳоли қўлида пулнинг ортиқча кўпайиши инфляциянинг янада авж олиб кетишига сабаб бўлади. Пул миқдори билан бирга нархларнинг ҳам тобора ўсиб бориши муқаррар равишда, узоқ давом этадиган гипер-инфляцияни келтириб чиқаради. Бу ўз навбатида, миллий ишлаб чиқаришнинг изидан чиқиши аҳоли кенг табақаларининг қашшоқ-лашиши ва бутун ижтимоий тизимнинг барбод бўлиши хавфини туғдиради.

Товарлар тақчиллиги мавжуд бўлиб турган ҳозирги босқичда гиперинфляцияни олдини олиш учун аҳоли истеъмол фондининг ўсишини ишлаб чиқариладиган маҳсулот, кўрсатиладиган хизмат-нинг моддий ҳажми кўпайишига бевосита боғлиқ қилиб қўйиш зарур бўлади. Ички бозорни моллар ва хизматлар билан тўлдириш, муомалага ўринсиз ортиқча пул чиқарилишига йўл қўймаслик, мил-лий валюта барқарорлиги таъминлаш ва халқ турмуш даражасини ўстиришнинг муҳим шартидир.

Сўмнинг барқарорлигини таъминлашда нақд пул эмиссиясининг ўсишига, аҳоли қўлида пулнинг ҳаракатсиз туриб қолишига йўл қўймаслик биринчи даражали аҳамиятга эга. Бунда муомалага чиқа-рилган пул миқдорининг ўз вақтида қайтарилишига эришиши, маҳ-сулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши таъминламаган корхоналарга кре-дитлар берилишига йўл қўймаслик чоралари кўрилиши керак.

2001 йилда нақд пул эмиссияси даражаси прогноз кўрсаткичла-рида кўзда тутилган 9 фоиз ўрнига 6,5 фоизни ташкил этди. Пул-нинг айланиш суратлари тезлашди. Натижада пул массасининг ўси-ши ялпи ички махсулотга нисбатан 2000 йилда 17,1 фоизни ташкил этган булса, 2001 йилда бу кўрсаткичнинг 16,4 фоизгача қисқари-шига эришилди.[1]

Инфляцияни пасайтирувчи қудратли омил миллий валюта ал-машув курсининг барқарорлашувига эришишдир. Бу ўз навбатида импорт нархларнинг барқарорлашувига олиб келадики, натижада ички бозордаги нархлар ўзгаради.

Валюта биржаларида валюта операцияларининг барча турлари учун талаб ва таклиф натижасида шаклланадяган ягона алмашув

[1] Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 63-бет.

курсини белгилаш, валюта курси барқарорлигига эришишнинг дастлабки шартидир.

Миллий валюта курси барқарорлигини таъминлашнинг навбатидаги шарти даслабки босқичда валютани нақд пулсиз алмаштириш ҳажмини кўпайтиришга устунлик беришидир. Истиқболда эса бу соҳадаги сиёсат банкларараро валюта биржасидаги айланма миқдорини корхона ва фуқаролар ўз пулини хоҳлаган миқдорда хоҳлаган валютага эркин алмаштириш имкониятини берадиган даражага етказишга қаратилади. Бунга эришишда миллий ишлаб чиқаришда экспорт улушини кенгайтириш билан бирга Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, «... миллий валютамизнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини, яъни конвертациясини таъминлаш учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш»[1] алоҳида аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, юқорида қараб чиқилган чора ва тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши миллий валютамиз алмашув курсининг барқарорлашувига, унинг харид қилиш қувватининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Асосий таянч тушунчалар

Пул муомаласи — пулнинг ўз вазифаларини бажариш жараёнидаги тўхтовсиз ҳаракати, яъни унинг тўхтовсиз айланиб туришидир.

Пул тизими — тарихан таркиб топган ва миллий қонунчилик билан мустаҳкамланган, мамлакатда пул муомаласини ташкил қилишга хизмат қилувчи нақд ва кредит пуллардир

Инфляция — қоғоз пул бирлигининг қадрсизланиши.

Кредит — бўш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тўплаш ва уларни такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун қарзга бериш.

Фоиз нормаси (ставкаси) — фоиз ёки фоизли даромаднинг қарзга берилган пул суммасига нисбатининг фоизда ифодаланиши.

Банклар — пул маблағларини тўплаш, жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини тартибга солиш билан шуғулланувчи иқтисодий муассасадир.

---

[1] *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 18-бет.

Банк операциялари — маблағларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш бўйича амалга ошириладиган операциялар.

Банк фойдаси (маржа) — олинган ва тўланган фоиз суммалари ўртасидаги фарқ.

Банк фойда нормаси — банк соф фойдасининг унинг ўз капиталига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Пул муомаласининг мазмунини тушунтиринг.
2. Муомала учун зарур бўлган пул миқдори қандай омилларга боғлиқ?
3. Инфляциянинг мазмунини ва турларини тушунтиринг.
4. Катта гиперинфляция қандай қилиб турғунликка олиб келиши мумкинлигини тушунтиринг.
5. Кредитни нима зарур қилиб қўяди? Кредит тушунчасининг мазмунини баён қилинг.
6. Кредитнинг асосий турларини санаб кўрсатинг ва уларнинг тавсифини беринг. Кредит қандай вазифаларни бажаради?
7. Марказий ва тижорат банкларининг вазифаларини кўрсатинг.

XXII БОБ. Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг иқтисодий роли

Барча иқтисодий тизимларда давлат ва бозор тизими маълум ўринни тутиб, ҳар бири мустақил амал қилади. Шу билан бирга дунёдаги турли хил иқтисодий тизимлар бир-биридан иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлат ва бозор ролининг нисбати бўйича кескин фарқланади. Масалан, бир иқтисодий тизим кўпроқ давлат томонидан бошқаришга таянса, бошқаси бозор механизми орқали тартиблашга устунлик беради. Иқтисодиётни тартиблашда бозор механизмининг роли V бобда қараб чиқилган эди. Биз бу бобда бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг ролини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Дастлаб давлатнинг миллий иқтисодиётдаги роли қараб чиқилади, кейин унинг иқтисодий вазифалари тавсифи берилади.

Боб давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиш усулларини ёритиб бериш билан якунланади.

1-§. Давлатнинг бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги роли ва вазифалари ҳақидаги назария ва қарашлар

Миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги кўп омилли кўрсаткич бўлиб, бунда самарадорликнинг эришилган даражаси кўп жиҳатдан иқтисодиётдаги давлат ёки бозор тизимининг тутган ролига боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки анча юқори самарадорликка, биринчидан, бозорнинг тартибга солиш усуллари орқали; иккинчидан, иқтисодиётни фақатгина ягона марказдан онгли равишда марказлашган бошқариш йўли билан; учинчидан, иқтисодий жараёнда давлатнинг аралашуви ва бозор механизмларини уйғунлаштириш орқали эришилади. Ҳозирги даврда Республикамизнинг миллий иқтисодиётини ривожи учун кўпроқ учинчи йўл хусусиятли ҳисобланади.

Иқтисодий тафаккур тарихидан биринчи марта давлатнинг иқтисодиётдаги ролини чеклаш ва уни тартиблашда бозор механизмидан фойдаланиш масаласи А. Смит томонидан илмий асосда кўриб чиқилган. Унинг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабабаларини тадқиқ қилиш ҳақида» (1776 йил) деган китобида бозор усуллари орқ

ли иқтисодиётнинг ўз-ўзини тартибга солишнинг зарурлиги таъкидлаб ўтилган. А.Смитнинг фикрича хусусий товар ишлаб чиқарувчилар бозори давлат назоаратидан тўлиқ озод бўлиши зарур. Ана шундагина ишлаб чиқарувчилар истеъмолчилар талабига мос равишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имконига эга бўлади. Бунда бозор воситасида тартибга солиш, ҳар қандай четдан аралашишларсиз ишлаб чиқарувчиларни бутун жамият манфаатлари учун ҳаракат килишга мажбур қилади.

А. Смит давлатнинг иқтисодий жараёнларига ҳар қандай аралашуви охир-оқибатда фақат вазиятни ёмонлаштиради деб ҳисоблайди. Масалан, давлат томонидан белгиланган ташқи савдо тартиб-қоидалари миллий истеъмолчиларга фақат зарар келтириши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам импортга бож тўлови (пошлинаси) миллий ишлаб чиқарувчиларга устунлик бериб, уларнинг чет эл шерикларига нисбатан рақобатлашув қобилиятини оширади. Аммо бу охир-оқибатда ишлаб чиқаришнинг анча юқори харажатлари ва паст сифатини сақлаб қолишига олиб келади. Бунда паст сифатли ва нархи қиммат товарларни сотиб олишга мажбур бўлган миллий истеъмолчилар ютқазади.

А.Смитнинг «Тинч қўйиш» назарияси, 1923-33 йилларда бозор иқтисодиётига асосланган деярли барча мамлакатларни қамраб олган иқтисодий инқироз даврида танқидга учради. Иқтисодий таназзул ва оммавий ишсизлик давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувини кучайтиришни тақозо қилди.

Давлатни иқтисодиётдаги ролини ошириш масаласи Джон М. Кейнснинг «Иш билан бандлилик, процент ва пулнинг умумий назариялари» номли китобида ўз аксини топди (1936). Бу китобда муаллиф давлат фискал (хазинавий) ва кредитли тартибга солиш воситаларидан фойдаланиб, жамиятнинг ялпи талабини рағбатлантиришни ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаши зарурлигини исботлайди.

Амалда гап давлатнинг узлуксиз равишда кризисга қарши сиёсат ўтказиши, иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини тугатиш ва саноат циклининг ўзгаришини йўқотиш ҳақида кетади. Кейнс назарияси анча тугал шаклда АҚШда амалга оширилди.

Урушдан кейинги даврда Кейнс назариясидаги кўрсатмалар у ёки бу даражада бозор иқтисоди амалда устун бўлган барча мамлакатларда фойдаланилади. Шу билан бирга давлатнинг иқтисодиётдаги ролининг янада кўпроқ ошиб бориши рўй берди. Ҳозирги даврда давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим мақсади сифатида нафақат циклга қарши тартибга солиш ва иш билан бандлиликни

таъминлаш, балки иқтисодий ўсишнинг юқори даражасини ва яхлит такрор ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштиришни рағбатлантириш тан олинади.

Бозор иқтисодиётига шароитида давлатнинг миллий иқтисодиётга аралашувини нима белгилаб беради? — деган савол туғилиши табиий.

Биринчидан, давлат ўзига миллий иқтисодиётда бозор воситасида ўз-ўзини тартибга солиш орқали бажариш мумкин бўлмаган ёки самарали бажариш мумкин бўлмаган вазифаларни олади. Бунга мудофаани таъминлаш, мамлакатда ички тартибни сақлаш ва аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Иккинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида ҳусусий ишлаб чиқариш ва истеъмол бир қатор ижобий ва салбий оқибатларни туғдиради. Бу оқибатлар бевосита учинчи шахс манфаатида акс этади ва демак, кишиларнинг алоҳида гуруҳи ва умуман жамият манфаатига таъсир қилади. Масалан, чиқитли технологияга асосланган ишлаб чиқаришларда тозалаш қурилмаларига харажатларни тежаш, хусусий ишлаб чиқарувчилар нуқтаи назаридан (у ёки бу компания ёки индивидуал ишлаб чиқаришга) фойдали, атроф-муҳитни ифлосланишига олиб келиши эса бошқа кишилар учун қўшимча салбий оқибатга эга.

Давлат якка тадбиркор ёки истемолчидан фарқли, жамият манфаатини ифодалаб, қўшимча ижобий самарани рағбатлантиришга ва аксинча салбий самара билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиши ва чеклашга ҳаракат қилиши зарур.

Учинчидан, давлатнинг иқтисодий жараёнларига аралашуви шу сабабли рўй берадики, индивидуал истемолчилар ҳамма вақт у ёки бу товарни истеъмол қилишнинг оқибатларини объектив баҳолай олмайди. Шу нуқтаи назардан, давлат фойдали истеъмолни кенгайтириш ва аксинча соғлиқ учун зарар товарлар истеъмолини чеклаш вазифасини ўз зиммасига олади. Масалан, давлат тамаки маҳсулотларига юқори акциз (эгри) солиғини ўрнатиб, бир томондан ўзининг даромадини оширса, бошқа томондан шу маҳсулотни сотиб олиш талабини чеклайди.

Тўртинчидан, давлат ўз зиммасига бозорнинг табиатидан келиб чиқадиган айрим ҳолатларни қисман енгиллаштириш вазифасини олади. Бозор ҳамма учун тўловга қобил талабини қондиришга тенг имкониятни таъминлайди. Аммо бу бозорнинг миллий бойликни ижтимоий адолатли тақсимлашни таъминлашини билдирмайди. Бундай шароитда давлат аҳолининг кам таъминланган қатламининг тур-

мин даражаси ҳақида ғамхўрлик қилиши, пулсиз (ёки имтиёзли) билим бериш, тиббий хизмат кўрсатиш ва шу кабиларни ўз зиммасига олади.

Бешинчидан, ҳозирги шароитда иқтисодий ўсишнинг барқарор изчиллигини рағбатлантириш вазифаси ҳам давлатнинг зиммасига тушади.

2-§. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, унинг мақсади ва вазифалари

Бозор хўжалиги шароитида иқтиёсодиётни давлат томонидан тартибга солиш қонунчилик, ижро этиш ва назорат қилиш хусусиятидаги тадбирлар тизимидан иборат бўлади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш (ИДТТС) нинг объектив имконияти иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш ва капитал тўпланиши маълум даражага эришганда вужудга келади. Иқтисодий ривожланишда қийинчиликлар ўсиб ва зиддиятлар тўпланиб бориши бу имкониятларни ҳақиқатга айлантиришни зарур қилиб қўяди.

Ҳозирги шароитда ИДТТС такрор ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бир қатор вазифаларни ҳал қилишга қаратилади. Булар жумласига иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, бандлиликни тартибга солиш, тармоқ ва минтақавий тузилмалардаги ижобий силжишларни қўллаб-қувватлаш, экспортни ҳимоя қилиш кабиларни киритиш мумкин.

ИДТТС механизми тўғрисидаги тўлароқ тасаввурга эга бўлиши учун унинг мақсади, вазифалари ва тартибга солиш усуллари ҳамда воситаларини тўлароқ тавсифлаш лозим.

ИДТТСнинг асосий мақсади иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мавжуд тузумни мустаҳкамлаш (мамлакат ичида ва халқаро майдонда) ва уни ўзгариб турувчи шароитга мослаштириш ҳисобланади.

Бу асосий мақсаддан бир қатор аниқ мақсадлар келиб чиқади. Улар жумласига, иқтисодий циклни барқарорлаштириш; миллий хўжаликларнинг тармоқ ва минтақавий тузилишини такомиллаштириш; атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш кабиларни киритиш мумкин. ИДТТС мақсади унинг вазифаларида аниқ намоён бўлади. Бозор хўжалиги шароитида давлатнинг иқтисодий вазифалари асосан бозор тизимининг амал қилишини енгиллаштириш ва ҳимоя қилиш мақсадига эга бўлади. Бу соҳадаги давлатнинг иқтисодий вазифаларидан қуйидаги икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Бозор тизимининг самарали амал қилишига имкон туғдирувчи ҳуқуқий асос ва ижтимоий муҳитни таъминлаш;

2. Рақобатни ҳимоя қилиш.

Давлатнинг бошқа вазифалари иқтисодиётни тартибга солишнинг умумий тамойилларидан келиб чиқади. Бу ерда давлатнинг учта вазифаси алоҳида аҳамиятга эга:

1. Даромад ва бойликни қайта тақсимлаш;

2. Ресурсларни қайта тақсимлаш; .

3. Иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни иқтисодий тебранишлар вужудга келтирадиган инфляция ва бандлилик даражаси устидан назорат қилиш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

Давлат бозор иқтисодиётининг самарали амал қилишининг шарт-шароити ҳисобланган ҳуқуқий асосни таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади. Бозор иқтисодиёти учун зарурий, ҳуқуқий асосни қуйидаги тадбирлар тақозо қилади: хусусий корхоналарга қонуний мавқеини бериш; хусусий мулкчилик ҳуқуқини аниқлаш ва шартномаларга амал қилишини кафолатлаш; корхоналар, ресурсларни етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабаталарни тартибга солувчи қонуний битимларни ишлаб чиқиш ва шу кабилар. Ўзбекистон Республикасининг корхоналар, тадбиркорлик ва акционерлик жамиятлари тўғрисидаги қонунлари ҳамда уларга киритилган қўшимча ва тузатишлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича тадбирлари бозор иқтисодиёти учун зарурий, ҳуқуқий асосни таъминлашга қаратилган.

Давлат томонидан ижтимоий муҳитни таъминлаш ўз ичига ички тартибни сақлаш маҳсулот сифати ва оғирлигини ўлчашга андозалар белгилаш товарлар ва хизматлар айирбошлашини енгиллаштириш учун миллий пул тизимини муомалага киритиш кабиларни олади.

Рақобат бозор иқтисодиётида асосий тартибга солувчи механизм бўлиб хизмат қилади. Бу шундай кучки, у харидорлар амрига ёки истеъмолчилар эркинлигига ишлаб чиқарувчи ва ресурсларни етказиб берувчиларни бўйсундиради. Рақобат шароитида кўплаб харидорлар томонидан билдирилган талаб ва сотувчиларнинг таклифи бозор нархларини белгилайди. Бу шуни билдирадики, ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчилар фақат бозор орқали ҳисобга оладиган истеъмолчилар хоҳишига мослашиши мумкин. Бозор тизимининг иродасига бўйсунувчи, рақобатлашувчи ишлаб чиқарувчилар фойда олишни ва ўз мавқеиларининг мустаҳкамлашини кутади, ким бозор қонунларини бузса, зарар кўради ва охир оқибатда синади. Рақобат шароитида харидор — бу хўжайин, бозор уларнинг гумаштаси, корхона эса уларнинг хизматкори ҳисобланади.

Монополия рақобатнинг ўрнини алмаштирганда, сотувчилар бозорга таъсир кўрсатиши ёки ундаги нархларни ўз манфаатларини кўзлаб ўзгартириши мумкин. Монополиялар ўзларининг таклифларини умумий ҳажмини тартибга солиш лаёқатидан фойдаланиб, маҳсулот ҳажмини сунъий чеклаш орқали уларга анча юқори нарх белгилаш ва шу орқали анча барқарор фойда олиши мумкин.

Бозор муносабатлари ривожланган шароитда монополиялар устидан икки усулда назорат ўрнатилади. Биринчи усулда, технология ва иқтисодий шароитлар «рақобатли бозор мавжуд бўлиш имкониятини йўққа чиқарадиган табиий монополиялар деб номладиган тармоқларда давлат нархларини тартибга солади ва кўрсатиладиган хизматларга андозаларни ўрнатади. Транспорт, алоқа, электр қуввати ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий фойдаланишдаги корхоналар маълум даражада шундай тартибга солинади. Иккинчи усулда, самарали ишлаб чиқариш жуда кўпчилик бозорларда рақобат ривожининг жуда юқори даражасида таъминланиши сабабли давлат рақобатини кучайтириш ва ҳимоя қилиш мақсадида монополияларга қарши қонунлар қабул қилади.

Бизнинг Республикада ҳам монопол фаолиятни чеклаш, товарлар бозорида рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ва тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинган.

Бозор тизими кишиларнинг табиий қобилияти, орттирган билими ва малакаси ҳамда мулкка эгалигини ҳисобга олиб, уларнинг юқори даромад олишини таъминлайди. Шу билан бирга жамиятнинг моддий воситаларга эга бўлмаган, билим ва малака даражаси паст, лаёқати ҳам юқори бўлмаган аъзолари, қариялар, ногиронлар, ишсизлар ёлғиз ва қарамоғида болалари бўлган аёллар жуда кам даромад олади ёки бозор тизими доирасида ишсизлар каби умуман даромадга эга бўлмайди. Қисқаси, бозор тизими пул даромадларини ва миллий маҳсулотни жамият аъзолари ўртасида тақсимлашда бирмунча тенгсизликларни келтириб чиқаради. Шу сабабли давлат ўз зиммасига даромадлар тенгсизлигини камайтириш вазифасини олади. Бу вазифа бир қатор тадбир ва дастурларда ўз ифодасини топади.

Биринчидан, трансферт тўловлари орқаси муҳтожларни, ногиронларни ва бировнинг қарамоғида бўлганларни нафақалар ҳамда ишсизларни ишсизлик нафақалари билан таъминлайди. Ижтимоий таъминот дастурлари орқали пенсионерлар ва қарияларга молиявий ёрдам кўрсатилади.

Бу барча дастурлар давлат бюджети маблағларини, жамиятнинг кам даромад олган ёки умуман даромадга эга бўлмаган аъзолари ҳисобига қайта тақсимлайди.

Иккинчидан, давлат бозорни тартибга солиш йўли билан, яъни талаб ва таклиф таъсирида ўрнатиладиган нархларни ўзгартириш йўли билан ҳам даромадларнинг тақсимланишига таъсир кўрсатади. Меъёрдаги озиқ-овқат товарларига ўрнатиладиган имтиёзли нархлар ва иш ҳақининг энг кам (минимал) даражаси ҳақидаги қонунчилик давлатнинг, аҳолининг маълум қатлами даромадларини оширишга қаратилган тадбирларининг яна бир мисолидир.

Давлат жамият аъзолари ўртасида даромадларни қайта тақсимлашда солиқ тизимидан ҳам кенг фойдаланади (солиқ имтиёзлари орқали).

Бозор механизмининг ресурсларни қайта тақсимлашдаги лаёқатсизлиги икки ҳолатда кўринади, яъни рақобатли бозор тизими: 1) маълум товарлар ва хизматларнинг кам миқдорини ишлаб чиқаради; 2) ишлаб чиқариши ўзини оқлаган айрим товарлар ва хизматларга ресурсларнинг ҳар қандай турини ажратиш ҳолатида бўлмайди.

Ресурсларнинг қайта тақсимланиши товарларни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш билан боғлиқ фойда ёки зарар, учинчи томонга, яъни бевосита харидор ёки сотувчи ҳисобланмаганлар томонга «жойини ўзгартирса» вужудга келади. Бу қўшимча самара деб аталади, чунки у бозор қатнашчиси ҳисобланмаганлар хиссасига тўғри келувчи фойда ёки зарарни ифодалайди. Бунга атроф-муҳитнинг ифлосланишини мисол қилиб келтириш мумкин. Кимё корхонаси ўзларининг саноат чиқитларини кўл ёки дарёга оқизса, бу чўмилувчилар, балиқчилар ва атрофдаги аҳолига зарар келтиради.

Ишлаб чиқарувчи эса муҳофаза иншоот ва ускуналар ўрнатмаганлиги ҳисобига ишлаб чикариш харажатларининг анча паст даражасини таъминлайди. Давлат ресурсларининг номутаносиб тақсимланиши вужудга келтирадиган бу ҳолатларни тартибга солиш учун қонунчилик тадбирларини қўллайди ёки махсус солиқ ва жарималардан фойдаланади.

Масалан, атроф-муҳит ва сув ҳавзаларининг ифлосланишини тақиқловчи ёки чекловчи қонунлар, ишлаб чиқарувчиларни ўзларининг саноат чиқитларини ишлаб чиқариш жараёнида ифлосланган сувни тозаловчи қурилмалар сотиб олиш ва ўрнатиш билан йўқотишга мажбур қилади.

Бошқа ҳолда давлат махсус солиқларни киритиш ёрдамида, атроф-муҳитни ифлослантирувни корхоналарга бошқаларга келтириши мумкин бўлган зарарни юклашга ҳаракат қилади.

Давлат бир қатор йўллар билан ресурсларнинг номутаносиб тақсимланиши келтириб чиқарадиган оқибатларни юмшатишга ҳам ҳаракат қилади.

Биринчидан, истеъмолчиларнинг аниқ товар ва хизматларни харид қилиш қобилиятини ошириш йўли билан уларнинг талаби кенгайтирилди. Маласан, бизнинг Республикамизда ислоҳотларнинг дастлабки даврида озиқ-овқат маҳсулотларига талон тизими жорий этилиши паст даромадли оилаларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини оширади ва шу орқали ресурсларнинг номутаносиб тақсимланишини бартараф қилади.

Иккинчидан, давлат таклифни ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни субсидиялаши мумкин. Субсидиялар ишлаб чиқарувчиларнинг зарарларини қисқартиради ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ресурсларнинг етишмаслиги бартараф қиланади.

Учинчидан, давлат айрим товарлар ва ижтиомий неъматларни ишлаб чиқарувчиси сифатида чиқади. Бундай тармоқлар давлат мулкчилигига асосланади ва давлат томонидан бевосита бошқарилади ёки уларни молиялаштиришни давлат ўз зиммасига олади.

Булар фан, таълим, солиқни сақлаш, миллий мудофаа, фавқулодда рўй берадиган табиий ҳодисаларга қарши кураш, ички тартибни сақлаш шулар жумласидандир.

Давлат бюджет маблағлари ҳисобига ресурсларни хусусий соҳада қўлланилишдан бўшатади, ҳамда уларни ижтимоий неъмат ва хизматлар ишлаб чиқаришга йўналтириш мумкин. Шундай қилиб, давлат мамлакат миллий маҳсулоти таркибида муҳим ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида ресурсларни қайта тақсимлайди.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни иқтисодиётнинг барча соҳаларини ресурслар билан таъминлаш, тўлиқ бандлилик ва нархларнинг барқарор даражасига эришишда ёрдам бериш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш давлатнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Иқтисодиётда тўлиқ бандлиликни таъминлаш учун умумий сарфлар, яъни хусусий ва давлат сарфларининг ҳажми етарли бўлмаса, давлат бир томондан ижтимоий неъматлар ва хизматларга ўз харажатларини кўпайтиради, бошқа томондан хусусий секторнинг сарфларини рағбатлантириш мақсадида солиқларни қисқартиради.

Агар жами сарфлар тўлиқ бандлилик шароитида таклиф ҳажмидан ошиб кетса, бу нархлар даражасининг кўтарилишига олиб келади. Жами сарфларнинг мазкур ортиқча даражаси инфляцион хусусият касб этади. Бундай ҳолда давлат солиқларни ошириш орқали хусусий сектор сарфларини қисқартириш ва шу йўл билан ортиқча сарфларни тугатишга ҳаракат қилади. Иқтисодиётда ишсизлик мав-

жуд бўлганда давлат сарфларининг кўпайиши жами сарфлар, ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлиликнинг ўсишига олиб келади. Ўз навбатида, солиқларнинг қисқариши ёки трансферт тўловларининг кўпайиши даромадларни кўпайтиради. Бу даромадлар шахсий сарфларнинг ўсишини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Давлат ўз ишлаб чиқаришини молиялаштиришдан ташқари ижтиомий суғурта ва ижтимоий таъминотнинг бир қатор дастурларини амалга оширади, иқтисодиётнинг хусусий ва кооператив секторида даромадларни қайта тақсимлайди. Давлат тартибга солувчи хусусиятга эга бўлган бир қатор вазиятларни ҳам амалга оширади. Буларга атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, аҳоли соғлигини сақлаш, бўш ишчи ўринларига эга бўлишнинг тенг шароитини таъминлаш ва маълум соҳаларда нарх белгилаш амалиёти устидан назорат қилиш ва шу кабиларни киритиш мумкин.

3-§. Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиш усуллари ва воситалари

Давлат миллий иқтисодиётни тартибга солишда бир қатор усуллардан фойдаланади. Бу усулларни умумлаштириб қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

— бевосита таъсир қилиш усуллари;
— билвосита таъсир қилиш усуллари;
— ташқи иқтисодий усуллар.

Марказдан бошқариш тартиби устун бўлган мамлакатларда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувида бевосита таъсир қилиш усуллари устун бўлса, бозор иқтиодиёти эса биринчи навбатда иқтисодий жараёнларни билвосита тартибга солиш билан боғланган. Шу билан бирга барча мамлакатларда иқтисодиётнинг давлат сектори мавжуд. Давлат хилма-хил шаклдаги капиталга эгалик қилади, кредитлар беради, корхоналарга мулкдор ҳисобланади. Бу давлатнинг ижтимоий капиталнинг бир қисмига эгалик қилишига олиб келади.

Давлат иқтисодиётни бевосита тартибга солишда маъмурий воситалардан фойдаланилади. Маъмурий воситалар давлат ҳокимияти кучига таянади ва тақиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш хусусиятидаги тадбирларни ўз ичига олади.

Тартибга солишнинг маъмурий воситаларидан фойдаланилганда яхлит такрор ишлаб чиқариш жараёни ёки унинг алоҳида томонларини тўғридан-тўғри тартибга солиш кўзда тутилади. Айниқса, ишлаб чиқариш таназзулга учраган даврда иқтисодиётга билвосита таъсир қилиш тадбирлари кам самарали бўлиб, маъмурий воситалар

дан фойдаланишга устунлик берилади. Бу усуллардан қуйидагиларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

а) иқтисодиётнинг айрим бўғинлари — транспорт, алоқа, атом ва электр-энергетика, коммунал хизмат ва бошқаларни бевосита бошқариш. Бунда давлат мулк соҳиби ва тадбиркор сифатида ўзига қарашли корхона ва ташкилотлар иқтисодий ҳаётида фаол қатнашади. Давлат тадбиркорлиги, маълум доирада амал қилиб, кўпинча технология шароити хусусий капитал учун қулай бўлмаган корхоналар доираси билан чекланади. Давлат тадбиркорлиги бир томондан, маълум шароитларда иқтисодий ўсиш учун зарур бўлса, иккинчи томондан, вақт ўтиши билан самарасиз бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда улар хусусий тадбиркорлик объектига айлантирилади.

Республикада «Иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа — энг аввало, давлатнинг бошқарувчилик вазифаларини-функцияларини қисқартириш унинг корхоналар хўжалик фаолиятига биринчи галда хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш»[1] ҳисобланади.

б) нархлар ва иш ҳақини қотириб қўйиш сиёсати:

бу иқтисодиётга аралашишнинг антиинфляцион тадбирлари ҳисобланиб, инфляцияни юмшатишга қаратилади. Мазкур сиёсатни юритишда нархлар ва иш ҳақини ошириш қонун билан тақиқланди ёки маълум доира билан чекланади. Антиинфляцион тадбирлар орқали инфляция даражасининг пасайиши инвестицияларга рағбат беради.

в) иш билан бандлилик хизмати фаолияти (меҳнат биржалари) ни ташкил қилиш:

давлат бу фаолиятни ташкил қилиш билан ишсизликни қисқартириш чораларини кўради. Уларни зарур касбларга қайта тайёрлайди, иш билан таъминланмаганларга нафақа беради, муҳтожларга ёрдам кўрсатади.

г) иқтисодий соҳани тартибга солишни кўзда тутувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш (монополияга қарши қонунчилик, тадбиркорлик тўғрисидаги, банк соҳалари, қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини тартибга солишни кўзда тутувчи қонунлар).

Шу орқали бозор муносабатларининг ривожланиши қонун йўли билан кафолатланади, турли мулк шаклларининг дахлсизлиги таъминланади, монополияларга йўл берилмайди ва эркин рақобатга

---

[1] Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001. 62-бет.

шароит яратилади. Иқтисодиётни билвосита тартибга солишда иқтисодий дастак ва воситаларга устунлик берилади. У давлатнинг пул-кредит ва бюджет сиёсатида ўз ифодасини топади.

Пул-кредит сиёсатининг асосий воситалари қуйидагилардан иборат бўлади:

— ҳисоб ставкасини тартибга солиш;

— молия-кредит муассасалаларининг марказий банкдаги захиралари минимал ҳажмини ўрнатиш ва ўзгартириш;

— давлат муассасаларининг қимматли қоғозлар бозоридаги операциялари (давлат мажбуриятларини чиқариш, уларни сотиш ва тўлаш).

Давлат бу дастаклар ёрдамида молия бозорида талаб ва таклиф нисбатини кутилган йўналишда ўзгартиришга ҳаракат қилади. Жумладан, ссудага бериладиган пул миқдорини ўзгартириш учун фоиз ставкаси воситасидан фойдаланади. Давлат кредитга бўлган талаб ва таклифни марказий банк орқали қуйидаги йўллар билан ўзгартиради:

Биринчидан, давлат марказий банк эҳтиётлари орқали банклар маблағларининг қарзга бериладиган ва захира (резерв)да турадиган қисмлари улушини ўзгартиради. Натижада қарзга бериладиган пул миқдори ўзгаради, яъни унинг таклифи ошса фоиз камаяди, аксинча, у камайса фоиз ошади. Фоизнинг камайиши кредит олишга интилишни кучайтиради ва бу инвестиция фаоллиги орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Иккинчидан, Марказий банк бошқа банкларга паст фоиз ставкасида қарз бериб, уларнинг кредитлаш ишида фаол қатнашиб, иқтисодий ўсишига таъсир қилишини таъминлайди.

Учинчидан, давлат марказий банк орқали хазина мажбуриятларини тарқатади, ўз облигацияларини сотади ёки қимматли қоғозларини сотиб олади. Натижада таклиф этилган пул миқдори ўзгариб, бу фоизга таъсир этади. Давлатнинг пулга бўлган талаб ва таклифини ўзгартириш борасидаги сиёсати монетар сиёсат деб юритилади.

Давлат бюджет сиёсати унинг даромадлар ва ҳаражатлар қисмини ўзгартиришга қаратилади. Давлат ҳаражатларини қоплаш учун молиявий маблағларни жалб қилишнинг энг асосий дастаги солиқлар ҳисобланади. Улардан хўжалик субъектлари фаолиятига ва ижтимоий барқарорликга таъсир кўрсатишда ҳам кенг фойдаланилади.

Солиқлар ёрдамида давлат томонидан тартибга солиш танланган солиқ тизимига, солиқ ставкаси даражасига ҳамда солиқ турлари ва солиқ тўлашда берилган имтиёзларга боғлиқ бўлади.

Давлат иқтисодиётни тартибга солиш воситаси сифатида бюджет харажатларидан ҳам фойдаланади. Бунга биринчи навбатда, давлат

кредитлари, субсидиялари ва кафолатлари ҳамда хусусий сектордан товарларни сотиб олишга қилинадиган сарфлар мисол бўлади.

ИДТТСда асосий капиталга ҳисобланадиган жадаллашган амортизация ажратмалари алохида рол ўйнайди. У ҳозирги шароитда жамғариш ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни рағбатлантиришнинг асосий воситаси ҳамда иқтисодий цикл ва бандлиликка таъсир кўрсатувчи муҳим дастак ҳисобланади.

Иқтисодиётни тартибга солишда давлат капитал қўйилмалари муҳим рол ўйнайди. Жумладан, бозор конъюктураси ёмонлашган, турғунлик ёки инқироз шароитида хусусий капитал қўйилмалар қисқаради, давлат инвестициялари эса одатда ўсади. Шу орқали давлат ишлаб чиқаришда таназзул ва ишсизликнинг ўсишига қарши туришга ҳаракат қилади.

Давлат капитал қийматлари иқтисодиёт таркибий тузилишидаги ўзгаришларда ҳам сезиларли ўринга эга бўлади, масалан, давлат хусусий капиталининг оқиб келиши етарли бўлмаган минтақалар, тармоқлар ёки фаолият соҳаларида янги объектлар қуриш ва эскиларини қайта қуроллантириш орқали иқтисодиёт таркибий тузилишига таъсир кўрсатади. Булардан ташқари давлат капитал қўйилмалари илмий-тадқиқот ишларида, кадрлар тайёрлашда, ташқи савдо ва четга капитал чиқаришда ҳам катта рол ўйнайди.

ИДТТСнинг олий шакли давлат иқтисодий дастурлари ҳисобланади. Унинг вазифаси тартибга солишнинг барча усули ва воситаларидан комплекс фойдаланишдан иборат. Иқтисодий дастурлар ўрта муддатли, фавқулодли ва мақсадли бўлиши мумкин. Ўрта муддатли умумиқтисодий дастурлар одатда беш йилга тузилади. Фавқулодли дастурлар тиғиз вазиятларда, масалан, инқироз, оммавий ишсизлик ва кучли инфляция шароитларида ишлаб чиқилиб, қисқа муддатли хусусиятга эга бўлади. Бундай мақсадли дастурларнинг объекти тармоқлар, минтақалар, ижтимоий соҳалар ва илмий тадқиқотларнинг ҳар хил йўналишлари бўлиши мумкин.

ИДТТС ташқи иқтисодий усуллар ёрдамида ҳам амалга оширилади. Бунда махсус восита ва дастаклар орқали мамлакатнинг ташқи дунё билан амалга ошириладиган хўжалик алоқаларига бевосита таъсир кўрсатилади.

Товарлар, хизматлар, капитал ва фан-техника ютуқлари экспортини рағбатлантириш тадбирлари, экспортни кредитлаш, чет эллардан инвестициялар ва экспорт кредитларини кафолатлаш, ташқи иқтисодий алоқаларга чеклашлар киритиш ёки бекор қилиш, ташқи савдода бож тўловларини ўзгартириш, мамлакат иқтисодиётига чет эл капиталини жалб қилиш ёки чеклаш бўйича тадбирлар,

мамлакатга четдан ишчи кучини жалб қилиш, халқаро иқтисодий ташкилотларда ва давлатлараро уюшмаларда қатнашиш мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга солишнинг асосий воситаларидир.

Шундай қилиб, ИДТТСнинг қараб чикилган барча ички ва ташқи иқтисодий усуллари (восита ва дастаклари) биргаликда миллий иқтисодиётдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнига ва мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига ўз таъсирини кўрсатади.

Асосий таянч тушунчалар

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш (ИДТТС) мақсади — иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий тизимни мустаҳкамлаш ва уни ўзгариб турувчи шароитга мослаштиришга қаратилади.

Давлатнинг иқтисодий вазифалари — иқтисодий тизимнинг амал қилишига шарт-шароит яратиш ва иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлардан иборат бўлади.

ИДТТС усуллари — тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситалари бирлиги.

Бевосита усуллар — иқтисодиётни тартибга солишнинг таъқиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш хусусиятидаги маъмурий воситалари.

Билвосита усуллар — иқтисодиётни тартибга солишнинг иқтисодий восита ва дастаклари.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Давлатнинг иқтисодиётдаги ролига турлича қарашларини баҳоланг.

2. Давлат асосий иқтисодий вазифаларини санаб чиқинг ва уларнинг қисқача тавсифини беринг.

3. Бозор иқтисодёти шароитида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлигини нима тақазо қилади? Тартибга солиш ўз олдига қандай мақсад ва вазифаларни қўяди?

4. ИДТТСнинг бевосита ва билвосита усулларига тавсиф беринг. Тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситаларини санаб кўрсатинг.

5. ИДТТСда давлат сектори қандай рол ўйнайди? Давлат иқтисодий дастурлари қандай амалга оширилади?

XXIII БОБ. Аҳоли даромадлари ва давлатнинг ижтимоий сиёсати

Бу бобни аҳоли даромадларининг иқтисодий мазмуни, турларини баён қилиш ҳамда унинг даражасини белгилаб берувчи асосий омилларни қисқача тавсифлаш билан бошлаймиз. Кейин бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар тенгсизлигини асосий сабабларини кўриб чиқамиз. Даромадлар тенгсизлиги ҳисобига вилдирилган фикрларни таҳлили қилиб, тенгсизлик ва самарадорлик ўртасидаги нисбатни кўрсатиб берамиз. Мавзуни камбағаллик муаммоси давлатнинг даромадларни ушлаб туриш дастурларини қараб чиқиш билан якунлаймиз.

1-§. Аҳоли даромадлари ва унинг таркиби. Аҳоли турмуш даражаси ва унинг кўрсаткичлари

Аҳоли даромадлари дейилганда уларнинг маълум вақт оралигида (масалан, бир йилда) пул ва натурал шаклда олган даромадлари миқдори тушунилади.

Аҳоли истеъмол даражаси тўғридан-тўғри уларнинг даромадлари даражасига боғлиқ бўладики, бу даромадларнинг аҳоли турмуш даражасидаги ролини белгилаб беради.

Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, капиталдан фоиз, девиденд, рента шаклда олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади.

Натурал даромад меҳнат ҳақи ҳисобига олинадиган ва уй хўжаликларининг ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарган маҳсулотлардан иборат бўлади.

Жамият аъзолари даромадлари даражаси улар турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб, шу билан бирга алоҳида шахсларнинг дам олиши, билим олиши, соғлигини сақлаши, энг

зарур эҳтиёжларини қондириши имкониятларини белгилаб беради. Аҳоли даромадлари даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар орасида иш ҳақидан ташқари чакана нарх динамикаси, истеъмолчилик бозорининг товарлар билан тўйинганлик даражаси кабилар муҳим ўрин тутади.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «Мустақиллик йилларида одамларимизнинг тафаккури, дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгаради. Турмуш даражаси, оиласининг фаровонлиги, энг аввало, ўзига боғлиқ эканлигини тушуниб етаётган одамлар тобора кўпайиб бормоқда»[1].

Аҳоли даромадлари даражасига баҳо бериш учун номинал, ихтиёрида бўлган ва реал даромад тушунчаларидан фойдаланилади. Номинал даромад — аҳоли томонидан маълум вақт оралиғида олинган пул даромадлари миқдори ҳисобланади.

Реал даромад — аҳоли номинал даромадларининг товар ва хизматларни сотиб олиш лаёқати. Реал даромадга номинал даромад суммасидан ташқари нарх даражаси, солиқлар ва бошқа омиллар таъсир қилади.

Аҳолининг номинал пул даромадлари турли манбалар ҳисобига шаклланиб, улардан асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

а)ишлаб чиқариш омилларига олинадиган даромад;

б)давлат ёрдам дастурлари бўйича тўлов ва имтиёзлар шаклидаги пул тушумлари;

в)молия-кредит тизими орқали олинадиган пул даромадлари.

Республикамизда 2000 йилда аҳоли пул даромадлари 1999 йилга нисбатан 157,7 фоизга, ойлик номинал иш ҳақи эса 148,7 фоизга ўсган.

Аҳолининг ёлланиб ишловчи қисми олинадиган даромадларнинг асосий қисмини иш ҳақи ташкил қилади. Даромаднинг бу тури истиқболда ҳам пул даромадлари умумий ҳажмининг шаклланишида ўзининг етакчи ролини сақлаб қолади.

Аҳоли пул даромадлари даражасига давлат ёрдам дастурлари бўйича тўловлар сезиларли таъсир кўрсатади. Бу манбалар ҳисобига пенсия таъминоти амалга оширилади ва турли хил нафақалар тўланади.

Аҳолининг молия-кредит тизими орқали олинадиган пул даромадлари қуйидагилардан иборат: давлат суғуртаси бўйича тўловлар; шахсий уй қурилишига ва матлубот жамияти аъзоларига банк ссу-

---

[1] *Каримов И.А.* Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 2 февраль.

далари; жамғарма банкига қўйилмалар бўйича фоизлар; акция, облигация баҳосининг кўпайишидан олинадиган даромад ва заём бўйича тўловлар; лотерея бўйича ютуқлар; товарларни кредитга сотиб олиш натижасида ташкил топадиган, вақтинча бўш маблағлар; ҳар хил турдаги компенсация тўловлар ва ҳ.к.

Республикада аҳолининг пул даромадлари шаклланиш манбалари бўйича қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

17-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли пул даромадларининг таркиби ва унинг ўзгариши (2000 й.)[1]

Пул даромадлари	2000 й.		1999 йилга нисбатан % ҳисобида
	млрд. сўм	%	
Барча пул даромадлари	2373,4	100,0	157,7
Шу жумладан: иш ҳақи	670,9	28,3	139,3
қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган даромадлар	619,7	26,1	158,9
Ижтимоий трансфертлар	353,7	14,9	170,8
Мулкдан, тадбиркорликдан олинган даромад ва бошқа даромадлар	729,1	30,7	170,9

Аҳоли турмуш даражаси тушунчасини уларнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиши даражаси сифатида аниқлаш мумкин.

Кишилар ҳаёт фаолияти учун зарур неъматлар тўплами меҳнат шароити, таълим, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва уй-жой сифати каби хилма-хил эҳтиёжларни ўз ичига олади. Кишилар эҳтиёжларини қондириш даражаси жамият аъзоларининг алоҳида олган ва оилавий даромадлари даражасига боғлиқ. Турмуш даражасини мамлакат даражасида (бутун аҳоли учун) ва табақалашган микро даражада (аҳолининг алоҳида гуруҳи учун) қараб чиқиш мумкин. Биринчи сидашув турли мамлакатларда аҳолининг турмуш даражасини аҳоли жон бошига тўғри келадиган ички миллий маҳсулот кўрсаткичи бўйича аниқлаб, қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

[1] Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари.

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ кўрсаткичининг ўсиш суръатлари 1997 йилда — 3,3; 1998 йилда — 2,6; 1999 йилда — 2,8; ва 2000 йилда — 2,5 фоизни ташкил қилган.

Аҳоли гуруҳлари бўйича даромадлар тақсимланиши динамикасини таққослаш, истеъмолчилик бюджет асосида амалга оширилади. Қатор истеъмолчилик бюджетлари мавжуд бўлади: ўртача оила учун, юқори даражада мўл-кўл бюджет, минимал моддий таъминланганлар бюджети, нафақахўрлар ва аҳоли бошқа ижтимоий гуруҳлар бюджети шулар жумласидандир.

Фаровонликнинг энг қуйи чегарасини оила даромадининг шундай чегараси билан белгилаш мумкинки, ундан кейин ишчи кучини такрор ҳосил қилишни таъминлаб бўлмайди. Бу даража моддий таъминланганлик минимум ёки кун кечириш даражаси (қашшоқликнинг бошланиши) сифатида чиқади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўртача даромад «ўртача синф» деб аталадиган табақалар даромадлари бўйича аниқланади. Бундай гуруҳ истеъмолчилик савати тўпламига уй, автомашина, дала ҳовли (дача), замонавий уй жиҳозлар, сайр қилиш ва болаларини ўқитиш имконияти, қимматли қоғозлар ва зебу зийнатлар киради.

Бозор иқтисодиёти аҳолининг юқори таъминланган ёки "бой" қатлами мавжуд бўлишини тақозо қилиб, уларга аҳолининг юқори сифатли товар (ва хизмат)лар харид қилишга лаёқатли бўлган жуда оз қатлами киради. АҚШда аҳоли бу қисмининг шахсий имконияти 8-10 млн. доллар баҳоланади.

2-§. Даромадлар тенгсизлиги ва унинг даражасини аниқлаш

Дунёдаги барча мамлакатлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадлар даражаси билан бир-биридан кескин фарқланади. Бу турли мамлакатлар аҳолисининг даромадлари даражаси ўртасида тенгсизлик мавжудлигини билдиради. Шу билан бирга алоҳида олинган мамлакатлар аҳолисининг турли қатлам ва гуруҳлари ўртача даромадлари даражасида ҳам фарқ мавжуд бўлади. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши даражаси ҳам даромадларидаги фарқларни бартараф қилмайди.

Ўз-ўзидан аниқки, иқтисодий ўсиш даромадларнинг кўпайишига олиб келади. Бунда бутун аҳоли даромадлари мутлоқ миқдорда аста-секин ўсиб боради. Даромадларнинг мутлоқ миқдори кўпайиб борса-да, ҳар доим ҳам даромадлар тенгсизлиги даражасига таъсир кўрсатмаслиги мумкин.

Даромадлар тенгсизлиги даражасини миқдорий аниқлаш учун жаҳон амалиётида Лоренц эгри чизиғидан фойдаланилади (21-чи

ма) "Оилалар улуши" ётиқ чизиқда, "даромадлар улуши" эса тик чизиқда жойлашган. Назарий жиҳатдан даромадларнинг мутлоқ тенг тақсимланиши имконияти (бурчакни тенг иккига бўлувчи чизиқда ифодаланган) оилаларнинг ҳар қандай тегишли фоизи даромадларнинг мос келувчи фоизини олишни кўрсатади. 20 фоиз оилалар барча даромадларнинг 20 фоизини, 40 фоиз 40 фоизини, 60 фоизи 60 фоиз даромадларни олишини билдиради ва ҳ.к.

Мутлоқ тенгликни ифодаловчи чизиқ ва Лоренц эгри чизиғи ўртасидаги тафовут даромадлар тенгсизлиги даражасини акс эттиради.

Бу фарқ қанчалик катта бўлса, даромадлар тенгсизлиги даражаси ҳам шунчалик катта бўлади. Агар даромадларнинг ҳақиқий тақсимланиши мутлақ тенг бўлса, бунда Лоренц эгри чизиғи ва биссектриса ўқи бир-бирига мос келиб фарқ йўқолади.

Даромадлар табақаланишини аниқлашнинг кўпроқ қўлланиладиган кўрсаткичларидан бир дицел коэффициенти ҳисобланади. Бу кўрсаткич 10 фоиз анча юқори таъминланган аҳоли ўртача даромадлари ва 10 фоиз энг кам таъминланганлар ўртача даромади ўртасидаги нисбатни ифодалайди.



21-*чизма*. Лоренц эгри чизиғи.

Ялпи даромаднинг аҳоли гуруҳлари ўртасида тақсимланишини тавсифлаш учун аҳоли даромадлари тенгсизлиги индекси (Джини коэффициенти) кўрсаткичи қўлланилади. Бу кўрсаткич қанчалик катта бўлса, (яъни 1,0 га яқинлашса) тенгсизлик шунча кучли бўлади. Жамият аъзолари даромадлари тенглашиб борганда бу кўрсаткич 0 (нол)га интилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий беқарорлик туфайли қараб чиқилган бу кўрсаткич ўсиш тамойилига эга бўлади. Умумий даромаднинг табақаланиши алоҳида тармоқлар ва фаолият соҳаларида иш ҳақи даражасидаги фарқларнинг ортиши билан бирга боради. Миллий иқтисодиётда ўртача иш ҳақининг тармоқлар, корхоналар ва ишловчилар категорияси бўйича юқори тенгсизлиги таркиб топади.

Жумладан, Ўзбекистонда ўртача ойлик номинал иш ҳақига нисбатан алоҳида тармоқларда иш ҳақи даражасининг ўзгариши қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

18-жадвал

Республика иқтисодиётининг асосий тармоқларида ойлик номинал иш ҳақи нисбатларининг ўзгариши[1]
(ўртача иш ҳақи — 100%)

Йиллар	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Транспорт	Қурилиш	Маориф	Банк соҳаси
1994	148,2	85,4	126,6	153,6	60,9	189,4
1996	139,2	54,4	136,0	166,7	70,4	184,9
1998	155,3	46,1	152,8	152,3	68,2	210,7
1999	165,2	51,6	143,3	162,3	57,2	227,6
2000	189,6	60,9	174,0	164,4	71,3	257,1

Даромадлар, шу жумладан, иш ҳақи даражасида катта фарқлар мавжуд бўлишининг асосий сабаби бозор тизимига асосланган иқтисодиётнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқади. Бизнинг Республикада ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш даромадлар тенгсизлиги муаммосини кескинлаштиради. Бу ерда асосий ролни мол-мулкка (уй-жой, кўчмас мулк, акция ва бошқалар) эга бўлиш омили ўйнай бошлайди. Даромадларнинг табақаланиш жараёни етарли даражада тез боради, минимал даражадан бир неча ўн баравар юқори даромадга эга бўлган ижтимоий қатлам шаклланади. Даромадларнинг табақаланиши мулкий табақаланишни келтириб чиқаради. Вақт ўтиши билан оилаларнинг тўплаган мол-мулки мерос қолдириши сабабли даромадлар табақаланишининг кучайиши рўй беради. Ҳар хил оилалар учун турлича

[1] Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари.

истеъмол муҳити яратилади. Ижтимоий тенглик ва даромадлар тақсимотида адолатликни таъминлаб беришнинг муҳим муаммолари келиб чиқади.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар тенгсизлигини келтириб чиқарувчи умумий омиллар ҳам мавжуд бўлади. Буларнинг асосийлари қуйидагилар:

— кишиларнинг умумий (жисмоний, ақлий ва эстетик) лаёқатидаги фарқлар;

— таълим даражаси ва малакавий тайёргарлик даражасидаги фарқлар;

— тадбиркорлик маҳорати ва таҳликага тайёргарлик даражасидаги фарқлар;

— ишлаб чиқарувчиларнинг бозорда нархларни ўрнатишга лаёқатлилиги (бозордаги ҳукмронлик даражасидан келиб чиқиб).

Бундай шароитда давлатнинг даромадларни қайта тақсимлаш вазифаси даромадлар тенгсизлигидаги фарқларни камайтириш ва жамият барча аъзолари учун анча қулай моддий ҳаёт шароитини таъминлашга қаратилади.

Даромадлар тенгсизлиги камайишининг тахминан 80 фоизини асосан трансферт тўловлари тақозо қилади. Аниқроқ айтганда давлат трансферт тўловлари энг паст даромад олувчи кишилар гуруҳи даромадининг асосий қисми (70-75 фоиз)ни ташкил қилади ва қашшоқликни юмшатишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади.

3-§. Давлатнинг ижтимоий сиёсати. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари

Давлатнинг ижтимоий сиёсати тегишли марказлашган даромадларни табақалашган солиқ солиш йўли билан шакллантириш ва уни бюджет орқали аҳоли турли гуруҳлари ўртасида қайта тақсимлашдан иборат. Давлат даромадларни қайта тақсимлашда ижтимоий тўловлар билан бирга бозор нархларини ўзгартириш (масалан, фермерларга нархларни кафолатлаш) ва иш ҳақининг энг кам даражасини белгилаш усулларидан фойдаланади.

Ижтимоий тўловлар — кам таъминланганларга пул ёки натурал ёрдам кўрсатишга қаратилган тадбирлар тизими бўлиб, бу уларнинг иқтисодий фаолиятда қатнашиши билан боғлиқ бўлмайди. Ижтимоий тўловларнинг мақсади жамиятдаги муносабатларни инсонпарварлаштириш ҳамда ички талабни ушлаб туриш ҳисобланади.

Аҳоли реал даромадлари даражасига инфляция сезиларли таъсир кўрсатиши сабабли даромадларни давлат томонидан тартибга солиш-

нинг муҳим вазифаси истеъмолчилик товарларига нархнинг ўсишини ҳисобга олиш ва даромадларни индексациялаш, яъни номинал даромадларни нархлар ўсишига боғлиқликда ошириб бориш ҳисобланади. Шахсий даромадни ҳимоя қилишда ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши аҳоли камбағал қатламини қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Амалий ҳаётда қашшоқликнинг ўзи ҳаёт кечириш минимуми ёрдамида аниқланади. Бу ижтимоий ва физиологик (жисмоний) минимумда ифодаланади. Ижтимоий минимум жисмоний эҳтиёжларни қондиришнинг минимал меъёри билан бирга ижтимоий талабларнинг минимал харажатларини ҳам ўз ичига олади. Физиологик минимум эса фақат асосий моддий эҳтиёжларни қондиришни кўзда тутади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аҳолининг ижтимоий ёрдамига муҳтож қисмини аниқлашда турли хил мезонлар асос қилиб олинади. Улар жумласига даромад даражаси, шахсий мол-мулки миқдори, оилавий аҳволи ва шу кабилар киритилади.

Ижтимоий сиёсат — бу давлатнинг даромадлар тақсимотидаги тенгсизликни юмшатишга ва бозор иқтисодиётиқатнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсатдир.

Республикада бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий сиёсат аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилади ҳамда алоҳида йирик йўналишларда амалга оширилади. Бу йўналишлар И.А. Каримовнинг "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида"[1] китобида тўлиқ баён қилиб берилган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг асосий йўналиш — бу нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш ҳисобланади. Бунда Республиканинг ўзига хос ёндашуви ишлаб чиқилиб, даромадлар нисбатини ўзгартириш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг, жамғарма банкларидаги аҳоли омонатлари ставкаларининг энг оз миқдорини бир вақтнинг ўзида қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади. Даромадлар нисбатини ўзгартиришда 1991 йил жорий этилган янги ягона таъриф сеткаси катта аҳамиятга эга бўлди. Бу барча тоифадаги ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдорларини тариф коэффициентлари орқали, энг кам иш ҳақи воситаси билан бевосита ўзаро боғлаш имконини берди.

---

[1] Қаранг: *Каримов И.А.* Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995, 119-138-бетлар.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг иккинчи йўналиши — ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўлди. Бунга эришишда муҳими маҳсулотлар экспортини божхона тизими орқали назорат қилиш ва уларга юқори бож тўловлари жорий этиш, кундалик зарур товарларни меъёрланган тарзда сотишни ташкил қилиш каби тадбирлар катта аҳамиятга эга бўлди. Миллий валюта жорий этилиши билан озиқ-овқат маҳсулотларини меъёрланган тарзда сотишдан воз кечиш эркин нархларга ўтиш имкониятини яратади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг илк босқичида ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг учинчи йўналиши — аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида кучли чора-тадбирлар ўтказилганлиги бўлди. Бу йўналишда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатламлари — пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оилалар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар ҳамда қайд этилган миқдорда даромад олувчи кишилар турли хил йўллар билан ҳимоя қилиб борилди.

Ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига изчиллик билан ўтиш — ижтимоий сиёсатни амалга оширишга, ижтимоий ҳимоя воситасини кучайтиришда сифат жиҳатдан янги босқич бошлашини билдиради.

Янгиланган ижтимоий сиёсат адолат тамойилларига изчиллик билан риоя қилишга асосланиб, ижтимоий кўмаклашишнинг мавжуд усулларини ва пул билан таъминлаш манбаларини тубдан ўзгартиришни тақазо қилади. Бу сиёсат ижтимоий ҳимоя аниқ мақсади ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб олишни кўзда тутади. Ёрдам тизими фақат кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нисбатан қўлланилиб, шу мақсад учун давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, турли ташкилот ҳамда жамғармаларнинг маблағларидан ҳам фойдаланилади.

Ижтимоий кўмаклашишнинг янги тизимида болалар ва кам даромадли оилалар ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар ҳисобланиб, улар учун ҳамма нафақа ва моддий ёрдамлар фақат маҳалла орқали етказиб берилади. Бу тизимда кам даромадли оилаларга бериладиган моддий ёрдам маҳалла орқали етказилади. Шу мақсадда маҳаллаларда бюджет маблағлари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий ўтказган маблағлари ҳисобидан махсус жамғармалар ҳосил қилинди.

Ижтимоий кўмаклашишнинг янги тизими меҳнатга рағбатлантирадиган омиллар ва воситалар янги тузилмаси пайдо бўлишини ҳам тақазо қилади.

Шундай қилиб, ислоҳотлар даврида давлат аҳолининг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш билан бирга, ўз меҳнат фаолияти орқали оиласининг фаровонлигини таъминлашга интилувчи кишилар учун тенг шароит ва қулай имконият яратишга ҳаракат қилади.

Асосий таянч тушунчалар

Аҳоли даромадлари — аҳолининг маълум вақт давомида пул ва натурал шаклда олган даромадлари миқдори.

Номинал даромад — аҳоли томонидан пул шаклида олинган даромадлари суммаси.

Реал даромад —аҳолининг номинал даромадлари суммасининг товар ва хизматлари сотиб олиш лаёқатидир. Аҳоли реал даромадига номинал даромад суммаси билан бирга баҳолар даражаси, солиқлар ва бошқа омиллар ҳам таъсир қилади.

Лоренц эгри чизиғи — даромадлар тенгсизлиги даражасини миқдорий аниқлашнинг график тасвири.

Ижтимоий тўловлар — кам таъминланганларга пул ёки натурал шаклда ёрдам кўрсатишга қаратилган тадбирлар тизими.

Ижтимоий сиёсат — бу давлатнинг даромадлар тақсимотидаги тенгсизликни иқтисодиёт қатнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсат.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Давлатнинг аҳоли даромадларини шакллантириш сиёсати деганда нимани тушунасиз? Ижтимоий адолатни таъминлашда бу сиёсатнинг роли қандай?

2. Аҳоли даромадлари тушунчасини изоҳланг ва унинг даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни санаб кўрсатинг.

3. Турмуш даражаси ва унинг тушунчасига изоҳ беринг. Турмуш даражасини қандай кўрсаткичлар тавсифлаб беради?

4. Даромадлар тенгсизлигининг асосий сабабларини санаб кўрсатинг ва уларга тушунтириш беринг.

5. Ўзбекистонда давлат ёрдам дастурлари тизимини ислоҳ қилиш ва уни ҳозирги даврдаги асосий йўналишларига ўзингизнинг фикрингизни билдиринг.

IV БЎЛИМ
ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ

XXIV БОБ. Жаҳон хўжалиги ва унинг эволюцияси

Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги ривожининг муҳим тамойили миллий хўжаликларнинг байналмилаллашуви, шу асосда жаҳон хўжалиги ва аввало, жаҳон бозорининг шаклланиши ва ривожланишидан иборат. Бу инсоният тараққиёти учун ижобий бўлган жараёнга етмиш йилдан ортиқ давр давомида дунёнинг икки қарама-қарши ижтимоий сиёсий тизимига бўлинганлиги қарши таъсир кўрсатиб келди. Ҳозир янги давр бошланди, дунёнинг иқтисодий ривожланиши ва шунга мос равишда бизнинг Республика билан жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ўртасидаги алоқаларнинг бутунлай янги имкониятлари вужудга келди.

Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларнинг кенгайиши ва чуқурлашуви ҳар икки томон учун иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан фойдали ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши, унинг миллий хўжалиги кўп даражада нафақат бу мамлакатнинг ички имкониятлари билан балки унинг халқаро ижтимоий меҳнат тақсимотида қатнашиш даражаси ва миқёси, бутун инсоният ресурслари билан аниқланади.

Бу ҳолатлар жаҳон хўжалиги алоқлари ва миллий хўжаликларнинг иқтисодий ривожланиш муаммоларини алоҳида ўрганишни ва таҳлил қилишни тақазо қилади.

1-§. Иқтисодий ривожланишнинг умумжаҳон томонлари ва ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви

Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодий ривожланишининг энг муҳим хусусиятларидан бири — турли мамлакатлар ва хўжалик регионлари ўртасидаги ўзаро боғликларнинг ўсиб бориши ҳисобланади.

Жаҳон хўжалигида ҳар бир ўзгаришлар (жаҳон бозоридаги нархлар ҳаракати ва алоҳида мамлакатнинг экспорт имкониятидан тор-

тиб, дунё иқтисодиётидаги таркибий силжишлар ва халқаро монополиялар фаолиятигача) дунёдаги барча мамлакатлар манфаатини ўзига тортади. Мамлакатнинг савдо, ишлаб чиқариш, валюта-молия соҳаларидаги жаҳон тамойилларига боғлиқлиги объектив реаллик ҳисобланади. Ҳозирги даврда ҳар қандай мамлакатни унинг иқтисоди қандай ривожланган бўлишидан қатъий назар, жаҳон хўжалиги алоқаларига жалб қилмасдан унинг тўлақонли иқтисодий ривожланишини таъминлаш мумкин эмас.

Шу сабабли Президентимиз И. Каримов «Мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида кенг миқёсда иштирок этиши очиқ турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асосидир»[1], деб таъкидлайди.

Дунё бир-биридан мақсадлари, амал қилиш механизми билан фарқланувчи турли хил ижтимоий-иқтисодий тузумлар, халқаро гуруҳларга бўлинган. Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларини туркумлаш ҳар хил мезонлар асосида амалга оширилади. Яқин вақтларгача бизнинг адабиётимиз социализм дунёси, капитализм дунёси ва учинчи дунё мамлакатлари деган тушунчани сингдириб келди.

Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларини туркумлашга умумий асосда ёндашиб, хўжалик тизимларининг хусусиятларига мос равишда давлатларнинг учта гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин: ривожланган, бозор иқтисодиётида ривожланаётган ва бозор иқтисоди мавжуд бўлмаган мамлакатлар. Ривожланганлик даражаси бўйича ҳам ўз навбатида учта гуруҳ фарқланади: кам, ўртача ва юқори ривожланган мамлакатлар. Шимолий-Шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги янги индустриал мамлакатлар (ЯИМ), юқори даромадли нефт экспорт қилувчи мамлакатлар (Саудия Арабистони, Қувайт ва бошқалар) энг кам ривожланган мамлакатлар (ЭКВИ), шу жумладан, энг камбағал мамлакатлар (Чад, Бангладеш, Эфиопия), ҳар хил минтақавий иттифоқлар ва байналмилал гуруҳларга ажратилади.

Бу барча турли-туманлик бир бутун яхлитликка ўзаро иқтисодий боғлиқликнинг ҳар хил жиҳатлари орқали тортилади. Ҳозирги хўжалик алоқаларининг чуқурлашиб бораётганлиги байналмилалла шувининг кучайиши ҳамда фан-техника революциясининг кенг қамровли хусусияти, алоқа ва коммуникация воситаларининг бутунлай янги роли шароитида миллий иқтисодиёт ўз-ўзини таъминлаш орқали самарали амал қилиш мумкин эмас.

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 267 бет.

Жаҳон хўжалик алоқаларининг тез ўсиши шундай даврларга тўғри келадики, бу даврда ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракати тезлашади, капитал миллий чегарадан ўсиб чиқади, ишчи кучи миграцияси кучаяди, халқаро меҳнат тақсимотининг шаклланиш жараёни тезлашади. Бу шундан гувоҳлик берадики, хўжалик алоқаларининг байналмилаллашувини кўп жиҳатдан ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш мантиқи тақозо қилади, яъни у миллий чегарадан ўсиб чиқади ва объектив равишда ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашувини зарур қилиб қўяди.

Миллий хўжаликлар ва улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар негизида шаклланган жаҳон хўжалиги асосида халқаро меҳнат тақсимоти ётади.

Халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) алоҳида мамлакатларнинг товар ва хизматларнинг маълум турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувини ифодалайди. Алоҳида мамлакатларнинг бундай ихтисослашуви маҳсулотлари устун даражада экспортга йўналтирилган **халқаро ихтисослашган тармоқларнинг** шаклланишига олиб келади.

Дастлабки вақтларда халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши асосан табиий шароитлардаги тафовутларга асосланган эди. Бинобарин, фақат саноат тўнтаришидан кейин, яъни ишлаб чиқарувчи кучлар байналмилал хусусият касб этиб, миллий хўжаликлар доирасидан ташқарига ўсиб чиқа бошлагач, уларнинг негизидан барқарор меҳнат тақсимоти ва жаҳон бозори таркиб топади. Ҳозирги вақтда халқаро меҳнат тақсимоти турли ижтимоий тизимларни ўз ичига олувчи умумжаҳон хўжалиги доирасида ривожланмоқда.

Халқаро меҳнат тақсимоти ва айирбошлашда қатнашаётган мамлакатлар бир хил шароитда эмас. Бу ҳол уларнинг турли жўғрофий аҳволи, табиий ресурсларининг таркиби ва миқдори, ривожланиш кўлами, даражаси ва иқтисодиётини тузилиши, ички бозорнинг ҳажми билан белгиланади.

Ана шу фарқлар сабабли айрим мамлакатларда бир хил товарларни ишлаб чиқаришдаги харажатлар даражаси ҳам турлича бўлади. Шунинг учун ҳар бир мамлакат ўзи нисбатан қулайроқ, камроқ харажат билан ишлаб чиқарадиган товарларни бошқа мамлакатларга сотишга ва аксинча, жаҳон бозоридан ўзидан ишлаб чиқариш учун харажат кўпроқ бўладиган ёки табиий ёхуд бошқа шароитларга кўра умуман ишлаб чиқариб бўлмайдиган товарларни сотиб олишга интилади.

Товарлар мамлакатлар ўртасида жаҳон нархлари асосида айирбошланади. Улар байналмилал қийматга асосланади. Бунинг маъноси

шуки, ижтимоий зарурий байналмилал меҳнат сарфлари жаҳон бозорида эътироф қилинади.)

Умуман олганда, жаҳон нархларининг ташкил топиши одатда, соф ҳолида амалга ошмайди. Байналмилал қийматнинг ҳосил бўлишига тўсқинлик қилувчи махсус омиллар жаҳон нархларига таъсир қилади. Ташқи савдо ва валюта чеклашлари, валюталар қийматининг ўзгариб туриши, халқаро монополиялар сиёсати, биржадаги чайқовчиликлар ва ҳаказолар шулар жумласидандир. Шу сабабли айрим мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги рақобатлашув қобилиятидаги фарқлар, пировард натижада меҳнат унумдорлигининг миллий даражадаги фарқларини акс эттиради.

Ривожланган мамлакатларда кейинги ўн йилликларда янги технологик асосларга ўтиш жаҳон хўжалик алоқаларининг тез ўсиши билан бирга борди. Такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг байналмилаллашуви ўзининг ҳар иккала шаклида: интеграцион (миллий хўжаликларнинг яқинлашуви, ўзаро мослашуви орқали) ва трансмиллий (халқаро ишлаб чиқариш мажмуасининг тузилиши орқали) шаклларида кучаяди. Жумладан, бутун дунёда регионал давлатлараро иқтисодий интеграциянинг қарор топиш тамойили кузатилади. Жумладан, ривожланган Европа интеграцион ҳамжамияти (ЕИ) доирасида товарлар, хизматлар ва ишчи кучининг эркин ҳаракати амалга оширилади. Шимолий Америка умумий иқтисодий ҳамкорлиги АҚШ, Канада ва Мексика иқтисодиётининг интеграциясини кўзда тутади. Давлатлараро интеграциянинг кучайиши жанубий-шарқий Осиё, Ўрта Осиё, араб дунёси, Африка ва Марказий Америка мамлакатлари учун ҳам хусусиятли бўлмоқда.

2-§. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг шакллари. Жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши

Халқаро меҳнат тақсимоти халқаро иқтисодий муносабатлар, яъни турли мамлакатлар ўртасидаги хўжалик алоқаларининг негизини ташкил этади. **Халқаро иқтисодий муносабатлар** қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

— товар ва хизматлар билан халқаро савдо;
— капитал ва чет эл инвестицияларининг ҳаракати;
— ишчи кучининг миграцияси;
— ишлаб чиқаришнинг давлатлараро кооперацияси;
— фан ва техника соҳасидаги айирбошлаш;
— валюта-кредит муносабатлари.

Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланиши ва мамлакатлар ихтисослашувининг кучайиши натижасида жаҳон бозори таркиб топади. Жаҳон бозорига **товар ва хизматларнинг халқаро ҳаракати** сифатида қараш мумкин. Жаҳон бозори ўзининг ривожланишида бир қатор босқичлардан ўтадики, улардан ҳар бири миллий хўжаликнинг халқаро иқтисодий муносабатларга жалб қилинишининг маълум даражаси билан тавсифланади.

Капиталнинг халқаро ҳаракати — бу капиталнинг чет элда жойлаштирилиши ва фаолият қилиши. У чет элга қуйидаги шаклларда чиқарилади:

— хусусий ёки давлат капитали шаклида. Капиталнинг халқаро ташкилотлар йўли билан ҳаракати кўпинча мустақил шакл сифатида ажратилади;

— пул ва товар шаклида. Жумладан, капитал чиқариш машина ва ускуналар, патентлар, нау-хау ҳамда товар кредитлари шаклида бўлиши мумкин;

— қисқа ва узоқ муддатли кредитлар шаклида;

— ссуда ва тадбиркорлик капитали шаклида. Ссуда шаклидаги капитал қуйилмалар бўйича фоиз, тадбиркорлик шаклидаги капитал эса фойда келтиради. Тадбиркорлик капитали тўғридан-тўғри ва портфелли инвестициялардан иборат бўлади. Тўғридан-тўғри инвестициялар шу капитал ҳисобига қурилган объект (корхона)лар устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради, портфелли инвестициялар эса бундай ҳуқуқни бермайди. У одатда акция пакетлари ҳамда облигация ва бошқа қимматли қоғозлар шаклида берилади.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анча мураккаб жиҳатларидан бири **ишчи кучининг халқаро миграцияси ҳисобланиб, у ўз ифодасини ишчи кучи ресурсларининг анча қулай шароитда иш билан таъминлаш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтишида топади.**

Халқаро миграция жараёнини иқтисодий омиллар билан бирга сиёсий, этник, маданий, оилавий ва бошқа хусусиятдаги омиллар ҳам тақозо қилади.

Халқаро миграция иккита асосий таркибий қисмни ўз ичига олади: эмиграция ва иммиграция. Эмиграция — бир мамлакатдан бошқа мамлакатга доимий яшаш учун чиқиб кетишни, иммиграция — айнан олинган мамлакатга доимий яшаш учун кириб келишни билдиради.

Ишчи кучи миграцияси фақатгина яшаш жойини ўзгартириб, кўчиб юришни эмас шу билан бирга яшаш жойини ўзгартирмай

бирор мамлакатга, бориб ишлаб келиш йўли билан ҳам содир бўлиши мумкин.

Фан-техника ютуқлари билан халқаро айирбошлаш бир қатор шаклларда амалга оширилади. У илмий-техникавий ахборотлар, мутахассислар, фан соҳаси ходимлари билан айирбошлашни, тадқиқот ва янгиликларни лицензия асосида беришни, илмий-тадқиқот ишлари ўтказишни, умумий фан-техника ва технологияни ишлаб чиқариш бўйича қўшма тадбиркорликни ўз ичига олади.

Илмий-техникавий ҳамкорликнинг муҳим шаклларидан бири инжиниринг ҳисобланади. Халқаро инжиниринг бир давлат томонидан бошқасига саноат ва бошқа объектларни лойиҳалаштириш ва қуриш жараёнига керакли ҳисоб-китоб лойиҳаларини бериш ҳамда инженерлик-қурилиш хизмати кўрсатишдан иборат бўлади.

Жаҳон инфратузилмаси. Товарлар, ишчи кучи, молиявий воситаларнинг миллий чегаралар орқали тўхтовсиз ўсиб борувчи ҳаракати бугун жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши ва такомиллашувини тезлаштиради. Жуда муҳим транспорт тизими (денгиз, дарё, ҳаво, темир йўл транспорти) билан бир қаторда жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида ахборот коммуникациялари тармоғи тобора кўпроқ аҳамият касб этиб боради. Муносиб умумжаҳон инфратузилмаси бўлмаса, ҳозирги ишлаб чиқарувчи кучларнинг байналмиллаллашувини ривожлантириб бўлмайди. Бундай инфратузилманинг айрим таркибий қисмлари жаҳон савдоси вужудга келаётган, жаҳон бозори ташкил топаётган вақтда пайдо бўлган.

Ҳозирги даврда биржалар, молия марказлари, йирик саноат ва савдо бирлашмалари мисли кўрилмаган тезлик билан оператив маълумотлар олишга ва уларни ишлаб чиқишга имкон берувчи энг янги техник воситалар билан жиҳозланган. Ривожланган мамалакатларда кенг тармоқли ахборот мажмуаси ташкил топмоқда, унинг таъсири амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларига ёйилмоқда.

Ҳозирги шароитда илмий ва тижорат ахборотлар айниқса, қимматлидир. Шу сабабли турли халқаро даражаларда махсус «маълумотлар банклари» ташкил топмоқда, булар илмий ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун зарур ахборотни қидириб топишни анча енгиллаштиради. Жаҳон инфратузилмаси турли зиддиятларни бартараф қилиш орқали ривожланади.

Халқаро айирбошлаш товарларда материаллашган шакллардан номатериал алоқаларга тобора кўпроқ ўрин бўшатади, яъни фан-техника ютуқлари, ишлаб чиқариш ва бошқариш тажрибаси, ҳи-

матнинг бошқа турлари билан айирбошлаш ўсиб боради. Ҳисоб-китобларга кўра ҳозирги кунда хизматлар жаҳон ялпи миллий маҳсулоти (ЯММ)нинг 46 фоизини ташкил қилади.

3-§. Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, шакллари ва объектив асослари. Қиёсий устунлик назарияси

Халқаро иқтисодий интеграция — бу турли мамлакатларнинг чуқур, барқарор ўзаро алоқаларнинг ривожланиши ва миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида улар хўжалик алоқаларининг бирлашиб бориш жараёнидир.

Халқаро иқтисодий интеграция жаҳон хўжалиги ривожининг тарихий жиҳатдан узоқ давр давом этган натижаси ҳисобланса-да, Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек, ҳозирги кунда ҳам мамлакатларнинг Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнида ҳал этилмаган кўплан-кўп муаммолар мавжудки, бизнинг Республикамиз учун бу ташқи иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат[1].

Халқаро иқтисодий интеграциянинг **асосий шакллари** қуйидагилар:

— **эркин савдо зоналари.** Бу иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли бўлиб, унинг доирасида қатнашувчи мамлакатлар ўртасидаги савдо чеклашлари бекор қилинади. Бунга Европа эркин савдо уюшмаси ва МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро битим мисол бўла олади;

— **бож иттифоқи.** Иқтисодий интеграциянинг бу шакли эркин савдо зоналарининг фаолият қилиши билан бирга ягона ташқи савдо таърифлари ўрнатишни ва учинчи мамлакатга нисбатан ягона ташқи савдо сиёсати юритишни тақозо қилади. Европа Иттифоқи (ЕИ) бож иттифоқига ёрқин мисолдир;

— **тўлов иттифоқи.** Бу миллий валюталарнинг ўзаро эркин алмашувини ва ҳисоб-китобда ягона пул бирлигининг амал қилишини таъминлайди. Европа ҳамжамияти, жанубий-шарқий Осиё ва МДҲ мамлакатлари учун тўлов иттифоқи пировард мақсалдир;

— **умумий бозор.** Бу иқтисодий интеграциянинг анча мураккаб шакли бўлиб, унинг қатнашчиларига эркин ўзаро савдо ва ягона

---

[1] Каримов И. А. Иқтисодиётда ислоҳотлар ва инвестицияларни бўйича ҳудудлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси. 2000 йил 2 февраль.

ташқи савдо таърифи билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати ҳамда ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат таъминланади. Бунга Европа иқтисодий иттифоқи ёки Европа умумий бозорини мисол қилиб келтириш мумкин. Унинг доирасида барча бож тўловлари ва импорт меъёр (квота)лари бекор қилинади, бошқа мамлакатлардан Европа бозорига товарлар кириши бир хил тартибга солинади, пул маблағлари ва ишчи кучининг чегарадан эркин ўтиши таъминланади ҳамда умумий муаммоларни ҳал этишда ягона сиёсат ўтказилади;

— **иқтисодий ва валюта иттифоқи** давлатлараро иқтисодий интеграциянинг энг олий шакли ҳисобланади. Бунда иқтисодий интеграциянинг барча қараб чиқилган шакллари умумий иқтисодий ва валюта-молиявий сиёсат ўтказиш билан бирга уйғунлашади.

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнини объектив хусусиятдаги **бир қатор омиллар тақозо қиладики,** уларнинг ичидан қуйидагилар асосий ўринни эгаллайди:

— хўжалик алоқаларининг байналмилаллашуви;

— халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;

— умумжаҳон фан-техника революцияси;

— миллий иқтисодиёт очиқлигининг кучайиши.

Қиёсий устунлик назарияси. Иқтисодий ривожланишнинг миллий андозасидан жаҳон андозасига ўтиш ва халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиши мамлакатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда қатнашиши миллий иқтисодий манфаатларга қандай даражада жавоб беради? — деган саволни қўяди. Бу саволга жавоб топишга иқтисод фани илгаридан қизиқиб келган. Жумладан, А. Смит халқаро меҳнат тақсимоти масаласини таҳлил қилиб, қандай товарларни экспорт қилиш ва қайсиларини импорт қилиш қулайлиги тўғрисидаги ўз қарашларини баён қилиш асосида «мутлақ устунлик» назариясини илгари сурган. Д. Рикардо ўзаро фойдали савдо ва халқаро ихтисослашувнинг анча умумий тамойилларини шакллантириб, «қиёсий устунлик» назариясини ишлаб чиққан. У нафақат миллий хўжаликлар ўртасидаги, балки миллий хўжалик ичидаги минтақалар, корхоналар ўртасидаги ҳар қандай меҳнат тақсимотининг устунликларини асослаб беради.

Мамлакатлар ўртасида халқаро савдо муносабатлари ўрнатилганда айирбошлаш қандай нисбатлар асосида рўй беради деган савол туғилади. Рикардонинг халқаро ихтисослашув устунликлари ҳақидаги хулосалари, бу муаммони чуқурроқ тадқиқ қилиш учун бошланғич нуқта бўлади. Жумладан, Дж.Милл ишлаб чиқариш харажатлари

нинг турли нисбатлари ўртасида ўрнатиладиган алмашув мутаносиблиги товарнинг ҳар бирига жаҳон таклифи ва талаби ҳажмига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Иқтисодий назарияда халқаро ихтисослашувнинг устунликларини асослаш Рикардонинг классик шакли билан чекланмаган. XX асрда халқаро ихтисослашувнинг қонуниятларини кўплаб иқтисодчилар, жумладан, С. Хекшер, Б. Олин, Дж. Кейнос, В. Леонтьев ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинди. Халқаро ихтисослашувнинг қонуниятларини янада чуқурроқ тушуниш қиёсий харажатлар таҳлили асосида кўп омилли андоза тузишга олиб келдики, унда товарлар ҳаракати билан бирга ишлаб чиқариш омилларининг давлатлараро эркин ҳаракати имкониятлари ҳисобга олинди. Ўтказилган тадқиқотларда нафақат тармоқлараро, балки тармоқлар ичида ва минтақа ўртасидаги ихтисослашувнинг қонуниятлари, мамлакатнинг материал, капитал, меҳнат ва фан сиғимили товарларга ихтисослашув сабаблари очиб берилди. Ихтисослашувга фан ва техника тараққиёти ҳамда технологик ўзгаришлар суръати ва тавсифи таъсирининг хусусиятлари аниқланади.

4-§. Жаҳон хўжалиги алоқаларини халқаро тартибга солиш

Бугун жаҳон хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви давлатлараро хўжалик алоқаларини тартибга солишнинг механизмини яратиш зарурлигига олиб келди. Ҳозирги даврда қандайдир тартибга солувчи тузилма амал қилмайдиган халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасини топиш қийин. Жумладан, молия, валюта ва кредит соҳаларида халқаро валюта фонди (ХВФ-МВФ), халқаро таъмирлаш ва ривожланиш банки (ХТРБ-МБРР), жаҳон савдоси соҳасида — тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ТСБК-ГАТТ)ни кўрсатиш мумкин.

Халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш миллий-ташкилий шакллардан бошланади. Хўжалик ҳаётининг байналмилаллашув жараёни дастлаб миллий давлатлар фаолиятини **халқаро уйғунлаштиришга, кейин эса давлатлараро ва халқаро ташкилотлар тузишга олиб келди.**

Ҳуқуқий маънода тартибга солиш халқаро тартибларни ўрнатишга, яъни меъёрлар ва қоидаларни аниқловчи келишувларни ишлаб чиқаришни ёки халқаро алоқаларнинг қандайдир соҳасини ҳал қилишда томонларга мажбуриятларга амал қилишни юклайди. Умумқабул қилинган андозалар ва қоидаларни ўз ичига олувчи халқаро

тартиблар ўз навбатида миллий тартибга солишга таъсир кўрсатиши мумкин.

Биринчи халқаро ташкилотлар 20-йилларда тузилган бўлсада (Миллатлар лигаси — 1919 й, Халқаро ҳисоб-китоблар банки 1929 й.), халқаро даражада жаҳон хўжалик алоқаларини кўп томонлама тартибга солувчи тузилмалар иккинчи жаҳон урушидан кейин шакллана бошлади.

1945 йил махсус халқаро уйғунлаштирувчи муассасалар — Халқаро валюта фонди (ХВФ-МВФ) ва Халқаро таъмирлаш ва ривожлантириш банки (ХТРБ-МБРР) ташкил топди. Ҳозирги даврда ҳам уларнинг иккаласи муҳим халқаро ташкилот ҳисобланади: жаҳон савдоси, халқаро кредит ва валюта муносабатлари соҳаларини давлатлараро тартибга солишнинг тартиб-қоидаларини аниқлаб беради. Урушдан кейинги даврда тузилган тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ТСБК-ГАТТ) Европа иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти (ЕИХТ-ОЕЭС), НАТОнинг иқтисодий масалаларни уйғунлаштирувчи комитети (ИМУК-КОКОМ) халқаро иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш даврига тўғри келади.

Жаҳон савдосини эркинлаштириш кўп томонлама шартнома асосида ҳаракат қилувчи, халқаро савдо тартиб-қоидаларини қайд қилувчи халқаро ташкилот (ТСБК-ГАТТ) доирасидаги фаолият билан боғлиқ. Ҳозирги даврда ТСБК жаҳон савдо айланмасининг 4/5 қисмидан кўпроғини тартибга солади. ТСБК миллий ва минтақавий даражада вақти-вақти билан кучайиб борувчи протекционизмга қарши туради, миллий манфаатларни ўзаро келиштиришга ёрдам беради. Унинг фаолияти савдода камситмаслик, савдода тарифли ва тарифсиз чеклашларни аниқлашда тенг асосда маслаҳатлашиш каби таомилларга асосланади. ТСБК фаолиятининг асосий шакли қатнашувчи томонларининг кўп томонлама савдо музокараларини ўтказиш ҳисобланади.

Аммо жаҳон савдоси рақобат кураши асосида боради, шу сабабли ўзаро мақбул қарорларни қидириб топишга ва савдони халқаро даражада тартибга солишга кўплаб қийинчиликлар билан эришилади.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг яна бир аҳамиятга молик соҳаси — бу валюта-молия соҳасидир. Халқаро молиявий муносабатларни уйғунлаштириш ХВФ (МВФ), ХТРБ (МБРР), иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРО-ОЭСР), халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ-МАР), Халқаро молиявий корпорация (ХМК-МФК) ва шу кабилар доирасида амалга оширилади. Ғарбдаги етти етакчи мамлакатларнинг ҳар йилги кенгаши бу соҳада муҳим рол ўйнайдди.

Валюта — молиявий соҳани халқаро уйғунлаштиришнинг кучайиши кўп жиҳатдан ХВФнинг фаолияти билан боғлиқ. У ўзининг низомига мувофиқ валюта курслари ва аъзо мамлакатлар тўлов балансларини тартибга солади, кўп томонлама тўлов тизимлари ва ривожланаётган мамлакатлар ташқи қарзларини назорат қилади, аъзо мамлакатларга уларнинг валюта-молия муаммоларини ҳал қилиш учун кредит берилади.

Ривожланаётган мамлакатларда таркибий қайта қуришларни молиялаштириш билан ХТРБ фаол шуғулланади. ХТРБ ва у билан бирга жаҳон банки таркибига кирувчи Халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ-МАР), Халқаро молиявий корпорация (ХМК-МФК) ҳар хил инвестицион объектларни ўрта ва узоқ муддатли кредитлаш билан шуғулланади, лойиҳаларнинг молиявий-иқтисодий асосларини тайёрлайди, ривожланаётган мамлакатлардаги таркибий қайта ўзгартиришга ёрдам беради.

Давлатлараро ташкилотлар ичида барча саноат жаҳатдан ривожланган мамлакатларни бирлаштирувчи ИХРО муҳим рол ўйнайди. Унинг доирасида ички иқтисодий тадбирларнинг бошқа мамлакатлар миллий иқтисоди самарадорлигига таъсирини, уларнинг тўлов баланси ҳолатини ўрганиш амалга оширилади, миллий иқтисоднинг жаҳон хўжалиги тамойилларига тез мослашишини таъминлаш мақсадида макроиқтисодий тартибга солиш бўйича тавсияномалар берилади. ИХРО жаҳон хўжалиги доирасида кўп омилли фукционал алоқаларни ўрганишни амалга оширади, валюта ва бюджет сиёсати, нархлар, савдо ва бошқа соҳалар бўйича илмий асосланган иқтисодий прогнозлар тавсия этади.

Шарқий Европа минтақасида таркибий қайта қуришга молиявий таъсир кўрсатиш ва ёрдам ташкил қилиш мақсадида 1991 йил Европа тиклаш ва ривожланиш банки (ТРЕВБ-ЕВВРР) тузилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодий муносабатларини халқаро тартибга солиш тизимида доимий ўзгаришлар рўй бериб туради.

80-йилларда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий сабаблар тақазо қилган дунё сиёсий вазиятидаги ўзгаришлар, жаҳон хўжалик алоқалари тизимини кўп томонлама тартибга солиш шакллари эволюциясига олиб келди. Булар ичида собиқ социалистик мамлакатларда вазиятнинг ўзгариши, ташқи фаолиятида мустақил субъектларни ташкил қилувчи давлатлар сонининг кескин кўпайиши ҳамда дунё мамлакатлари ичида рўй берадиган ўзгаришлар муҳим ўрин тутади.

80-йилларнинг ўрталарида дунёда АҚШ, Ғарбий Европа ва Япониядан иборат анча қудратли рақобатлашув маркази вужудга келди-

ки, бу ҳам жаҳон иқтисодий муносабатларини тартибга солишга ўз таъсирини кўрсатди.

Жаҳон хўжалик алоқаларини тартибга солишга халқаро ташкилотларнинг аъзолари таркибидаги ўзгаришларнинг ҳам таъсири бўлди. ХВФ, ХТРБ, ТСБКга Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги озод бўлган мамлакатлар ва кейин қатор собиқ социалистик мамлакатлар фаол кира бордики, бу ҳам жаҳон хўжалиги алоқаларини тартибга солишда маълум ўзгаришларга олиб келди.

Европа Иттифоқи (ЕИ) доирасида ягона бозорни бунёд этишга ҳаракат туфайли ягона умумевропа фуқаролиги, иқтисодий, валюта ва сиёсий иттифоқ таъсис этилади. Бу иттифоқнинг шартномада белгиланган вазифаларини бажариш учун бир қатор Европа муассасалари тузилди.

Европа Иттифоқининг ижроия органи:

— **Европа ҳамжамияти Комиссияси** (ЕҲК)дир. Унинг аъзоларини миллий хукуматлар тайинлайди, лекин улар ўз фаолиятларида мутлақо мустақилдир.

Иттифоқнинг қарорлар қабул қилиш органи:

— **Вазирлар Кенгаши** ҳисобланади. Унинг таркибида ички ишлар, молия, таъминот, қишлоқ хўжалиги каби Вазирлар Кенгаши мавжуд.

Европа ҳамжамияти Комиссияси фаолиятини назорат қилиш, ҳамжамият бюджети ва қонунларини мақуллаш ҳамда уларга ўзгартириш киритиш ҳуқуқи **Европаламент** зиммасига юклатилди.

Европа Иттифоқида 1999 йилдан бошлаб ягона пул-кредит сиёсати ўтказила бошланди. Шу муносабат билан ягона валюта — ЭКЮ жорий этилади ва янги муассаса — **Европа Марказий банки** тузилиб, у миллий банклар билан бирга Европа банклар тизимининг асосини ташкил қилади.

5-§. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши ва ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг шарт-шароитлари ва ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш имкониятлари Республика давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан вужудга кела бошлади. Бундай вазиятда ташқи иқтисодий мажмуани бошқаришнинг ўзига хос тизимини шакллантириш, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш борасида қоида ва тамойилларнинг ишлаб чиқиш, республиканинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш йўлларини белгилаш тақазо этилади.

Республика ташқи сиёсатини амалга оширишнинг асосий тамойиллари тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик негизида қурилса, унинг қоидалари икки томонлама ва кўп томонлама шартнома муносабатларида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, халқаро иқтисодий иттифоқлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга асосланади[1].

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон хўжалик алоқаларида иштирок этишининг асоси очиқ турдаги иқтисодиётни вужудга келтиришдир. Шу сабабли Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин қисқа давр ичида 80 дан кўп давлат билан дипломатия муносабатларини ўрнатди, дунёнинг 20 дан ортиқ давлатида дипломатия элчихоналарини очди, кўпгина халқаро ташкилотлар — БМТ иқтисодий муассасалари, жаҳон банки, халқаро банк, халқаро валюта фонди, халқаро молия корпорацияси, иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот каби бошқа халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди. Республика аъзо бўлиб кирган дастлабки иттифоқ — Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (1991 йил тузилган) ҳамда Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда Туркия, Эрон ва Покистон томонидан тузилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ)дир.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш талабларидан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиши зарур бўлган барча муассасалар (ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, божхоналар хизмати ва бошқалар) амалда янгидан ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасидан тортиб, бошқарувнинг маҳаллий даражаси ва корхоналаргача бўлган хўжалик субъектларида тегишли ташқи иқтисодий бўлимлар тузилди. Дунёнинг бир қанча мамлакатларида савдо уйлари очилди ва савдо-саноат палаталари барпо этилди.

Ташқи савдо билан бирга иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари ҳам сезиларли даражада ривожланди. Республика ҳудудида рўйхатдан ўтган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар сони 3445 тадан ошди, (фаолият кўрсатаётганлари 1795 та) уларнинг экспорти ҳажми мамлакат умумий экспортининг 13,8 фоизини ташкил қилади (2000 йил). Бундай корхоналарнинг асосий қисми саноат тармоқлари (50,1 фоиз) савдо ва умумий овқатланиш (29,9 фоиз) соҳаларида тўпланган.

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998, 266-267-бетлар.

Дастлабки даврларда Республикамизда ташқи савдо икки йўналиш бўйича: МДҲ мамлакатлари билан ҳукуматлараро битимлар ва хорижий мамлакатлар билан эркин муомаладаги валютада ҳисобкитоб қилиш асосида амалга оширилди.

2000 йил республикамиз ташқи савдо айланмаси 6212,1 млн. АҚШ долларининг ташкил этиб, унинг 37,0 фоизи МДҲ мамлакатлари, 63,0 фоизи узоқ хорижий мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Хорижий мамлакатларга маҳсулот экспорти ҳажми тўхтовсиз кўпайиб бориб 2000 йилда 3264,7 млн. долларни ташкил қилди, унинг асосий қисми (64,1 фоиз) узоқ чет эл давлатлари ҳиссасига тўғри келди[1].

Ташқи иқтисодий фаолиятда Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама алоқалари ва ҳамкорлигини ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги **ягона иқтисодий макон** тўғрисида тузилган шартнома самара бера бошлади. Уларнинг саноатини интеграциялаштиришга қаратилган дастур ишлаб чиқилди.

МДҲ мамлакатлари билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларидан биридир. Ўзбекистон ҳамдўстлик давлатлари муассасалари — Давлатлараро иқтисодий қўмита, Давлатлараро банк ва бошқа муассасаларни ташкил этишда фаол қатнашмоқда. МДҲдаги мамлакатлар (Россия, Украина, Белорусь, Молдова ва бошқалар) билан икки томонлама ташқи сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа шартнома ҳамда битимлар имзоланиб, улар кучга кирди.

Республикада иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги шароитида «...мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, унинг халқаро меҳнат таксимотида тенг ҳуқуқли ва ўзоро манфаатли шартлар асосида иштирок этиши, иқтисодиётимизнинг жахон иқтисодий тизимига кенг кўламда интеграциялашувини янада кучайтирали».[2]

Республика ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш учун қулай шароит яратишга ҳамда зарур бўлган ташкилот ва муассасалар тузишга катта аҳамият берилмоқда. Булар жумласига таваккалчилик ҳатарлар келтириладиган зарарни қоплайдиган «Ўзбекинвест» миллий суғурта компаниясини, турли қўшма суғурта компанияларини, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида БМТ билан биргаликда ташкил қилинган

[1] Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари.

[2] Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 64-бет.

инвестицияларга кўмаклашувчи хизматни, Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги кўчмас мулк ва хорижий инвестициялар агентлиги кабиларни киритиш мумкин. Бу муассаса ва ташкилотлар ҳамда Республикада вужудга келтирилган ҳуқуқий меъёрлар хорижий инвестиция фаолияти учун қулай шароитларни яратиб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва сарфланган сармоясини кафолатлайди. Шу сабабли Республикамиз иқтисодиётига фақат 2000 йил давомида «...қарийиб 810 млн. АҚШ доллари миқдорилаги сармоя киритилди. Жами сармояларнинг 55 фоизидан зиёди ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди»[1]. Шу йили Республикада асосий капитални кўпайтиришга киритилган чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳажмининг 150,8 млрд. сўми ўзлаштирилди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши БМТнинг Республикада амалга ошираётган иқтисодий, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, фан соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳаларида ҳам намоён бўлади.

Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар билан иқтисодий ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик, НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги шериклик» дастурида мамлакатимиз иштироки унинг жаҳон хўжалигига қўшилишнинг навбатдаги йўналишидир. Жумладан, Европа Иттифоқи билан Республикамиз ўртасида имзоланган **Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим** (1996 йил июн) ташқи иқтисодий фаолиятининг устувор йўналишидир.

Республика иқтисодиётининг алоҳида тармоқларида чет эл инвестициялари ва кредитларидан фойдаланиш қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади (умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида).

Кейинги икки йилда лицей ва коллежларни ўқув-лаборатория қуроллари, таълимнинг техник воситалари, машина ва механизмлар билан жиҳозлаш мақсадида Корея Республикаси ва Осиё тараққиёт банкининг кредитлари жалб қилинди. Япония ҳукумати билан кредит ажратиш масаласида келишувга эришилди.

Умуман, шу мақсадлар учун жалб қилинган чет эл инвестицияларининг миқдори 2000 йилда 150 миллион АҚШ долларини ташкил қилди[2].

---

[1] *Каримов И.А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 17 февраль, 37-сон (2599).

[2] *Каримов И.А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 17 февраль, 37-сон (2599).



Хорижий шериклар билан қўшма корхоналар барпо этиш дастури доирасида фақат 2001 йил мобайнида мамлакктимизнинг барча минтақаларида чет эл сармояси иштирокида 90 та янги корхона ташкил этилди.[1]

Ўзбекистоннинг **Халқаро валюта фонди ва жаҳон банки** билан ҳамкорлиги ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишдаги навбатдаги йўналишдир. Бу йўналишда ХВФ билан тизимли қайта қурилишларни маблағ билан таъминлаш, тизимли ва макроиқтисодий сиёсат соҳасидаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш Дастурлари маъқулланди.

Жаҳон банк ташкилотлари — **Халқаро таъмирлаш ва ривожланиш банки (ХРРБ), Халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ), Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ва Инвестицияларни кафолатлаш халқаро агентлиги (ИКХА)** билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий стратегиясини амалга оширишда муҳим рол ўйнайди. Хусусан ХРРБ йўли билан Ўзбекистонга пахта етиштириш усулларини замонавийлаштириб, унинг жаҳон бозорига чиқишига кўмаклашиш ва унумдорликни ошириш учун асос яратиш мақсадида 66 млн. доллар, муассасавий ислоҳотларни давом эттириш учун 120 млн. доллар миқдорлаг ажратилди. Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ҳам Ўзбекистонда бир қатор лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда **Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки** (ЕТТБ) алоҳида рол ўйнай-

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 63-бет.

ли. Республикада амалга оширилаётган умумий қиймати 536 млн. долларга тенг 9 та лойиҳада ЕТТБнинг улуши 253,1 млн. долларни ташкил қилади.

ЕТТБ Ўзбекистонда амалга ошириш кўзда тутилган, умумий суммаси бир млрд.доллардан ортиқ бўлган яна 8 та лойиҳани кўриб чиқиши мўлжалланган.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий ва савдо фаолиятида **Осиё ривожланиш Банки (ОРБ) ҳамда жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)** билан ҳамкорлик истиқболли йўналишлардан ҳисобланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишида дунё мамлакатлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳал қилувчи ўринга эга бўлиб, бу миллий иқтисодиётнинг байналмилаллашувини кучайтиради ҳамда иқтисодий тараққиётини юқори босқичга кўтаришнинг асосий ташқи омиллари ҳисобланади.

Асосий таянч тушунчалар

Халқаро меҳнат тақсимоти — алоҳида мамлакатларнинг товар ва хизматларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашуви.

Халқаро иқтисодий интеграция — жаҳон мамлакатлари ўзаро иқтисодий алоқаларининг чуқурлаштириш ва барқарор ривожланишни ҳамда миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида улар хўжалик алоқаларининг бирлашиб бориш жараёнидир.

Ишчи кучининг халқаро миграцияси — меҳнат ресурсларининг анча қулай шароитда иш билан таъминланиш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтиши.

Эмиграция — ишчи кучининг бир мамлакатдан доимий яшаш учун бошқа мамлакатга чиқиб кетиши.

Иммиграция — ишчи кучининг айнан шу мамлакатга доимий яшаш учун кириб келиши.

Эркин савдо зоналари — иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли бўлиб, унинг доирасида савдо чеклашлари бекор қилинади.

Бож иттифоқи — ягона ташқи савдо тарифлари ўрнатишни ва учунчи мамлакатга нисбатан ягона ташқи савдо сиёсати юритишни тақозо қилади.

Тўлов иттифоқи — миллий валюталарнинг ўзаро алмашинуви ва ҳисоб-китобда ягона пул бирлигининг амал қилиши.

Умумий бозор — бунда унинг қатнашчилари ўзаро эркин савдони амалга ошириш ва ягона ташқи савдо сиёсати ўтказиш билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати таъминланади.

Иқтисодий ва валюта иттифоқи — иқтисодий интеграциянинг энг олий шакли бўлиб, бунда иқтисодий интеграциянинг барча қараб чиқилган шакллари иқтисодий ва валюта-молиявий сиёсат ўтказиш билан бирга уйғунлашади.

ХВФ(МВФ) — Халқаро валюта фонди.

ХТРБ(МБРР) — Халқаро таъмирлаш ва ривожлантириш банки.

ТСКБ(ГАТТ) — Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув.

ИМУК(КОКОМ) — НАТОнинг иқтисодий масалалари уйғунлаштирувчи комитети

ИХРО (ОЭСР) — Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти.

ХРУ (МАР) — Халқаро ривожланиш уюшмаси.

ХМК (МФК) — Халқаро молиявий корпорация.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодий ривожининг энг муҳим ўзига хос хусусияти нимадан иборат? Жаҳон хўжалигининг миллий иқтисодга таъсири қандай?

2. Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларини туркумлаш қандай мезонларга асосланади? Уларни туркумлашга ҳозирги даврда ёндашувларга асосланиб давлатларнинг асосий гуруҳларини ажратиб кўрсатинг.

3. Халқаро меҳнат тақсимоти қандай тамойилларга асосланади? Унда табиий шароитдаги тафовутлар қандай рол ўйнайди?

4. Жаҳон нархлари қандай қийматга асосланади? Жаҳон нархларига таъсир кўрсатувчи омиллар тавсифини беринг.

5. Халқаро иқтисодий муносабатлар нима учун турли шаклларга эга бўлади? Уларнинг асосий шаклларини санаб кўрсатинг.

6. Жаҳон инфратузилмаси таркибий қисмларининг тавсифини беринг ва уларнинг ҳар бирининг аҳамиятини кўрсатинг.

7. Халқаро меҳнат тақсимотини мутлақ ва қиёсий устунлик назариясидан фойдаланиб таҳлил қилинг.

8. Халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солишни нима зарур қилиб қўяди?

9. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларнинг устувор йўналишларини кўрсатинг.

XXV БОБ. Жаҳон бозори. Халқаро валюта ва кредит муносабатлари

Бу бобни миллий иқтисодиётнинг дунё мамлакатлари билан боғланган мураккаб иқтисодий муносабатлар тизимининг таркибий қисми халқаро савдо муносабатларини таҳлил қилиш билан бошлаймиз. Аввало жаҳон савдосининг ривожланиши, омиллари ва тузилишини қараб чиқамиз.

Мавзунинг иккинчи қисмида халқаро муносабатларнинг молиявий ёки валюта томонларини ўрганамиз. Биринчидан, валюта муносабатлари ва ҳозирги замон валюта тизимини қараб чиқамиз. Иккинчидан, валюта курси ва валюта сиёсатини таҳлил қиламиз. Учинчидан, мамлакатнинг тўлов балансини тушунтириш ва таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

1-§. Халқаро савдонинг мазмуни, тузилиши ва хусусиятлари

Ҳозирги жаҳон ривожининг хусусиятли белгиси ташқи иқтисодий алоқаларнинг, аввало, жаҳон савдосининг тез ўсиши ҳисобланади. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланган **жаҳон савдоси ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт** каби кўрсаткичлар билан тавсифланади.

Экспорт товарларни чет эллик мижозларга сотиш бўлиб, бунда мазкур мамлакатларда ишлаб чиқарилган товар мамлакатдан ташқарига чиқарилади. Кўплаб мамлакатлар, чекланган ресурс базасига ва тор ички бозорга эга бўлиб, ўзларининг ички истеъмоли учун зарур бўлган барча товарларни етарли самарадорлик билан ишлаб чиқариш ҳолатида бўлмайди. Бундай мамлакатлар учун экспорт керакли товарларни олишнинг асосий йўли ҳисобланади.

Жаҳон савдосида товарларнинг **экспорт таркиби** фан-техника революцияси ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви таъсири остида ўзгаради. Ҳозирги даврда жаҳон савдосининг экспорт таркибида қайта ишловчи саноат маҳсулотлари етакчи ўринга эга бўлиб, унинг ҳиссасига жаҳон товар айрибошлашининг 3/4 қисми

тўғри келади. Озиқ-овқат, хомашё ва ёқилғи улуши фақат 1/4 қисмини ташкил қилади.

Хизматлар экспорти товарлар экспортидан фарқ қилади. У чет эл валюталари ҳисобига чет эллик истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш, билан боғлиқ бўлиб, унинг бир қисми миллий чегарада амалга оширилади (масалан, чет эл компанияси вакилларига почта, телеграф хизмати кўрсатиш, чет эл фуқароларига сайёҳлик хизмати кўрсатиш ва ҳ.к).

Ўзбекистоннинг ташқи савдосида хорижий давлатларнинг салмоғи қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

19-жадвал

Хорижий ва МДҲ давлатларининг Республика ташқи савдосидаги салмоғи, фоиз ҳисобида[1]

	Ташқи савдо айланмаси			Шу жумладан:					
				Экспорт			Импорт		
	1998	1999	2000	1998	1999	2000	1998	1999	2000
МДҲ давлатлари	26,9	28,2	37,0	26,0	30,4	35,9	27,8	26,0	38,2
Бошқа хорижий давлатлар	73,1	71,8	63,0	74,0	69,6	64,1	72,2	74,0	61,8

Республикамизнинг асосий экспорт маҳсулотларига жаҳон бозорида ноқулай нарх конюнктураси вужудга келганига қарамай, 2001 якунлари буйича ҳам, ташқи савдо айланмасининг 3,1 фоизга ўсиши таъминланди. Ташқи савдо операцияларида 128 млн. АҚШ доллари миқдоридаги ижобий салдога эришилди, олтин валюта захираларимиз аввалги даражада сақлаб қолинди.[2]

Капитал экспорт қилиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Капитал экспорти кредит бериш ёки чет эл корхоналари акцияларини сотиб олишга мақсадли қўйилмалар каби шаклларда амалга оширилиб, капитал чиқарилган вақтда экспорт қилувчи мамлакатдан маблағлар оқимини тақозо қилади ва шу орқали тасарруфида бўлган ресурслар ҳажмини қисқартиради. Бошқа томондан, капитал

---

[1] Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари.

[2] Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 63-бет.

экспорти чет давлатларнинг мазкур мамлакатдан бўлган қарзларини қопайтиради. У жаҳон бозорига товарларнинг кейинги экспорти учун қулай шароит яратади ва чет эл валютасида фоиз ёки дивиденд шаклида барқарор даромад олиш омили ҳисобланади.

Импорт экспортдан фарқ қилиб, чет эллик мижозлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиб, уларни мамлакатга келтиришни билдиради. Товарлар экспорти ва импорти суммаси ташқи савдо айланмаси ёки товар айланмасини дейилади. Қандайдир мамлакат ишлаб чиқарувчи мамлакатдан товарни ўз истеъмоли учун эмас, балки учинчи мамлакатга қайта сотиш учун олган тақдирда реэкспорт рўй беради. Реэкспорт билан реимпорт узвий боғлиқ. **Реимпорт истеъмолчи мамлакатдан реэкспорт товарни сотиб олишни билдиради.**

Ўзбекистонда ташқи савдо айланмаси ва унинг таркиби қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

20-жадвал

Ўзбекистонда ташқи савдо айланмаси ва унинг таркиби, (фоиз ҳисобида)[1]

Кўрсаткичлар	1998	2000
Ташқи савдо айланмаси	100,0	100,0
Экспорт	51,8	52,5
Импорт	48,2	47,5
Экспорт, жами:	100,0	100,0
Шу жумладан,		
Товарлар	91,2	86,3
Хизматлар	8,8	13,7
Импорт, жами:	100,0	100,0
Шу жумладан,		
Товарлар	95,0	91,5
Хизматлар	5,0	8,5

Халқаро савдо бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Иқтисодий ресурсларнинг ҳаракатчанлиги мамлакатлар ўртасида, мамлакат ичидагига қараганда анча паст бўлади. Масалан, ишчилар мамлакат ичида вилоятдан вилоятга, ҳудуддан-ҳудудга эркин ўтиши мумкин. Мамлакатлар ўртасидаги тил ва маданий тўсиқлар ҳақида гапирмаганда ҳам, иммиграцион қонунлар ишчи кучи-

[1] Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари.

нинг мамлакатлар ўртасидаги миграциясига қаттиқ чеклашлар қўяди. Солиқ қонунчилигидаги, давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа тадбирларидаги фарқлар ва бошқа қатор муассасавий тўсиқлар реал капиталнинг миллий чегара орқали миграциясини чеклайди.

2. Ҳар бир мамлакат ҳар хил валютадан фойдаланади. Бу мамлакатлар ўртасида халқаро савдони амалга оширишда муайян қийинчиликлар туғдиради.

3. Халқаро савдо сиёсий аралашув ва назоратга маҳкум бўлиб, бу ички савдога нисбатан қўлланиладиган тадбирлардан хусусияти ва даражаси бўйича сезиларли фарқланади.

Қиёсий харажатлар назариясига кўра эркин савдо туфайли, жаҳон хўжалиги ресурсларни самарали жойлаштиришга ва моддий фаровонликнинг юқори даражасига эришиши мумкин. **Протекционизм, яъни эркин савдо йўлидаги тўсиқлар** халқаро ихтисослашувдан олинадиган нафни камайтиради ёки йўққа чиқаради.

Эркин савдо йўлида жуда кўп **тўсиқлар** мавжуд бўлади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

— **Бож тўловлари** импорт товарларга акциз солиқлари ҳисобланади, у даромад олиш мақсадида ёки ҳимоя учун киритилиши мумкин.

— **Импорт квоталари** ёрдамида маълум бир вақт оралиғида импорт қилиниши мумкин бўлган товарларнинг максимал ҳажми ўрнатилади.

— **Таърифсиз тўсиқлар** дейилганда лицензиялаш тизими, маҳсулот сифатига стандартлар қўйиш ёки оддий маъмурий тақиқлашлар тушунилади.

— **Экспортни ихтиёрий чеклашлар** савдо тўсиқларининг нисбатан янги шакли ҳисобланади. Бу ҳолда чет эл фирмалари ўзларининг маълум мамлакатга экспортини «ихтиёрий» чеклайди.

Мамлакатлар халқаро савдо ёрдамида ўзларининг давлатлараро ихтисослашувини ривожлантириши, ўзларининг ресурслари унумдорлигини ошириш ва шу орқали ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини кўпайтириши мумкин. Алоҳида давлатлар, энг юқори нисбий самарадорлик билан ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарларга ихтисослашиши ва уларнинг ўзлари самарали ишлаб чиқариш ҳолатида бўлмаган товарларга айирбошлаш ҳисобига ютиш мумкин.

Бу ерда мамлакатлар нима учун савдо-сотиқ қилади? — деган савол туғилади. Биринчидан, иқтисодий ресурслар дунё мамлакатлари ўртасида жуда нотекис тақсимланади, мамлакатларнинг иқти-

содий ресурслар билан таъминланиши кескин фарқланади. Иккинчидан, ҳар хил товарларни самарали ишлаб чиқариш ҳар хил технология ёки ресурслар уйғунлашувини талаб қилади. Бу икки ҳолатнинг халқаро савдога таъсирини осон тушунтириш мумкин. Масалан, Япония кўп ва яхши тайёрланган ишчи кучига эга, малакали меҳнат ортиқча бўлганлиги сабабли арзон туради. Шу сабабли, Япония тайёрлаш учун кўп миқдорда малакали меҳнат талаб қилинадиган турли-туман меҳнат сиғимли товарларни самарали ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Австралия эса аксинча, жуда кенг майдонларига эга бўлган ҳолда етарли бўлмаган миқдорда инсон ресурслари ва капиталга эга.

Қисқача айтганда, ҳимоя қилинадиган тармоқлар савдо тўсиқларини киритишдан оладиган фойда бутун иқтисодиёт учун анча катта йўқотиш ҳисобланади.

2-§. Тўлов баланси, унинг тузилиши ва тақчиллиги

Тўлов баланси — мамлакат резидентлари (уй хўжаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет элликлар ўртасида маълум вақт оралиғида (одатда бир йилда) амалга оширилган барча иқтисодий келишувлар натижасининг тартибга солинган ёзуви.

Иқтисодий келишувлар — қийматнинг ҳар қандай айирбошланиши, яъни товарлар, кўрсатилган хизматлар ёки бошқа активларга мулкчилик ҳуқуқининг бир давлат резидентларидан бошқа давлат резидентларига ўтиши бўйича ўзаро келишувлар. Ҳар қандай келишув икки томонига эга бўлади ва шу сабабли тўлов балансида икки томонлама ёзув тартибига риоя қилинади. Битта келишув тўлов балансининг ҳам дебет ва ҳам кредит қисмларида ўз ифодасини топади.

Тўлова балансининг кредит қисмида — қийматнинг мамлакатдан чиқиб кетиши ва, унинг ҳисобига мазкур мамлакат резидентлари чет эл валюталарида қопловчи тўловлар олиши акс этади. Дебет қисмида — қийматнинг мазкур мамлакатга кириб келиши ва унинг ҳисобига резидентлар чет эл валюталарни сарфлаши кўрсатилади. Тўлов балансида кредитлар умумий суммаси дебетларнинг умумий суммасига тенг бўлиши зарур.

Тўлов балансидаги барча келишувлар ўз ичига жорий ва капитал билан операцияларни олиши сабабли у учта таркибий қисмдан иборат бўлади:

1. Жорий операциялар ҳисоби;
2. Капитал ҳаракати ҳисоби;
3. Расмий захираларнинг ўзгариши.

Тўлов балансининг тузилиши

I. Жорий операциялар ҳисоби	
1.Товар экспорти	2.Товар импорти
Ташқи савдо баланси қолдиғи	
3.Хизматлар экспорти (чет эл туризмидан даромадлар ва ҳ.к. — кредитли хизматлар)	4.Хизматлар импорти (туризм учун чет элга тўловлар ва ҳ.к. — кредитли хизматлар)
5.Инвестициялардан соф даромадлар (кредитли хизматлардан соф даромадлар)	
6.Соф трансфертлар	
Жорий операциялар бўйича баланс қолдиғи	
II. Капитал ҳаракати ҳисоби	
7. Капитал кириши	8. Капитал оқиб чиқиши
Капитал ҳаракати баланси қолдиғи	
Жорий операциялар ва капитал ҳаракати баланси қолдиғи	
III. Расмий захираларнинг ўзгариши	

Мамлакатнинг ташқи савдо баланси (тўлов баланси) мазкур давлатнинг чет эллик шериклари билан халқаро иқтисодий муносабатларнинг ҳолатини ифодалаб, унинг кредит-пул, валюта, бюджет-солиқ, ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш ва давлат қарзларини тартибга солиши учун индикатор бўлиб хизмат қилади.

Жорий операциялар ҳисоби ўз ичига товар ва хизматлар экспорти («+» белгиси билан), импорт («—» белгиси билан), инвестициялардан соф даромад ва соф трансфертларни олади. Товарлар экспорти ва импорти ўртасидаги фарқ савдо балансини ташкил қилади.

Товар экспорти кредит сифатида чиқиб, миллий банкда чет эл валюталари захираларини вужудга келтиради. Импорт эса («дебет» графасида «—» белгиси билан) мамлакатдаги чет эл валюталари заҳирасини қисқартиради.

Инвестициялардан соф даромадлар (чет элдан соф омилли даромадлар) кредитли хизматлардан олинадиган соф даромад ҳисобланиб, у чет элларга қўйилган миллий пул капитали ҳисобига келади. Агар чет элга қўйилган миллий капитал мазкур мамлакатга қўйилган чет эл капиталига қараганда фоиз ва дивидентларнинг кўпроқ ҳажимини келтирса, бунда инвестициялардан олинадиган соф даромад ижобий, акс ҳолда эса салбий бўлади.

Соф трансфертлар хусусий ва давлат маблағларнинг бошқа мамлакатларга ўтказилган суммасини билдиради (пенсия, совға, чет элга пул ўтказишлар ёки чет мамлакатларга инсонпарварлик ёрдамлари). Бундай тўловлар мамлакатда мавжуд чет эл валюталари захирасини камайтиради.

Макроиқтисодий моделда жорий операциялар ҳисоби қолдиғи қуйидагича ифодаланади:

X	–	M	=	Xn	=	У	–	(c+I+G)
экспорт		импорт		соф экспорт		ЯИМ		Абсорбация

Абсорбация — ялпи ички маҳсулотнинг мазкур мамлакатдаги уй хўжаликлари, корхоналар ва давлатга реализация қилинадиган қисми.

Импортга тўловлар экспортдан олинган даромаддан ортиқча бўлса, бу мамлакатнинг жорий операциялар бўйича баланси тақчиллигини билдиради. Бу тақчиллик чет эл қарзлари ёрдамида ёки активларнинг бир қисмини чет элликларга сотиш йўли билан молиялаштирилади ва бу капитал ҳаракати ҳисобида акс этади.

Экспортдан олинадиган даромад импортга сарфлардан ортиқ бўлса, жорий операциялар ҳисоби ижобий қолдиққа эга бўлади.

Капитал ҳаракати ҳисобида активлар билан амалга ошириладиган барча халқаро битимлар ўз ифодасини топади. Булар чет элликларга акциялар, облигациялар, кўчмас мулк ва ҳ.к. сотишдан олинадиган даромадлар ҳамда чет элдан активлар сотиб олиш натижасида вужудга келадиган сарф харажатлар.

Капитал ҳаракати балансы	=	Активлар сотишдан тушумлар	–	Четдан активлар сотиб олишга сарфлар

Чет эл активларини сотиш чет эл валюталари захираларини кўпайтиради, уларни сотиб олиш эса камайтиради. Капитал ҳаракати ҳисоби ҳам тақчилликка ва ижобий қолдиққа эга бўлади.

Тўлов балансининг тақчиллиги Марказий банк (МБ) расмий захираларини қисқартириш ҳисобига молиялаштирилиши мумкин. Расмий захираларнинг асосийлари қуйидагилар:

— чет эл валюталари;

— олтин;

— мамлакатнинг ХВФдаги кредит улуши;

— қарз олишнинг махсус ҳуқуқи (SDR) ва ҳ.к.

Баланс тақчиллиги расмий захиралар ҳисобига молиялаштирилганда, ички бозорда чет эл валюталари таклифи ортади, миллий валюталар таклифи эса нисбатан камаяди ва унинг айирбошлаш курси нисбатан ўсиб миллий иқтисодиётга инқирозли таъсир кўрсатади.

Аксинча, тўлов балансининг актив қолдиғи МБ расмий валюта захираларининг ўсиши билан бирга борганда ички бозорда чет эл валюталари таклифини камайтиради, миллий валюта таклифи эса нисбатан ортади ва унинг айирбошлаш курси пасайиб, иқтисодиётга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

МБ томонидан чет эл валюталарининг бундай сотилиши ва сотиб олиниши расмий захиралар билан операциялар дейилади. (Бу МБнинг очиқ бозордаги операциялари билан бир хил эмас). Расмий захиралар билан операциялар натижасида жорий ҳисобдаги қолдиқ суммаси, капитал ҳаракати ҳисоби ва захиралар миқдорининг ўзгариши «нол»ни ташкил қилиши зарур.

Мамлакат узоқ давр давомида жорий операциялар бўйича тақчилликни бартараф қилишни кечиктириши ва ўзининг расмий валюта захираларини тўлиқ сарфлаши натижасида тўлов баланси кризиси келиб чиқади. Мамлакатда ташқи қарзларни тўлаш ҳолатида бўлмаганлиги сабабли, чет элдан кредитлаш имконияти мавжуд бўлмайди.

Иқтисодиёт субъектларининг давлат ва МБ сиёсатига ишончсизлиги тўлов баланси кризисини чуқурлаштирувчи омил ҳисобланади. Миллий валюта қадрсизланишининг кутилиши чет эл валюталарига чайқовчиликка қаратилган талабни рағбатлантиради. Бу МБнинг миллий валюта қадрсизланишининг олдини олишга қаратилган ҳаракатини анча қийинлаштиради, чунки унинг расмий валюта эҳтиёжлари бир вақтда тўлов балансининг тақчиллигини молиялаштириш ва чет эл валюталарига ўсиб борувчи чайқовчилик талабини қондириш учун етарли бўлмай қолади. Бундай ҳолда валюталарнинг, «ҳўфён бозори» вужудга келиб, ривожлана бошлайди.

Республикамизда давлат бюджети тақчиллиги ижобий хусусиятга эгалиги, ташқи савдо айланмасида ижобий салдога эришилганлиги (2000 йил 317,3 млн. АҚШ доллари миқдорида) ва олтин-валюта захираларимизнинг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги «...мамлакатимиз тўлов балансининг барқарорлигини таъминлашда

мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади ва ташқи иқтисодий шерик сифатидаги Ўзбекистонга бўлган ишончни орттиради»[1].

3-§. Халқаро валюта-кредит муносабатлари ва валюта тизимлари

Пулнинг жаҳон хўжалигида амал қилиши ва турли халқаро иқтисодий алоқаларга (ташқи савдо, ишчи кучи ва капитал миграцияси, даромадлар, қарзлар ва субсидиялар оқими, фан-техника айирбошлаш, туризм ва ҳ.к.) хизмат қилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар — халқаро валюта-кредит муносабатлари деб аталади. У пулнинг **халқаро тўлов муносабатида амал қилиш** жараёнида вужудга келади. **Валюта** — бу мамлакатлар пул бирлиги (масалан, сўм, доллар, фунт стерлинг ва ҳ.к.). Ҳар бир миллий бозор ўзининг миллий валюта тизимига эга бўлади. Бунда миллий ва халқаро валюта тизимини фарқлаш зарур. **Миллий валюта тизими** — валюта муносабатларининг миллий қонунчилик билан белгиланадиган, мазкур мамлакатда ташкил қилиниш шаклини ифодалайди. Халқаро валюта тизими — халқаро валюта муносабатларининг давлатлараро битимларда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган шакли.

Унинг **таркибий элементлари** қуйидагилар ҳисобланади: асосий халқаро тўлов воситалари (миллий валюталар, олтин, халқаро валюта бирликлари — СДР, Евро), валюта курсларини белгилаш ва ушлаб туриш механизми, халқаро тўловларини баланслаштириш тартиби, валютанинг қайтарувчанлик шароити, халқаро валюта бозори ва олтин бозори тартиби, валюта муносабатларини тартибга солувчи давлатлараро муассасалар тизими.

Жаҳон валюта тизими ўзининг ривожланишида **учта босқичдан** ўтди ва уларнинг ҳар бирига халқаро валюта муносабатларини ташкил қилишнинг ўз турлари мос келади. **Биринчи босқич** 1879-1934 йиллар даврини ўз ичига олиб, бунда олтин андоза сифатидаги пул тизими устунликка эга бўлган. Иккинчи жаҳон уруши охири (1944 й.)дан 1971 йилгача олтин-девизли (Бретон-Вудс тизими деб номланувчи) тизим устунликка эга бўлган. Бу икки тизим қайд қилинадиган валюта курсларига асосланган. Ҳозирги даврда амал қилувчи жаҳон валюта тизими 1971 йилда ташкил топган бўлиб, бу тизим **бошқариладиган сузиб юрувчи валюта тизими** номини олди. Чунки

---

[1] *Каримов И.А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. «Халқ сўзи» газетаси. 2000 йил 17 февраль, 37-сон.

давлат кўпинча ўз валюталарининг халқаро қийматини ўзгартириш учун валюта бозорининг фаолият қилишига аралашади.

Олтин андоза тизими қайд қилинган валюта курсининг мавжуд бўлишини кўзда тутади. Банклар ўзлари чиқарган банкнотларни олтинга алмаштирган. Халқаро тўловларни мувофиқлаштириш воситаси бўлиб, олтинни эркин чиқариш ва киритиш хизмат қилган. Мамлакат учта шартни бажарса олтин андоза қабул қилинган деб ҳисобланган: а) ўз пул бирлигининг маълум олтин мазмунини ўрнатади; б) ўзининг олтин захираси ва пулнинг ички таклиф ўртасидаги қаттиқ нисбатни ушлаб туради; в) олтиннинг эркин экспорт ва импортига тўсқинлик қилмайди. Олтин андоза пул бирлигининг олтин мазмуни нисбатига асосланади. Олтин андоза шароитида, турли мамлакатлар пул бирлигининг нисбати уларнинг расмий олтин мазмуни бўйича ўрнатилади.

Олтин андоза барбод бўлгандан кейин, валюта соҳасини тартибга солишнинг ўзаро мақбул йўлини топишга ҳаракат қилинди. Янги жаҳон валюта тизими асосларини ишлаб чиқиш мақсадида, 1944 йил Бреттон-Вудсда (АҚШ) иттифоқчи давлатларнинг халқаро конференцияси чақирилди. Бу конференцияда ўзаро боғлиқ валюта курсларини тартибга солиш тизимини яратиш ҳақидаги келишувга эришилди ва бу кўпинча Бреттон-Вудс тизими деб аталади. Мазкур тизим олдинги олтин андозадан кескин фарқ қилмайди. Унинг асосида *олтин-валюта андоза* (АҚШ доллари) ётади ва бу ерда резервлар сифатида *олтин ва доллар чиқади*.

Долларнинг олтинга алмашиниши расман тўхтагандан кейин, валютанинг қайд қилинган курси, **сузиб юрувчи курсига ўрин** бўшатади. Халқаро валюта тизимидаги бу ўзгариш 1976 йил Кингстон (Ямайка) даги келишувга биноан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланади. Қоғоз пул тизимига ўтиш билан қоғоз пуллар олтинга алмаштирилмайди. Беқарор курслар шароитида валюта курси ҳам ҳар қандай бошқа баҳо каби талаб ва таклифнинг бозор кучлари билан белгиланади.

Ҳар қандай валюта тизимининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири валюта курси ҳисобланади. **Валюта курси бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасидаги баҳосидир.**

Валюта курсларига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар ичидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

— миллий даромад ва ишлаб чиқариш харажатлари даражаси;

— миллий истеъмолчиларнинг реал харид қилиш лаёқати ва мамлакатдаги инфляция даражаси;

— тўлов баланси ҳолати;
— мамлакатдаги фоиз ставкаси даражаси;
— валютага жаҳон бозоридаги ишонч ва ҳ.к.

Назарий жиҳатдан валюта курсларининг тебранишини тушунтириш, харид қилиш лаёқатининг паритет (турли мамлакатлар пул бирликлари қийматининг бир-бирига нисбати) назарияси ёрдамида берилади. Бу назарияга кўра, курслар нисбатларини аниқлаш учун, икки мамлакат истеъмолчилик товарлари «савати» нархларини таққослаш талаб қилинади. Масалан, агар Ўзбекистонда бундай «сават», айтайлик 25 минг сўм, АҚШда эса 100 дол. турса, 25 мингни юзга бўлиб, 1 дол. нинг баҳосини ҳосил қиламиз, бу 250 сўмга тенг.

Агар Ўзбекистонда муомаладаги пул массасининг кўпайиши оқибатида, товарлар баҳоси икки марта ошса ва барча шароитлар тенг бўлганда долларнинг сўмга айирбошлаш курси икки марта ошади.

Асосий таянч тушунчалар

Экспорт — товарларни чет эллик мижозларга сотиш бўлиб, бунда мазкур мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар мамлакатдан ташқарига чиқарилади.

Импорт — чет эллик мижозлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиб, уларни мамлакатга киритиш.

Реэкспорт — қандайдир мамлакат ишлаб чиқарувчи мамлакатдан товарларни ўз истеъмоли учун эмас, балки бошқа мамлакатга қайта сотиш учун сотиб олишидир.

Реимпорт — истеъмолчи мамлакатдан реэкспорт товарларни сотиб олиш.

Халқаро валюта тизими — халқаро валюта муносабатларида давлатлараро битимларда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган ва халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда қўлланиладиган қоида ва тартиблар.

Валюта курси — бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасида ифодаланган баҳоси.

Тўлов баланси — мамлакат резидентлари (уй хўжаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет эллик жисмоний ва ҳуқуқий шахслар ўртасида маълум вақт оралиғида (одатда бир йилда) амалга оширилган барча иқтисодий фаолиятлар в кесишувлар натижасида валюта тушумлари ва валюта чиқимларининг нисбати.

Иқтисодий битимлар — қийматнинг ҳар қандай айирбошланиши, яъни товарлар кўрсатилган хизматлар ёки активларга мулкчилик ҳуқуқининг бир давлат резидентларидан бошқа давлат резидентларига ўтиши бўйича келишувлар.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ички ва ташқи савдонинг ўхшашликлари нимадан иборат? Уларнинг фарқи-чи? Халқаро савдо қандай кўрсаткичлар билан тавсифланади?

2. Нима учун халқаро савдода сунъий тўсиқлар мавжуд бўлади? Уларга тавсиф беринг.

3. Протекционистик сиёсатнинг ижобий ва салбий томонлари қандай? Уларни таққосланг.

4. Халқаро савдода иқтисодий интеграциянинг аҳамияти қандайлиги ва унда Ўзбекистоннинг иштирок этиши имкониятларини аниқланг.

5. Халқаро валюта тизими ва унинг турларини тушунтиринг. Ҳар бир тизим қандай устунлик ва камчиликларга эга?

6. Давлат валюта курсларини барқарорлаштириш учун қандай усуллардан фойдаланади? Чет эл валюталарига талаб ва таклифга қандай омиллар таъсир кўрсатади?

АДАБИЁТЛАР

I. Президент И.А. Каримов асарлари, Республика қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йули. Т., «Ўзбекистон», 1992.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йули. Т., «Ўзбекистон», 1992.

3. Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. Т., «Ўзбекистон», 1993.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995 й.

5. Каримов И.А. Мақсадимиз тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик. Т., «Ўзбекистон», 1995 й.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т-1, Т., «Ўзбекистон», 1996.

7. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т-2. Т., «Ўзбекистон», 1996.

8. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т-3. Т., «Ўзбекистон», 1996.

9. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т-4. Т., «Ўзбекистон», 1996.

10. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т-5. Т., «Ўзбекистон», 1997.

11. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998.

12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т-6. Т., «Ўзбекистон», 1998.

13. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин. Т., «Ўзбекистон», 1998.

14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.

15 Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. Т , «Ўзбекистон», 1999.

16. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаравон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000.

17. Каримов И.А. Миллий мафкура — давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи (Миллий истиқлол мафкураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқ). 2000 йил 6 апрел. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 7 апрел.

18. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «FIDOKOR» газетаси мухбири саволларига жавоблар. «FIDOKOR», 2000 йил 8 июн.

19. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш — энг муҳим вазифамиз. «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 15 феврал.

20. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 17 феврал. 37-сон.

21. «Ижара тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. Т., «Адолат», 1992.

22. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 14 июл 1992 й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. Т., «Адолат», 1992.

23. «Чет эл инвестициялари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2 июл 1992 й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. Т., «Адолат», 1992.

24. «Ўзбекистон пул тизими ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 7 май 1993 йил. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. Т., «Адолат», 1993.

25. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 15 феврал 1991 й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 5-Т., «Адолат», 1993.

26. «Қимматбаҳо қоғозлар бозори тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 3 сентябр 1993 й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 6-Т., «Адолат», 1993.

27. «Валютани тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 7 май 1993 й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. Т., «Адолат», 1993.

28. «Кичик ва хусусий тадбиркорларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 21 декабр 1995 й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. «Иқтисод ва ҳисобот», 2-сон, 1995.

29. «Табиий монополиялар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрел Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т-16., «Адолат», 1997.

30. Чет эл инвестициялари тўғрисида Қонун, 1998 йил 30 апрел. Ўзбекистон Республикаси (Солиқ тўловчининг журнали 1998 й. 6-сон).

31. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. («Халқ сўзи» газетаси, 1998 й. 19 сентябр.)

32. «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрел Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т-21., «Адолат», 1999.

33. «Табиий монополиялар тўғрисида» (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т-22., «Адолат», 2000.

34. «Бюджет тизими тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Қонуни. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 й. 27 сентябр.

35. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида». Ўзбкистон Республикаси Қонуни. «Хўжалик ва ҳуқуқ», 2000. 9-сон. 3-бет.

36. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Хўжалик ва ҳуқуқ», 2000 й. 10-сон. 6-бет.

37. «Лизинг тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Частная собственность». 2000, 2-сон, 7-бет.

II. Махсус адабиётлар

38. Абдуллаев Ё, Қоралиев Т. 100 савол ва жавоб. Т., «Меҳнат», 1996.

39. Амбарцумов А.А. и др. Экономическаятеория в вопросах и ответах. Учебное пособие. Части I-II. -М.: Соц.- полит. журн. Ассос. «Гуманитарий» 1996.

40. Андреев Б.Ф. Системный курс экономической теории. Микроэкономика — Макроэкономика, Учебное пособие, Санкт-Петербург, Лениздат, 1998.

41.Аткинсон Э. Б. Сталиц Дж.Э. Лекции по экономической теории государственного сектора: Учебник. (Пер с анг.) под.ред. Л. Любимова М.: Аспект Пресс, 1995.

42. Барисов Е.Ф. Экономическая теория. М.; «Знание» России, 1996.

43. Базмер У., Сабов З. и др. Основы экономической теории: принципы, проблемы, политика. Германский опыт и российский путь. — Спб: изд. «Питер», 2000.

44. Бартенов С.А. Экономические теории и школы. Курс лекций. -М.: изд. Бек, 1996.

45. Брагинский С.В., Певзнер Я. А., Политическая экономия: дискуссионные проблемы, пути обновления. М: Мысл, 1991.

46. Ивашковский С.Н. Экономика: Микро и макроанализ. Учебно-практическое пособие.М: Дело, 1999.

47. Камаев В.Д. Основы экономической теории. М.изд. МГТУ им. Н.Э.Баумана. 1996.

48. Курс экономическая теория. М.; Издательство «Дис», 1997.

49. Курс экономической теории. Под общ. ред. проф. Чепурина М.Н., проф. Киселевой К.А., Киров, изд. «Аса» 1998.

50. Курс экономической теории: учебник — 4-е дополненное и переработанное издание — Киров: «Аса», 1999.

51. Макконелл К., Брюс С.Л. «Экономикс», Т1,2. М.; «Республика», 1992.

52. Маршалл А. Принципы экономической науки., Т.II. Пер.с анг. М., Изд группа «Прогресс», «Универс» 1993.

53. Мостовая Е.Б. Основы экономической теории. Курс лекций. М.: Инфра М. Новосибирск. НГАЭиУ, 1997.

54. Носова С.С. Экономическая теория: Краткий курс. Учеб. пособие. М.: Гуманит. Изд. центр Владос, 2001.

55. Нухович Э. Гуманистический аспект экономической теории. Финан. -экон. школа, Редакционно-изд. отдел, Москва 1994.

56. Основы экономической теории и практика рыночных реформ в России: Учебное пособие для вузов. М.М. Вагорульно и др. М.: Изд. корп. «Логос», 1997.

57. Основы экономической теории. Политэкономия. Учебник для вузов. Под ред. Д.Д. Москвина. М.: Эдитфиал УРСС. 2001.

58. Основы экономической теории: Справочник (сост. Кураков Л.П. и др. — Чебоксары: Волго Вятский вузам», 1996.

59. Прыкин Б.В. Новейшая теоритическая экономика. Гиперэкономика: Учебник - М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1998.

60. Сажина М.А., Чибриков Г.Г., Основы экономической теории. Москва, «Экономика — техлит», 1996.

61. Сажина М.А., Чибриков Г.Г., Экономическая теория. Учебник для вузов. М: изд. группа Норм - Инфра, 1998.

62. Радаев В.В., Бузгилина А.В. Экономика переходного периода. М.; 1995.

63. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. М.; Дело-ЛТД, 1995 г.

64. Шодмонов Ш., Жўраев Т., «Иқтисодиёт назарияси» маъруза матнлари. Т., «ДИТАФ», 2000 й.

65. Шодмонов Ш., Ғанихўжаева Ф. «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш». Т., «Меҳнат», 1993.

66. Шишкин А.Ф. Экономичекая теория: Учебное пособие для ВУЗОВ. 2-е Изд: В 2КН. КН 1. М: Гуманит. Изд.Центр Владос, 1996.

67. Экономичекая теория: Учебник для студентов высших учебных заведений. Кол.авт. К. Абдурахманов и др. «Шарк», 1999.

68. Экономическая теория: Под. Ред. И.П. Николаевой М.: «Проспектный», 1998.

69. Экономичекая теория: Учебник для ВУЗОВ Третье издания Под. Ред. А.И. Добрынина и Л.С. Тарасевича. Санкт-Петербург. Изд. «Питер», 2000.

70. Экономичекая теория: (полит экономия) Под. Ред. В.И.Видяпина и др. М.: Изд. Рос. экон. Акад. 2000.

71. Экономичекая теория: Практикум под общ.ред. Н.И.Базылева, Л.В. Воробьевой, Минск БГЭУ, 2000 г.

72. Экономическая теория: Учеб. Пособия. А. Қодиров и др. ТГТУ. Т., 1999 г.

73. Экономичекая теория: Учебное пособие. Под. общ. ред. Н.Н. Соловых. М.: «Талант», 1998.

74. Экономическая теория. Под ред. Н.И. Базылева, С.П. Гурко, Минск, БГЭУ 1998.

75. Экономическая теория в школе. Книга для учителя. Архипов и др. Роставна — дону, изд. «Феникс», 1996.

76. Экономическая теория в вопросах и ответах. Учебное пособие. под. общ. ред. Белоусов В.М. — Ростов н/д: изд. «Феникс», 1998.

77. Экономическая теория на пороге XXI века — 2. /под. ред. Ю.М.Осипова и др. М.: Юрист, 1998.

78. Юсупов Ю.Б. Становление и развитие Экономической науки. Ташкент, 1999.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш 3

I Б Ў Л И М. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

I БОБ. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва билиш услуби

1-§. Иқтисодиёт ва унинг бош масаласи. 8
2-§. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши. 18
3-§. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва вазифалари. 21
4-§. Иқтисодий қонунлар ва категориялар (илмий тушунчалар). 27
5-§. Иқтисодий жараёнларни илмий билишнинг услублари. 29

II БОБ. Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари

1-§. Ишлаб чиқариш омиллари ва унинг таркиби. 34
2-§. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни. 38
3-§. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари. 44
4-§. Ишлаб чиқариш имкониятлари ва унинг чегараси. 53
5-§. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари. .. 57

III БОБ. Ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва мулкчилик муносабатлари

1-§. Ижтимоий тараққиёт босқичлари ва иқтисодий тизимлар, уларни билишга бўлган турлича ёндашувлар. 63
2-§. Мулкчилик муносабатларининг моҳияти ва иқтисодий мазмуни. Мулк объектлари ва субъектлари. 70
3-§. Мулкчиликнинг турли шакллари ва уларнинг иқтисодий мазмуни. 73
4-§. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўллари, мақсади ва усуллари. 77

IV БОБ. Товар-пул муносабатлари ривожланиши бозор иқтисодиёти шаклланиши ва амал қилинишининг асосидир

1-§. Натурал ишлаб чиқаришдан товар ишлаб чиқаришга ўтиш ва унинг ривожланиши. 84
2-§. Товар ва унинг хусусиятлари. 86
3-§. Қийматнинг меҳнат назарияси ва қўшилган миқдор нафлилиги назариялари. 89
4-§. Пулнинг келиб чиқиши, моҳияти ва вазифалари. 94

II Б Ў Л И М. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ НАЗАРИЯСИ

V БОБ. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал қилиши. Бозор ва унинг тузилиши

1-§. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва унинг асосий белгилари. 102
2-§. Бозор иқтисодиётида доимий ва асосий муаммоларнинг ҳал қилиниши. 105
3-§. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари. 108
4-§. Бозор тушунчаси ва бозорнинг вазифалари. 110
5-§. Бозорнинг турлари ва тузилиши. 116
6-§. Бозор инфратузилмаси ва унинг унсурлари. 120

VI БОБ. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг хусусиятлари

1-§. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари ва хусусиятлари. 124
2-§. Республикада бозор ислоҳотларини амалга ошириш ва унинг асосий йўналишлари. 130
3-§. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида макроиқтисодий барқарорликка эришиш вазифалари. 140

VII БОБ. Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати

1-§. Талаб тушунчаси ва унинг миқдорига таъсир қилувчи омиллар. Талаб қонуни. 146
2-§. Таклиф тушунчаси. Таклиф қонуни. Таклиф миқдорига таъсир қилувчи омиллар. 150
3-§. Талаб миқдори ва таклиф миқдори ўртасидаги нисбат ҳамда унинг ўзгариши. 153

VIII БОБ. Рақобат ва нархнинг ташкил топиши

1-§. Рақобатнинг моҳияти, шакллари ва усуллари. 158
2-§. Нархнинг мазмуни ва унинг вазифалари. 165
3-§. Нарх турлари ва уларнинг мазмуни. 171
4-§. Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитининг вужудга келиши ва антимонопол қонунчилик. Нарх сиёсати. 173

IX БОБ.Тадбиркорлик фаолияти. Тадбиркорлик капитали ва унинг айланиши

1-§. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, унинг вазифалари ва ривожланиш шарт-шароитлари. 180
2-§. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари. 183
3-§. Тадбиркорлик капиталининг ҳаракати ва унинг босқичлари. 189
4-§. Тадбиркорлик капиталининг айланиши. Асосий ва айланма капитал. 192
5-§. Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги. 196

X БОБ.Корхона (фирма) харажатлари ва фойдаси

1-§. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва унинг таркиби. 205
2-§. Қисқа ва узоқ даврда ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ўзгариш тамойиллари. 209
3-§. Фойданинг мазмуни. Фойда нормаси ва массаси. 212

XI БОБ. Иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари

1-§. Яратилган маҳсулот ва даромадларнинг тақсимланиш тамойиллари. 215
2-§. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни. 218
3-§. Иш ҳақини ташкил этиш шакллари ва тизимлари. 221
4-§. Меҳнат муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва касаба уюшмаларининг роли. 223

XII БОБ.Аграр муносабатлар ва агробизнес

1-§. Аграр муносабатлар ва уларнинг хусусиятлари. 227
2-§. Рента муносабатлари. 231
3-§. Агросаноат интеграцияси. Агросаноат мажмуаси ва унинг таркиби. 238
4-§. Агробизнес ва унинг турлари. 239

III БЎЛИМ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ (МАКРОИҚТИСОД)НИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

XIII БОБ. Миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари. Ялпи миллий маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари

1-§. Миллий иқтисодиётнинг қарор топиши ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари. 244
2-§. Ялпи миллий маҳсулотнинг мазмуни, таркибий қисмлари ва ҳаракат шакллари. 246
3-§. Ялпи миллий маҳсулотни ҳисоблаш усуллари. 250

XIV БОБ. Ялпи талаб ва ялпи таклиф

1-§. Ялпи талаб тушунчаси ва унинг ҳажмига таъсир қилувчи омиллар. 259
2-§. Ялпи таклиф тушунчаси. Ялпи таклиф таркиби ва унга таъсир қилувчи омиллар. 263
3-§. Ялпи талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатлилик ҳамда унинг ўзгариши. 267

XV БОБ. Истеъмол, жамғарма ва инвестициялар

1-§. Истеъмол ва жамғарманинг иқтисодий мазмуни ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги. 271
2-§. Жамғаришнинг моҳияти, омиллари ва самарадорлиги. 275
3-§. Инвестициялар ва унинг даражасини белгиловчи омиллар. 276

XVI БОБ. Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик

1-§. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, турлари ва кўрсаткичлари. 281
2-§. Иқтисодий ўсишнинг омиллари. 284
3-§. Миллий бойлик тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши. 286

XVII БОБ. Миллий иқтисодиётнинг мувозанатлилиги ва нисбатлари

1-§. Иқтисодий мувозанатлик, уни таъминлаш шарт-шароитлари ва аниқлаш усуллари. 292

2-§. Иқтисодий мутаносиблик ва унинг турлари. 295
3-§. Ўзбекистонда иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартиришдаги вазифалари. 297

XVIII БОБ. Иқтисодиётнинг цикллилиги ва макроиқтисодий беқарорлик

1-§. Макроиқтисодий беқарорлик ва иқтисодиётнинг цикллилиги. Иқтисодий инқирозлар. 302
2-§. Таркибий инқирозлар. Аграр инқирозлар ва унинг хусусиятлари. 305
3-§. Иқтисодий цикл назариялари. Циклнинг иқтисодиётни алоҳида соҳаларига таъсири. 307

XIX БОБ. Ялпи ишчи кучи ва унинг бандлиги ва ишсизлик

1-§. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш ва унинг хусусиятлари. 312
2-§. Ишсизлик ва унинг турлари. Ишсизлик даражасини аниқлаш. 314
3-§. Ўзбекистонда бандлик муаммоси ва ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш. 319

XX БОБ. Молия тизими ва молиявий сиёсат

1-§. Молиянинг моҳияти ва вазифалари. Молия тизими. 323
2-§. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари. 326
3-§. Солиқ тизими ва унинг вазифалари. 328
4-§. Ўзбекистонда бюджет ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари. 332

XXI БОБ. Пул-кредит тизими. Банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги роли

1-§. Пул муомаласи ва унинг амал қилиш қонуниятлари. Пулга бўлган талаб ва пул таклифи. 337
2-§. Инфляция, унинг моҳияти ва турлари. 340
3-§. Кредитнинг моҳияти, манбалари ва вазифалари. 341
4-§. Банк тизими. Марказий ва тижорат банклар ҳамда уларнинг вазифалари. 344
5-§. Ўзбекистонда миллий валютани барқарорлаштириш вазифалари. 348

XXII БОБ. Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг иқтисодий роли

1-§. Давлатнинг бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги роли ва вазифалари ҳақидаги назариялар. 352
2-§. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, унинг мақсади ва вазифалари. 355
3-§. Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиш усуллари ва воситалари. 360

XXIII БОБ. Аҳоли даромадлари ва давлатнинг ижтимоий сиёсати

1-§. Аҳолининг даромадлари ва унинг таркиби. Аҳоли турмуш даражаси ва унинг кўрсаткичлари. 365
2-§. Даромадлар тенгсизлиги ва унинг даражасини аниқлаш. .. 368
3-§. Давлатнинг ижтимоий сиёсати. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари. 371

IV БЎЛИМ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ

XXIV БОБ. Жаҳон хўжалиги ва унинг эволюцияси

1-§. Иқтисодий ривожланишнинг умумжаҳон томонлари ва ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви. 375
2-§. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг шакллари. Жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши. 378
3-§. Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, шакллари ва объектив асослари. Қиёсий устунлик назарияси. 381
4-§. Жаҳон хўжалик алоқаларини халқаро тартибга солиш. 383
5-§. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши ва ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари. 386

XXV БОБ. Жаҳон бозори. Халқаро валюта ва кредит муносабатлари

1-§. Халқаро савдонинг мазмуни, тузилиши ва хусусиятлари. 393
2-§. Тўлов баланси, унинг тузилиши ва тақчиллиги. 397
3-§. Халқаро валюта-кредит муносабатлари ва валюта тизимлари. 401

Адабиётлар. 405

ШЕРҚУЛ ШОДМОНОВИЧ ШОДМОНОВ,
РАИМЖОН ҲАКИМОВИЧ АЛИМОВ,
ТОШБОЛТА ТЎХТАЕВИЧ ЖЎРАЕВ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

Тошкент — «Молия» нашриёти — 2002

Муҳаррир *М. Тожибоева*
Техник муҳаррир *А. Мойдинов*
Компьютерда саҳифаловчи *Н. Зайтова*

Босишга рухсат этилди 05.07.2002 й. Бичими 60x84 1/16. «TimesUZ» ҳарфида терилиб, офсет усулида босилди. Босма табоғи 26,0. Нашриёт ҳисоб табоғи 24,7. Адади 5000 Буюртма №37. Баҳоси шартнома асосида

«Молия» нашриёти, 700000, Тошкент, Якуб Колас кўчаси, 16-уй. Шартнома №01-02.

"Кибернетика" институти босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Ф.Хўжаев кўчаси, 34.